


Муиниддин Натанзий

МУНТАХАБ  
УТ-ТАВОРИХИ  
МУИНИЙ



94(575.1) 2016183  
H-29 3293

Kamangar M.  
merkaz gm-  
+  
79000.

2016183  
3293





Муиниддин Натанзий

МУНТАХАБ  
УТ-ТАВОРИХИ  
МУИНИЙ

(МУИНИЙ ТАРИХЛАРИ  
ТАНЛАНМАСИ)



ИЗДАВАЕТСЯ В РАМКАХ

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2011

УДК: 94 (575.1)  
ББК 63.3 (5У) 4  
Н 29

94 (575.1)

ғ. 8. Годжаев

Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Ўулом КАРИМИЙ  
Масъул мухаррир: Асомиддин ЎРИНБОЕВ, тарих фанлари доктори,  
Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби

### Такризчилар:

Убайдулла УВАТОВ – тарих фанлари доктори  
Омонулла БЎРИЕВ – тарих фанлари номзоди

№ - 314 # 3/302

Темурийлар даврининг етук муаррихи Муиниддин Натанзийнинг 1412–1414 йилларда форс тилида яратилган «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» («Муиний тарихлари танланмаси») асари аслияти ғоят катта ҳажмда бўлиб, унда энг кадимги замонлардан то Амир Темур вафотигача (1405 йил, 18 февраль) жаҳондаги бир катор мамлакатларда рўй берган муҳим тарихий воеалар баён килинган. Асарнинг охирги кисмлари бевосита Амир Темур даврига бағишланган бўлиб, соҳибқирон салтанати тарихига оид энг мўътабар манбалар сирасига киради. «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» муаллифи Амир Темур замондоши бўлиб, ўз даври манзараларини бевосита кузатиш, тарихий воеаларнинг иштироқчилари билан сухбатлашиб, керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлган. Амир Темурнинг ўсмирилик ва йигитлик даврида содир бўлган баъзи муҳим воеалар бу асарда бошқа манбаларга нисбатан кенгрок ёритилган. Шунингдек, соҳибқироннинг ҳарбий маҳорати, ўша даврида фаол кўпланилган кўпилаб ҳарбий атамалар ва жанги усуслари хақида янги маълумотлар мавжуд. Ушбу кимматли тарихий манбанинг Амир Темур даврига оид кисмларининг ўзбек тилига таржимаси илк бор тўлиқ ҳолида нашр этилмоқда.

Нашр Амир Темур таваллудининг 675 йиллигига бағишлиланади.

Ko'makchi fond

ISBN 978-9943-01-631-6

Alisher Navoiy

2016/83

н. 44351

3253

Ўзбекистон МҚ

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011



## **«МУНТАХАБ УТ-ТАВОРИХИ МУИННИЙ» ДА АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИННИГ ЁРИТИЛИШИ**

XV асрда Амир Темур ва Темурийлар давлатида тарихнавислик юксак даражада тарақкий ётди. Бу ҳолнинг бош сабабларидан бири шуки, Амир Темурнинг ўзи ва соҳибкирондан ибрат олган автодлари тарихнависликни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришган. Муаррихларга асарларини ёзиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатлар тақдим этилган. Амир Темур даврида катъий тарзда йўлга кўйилган барча ҳарбий юришлар тафсилотлари ҳамда ҳар бир жангнинг баёнини ўз вақтида бахшилар (битикчилар) томонидан туркий тилда уйғур ёзувида ёзиб бориш одати ксийнги темурийлар даврида ҳам мавжуд бўлганини Мирзо Мухаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асаридаги бир маълумот тасдиқлайди. Мухаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Заҳирилдин Мухаммад Бобур Ҳамза султонига карши жанг килиб галаба қозонганида, Жонаҳмад атка бошчилигидаги Мухаммад Ҳайдар мулозимлари жасорат кўрсатиб, душманнинг бир саркардасини тирик ушлашади. Жангдан сўнг Бобур: «Бу – Мирзо Ҳайдарнинг биринчи иши, бинобарин, бахшилар мукофот дафтарига унинг номини ёзишсин», – дейди<sup>1</sup>.

Юкоридагидан кўринадики, бахшиларнинг вазифаси сафар давомида ҳар бир жанг ёки бошқа муҳим воқеа тафсилоти ҳамда жангда иш кўрсатганлар номини дарҳол, ҳатто ўша воқеа юз берган жойнинг ўзида коғозга тушириш бўлган. Амир Темур ҳарбий фаолиятига оид барча муҳим воқеалар ҳам ўз пайтида бахшилар томонидан туркий тилда битилгани ҳакида маълумотлар мавжуд. Чунки ҳарбий атамалар аксарияти туркий бўлиб, жанговар буйруклар ҳам шу тилда берилгани учун уларни аниклик билан коғозга туширишга туркий тил ўнгай эди. «Муъизз ул-ансоб» асарида соҳибкирон хизматида бўлган уч на-

<sup>1</sup> Мирзо Мухаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. ЎзРФА ШИ қўллэзмаси, № 1430, в. 171а; Мирза Мухаммад Ҳайдар. Тарихи Рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. Джалиловой, Л. Елифановой. Ташкент: Фан, 1996. С. 344.

фар турк баҳшиси – Эларта, Сайнорта ва Темурчақар номлари көлтирилади<sup>1</sup>. Амир Темур 1391 йил баҳорида Тұхтамишхонга карши юриши пайтида Улуттоғда харсанғашоға ўйиб ёздирған ўн бир қаторли битикнинг ҳам уч қатори араб ёзуви ва араб тилида бўлса, тўккиз қатори ўйғур ёзуvida туркий тилда битилған<sup>2</sup>.

Бахшиларнинг туркий битиклари форс тилида Амир Темур тарихини ёзган муаррихлар учун у ё бу даражада материал вазифасини ўтагани шубҳасиз. Ҳар ҳолда, Иброҳим Султон бўйругига кўра тўплланган баҳшилар битиклари «Зафарнома»ни ёзишда Шарафиддин Али Яздийнинг таянч манбалари сирасига кирган.

Аввало, уйғур ёзувини биладиган кишилар камлиги, сониян, ўзида ҳарбий ва давлат сирларини акс эттиргани туфайли мазкур ёзувдаги туркий матнлар кенг тарқалмаган ва, асосан, сарой архивларида сакланган бўлса керак. Кейинчалик, Марказий Осиёда Темурйлар давлати қулагач, уйғур ёзувини биладиган баҳшиларга ҳомийлик килиб, саройларда саклаш анъанаси бутунлай тугагани эҳтимол. Натижада уйғур ёзуви истесмодан чикиб, уни биладиган одамлар деярли қолмагач, бу ёзувдаги темурйлар даврига оид бебаҳо туркий матнларнинг аксарияти несту нобуд бўлиб йўқолиб кетган, деб ўйлаймиз.

Амир Темур ҳаёлиги даврида соҳибқирон тарихига бағишланиб форс тилида ёзилган ва бизнинг давримизгача етиб келган дастлабки асар Фиёсиддин Алиниң «Рўзнома-иे ғазовоте Ҳиндистон» («Ҳиндистон ғазовоти кундалиғи») китоби бўлиб, унинг жаҳондаги ягона қўллэзма нусхаси Тошкентда сакланади<sup>3</sup>. Мазкур асарда Амир Темурнинг Ҳиндистон юришигача бўлган фаолияти кискача ёритилиб, Ҳиндистон сафари анча муфассал баён қилинган. Асар 1399 йилда соҳибқиронининг Ҳиндистондан қайтиб, Самарқандда жоме масжиди бунёд этгани ҳакидаги хабар билан якунланади.

<sup>1</sup> Мұйизз ал-ансаб (Прославляющие генеалогии). Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимile к изданию Ш.Х. Вохилова //История Казахстана в персидских источниках. Том III, Алматы: Дайк-Пресс, 2006. С. 118.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Ноппе Н.Н. Карасакпайская надпись Тимура // Государственный Эрмитаж. Труды отдела Востока. Том 2, Ленинград, 1940. С.185–187; Пономарев А.И.. Поправки к чтению «надписи Тимура» // Советское востоковедение, № 3, Москва – Ленинград, 1945. С.222–224; Содиков. К. Амир Темурнинг уйғур ёзуви битиги // «Соғлом авлол учун» журнали. Тошкент, 1995. № 1; Григорьев А.Н., Телицин Н.Н., Фролова О.Б.. Надпись Тимура 1391 г. // Историография и источниковедение истории стран Азии и Африки. Выпуск XXI. Санкт-Петербург: Издательство С.-Петербургского университета, 2004. С.3–24.

<sup>3</sup> Фиёсиддин Али. Рўзнома-иे ғазовоте Ҳиндистон. ЎзРФА ШИ кўллэзмаси. № 1520.

«Рўзнома-йе ғазовоте Ҳиндистон»ни рус тилига таржима килган А. Семенов фикрига кўра, Ғиёсиддин Али ўз китоби учун Ҳиндистон юришида Амир Темурга ҳамроҳ бўлган қози Носириддин Умарнинг кундатигини асос килиб олган бўлиши мумкин. Носириддин Умар эса соҳибкирон истагига биноан, ўз кундатигини Ҳиндистон юришида алохида шижаот кўрсагган унинг невараси Халил Султонга бағишлаган<sup>1</sup>. Демак, Амир Темур фарзандлари ва невараларига асарлар бағишланаш анъанаси соҳибкирон хаётлиги давридаёк бошланган. Бирок қози Носириддин Умарнинг кундатиги асл ҳолида бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Амир Темур тарихини имкон калар тўлароқ ёритишга ҳаракат килиниб, унинг ҳаётлиги даврида ва бевосита ўз фармойишига кўра форс тилида битилган, бизнинг давримизгача етиб келган асар Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» китобидир. Муаллиф «Зафарнома»ни 1404 йил баҳорида тугатиб, Амир Темурга тақдим этади, бинобарин, унда соҳибкирон фаолияти 1404 йил баҳоригача акс этган. Кейинчалик тарихчи Ҳофизи Абрў Низомиддин Шомий «Зафарнома»сига «Зайл» («Илова») ёзиб, Амир Темур вафотигача бўлган сўнгги бир йил воксаларини қўшиб кўяди. Низомиддин Шомий «Зафарнома»сининг форс тилидаги матни илк бор Феликс Тауз тарафидан Прагада нашр этилган<sup>2</sup>.

Ўз асарини тақдим этган Низомиддин Шомийни Амир Темур Озарбайжонга – невараси Мирзо Умар хузурига юборади. Низомиддин Шомийнинг ўз қўли билан бағишлов ёзилиб, Мирзо Умарга тақдим килинган «Зафарнома»нинг бир кўлёзма нусхаси бизнинг давримизгача етиб келган ва Англияда Британия музейи кутубхонасида сакланади. Мазкур бағишловда муаррих Мирзо Умар тарихини ҳам ёзажагини маълум килади, аммо бу ижодий режа амалга ошмаган бўлса керак.

Амир Темур вафотидан сўнг унинг ворислари даврида тарихнавислик янада тараккий этди. Мархум соҳибкироннинг ўғиллари Мироншоҳ ва Шоҳруҳ<sup>3</sup>, неваралари Иброҳим Султон, Мирзо Бойсунгур, Мирзо

<sup>1</sup> Гиясаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. Москва: Издательство восточной литературы, 1958. С.7.

<sup>2</sup> Nizamuddin Sami. Zafar-nama. Avec des additions emprunteres au Zubdatu-l-tavarikh-i Bayysungury de Hafiz-i Abru. Edition critique par Felix Tauer. T.1. Texte persan du Zafar-nama, Praha, 1937; T.2 Introduction, commentaire index. Praha, 1956.

<sup>3</sup> Шуни кайл этиш зарурки, ҳозирда нашр этилаётган ўзбек тилидаги аксарият бадий асарларда ушбу темурий ҳукмдор номи «Шоҳруҳ» гарзида хато ёзилмоқда. Бунда сўзнинг маъноси ўзгариб кетади, ҳолбуки, шатранж ўйинига қизиккан Амир Темур ўғли исмини шатранж доналари номи, яъни «шоҳ»ва «руҳ» сўзлари асосида кўйган.

Улуғбек ва Мирзо Искандарлар муаррихларга ҳомийлик килишгани, баъзилари эса ўзлари ҳам тарихий асарлар битишгани маълум.

Тожиддин Салмонийнинг «Тарихнома» ёки «Шамс ул-хусн» китобида 1404–1409 йил воеалари баён қилинади. Муаллиф 1397 йилда Шероздан Самаркандга Амир Темур хузурига келиб, сохибкiron ва фотигача унинг саройида бўлган. Кейин Ҳиротга Шоҳруҳ хузурига борган. Ўз асарини ёзишда давлат хужжатлари, тарихий воеалар иштирокчилари ҳикояларидан фойдаланган. Айникса, Амир Темур ва Шоҳруҳга хизмат килган йирик саркарда Шоҳмалик билан якин муносабатда бўлиб, унинг номини бир неча бор ўз ахборотчиси сифатида кайд этади<sup>1</sup>.

Сохибкiron вафотидан сўнг кўп ўтмай яратилган мухим тарихий асарлардан бири Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» («Муиний тарихлари танланмаси») китоби бўлиб, биз бу асарнинг Амир Темур даври тарихини ёритищдаги аҳамияти ва айни мавзудаги бошка манбалар орасида тутган ўрнига қўйирокда батафсил тўхталамиз.

Амир Темур вафотидан сўнг унинг замондоши тарафидан сохибкiron тарихига бағишлиб ёзилган энг машхур ва ўтмишда қўлёма ҳолида жуда кўп кўчирилган асар Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобидир. Темурийлар давлатининг қарийб юз йиллик тарихини (1370–1470) солнома тарзида битган муаррих Абдураззок Самаркандий ўзининг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида «Зафарнома»нинг ёзib тугатилганини 1425 йилнинг энг мухим воеаларидан бири сифатида тилга олади ва ўз китобининг бир неча сахифасини мазкур асар таъриф-тавсифига бағишлиайди<sup>2</sup>. «Зафарнома» Шерозда Форс вилояти ҳокими Иброҳим Султон ибн Шоҳруҳ Мирзо ҳомийлигига яратилган. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да Шоҳруҳ Мирзо ва Иброҳим Султон тарихларини ҳам ёзиш режасини маълум килади, аммо бу ижодий режа амалга ошмай колган бўлса керак.

Амир Темурга замондош бўлган ва унинг ўғли Шоҳруҳ саройида яшаб ижод килган яна бир йирик муаррих Ҳофизи Абрӯдир. У Шоҳруҳнинг буйруғига кўра, Ҳиротда «Мажмаъ ут-таворих» номли йирик тарихий асар устида ишлаган. Энг қадимги замонлардан муал-

<sup>1</sup> Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Перевод с английского, переработал и дополнил Ю.Э. Брегель. Часть II, Москва: Главная редакция восточной литературы, 1972. №681, С.815–817.

<sup>2</sup> Абдураззок Самаркандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-кисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. Б. 468–473.

лиф давригача бўлган тарихий воеаларга багишланган тўрт жилдан иборат бу асарнинг охирги тўртинчи жилди мустакил номланишга эга бўлиб, «Зубдат ут-таворихи Бойсунгурий» («Бойсунгур тарихлари сараси») деб аталади. Демак, Ҳофизи Абрў Шоҳрухнинг ўғли Мирзо Бойсунғур хомийлигидан ҳам баҳраманд бўлган. «Зубдат ут-таворихи Бойсунгурий» икки кисмдан иборат бўлиб, биринчи кисми Амир Темур даври (1336–1405), иккинчи кисми эса Шоҳрух даври воеаларини то асар ёзиб тугатилган 1427 йилгача акс эттиради<sup>1</sup>.

Фасиҳ Ҳавофий (ёки Ҳофий)нинг «Мужмали Фасиҳий» асари 1442 йилда ёзиб тугатилган. Бу китобда қадимги даврлардан то 1442 йилгача содир бўлган энг муҳим воеалар қисқача тарзда йилма-йил баён килинган. 1375 йилда тугилган муаллифи соҳибқиронга замондош бўлгани туфайли «Мужмали Фасиҳий» Амир Темур ва темурийлар тарихига оид мўътабар манбалардан бири ҳисобланади<sup>2</sup>.

Чингизхон ва Амир Темур авлодлари шажараларига бағишланган «Муъизз ул-ансоб» асари устидаги иш дастлаб 1426 йилда Шоҳрух буйругига кўра бошланган. Унинг муаллифи маълум эмас. Боз устига, кейинги темурийлар даврида у тўлатиб борилиб, сўнгги қўшимчалар Ҳусайн Бойкаро ҳукмронлиги даврида (1469–1506) килинган. «Муъизз ул-ансоб»нинг жаҳонда мавжуд учта кўлёзма нусхасидан энг қадимгиси, яъни Парижда Франция Миллий кутубхонасида сакланаётган нусхасидан амалга оширилган русча таржимаси аслият матни факсимилемеси билан биргаликда нашр этилган<sup>3</sup>.

Тарихий асарлар билан бир каторда Амир Темурнинг ўз замондошлиари, асосан, ҳукмдорлар билан ёзишмалари, фатхномалари, шунингдек ўша давр ҳукмдорларининг соҳибқирон фаолияти билан боғлик тарздаги ўзаро ёзишмалари ҳам кимматли тарихий манбалар сирасига киради<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Перевел с английского, переработал и дополнил Ю.Э. Брегель. Часть I. Москва: Главная редакция восточной литературы, 1972. С. 346–349.

<sup>2</sup> Ўша асар: № 257, С. 355–358.

<sup>3</sup> Муъизз ал-ансаб (Прославляющие генеалогии). Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вахидова // История Казахстана в персидских источниках. Том III. Алматы: Дайк-Пресс, 2006.

<sup>4</sup> Мажмуа-йи мактубот. ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси. №№296; 2278; Умняков И.И. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV века // Известия АН УзССР. Серия общественных наук. Выпуск 1. Ташкент, 1960. С. 27–33; Фуломов С. Декхи фатхи хакила Шерозга – амирзода Пирмуҳаммадга юборилган ёрлик // «Соҳибқирон юлдузи» газетаси. Тошкент, 1997, №6; Тарихий ёзишмалар // «Жаҳон адабиёти» журнали. Тошкент, 2006, №1. Б. 125–133.

Булардан ташкари, Амир Темур ва темурийларга бағишилаб ёзилган, матни сакланиб қолмаган бўлса-да, номи ва муаллифлари ҳакида маълумот етиб келган туркий ва форсий тиллардаги бир канча асарлар бўлган. Булардан бири Амир Темур саройида туркий тилда яратилган «Тарихи хоний» номли назмий асардир.

Ғиёсиддин Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарида Амир Темур даврида яшаган олиму фозиллар ҳакида кимматли маълумотлар берувчи маҳсус фасл мавжуд. Ушбу фаслда муаррих Амир Темурга бағишилаб унинг замондошлари тарафидан ёзилган иккита асар ҳакида хабар беради. Улардан бири туркий тилда битилган бўлиб, Хондамир бу ҳакда шундай ёзади: «Мавлоно Сафиуддин Ҳатлоний Мовароуннаҳр фозиллари жумласидан бўлиб, Амир Темур Кўрагон вакойеъларидан баъзинарини туркий лафзда баён лавҳасига накшлади»<sup>1</sup>.

Иккинчи асар Маҳмуд Занги Ажамий Кирмоний тарафидан назмда битилиб, «Жўшу хуруш» деб номланган. Муаллиф 806 (1403–1404) йилда ўз асарини Рум юришидан кайтиб, Гуржистонда жиходга машғул бўлган соҳибқиронга тақдим этиш учун бир гурух Кирмон акобирлари билан йўлга тушади. Бирок Тифлис шаҳрида Кура дарёси кўпригидан ўтаётганида, сувга йикилиб ҳалок бўлади. Унинг ўғли мавлоно Кутбиддин отасининг достонини Амир Темурга стказиб, инъом-эҳсонларга сазовор бўлади<sup>2</sup>. Гарчанд, Хондамир «Жўшу хуруш» кайси тилда ёзилганини айтмаса-да, унинг форсий тилда битилгани англашлади. Чунки «Ҳабиб ус-сияр»да Маҳмуд Занги Ажамий Кирмонийнинг форс тилидаги бошқа шеърий асарларидан айрим байтлар келтирилган.

Рус шаркшунос олими Н.Д. Миклухо-Маклай XVI аср манбалари маълумотларига таянган ҳолда, таҳминан 1391–1399 йиллар оралиғида ёзилган «Футухоти Мироншоҳий» («Мироншоҳнинг фатҳлари») номли асар ҳакида хабар беради<sup>3</sup>. Асар Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳга бағишиланган бўлиб, унинг муаллифи Саъдуллоҳ Кирмоний соҳибқироннинг 1391 йилги Тўхтамишга қарши юришида иштирок килган. «Футухоти Мироншоҳий» асарининг ўзи сакланиб қолмаган бўлса-да, ундан кўчирма сифатида олинган баъзи парчалар бошқа манбалар, хусусан, 1391 йилги юришнинг айрим тафсилотлари

<sup>1</sup> Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар. Жилд 3. Техрон, 1333 ҳижрий-шамсий. Сахифа. 549.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Миклухо-Маклай Н.Д. Забытый источник тимуридской историографии // Ближний и Средний Восток. История, культура, источниковедение. Сборник статей в честь 70-летия профессора И.П. Петрушевского. Москва: Наука, 1968. С. 73–76.

Ахмад Гаффорийнинг 1552 йилда ёзилган «Нигористон» асари оркали етиб келган<sup>1</sup>.

Амир Темурга замондош бўлмаган тарихчилар, жумладан, Абдураззок Самарқандий, Мирхонд, Хондамир асарларининг соҳиб-кирон тарихига оид кисмлари, асосан, ўзларидан олдин яшаб ўтган муаррихлар китобларига таяниб ёзилган. Шунга қарамай, уларнинг асарларида соҳибкиронга замондош бўлган тарихчилар китобларида учрамайдиган баъзи маълумотлар ҳам мавжудки, бу ҳол муаллифларнинг бизгача етиб келмаган тарихий манбалар ва хужжатлардан ҳам фойдаланишганини кўрсатади. Масалан, Абдураззок Самарқандийнинг «Матлаи съядайн ва мажмаи баҳрайн» асарида Амир Темурнинг аллома Саъдуддин Тафгазонийга ёзган мактуби матни келтирилалики, бошка бизга маълум манбаларда у учрамайди<sup>2</sup>. Бу ҳол Амир Темур даври тарихини имкон кадар тўлароқ ёритиш учун соҳибкиронга замондош бўлмаган кейинги даврлар тарихчилари асарлари ҳам синчиклаб ўрганилиши зарурлигини кўрсатади.

Биз юкорида, асосан, Амир Темур ва темурийлар саройига боғлик бўлган муаррихлар томонидан аксарияти ушбу хонадан намояндала-рига бағишлиб ёзилган тарихий асарларга тўхталиб ўтдик. Булардан ташкари, темурийлар саройига боғлик бўлмаган холда, Амир Темур ва кисман темурийлар тарихини ёзган катор муаррихлар ҳам бўлган.

Мұхаммад ибн Фазлуллоҳ Мусавийнинг «Тарихи хайрот» номли умумий тарихга оид асари 1428–1447 йиллар оралиғида ёзилган. Унинг сўнгги кисмларида Амир Темур ва илк темурийлар даври воеалари ёритилган<sup>3</sup>.

Сайид Жаъфар ибн Мухаммад Ҳусайний Жаъфарийнинг «Тарихи Кабир» ёки «Тарихи Жаъфарий» асари ҳам умумий тарихга оидлир. 1447–1452 йилларда ёзилган бу китобнинг сўнгги олтинчи кисми Амир Темур ва унинг ворислари тарихига бағишиланган бўлиб, воеалар баёни асар ёзиб тутатилган давргача етказилган<sup>4</sup>.

Шунингдек, Амир Темур ва Темурийлар давлати худудидан ташкарида яшаб ижод қилган Ибн Арабшоҳ, Ибн Халдун ва бошка араб

<sup>1</sup> Ўша асар. С.75.

<sup>2</sup> Абдураззок Самарқандий. Матлаи съядайн ва мажмаи баҳрайн. ЎзР ФА ШИ кўлэзмаси, № 17, в. 96аб.

<sup>3</sup> Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Перевед с английского, переработал и дополнил Ю.Э. Брегель. Часть I. Москва: Главная редакция восточной литературы. 1972. № 253, С. 352–353.

<sup>4</sup> Ўша асар: № 252(1), С. 349–351.

муаррихлари ҳамда европалик муаллифлар Клавихо<sup>1</sup>, Иоганн Шилтъбергер<sup>2</sup>, Фома Мецопский<sup>3</sup> ва бошқалар асарлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири соҳибкiron фаолиятини ўрганишда муайян аҳамиятга эга.

Айрим минтақалар ёки сиёсий арбоблар тарихига бағишлиланган, хусусан, Сайид Захирiddин Маръашийнинг «Тарихи Табаристон ва Рӯён ва Мозандарон»<sup>4</sup> ва Азиз ибн Ардашер Астрободийнинг 1398 йилда ёзилган Сивас ҳукмдори кози Бурхониддин Аҳмад ҳакидаги «Базму разм»<sup>5</sup> асарларида ҳам Амир Темур фаолиятига оид қимматли маълумотлар мавжуд.

«Мунтахаб ут-таворихи Муиний» муаллифи Муиниддин Натанзийнинг ҳаёти ҳакида маълумотлар кам сакланиб қолган. Нисбасига кўра, у Исфаҳон вилоятидаги Натанз шаҳрида туғилган. Натанз шаҳри Исфаҳондан 134 км шимоли-шарқда жойлашган бўлиб, унда ҳозирги давргача кўплаб тарихий ёдгорликлар сакланиб қолган<sup>6</sup>. Ю.Э. Брегель Муиниддин Натанзий асли сейстонлик ва шиа мазҳабида бўлган, деган таҳминни билдириб, «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»нинг охирги кисмларини 1957 йилда Техронда нашр этган француз шарқшуноси Жан Обеннинг мазкур нашрга сўзбоисига ҳавола қилади<sup>7</sup>. Дарҳақиқат, Ж. Обен сўзбошида асарнинг бир неча ўринда Имом Ҳусайннинг котиллари лаънатланганини назарда тутиб, муаллиф шиа мазҳабида бўлган, деб хулоса қилади. Бирок бундай мисолларни муаллифи сунна мазҳабида бўлган асарлардан ҳам бемалол келтириш мумкин. Ж. Обен Натанзийнинг бир неча ўринда сейстонликларни ёмонлаб ёзганига эътибор қаратган бўлса-да, ҳар ҳолда, мазкур сўзбошида унинг ўзи сейстонлик бўлгани ҳакида таҳмин билдираган.

<sup>1</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1405–1406 гг.). Пер. со староисп., предисл. и comment. И.С. Мирковой. М., 1990.

<sup>2</sup> Путешествие Иоганна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке с 1394 по 1427 г. Перевел с немецкого и снабдил примечаниями Ф. Брун. Ташкент: Шарқ, 1997.

<sup>3</sup> Фома Мецопский. История Тимурланга и его преемников. Перевод с армянского на русский язык Т.И. Тер-Григорьяна. Перевод с русского на азербайджанский язык У. Бакиханова. Баку, 1957.

<sup>4</sup> Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Перевел с английского, переработал и дополнил Ю.Э. Брегель. Часть II, Москва: Главная редакция восточной литературы, 1972. № 936, С. 1073–1074.

<sup>5</sup> Ўша асар. №1128, С. 1253–1254.

<sup>6</sup> Абдулҳусайн Саъдиён. Шенохте шаҳрҳо-йе Ирон. Техрон: Элм ва ҳизбати, 1379. С.847–849.

<sup>7</sup> Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Перевел с английского, переработал и дополнил Ю.Э. Брегель. Часть I, Москва: Главная редакция восточной литературы, 1972. С. 339.

Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» асарида: «Муиниддин Натанзий Султон Искандар даврида Ироки Ажам ва Форсда шуҳраг топган олимлар жумласидан бўлиб, Мирзо Искандарнинг мақомот ва ҳолоти ҳамда гарихини ёзган», деб маълумот берали<sup>1</sup>.

Муиниддин Натанзий ўз асарини 816/1413/14 ийлда ёзиб тутгатган ва дастлаб ўша пайтдаги Форс вилояти ҳокими Амир Темурнинг невараси Султон Искандар ибн Мирзо Умаршайх (1384–1415)га багишлаган. «Мунтаҳаб ут-таворихи Муиний»нинг кўлёзма нусхалари ҳакидаги дастлабки маълумотлар илмий каталогларда XIX асрнинг сўнгги чорагида пайдо бўлди<sup>2</sup>. Англияда Британия музейида сакланаётган нусхадан ташқари, Натанзий китобининг яна иккита қўлёзмаси Санкт-Петербургда мавжуд эди<sup>3</sup>. Асарнинг Европа шарқшуносларига дастлаб маълум бўлган кўлёзма нусхалари сарлавҳасиз ҳамда муаллифи но маълум бўлгани учун, у В.В. Бартольд томонидан шартли равища «Искандар Аноними» («Аноним Искандера») деб номланган. Бошка тадқикотчилар томонидан ҳам асар номи сифатида кабул қилинган бу ибора «Искандарга багишлиланган муаллифи номаълум асар», деб англашилади. Кейинчалик толмас тадқикотчи Бартольднинг ўзи асарнинг Парижда сакланаётган сарлавҳали кўлёзмаси ва ўрта аср адиби Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» китобида келтирилган Мирзо Искандар саройида хизмат қилган олим ва шоирлар ҳакидаги маълумотга таяниб, асарнинг асл номи ва муаллифини аниклайди<sup>4</sup>. Аммо «Искандар Аноними» номи ҳам унутилиб кетгани йўқ ва хозиргача илмий доираларда у асарнинг ҳакиқий номи билан биргаликда ишлатилмоқда.

«Мунтаҳаб ут-таворихи Муиний»нинг Парижда сакланаётган кўлёзмаси бошка нусхалардан фарқли равища Мирзо Искандарга эмас, балки унинг амакиси Шоҳрухга багишлиланган. Муаллиф ўз аса-

<sup>1</sup> Давлатшоҳ Самарқандийнинг бу маълумотини «Натанзий Мирзо Искандарга багишлиланган тарихий асар, яъни «Мунтаҳаб ут-таворихи Муиний»ни ёзган», тарзидан тушуниш керак. Ушбу асарда, айниқса, унинг биринчи таҳририда Мирзо Искандар ҳакида фасллар мавжуд. Бирок Натанзий Мирзо Искандар фаолиятига багишилаб алоҳида асар ёзиш режасини маълум килса-ла, муайян сабабларга кўра бу режа амалга ошмаган.

<sup>2</sup> Rieu Ch. Catalogue of the Persian Manuscripts in the British Muzeum. Vol. III. London, 1883. P. 1062a–1064b.

<sup>3</sup> Акимушкин О.Ф., Кушев В.В., Микстухо-Маклай Н.Д., Мугинов А.М., Салахетдинова М.А. Персидские и таджикские рукописи Института народов Азии АН СССР (Краткий алфавитный каталог). Ч. I. Москва, 1964. С.62, №№ 248, 249.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Определение «Анонима Искандера» //Соч. Т. 8, – М., 1973. С. 481–482.

рига янги дебоча ёзиб, 817 йилнинг 22 раЖабида (1414 йил 7 октябрь) гарбга қилган юришидан Ҳиротта кайтиб келган Шоҳрухга тақдим килади. Бу юришнинг натижаларидан бири исёнкор Мирзо Искандарнинг Форс вилояти ҳокимлигидан ағдарилиши эди. Натанзий Шоҳрух номини куйидаги унвонлар билан тилга олади: «Мунн уд-лунё ва-лдин (Лунё ва диннинг таянчи) Абулфатҳ Шоҳрух баходир». Шу тарика сарлавҳада ҳам муаллиф номи ва ҳам асар бағишланган ҳукмдор унвони акс этган. Шунинг баробарида, асарнинг Мирзо Искандарга бағишланган дастлабки таҳрири ҳам шундай номланган бўлишини тадқикотчилар инкор этишмайди.

Муиниддин Натанзий Мирзо Искандар тарихини ёзишни ҳам ният қилган бўлса-да, аммо шахзоданинг ўзаро урушлардаги мағлубияти ва ҳалокати бу ижодий режанинг амалга ошишига монелик қилган бўлса керак. Шу нарса дикқатга сазоворки, Амир Темур тарихини битган муаррихлардан уч киши, яъни Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий ва Шарафиддин Али Яздий унинг неваралари Мирзо Умар, Мирзо Искандар ва Иброҳим Султон тарихларини ёзишга жазм этган бўлишса-да, булардан лоакал биронтаси амалга ошгани маълум эмас.

Муиниддин Натанзий бир канча муддат Шероз ва Исфаҳон шаҳарларида Мирзо Искандар ибн Мирзо Умаршайх даргоҳида бўлган. Мирзо Искандарнинг сиёсий фаолияти Ҳофизи Абрўнинг «Зубдат ут-таворихи Бойсунгурый» ва Абдураззок Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарларида батағсил тасвирланган. У 1384 йилда туғилган. Отаси Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг иккинчи ўғли бўлиб, унинг тўнгич ўғли Жаҳонгир Мирзо билан бир йилда, яъни 1356 йилда туғилган. Демак, у Жаҳонгир Мирзодан бир неча ой кичик бўлиши мумкин<sup>1</sup>. Умаршайх Мирзо ёшлигидан ҳарбий кобилиятини намоён этган. Амир Темурнинг кўплаб ҳарбий юришларида фаол катнашиб. Фарғона вилояти ҳокими сифатида вилоятни мўғуллар боскинидан ҳимоя килишида жонбозлик кўрсатган. У 1394 йилда Курдистондаги Ҳурмоту қалъаси деворини кузатаётганди, қалъа ичкарисидан отилган ўқдан ҳалок бўлган. Умаршайх Мирзонинг жасади дастлаб вактинчалик Шерозга дафи этилади. Сўнгра Шаҳрисабзга келтирилиб, темурийлар хонадони учун маҳсус бино

<sup>1</sup> Амир Темурнинг бу икки ўғлидан кайси бири тўнгич эканлиги хусусида манбаларда ихтилофлар mavjud. Бу ҳақда қаранг: John E. Woods. The Temurid dynasty. Bloomington, Indiana University, 1990. P. 14.

килинган дахмага қўйилади<sup>1</sup>. Унинг кабри ҳозирда Дор ус-Сиёлат деб аталадиган мажмуудадидир<sup>2</sup>.

Мирзо Искандарнинг онаси Милкат оғо Хизр ўғлоннинг кизи бўлиб, Умаршайх Мирзонинг яна бир ўғли Бойкаро Мирзонинг ҳам онасидир. Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг у, Амир Темур ҳохишига кўра, Шоҳруҳ Мирзо шикоҳига кирган. Шоҳруҳ Мирзодан тугилган ўғли номи Суюрғатмиш Мирзодир. Бошка баъзи темурий маликалар каби Милкат оғо курилишларга ҳомийлик килган. Ҳиротда шифохона, хонакоҳ, ҳаммомлар, Балх шаҳрида мадраса курдирган. У 1440 йилда Кобулда вафот этгач, жасади Балхга келтирилиб, ўзи курдирган мадрасага дағн қилинади<sup>3</sup>. Милкат оғо мадрасаси XVI асрнинг иккинчи ярмида ҳам мавжул бўлган. Муарриҳ Ҳофиз Таниш Бухорий маълумотига кўра, 1573 йилда Балхга юриш килган Бухоро хони Абдуллахон қаъъанинг шарқ тарафида жойлашган мадрасани ишғол этишни амир Кулбобо кўқалтошга топширади<sup>4</sup>.

Отаси вафотидан кейин Мирзо Искандар ёшлигига қарамай, бир неча йил Фарғона вилояти ҳокими бўлади. Шахзода ўзбошимчалиги билан ажralиб, Амир Темур ғарбга килган сўнгги бир печа йиллик юришининг дастлабки йилларида Самарқандда Мовароуннаҳр ҳокими сифатида колдирган валияҳл невараси Мухаммад Султон Мирзо ва Мирзо Искандар ўртасида 1400 йилда низо келиб чикади. Мухаммад Султон амакиваччаси Мирзо Искандарни гуноҳкор сифатида бобоси ҳузурига элтади. Амир Темурнинг неваралари низосига муносабатини баъзи муаррихлар Мухаммад Султон, баъзилари Мирзо Искандарга ён босган ҳолда баён қилишган.

Амир Темур вафот этганида Мирзо Искандар Ҳамадон ҳокими эди. Унинг катта акаси Пирмуҳаммал Мирзо ўз укаларини биргаликда Шоҳруҳ Мирзога итоат килишга чакиради. Бирок ака-укаларнинг ҳамжиҳатлиги узок давом этмай, уларнинг ўз ораларида низолар бошланади. Мирзо Искандар низоларга мойиллиги ва мулкгирлик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Ж. 9. Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005. Б. 91.

<sup>2</sup> Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. Тошкент, 1996. Б. 22.

<sup>3</sup> Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Тошкент: Ёзувчи, 1995. Б. 301.

<sup>4</sup> Ҳафиз-и Таныш ибн Мир Мухаммад Бухари. Шараф-нама-йи шаҳи (Книга шахской славы). Перевод с персидского, введение, примечания М.А. Салахетдиновой. Часть 2. Москва: Наука, 1986. С. 148–149; Ҳофиз Таниш ат-Бухорий. Абдулланома (Шарафномайи шоҳий). Биринчи китоб. Форс тилидан Содик Мирзаев гаржимаси. Илмий мухаррир, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изохлар муаллифи: академик Бўрибай Ахмедов. Тошкент: Шарқ, 1999. Б.262–263.

дағдағаси билан ажралиб туради. Ҳамадондан жудо бўлган Мирзо Искандарни Пирмуҳаммад Мирзо Язд ҳокими килиб кўяди-ю, 1407 йилда яна ўзи уни бу мансабдан маъзул этади. 1410 йилда Пирмуҳаммад Мирзо сункасд натижасида ҳалок бўлгач, Мирзо Искандар Форс вилояти ҳукмдори сифатида Шерозда таҳтга ўтиради. У дастлабки йилларда Шоҳрухга тобеликни тан олади ва Шоҳрух ҳам ўз мактубида уни «фарзанд» атаб. Умаршайх Мирзо авлодлари орасидаги етакчилик мавқенини эътироф этади<sup>1</sup>. Мирзо Искандар 1412 йилда Исфаҳонни эгаллагач, мазкур шаҳарни таҳтгоҳ киласи. Келаси иили Шоҳрух Мирзо Кора Юсуфга карши Озарбайжонга юриш килганида, Мирзо Искандар унинг Форс мулкини ўзидан тортиб олишидан хавфсираб, хутба ва пул зарбини ўз номига ўтказиб, мустақиллик эълон қиласи<sup>2</sup>.

1414 йилда Шоҳрух Мирзо Исфаҳонда Мирзо Искандарни мағлуб этиб, унинг кўл остидаги пойтахти Исфаҳон бўлган Ироки Ажам вилоятини Умаршайхнинг бошка ўғли Рустам Мирзога топширади. Пойтахти Шероз бўлган Форс вилоятини эса Шоҳрух ўз невараси Иброҳим Султонга суюргол килиб беради. Рустам Мирзо укаси Мирзо Искандарнинг кўзига мил тортиб кўр киласи. 1415 йилда Мирзо Искандарнинг бир онадан туғишган укаси Бойкаро Мирзо фитна кўзгаб, Шерозни эгаллагач, Рустам Мирзо исёнкор укасини фаол кўллаб-кувватлаган Мирзо Искандарни жаллод кўлига топширади.

Мирзо Искандар олиму шоирларга ҳомийлик килгани жихатдан Амир Темур авлодларидан Шоҳрух, Улугбек, Бойсунғур, Иброҳим Султон, Ҳусайн Бойкаро, Захириддин Мухаммад Бобурлар каторида туради. Унинг киска муддат ҳукмронлиги даврида Шероз илму фан ва адабиёт марказига айланади. Бу даврда Шерозда нафакат форс тилида ёзадиган адиллар, балки Ҳайдар Хоразмий, Хоғиз Хоразмий<sup>3</sup> каби туркигўй шоирлар ҳам ижод килишган. Мирзо Искандар Исфаҳонни таҳтгоҳ килгач, унинг саройидаги олиму шоирларнинг кўпчилиги бу шаҳарга кўчиб ўтишгани эҳтимол.

Мирзо Искандарнинг салтанатдорлик иқтидоридан ташқари, назмга ҳам қобилияти борлиги ва шеърлар битгани ҳакида Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида, жумладан, шундай ёзади: «Сул-

<sup>1</sup> Абдураззок Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажман баҳрайн. 2-жилд, 1-кисм. Форс тилидан А. Үринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. Б. 178.

<sup>2</sup> Ўша асар. Б. 246–248.

<sup>3</sup> Хоғиз Хоразмий ижоди Шерозда Иброҳим Султон ҳокимлиги даврида камолотта стган. Бирок у Форс вилоятига олдинрок. Мирзо Искандар даврида келган бўлиши ҳам мумкин.

тон Искандар Шерозий ҳам набирадур. Салтанат тажаммулини, дерларким, салотиндин ози онча қилмиш бўлғай. Етти ё саккиз йиллик салтанатида гўёки уч ганж топибдур. Мавлоно Ҳайдар туркигўй анинг модиҳи экандур... Ва Султон Искандарни дерларким, табъи назм эрди. Ва бу туюкни андин накл қилурларким:

Тўлун ойға нисбат эттим ёруми,  
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.  
Тори мўонгнинг закотин мен берай,  
Ё Мисрни, ё Ҳалабни ё Руми<sup>1</sup>.

Фахрий Ҳеравийнинг ҳижрий 958–962 (милодий 1551–1555) йилларда яратилган, шеър битган шоҳ ва шахзодалар ҳакидаги «Равзат ус-салотин» тазкирасининг Амир Темур авлодларига бағишлиланган учинчи бобида ҳам Мирзо Искандар ҳакида маълумот берилиб, мавлоно Ҳайдар туркигўй «Махзан ул-асрор» ҳамда «Гул ва Наврӯз» китобларини унга бағишилаб битгани айтилган<sup>2</sup>.

Замонасининг улуғ ҳаттоти Маъруф Бағдодий Султон Ахмаддан юз ўгириб, Исфаҳонга Мирзо Искандар хузурига келган ва унинг кутубхонасига тайинланган. Искандарнинг таназзулидан сўнг, Шоҳруҳ Маъруф Бағдодийни Ҳиротга келтириб, хос котиб килади<sup>3</sup>.

Мирзо Искандарнинг ҳаттотларга ҳомийлик килганидан, у китоблар кўчиртириш ва кутубхона бунёд этишга катта эътибор каратгани ҳакида хуласа килиш мумкин. Лондонда Британия музейида Мирзо Искандар бўйруғига биноан кўчирилган қарийб 546 варақдан иборат катта кўлёзма китоб сакланади<sup>4</sup>. Китоб дебочасида Мирзо Искандар «султонлар султони, Оллоҳнинг ердаги сояси, жалол ул-дунё ва-д-дин» каби дабдабали сўзлар билан таъриф-тавсиф килинади. Кўлёзмага битилган дастлабки асар Низомий Ганжавий «Хамса» сидир. Навбатдаги асар – «Мухтасар дар илми ҳайъат» («Астрономияга оид кисқача рисола») муаллифи Ғиёсиддин Жамшид Коший мукаддимада рисолани «жалол ул-дунё ва-д-дин амирзода Искандар Баҳодурхон» буйруғига кўра ёзганини таъкидлайди. Демак, Ғиёсиддин Жамшид Коший

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн учинчи том. Мажолис уннафони. Нашрга тайёрловчи С. Фаниева. Тошкент: Фан, 1997. Б. 165.

<sup>2</sup> Фахрий Ҳеравий. Равзат ус-салотин. Ба тасхихе Абдурасул Хайёмпур. Табриз: чопхона-йс «Шафақ», 1345 ҳижрий. С. 31.

<sup>3</sup> Абдураззок Самаркандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-кисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. Б. 489–490.

<sup>4</sup> Rieu Ch. Catalogue of the Persian Manuscripts in the British Museum. Vol. II. London, 1881. P. 868a–871b.

Хиротта, сўнгра Самаркандга – Улугбек хузурига келишдан олдин, Мирзо Искандар саройида бўлган.

Кўлёзмада астрономияга оид яна бир «Равзат ул-мунахжимин» («Мунажжимлар боғи») номли асар ҳам бор. Кимёга оид «Рисолай кибрити аҳмар» ва Фиёс Кирмонийнинг «Оинайи Искандарий» асарлари ҳам Мирзо Искандар буйругига кўра ёзилган. «Мухтасар дар илми Иклидус» рисоласи кадимги юнон математиги Евклидинг геометрияга оид китобидаги бешта теорема таҳлилига багишланган. Кўлёзмада булардан ташқари кўплаб шоирлар шеърларидан намуналар ва бошка турли мазмундаги асарлар ҳам бор. Бу Мирзо Искандарнинг кизикиш доираси накадар кенг бўлганини кўрсатади.

Мирзо Искандарнинг тасаввуф арбобларига ҳам ҳомийлик килиб, Язд шахри якинидаги Тафт қишлоғида мутасаввиф шоир Шоҳ Нематуллоҳ валийга масжид ва хонакоҳ куриб бергани маълум<sup>1</sup>.

Барча ҳунар даврида топти камол.

Урди ҳунар тарбияти бирла бол.

– деб ёзган эди Мирзо Искандар ҳакида Ҳайдар Ҳоразмий. Дарҳакикат, тожу таҳт талашувлари оқибатида юз берган фожиали ўлимига қадар кечгап бир неча йил ҳокимлиги даврида Мирзо Искандар анчагина хайрли ишларни килишга улғурган. Бирок унинг фаолиятининг бу кирраси ўзбек тилидаги адабиётларда деярли ёритилмагани учун кўпчиликка маълум эмас. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ҳам Амир Темур невараларидан Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон, Бойсунғур Мирзоларнинг фан ва маданиятга ҳомийлик килишгани таъкидлаб кўрсатилган ҳолда, Мирзо Искандар ҳакидаги маколада бу ҳақда ҳеч бир маълумот берилмаган<sup>2</sup>. Аксинча, гарб тилларидаги макола ва тадқикотларда унинг ҳаёти ва ҳомийлик фаолияти анча кенг ёритилган<sup>3</sup>.

Албатта, Мирзо Искандарнинг ҳомийлигидан баҳраманд бўлган олиму шоирлар унга асарлар багишилаш билан бирга, буюк бобоси Амир Темур фаолиятининг айrim ибратли жиҳатларини ўз асарларида акс эттиришга ҳам интилганлар.

Буюк шоир Низомий Ганжавий «Хамса»сининг биринчи достони «Махзан ул-асрор»дан илҳомланиб туркий тилда «Гулшан ул-

<sup>1</sup> Ислам. Энциклопедический словарь. Москва: Наука, 1991. С. 190.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Ж. 4. Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005. Б. 231.

<sup>3</sup> Aubin Jean. Le mecenat timouride a Chiraz // Studia Islamica, VIII. Paris, 1958. P. 71–88; Fateme Keshavarz. The Horoscope of Iskandar Sultan // Journal of the Royal Asiatic Society, № 2. 1984. P. 197–202; Priscilla P. Soucek. Eskandar b. ‘Omar Shayx b. Timur: A Biography // Oriente Moderno. Volume I, Roma, 1997. P. 73–87.

асор» достонини яратган мавлоно Ҳайдар Хоразмий мазкур асарида сохибкiron Амир Темурнинг йигитлик даврига оид ажнib бир хикояни келтирган. Бунга кўра, Амир Темур ўз фаолияти бошларида («Чун Темурбек бурун этти хуриж») душманлар билан жангда кўлидан ва оёғидан ярадор бўлади. Уз ҳамроҳларидан ажраб, мажолсиз холда овлоқ бир жойда якка қолган сохибкiron оғир ярадорлик туфайли бир муддат тушкунликка тушади. Шунда у деворга тирмасиб чикаётган бир мажрух чумолини кўриб колади. Чумоли бир неча бор ярим йўлда йикилиб тушса-да, олти-етти марта қайта уриниб, ишоят, девор тепасинга чикади. Бир ожиз жониворининг сабог-матонатидан Темурбек сабок олали ва кучланиб ўрнидан туриб, курол-яргини кўтариб йўлга тушади.

Бек этиб ул иш уза ўзини ёд,  
Бўлди ўшал рамз билга кўнгли шод.

Ҳайдар Хоразмий ушбу воеа содир бўлган йил ва жой ҳакида бирон маълумот бермайди. «Гулшан ул-асор» достон бўлгани учун, ушбу хикоя муаллифнинг хаёлотида яратилган бадини тўкимадир, деб йўлаш ҳам мумкин. Аммо шуниси борки, бу воеа тафсилоти Ҳайдар Хоразмийга замондош бўлган, маълум муддат у билан бир хукмдор саройида яшаб ижод этган Муиннiddин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-таворихи Муинний» асарида ҳам мавжуддир. «Мунтахаб ут-таворихи Муинний» сохибкiron ҳаёти ва фаолиятига оид энг муҳим ва ишончли манбалардан бирилди. Шу жиҳатдан, юкоридаги хикояга Амир Темур ҳакиқатан бошидан кечирган воеа асос бўлган, леб айтиш мумкин. Натанзий воеа содир бўлган вилоят ва туманин аниқ кўрсатади. Унинг маълумотига кўра, Сейстондаги жангда яраланган Темурбекни сафдошлари вақтинча Қандаҳор вилояти, Гармсир туманидаги бир кишлокда колдириб кетишади ва юкоридаги воеа шу кишлокда содир бўлади.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний»да энг қадимги даврлардан то Амир Темур вафоғигача (1405 йил 18 февраль) бир катор ўлкаларда юз берган муҳим тарихий воеалар кискача баён килинади. Кўп холларда муаллиф ҳар бир супола тарихига алоҳида боб бағишлигар. Асарнинг, айникса, сўнгти кисмлари Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур кисмларда Амир Темур яшаган ва хукмронлик қилган даврда юз берган тарихий воеалар бирмунча муфассал баён қилинган. Ушбу давр тарихини муаллиф ўзи тўплаган материаллар асосида ёзган. Амир Темур замонасадаги воеа-ходисалар Натанзийга яхши маълум бўлиб, шунингдек, у сарфидан оид да

фойдаланиш, машхур тарихий вокеаларнинг ҳали ҳаёт бўлган иштироқчилирдан ўзига керакли маълумотларни сўраб-сурнштириб олини имюннатига эга бўлган. Баъзи ўринларда шохидлардан эшишиб ёзганига муаллифнинг ўзни ишора этади. Айрим тадқикотчилар томонидан кўрсатилиб ўтилган «Мунтахаб ут-таворихи Муинний»даги хронологик чалканишликлар ҳам, назаримизда, Натаанзий оғзаки маълумотлардан кўн фойдаланганлиги туфайлийdir.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний»нинг темурийлар даври тарихнавислигига тутган ўрин ва аҳамиятини белгиловчи асосий жиҳатлардан бири унинг Амир Темур давлати тарихини тўла камраб олиш максал килинган илк манба, яъни Низомиддин Шомийнинг 1404 йилда ёзилган «Зафарнома» асаридан мустакил тарзда яратилганийdir. Гарчанд, Муиниддин Натаанзий Амир Темур лаври тарихини Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Язийларга нисбатан кискарок тарзда ёритган бўлса-да, унинг асарида мазкур муаррихлар баёнини тўлатадиган ва бойитадиган жиҳатлар бисёр.

ХХ асрнинг иккичи ярмида «Мунтахаб ут-таворихи Муинний»нинг Эронда Машҳад<sup>1</sup> ва Техрон<sup>2</sup> шаҳарларида сакланадиган яна иккита кўлёзма нусхаси маълум бўлди. Асарнини Лондон, Санкт-Петербург, Машҳад, Техрон шаҳарларида сакланадиган кўлёзмалари биринчи, факат Париж шаҳрида сакланадиган кўлёзмаси иккинчи таҳрирга ондидир.

Асарнинг иккала таҳрири орасида, айникса, Амир Темур даври тарихи баёнида айрим тафовутлар мавжуд. Ушбу таҳрирларро тафовутлар ҳакида мутахассислар томонидан баъзи фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, ҳалигача асарнинг иккала таҳрири тўла қиёслаб чиқилмаган эди. Биз бу ишни амалга ошириш учун асарнинг биринчи таҳририга оид Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳридаги «Остони қудси Ризавий» кутубхонасидаги кўлёзмаси ҳамда иккинчи таҳририга оид Парижда Франция Миллий кутубхонасидаги кўлёзмасининг фотонусхаларини олишга муваффак бўлдик.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний»нинг ҳар иккала таҳрири икки хил дебоча билан бошланади. Биринчи таҳрирнинг дебочаси кискача бўлиб, атиги бир сахифадан иборат<sup>3</sup>. Иккинчи таҳрир дебочаси эса

<sup>1</sup> Брегель Ю.Э. Новая рукопись сочинения Муин ад-дина Натаанзи // Народы Азии и Африки. Москва. 1968, №4. С. 164 – 166.

<sup>2</sup> Ахмад Мунзавий. Фехресте нусхаҳо-йе хатти-йе форсӣ. Ж. 6, Техрон, № 42143.

<sup>3</sup> Муиниддин Натаанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муинний. Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳридаги «Остони қудси Ризавий» кутубхонаси кўлёзмаси, № 285. в. 16.

бирмунча кенгроқ бўлиб, унда муаллифнинг тарих фани ҳакидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда ўз таржимаи ҳолига онд баъзи маълумотлар мавжудлир. Дебочада Натанзий, Шоҳруҳ Озарбайжон ва Форс мамлақатларига юринига кетганида, Хурсонин амир Мусо ибн Шодихожа баҳодир Насафий ихтиёрига тоширганини хабар килади. Муаррихнинг ёзишича, марҳум соҳибқирон даврида ҳам мазкур амир хатарли юмушларни бажаришга машғул бўлган<sup>1</sup>.

Шоҳруҳ сафардан кайтаётганида, амир Мусо уни кутиб олини учун бошка совға-саломлар каторида Натанзийга, шу пайтгача олам яратилишидан бошлаб ёзилган тарих китоблари темурийлар хонадони тарихини камраб олмагани учун нуксонли эканини айтиб, Темурийлар давлати тарихнини ҳам ўз ичига олган бир китобни яратишни тошириди. Натанзий бу китобни ёзиб, унга «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» деб ном кўяди<sup>2</sup>.

Бундан кўринадики, Мирзо Искандарнинг ишлари таназзулига юз туттач. Натанзий Хурсонга келган Шоҳруҳ даргоҳига кириш учун восита излаб, амир Мусо ибн Шодихожа Насафий билан учрашган. Гарчанд. муаррих унга тарих китоби ёзишни амир Мусо тоширганини таъкидласа-да, аслида асарнинг дастлабки таҳрири бу пайтда ёзиб бўлинган эди. Амир Мусо Натанзийга асарнинг Шоҳруҳга багишлиланган иккинчи таҳририни яратиш юзасидан маслаҳатлар берган бўлса керак. Амир Мусо Натанзийнинг ахборотчиларидан бири бўлиб, муаррих биринчи таҳрирда мавжуд бўлмаган баъзи янги маълумотларни, жумладан, мазкур амир асли насафлик бўлганини назарда тутганда. Амир Темур туғилган Ниёзий кишлоги ҳакидаги хабарни ундан олган бўлиши мумкин.

Амир Темур ва темурийлар тарихига онд манбаларнинг бошка биронтасида амир Мусо ибн Шодихожа Насафий номини тўлиқ ҳолида учратмадик. Бирок Низомиддин Шомнийнинг «Зафарнома» ва Абдураззок Самаркандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарларидаги Мусо исмли бир амирнинг фаолияти Муиниддин Натанзийнинг Мусо ибн Шодихожа Насафий ҳакидаги маълумотларига бир даража мос келади. Низомиддин Шомий «Зафарнома»си ўзбек тилидаги нашриининг шахс исмлари кўрсаткичидан, назаримизда, Мусо исмли иккита амир номлари кўшиб юборилган. Уларнинг биринчиси Амир Темурнинг сиёсий фаолияти бошланган даврлардаёқ Мовароунахрнинг нуфузли

<sup>1</sup> Муиниддин Натағзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. Париж шахрилаги Франция Миллий кутубхонаси кўллөмаси, в. 3а.

<sup>2</sup> Ўша асар, в. 36.

арбобларидан бири бўлган амир Мусо бўлиб, у олдин амир Ҳусайн, унинг вафотидан сўнг Амир Темур никохига кирган Сароймулхонимнинг тогаси эди. Амир Мусо сиёсат саҳнасида баъзан соҳибқиронга иттифокчи бўлса-да, кўн холларда мухолифлик кўрсанган. Бу ҳол Амир Темур таҳтати чиққанидан сўнг ҳам давом этади. Низомиддин Шомий «Зафарнома»сида мазкур амир Мусо охирги марта Амир Темур 1372 йилда Мўгулистанга юринидан кайтастганида соҳибқиронга сункасад уюштирганилардан бири сифатида гилга олинади<sup>1</sup>. Сункасад фош этилгач, Амир Темур унинг гунохидан ўтади. Албатта, Сароймулхонимга кариндошнинг, шунингдек, Амир Темурнинг кизи Акобегим унинг ўғли Мухаммадбекка унаштирилгани амир Мусони жазодан куткариб қолади. Кейинчалик, Амир Темур амир Мусонинг кизи Туман оғора уйланади. Бирор сункасад воеасидан кейин амир Мусо сиёсат саҳнасидан бутунлай гушиб колган кўринади. Факат унинг ўғли, Амир Темурнинг кусви Мухаммадбек иби Мусо саркарда сифатида соҳибқироннинг баъзи топчирикларини адо этган.

Низомиддин Шомий «Зафарнома»сида 1398 йилда Ҳиндистонга юрши асносида тоғли Катур вилоятини забт этиш учун қилинган жангларда иштирок этган амир Мусо номи зикр этилади<sup>2</sup>. Албатта, бу амир ўзининг соҳибқиронга мухолифлиги билан ном козонган олдинги амир Мусо бўлмай, бизнинг назаримизда, кейинчалик Натанзий учранган амир Мусо ибн Шодихожа Насафийдир. Мазкур амир Мусо номи соҳибқироннинг Туркия сultonин Йилдирим Баязидга қарши юринида ҳам зикр этилади ва Анкара жангидаги у қўшиннинг амирзода Шоҳруҳ кўмандонлик килиган чап каноти (майсара)да жанг қилингана тайинланган<sup>3</sup>.

Амир Мусонинг соҳибқирон вафотидан кейинти фаолиятини Ҳофизи Абрўнинг «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» ва Абдураззок Самаркандининг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарлари орқали кузатни мумкин. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»да амир Мусо 1410 йилда Шоҳруҳ тарафидан Марв шаҳрини обод қилишга тайинланган улуғ амирлар каторида зикр қилинади<sup>4</sup>. 1416 йил баҳорида Шоҳруҳ тарафидан Кирмонга юрши қилиш учун лашкар тўплангандা,

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Юнусхон Ҳакимжонов таржимаси. Таржиманин кайта ишлаб нашрға тайёрловчи ва масъул мухаррир: Асомиддин Ўринбоев. Изоҳлар ва лугатларни тузувчи Ҳабибулло Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи Омонулло Бўриевники). Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Б. 90.

<sup>2</sup> Ўша асар. Б.227.

<sup>3</sup> Ўша асар. Б. 330.

<sup>4</sup> Абдураззок Самаркандин. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, I-кисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. Б. 171.

Хуросондан мазкур юришга номзод килинганды амирлар орасыда амир Мусо хам бор<sup>1</sup>. Амир Мусо саркарда сифатида Шохрухнинг яна бир канча тоширикларини адо этгани ҳакида манбаларда маълумот мавжуд. Мазкур амир Мусо ва Мусо ибн Шодикожа Насафий бир шахс эканлигини тасдиқловчи кўшимча далиллар хам топилиб колса ажаб эмас.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний»нинг биринчи таҳририда Искандар Мирзо ва униниң отаси Умаршайх Мирзо фаолиятига кенг ўрин ажратилган. Шохрух Мирзога бағишланган иккинчи таҳрири тайёрлаётган муаллиф, маълум сабабларга кўра, бундай ўринларни анча кискартирган. Ж. Обен ўз нашрида Лондон нусхаси асосида асарнинг биринчи таҳриридан айрим шарчаларни илова сифатида келтирган. Бирок айрим тадқикотчилар, жумладан, О.Ф. Ақимушкининг «Мунтахаб ут-таворихи Муинний»нинг иккинчи таҳрири биринчисидан кискареко», деган хуносасини тўғри деб бўлмайди<sup>2</sup>. Чунки муаллиф иккинчи таҳрирга биринчисида бўлмаган баъзи кўшимча маълумотларни хам киритган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Муиниддин Натаңзийнинг «Мунтахаб ут-таворихи Муинний» асари биринчи таҳриридан и, айниқса, Искандар Мирзо ҳақидаги маълумотларга танқидий назар билан қараш лозим. Чунопчи, муаррихнинг Амир Темур Искандар Мирзони бошка ўғил ва невараларидан ортиқроқ кўриб, уни валинаҳд этишини ният килгани ёки Искандарининг ўз амакиси Шохрухга давлатни идора этиш хусусида сабок бергани каби хабарлари яққол муболага бўлиб, бошка манбалар томонидан тасдиқланмайди.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний»нинг мундарижаси баъзи каталоуларда батафсил ёритилган<sup>3</sup>. Асар қисқача муқаддима ва уч қисмдан иборат. Муқаддимада Оламнинг яратилиши, Одам шайҳиссалом ва Нуҳ пайғамбар ҳамда уларнинг авлодлари ҳакида ҳикоя килинади. Биринчи қисмдан қадимги Эрон, Рум ва Арабистонда ҳукм сурган сулолалар тарихи ўрин олган. Иккинчи қисм Мұхаммад пайғамбар с.а.в. ва халифалар тарихи билан бошланиб, турли мамлакатларда ҳукм сур-

<sup>1</sup> Ўша асар. Б. 310.

<sup>2</sup> Материалы по истории киргизов и Киргизии. Выпуск I. Москва: Наука, 1973. С. 112.

<sup>3</sup> Rieu Ch. Catalogue of the Persian Manuscripts in the British Museum, Vol. III. London, 1883, P. 1062a–1064b; Blochet E. Catalogue des Manuscrits Persans. Paris, 1934, № 2283, P. 228–231; Миклюх-Маклай Н.Д. Описания персидских и таджикских рукописей Института Востоковедения. Выпуск 3. Исторические сочинения. Москва: Наука, 1975, № 242, С. 76–80; Ахмад Гулчин Маоний. Фехресте кутубе ҳатти-йе кетобхона-йе Остоне Кудсе Резавий. Тус – Машҳад, 1346 шамсий, № 285, С. 149–154.

ган ўнлаб мусулмон сулолаларининг ҳар бирига алоҳида боб (габака) бағишиланган. Учинчи кисм турк ва мўгул қабилаларишин келиб чикиши ҳакидаги ҳикоя билан бошланиб, Чингизхон ва унинг авлодлари яратган давлатлар ҳамда уларга ҳамаср бўлган сулолалар тартихидан иборат. Мазкур кисмни охирги боби Амир Темур давлати тарихига бағишиланган бўлиб, у асардаги ҳажм жиҳатидан энг катта бобдир. Бирок катор олдинги бобларда ҳам соҳибкiron фаолиятига онд баъзи маълумотлар мавжуд.

«Мунтахаб ут-таворихи Муиний»нинг композицион тузилиши ўзига хос бўлиб, бу жиҳатдан у ўрта асрларда умумий тарих типидан ёзилган бошка асарлардан ажралиб туради. Натанзий XIV асрда мавжуд бўлган ва Амир Темур давлати билан муносабатга киришган сулолалар тарихини ёритганда, соҳибкiron давридаги воеаларни кискача баён килиб, мазкур воеалар «хазрат соҳибкiron табакаси»да муфассал тасвиirlанишини таъкидлаб ўтади. Шу тарика муаллиф Амир Темур давлати тарихини жаҳон тарихининг узвий кисми, балки унинг гултожи сифатига ёритади. Бу жиҳатдан, «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» Амир Темур фаолиятини тўла камраб олишга харакат қилинган умумий тарих типидаги асарлар орасида ёзилган вактига кўра биринчисидир.

Муиниддин Натанзий ўз асарининг замонасидан илгариги даврларга оид қисмларини ёзишида Рашидиддин Фазлуллоҳ, Ҳамдуллоҳ Қазваний ва бошка тарихчилар асарларидан фойдаланган. Ўз замонаси ва яқин ўтмиш воеаларини эса кўпроқ ўзи йиккан материаллар асосида битган. Шу сабабли, «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»нинг айникса, сўнгги қисмларида бошка муаррихлар асарларида учрамайдиган нодир маълумотлар бисёрдир.

Асарнинг сўнгти қисмлари француз шарқшуноси Жан Обен тарафидан Париж ва Лондон кўлёзмалари асосида нашрга тайёрланиб, 1957 йилда Техронда аслиятда, яъни форс тилида чоп килинган<sup>1</sup>. Мазкур нашрга кискача сўзбоши ёзилib, кўрсаткичлар тузилган бўлсада, илмий изоҳлар билан таъминланмаган. «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»нинг Амир Темур даврига онд қисмларининг ўзбек тилига таржимаси Ж. Обен нашри асосида бажарилганлиги учун куйида Техрон нашрининг мундарижасини келтирамиз:

<sup>1</sup> Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (форс тилида). Ба тасхихе Жан Обен, Техрон: Чопхона-йе «Ҳайдари», 1336 1957. (Бундан сўнг ичошлиarda мазкур нашрга ҳавола килинганда асар номи кискача «Мунтахаб» тарзида келтириллади).

Нашрга тайёрловчининг 9 саҳифадан иборат сўзбошиси ракамлар ўрнига араб алифбоси ҳарфлари билан белгиланган;

Шабонкора маликлари табакаси (1–9-бетлар);

Хурмуз маликлари табакаси (10–19-бетлар);

Кирмон маликлари табакаси (20–30-бетлар);

Язд маликлари табакаси (31–34-бетлар);

Луристон маликлари табакаси (35–67-бетлар);

Жўжихон авлоди табакаси (68–101-бетлар);

Чигатой уруғи табакаси (102–132-бетлар);

Ҳалокухон табакаси (133–157-бетлар);

Туготемурнийлар табакаси (158–159-бетлар);

Ҷўпон авлодлари табакаси (160–162-бетлар);

Амир Шайх Ҳасан Бузург авлоди табакаси (163–169-бетлар);

Махмудшоҳ Нижу авлоди табакаси (170–179-бетлар);

Мухаммад Музаффар авлоди табакаси (180–196-бетлар);

Мовароуннахрда исен кўтарган амиrlар табакаси (197–274-бетлар);

Ҳазрат Султон соҳибқирон табакаси (275–408-бетлар);

Амир Темур тарихига оид Лондон нусхасида мавжуд фасллар (409–436-бетлар);

Кўрсаткичлар (437–485-бетлар).

Асарнинг ушбу бобларидан иккитаси: «Мовароуннахрда исен кўтарган амиrlар табакаси» ва «Ҳазрат Султон соҳибқирон табакаси» бошдан охир Амир Темур даври воеалари баёнига бағищланган. Бирок олдинги айрим бобларда хам муайян сулоланинг Амир Темурга замондош намояндлари фаолияти баёнида соҳибқирон ёки темурийлар ҳакида баъзи маълумотлар мавжуд.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний»даги энг диккатга сазовор маълумотлардан бири унда Амир Темур туғилган жой сифатида Ниёзий номли кишлоқнинг кайд килинганидир<sup>1</sup>. Натанзий асари хали у калар ўрганилмаган пайтда, илмий адабиётларда Амир Темурга замондош муаллифлардан факат Ибн Арабшоҳ соҳибқирон туғилган жой сифатида Хожа Илғор номли кишлоқни кайд килган. деб хисобланар, бопка муаррихлар «Кеш (Шаҳрисабз) атрофида туғилган» деб ёзиш билан чекланишгани таъкидлаб ўтиларди. Ҳатто «Мунтахаб ут-таворихи Муинний» ҳакида дастлабки маколаларни ёзган В.В. Бартольдининг хам фикри шундай бўлган<sup>2</sup>. Бу холнинг сабаби бизга асарнинг ҳар иккала

Мунтахаб. Б. 262.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Т. 2, часть 2. Работы по отдельным проблемам Средней Азии. Москва. 1964. С. 39.

тахрирининг айни қисмларини солиштириб кўрганимиздан кейин аён бўлди. Амир Темур туғилган кишлоқ ҳакидаги маълумот «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»нинг факат иккинчи таҳриридагина мавжуд экан. Маълумки, В.В. Бартольд фойдаланган Санкт-Петербург нусхалари биринчи таҳрирга оид бўлиб, у Париждаги «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»нинг иккинчи таҳририга оид жаҳонда ягона қўллэzmани тўла ҳолида кўздан кечириш имкониятига эга бўлмай, факат илтимосига кўра унга юборилган айрим кўчирмалардан фойдаланган. Асарнинг охириги қисмлари нашр этилгач, мутахассислар Амир Темур туғилган кишлоқ ҳакидаги маълумотга эътибор каратишди. Япон олими Широ Андо Ҳожа Илғор ва Ниёзий бир кишлоқнинг икки хил номланишилар, деган фикр билдирган<sup>1</sup>. Бирок ўзбек олимлари ҳар икки кишлоқ қадимдан мавжуд бўлганини далиллар билан исбот этишиди<sup>2</sup>.

Амир Темур туғилган кишлоқ ҳакидаги Наганзий ва Ибн Арабшоҳ маълумотларидан кайси бири ҳакикатлигини то манбалардан қўшимча далиллар топилмагунча узил-кесил исбот қилиш мумкин эмас. Балки, соҳибкiron бу кишлоқлардан бирида туғилиб, иккинчисида болалиги кечгандир. Табиийки, барча улуғ сиймолар таржиман ҳолида шунга ўхшаш охиригача аён бўлмасдан, турли баҳс-мунозаралар уйғотувчи сирли жиҳатлар бўлади.

«Мунтахаб ут-таворихи Муиний»да Амир Темурнинг ёшлиги кечган давр, яъни XIV асрнинг 40–50-йиллари тарихи бошқа ўша давр манбаларига нисбатан кенгрок ёритилган. Айни шу даврда Мовароуннахрда бир қанча муҳим сиёсий воқеалар юз бериб, улар ёш Темурнинг дунёкараши ва сиёсий онги шаклланишига катта таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Бу воқеаларнинг энг ёрқин ва аҳамиятлиси турк амири Қазағоннинг золим мўғул хони Қозонхонга карши исён кўтариб, бир неча шиддатли жанглардан сўнг инҳоят ғалаба қозониб. 1346 йилда хонни таҳтдан ағдариб, ўн икки йил давомида, яъни то 1358 йилгача Мовароуннахрда хокимиятни ўз қўлида ушлаб турганлигидир. Амир Қазағон Дошманча, Баёнкули каби чингизийзодаларни номнига хон килиб кўтарса-да, мустакил ҳукмдор сифатида сиёсат юргизган.

Темурийлар даври гарихчилари ўз асарларida бир овоздан амир Қазағонни мўғул хони Қозонхон истибододига чек қўйган ва сўнгра элу юрг осойишталитгини таъминлаган оқил ва тадбиркор ҳукмдор

<sup>1</sup> Shiro Ando. Timuridische Emire nachdem Muizz al-ansab. Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 1992. S. 51.

<sup>2</sup> Зиё А. Темур туғилган жой ҳусусида Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. №15. Б. 3: Ўша музаллиф: К вопросу о месте рождения Тимура – Ўзбекистонда ижтиёйиётни фанлар. 1994. № 3–4: Абдулсаттор Жуманазар. Насаф. Тошкент: Алишер Навонийномидаги Ўзбекистон Milliy кутубхонаси нашриёти. 2007. Б. 34–53.

сифатида таърифлашади. Бу асарларнинг дастлабкилари яратилганда амир Қазағон вафотидан сүнг карийб ярим аср ўтган эди. Бу хол хам мазкур амирнинг ўзидан сүнг халк орасида ёркин ва эзгу хотира колдирғанини күрсатади. Шу нарса диккатға сазоворки, амир Ҳусайн шахсиятини таърифлашда салбий чизгиларни күпроқ ишлатган муаррихлар унинг бобоси амир Қазағон ҳакида асосан ижобий фикрлар айтишган. Қазағон Амир Темурнинг бош хотини Сароймұлхонимнинг отаси Қозонхонни таҳтдан ағдариб, қагл этгани хам темурийлар даври тарихчиларига унинг фаолиятини ижобий баҳолашга монелик килмаган. Аксинча, Қозонхоннинг зулми ҳаддан ошгани амир Қазағон исёнига сабаб бўлгани хусусида муаррихлар яқдилди. Юкоридаги далиллар асосида биз, манбалардаги амир Қазағон ҳакидаги маълумотлар холисона ва самимий бўлиб, муайян даражада Амир Темурнинг бу хусуслаги нуктаи назарини хам акс эттиради, деган фикрга мойилмиз.

Соҳибқиронга замондош муаррихлардан Низомиддин Шомий амир Қазағон ҳакида бир неча сатр маълумот бериб ўтиш билан чекланган. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида амир Қазағон исёни ва ҳукмронлиги даврига алоҳида фасл бағишинган. Яздий, хусусан, Қазағонбекнинг Хурсонга юриш килишига батағсил тўхталади. Шу тарика, Яздий, асосан, амир Қазағоннинг ташки сиёсатини ёритган бўлса. Натанзий унинг ички сиёсати ҳакида ниҳоятда кимматли маълумотлар келтиради: «Қазағоннинг адолати туфайли мулку миllat ишлари шу даражада мустаҳкам ва устувор бўлдикি, бўри билан кўй бир сувлоқдан сув ичиб, дарвиш кулбаси бехатарлигидан најот уйнга айланди. Зулм номи ва ситам нишони ҳаёт юзасидан батамом йўколди. Оддий одамлар ва улуғлар, мусофиirlар ва муқимлар, каттаю кичик, хосу ом – ҳеч кимнинг дилида рўзғор гардишидан шикоят губори колмади ва Ануширвон адолати ҳакидаги ҳикоятлар халк хоти-расидан унуптилиб кетди. Унинг адли ўлчови шу қадар юксакка етдики, бирон амир ёки вазир мол-мулкдан ушр солиги ва расмий кабчурдан<sup>1</sup> бошка бирон исм ё бирон расм билан ҳеч бир бандадан бир динор хам ололмасди»<sup>2</sup>.

Тарихий манбалар маълумотларига таяниб, амир Қазағон фаолиятини Мовароуннаҳрда мустакил давлат куриш йўлидаги илк харакатлар ва унинг баъзи тадбирларини, кичикроқ миёсда бўлса-да, «темуруна ишлар» деб баҳолаш мумкин. Бирок бу йўлда айрим муваффакиятларга эришилганига қарамай, ютуклар охирига етказилиб, етарли даражада

<sup>1</sup> Кабчур – чорвадан олиналиган солик.

<sup>2</sup> Мунтахаб. Б.200.

мустаҳкамлашынади. Бунинг асесий сабаби, назаримизда, амир Қазағон ва ворисларининг мамлакатни марказлаштириш сиёсатини изчил ра-вишда олиб боришлоғмагани эди. Амир Қазағон даврида ўлканинг доимий ва муайян пойтахти бўлмаган. Гарчанд, унини ўғли Абдулла Самарқандни пойтахт этса-да, ички исенларни бостиришига ожизлик килди. Натижада Мовароунахрда таркоқлик авж олиб, бир неча йилдан сўнг Мўғулистон хони Туғлуктемур ўлкани босиб олиб, мўғуллар хукмронлигини кайта тиклади. Туронда мўғуллар истибодинин узил-кесил ағлариб ташлаб, том маънодаги мустакил ва марказлашган давлат бунёд этиш ишини Амир Темур амалга оширди.

Натанзий 1365–1366 йилларда Мовароунахрда юз берган мухим сиёсий воеа – Самарқанд сарбадорлари кўзғолонни хусусида хам ўзига замондош муаррихларга ишбатан анча муфассал маълумотлар беради. Масалан, Шомий ва Яздий «Зафарнома»ларида сарбадорлар хусусида бир неча жумладан иборат салбий фикрлар билдирилган бўлса, «Мунтахаб ут-таворихи Муинний»да Самарқанд сарбадорлари кўзғолонига алоҳида фасл бағишланаб, муаллиф сарбадорлар ва уларнинг кураши хақида хайрихохлик билан ёзади. Шу жиҳатдан, Муиниддин Натанзий ўз асарларида Самарқанд сарбадорлари кўзғолонини кенг ёритган муаррихларнинг биринчиси бўлиб, кейинги давр маибалидаги ушбу тарихий воеа баёнида унинг таъсири яққол сезилади.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний»да Амир Темурнинг ватанпарварлашкарбоши ва тадбиркор давлат арбоби сифатида камол топа бориши ёркин акс ўтирилган. Амир Қазағон исёни натижасида Чигатой улуси иккига – Мовароунахр ва Мўғулистонга ажralиб кетган бўлса-да, Мўғулистон хони Туғлуктемур уни қайта бирлантиради. Ўз сиёсий фаолияти бошларида мархум отасининг дўстлари маслаҳати билан Туғлуктемур хизматига кирган Темурбек, хонининг Мовароунахрда хоким килиб колдирган ўғли Илёсхожа ва унинг амирларининг ахолига зулмини кўргач, мўғуллардан юз ўтириб, амир Қазағон сулласини қайта тиклаш орқали Мовароунахрни истиқололга элтишга бел боғлади. У амир Қазагонининг Қандаҳор вилоятида яшириниб юрган невараси амир Ҳусайнни қидириб топиб, мўғулларга карши биргаликда курашига даъват этади. Муаллиф мамлакатдаги таркоқлик ва мўғул хонларининг Мовароунахрга тажовузларига чек кўйинида Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолияти хал килувчи аҳамиятга эга бўлганини кўп бора таъкидлаб ўтади. Соҳибқирон йигитлик давридаёк Ватан тақдирни учун қайғурган ва элу юрт олдидағи масъулияти чукур хис этган. Масалан, Натанзий шундай ҳикоя қиласи: «Ушбу уруш-са-

вашлар бўлаётган бир пайтда Баҳром жалойирга ҳамроҳ бўлган мўғул лашкари талончилик кўлини мусулмонлар мулкига чўзиб, ҳаддан ошик горагарликлар килишаётганди. Султони ғозий шундай фикр килди: Ҳусайн оркасидан таъкиб килса, мўғуллар ўлим майдонида зўравонлик килишади ва қиёмат кунида бу ҳол учун жавобгарлик унга юкланди. Уларни даф этишни муҳимроқ, леб ҳисоблади ва жиловни мажусийлар тарафга бурди. Мўғуллар вилоятда пароканда бўлиб кетишганди. Қай бирини йўликтирса, ҳаялламай бўйнига килич урди. Мўғуллар олган асиirlарини жой-жойида колдириб кочиб кетишди<sup>1</sup>.

Манбалар таҳлили шуни кўрсатади, ўз сиёсий фаолияти бошлирида Амир Темур олий ҳокимиётта интилмаган. У бор куч-ғайратини Мовароуниҳрда амир Қазағон сулоласини кайта тиклашга сарфланган. Мўғуллар устидан қозонилган деярли барча ғалабалар Темурбек номи билан боғлиқдир. Бироқ амир Ҳусайн Темурбек ва бошқа амирларнинг қолаверса, бутун Мовароуниҳр аҳолисининг ишончу умидларини оқламагач. ўзаро низолар келиб чикади. Ўша даврда истиклол ва бирдамлик ғоялари кенг ёйилиб, аҳолининг турли қатламлари дилига ўришганини «Мунтахаб ут-таворихи Муниний»да келтирилган Туркистон вилояти улуғларининг Амир Темурга мурожаатидаги ушбу сўзлар ҳам тасдиклайди: «Сизлар туфайли ҳар лаҳза мўғул лашкари ислом ўлкасида турли ҳаробгарчиликлар килмоқда. Дорулислом Мовароуниҳрдаги барча тартибсизликлар сиз – икки амир ўртасидаги келишмовчиликлар сабабидан содир бўлмоқда. Қай тариқа бўлмасин, бу лунёда ва қиёматда бунинг жазоси берилур. Бу адovat ва хусуматни орадан кўтариб, ботин соғлиги билан ўзингиз ва мусулмонлар манфати йўлида сулҳга ихлос кўймогингиз вожибdir»<sup>2</sup>.

Амир Темур хукмронлиги даври тарихига ўтганда муаллифининг баён услуби кўтаринки тус олади. Ўтган бир ярим аср давомида та-наззулдан боши чиқмаган Туронда улкан ўзгаришлар рўй бера бошлиди. Шуниси диккатга сазоворки, улкан бунёдкорлик ишларини Амир Темур олдиндан режалаштириб юрган ва таҳтга ўтириши билан уларни кенг кўламда амалга оширишга кириштан: «Самарқанд қисқа фурсатда шунчалик гуллаб-яшнадики, олий жанинатга таъна қилиб, ер юзининг беҳиштига айланди. Шаҳарнинг теварак-атрофида ҳам кўркам боғлар ва дилқаш иморатлар бунёд этишди. Рубъи маскунинги барча жойларидан жуда кўп одамлар бу муборак шаҳар томон

<sup>1</sup> Ўша асар. Б. 271.

<sup>2</sup> Ўша асар. Б. 251.

отланиб, ҳазрат Амир соҳибқироннинг адолати ва марҳамати соясидан паноҳ топишиди.

Амир соҳибқирон ғурбат ва маҳрумлик йилларида Оллоҳ таоло олдила кандай аҳду паймон қилиган бўлса, айни ушбу тарик ва коидалар асосида худонинг ҳалки билан муомала қилишини ўзига қасб этиди. Аввалин барча йўлларда ёмлар барни этишини буюрди ва ҳалк ўтиб-кечадиган жойлардаги ҳаробаларни тузатиб обод килдириди. Олий работлар ва ҳонакоҳлар курдириб, факиру мискинлар учун ҳайрия тарзида уларнинг эшикларини очиб кўйди<sup>1</sup>.

«Мунтажаб ут-таворихи Муиний»да Амир Темуринг шахсий хислатлари, кайси илмларга қизикили ҳакида ҳам маълумотлар бор: «Илму ҳикмат ахли ва фан арбобларига гоятда эътиборли эди. Уларни эъзову икром қилишда муболагалар кўрсатарди. Тарих китоблари ни энинин орқали қавмлар наасби ва шархи ҳолларини, турк, араб ва ажам подиоларининг бўлган жойлари ва қилилан ишларини ҳамда бу илмнинг тармокларини жуда чукур эгаллаган эди... Яна унинг мажлисларида илмий масалалар баҳси жуда кўп бўлиб турарди. Нозик масалаларни у яхши тушунар, аксар ҳолларда унинг фикри асоси ва тўғри бўларди. Тиб ва нужум илмларининг манихур масалаларида кўпинча ҳозиржавоблик қиласарди... Эзининг аксар вактини сайидлар, олимлар ва машойихлар билан сухбатланишга сарф қиласарди»<sup>2</sup>.

Бундай маърифатли ҳукмдорнинг ўз мамлакатида илму фан равнанига катта эътибор қаратилиши ажабланарли эмас: «Имомлар, ислом уламолари, қозилар ва улуғ шайхларга бўлган ҳурмат-эътиборини шударажага етказдики, илму фан бехад равиак топиб, талабаларнинг нафакаси лозим бўлган мисқордан ҳам кўпроқ килиб белгиланди. Бунинг натижасида бир неча минг нафар турли илмларни эгаллаган соҳибкамоллар,санокка сингмайдиган даражада кўп қалби дарё истеъодд эгалари унинг улуғвор ҳонадони саховати ҳаджалари нуридан замона чехрасида зохир бўлдилар»<sup>3</sup>.

«Мунтажаб ут-таворихи Муиний»даги бу каби маълумотлар кейинчалик Улугбек замонасида Мовароунахрда илму фаннинг мисли кўрилмаган тарзда тараккий этмоғи учун Амир Темур даврида мустаҳкам пойдевор яратилганини тасдиклайди.

Натанзий асарида ўрта асрлардаги этнослар ҳакида ҳам муҳим ҳабарлар мавжуд. Муаррихнинг кораунослар борасидаги маълумотла-

<sup>1</sup> Ўша асар. Б. 288.

<sup>2</sup> Ўша асар. Б. 280.

<sup>3</sup> Ўша асар. Б. 288.

ри Мовароуннахрда яшаган ва минтака сиёсий ҳастига катта таъсир кўрсатган бу кавм ҳакидаги илмий адабистларда ўришиб колган фикрларни қайта кўриб чикишга ундиади. В.В. Бартольд XVI асрга оид манба, яъни Мирзо Мухаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асари маълумотига<sup>1</sup> таянган ҳолда, мўғуллар Мовароуннахрдаги чигатойларни (яъни, кўчманчилик анъаналарини саклаб келаётган туркӣ аҳолини) «курама» маъносидаги кораунос сўзи, ўз навбатида чигатойлар мўғулларни «карокчи» маъносидаги жета сўзи билан атасиганини таъкидлайди<sup>2</sup>. Низомиддин Шомий «Зафарнома»сининг ўзбек тилидаги наприда кораунос (каровнос) атамасига қўйидагича изоҳ берилган: «Қаровнос – луғавий маъноси: турли миллатлар кони кўшилган, кони бузилган – Еттисув воҳасида яшаган Чигатой улусига мансуб кўчманчи мўғуллар. Мовароуннахрга кўчиб бориб, ўтрокланиб, туркнийлашиб колган барлос ва жалойирни кабилаларни шунлай деб номлаганлар»<sup>3</sup>. «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»да келтирилган маълумотлардан эса, кораунос атамаси Мовароуннахрдаги барча кўчманчи кабилалар ёки барлос ва жалойирларни эмас, балки асосан амир Қазағон ва унинг ворисларига хизмат килган ҳарбий жиҳатдан кучли бир кавмни англатиши маълум бўлали.

«Мунтахаб ут-таворихи Муиний»нинг манба сифатидаги кимматли жиҳатларидан яна бири шуки, унда Амир Темурнинг ҳарбий дахоси ва лашкарининг жанговарлиги ҳакида бошка манбаларда учрамайдиган баъзи муҳим маълумотлар баён килинган. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати хусусида маҳсус рисолалар чоп этган тадқикотчилар М. Иванин<sup>4</sup> ва Х. Дадабоев<sup>5</sup> баъзи сабабларга кўра, «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»ни ўз ишларига жалб килиш имкониятига эга бўлмаганлар.

<sup>1</sup> Мирзо Мухаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси, № 1430, в.85а; Мирза Мухаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. Джалиловой, Л. Епифановой. Ташкент: Фан, 1996. С. 184.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Т. 2, часть 2. Работы по отдельным проблемам Средней Азии. Москва, 1964. С. 35.

<sup>3</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Юнусхон Ҳакимжонов таржимаси. Таржимани қайта ишлаб нашрға тайёрловчи ва масъуль муҳаррир: Асомиддин Ўринбоев. Изоҳлар ва лутатларни тузувчи Ҳабибулло Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи Омонулло Бўриевники). Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Б. 521.

<sup>4</sup> Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур (1875 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган «О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингиз-хане и Тамерлане» номли китобнини ўзбекча таржимаси). Таржимон: А.Махкамов. Тошкент: Ҳазина, 1994.

<sup>5</sup> Дадабоев Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Тошкент: Ёзувчи, 1996.

Амир Темур йигитлик даврида ёк мохир стратег сифатида ўз кобилияниши намоён эта борганига «Мунтакаб ут-таворихи Муинний»дан далиллар келтириши мумкин. Масалан, у хали тахтга чикишидан анча илгари ёк, мүгүллар истиблодинга батамом чек кўйиш учун душманинн ўз худудида тор-мор келтириш заруратини англайди ва кулай вазият туғилганда, амир Ҳусайнини бу тадбирин бажаришга ундаиди. Бирок амир Ҳусайниннинг калтабинлиги туфайли оқилона режа амалга оширилмайди<sup>1</sup>.

Амир Темур лашкарида мохир муҳандислар бўлиб, айникса, метин-мустахкам кальъаларни забт этишида уларнинг билими ва тажрибаси-га таянилган. Жумладан, Натанзий Турниз кальъаси камали ҳакида шундай хикоя килади: «Иттифоқан, ул қатъа ханлаги сувга тўла гарк килувчи кўлга ўхшар, унинг чукурлигини киёсий ўлчов билан аниқлаб бўлмасди. Муҳандисларга тайёрани<sup>2</sup> ишга солиб, ернинг нишабини аниқлашамр қилинди: ҳисоб ўн фарсангта баробар чиқди. Қазувчиларга бу ердан ҳар бири ўн фарсангта баробар бўлган қарийб элликта кориз<sup>3</sup> қазиб, ул хандакини сарчашмасини сахрога қаратиб оқизиш ҳакида фармон берилди. Сув ер қаърига кеттандан сўнг, хандакнинг лойи офтоб ҳароратидан худди сув кўрмаган сопол идишдек қуп-курук бўлиб колди»<sup>4</sup>.

Диккатта сазовор ҳоллардан бири шуки, Амир Темурга сафарларида ҳамроҳ бўлган тарихчи Ҳофизи Абрў ҳам муҳандислик ишларига жалб этилган. «Зубдат ут-таворихи Бойсунгурий» асарида муаррихнинг ўзи Байлақон анхорини қазиша ер ўлчовчиларга бошчилик қилишга тайинланганини айтади.<sup>5</sup>

Форс тилида битылган «Мунтакаб ут-таворихи Муинний»нинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда турк-мўғул сўзлари, айникса, сиёсий, иккисодий, маъмурӣ ва ҳарбий атамалар анча кенг кўлланилган. Натанзий келтирган ўна даврга оид туркий тилдаги бир қанча ҳарбий атамалар хатто Амир Темур тарихи учун бони манбалар сифатида танилган китоблар, яъни Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»ларида ҳам учрамайди. Бу ҳол Натанзий асарининг оригиналлиги, муаррих ўз даврига оид ҳарбий атамаларни

<sup>1</sup> Мунтакаб. Б. 255.

<sup>2</sup> Тайёра – матнда ҳам шундай. Муҳандис (инженер)лик асбобларидан бири эканлиги англашилалди.

<sup>3</sup> Кориз – ер ости ариги.

<sup>4</sup> Мунтакаб. Б. 316.

<sup>5</sup> Ҳофизи Абрў. Зубдат ут-таворих. Ж. 2. Ба тасхихе Сайид Камол Ҳож Сайид Жаводий. Техрон, 1380. С. 1011.

сичиклаб ўргантанини ҳамда Амир Темур лашкарида жанг қылган баъзи йирик саркардалардан ўз асари учун мухим маълумотларни сўраб олганини тасдиклайди. Асосан шу сабабга кўра, ўз илмий ишиларида «Мунтахаб ут-таворихи Муинний»дан фойдаланган деярли барча тадқикотчилар: «Наганзий ўз асарини ёзишда бизгача стиб келмаган туркий тирадиги номаълум бир манбадан фойдаланган», – деган тахминни илгари суришган.

Тўғри, Амир Темур тарихига бағишланган форс тилида битилган бошка асарлар ҳам туркий сўзлардан холи эмас. Чунки ўша замонда давлатчилик, ҳарбий ва бошка соҳаларда туркий тилнинг мавкеи анча кучли бўлгани учун, форс тилида ёзилган асарларда ҳам унинг таъсири у ё бу даражада акс этганилиги табиийдир. Форс тилидаги тарихий манбаларда учрайдиган турк-мўғул сўзларига бағишланган маҳсус тадқикотлар ҳам яратилган<sup>1</sup>.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний»да бир катор нодир турк-мўғул сўзлари кўлланганки, улар ўша замонда айни мавзуда яратилган бошка манбаларда учрамайди. Боз устига бу сўзларнинг айримлари обрули туркий лугатларда ҳам кайд этилмаган. Унибу ҳол асар тадқикотчилари учун муайян қийинчиликлар туғдирган ва түғдирмоқда. Масалан, 1941 йилда нашр килинган «Олтин Ўрда тарихига оид маълумотлар» тўпламиининг 2-жилдида бошка бир қанча форс тилидаги манбалар катори «Мунтахаб ут-таворихи Муинний»нинг ҳам Олтин Ўрда тарихига тааллуқли жойларининг русча таржимаси келтирилган. Аммо тўплам тузувчилари асарнинг мазкур кисмларини тўла таржима килишга муваффак бўлмаганлар. Улар бу ҳол сабабини шундай изохлашади: «Матннинг кўп жойлари жуда кам учрайдиган турк ва мўғул сўзларига тўлиб кетгани учун, маъноси ноаниклигича колди. Ана шу сабабга кўра биз «Искандар аноними»нинг Олтин Ўрда тарихига оид баъзи жойларини чои этишдан воз кечди»<sup>2</sup>.

Асарнинг Амир Темур даврига оид кисмларини ўзбек тилига таржима килиш жараёнида, айникса, нодир ҳарбий атамалар маъносини аниқлашда биз ҳам шу қийинчиликка дуч келдик. Тўғри, бир катор ҳарбий атамалар ўша даврда битилган кўплаб манбаларда кенг кўлланилган ҳамда улар ўрта асрлар ва сўнгти даврларда яратилган

<sup>1</sup> Ализа-де А.А. Употребление тюрко-монгольских терминов в произведениях Рашид ад-дина и Вассафа// Грузинское источниковедение III. Тбилиси: Мещниераба, 1971. С. 176–190.

<sup>2</sup> Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Т. II. Извлечения из персидских сочинений, собранные В.Г. Тизенгаузеном и обработанные А.А. Ромаскевичем и С.Л. Волиным. М.; Л., 1941. С. 127.

луғатлардан ўрин олган. Масалан: **ёсоминий** – лашкарни тартибга солиб сафлаш, **такомиший** ёки **накомиший** – чекинаётган душманни кувлааб зарба бериш, **сон** – кўшин рўйхати, **булжор** – лашкар йигилиши учун белгиланган жой ва муддат, **танқол** ёки **тунқол** – лашкарларга белгиланган жойда йигилиши учун берилган бўйрук ёки хабар ва хоказо.

Аммо баъзи ҳарбий атамалар «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»дан бошка ўша давр манбаларида кенг кўлланиши у ёқла турсин, аксинча, деярли учрамайди. Шу сабабин уларнинг маъносини матнадаги ўрнига кўра тахминан аникланшга мажбур бўлдик. Куйида ушбу камёб ҳарбий атамалардан бир нечтасини кўриб чикамиз.

**Булғомиший.** Бу сўз Натанзий асарида кенг кўлланилган ва матнадаги ўрнидан унинг «разведка» маъносини бериши англашилади. Масалан, сарбадорлардан мағлуб бўлган мўгул кўшини Самарканда атрофии гарк эттак, “Султони ғозий (Амир Темур) Аббос баҳодирни бир неча отлик билан вилоятдаги ахвол ва вазиятни **булғомиший** қилиб текшириб, маълумот йиғиб келиш учун Хузор сарҳадларига юборди”<sup>1</sup>.

Амир Темур тарихига оид бизга маълум бошка манбаларда бу атама учрамайди. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида «разведка» маъносида кўп ҳолларда **«истикшоф»** сўзи кўлланилган: «Жата лапикарлари қайтиб кетаётган пайтда, ҳазрат сохибқирони Аббос баҳодирни Жата вазиятини **истикшоф** қилиш учун Қаҳалгага юборған эди»<sup>2</sup>.

Хофизи Абрў эса «Зубдат ут-таворихи Бойсунгурний» асарида ушбу воқеа ҳакида қўйидагича ёнади: “Мўгулларнинг тарқоклиги ва паронандалиги хабари Амир сохибқиронга еттак, у Аббос баҳодирга бир неча отлик билан дарёдан ўтиб, вилоятга киришин ва ёғий ахволини таҳкиқ қилиб бирон хабар келтиришни буюргди”<sup>3</sup>.

Гарчанд. Яздий ва Хофизи Абрў «булғомиший» сўзини кўлламаган бўлсалар-да, уларнинг баёнидан ҳам Аббос баҳодирнинг разведкага юборилгани англашилади.

**Кечомиший.** Бу атама «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»дан бошка Амир Темур тарихига оид манбаларда учрамаса-да, Рашидиддин Фазлуллоҳнинг «Жоме ут-таворих» асарида кенг кўлланилган. Шуниси кизикки, «Жоме ут-таворих»нинг турли жилларини рус тилига

<sup>1</sup> Мунтахаб. Б. 231.

<sup>2</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (форс тилидаги танқидий матн нашири. Нашрга тайёрлаш, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Ўринбоевники. Масъул мухаррир А.К. Арендс. Тошкент: Фан, 1972. Б. 246.

<sup>3</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Ф. Тауэр нашири, 2-жилд. Прага, 1956. Б. 21. (Китобнинг иккинчи жилдиди Низомиддин Шомий маълумотларини киёслаш ва тўлашиб учун Хофизи Абрў асаридан кўплаб парчалар келтирилган).

ўгирган таржимонлар **кечомиший** сўзини ҳар бири ўзича турли маъноларда таржима килишган. Ушбу асардан парча киритилган «Олтин Үрда тарихига оид материаллар» тўпламида эса бу сўз умуман таржима килинмасдан, ўрнига уч нукта кўйилган ва саҳифа настидаги қўйидагича изоҳ берилган: «Что значит слово **ечамиши** – неизвестно; Березин перевел «**производил перевозку**», что, однако, не подходит к контексту»<sup>1</sup>. Рашидиддин асарининг иккинчи жилдини таржима қилган Ю.П. Верховский, афтидан, **кечомиший** сўзи туркий тиллардаги тун маъносидаги кеча сўзидан ясалган, деб ўйлаган ва уни **«стунамок»** маъносига таржима қилган: «Каждый со своим туменом **перепочевали** в авангарде и хорошо сражались»<sup>2</sup>. Бирок таржимон янгилишган ва бу ҳол жумла маъносининг ўзгаришига олиб келган. Рашидиддин асарининг учинчи жилдини рус тилига таржима қилган А.К. Арендс **кечомиший** атамасини **жонбозлик** (усердие) маъносига ўгирган<sup>3</sup>. Ушбу атаманинг «Мунтакаб ут-таворихи Муиний» асарида қўлланилиш ҳолларини тадқик этиш натижасида А.К. Арендс таржимаси муваффақиятли чиқкан, деган хуносага келдик. Бу атама барча ўринларда ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан қўлланилган. Натанзий асаридан бир мисол келтирамиз: «Амирзода Умаршайх гоҳ қанбул учи, гоҳ ҳировул ўртасида ўз муборак зоти билан **кечомиший** килиб, шундай ҳунарлар зоҳир этдики, булар каршисида Рустами Достон ҳақидаги достонлар хиралашиб колди»<sup>4</sup>. Матнда ишлатилиши ўрнига кўра, фикримизча, **кечомиший** атамаси жанговар ҳаракатлар пайтида бошқаларга ўрнак бўларлик даражада алоҳида қаҳрамонлик ёки жонбозлик кўрсатишни англатган. Л.З. Будагов лугатида кечмак сўзининг ўзмок, илгариламок (превзойти, опередить) каби маънолари ҳам келтирилган бўлиб, бу **кечомиший** атамаси маъносига якинdir<sup>5</sup>.

**Бекламиший ёки бакламиший.** Бу ҳарбий атама асарда фақат бир ўринда, яъни амир Ҳусайн Амир Темурга сулҳ тузишни таклиф қилиб вакил юбориш орқали уни чалғитиб, ўзи эса унинг қароргоҳига хиёнаткорона хужум қилганида, Темурнинг хатти-ҳаракатларини тасвирлаш

<sup>1</sup> Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Т. II. Извлечения из персидских сочинений, собранные В.Г. Тизенгаузеном и обработанные А.А. Ромаскевичем и С.Л. Волиным. М.:Л., 1941. С.29.

<sup>2</sup> Рашид-ад-ин. Сборник летописей. Т. 2. Перевод с персидского Ю.П. Верховского. М.-Л., 1960. С.162.

<sup>3</sup> Рашид-ад-ин. Сборник летописей. Т. 3. Перевод с персидского А.К. Арендса. Баку, 1957. С. 203.

<sup>4</sup> Мунтакаб. Б. 419.

<sup>5</sup> Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т. 2. Санкт-Петербург, 1871. С.115.

найтида кўлланилган: «Султони гозий ҳаммадан бурун отга минди ва ўз лашкарларини Танги Ҳарамдан ўтказиб, ўзи орқадан **бекламиш** килиб чиқди»<sup>1</sup>.

Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида бекламок сўзининг сакламок, кўрикламоқ каби маънолари ҳам келтирилган<sup>2</sup>. Будагов луғатида ҳам бу сўзни шу хил маънолари бор. «Йўллари бакламоқ» сўз бирикмаси Будагов луғатида «караулись по дорогам» деб таржима килинганд. Бундан **бекламиш** атамаси асраломок, кўрикламоқ маъноларида кўлланилган, деб хулоса килиш мумкин. Демак, биз юкорида кўриб ўтган жумла мазмунини: «лашкари Танги Ҳарамдан ўтиб, бехатар ческинмоги учун Амир Темур ўзи бир гуруҳ аскар билан орқада қолиб, кўриқчилик килиб борди», деб тушунса бўлади. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида айни шу ўринда **бекламиш** атамаси кўлланилмаган бўлса-да, лекин мазмун мос келади: «Ҳазрат соҳибқирон Танги Ҳарамга етгач, ўз одамларини дарадан ўтказиб, ўзи душманлар йўлини тўсди»<sup>3</sup>.

**Тарқол ёки торқол.** Бу атама, фикримизча, ҳозирги ўзбек тилидаги тарқалмок сўзи билан ўзакдош бўлиб, маъноси ҳам шунга якиндири. «Мунтахаб ут-таворихи Муниний» асарида бу сўз сулҳ тузилиши ёки бошка бирон муносабат билан ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилгач, лашкарнинг тарқатилиб юборилишини англатади: «Ҳар икки тараф лашкарини **тарқол** килишгач, Амир соҳибқирон Шаҳрисабзга жўнади»<sup>4</sup>. Баъзи ўринларда бу атама **торқол** шаклида ёзилган: «Ўша киш охирида лашкарларни **торқол** килишганида, ногаҳон Тўхтамиш келаётгани ҳакида овозалар тарқалди»<sup>5</sup>. **Тарқол** атамасини бошка тарихий маиналарда учратмаган бўлсан-да, лекин Рашидиддин Фазлуллоҳнинг «Жоме ут-таворих» асарида маъноси шунга якин **тарғомишиш** сўзи кенг кўлланилган. Фарқи шундаки, Натанзий асарида **тарқол** атамаси факат лашкарларнинг бирон сабабга кўра тарқатилиб юборилишини англатса, Рашидиддин асарида **тарғомишиш** курултой ва бошка шу каби тинч тадбирлардан кейин иштирокчиларнинг тарқалиб кетиши каби маъноларда ҳам кўлланилган.

<sup>1</sup> Мунтахаб. Б. 237.

<sup>2</sup> Девону луготит турк. Индекс луғат. Тошкент, 1967. Б. 64.

<sup>3</sup> Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т. 1. Санкт-Петербург: 1869. С.263.

<sup>4</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Нашрға тайёрлаш, сўйбоши, изоҳ ва қўрсаткичлар А. Ўринбоеvники. Масъул мухаррир А.К. Арендс. Тошкент: Фан, 1972. Б. 253.

<sup>5</sup> Мунтахаб. Б. 253.

<sup>6</sup> Ўша асар. Б. 341.

Юкорида кўриб ўтганларимиз ва бошқа бир қанча ҳарбий атамаларнинг матида қўлланиш ҳоллари ҳамда луғатларда келтирилган уларга ўзакдош бўлган сўзлар маънолари ва бошқа манбалардаги айни воеа тасвиrlанган ўриниларни киёслаб тадқик этиш натижасида, уларни бир қадар тўғри аниклашига муваффак бўлдик, деб ўйлаймиз. Барча изланишларга қарамай, «Мунтахаб ут-таворихи Муинний»даги баъзи сўзларнинг маъноси ноаниклигича колди. Келажакла уларнинг ҳам маънолари аникланишини умид киласиз.

Шуни эътироф этиш зарурки, ўрта асрлар, айникса, мўғуллар хукмронлиги ва темурийлар даврида яратилган форсий манбалардаги туркий сўзлар тадқикига оид энг йирик иш немис олим Герхард Дёрфернинг «Янги форс тилидаги<sup>1</sup> туркий ва мўғулий элементлар» номли тўрт жилдан иборат фундаментал тадқиқоти бўлиб, унинг биринчи жилди мўғулий, колган уч жилди туркий сўзлар изоҳига бағишиланган<sup>2</sup>. Унда жами икки мингдан ошик сўз ва иборалар изоҳланиб, қатор форсий манбалар, жумладан, «Мунтахаб ут-таворихи Муинний»дан кўплаб мисоллар келтирилган. Асарни ўзбек тилига гаржима килиш жараёнида анчагина маъноси кийин сўзларга Герхард Дёрфер тадқиқотидан фойдаланган ҳолда изоҳ бердик.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний»да учрайдиган туркий сўзларнинг салмоқли қисмини ҳарбий атамалар ташкил килиши ва уларнинг бир қанчаси боинка манбаларда қўлланилмаганини назарда тутганда, тадқиқотчилар томонидан Муиниддин Наганзий ўз асарини ёзишда фойдаланган, деб тахмин қилинган туркий тилдаги манба ҳарбий ишни жула яхши биладиган муаллиф, яъни бирон йирик саркарда ёки ҳарбий санъат назариётчиси томонидан ёзилган бўлса керак. «Мунтахаб ут-таворихи Муинний» асари бизнинг давримизгача стиб келмаганида, ўша лаврда истеъмолда бўлган бир қатор муҳим туркий атамалардан бутунлай бехабар бўлмоғимиз мумкин эди. Шубҳасиз, бу гоят кимматли тарихий асарнинг туркий лексикасини ҳар томонлама тадқик килиш факат тиљшуннослик фани нуктаи назаридан аҳамиятли бўлиб колмасдан, балки Амир Темур давридаги ҳарбий санъат, давлатчилик ва иқтисодиёт каби соҳаларга оид билимларимизни ҳам бойитишга хизмат килади.

<sup>1</sup> Янги форс тили деганда, форс тили тараккиётида VII асрда завол тонгтан сосонийлар сулоласи давридаги ўрта форс тилидан кейинги давр тушунилади.

<sup>2</sup> Doerfer, Gerhard. Türkische und mongolische Elemente in Neopersischen. Unter besonderer Berücksichtigung alterer neopersischer Geschichtsquellen, vor allem der Mongolen und Timuridenzeit. Band I, Wiesbaden 1963; B. II, 1965; B. III, 1967; B. IV, 1975.

Ўзбекистонда ўрта асрлардаги ҳарбий атамаларни тадқик этиш соҳасида таникли туркийшунос олим, филология фанлари доктори Ҳамидула Дарабоев салмокли ишларни амалга ошириди<sup>1</sup>. Домланиш узоқ йиғлиқ изланишлари натижасида «Тарихий ҳарбий терминлар лугати» китоби юзага келди<sup>2</sup>. Ушбу лугатдан мингта якин ҳарбий атамалар ўрин олган. Шуни кайд қилиш лозимки, тадқикотчи асосан туркӣ тилда яратилган ёзма ёдгорликларла учрайдиган ҳарбий атамаларни тадқик этишни ўз олдига вазифа килиб қўйган. Шу сабабли, форсий манбаларда қўлланишган қатор ҳарбий атамалар, гарчанд уларнинг аксарияти туркӣ тилга мансуб бўлса-да, ушбу лугатга кирмай колган. Келажакда форсий ва арабий манбаларни ҳам жалб этиш орқали «Тарихий ҳарбий терминлар лугати»ни анчагина кенгайтириш имконияти мавжудицир.

Муниниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» асари бундан олдин Амир Темур тарихига бағишлаб ёзилган Ғиёсиддин Алининг «Рўзнома-йе газовоте Ҳиндистон», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарларига нисбатан мустакиллар. Бунга асосий далиллардан бири шуки, Натанзий Амир Темурнинг Ҳиндистон сафарини бу ҳар иккала асаддагидан бошқача тарзда ва анча муҳтасар баён килади. Боз устига, агар Натанзийнинг ихтиёрида Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асари бўлганида эди, эҳтимол, у Амир Темур тарихини янада тўларок ёритган бўларди. Аммо, шунга карамай, «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» ва «Зафарнома» ўрталарида композицион ва бошқа жиҳатлардан баъзи ўхшашликлар мавжуд ва бу ҳол иккала муаррих бир хил манбадан фойдаланган бўлиши мумкин, деган фикрга ундейди.

Маълумки, Низомиддин Шомий «Зафарнома»сидан олдин ҳам номи бизга номаълум бўлган бир муаррих томонидан Амир Темурнинг тўла тарихига бағишланган асар ёзилган, аммо у соҳибқиронга маъкул бўлмаган<sup>3</sup>. В.В.Бартольд бу, эҳтимол, Ғиёсиддин Алининг «Рўзнома-йе газовоте Ҳиндистон» асаридир, дея тахмин қилади. Аммо, «Рўзнома-йе газовоте Ҳиндистон», асосан, Ҳиндистон ва кисман Эрон сафарига бағишланган бўлиб, унда Амир Темур тарихи тўла акс этмаган. Шунга асосан, биз Амир Темурнинг бутун фаолиятини камраб олган ва бизгача етиб келмаган асар «Рўзнома-йе газовоте Ҳиндистон»дан фарқли

<sup>1</sup> Дарабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке // Дарабаев Х., Насыров И., Ҳусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент: Фан, 1990.

<sup>2</sup> Дарабоев Х. Тарихий ҳарбий терминлар лугати. Тошкент: Университет, 2008.

<sup>3</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Юнусхон Ҳакимжонов таржи-маси. Таржимани кайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъуль мухаррир: Асомиддин Ўринбоев. Изоҳлар на лугатларни тузувчи Ҳабибулло Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи Омонулло Бўриевники). Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Б. 22.

бўлиб, Натанзий ва Низомиддин Шомий учун умумий манба бўлиб хизмат килган ва кўпгина темурий тарихчилар асарларининг Амир Темур даврига оид кисмларидағи композицион ўхшашлик сабаби ўша илк манбага бориб такалади, деган фикрни илгари сурамиз.

Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» асарини Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си билан таққослаш натижасида, Яздий «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»дан фойдаланимаган, деган хulosага келдик.

Шу даврда яшаган бошқа бир йирик тарихчи Ҳофизи Абрўнинг «Зубдат ут-таворихи Бойсунѓурый» асари ва «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» орасида боғликлек борлигига тадқикотчилар эътибор каратишган бўлишса-да, Ҳофизи Абрў асарининг Амир Темурга оид кисмлари қўлёзмалари камёб бўлгани учун (Бартольд, ҳатто, «Зубдат ут-таворихи Бойсунѓурый»нинг бу кисмлари сакланиб колмаган, деб ўйлаган) бу ҳол етарли даражада текшириб чиқилмаган. «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»нинг сўнгти кисмларини 1957 йилда Техронда китоб ҳолида нашр этган Ж. Обен: «Ҳануз Ҳофизи Абрў китоблари ва Натанзий асари муқоясасига оид тадқикот ўтказилиб, улар қаламига мансуб асарлар орасидаги боғликлек кўрсатиб берилмаган», – дея таъкидлайди<sup>1</sup>. Биз бу ишни кисман амалга оширилган ва Ҳофизи Абрў ўзининг «Зубдат ут-таворихи Бойсунѓурый» асарини ёзаётганида «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»дан кенг фойдаланганига ҳеч қандай шубҳамиз колмади. Чунки, кўпгина тарихий воқеалар баёни (масалан, сарбадорлар кўзғолони ҳақидаги фасл) Ҳофизи Абрў асарида Натанзий талқининга мос келишидан ташқари, «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»даги баъзи жумла ва шеърий парчалар «Зубдат ут-таворихи Бойсунѓурый»да айнан тақрорланган.

Ю.Э. Брегель Ж. Обен, И. Афшор, Г.Р. Рёмер каби олимларнинг баъзи мулоҳазаларига таянган ҳолда, Сайид Жаъфар иби Мухаммад Ҳусайний Жаъфарийнинг тахминан 1417 йилда ёзилиб, Шоҳрухга бағишлиланган ва воқеалар баёни 1414 йилгача стказилган умумий тарих типидаги «Тарихи восит» асари «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»ни қайта ишлаш натижасида яратилган, деган тахминни билдириб, буни исботлаш учун иккала асарни солиштириб чиқиш лозимлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Амир Темур

<sup>1</sup> Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (форс тилида). Ба тасхихе Жан Обен. Техрон: Чопхона-йе Ҳайдари, 1336/1957. Б. «х».

<sup>2</sup> Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Перевед с английского, переработан и дополнен Ю.Э.Брегель. Часть I, Москва: Главная редакция восточной литературы, 1972. № 252(2). С. 351–352.

ва унинг авлодлари бирон асардан кўнгиллари тўлмагандан, уни қайта ишлаш учун бошка муаллифга топширишган ҳоллар маълум. Бирок Натанзий асари билан ҳам айни шундай ҳол содир бўлгани исбот этилганидан хабардор эмасмиз. «Тарихи восит» асарининг кўлёзма нусхалари хорижда сакланаётгани сабабли, уни «Мунтакаб ут-таворихи Муиний» билан қиёслаб чикиш имконига эга бўлмадик.

Шунингдек, Ю.Э. Брегель Мухаммад ибн Маҳмуд Фушанжий ўзининг умумий тарихга оид ва воқеалар баёни Амир Темур вафотигача етказилган «Ибрат ун-нозирин» асарининг соҳибкорон тарихига оид қисмини ёзишда Ҳофизи Абрў асари билан бир каторда Муиниддин Натанзий китобидан ҳам фойдаланганини эҳтимолдан сокит килемайди<sup>1</sup>.

Ибн Арабшоҳ «Ажонб ал-макдур фи тарихи Таймур» асарида «дунёнинг бошланишидан то Темур давригача бўлган воқеаларни ўз ичига олган «ал-Мунтакаб» деб аталувчи форс тилидаги бир тарихий асарни кўрганини» ёзади<sup>2</sup>. Ибн Арабшоҳ асари таржимони У. Уватов таржимага изоҳларда тъкидлаб ўтганидек, бу ўринда «Мунтакаб ут-таворихи Муиний» назарда тутилаётган бўлиши мумкин.

Маълумки, Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбааъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари Чингизхон вафотидан кейин унинг империяси ўриила пайдо бўлган тўрт мўғул давлати тарихига багишланган. Муиниддин Натанзийнинг «Мунтакаб ут-таворихи Муиний» асарида ҳам ушбу давр воқеалари тасвирланган бўлса-да, аммо Улуғбек учун бош манба Шарафиддин Али Яздийнинг «Муқаддима-и Зафарнома» асари бўлган. Чунки иккала асар мазмуни жуда ўҳшаш ва айнан бир хил жумлалар, баъзан бутун-бутун саҳифалар учрайди. Шарафиддин Али Яздий бир канча муддат Самарқандда – Улуғбек хузурида яшаганини хисобга олсан, у «Тарихи арбааъ улус»ни ёзишда бевосита иштирок килгани ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Муиниддин Натанзий асари замонавий илмий тадқиқотларга қенг жалб ўтилмокда. «Мунтакаб ут-таворихи Муиний»нинг, айниқса, Олтин Ўрда, Чигатой улуси, Эрондаги маҳаллий сулолалар ва Амир Темур давлати тарихига оид қисмлари катор тадқиқотчиларни кизиқтирган ва

<sup>1</sup> Ўша асар: № 254 С. 353.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I-китоб. Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар Убайдулла Уватовники. Масъул мухаррир А. Ўринбосв. Тошкент: Мехнат, 1992. б. 71.

В.В. Бартольд<sup>1</sup>, Л.А. Зимин<sup>2</sup>, В.Г. Тизенгаузен<sup>3</sup>, Л.В. Строева<sup>4</sup>, Б.Д. Грекова А. Якубовский<sup>5</sup>, Ж. Обен<sup>6</sup>, М. Абдураимов<sup>7</sup>, Д.В. Кацитадзе<sup>8</sup>, Ю.Э. Брегель<sup>9</sup>, Г.А. Федоров-Давыдов<sup>10</sup>, А.З. Түғон<sup>11</sup>, Ж. Вудс<sup>12</sup>, Б.Ф. Манз<sup>13</sup>,

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Народное движение в Самарканде в 1365 году // Соч. Т.2. Ч.2, – М., 1964. С. 302–379; Ўша муаллиф: Определение «Анонима Искандера» // Соч. Т.8, – М., 1973. С. 481–482.

<sup>2</sup> Зимин Л.А. Действия эмирзаде Омар-Шейха, сына Тимура в Кашгаре, Фергане и Монголии // Протоколы заседаний и сообщения членов Закаспийского кружка любителей Археологии и истории Востока Выпуск 2. Ашхабад: Типография И.И. Александрова, 1916. С. 3–10.

<sup>3</sup> Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, Т. II. Извлечения из персидских сочинений, собранные В.Г. Тизенгаузеном и обработанные А.А. Ромасевичем и С.Л. Волиным. – М. – Л.: Издательство Академии Наук, СССР, 1941.

<sup>4</sup> Строева Л.В. Возышение Тимура (1360–1370) // Научный бюллетень Ленинградского государственного университета. – Л., 1945. № 4. С. 26–28; Ўша муаллиф: Серебдари Самарканда // Ученые записки Ленинградского государственного университета. Вып. 98, Сер. Востоковедческих наук. – Л., 1949. С. 271–280; Ўша муаллиф: Возникновение государства Тимура // Ученые записки Ленинградского государственного университета. № 128. Сер. востоковедческих наук. Вып. 3. – Л., 1952. С. 64–87.

<sup>5</sup> Греков Б.Д. Якубовский А. Золотая Орда и ее падение. – М. – Л.: Издательство АН СССР, 1950.

<sup>6</sup> Aubin Jean. Le mecenat timouride à Chiraz // Studia Islamica, VIII. Paris, 1958. Р. 71–88; Ўша муаллиф: Comment Tamerlan prenait les villes // Studia Islamica, XIX, 1963. Р. 83–122; Ўша муаллиф: L'ethnogenèse des Qaraunas // Turcica. Т. I. Paris, 1969. Р. 5–94; Ўша муаллиф: Tamerlan à Bagdad // Arabica, IX/3, 162, Р. 303–309.

<sup>7</sup> Абдураимов М. Темур и Тўхтамиш. Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 2000.

<sup>8</sup> Кацитадзе Д.В. Сведения «Анонима Искандера» о Грузии (на грузинском языке с русским резюме) // Труды Тбилисского гос. университета. т. 116. Серия Востоковедения. 5. Тбилиси, 1965. С. 373–382.

<sup>9</sup> Брегель Ю.Э. Новая рукопись сочинения Муин ал-дина Натанзи // Народы Азии и Африки. – М., 1968, № 4. С. 164–166.

<sup>10</sup> Федоров-Давыдов Г.А. «Аноним Искандера» и термины «Ак-Орда» и «Кок-Орда» // История, археология и этнография Средней Азии. – М., 1968. С. 224–320; Ўша муаллиф: Общественный строй Золотой Орды. – М., 1973.

<sup>11</sup> Togan A.Z. Umumi Türk tarihine giriş. Cild I. En eski devrlerden 16. asra kadar. 3.Baskı. İstanbul: Aksısedə, 1981.

<sup>12</sup> John E. Woods. The Rise of Timurid Historiography // Journal of Near Eastern Studies. Volume 46, January–October 1987. The University of Chicago Press Chicago, Illinois. P. 81–108.

<sup>13</sup> Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. Cambridge University Press. Cambridge. 1989.

Б.А. Ахмедов<sup>1</sup>, В.П. Юдин<sup>2</sup>, Т. Нагель<sup>3</sup>, А. Зиё<sup>4</sup> ва бошка олимлар ўз тадкиқотларида мазкур манба маълумотларидан у ёки бу даражада фойдаланганлар.

Муниниддин Натангзийнинг «Мунтахаб ут-таворихи Муниний» асаридан айрим парчалар рус, француз ва бошка тилларга таржима килинган. Амирзода Умаршайхнинг Фаргона, Кошғар ва Мўғалистондаги фаолиятига оид парчаларни рус тилига ўтириб, нашр этган Л.Зимин ушбу нашр сўзбошисида айни ўринларни олдинрок француз тилига таржима килиб чоп этгани хақида хабар қиласди<sup>5</sup>. «Олтин Ўрда тарихига оид материаллар» китобида асарнинг муайян қисмларининг ҳам форсий матни, ҳам русча таржимаси нашр этилган<sup>6</sup>. «Кирғизлар ва ва Кирғизистон тарихига оид материаллар» тўпламида «Мунтахаб ут-таворихи Муниний»дан айрим парчалар рус тилида О.Ф. Акимушкин таржимасида берилган<sup>7</sup>. Асарнинг «Чингатой уруғи табақаси» бобининг рус тилига таржимаси А.Зиёев томонидан амалга оширилган<sup>8</sup>.

«Мунтахаб ут-таворихи Муниний» тўла ҳолида нашр этилмаган ва бирон бир тилга тўлиқ ўтирилмаган. «Амир Темур жаҳон тарихида» китобидаги «Асарнинг тўла французча таржимасини Жак Обен нашр килган» деган маълумот ҳатодир<sup>9</sup>. Француз олими амалга оширилган

<sup>1</sup> Ахмедов Б.А. Ўзбекистон ҳалклари тарихи манбалари (Қадимги ва ўрга асрлар). Тошкент: Ўқитувчи, 1991. Б. 142–143.

<sup>2</sup> Утемиш-хаджи. Чингиз-наме. Факсимиле, перевод, транскрипция, текстологические примечания, исследование В.П. Юдина. Подготовка к изданию Ю.Г. Баранова. Комментарии и указатели М.Х. Абусентовой. Алма-Ата: Гылым, 1992.

<sup>3</sup> Nagel T. Timur der Eroberer und islamische Welt des spaten Mittelalters. München: Beck, 1993.

<sup>4</sup> Зиё А. Темур туғилган жой хусусида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, №15. Б. 3; Ўша муаллиф: К вопросу о месте рождения Тимура // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1994, № 3–4; Ўша муаллиф: Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент: Шарқ, 2000.

<sup>5</sup> Зимин Л.А. Действия эмирзаде (Омар-Шейха, сына Тимура в Кашгаре, Фергане и Монголии). Протоколы заседаний и сообщения членов Закаспийского кружка любителей Археологии и истории Востока. Выпуск 2. Асхабад. Типография И.И.Александрова, 1916. С. 3.

<sup>6</sup> Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, Т. II. В Извлечения из персидских сочинений, собранные В.Г. Тизенгаузеном и обработанные А.А.Ромасевичем и С.Л. Волиным. – М. – Л.: Издательство Академии Наук. СССР, 1941.

<sup>7</sup> Материалы по истории киргизов и Киргизии. Выпуск I. Москва: Наука, 1973. С.112–127.

<sup>8</sup> Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. Ташкент: Фан, 2003. С. 102–136.

<sup>9</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. Тошкент: Шарқ, 2001. Б. 200.

нашр албатта француз тилида бўлиши шарт эмас-ку! Юкорида айтиб ўтилганидек, Ж. Обен «Мунтахаб ут-таворихи Муинний»нинг айрим кисмларини аслиятда, яъни форс тилида нашр этган. Шуниси таажжубланарлики, «Амир Темур жаҳон тарихида» китоби учун Натанзий асари ҳакидаги маълумотлар камина томонидан тайёрлаб берилган бўлиб, унда бундай жумла йўқ эди. Афсуски, ўзбек тилидаги оммавий, бальзан, ҳатто илмий адабиётларда ҳам шундай чалкашликлар учраб турали. Улар тарих ва манбашунослик фанларига оид дарслик ва кўлланмаларга кўчиб ўтиб, «мустаҳкам» томир отиши мумкин. Яна бир мисол келтирсак. «Темур ва Улуғбек даври тарихи» китобида «1937 йилда Низомиддин Шомий асари Ф. Тауэр томонидан чех тилида чоп этилди» деган маълумот берилб, ҳаволада мазкур нашрнинг француз тилидаги титул вараги ёзуви келтирилган<sup>1</sup>. Ушбу маълумотни «гуттфан» тақдим этган киши, китобни ўз кўзи билан кўрса, унинг форс тилида эканлигидан роса ҳайратга тушса керак. Ахир, бирон китоб Прагада нашр килинса, бу унинг албатта чех тилида эканлигини англатмайди-ку!

Амир Темур ва Темурийлар давлати тарихи ва маданиятини ўрганишга жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги катор илмий марказларда катта ўтибор берилмоқда. Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Темурийлар давлати бутун жаҳон тарихи ва маданиятига сезиларли таъсир кўрсатди. Шу сабабли ушбу улуғ салтанатнинг асосчиси сохибкiron Амир Темурнинг мураккаб шахсияти ва серкирра фаолиятини илмий талқиқ этиш, айниқса, ўзбек тарихчи олимлари оллидаги долзарб вазифалардан бирилди. Шўро лавридаёк, Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллигини ишонланӣ тадбирлари билан боғлик тарзда, И. Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» рисоласи 1968 йилда Тошкентда чоп этилди. Амир Темур лаври тарихининг бош манбаларидан бири, яъни Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг А. Ўринбоев томонидан катта илмий ашпарат билан тайёрланган факсимилемеси 1972 йилда нашр этилди<sup>2</sup>. Д. Юсупова 1980 йилда Фасих Ҳавоийнинг «Мужмали Фасихий» асари рус тилига таржимасининг изоҳлар билан таъминланган нашрини амалга оширди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Темур ва Улуғбек тарихи. Тошкент: Комуслар Бош таҳририяги, 1996. Б. 15.

<sup>2</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (форс тилидаги танқидий матн нашри). Наприга тайёрлаш, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Ўринбоевники. Масъул мухаррир А.К. Аренлс. Тошкент: Фан, 1972.

<sup>3</sup> Фасих Ахмад ал-Ҳавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод). Перевод с персидского, предисловие, примечания и указатели Д.Ю. Юсуповой. Ответственный редактор А. Урунбаев. Ташкент: Фан, 1980.

Истиклол йилларида эса бу соҳадаги ишлар кенг қулоч ёзиб, соҳибкironга замондош бир қанча муаррихлар қаламига мансуб мўътабар манбаларнинг ўзбек тилига таржималари илмий изоҳлар билан нашр этилди. Кенг қўламдаги ушбу тадбирлар Ибн Арабшохнинг «Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») асари таржимаси нашри билан бошланди<sup>1</sup>. Низомиддин Шомий «Зафарнома»си Ҳофизи Абрўнинг ушбу асарга ёзган иловаси билан биргаликда чоп этилди<sup>2</sup>. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг дастлаб 1360–1370 йиллар воқсалари таржимаси<sup>3</sup>, сўнгра 1519 йилда Муҳаммад Али иби Дарвиш Али ал-Бухорий тарафидан амалга оширилган эски ўзбек тилидаги тўла таржимаси нашр этилди<sup>4</sup>. Ибн Халдуннинг Амир Темур ҳакидаги хотиралари олдин тўпламда<sup>5</sup>, сўнгра алоҳида китоб ҳолида чоп этилди<sup>6</sup>. Ушбу нашрлар ҳакли равишда ўзбек манбашунослик фанида кўлга киритилган катта ютуклар сифатида баҳоланди.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний» асаридан ушбу сатрлар муаллифи ўзбек тилига килган таржималар айрим тўпламлар ва матбуот нашрларида эълон қилинди. Асарнинг Амир Темур даврига оид бобларининг катта қисми таржимаси 2006 йилда «Жаҳон адабиёти» журналининг икки сонида (№ 3, 3–52-бетлар; № 4, 3–37-бетлар) Ҳалкаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али сўзбошиси билан чоп этилди.

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи (икки китобда). Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар Убайдулла Унатовники. Масъул мухаррир А. Ўринбоев. Тошкент: Мехнат, 1992.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Юнусхон Ҳакимжонов таржимаси. Таржимани қайта ишлаб нашрға тайёрловчи ва масъул мухаррир: Асомиддин Ўринбоев. Изоҳлар ва лугатларни тузувчи Ҳабибулло Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи Омонулло Бўриевники). Ҳофизи Абрўнинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и («Илова»)ни форсийдан ўтириб, изоҳларини тузувчи: О. Бўриев. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

<sup>3</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари: 1360–1370. Форс тилидан Омонулло Бўриев таржимаси. Масъул мухаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрға тайёрловчи: Асомиддин Ўринбоев. Тошкент: Камалак, 1994.

<sup>4</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Муҳаммад Али иби Дарвеш Али ал-Бухорийнинг форс тилидан эски ўзбек тилига таржимаси. Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. Тошкент: Шарқ, 1997.

<sup>5</sup> Ибн Халдун. «Таржимаи ҳолдан. Араб тилидан Акрам Ҳабибуллаев таржимаси // Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. Б. 35–57.

<sup>6</sup> Ҳабибуллаев А. Амир Темур ва Ибн Халдун. Масъул мухаррир Ғ. Карим. Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси Адабиёт нашриёти, 2002.

Илк бор китоб холида ўкувчиларга ҳавола этилаётган мазкур нашр «Мунтахаб ут-таворихи Муинний»даги Амир Темур даврига оид фаслларни тўла камраб олади. Яъни, асарнинг асосан Амир Темур даври тарихини акс эттирган сўнгги икки боби таржимасидан ташқари, бошқа сулолалар тарихига багишланган айрим табака(боб)лари даги Амир Темур ва гемурийлар даврига оид фасллар ҳам ўтирилиб, илова сифатида келтирилди.

Таржима матни орасидаги қавс ичидағи ракамлар асарнинг 1957 йили и Техрон нашри сахифаларига ишорадир. Кўрсаткичлар ҳам мазкур нашр сахифаларига биноан тузилди. Муаллиф матнида мавжуд бўлмаган ва таржимон тарафидан асар мазмунини ойдинлаштириш учун таржима матнига киритилган қўшимча сўзлар қавсга олинди.

«Мунтахаб ут-таворихи Муинний»ни ўзбек тилига таржима килиш ва нацирга тайёрлаш жараёнида қимматли маслаҳатлар берган ҳамда асарнинг хорижда сақланастган қўлёзмалари фотонусхаларини олишида ёрдам кўрсатган устозлар ва ҳамкасб дўстларимга самимий миннатдорчилигимни билдираман.

*Гулом КАРИМИЙ.*

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик  
институтининг катта илмий ходими*

## МОВАРОУННАҲРДА ИСЁН КҮТАРГАН АМИРЛАР ТАБАҚАСИ

(197) Улар султонликни амирликка мубаддал қилишди ва улар тўрт кишиидирлар.

Қозон султон<sup>1</sup> конхўрликин хаддан ошириб, катта амирлар катлига кўл ура бошлагач, Қазагон нўён<sup>2</sup> — у кораунос<sup>3</sup> қавмидан бўлиб, Мунк<sup>4</sup> ва Солисарой<sup>5</sup> шахарлари хокими эди — унга қарши исён кўтарди ва икки марта у билан жанг килди. Иккинчи жангда у Қозон султонни ўлдирди ва мамлакат ихтиёрини ўз кўлига киритди. Чунончи, «Чигатой

<sup>1</sup> Қозон султон — яъни, Коюнхон ибн Ясовур Чингизхон авлодидан бўлиб, 1343—1346 йилларда Чигатой улуси хони бўлган. Қозонхон Сароймулхоним (Бибихоним) нинг отасидир.

<sup>2</sup> Қазагон нўён ёки амир Қазагон — Чингизхон авлодидан бўлган мўтул хонлари кўлидан ҳокимиятни ўз кўлига олиб, кўғирчок хонлар тайинлаб, Мовароуннаҳрда 1346—1358 йилларда ҳукмронлик килган турк амири. Мовароуннаҳрда мўгулларга карам бўлмаган мустакил давлат барни этиш куясидан амалга оширган тадбирларига кўра, амир Қазагонни Амир Темурнинг салфи деб аташ мумкин. Бинобарин, амир Қазагон фаолияти ёш Темурга кучли таъсир кўрсатгани шубҳасиз.

Ниомиддин Шомий «Зафарнома» асарининг ўзбек тилидаги нашри (Тошкент, 1996) 409-бетидаги изоҳдаги: «Амир Қазагон — чингизийлар сулоласига мансуб ҳукмдор» деган маълумот тўғри эмас ва бирон тарихий манбада учрамайди. Агар амир Қазагон ўти чингизий бўлганида унга Чингизхон авлодидан кўғирчок хонлар кўтаришига ҳожат колмас эди. Изоҳдаги бу маълумотнинг манбаи Фасих Ҳавофийнинг «Мужмали Фасихий» асарининг рус тилидаги нашри (Тошкент, 1980) 75-бетидаги куйидаги жумлалар бўлса керак: «Семьсот сорок девятый (1348—1349) год. Убийство Дошмандчи оглана. Его возвел на ханство эмир Қазаган. Он потомок Угедей каана». Ушбу иктибосдаги Чингизхоннинг ўтли Угедей (Ўқтой) коонга авлодликни таъкидлайлигиган сўнгги жумла амир Қазагонга эмас, балки кўғирчок хон Дошмандча ўғлонга таалуқидир.

<sup>3</sup> Кореунослар — Мовароуннаҳрдаги ҳарбий жиҳатдан кучли қавмлардан бири бўлиб, асосан, амир Қазагон ва унинг авлодларига бўйсунишган.

<sup>4</sup> Мунк — қадимги Хутталон (Хатлон) вилоятидаги шаҳар, хозирги Балжувон.

<sup>5</sup> Солисарой — Хутталон вилоятидаги, Амударё соҳилида жойланган шаҳар. «Мунтакаб ут-таворихи Муиний» да баъзан «Саройи Солий» шактида ёзилган вариантилари хам учрайди.

уруги табакаси»да<sup>1</sup> зикр килинганидек, ихтиёrsиз подшоларни тахтга ўтиргизиб, инон-ихтиёрни тамомила ўз қўлига олди. Бир канча муддатдан сўнг, ёввойи ҳайвонларни овлаётган пайтида номаълум бир киши унинг йўлига пистирма кўйди ва уни ўлдириди<sup>2</sup>.

Ундан сўнг ўғли (амирзода Абдуллоҳ) худди шу тарзда бир йил чамаси ҳукмдорлик килди. Сўнгра эса ҳар тоифанинг ўз ҳукмдори пайдо бўлди, яъни ҳар қабила бир одамни ўзига бош килиб, фитнаю галаёнлар кўтардилар. Чунончи, сулдуз қавмига амир Баён, жалойир қавмига амир Боязид бош бўлди ва Кеш<sup>3</sup> ва Нахшаб<sup>4</sup> лашкарларини Ҳожибек барлос<sup>5</sup>, ясовур<sup>6</sup> қавмини амир Хизр, Андхўй ва Шибирғонни Ҳамидхожа найман ўз кўлларига киритдилар. Амир Қазағон авлодлари Кобул ва Ғазнага<sup>7</sup> равона бўлдилар.

(198) Туғлуктемур<sup>1</sup> подшоҳ Мўгулистандан<sup>9</sup> хуруж килиб Мовароуннаҳрни (ракибларидан) тозалаб, ўз ўғли Илёсхожа ўғлонни

<sup>1</sup> «Чигатой уруғи табакаси» – муаллиф ўз асарининг шу номли бобига ишора килимокла. Маткур бобда Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой (ҳукмронлик йиллари – 1227–1241) авлодидан бўлган ҳонларнинг кискача тарихи баён килинган. Чигатой ва авлодлари ҳукмронлик килган худуд Шаркий Туркистон ва Мовароуннаҳр хамда уларга ёндош баъзи вилоятларни ўз ичига олиб, Чигатой улуси деб аталганди.

<sup>2</sup> Муаллиф ўз асарининг бошка бир жойида амир Қазағонни ўз божаси Кутлагутемур сункасл уюштириб ўлдиргани ҳакида маълумот беради: «Мунтахаб ут-таворихи Муиний», Техрон, 1957, 262-бет. (Бундан сўнг изоҳларда асар номи кискача «Мунтахаб» тарзида келтирилади). Амир Қазағон Солисаройда дағн этилган (Шарафиддин Али Язий. «Зафарнома», Тошкент, 1997, 19-бет).

<sup>3</sup> Кеш – хозирги Шаҳрисабз.

<sup>4</sup> Нахшаб – кейинрок араблар томонидан Насаф деб аталган қадимий шаҳар. Харобалари Карши шаҳрилан 8 км масофада жойлашган.

<sup>5</sup> Ҳожибек барлос – Шарафиддин Али Язийнинг «Зафарнома» асаридаги маълумотта кўра, бу амир худди Амир Темур каби Карочор нўён авлодидан бўлган ва шажараси қуйидагича: «Ҳожи барлос ибн Нурали ибн Намула ибн Йасу Мунка ибн Карочор нўён». Амир Темур шажараси эса қуйидагича: «Амир Темур ибн Тарагай баҳодир ибн Буркул ибн Илангир Ийжил ибн Карочор нўён». Демак, ўзбек гилидаги замонавий адабиётларда кенг таркалган «Ҳожи барлос Амир Темурнинг амакисидир», деган фикр нисбийдир.

<sup>6</sup> Сулдуз (баъзи манбаларда – сулдус), жалойир, барлос, ясовур ва хокатолар – Мовароуннаҳр ва унга ёндош ҳуудуллардаги кабилалар бўлиб, XIV аср ўрталарида улар орасида таркоклик кучли эди. Амир Темур сиёсий фаолиятининг энг катта ижобий натижаларидан бири кабилалар орасидаги таркоклик ва низоларнинг барҳам топиб, уларнинг бир халқ сифатида уюшиидир.

<sup>7</sup> Андхўй, Шибирғон, Кобул ва Ғазна – хозирги Афғонистон ҳуудудидаги шаҳарлар.

<sup>8</sup> Туғлуктемур – 1348–1362 йиллардаги Мўгулистан хони. У ва ўғли Илёсхожа Мовароуннаҳрни Мўгулистанга бўйсундириш сиёсатини олиб боришган.

<sup>9</sup> Мўгулистан – Қозонхони вафотидан (1346 й.) сўнг Чигатой улуси икки қисмга – Мовароуннаҳр ва Мўгулистанга ажralиб кетган. Жага ҳонлиги деб аталган Мўгулистан ҳуудуди Еттисув, Шаркий Туркистон ва улар яқинидаги баъзи вилоятлардан иборат бўлган.

Самаркандга кўйди. Тўқтемур Кичик ва Бесичакни унинг ёнида колдириди. Ҳазрат Султони гозийни<sup>1</sup> ҳам унга (Илёсхожа ўғлонга) музозимликка номзод килди. Уларнинг орасида бир неча пизолар бўлиб ўтгач, ҳазрат Султони гозий улардан (мўгуллардан) ўзини четга тортди ва Қандахор<sup>2</sup> Гармсиридан<sup>3</sup> амир Ҳусайн (ибн) Мусамми<sup>4</sup> ибн амир Қазагонни (дараклаб топиб) бошламиш килди.

Султони гозий Мовароуннахрга келгач, Тошкўнрик ёнида Илёсхожа ўғлонни мағлуб килди ва такомиш<sup>5</sup> килиб ортидан кувлади. Нахшаб ённидаги Оқкурада яна жанг килди ва мўғул амирларини асирга олиб катл этди. Мовароуннахрни уларнинг касофатидан тозалагач, амир Ҳусайнини амирлик таҳтига ўтиргизди. Султони гозий амир Ҳусайннинг синглиси Үлжой Туркон оғога уйланди ва шу хотини ҳаётлик пайтида у туфайли ўргаларида (Темур ва Ҳусайн ўртасида) ҳамжихатлик ва иттифок барқарор эди. Сўнгра эса ҳасадгўйлар иккаласи ўртасида низо чиқариб, ишни шу даражага етказишлики, бу хикоят шархи сўнірок ҳазрат Султони гозий тарихида муфассал баён килингусидир. Иншо Оллоҳу таоло, вассалом.

Ҳазрат Султони гозий – Оллоҳ унинг далилини мунаввар қилсин – ҳакидаги кўпгина хикоялар «Мовароуннахр амирлари киссаси»да битилди. Бинобарин уларнинг (амирларнинг) ахборлари олдинги ҳукмдорлар ахборларига нисбатан узунрок бўлади.

## АМИР ҚАЗАФОН ЗИКРИ

Қозон Султон ҳонлик таҳтида мустаҳкам ўрнашгач, бутун (199) Мовароуннахр мамлакатини Қорахўжа<sup>6</sup> чегарасидан то Даشتி Қипчок<sup>7</sup>

<sup>1</sup> Султони гозий – «дин учун курашувчи султон» – Амир Темурнинг унвонларидан бири бўлиб, «Мунтахаб»да кўпроқ шу шаклда, бир неча жойда «Шоҳи гозий» шаклида ёзилган.

<sup>2</sup> Қандахор – хозирги Афғонистон жанубидаги иклими иссик шаҳар ва вилоят.

<sup>3</sup> Гармсир – Қандахор вилоятидаги туман. Умуман, иклими иссик ўлкалар гармсир леб аталаған.

<sup>4</sup> Ҳусайн (ибн) Мусамми – баъзи бошқа манбаларда Ҳусайн ибн Мусаллаб дейилган. Амир Темурнинг қайноғаси. Амир Темур ўз сиёсий фаолияти бошларида амир Ҳусайннинг амир Қазағон набираси сифатида юрисийлик хуқуқига кўра, у Мовароуннахрда ўз хокимиятини ўрнатишига катта ёрдам кўрсатган. Аммо кўп ўтмай улар орасида низо келиб чиқиб, бир неча йил давом этган рақобат 1370 йилда Балҳ шахрида амир Ҳусайннинг ўлдирилиши билан якунланган.

<sup>5</sup> Такомиш, такомиший, шунингдек, накомиший, никомиший ҳарбий атамаси мағлуб душманни таъкиб килиши маъносида кўлланилган.

<sup>6</sup> Қорахўжа – Шарқий Туркистонлаги шаҳар.

<sup>7</sup> Даشتӣ Қипчок – шарқда Балҳаш кўлидан гарбда Днепр дарёсигача чўзилган бепоён ҳудуд бўлиб, унда асосан кўчманчи кабилалар истикомат килишган.

чеккасигача, Ҳурасон нохиясини то Синд денгизи соҳилларигача ўз кўлига киритди. Шундан сўнг зўравонлик қўлини чўзиб, улуғлар, амирлар ва аркони давлатни йўқотмокка машғул бўлди.

Иш шунга бориб етдики, у ҳар куни юзлаб одамни жазо майдонига элтарди. Окибатда давлат амирлари ва мамлакат аминлари ҳам ўз жонлари саломатлигини ўйлаб, ҳам унинг (ҳокимият тепасида) туриши узокка чўзилгани жиҳатидан, ҳар бири бир тадбирга кўл уриб, ҳар қайсиси бир таъбирга машғул бўлдилар. Окибат (казо) иродаси шу бўлдики, бу хонадон инкиrozга юз тутиб. Қозонхоннинг хонумони ҳароб бўлди. Амир Қазағон исён кўтариб унинг устидан ғалаба қозонди ва 747 (1346/47) санада уни шункор қилиб<sup>1</sup>, жами амирлар билан иттифоқликда машхур Ўктоj коон<sup>2</sup> наслидан бўлган Дошманчани<sup>3</sup> тахтга ўтиргизди ва (унинг) қаламравидаги бутун мамлакатлар ихтиёрини ўз кўлига олди. Дошманчанинг шунчаки бир нишон сифатидаги номини айтмаса, амир Қазағон унинг мулк ва ҳазина ишларига аралашувинга йўл кўймади. Фитначи бадкор одамлар унинг олдида сўзлашга оғиз очолмасликлари учун, ишончли воқеанависларни муловзим ва қешиктонлар<sup>4</sup> номи билан унинг ўрдусига (хизматта) тайинлади. Алкисса, икки йил ичida мамлакатда барқарорлик ўрнатилиб, фитначилар димоғини шарорат тарқ этиб, ёмонликлар босилгач, амир Қазағон Дошманчага Ўктоj коон наслидан деган айб қўйиб, уни шаҳид килди ва Чигатой наслидан бўлган Баёнкулини<sup>5</sup> салтанат тахтига ўтказди. Дошманчанинг кўргуликлари унинг ҳам бошига тушгани туфайли, у заруратдан замона мижозига мослашди ва салтанат гиламида амир Қазағон билан надим каби нард ўйнади. Бу икки улуғ зотнинг иттифоки муждаси ва Қазағоннинг адолати туфайли мулку миллат ишлари (200) шу даражада мустаҳкам ва устувор бўлдики, бўри билан қўй бир сувлоқдан сув ичиб, дарвиш кулбаси (бехатарлигидан) нажот уйига айланди. Зулм номи ва ситам нишони ҳаёт юзасидан батамом йўқолди. Оддий одамлар ва улуғлар, мусофиirlар ва мукимлар, каттаю кичик, хосу ом – хеч кимнинг дилида рўзғор гардишидан шикоят ғубори колмади ва Ануширвон адолати ҳакидаги хикоятлар ҳалқ хотирасидан унтулиб кетди. Унинг адли ўлчови шу кадар юксакка етдики, бирон амир ёки вазир

<sup>1</sup> Шункор қилиб – яъни, ўлдириб.

<sup>2</sup> Ўктоj қоон – Чингизхоннинг учинчи ўғли бўлиб, 1229–1241 йилларда улуғ хокон сифатида ҳукмронлик килган.

<sup>3</sup> Дошманча – бошқа баъзи манбаларда Донишмандча – 1346–1348 йилларда Мовароунахрнинг кўғирчок хони.

<sup>4</sup> Қешиктон – навбатчи; сокчи.

<sup>5</sup> Баёнкули – 1348–1358 йилларда Мовароунахрнинг кўғирчок хони.

мол-мулқдан ушр солиги ва расмий қабчурдан<sup>1</sup> бошқа бирон исм ё бирон расм билан ҳеч бир бандадан бир динор ҳам ололмасди. Мисол сифатида агар мусофириларнинг ўтиб-кечиш ва кўниш жойи шер уяси ва аждаҳо комида жойлашган бўлса ҳам (улар бу ерда) ўз уйлари ва најжот хонасидан кўра осударок бўлишарди. Шамолдан бошқа бирон мавжудот Оллоҳ бандаларининг эшигидан ўзбошимчалик билан (ижозатсиз) кирмасди.

Мулк ишлари йўлга кўйилиб, салтанат куввати мустаҳкамлангач, яйлокни Тахористонда, яъни Хатлон ва Мунк шаҳрида, кишлокни эса Жайхун соҳилида жойлашган Солисаройда муайян килди. Азиз умрининг хар кунини беш кисмга таксимлаган эди. Субхи содик жилва қилган пайтдан то қуёш чиккунгача ибодатга машғул бўларди. Чоштгоҳ пайтидан то пешингача арз ва шикоятлар маҳкамасида<sup>2</sup> ўтиради. Нешиндан то шомгача лочин учирмок ва този чоптирмок билан вактини ўтказарди. Шомдан то хуфтонгача ўз ҳарамила юзи берк аёллар билан хилватда бўларди. Шундан сўнг ўзининг кешик (сокчи) кўйилган муборак хобгохига бориб ором оларди. Унинг даври даврони (201) пайтида фаровонлик шу даражада эдики, семиз кўйни бир динорга, бир ҳарвор<sup>3</sup> буюмни бир дирҳамга харид килса бўларди. Аҳён-аҳёнда юришга жазм этса, сахронешин мўғулларнинг кудрат ва имконияти шунчалик эдики, хар чодирдан бир отлик келса ҳам, лашкар адади ўлчовга сигмасди ва ҳисобчи унинг зафарёб лашкаргоҳидаги чодирларни тахминан ҳисобламокка уринса ҳам, йиллар давомида ҳисобига етолмасди. Замондош маликлар унга муте бўлиб, олам мамлакатлари итоатга келиб, унинг фармонига бўйсунишарди. Ўз жойида мактовли ҳислатлари ва макбул ахлоқи баён килинган Жонибекхон<sup>4</sup> билан (Қазагон) ўрталарида бўлиб ўтган ихтилоф ва тортишувлар муфассал сўзланганди<sup>5</sup>. Шу замонда у Ўзбек<sup>6</sup> таҳтида (яъни, Олтин Ўрдада) хукмрон эди. Ашраф

<sup>1</sup> Қабчур – чорвадан олниадиган солик.

<sup>2</sup> Арз ва шикоятлар маҳкамаси – матнда: «маҳкама-йи мазолим».

<sup>3</sup> Ҳарвор – тақрибан 300 кг.

<sup>4</sup> Жонибекхон – 1340–1357 йилларда Чингизхоннинг катта ўғли номи билан аталаидиган Жўчи улуси (бошқа номи Олтин Ўрда)да хукмронлик килган. Жўчи улуси Дашти кипчокнинг катта кисми ва Хоразмнинг бир кисмини ўз ичига олиб, пойтаҳт шаҳарлари Волга дарёси соҳилиларида жойлашган.

<sup>5</sup> Бу ўринда муаллиф ўз асарининг «Жўжихон авлодлари табакаси» бобига ишора этмоқда.

<sup>6</sup> Ўзбекхон – Жўчи улусининг энг қудратли хонларидан бўлиб, 1312–1340 йилларда хукмронлик килган. Эҳтимол, улус лашкарининг «ўзбек лашкари», ахолисининг «ўзбеклар» деб атала бошлаши Ўзбекхон давридан бошлангандир.

Чўпоний Озарбайжонга эга бўлиб, Шайх Абу Исҳок Инжуий Форс<sup>1</sup>, Ирок<sup>2</sup> ва Кирмонда<sup>3</sup> ҳоким эди.

Чунончи, (уларнинг) ҳар бирининг (хикояси) охирида айтиб ўтилганидек, ўз даври ўрталарида амир Қазағон кайсиdir бир тарафга юриш килиб, тўнгич ва валиаҳд ўғли амирзода Абдуллани ўзининг койиммақоми сифатида ўрдуда колдирганди. Амирзода Абдулла отасининг буйругисиз очкўз амирлар иғвоси билан Хоразмга лашкар тортди<sup>4</sup> ва музaffer лашкарига шаҳар ташкарисида (чодирларнинг) арконларини (бир-бирига) туташтириб, кароргоҳ куришни буюрди. Бу воқеа амир Кутлугтемур – Худо унинг далилини мунаввар қилсин – вафотидан сўнг юз берган эди<sup>5</sup>. Куббат ул-ислом Хоразм ҳокимсиз колган, жамики хосу ом лашкар даҳшатидан ўзини йўқотган бўлиб, уни кай тарзда ва кай бир тадбир билан даф этишни билишмасди. Шу хол асноси ва ҳалокат жари ёқасида турилган бир пайтда савдогарлар бошлиғи<sup>6</sup> Ҳожа Ихтиёридин Ҳасан Соварж – Худо унга раҳмат қилсин – амирзода Абдулланинг истиқболига чиқди ва остона ўши давлатига мушарраф бўлгач, хоразмликларнинг ожиз ва нотавонликлари ҳакида унга арз қилди. Нихоят, шунга карор қилиндики, (хоразмликлар) (202) ҳазинага наълбаҳо<sup>7</sup> тўлайдиган бўлишди. Фармонга биноан Ҳасан Соварж амирзода Абдулла девонига икки юз туман хоразмий топширди. Шу орада яна турли хил тухфаю совғаларни ҳам пешкаш<sup>8</sup> сифатида етказди. У чандон муносиб хизматлар ва шойиста куллуклар зоҳир этдики, амирзода Абдулла шу кун, шу соатнинг ўзида Хоразм ташкарисидан кўчиш ва қайтиш ногорасини чалиб, ўзининг шариф масканига қайтиб кетди. Ўша йили бу лашкарга ҳамроҳ бўлган бъazzi кўпни кўрган қариялар шундай накл қилишади: (йўлга) отганиш ва оркага қайтиш пайтида йўл устида жойлашган вилоятлар аҳолиси бегона лашкар ўтганидан қатъян ва асло заррача ҳам озор кўрмаган ва бирор жонзодга ҳеч бир жиҳатдан заарар етмаган.

<sup>1</sup> Форс – Эрондаги пойтахти Шероз шахри бўлган вилоят.

<sup>2</sup> Ирок у даврларда икки кисмдан: «Ироки ажам» – Эрон Ироки ва «Ироки араб» – Араб Ирокидан иборат бўлган.

<sup>3</sup> Кирмон – Эрондаги шаҳар ва вилоят.

<sup>4</sup> Фасих Ҳавоғий маълумотига кўра бу воқеа 754 (1353) йилда рўй берган (Фасих Ҳавафи. Муджмал-и Фасихи. Т., 1980, стр. 79).

<sup>5</sup> Хоразмшоҳ Нажмиддин Кутлугтемур 736 (1335–1336) йилда вафот этган. (Фасих Ҳавафи. Муджмал-и Фасихи, Т., 1980, стр. 61).

<sup>6</sup> Савдогарлар бошлиғи – матнда: «Малик ут-тужкор».

<sup>7</sup> Наълбаҳо – «стака ҳаки» – товоң, контрибуция маъноларидаиди.

<sup>8</sup> Пешкаш – ҳукмдор ва юкори мартабали шахслар ташрифи пайтида уларга бериладиган совға-салом.

Ушбу барча эхтиёткорликларга карамай, амир Қазағон амирзода Абдулладан ранжиди ва унга хамроҳ бўлиб борган амирларга каттик дашином берди: «Нима сабабдан мусулмонлар мол-мулкига касд килдингиз? Бир июлимдан шундок сонсиз лашкарни олиб ўтдингиз ва сизнинг ўтишингиздан фукарога, ожизлар ва бечораҳол одамларга турили озорлар етди».

Максад шуки, (Қазағон) у даврда ҳаёт тарзи шундок бўлишини талаб килар ва бундан лаззатланарди: раият ўзига тинч бўлиб, лашкар кўчманчилик килиб (ўзини таъминлаш), амирлар ўз кўл остидагиларнинг аҳволини яхшилаш, сulton курилиши ишлари ва дехқончиликни рағбатлантириши, уламо диний илмлардан дарс бериб, машойихлар яқин (илми) қондаларини таҳқиқ килиш, имом ва қозилар пайғамбар шарнатига ривож бериш, (хуллас) ҳар одам ўз ҳолига яраша (бирон юмунига) машғул ва ҳар тоифа ўз ишида фармонбардор ва тиришкок бўлиб, ҳалк нихоятда осуда ҳаёт кечирарди.

Аксар вактлар амир Қазағон отланиб ёввойи ҳайвонлар овига чиқарди. (Овга) ғоят ишқибозлиги туфайли (203) бир куни «Қазо етса, кўз кўр бўлур»<sup>1</sup> (матали) ҳукмига биноан, қадар ҳокими уни басиратдан жудо этли ва у ўн нафар овчи, чухра<sup>2</sup> ва ахтачи<sup>3</sup> билан ҳамишаги одатга кўра лочин учиринди. Жайхун соҳили тарафга отланиб, (ёввойи ҳайвонларни) ўровга олишни буюрди. Кутлугтемур номли аллақандай бир мўғул бир нечта оғлик билан фурсатни пойлаб пистирмада турганди, ногаҳен амир Қазағоннинг йўли шу маълун олдига тушиб колди. Кутлугтемур иш муродига мувофиқлигини кўргач, тўсатдан пистирмадан чиқиб, амир Қазағон устига ташланди ва шу заҳотиёқ шаҳодат саодатига етказиб, осуда жаҳонни беором килди.

## АМИРЗОДА АБДУЛЛАНИНГ ТАХТГА ЧИҚИШИ

У отаси вафотидан сўнг ҳукумат таҳтига ўрнашиб олгач, бир йил чамаси мамлакат ишлари ва юргни идора этиш асослари амир Қазағон даври русумига мувофик устувор ва батартиб эди. Аммо ёши кичикилиги ва тажрибаси камлиги туфайли (отаси ўрнатган тартибларнинг) баъзиларидан воз кечди ва ҳатто, шу тарика уларни бутунлай йўқотмокка киришиди. Шу сабабли салтанат ишида ҳар тарафдан раҳналар ва ҳар

<sup>1</sup> Матал араб тилида келтирилган.

<sup>2</sup> Чухра - оксүяк тоғифдан чиккан ва сарой хизматида бўлган ўспирин ёки ёш йигит. Ўрта асрлар манбаларида маъноси шунга яқин «уйўғлон» сўзи ҳам учрайди.

<sup>3</sup> Ахтачи - саис, отбокар маъноларида.

томондан ўпирлишлар содир бўлди ва унинг (амирзода Абдулланинг) ахволида бутунлай паришонлик юз берди. Унинг йўл кўйган биринчи хатоси – кутлуғ қадамли, саодат мұждали ва ҳумоюн чехрали подшоҳ Баёнкулихонни – Оллоҳ унинг далилини мунаввар қилсин – ҳеч бир сабабсиз ва ҳеч қандай айби бўлмагани ҳолда шаҳид қилгани эди<sup>1</sup>. Шу воқеа туфайли барча катта амирлар вахимага тушдилар ва баяқбор итоатсизлик аломатларини зоҳир эта бошладилар. Ҳатто амир Баён сулдуз ва амир Ҳожи барлос биргаликда исён кўтариб, амирзода Абдулла устига келдилар ва жангу жадалсиз уни кўлга олиб шаҳид қилдилар. Машҳур амир Қазағон наслидан яна кимки кўлга тушган бўлса, барчасини ўлдирдилар ва (204) амир Баён амирлик таҳтига ўрнашди.

## АМИР БАЁН СУЛДУЗ ЗИКРИ

Амир Баён сулдуз амирлик таҳтини эгаллагач, унинг барча муомала тарзи узлусиз шаробхўрлигу беғам-бесарволикдан иборат бўлди; ўз мулкининг ахволи ҳакида асло фикр қилмасди. У ёсога<sup>2</sup> рноя қилмагани гуфайли мамлакат жунбушга келди. Амирлар орасидан ишонч ва зъти mod йўколди, улар бир-бирларига қасд қилиб пистирмалар кўйдилар. Барлос амирларининг асл юртни бўлмиши Шаҳрисабзни<sup>3</sup> амир Ҳожибек барлос ўз кўлига киритди. Жалойирлар истикоматгоҳи бўлган Хўжанд вилоятини амир Боязид эгаллади. Амир Қазағон хонадонидан омон қолгани – амир Ҳусайн ўзининг бир гуруҳ қадимий уйўғлонлари ва ушбу хонадонга қарам бўлган кораунослар билан бирга ҳар кун бир тарафда, ҳар лаҳза бирон дарада, ҳар дам қай бир биёбонда кун ўтказарди. Амир Ўлжойбуғо сулдуз бир пайт уларнинг хонадони кўлида бўлган сардорликни таъма қилиб, бир жамоа сулдузлар билан бир гўшага ческилди. Найман қабиласининг кўзга кўринган

<sup>1</sup> Баъзи манбалардаги маълумотларга кўра, Абдулла Баёнкулихоннинг ҳарамига тамаъ қилиб, уни ўлдирган. Баёнкулихон Бухоро шаҳрининг Фатҳобод мавзесига, шайъ ул-олам Сайфиддин Боҳарзий мозори ёнига дағн этилган. Унинг кабри устида макбара тикланган бўлиб, қурилиш услуги ға накшларига кўра Амир Темур даврига оид Шоҳизинда меъморий мажмусидаги ёдгорликларга жуда ўхшаш. Шунга асосласниб, Баёнкулихон макбараси Амир Темур фармонига кўра тикланган, деб фараз қилиш мумкин.

<sup>2</sup> Ёсо – Чингизхон тарафидан ўrnагилган давлатни идора этиш конун-коидалари мажмуаси.

<sup>3</sup> Муиниддин Натанзий ўз асарида мазкур шаҳар номини баъзан «Кеш», баъзан «Шаҳрисабз» тарзида ёзган.

амири Ҳамидхожа Шибирғонни<sup>1</sup> ўз тасарруфи доирасига киритди. Шоҳмуҳаммад Бадаҳшоний ҳам ўз Кўҳистонини мустаҳкамлаб, лашкар йиғмок ва ушбу вилоят ҳуқумати ва амирлигини таъма қилмок билан машғул бўлди. Амир Кайхисрав ва амир Ӯлжойту апарди иттифок бўлиб, Ҳатлонни<sup>2</sup> бутун ноҳиялари, тобелари, музофотлари билан бирга бўйсундирдилар. Амир Хизр Ясовурий ўзининг қабила ва уруғларини тўплаб, барча эътиборли кишилардан кўра ортикроқ ўзини (ҳокимликка) лаёкатли ва мустакил, деб биларди. Ушбу фикр туфайли ҳалойиқ ўргасида ҳар куни бир фитна ва ҳар лаҳза бир ғалаён қўзғарди. Мамлакатда тартибсизлик шу даражага етдики, ҳар лаҳзада юз минг турли балолар юз (205) берил, ҳар бир фарсанг йўлнинг юз жойида ўғри ва қароқчилар пистирма кўйишарди. Замона тили ҳар замони бу байтини иншо қиласиди:

Ҳар рўз бигзарад, хўшо омада дай,  
Ҳар солки нав шавад, хўшо горати пор.

(Ҳар кун ўтади ва «хуш келади» кечаги кун,  
Янги йил киради ўтган йил горатлари билан).

Бало оташи алангаси баланд кўтарилиб, одамзод орасидаги шайтонлар куткуси ғавғоси олам ахли орасидан ахилликни кўтарди ва турк амирлари қиличи ва ўки ваҳмидан (Мовароуннахрни) бутунлай тарқ килиб, Мўгулистонга кетган мўғуллар барчаси биргаликда подшоҳ Туғлуктемурни Мовароуннахр фатҳига ундан бошладилар. У ушбу вилоятга сон-саноқсиз лашкар тортди, кўркув ва ҳадиксиз манзилма-манзил йўл босиб, ҳумоюн кароргоҳни мамлакатга киритди ҳамда Мовароуннахрнинг қок ўртасида жойлашган Чаноқбулоқда<sup>3</sup> ҳонлик таҳтини ўрнатди. Амир Боязил жалойир остонбўслик давлатига мушарраф бўлди ва куловуз<sup>4</sup> сифатига манғлой<sup>5</sup> амирлари – амир Туғлуктемур керойит, амир Ҳожи эрконут ва амир Бекичакни бошлаб, Шахрисабз ва Самарканд устига олиб келди.

<sup>1</sup> Шибирғон – ҳозирги Афғонистон шимолидаги шаҳар.

<sup>2</sup> Ҳатлон (қадимийроқ манбаларда Ҳуттатён) – Тоҷикистон жанубидаги вилоят.

<sup>3</sup> Чаноқбулоқ – Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида Чаноқбулоқ Сармарканидан иккى манзил масофада жойлашгани кайд этилган (Низомиддин Шомий. «Зафарнома», Т., 1996, 29-бет). 1525–1532 йилларда туркий тилда ёзилган «Зубдат ул-осор» номли асарда Чаноқбулоқ Тошкент вилоятига тобе эканлиги таъкидланган (Абдуллоҳ ибн Мухаммад ибн Али Насруллоҳий. «Зубдат ул-осор». ЎзР ФА III кўлётмаси, №5368, в.3596.).

<sup>4</sup> Куловуз – йўл бошловчи.

<sup>5</sup> Манғлой – лашкарнинг олд қисми.

Амир Ҳожибек барлос каршилик күрсатип умидида ўз лашкарини түплади. Мұғул лашкари күплигидан огох бўлгач, мухолифлар етиб келмасидан бурун Жайҳундан кечиб ўтди ва Ҳурросон тарафга юзланди. Бу сафарда Султони ғозий амир Ҳожибек барлосга ҳамроҳ эди. Амир Ҳожибекнинг азиз ватанни тарк этиб ғурбатни ихтиёр этгани ва хонумонини (206) лушман талон-торожига қолдирганини кўргач, Амир соҳибқироннинг ўз улусига жони ачиdi ва мардларча амир Ҳожи барлосдан кайтмокка рухсат талаб этди. Замон такозоси ҳам шунда бўлганидан, амир Ҳожи барлосга маъкул кўринди ва рухсат берди. Амир соҳибқирон дарҳол «Қайтиш афзалир»<sup>1</sup> (матали) ҳукмига биноан Мовароуннахр тарафга қайтди. У мұғул манғлойи амирлари олдига етгач, улар амир Ҳожи барлоснинг аҳволи қанақалиги ва Амир соҳибқироннинг орқада колгани сабабини сўрадилар. У жавоб берди: «Мамлакат ворислик жиҳатидан ва ишғол этилгани туфайли ҳам подшоҳга тааллуклидир ва ҳак ўз жойида карор топди. Қарочуга<sup>2</sup> ўзбопимчаликни ким қўйибди? Самовий ёрлик ҳукми ва Чингизхон тўрасига<sup>3</sup> итоат килиш ва тобе бўлиш вожиб ва лозимдир. Ҳар кимки исён ва түғён йўлига кирса, Парвардигор неъматига кўрнамаклик қилган бўлади». Амирлар унинг акли, қобилияти ва кордонлигига қойил колишиди. Ташкарига чикишгач, амир Ҳожи Сайфиддин Амир Темурни Туғлуктемурхон даргоҳига бошлаб борди ва подшоҳ тахти олдида унинг зийраклиги ва билимдонлиги хусусида бисёр таҳсинлар ёғдиришиди. Подшоҳ кўплаб суюрғол бериб, авлоддан-авлодга барлосия мероси бўлган Шаҳрисабз туманини Амир соҳибқиронга иноят килди.

Амир соҳибқирон фармонга биноан Жайҳун соҳили сарҳадидан то Самарқанд адиrlари этакларигача бўлган ердаги жами кўчмангчи лашкарларни йигиб, амир Хизр Ясовурийга бориб қўшилди. Подшоҳ Туғлуктемур ўзининг аслий таҳтгоҳига қайтиб кетган эди. Манғлой амирлари ҳам подшоҳ изидан қайтишли. Амир Хизр (207) иинисининг касосини олиш учун амир Баён Сулдуз устига юриш максадида амир Ҳожиб ва Амир Темурдан мадал сўради. Амир соҳибқирон амир Ҳусайннинг маслаҳати билан амир Хизрга ёрдамга борди. Амир Баённинг уларга муковамат килгулик куввати йўклигидан, у Бадахшонга жўнади ва у ердан ҳам тўхтамай ўтиб кетди. Амир Темур оркага қайтиб, амир Хизр Ясовурийга қўшилди ва амир Ҳусайнни амирлик таҳтига

<sup>1</sup> Матал араб тилида.

<sup>2</sup> Қарочу – Чингизхон авлодидан бўлмаган кишилар.

<sup>3</sup> Тўра – ёсо, тузук маъноларида.

ўтқазиши. Кайхисравнинг доимо фитна-фасод ва бузгунчиликларга машғул иниси Кайқубодни ёсокка етказиши<sup>1</sup>.

Шу аснода кабилалардан бирининг сардори Түглук Сулдузий амир Ҳусайнга ёгий бўлди ва у Хўжанд ҳокими Боязид жалойир билан тил бириктириди. Айни шу вактда амир Ҳожи барлос Ҳурсондан Мовароунихарга қайтиб келиб, Кеш лашкарни (вилоятдан) ташкири олиб чиқди ва Самаркандан ўтиб, амир Боязид жалойирга бориб кўшилди. Улар иттифоқликда амир Ҳусайнга қарши юришга чиқдилар. Амир Ҳусайн ва Амир соҳибкiron лашкарларни тўплаб, уларга пешвоз юриши. Аммо стмасларидан бурун Амир соҳибкironга хамроҳ бўлган Кеш лашкарлари рухсатсиз ажралиб, амир Ҳожи барлосга бориб кўшилдилар. Амир Ҳусайн Амир Темур соҳибкironдан бадгумон бўлди ва ўз табиати бесарор Ҷанлигиги зохир этди. Иш шунга етдики, Амир соҳибкiron упдан олдин хавотирга тушиб, гафрика йўлига кирди. Бинобарин, беихтиёр амир Ҳожи барлос мулозиматига жўнади. (208) Амир Ҳожи барлос ва амир Боязид унинг етиб келганини ғанимат билишиди ва ўз лашкарлари муқаддимасига уни бошлиқ этиб тайинлашди. Улар етиб келиши-ю, амир Ҳусайн лашкири тезда мағлуб бўлди. Амир Ҳожи барлос ўзининг меросий тумани ва кадимий улусини кайта эгаллади. Амир Боязид Жанд<sup>2</sup> мамоликида худди улут амирлардек (мустакил) ҳукмдор бўлди.

Амир Темурнинг муборак чехрасида абадий давлат ёғдуси ва мангу саодат нишони куёшдан ҳам ёркинрок ва ойдан ҳам нурлирок тарзда зохир ва намоён бўлгач, инсон афъолига хос бўлган хасад амир Ҳизрни самовий кисматни ўзгартириб, кутилмаганла ҳеч бир асоссиз Амир Темурни йўқотмокка ундали. Амир Темур ногоҳ унинг ботинидаги қабоҳатдан огоҳ бўлди ва хиёнаткорона ҳатги-ҳаракатларидан баъзи нарсаларни англаб олди. Дарҳол бурнидан кон келганини баҳона килиб, ёнги билан бурнини бекиттан ҳолда амирлар ҳалқасидан чиқиб, ташкирига югурди ва елдек учиб бориб отига минди. Гоятда шошилганидан айил бандини чопиб кетаётган ҳолда боғлади ва чакмоқмисол ушбу фитна ва бузгунчилик маконини тарқ этди.

Иттифоқан, ушбу айёмда амир Қоракурун Жарчари ва амир Ҳожи барлос лашкар гўплаб, амир Ҳусайн касдида юришга чиқишган ва мўғул амирлари ҳам (унга қарши) отланишган эди. Амир Ҳусайн ўз

<sup>1</sup> Ёсокка етказмок – қатл қилмок, чўб ясок қилмок – қалтакламок маъносидаидир.

<sup>2</sup> Жанд – Сирдарённинг ўрта оқимидаги ҳозирги Қоюғистон ҳудудидаги шахар. Аммо бу ўринда ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Хўжанд шахри ва вилояти назарда тутилмоқда.

килмишидан пушаймон бўлди ва амир Ҳожи барлосдан Амир Темурга Шаҳрисабз воҳасидаги кўчманчи лашкарларни жам қилиб, манглой тарзида мухолифларга пешвоз чикиш ҳакида пайғом етказишни илтинос килди. Амир Темур амир Ҳожи барлоснинг илгимосига кўра, энг нобоп (209) бир мавсум бўлишига қарамай, мухолифлар билан жангилиб, ғолиб ва музaffer ҳолда Термиз шаҳрига келиб тушди.

## ПОДШОХ ТУҒЛУҚТЕМУРНИНГ КАЙТА КЕЛИШИ

Вилоятда «подшоҳ Тутлуктемур беадад лашкар билан Мовароуннахрга отланибди», деган овозалар таркалди ва ростдан ҳам бу хабар изидан пайдар-пай мўғул кўшини етиб келди. Амир Темур ва амир Ҳожи барлос олий ўрдуга боришли ва яна бир марта итоат ва бўйсуниш камарларини белга боғлаб, ҳамжихатлик ва хайриҳоҳлик вазифасига (тайёр эканликларини) кўрсатишиди. Подшоҳ Тутлуктемур ҳаялламай амир Боязид жалойирни қатл эттириди. Амир Ҳожи барлос хаёлига ўрнашган бу вонсадан ваҳимага тушиб, қочмокка қарор этди ва бир ўзи Шаҳрисабзга келди. Лашкарларни жам килгач, Жайҳуңдан ўтиб Хуросонга жўнади.

Бу гал ҳам Амир Темур амир Ҳожи барлосга эргашмади ва улуғ ўрду мулизиматида колди. Дўстона алокалар ва ўтмишда бир-бирларига килган яхшиликлари туфайли Амир Темурга боғланган амир Ҳамид ҳазрат подшоҳининг мукаррибларидан эди. У Амир Темурни подшоҳ ҳузурига элтиб, каттиқ ҳимоя килди, натижада подшоҳ бу гал ҳам меросий улусини унга суюрғол тарзида ишоят килди.

Мовароуннахрда мустаҳкамланиб олгач ва вилоят (мухолифлардан) тозалангач, подшоҳ амир Ҳусайнни ҳам даф этмокқа қарор килди ва унга карши бориш учун лашкар тайин килди. Амир Ҳусайн Вахш суви<sup>1</sup> бўйида (жанговар) сафларни ростлаб, қаршилик кўрсатишга (тайёрлашиб) турди. Мўғул лашкари етиб келгач, биринчи тўқнашувдаёт амир Ҳусайн давлатининг улкан устунларидан бўлган Кайхисрав бирдан амир Ҳусайндан юз ўгириб, (210) мўғул лашкарига бориб кўшилди.

На ўлик ва на тирик ахволда бўлган амир Ҳусайн чўлу биёбонга бош олиб кетди ва ўзининг фано бўлган хонумонига фано чаҳор тақбирини ўқиди<sup>2</sup>. Мўғул лашкари Қундуз ва Бағлоннинг<sup>3</sup> жами навоҳи<sup>4</sup>сини

<sup>1</sup> Вахш суви – ҳозирги Вахин дарёси. Амударёнинг юкори оқимиладаги ирмояти.

<sup>2</sup> Фано чаҳор тақбирини ўқимок – бирон нарсадан жудо бўлмок ва видолашмок маъносиададир.

<sup>3</sup> Қундуз ва Бағлон – Шимолий Афғонистондаги шаҳар ва туманлар.

<sup>4</sup> Навоҳи – ноҳия (туман) сўзининг кўплик шаклидир.

то Хиндукуш тоги этакларигача зеру забар килдилар. Шу йилнинг кузда амир Ясовурий ҳам Түглуктемур фармонига кўра ёсокка стказилиб, шаходат мартабасини топди.

Мамлакат бошдан-оёқ (ракиблардан) тозалангач, подшоҳ Түглуктемур ўз ўғли Илёсхожа ўғлонни Мовароуннаҳр таҳтига ўтиргизди ва ўзининг аржуманд кароргоҳига кайтди. Ўз таҳтига мулоҳим бўлган умародан амир Бекичакни ўғлига (ноиб килиб) тайинлади ва ўз хошишига биноан бутун мамлакатни унинг кўлига топширди. Амир Темур ҳам фармонга кўра мулоҳимлар сирасига киради. Аммо амир Бекичак ўз очкўзлиги ва тамагирлиги сабабидан зулм қўлини чўзиб, бошка барча амиrlарнинг ҳаёт кечириши ва айш-ишрат қилиш воситаларини боғлади. Чунончи, хеч бир жонзоднинг бирон жойда (руҳсатсиз) нафас олмок ё қадам босмокка ҳам мажоли қолмади. Амир Темур воеалар оқиллар тасаввуринг зид ва (бундай) муомаланинг оқибати айни бало эканини кўргач, жонажон ватани ва беш юз йил давомида номдор аждодлари кўл остида бўлган улуси билан зарурият юзасидан видолашиб, саргардонликни забунликдан афзал кўриб, навкарлар билан яқдил ва ҳамжиҳат тарзда иттифоқ бўлиб, амир Ҳусайн талабида чўлу биёбонга отланди ва то унга бориб кўшилмагунча, бирон манзилда бир лахза ҳам қарор топмади.

Ҳар икки амир иттифоқ бўлиб Кот ва Хива теварагида...<sup>1</sup> амир Тўкал минг нафар отлик ва пиёда билан қасд килиб, уларнинг изидан жўнали ва кутурган бир саҳро ўртасида уларга етиб олди.

Амир Ҳусайн ва Амир Темур кариб олтмиш отлик билан ушбу (211) ғадор биёбонда бисёр саъй-харакат килдилар. Чунончи, Тўғайбуғо барлос. Ҳожи Сайфиддин ва Элчи баҳодирларнинг отлари йикилиб колди ва шу тарзда улар пиёда харакат килдилар. Машаккатлар шу даражага етдики, Тўкалнинг минг нафар отлик ва пиёдасидан эзлик нафар, ҳар икки амирнинг олтмиш навкаридан эса бор-йўғи ўнтаси колди. Тўсатдан амир Ҳусайннинг оти оғир яраланди ва у пиёда колди. Мехрибон хотини отидан сакраб тушиб, ўзини унга фидо килди<sup>2</sup>. Амир Тўкал жиловни қўйиб юбориб душманга ҳамла килди, аммо Амир Темур отланиб, ғанимни яна улоктириб ташлади.

Алкисса, ҳар иккала амир еттига отлик билан бу кимсасиз саҳрова колишди ва жонларини ҳовуччлаб, то кечгача оғ чоптиришди. Кечкурун

<sup>1</sup> Ушбу жойда матнда сукут бор.

<sup>2</sup> Бошка манбалар мълумотига кўра, амир Ҳусайнга бу сафарда ҳамроҳ бўлган хотини Дилшод оғодир. Амир Ҳусайн ўлимидан сўнг Дилшод оғо Амир Темур тарафидан амир Зиндаҳашамга берилган.

бир кум бархани соясида тўхтаб отдан тушишди. Ётти отликдан уч нафари хурносонлик эди. Тун ярмига етганда, амирлар гоятда чарчаб ҳолдан тойғанлари туфайли ухлаб колишиди. Бояги уч нафар хурносонлик барча отларни ҳайдаб кетиб, ҳар иккала амирни ушбу саҳрода ярадор ва забун ҳолда колдиришиди. Алкисса, амир Ҳусайн ва Амир Темур ўз хотини, яъни амир Ҳусайннинг синглиси билан ҳамда яна бир навкар пиёда ва паришонхол бир арик бўйига етиб боришиди. Ҳали нафас ростлаб ҳорлик чикаришга улгурмаган ҳам эдиларки, шу атрофлик бўлган бир гурух туркман уларнинг ҳар тарафидан пайдо бўлиб, зўравонлик билан устларига бостириб келишиди. Амир Темур ахвол бунақалигини кўргач. Ўлжой Туркон оғони шу якиндаги бир кудукка туширди, ўзи эса амир Ҳусайн билан қўйларига шамшир олиб туркманларга пешвуз чикишиди. Туркманлар сардори Ҳожи Мухаммад уларни таниб колди (212) ва «хуш келибсиз», дея ҳурмат-эҳтиром кўргузди. Амир Темур унга бир неча дона марварид ва бир бўлак лаъл бериб, илтимосини айтишга рұксат этди. Ҳожи Мухаммад дархол учта отни амирларга пешкаш килиб, ғажарчи<sup>1</sup> ва кўнаржой берди ҳамда улуфа<sup>2</sup> жўнатди. Маҳмудий деб аталадиган жойда, қиши фаслида ҳам қатра ёмғир ёки булут сояси ҳаргиз тушмайдиган ноҳияда амирларга толе ёр бўлиб, кудук қазишаётганида озгина уринганларидан сўнг ширин ва зилол сув чиқди. Биргаликда у серда ўн икки кун муким туришиди.

Машаккатлар муддати тутамаганидан ва давлат юлдузи баҳтсизлик буржидан чикмагани туфайли Алибек Жоникурбоний<sup>3</sup> амирлар ахволидан огоҳ бўлгач, ғоят пастанглигидан кариб юз отликини юбориб, амирларни банди қилиб ҳибсга олдириди ва Моҳонда<sup>4</sup> дўзахнинг бир чохи ва асфаласофилиннинг бир хужраси бўлган уйга қамаб кўйди. Унинг акаси амир Муҳаммадбек келажакни ўйлаб маломат тилини узун килди ва окибатни мулоҳаза қилиш тарикига риоя қилиб деди: «Дунё ҳодисалар майдонидир, улут одамлар доимо бало ўқига нишон бўлишган. Давлат ва некбат (кулфат) эгизак ҳолда яратилган. Нега окил одамлар жоҳиллар шевасини тутиб, окибатни ўйламасликлари керак экан? Улбу кунда шундок азиз меҳмонлар, ўзинг чакирмасанг ҳам, кутилмаган неъмат каби сенинг сарҳадингта етиб келган экан,

<sup>1</sup> Ғажарчи - йўл бошлиовчи, кулловуз.

<sup>2</sup> Улуфа – озик-овват ва лашкар таъминоти учун зарур нарсалар.

<sup>3</sup> Алибек Жоникурбоний – туркманларнинг жоникурбон ёки жоникурбон деб аталадиган кабиласининг сардорларидан бири бўлган.

<sup>4</sup> Моҳон – хозирги Туркманистон худудидаги кадимий Марв шаҳри яқинидаги кишлоп.

нега уларнинг кўнглини овлаб, эъзоз-икром қилишга интилмайсан ва нечун уларнинг мажруҳ қалблари ярасига малҳам бўлмайсан?

Бори чу асал намедиҳи, ниш маъзан.

(Асал бермасанг, ниш ҳам урмагин).

Зинҳор уларни азият бандида сақлама, балки азизу мукаррам тутиб, кечиккан узрингни айтишга (213) шошил. Уларни озод килгин ва хоҳлаған жойига кетаверишсин».

Мұхаммадбекнинг чопари Алибек олдига келиб, унинг насиҳатомуз сўзларини етказди. Алибек ҳам «Ақл йўли ягонадир»<sup>1</sup> (матали) ҳукмини маъқул кўриб, ҳар иккала амирни хибсдан озод киёди ва роса ихлос ва яхши муомалалар зохир этиб, қилиган ишлари учун узр сўрашни ўрнига кўйди. Аммо табиатан хасислиги етарли мурувват кўрсатишга йўл кўймади. Бир чўлоқ от ва қари туяни одатга кўра пешкаш килди ва рухсат берди. Шу аснода Моҳон қадхудоларидан бўлган Муборакшоҳ Санжарий давлат майдонига ҳиммат қадамини мардона қўйди ва бисотида неки бўлса, амирлар қадамига нисор этди ва яна ўзини айбдор хис килди.

Ҳар икки амир бу шердил одамнинг хайриҳоҳлиги баракатидан от, аслаха, озуқа ва (юкларини ташийдиган) роҳила билан таъминланиб, хотиржам ҳолда Кандаҳор Гармсирига равона бўлдилар. Бир неча кун у ерда ватан туттагач, яна ўша йўлдан Хузор<sup>2</sup>, Кеш ва Нахшаб сари отландилар. Хорзандонга<sup>3</sup> етгач, Ўлжой Туркон оғони шу ерда коллириб, ўзлари вилоят ичкарисига келдилар.

Қадимий хизматкорларидан бўлган Темурка ўн беш нафар отлиқ билан уларга келиб кўшилди ва биргаликда у вилоятнинг подалари ни хайдаб кетиб, Жайҳун сувидан кечиб ўтиб, муносиб бир жойда муким бўлиб туришди. Иссиқнинг кучи шу даражага етдики, Жайҳун соҳилидан йироклашиб имконсиз эди. Ногоҳ, узоқдан қандайдир бир тўданинг кораси кўринди. Мабодо душман сипохи бўлмасин, деб ғоят шошиб қолганларидан, яна Жайҳундан кечиб вилоят тарафга ўтишди. То яйлокка ўрнашган гуруҳ кайтиб кетмагунча сахро ва даштда (214) кун кечиришди. Яйлок кўчманчилардан холи бўлгач, яна бир ой яйлокда муким бўлиб туришди.

<sup>1</sup> Матал араб тилида.

<sup>2</sup> Хузор – Қашқадарё вилоятидаги Фузор шаҳри.

<sup>3</sup> Хорзандон – бу ўринда ёзилиши шундай. Бошқа баязи манбайларда Ҷуҳор Зандон шаклида учрайди. Буҳоро вилояти Пешкӯ туманидаги қадимий Зандана юшлоги.

Шундан кейин шабгир<sup>1</sup> килиб икки куну бир кечада Самарқандга, Амир Темурнинг онаси Кутглуғ Туркон оғонинг уйига етишди ва бу ерда кирқ саккиз кун яшириниб туришди. Миш-миш гаплар туфайли уларнинг хабари фони бўлгач, яна Шаҳрисабзга жўнашди ва Амир Темурнинг мулки бўлган Ниёзий номли қишлоқда кирқ саккиз кун туришди. Шундан кейин яна Жайхун бўйлари томон шабгир қилишди. У ерда Темурхожа ўғлон ва Баҳром жалойир Амир Темурга келиб қўшилдилар ва иттифокликда Гармсирга жўнаб, амир Ҳусайн билан бирлашдилар.

Улар ўша жойда тўхташганидан кейин бирмунча вакт ўтгач, Баҳром жалойир табиатидаги беҳаёлик туфайли амирлардан берухсат Ҳиндистонга жўнаб кетди. Амир Ҳусайн ва Султони гозий Сейстон<sup>2</sup> тарафга отлапишиди. Ҳар иккала амир атрофига мингтacha суворий тўпланган бўлиб, уларнинг иши тараккий килмокқа бошлаганди. Сейстон малики уларни ғоят азиз ва мукаррам тутиб, шаҳар ташқарисидан кўнаржой берди. Иттифокан, Сейстон ҳокимлари орасида мухолифат пайдо бўлиб, у кундан-кун маддалай бошлади. Малик Фахриддин амирларга кўпдан-кўп хадя ва тухфалар ваъда қилиб, бунинг эвазига уларга ўз истагини амалга ошириш, яъни бутун Сейстонни (мухолифларидан) тозалашни шарт қилиб кўйди. Амирлар ҳам буни қабул қилишди ва андак фурсатда бутун Сейстон мамлакатини фитнаю фасоддан поклашди. Малик Фахриддин берган ваъдаларининг мингдач бирини ҳам бажармади. Амирлар аччикланиб, малиқдан берухсат (215) отланиб, бошқа тарафига йўлга тушишиди.

Сейстонликлар ваъласига вафо килмаганилари устига, ўз табиатларидағи мурувватсизлик туфайли амирларнинг йўлини тўсишиди. Ҳар икки тарафдан жанг олови алсанга олиб, мухораба шу қадар шилдатли бўлдики, жанг сурони энг юкори даражага етди. Амир Темур ўзини кўрсатиб, ўр жонбозлик килди. Ногаҳон муборак билагига ёй ўки келиб тегди ва ўнг кўли бутунлай ишдан чиқди. У ердан яна Гармсирга келишиди. Туман Гармсирий амирлар билан тўла ҳамжихат эди. Шу сабабли Амир Темурни унинг олдида қолдириб, амир Ҳусайн ўз мулозимлари бўлмиш бошқа амирлар билан Кундуз ва Баглон вилоятларига жўнали. Амир Бекичакнинг укаси Ажуний амир Ҳусайн етиб келганидан ҳабар топиб, тезда унинг устига юрди ва яна бир бор амир Ҳусайн навкарларини тор-мор келтириб, вилоятдан ҳайдаб чиқарди. Амир Ҳусайн тўрг отлиқ ва саккиз пиёда билан Шибаргу яйлоғидан паноҳ топди ва ўша ерда турди.

<sup>1</sup> Шабгир – тунда йўл босиш.

<sup>2</sup> Сейстон (Сенстон, Сисгон) – хозирги Шарқий Эрон ва Ғарбий Афғонистон ҳудудида жойлашган тарихий вилоят.

Амир Темурнинг кўли соғайғач, Темурхожа ўғлон ва йигирма тўрт нафар суворий билан амир Ҳусайнини кидириб келди. Етиб келмасидан бурун амир Ҳусайн кароргоҳини аниқлаб, келаётгани хакида хабар юборли. Арсоф деб аталадиган мавзъеда бир-бирлари билан бирлашидилар. Сиддик барлос<sup>1</sup> ҳам бу срда уларга етди. Ногаҳон узокдан бир кора кўринди. Амирлар хавотирланиб, ҳамжихатлик билан бир пиёда аскарни кузатиш учун йўл бўйида колдириб, ўзлари пистирмала туришиди.

Тасодифан, кариб юз отлик аскар амирларни кидириб, вилоятда айланиб юришганди. Улар ҳам амирларга келиб қўшилишиди. Ўша гунни Арсофда ўтказиши. Сахар чоги Бағлон тарафдан (216) калин чанг-тўзон кўринди. Амир Темур ўзи бу чанг-тўзонни текшириш учун отланди ва уларнинг орқа тарафидан бориб, бир отликдан ҳол-аҳвол сўради. Отликлар: «Биз Султони ғозийнинг биродарининг навкарларимиз, уни излаб бу саҳрова юрибмиз», – дейишиди. Амир (уларни) яхшилаб назардан ўтказди. Ҳожи Сайфиддин ва Туглукхожа Тунак кариб стмиш суворий билан эдилар. Султони ғозийга кўзлари тушгач, ҳаяжон ва шодликдан териларига симай, унинг отининг оёклари тагига йиқилиб, шукроналар килиб, таъзим бажо келтирдилар. Бу пайтларда амирлардан ажralиб колиб, Гармсирда муким бўлиб турған Шер Баҳром ҳам шу аснола изларидан етиб келиб қўшилди.

Султони ғозий уларнинг етиб келгани хабарини ёзиб, Сиддик барлосни амир Ҳусайн олдига жўнатди. Амир Ҳусайн ҳам бир юз ўттиз суворий ва бир юз эллик пиёдан тартибга солиб, Арсофда Султони ғозийга етиб олди. У ердан биргаликда Дўлон Чоғонга келишиди. Бу навоҳий аҳолисидан уч юз суворий Султони ғозийга кўшилди. Шу тарзда теварак-атрофдан гурух-гурух одамлар амирларга тарафлор бўлиб келишар ва ҳар куни (лашкар) микдори ошиб бораарди.

Султони ғозий Термиз, Кеш ва Хузор вилоятидаги вазиятни текшириб келиш учун Темуркани тўрт отлик билан жўнатди. Улар Қахалға<sup>2</sup> етиб келгач, бир гурух мўғуллар вилоятда ғорат ва талон-горожга машғул эканини кўришиди. Улар эътибор бермай ўтиб кетишиди. Темурканинг йўли ўз хонумони ёнидан тушиб колди. Яқинлари ундан бир лахза отдан тушиб, хотини ва фарзандларини кўриб кетишига ундан, ҳарчанд илтимосу илтижо қиссалар ҳам, Темурка адаб саклаб: «То (217) ҳазрат Султони ғозий ўз аёли ва болаларини кўрмагунча, менинг ўз фар-

<sup>1</sup> Сиддик барлос Қарочор нўён авлодидан бўлган.

<sup>2</sup> Қахалға – бошка номлари Темир Копуғ, Дарбанли Оҳанин. Сурхонларё вилоятидаги бир тор дара номи.

зандларим юзини кўришим инсофдан эмас», – деди ва рози бўлмади. У амир Сулаймон, амир Мусо, амир Жоку, Жалолиддин ва Ҳиндукга мўғуллар зулми ва ўзларига нисбатан қилингган хурматсизликка токат қилолмай ёғий бўлишганини ва Термиз навохийсида туришганини аниқлади.

Илёсхожа ўғлон, Бусайд, Манглибуғо ва Ҳайдар амир Ҳусайн ва Султони ғозийдан хабар топиб, Даригаз<sup>1</sup> суви бўйига келиб тушдилар. Амир Ҳусайн ва Султони ғозий Сут Ариғи суви бўйига етгач, тарафлар бир-бирларининг сипоҳларини кўришди. Шу тарзда тонг отиши билан кўч қилиб, амирлар сувнинг бир томонидан, ёғий нариги томонидан Балх тарафга йўлга тушишди. Амир Абдулла ариғи қирғоғига етгач, сувнинг икки томонида туриб, сафларни тартибга келтиришди. Термизда бўлган амирлар ушбу манзилда амир Ҳусайн ва Султони ғозийга келиб кўшилишди. Темурка ҳам теварак-атрофга доир маълумотларни сўраб-сuriшитириб аниқлашни жуда яхши бажариб, (вазиятдан) тўла хабардор бўлгач, ҳазрат ҳузурига етиб келди.

Алқисса, ўша куни пешин намози пайтидан то кун ботгунча сувнинг икки томонида туриб тирборон қилишди. Қоронғу тушгач, ҳар икки тараф отдан тушмай, эҳтиёткорлик чораларини кўриб посбонлар кўйишишди. Тонг пайти Султони ғозий ҳамла қилиб кўприқдан ўтди ва ёғий лашкари мағлуб бўлгач, амир Ҳусайн ва Султони ғозий (сипоҳни) кўриқдан ўтказишишди. Қарийб икки минг суворий улар атрофига тўплантган эди. Султони ғозий манғлой бўлиб Жайхундан Термиз томонга кечиб ўтди ва Қаҳалға тарафга қоровуллар жўнатди. Қоровуллар бошлиғи тажрибасиз одам бўлганидан ғафлатда қолди ва кутилмагандан амир Бекичакнинг укаси Ажуний лашкари (218) унинг устига етиб келди. Саросимага тушиган қоровуллар зўрға отларига миниб улгуришиди. Ёғий лашкари уларга илашиб ёпишган ҳолда Султони ғозий олдига етиб келишишди. Фурсат зик бўлиб, ясол<sup>2</sup> тортиш имкони қолмаганидан минг бир ҳийла билан ўзларини кемага отиб, бир оролда мустаҳкамланиб олишишди. Султони ғозий ўз одамларини сувдан соғ-саломат ўтказдию, аммо захира ва чорвалар бутунича дарёнинг нариги тарафида қолди.

Бир ой мобайнида дарёнинг икки томонида туриб, ҳар куни жанг қилишишди. Сўнгра Султони ғозий кемаларни ёндириб, кўч қилиб Ҳулмга келди ва амир Ҳусайн билан бирлашди. Шундан сўнг иттифокликда Буролдой эли устига юриш қилиб, уларни бўйсундиришишди. У ердан

<sup>1</sup> Даригаз ёки Дарайи Газ – Балх шахри яқинидаги тоғ дараси ва ундан окиб чикадиган сой номи.

<sup>2</sup> Ясол ёки ёсол – жанговар саф.

Бадахшонга жүнаб, Шүрсув кирғоғида Шоҳ Мухаммад Бадахшоний билан сулх тузиши. Яна бир бор Султони ғозий манғлой бўлиб Арҳангсаройдан ўтиши ва биргаликда Кўлак даштига келиб тупшиши. У ерда Шер Баҳром ажралиб колиб, Балжуwon тарафга жўнаб кетди. Иттифокан, Илёсхожа ўғлоннинг сон-саноқсиз лашкар билан Пули Сангин бошига келиб тушгани ҳакида пайдар-пай хабар келди. Шунга қарамай, Амир Темур ихтиёрларида мавжул бўлган икки минг аскар билан манғлой бўлиб душман мукобаласига гурди.

Ўша куни то кечгача ҳар икки тарафдан ўқ ёғдириб, каттиқ жант килиши. Қоронғи тушгач, Амир Темур мухолифлар ғоят кўплиги ва ўз лашкари анча камлигини билди ва тўғридан зарба бериб мукобала килиш амримаҳол эканини фаҳмлаб. тадбир бунёд килиб, дуруст бир фикрга келди. Чунончи, амир Мусо ва амир Муайядни беш юз киши билан Пули Сангин кўприги бошида – душман рўпарасида колдирди. Ўзи бир ярим минг суворий билан Ҳасан майдони ва Расанкаш гузари оралиғидан отларни сувға киргизиб кечиб ўтиши. (219) Сувининг шиддати ва кечув машакқатларини сўз билан ифодалаш имконсизлир. Билмадим, то олам инкиrozигача яна бирон подшохга бу ғоя мұяссар бўлармикан?

Машрик томондан тонг ўз жамолини кўрсатгач, душман коровуллари узоқдан Султони ғозий лашкари корасини пайқадилар: улар сувдан кечиб ўтиб, лашкар атроғига тўплансин, деб белги тарзила улкан гулхан ёкишганди. Мўтуллар Султони ғозийнинг ул даҳшатли жаҳаннамдан кечиб ўтганига амин бўлишгач, энди муковамат мавриди эмаслигини фаҳмладилар. Ўзларича ўйлашди: давлату саодат йўлдош бўлмаса, бунга кандок журъят килиш мумкин? Шу фикрнинг ўзиданоқ тўзгиб кетиши. Султони ғозий лашкари рухланиб, то Гужароти майдонигача мағлубларни таъкиб килиб борди. Ушбу ғаляба хабари амир Ҳусайнга етиб боргач, орқадан етиб келиб Амир Темур билан бирлашди.

Амир Темур у ердан яна бир бор икки минг суворий билан манғлой бўлиб, Қаҳалғагача от солиб келди. Шахрисабз лашкари Амир Темур етиб келгани хабарини эшитгач, ҳаялламай фавж-фавж бўлиб келмоққа бошлади. Амир Темур бир минг етти юз кишини Қаҳалғада кўйиб, ўзи уч юз киши билан улардан ажрашди. Шулар жумласидан икки юз отлиқдан беш кўшун<sup>1</sup> тузиб, амир Сулаймон, амир Жоку, Баҳром, амир Жалолиддин барлос, Ҳожи Сайфиддин ва Йўлтемурни бошлатмиший килиб, кир-адирлар устидан жўнатди. Чанг-тўзон

<sup>1</sup> Кўшун сўзи у пайтда бир неча юз кишидан иборат еки ундан ҳам кичикрок ҳарбий бўлинмани англатган, шу жиҳатдан кўшун ва кўшин. яъни лашкар сўзи фарқланади.

куюк бўлиб, узоқдан қўшин кўп сонли кўриниши учун буларга ҳар отнинг икки томонига иккитадан дараҳт шохини бойлаб олиши таинлади ва тўхтамасдан Шахрисабзга кириб бориб, мўғуллар у ерга кўйган доругани банди килиб келтиришни буюрди. Амир Темур ўзи юз киши билан шабгир қилиб (220) Хузорга жўнади ва сахар пайтида кутилмаганда Хузор касабаси ичкарисига кирди. Дарҳол у ернинг аслзода ва аъёнларини жам килишни буюриб, кўчманчилар ва сипоҳийларни кўлга олди. Шер Баҳром ва Шайх Мухаммад Баён шу ерда келиб қўшилишди.

Жамики умаро Шайх қабри устида янгитдан шарт бойлашиб, аҳд қилишиди. Ушбу ҳол асносида Амир Темур пешин пайтидан сўнг ухламоқда эди. Ногоҳ туш кўрди ва тушида бир киши унга фасих тил билан деди: «Фатху нусрат пайти етди. Ҳаялламай отланингким, мамлакат сизникидир». Чунончи, бу овоза салобатидан Амир Темур уйқудан сакраб турди ва шу ерда ҳозир бўлганлардан сўради: «Бирон кипи шунга ўхшаш гап эшиздими ёки йўкми?» Барча ҳайратда колишди ва бу сўзлар гайб олами илҳоми эканини англашди. Яқдиллик билан бу ҳолни хайрли фол ҳисоблаб, икки ғул<sup>1</sup> тузишли.

Баронгор (ўнг қанот) ғулинни амир Ҳусайн бошламиш қилди. Амир Темур жавонгор (чап қанот) ғулига ясол тортишни буюрди. Илёсҳожа ўғлон ҳам сон жиҳатидан ошиклигига қарамай, ўз лашкарини икки ғулга сафлади. Бирига Илёсҳожа ўғлон ва амир Ҳамид, бошка ғулга Тўқтемур ва амир Бекичак бошчилик қиласиди. Баён қилинган тарзда Шахрисабзнинг машҳур кишлекларидан бири бўлмиш Қабаймитанда рўбарў бўлиб, жанговор сафларга тизилиши. Мўғул ҳировуллари<sup>2</sup>, яъни Тўқтемур Баҳодир ва амир Бекичакнинг уласи Беки кабилар биринчи зарбадаёқ тўзгиб кетиб, аксар баҳодир ва амирлар баъзилари қиличга ем бўлдилар, баъзилари наиза ва ўкка нишон бўлдилар ёки асир тушдилар. Султони ғозий шахсан ўзи Ём суви бўйигача от солиб, қочаётган мўғулларнинг йўлини тўсди. Ҳожи Сайфиддин амир Жоку билан Самарқанд тарафга отланиши. Искандар ўғлон, амир Ҳамид, амир Юсуфхожа, (221) амир Ҳайдар ва яна кўплаб катта амирлар асирга тушдилар. Илёсҳожа ўғлон ва амир Бекичак ҳам асирлик домига тушган эдилар-у, лекин бир гурух одамлар узокни ўйлаб, уларга от ва озука бериб, тунда жўнатиб юбориши. Султони ғозий ва Шер Баҳром

<sup>1</sup> Ғул ёки қўл – «корпус» маъносидаги ҳарбий атама бўлиб, қўшин маркази маъносида ҳам кўлланилиган.

<sup>2</sup> Ҳировул – лашкарнинг олд кисми, авангард.

мағлублар изидан тушиб, Хўжанд сувидан<sup>1</sup> ўтишди ва шу тарзда то Тошкандгача кувиб бориши.

Ўша айёмда амир Ҳусайнга бу ғалаба мұяссар бўлгач, у катта шикор уюштириди. Султони гозий Хўжанд суви бўйидан шикор наргасини<sup>2</sup> тузиб келди. Амир Ҳусайн Дизакдан<sup>3</sup> жарга тартиб қилиб борди. Иттифоқликда Анкар чўлида кумормиший<sup>4</sup> килдилар ва бир-бирлари билан бирлашдилар. Бутун Мовароуннаҳр (душмандан) тозаланиб яққалам бўлгани ва истаклари барчаси рўёбга чикканига шукронга килиб орқага қайтишди ва Самарқанднинг мўътабар кишлокларидан бўлган Шодмонга келиб тушиб, тўй-томоша ва кайфу сафога машғул бўлиши.

Ҳамжиҳатлик билан амирлик ва хукумат амир Ҳусайн қўлига ўтди.

## АМИР ҲУСАЙН АМИРЛИГИ КИССАСИ

Амир Ҳусайн Мовароуннаҳр таҳтига ўтиргач, яхши тартиблар жорий этиб, адл асоси ва мамлакат ишларини бошқариш коидаларини бунёд этишга киришли ва ўзининг номдор аждодлари даврилаги давлатни қайта тиклади. Амиrlар жамоаси билан ҳамжиҳатликда 761 йилнинг ражаб ойи ўртасида<sup>5</sup> Кобулшоҳхонни<sup>6</sup> подшоҳ килиб кўтарди. Кутлов муносабати билан ҳар куни дабдабали тўйлар килишарди. Узок-якиндан улуғлар, аслзодалар ва тобе мамлакатлар аъёнлари кўпдан-кўп тухфаю ҳадялар билан этиб келиб, остоңбўслик давлатига мушарраф бўлиши. Улар мозий султонлари ёрликлари (222) ва эски хукмларни (яигитдан) имзолатиб олиб, суюрғол ва иноятлар билан тақдирланиб, ясок ва танқолни<sup>7</sup> эшишиб, хирож ва жихотнинг (микдорини) аниклаб, ҳар бири ўз аслий ватанларига қайтиб кетишиди. Лашкар таъминоти амалдорлари сон ва ясокни қадимий дафтарлар йўсунига мувофик тартибга солиши хамда кули<sup>8</sup> ва фармонлар олиши. Мулозимлар ахли

<sup>1</sup> Сирларё.

<sup>2</sup> Нарга ва жарга сўzlари «саф» маъносидадир.

<sup>3</sup> Жиззах.

<sup>4</sup> Кумормиший – матнадаги мазмунига кўра катта ов пайтида ёввойи ҳайвонларни ўраб олиш маъносида кўйланилган. Унга маъноси яқин «қамарга» сўзи эса ҳарбий атама сифатида хам кўлланилган.

<sup>5</sup> Мелодий 1360 йил июнь ойи.

<sup>6</sup> Кобулшоҳ Чингизхоннинг ўғли Чигатой авлодидан бўлиб, кўғирчок хон сифатида таҳтига ўтказилган.

<sup>7</sup> Ясок ва танқол (тунқол) – давлатни идора қилиш асослари ва лашкарни бошқариш коидалари.

<sup>8</sup> Кули – кўрсатма, йўл-йўрик.

хизматта машғул бўлдилар. Кўчманчилар ўз аслий юртларида кароргоҳ куриб, ўз сувлок ва яйловларини бўлиб олишди. Андак фурсатда замона яна олдинги тартибларга кайтди. Ўша киш ҳар ким ўз юритда кишиломниший килди.

## ЛОЙ ЖАНГИ ҚИССАСИ

Илон йили, янын 766 (1364/65) йил баҳорида мўғул сарҳадидан: «Мўгуллар яна бир бор Мовароунахрни бўйсундиришга қасд қилиб, беадад лашкар билан отланишибди», – деган мишиш гаплар кўпайди. Султони ғозий дарҳол бу хабарни шамолдан ҳам тезрок етказиб амир Ҳусайнга маълум қилди. Амир Ҳусайн тезда Жайхун сувининг нариёғидаги лашкарни тўплаб, Самарқандга келди. Султони ғозий ҳам ўзига таалуқали жами лашкарни амир Ҳусайн етиб келишидан олдинирок тўплаганди. Амир Ҳусайн буйругига кўра. Пўлодбуғо, Зиндаҳашам, Малик Баҳодир ва бошқа бир неча амирлар Султони ғозий билан бирлашиб, манглой бўлиб Акарга келишди. Бир неча кун ушбу ўтлоқда отларни сенмиргириб, сўнгра Ҳўжанд суви (Сайхун)дан ўтишди ва душман лашкари мукобаласида лашкаргоҳ қуриб, ўша жойга кўнишди. Амир Ҳусайн ҳам саноқсиз сипоҳ билан изма-из етиб келди.

Иллесхожанинг кўргуликлари учун интиком олишга қасд килган мўғул лашкари кекчи ва жангталаб эди. Бунинг устига амир Ҳусайн барча амирларга нисбатан ғазабнок бўлинб, уларнинг ҳар бирининг илгариги ҳақ-хуқукларидан бутунлай кўз юниб, кўра-билатуриб унубиб юборганди. Амирлар ҳам ундан кўнгиллари совиб, душман ғалабаси ва ўз мағлубиятларига рози эдилар. Рамазон ойининг биринчи куни Бодом суви бўйида мухорабага ҳозирланиб ва жанговар сафга тизи-либ, мукобил турнишди. Баронғор ғулида амир Ҳусайн ўзи турди ва ўз канбулини<sup>1</sup> Тиланчи Арлотга номзод қилди. Ҳировулда Ўлжойту ва Баҳромни кўйди. Пўлодбуғо, Фарҳод ва Маликни кулга номзод қилди. Жавонғор ғулида Султони ғозий турди ва ўз канбулига амир Сорибуғони кўйди. Амир Жоку, амир Ҳожи Сайфиддин, амир Муайял ва амир Аббосларни хировул тарзида жавонғор чеккасига жўнатди. Шундай килиб, жанговар сафлар олти гулда мустаҳкамланди.

Тўсатдан шамол ва тўфон кўтарилиб, кора булуллар еру осмонни коп-корайтириб юборди ва баҳор сели Нух тўфонини яна бир бор жаҳон ахли ёдига солди. Чунончи, камон чўзмаси ва ўқларнинг пати бутунлай ивиб колди. Жами жониздан умид узиб, хаёт билан видолаша

<sup>1</sup> Канбул – канотлар химояси учун қўйилган кўрикчи бўлинма.

бошладилар. Аксига олиб бу ер шунақа үдикі, андақ ёғингарчиликдан сүңг күтүрган філ ҳам ундан ўтолмасди. Шу пайт тұғон шу қадар авжига чиңдікі, філ жүссали ва шамоллек учқур марқабларнинг<sup>1</sup> бир неча кадам босишігә ҳам мажоллары қолмади. Аксар отлар қурукрок жойда қолиши. Мұғул лашкарининг ҳар бир жангчisi то хужум вактигача ўз жойида капанак<sup>2</sup> кийиб жим туришганди. Ногох, бирвакайнга ёмғирпүш ва капанакларини сиб ташилаб, хужумга ўтишди.

(224) Амир Ҳусайн душманга нисбатан сон жиҳатидан устунликка өзға бўлса ҳам, аммо самовий тақдир ҳукми билан унинг тадбиркорлиги лаг еди. Султони ғозий биринчи ҳамладаёк ёғийнинг ўнг канотини мағлуб этиб, ёғий баронғори ўзаги бўлган Шанкум нўён лашкарини олдига солиб кувди. Даланжика Ширам ва Ҳожим кўмондон бўлган ёғий жавонғори амир Ҳусайн канбулини жойидан кўзғатиши. Лашкарлар тўё қутурган дарёдек ўнгу сўлдан ёпирилдилар. Шер Баҳром амир Ҳусайн ғулида Нўйлобуғо билан бир соатга якин жасорат ва мардоналил кўрсатди. Аммо амир Шамсиддин мўғул ўзини гўёким Бесутун тогидек маҳкам тутиб, ҳануз мухорабага киришмаган зди. Султони ғозий ўн етти жанговар кўшун билан амир Сайфиддин мўғул устига ташланиб, бир ҳамла билан уни жойидан суріб чиқарди.

Амир Ҳусайн бу ҳолни мушоҳада этгач, тагини ботирланиб, ўзининг қочиб кетган аскарларини тўплай бошлади. Амир Ҳожи мўғул баронғорнинг аксар кисмини тор-мор килиб, мағлублар оркасидан роса кувлаб, яна оркасига қайтди. Султони ғозий ларҳол Тобон баҳодир ва Малик баҳодирни амир Ҳусайн олдига юбориб, фикрини очик айтди: «Агар маъқул бўлса, ҳаялламасдан иттифоқликда ҳамла килмок лозим, токим душман батамом даф қилингай». Амир Ҳусайн қаҳрланиб, борғазабини икки баҳодирга сочиб, уларни уриб ҳайдади ва шундай жавоб берди: «Менинг тадбиркорлигим ва сардорлигим Амир Темурни кидан каммидики, унинг насиҳатига кўра иш килсан!» Шу аснода яна деди: «Хоҳ ғолиб, хоҳ мағлуб бўлсангиз ҳам, сизнинг барчангизни битта кўймай ўлдиурман». У бунга қасам ҳам ичди. Ҳар иккала баҳодир ундан ноумид бўлиб қайтиши ва биргаликда Султони ғозий отининг жиловидан олиб, (225) душманга ҳамла килишига кўймадилар. Каттиқ илтимос ва ёлворишлар билан уни жанг майдонидан кайтариши.

Ўша куни икки лашкар жангтохни бутунлай тарқ этгач, тунни баъзилар от устида ўтказиши, баъзилар эса қаттиқ лойгарчилик туфайли,

<sup>1</sup> Марқаб – от, түй каби миниладиган ва юқ ташиладига ҳайвонлар.

<sup>2</sup> Капанак – намат чопон.

<sup>3</sup> Фарбий Әрондаги төғ. Ривоятларга кўра, унинг сибагрида Фарҳод канал қазиган.

каергаки етиб боролган бўлса, ўша жойда қолди. Амир Ҳусайн Султони ғозийни чакириб келиш учун ҳарчанд одам юбормасин, орияти ва ундан ғазаблангани туфайли, эътибор килмади ва (куйидагича) пайғом юборди: «Қўшинн етакчилари ва хос баҳодирлар жонбозлик кўрсатиб, қиличбозликка жилду жаҳд килмоқдалар. Сен эса бунинг эвазига уларни ҳеч бир асоссиз ранжитмоқдасан. Илтифот килиб кўнгилларини олиш ўрнига, ҳар бирига минг бир озор етказмоқдасанки, бугун сенинг ушбу килғилигинг туфайли шунчалик обод бир мамлакат бегона душманга ем бўлиш арафасидадир. Хайриҳоҳлар сўзига эса сен қулоқ солмайсан». Алкисса, ўша тунни шу тариқа ўтказиб, тонг оттириши.

Куёшнинг заррин ойнаси яшил либосли фалак чўнтағидан шуъла соча бошлагач, сафларни қайта тартибга келтириши. Иштиёксиз ҳолда мўғул лашкари устига бостириб боришли. Бугун ҳам амир Шамс мўғул ўз жойида мустаҳкам турди ва муваффакиятга эришиб, зарба етган лашкарнинг барқарорлигини саклаб турди. Узок мудофаадан кеъин баяқбор ҳамла қилиб. Мовароуинаҳр лашкарини тор-мор келтириди. Шеър:

Зи Бижан фузун буд Ҳомон ба зўр,  
Хунар айб гардад, чу баргашт хур.  
(Бижандан Ҳомон ҳарчанд бўлса ҳам зўр,  
Омад кетгач, фазилат бўлур кусур).

Турк амирлари кўч-кўронларини кўтариб, ном ва номусни тупроққа топшириб, шамолдек тез қочиб қолмокни ғанимат билиши. Баъзилари Самарқандга келишди, баъзилари эса то Балхга етгунча тўхташмади.

(226) Амир Ҳусайн Султони ғозийга деди: «Ортиқ бардош беришига мажол қолмади. Хотин, бола-чақаларни Жайхун сувидан нарига ўтказмок лозим. Токим, баяқбор бу мамлакатни тарқ этайлик ва ўз жонимизни куткариш чорасини кўрайлик». Султони ғозий деди: «Номусиз ҳаётнинг қадри йўқдир ва пушаймон билан зое кетган умрни қайтариб бўлмайди. Агар рухсат берсанг, мен Самарқандда қоламан ва лашкарларни тўплаб, яна бир бор мўғул билан жангу жадал қиласман». Гап шунда тўхтади ва у икки-уч кун ичиди ўн икки кўшун лашкар тўплади. Темурхожа ўғлон, Жоварчи ва Аббосни етти кўшун билан манглой қилиб жўнатди ва Самарқандгача боришини гайинлади. Йўлда Жоварчи шаробхўрлик қилди ва қаттиқ маст бўлгач, Довудхожа ва Ҳиндушоҳга деди: «Султони ғозий сизларининг ҳар иккалангизни ўлдиритириш учун амир Ҳусайн олдига юбормоқчи». Улар бу чўпчакка чиндан ишониш-

ди. Ҳар иккаласи биргаликда мўғул лашкарлари қароргохига қочиб кетишиди.

Ҳожибек, Кебак Темур ва Шировул мўғул лашкари манғлойига бош бўлиб келишаётганда, ногоҳ Довудхожа ва Ҳиндушоҳ уларга дуч келиб колишди ва тезда ёйи лашкарини Султони ғозий манғлойи устига бошлиб келишиди. Ёйи жуда якин келиб, ёсол тортишга имкон қолмагани туфайли, Темурхожа ўғлон маглубиятга учраб орқага кайти. Нобон вазият туфайли Султони ғозий ҳам Самарқандда мустаҳкамланиб олишига муваффак бўлолмади. У қочишига қарор килди ва Жайхундан ўтиб, Балҳда ўринашиб олди. Ўша теварак-атроф ва навохийдаги жами лашкарларни тўплагач, Балҳ яйлоқларида кайфу сафо ва хурсандчиликка машғул бўлди. Амир Ҳусайн эса (227) ўзининг жамики турку тожик мудозимлари, навкарлари, хизматкорлари ва яқин кишилари ни кўчириб Шибарту яйлогига элтди. У агар вазият бундан кўра ҳам оғирлашса, Ҳиндистон тарафга бош олиб кетмоққа ўз кўнглида қарор килиб кўйганди.

Иттифокан, мўғуллар эришган ушбу газабадан кейин уларнинг моллари орасида давосиз бир касаллик пайдо бўлди. Ихтиёларидаги ҳар юз отдан тўксонтаси ҳаром қотли ва улар ўз манғлойлари изидан келолмадилар. Шу сабабли ҳам жанг майдони ёнидаги мағзилида туриб колишди. Ҳожибек мўғул, Шер Оҳули ва Кебак Темур то Самарқанд дарвозасигача от кўйиб келишиди. Султони ғозий Аббос...<sup>1</sup> Қаҳалғага етганда мўғул лашкари ҳолатини маълум килди.

## САМАРҚАНД САРБАДОРЛАРИ ҚИССАСИ

Мовароуннаҳр лашкари мўғуллардан мағлуб бўлгач, дилларидаги кўрқувнинг зўридан Мовароуннаҳрни ўз ҳолига ташлаб, (юкорида) зикр килинганидек, Жайхундан кечиб ўтди. Мўғул лашкари стиб келастганлиги ҳакидаги овозалар кучайиб, самарқандиклар вужудини ларзага солди. Жамики хосу ом, оддий одамлар ва аъёнлар ўзаро кенгашмоқ мақсадида жоме масжидига тўпланишиди. Дилларини коплаган кўрқув ва вахима зўридан қўл ва осқлари шалвираб, ожизона зору илтижодан бошка нима киларини билмасдилар. Бухоро зодагонларидан бўлган бир одам илм таҳсили учун Самарқандга келган бўлиб, авом ҳалқ ўртасида бир қадар эътиборга эга эди. Одамларни изтиробли ҳолатда кўргач, у минбарга дадил қадам кўйиб юкори кўтарилиди ва шаҳар акобирлари томонга юзланиб деди: (228) «Олам

<sup>1</sup> Шу жойда матнда сукут бор.

ишларидан хабардор ва сардорлик вазифасини ўз уҳдасига оладиган бир кишисиз ожиз авомнинг иши ўнгланмайди. Айниқса, бугун ҳалойинқ каттиқ ғалаёнга келди. Мамлакатнинг ҳакикий ҳукмдори осоиишта замонда (халқдан) божу хирож йигарди. Бутун кучли душман бостириб келганида эса, бечора раияти бошликсиз колдириб, ўз жонини омон саклашни ихтиёр этди. Шу қадар оғир балолар юзланиб, ҳодисалар ёмғири кулфат тўфонини өргаштириб келган пайтда кофирларнинг мусулмонлардан жузя йигмоклари ва исломнинг исмат уйидаги юзи берк аёлларини чўрилилка ҳайдаб кетмокларига йўл кўймок (бизга) раво эмасдир. Бас, бу борада барча фикр юритмоғи вожибдир. Барча линларда тасликлangan ва олам аҳлига равшанки, жиҳодга отланиб ўзини (ёв) зулмидан ҳалос қилмоқ ва мусулмонлар осоиишталиги учун қайғурмоқ худди беш вакт намоз ўқимоқ ва рамазон ойида рўза тутмок каби фарзdir ҳамда жамики мусулмонларнинг бу ишда мадад кўрсатмоқлари вожиб эрур. Маҳшар куни яратган эгам – Унинг шарафи зиёда бўлсиз – сиз улуғлардан (жиҳод кунидаги) муомала тарзингизни сўраб-сuriштиргусидир. Ҳозир ушбу масжид, яъни Оллоҳ уйида йигилган авом ҳалқ ва аъёнлар орасидан ким бу ҳатарли ишни бажармоққа бел боғлаб, бундек (оғир) синовни ўз зиммасига олади? Кимнинг кўнглида нима гап бўлса айтинг, илло дин иши бундек пайсалга солинишига рози бўлмангиз». У бу хилда оммани таъсирантирадиган ва омма кўнглига етиб борадиган нутқ сўзлагач, авомунинос орасидан баякбор ҳайкирик кўтарилди ва барча унга таҳсинлар ёғдирди. Аммо зодагонлар ва барча улуғлар бу вазифани бажармоқдан ўзларини бутунлай четга тортдилар ва биронтаси ҳам бу ишни ўз зиммасига олмади. Бир неча лаҳзадан сўнг бояги киши белидаги қиличини суғуриб бўйнига кўйди ва авом тарафга юзланиб деди: «Эй мусулмонлар, мен (229) ўзимни сизлар учун фидо қилдим ва бу ҳалокатли улкан ишни ўз зиммамга олдим. Сиз нима дейсиз?»

Авом баравар сурон кўтарди ва яқдиллик билан унинг даъватини кабул этиб, унинг номига қасамёд қилишди. Шундан сўнг у минбардан тушиб, масжид аҳлига имомлик қилди ва шижаот билан барча (қилиниши лозим бўлган) ишларни рўйхатга олиб, тартибга солишга киришди. Одамлар уни бутун борликлари билан шу қадар севишардик, нимаики буюрмасин, ўша ишни бажо келтирмок учун иштиёқ ва рағбат билан жонлари борича тиришардилар.

У кўчабоғларнинг бошига баъзи жойларда ходалар қокиб, баъзи жойларда эса тупрок тортиб ва ғишт териб, кўчабандлар ясашни буюрди ва бу жойларга муҳофизлар кўйди. Ўзи ҳам кечаю кундуз ғоят

хушёр бўлиб, маҳаллалар ва шаҳар атрофини тинимсиз айланар ва ҳеч бир жойда бир неча лаҳздан ортиқ тўхтамасди.

Бу воеадан кейин икки кун ўтгач, ногаҳон чакмок ёғдирувчи булут ёинки галаёнга келган денгиз тўлкинлари янглиғ ўнгу сўлдан мўғул лашкарининг кораси наидо бўлди ва конхўр ғаним ясоли ҳалқаси (гўёки бутун) жаҳонни ўраб олди. Ўша аслзода киши кўчалар бошидаги тўсиклар муҳофизларини ва ҳар мавзега гузаргоҳ ва йўлакларни (кўриксташ учун) тайинланган гуруҳларни ўз жойларидан асло кимирламасликларини буюриб, каттиқ огоҳлантириди. Ҳар ким кайси тарафга тайинланган бўлса, (худи шу жойни) душмандан ҳимоя қилингига жавобгар бўлиб, бошкаларга ёрдамга бормаслиги лозим эди. Шунингдек, колган одамлардан кўмакчи гуруҳлар ва кечка<sup>1</sup> тушиб муайян жойларга кўйди. Ботир йигитлардан бир тўпини шаҳар марказидан бир фарсанг наридаги кўчабоёнлар чекасига элтиб пистирмага кўйди ва то душман улар ёнидан ўтиб кетмагунча, ўқ ва тош отиб ҳамла килишини катъиян такиқлаб кўрсатмалар берди. Ўзи бошка бир тўп билан кўчанинг бошини икки тарафдан тўёди ва ўқларни камонларга жойлаб, душман ҳаракатини кузата бошлидилар.

(230) Мўғул лашкари уларга одат бўлганидек, ғоятда кибр ва димоғдорлик билан илтифотсиз ҳолда жиловни кўйиб, кўчабоёнга кира бошладилар ва пистирма ёнидан ўтиб, Мавлонозода тўсиб турган жойга стиб келишиди. Мавлонозода ёппасига ўқ ва тош ёғдеришни буюрди. Отликлар тожикларнинг довюраклиги ва оддий инёдаларнинг мардоналигидан ҳайратда қолиб, дилни яраловчи ёй ўқлари ва олов каби ёндирувчи тошлардан кочиб, отлар жиловини оркага бура бошладилар. Айни пайтда, кутилмаганда бошка тарафдан пистирмада турган пиёдалар жойларидан кўзалиб, турли жойда (тўсиклардан) сакраб тушиб, кора калтак ва тошотар палахмонлар билан мўғул отликларига шунакаям зарба беришдики, ханузгача Мўгулистонда бу воеани дostonларда ёл этиб, йигинларда эслаб юришади. Бу воеа бўйи уларнинг димоғларига етганда, таажжубдан фигонлари еттинчи осмонга чикади.

Алкисса, мўгуллар баъзилари жароҳатланиб, бир канчаси ҳалок бўлгач, эзилган ва рухи тушган ҳолда кочмокка юз тутдилар. Қўлга тушганлари тилка-пора килинди. Мўгуллар бу ҳолни кўргач, барча ҳаракат ва уринишларидан бир иш чикмаслигини, бу нарса совук темирни босконламоқдек фойдасизлигини англадилар. Турли воситаларни ишга солдилар, бўлмагач, бироз озука ва ҳоказолар сўраб, ялиндилар ҳамки, бирон натижа чикмади. Қаҳру ғазаблари топшиб, ўқ

<sup>1</sup> Кечка – зарур пайтда мададга юбориладиган эҳтиёти кисм.

тегиб яраланган түнгиздек шахар атроф-теварагини айланиб, кетмакет хужум уюштирдилар ва макр-хийла ишлатдилар, аммо максадлари хосил бўлмади. Гоят кўп уринишлардан сўнг, жуда умидсиз ва забун ҳолатда оркаларига қайтдилар ва манзилма-манзил йўл юриб, то ғулга, балки мўгул сарҳадига стгуича тўхтамадилар.

Самаркандликлар Мавлонозоданинг фармони чизигига майлу рагбат билан итоат гарданларини қўйиб, уни ўзларига имом ва амир деб билишили. Шу аснода мўгулларнинг бостириб киргани хабари Султони ғозийга бориб етган эди. Султони ғозий Аббос баходирни бир неча отлик билан вилоятдаги аҳвол ва вазиятни булгомиший<sup>1</sup> қилиб текшириб, маълумот йигиб келиш учун (232) Ҳузор сарҳадларига юборди. Бу тарафдан Мавлонозода манфур душман – мўгул лашкари қайтиб кетгач, бир неча отлиқни маълумот йигиб келиш учун Жайҳун соҳиyllарига жўнатган эди. Бу отликлардан бири Аббос баходирга йўлиқди. Аббос баходир уни ушлаб, Султони ғозий олдига келтирди. Ҳакикий аҳвол бошидан-охиригача яккол ва муфассал равищда унинг сўзларидан маълум бўлгач. Султони ғозий ёв қайтиб кетганидан ғоят шоду хуррам бўлиб, жами хабарларни тартиб билан битиб, шамолдек учкур чавандозни амир Ҳусайн томон жўнатди ва ўзи ҳам отгланиб, унинг изидан йўлга тушди.

Амир Ҳусайн бу воеа тафсилотларидан хабардор бўлгач, Мовароуннахрдаги вазият қанакалиги уни маълум бўлди. Душманнинг мағлубиятидан шодланса-ла, аммо самаркандликлар жасорати, жанг жадалга журъат килгандиклари уни вахимага солиб, оғир ўйга толдирди. Икки-уч кундан сўнг Султони ғозий етиб келди ва мамлакатдаги аҳволни баркарорланишириш ҳамда мустакилликни кўлга киритган сарбадорлар хусусида ўз нуқтаи назарларини бир-бирига айтишиди ва турли тадбирларни ўртага ташладилар. Ниҳоят, сиртлонни форга қамаб ушлагандек, уларнинг барчасини хийла арқони билан банди килемок қарорига келишиди. Маслаҳат шу гап устида тўхтагач, вактни ўтказмай, путфу назокат билан миннатдорчилик сўзларини битиб, чонон, камар, шамшир ҳамда сарбадорларнинг Самаркандга эгалик ҳукуки ва эркинлигини тасдиқлайдиган ёрликни, (улар ўрнатган) тартибларининг даҳл-сизлиги ва (ўзлари) мамлакат аъёнлари, деб (эътироф этилганлигини) номаларда катъяни таъкидлаб, фасихзабон элчилар билан Самаркандга жўнатишиди. Элчилар жўнаб кетгач, амир Ҳусайн Султони ғозийга ўз кўч-кўрони билан Жайҳундан кечиб ўтиб, самаркандликлар ишончини мустаҳкамлаш учун Кеш ва Нахшабда кишиламокни маслаҳат берди.

<sup>1</sup> Булгомиший – разведка.

(232) Бир неча кун Шибарту яйлогида бир-бирларнга зиёфатлар берил, сүнгра бир пайтнинг ўзида бу яйлокдан кўчиб кетишиди. Амир Ҳусайн кишламок учун Солисаройга равона бўлди ва Султони гозий суръат билан йўл босиб, ўз қароргохига келди. У шу куни ёк кўч килиб Кен ва Нахшаб тарафга жўнади ва айланма йўл билан Каршига келди. Бу жойда мудофаа кўрғони бунёд килдирди ва киш тугагунча шу ерда бўлди.

Мавлонозода ва сарбадорлар жамоаси амир Ҳусайн илтифот килиб юборган тухфаю ҳадялар, чопон, камар, шамширларни олишга мушарраф бўлгач, шоду хуррам бўлиб, мўнгуллар одатига кўра тиззаларни букиб таъзим килишиди. Бу муомаладан ўзларича хulosалар килиб, бошлари осмонга етди. Султони гозий Қаршига келганидан хабар топгач, ҳар бир амир учун алоҳида совғалар ҳозирлаб. Султони гозийга жўнатишиди. Сарбадорлар амирлардан буткул хотиржам бўлиши учун, Султони гозий шу кишида бир неча бор Самарқандга вакиллар юборди. У ўзининг кордонлиги билан уларни ғафлат уйқусида шундок ухлатлики, уларнинг ботинида ҳавф туйгуси ва ҳадикдан мутлақо асар ҳам колмади. Ўша кишини шу тарика ўтказишиди.

## АМИР ҲУСАЙННИНГ МОВАРОУННАҲРНИ ҚАЙТА ЭГАЛЛАГАНЛИГИ ҚИССАСИ

Кўй йили, яъни хижрий 767 (1364–1365) йил баҳорида амир Ҳусайн Балх, Бадаҳшон, Қундуз, Ҳатлон, Ҳисори Шодмон, Андҳўй ва Шибирғон лашкарларини тўплаб, Самарқанд таҳти учун юришига отланди. То сткунича бир неча марта (куйидаги) илтифотли сўзларни ўз ичига олган фармойишлар битиб, Самарқанд сарбадорларнiga йўллади: (233) «Мен сизга тўла ишонаман ва сизни жамики амирларимдан кўра ўзимга азиз ва қадрдан деб биламан. То мен ҳумоюн ўрду билан Конигил даштига келиб кўнмагунимча, ҳаргиз менинг истиқболимга чикмангиз». У бечоралар бу хушомадга ишиниб, бу чўпчакка ишонишиди. Амир Ҳусайн эсон-омон Конигил кўруғига келиб тушгач, сарбадорлар шахарлар учун расм бўлганидек, бағоят тақаллуфлар билан истиқболга чикишиди ва остоңбўслик давлатига мушарраф бўлишиди. У кун амир Ҳусайн уларга турли иноятлар кўргузиб, инъом-эхсонлар билан хотиржам килиб, изларига кайтарди. Бундан улар (Ҳусайннинг самимийлигига) тўла ишонч ҳосил килишиди. Бошқа куни биринчи қундагидан ҳам зиёда ҳадялар ва ноёб совғалар ҳозирлаб (шахардан) ташкири чикишиди. Қалес мавзеъига етишганда амир Ҳусайннинг бу йўргугига кўра – у (сарбадорларнинг) ҳар бирига бир одамни бирик-

тириб кўйган эди – уларни ушлаб кўлга олишди ва уларнинг барчасига нисбатан жазо ҳукми амалга оширилди. Худди шесърда айтилганидек:

Шаголероки «Шерак» ном карданд,  
Ба «Шерак», «Шерак» аш дар дом карданд.  
(«Шерхон» деб ном кўйилган шаголни,  
«Шерхон», «Шерхон» лея (чакириб) копқонга туширишди).

Аммо Султони ғозий Мавлонозоданинг (хаётини) сўраб олиб, уни дор тагидан куткариб колди ва (кетишига) ижозат берди.

Шундан кейин амир Ҳусайнининг ишлари юришиб кетди ва мамлакат мухолифлардан тоза ва холи бўлди. Мулкни тартибга солини ва мамлакатни бошкарниш ишлари замон талабига мувофик тарзда йўлга кўйилгандан сўнг бир неча кун ўтгач, разил одамларнинг бадкорлиги туфайли амир Ҳусайнининг Султони ғозийга бўлган муносабати тубдан ўзгара бошлади. Баҳона кидириб топиб, унинг барча (234) тобелари ва якинлари молу мулкини тўла мусодара килиб, солиқчилар кўлига топширди. Султони ғозий ўзи орага тушиб, бутун чоралар билан бу муомалани тўхтатишга интилди. Ҳатто амир Ҳусайнининг синглиси бўлган шарифа хотинининг узук ва исирғаларини ҳам ўша маблағ эвазига берди. Амир Ҳусайн гарчи уларни таниса ҳам, индамади ва кайтариб бермади. Тўланмай колган бир кисм маблағ учун накд пул ёки бирор буюм тополмагач. Султони ғозий уч минг динор эвазига ўз йилкиларини деонинг элтди. Амир Ҳусайн қабул килмасдан, акча талаб килди.

Маблағ етарли микдорда йиғилгандан сўнг, амир Ҳусайн жўнаштаёғи билан кўчиш ногорасини коқишини буюрди ва Ҳатлонга жўнади. Султони ғозий унга мурожаат килиб деди: «Ғаразгўйлар росту ёлғон гапларни ҳазратимга етказиб, оқибатда хотири муборакларига шубҳа уруғини сочурлар. Агар иноят кўргузсангиз, банда улуғ ўрдуға мулозим бўлурман».

Амир Ҳусайн ўзини четга тортиб, Курккуркка жўнади, уни эса Шахрисабзда колдириди. Ушбу воеадан кейин орадан иккι-уч ой ўтгач. Султони ғозий диккинафасликни ёздириш учун ширкор уюштириди ва бағоят катта ов бўлди. Амир Мусо, Али Дарвиш ва Фарҳод кароғунос каби ҳасадгўйлар буни орттириб-бўрттириб, турли тухмату бўхтонларни аралаштириб, амир Ҳусайн қулогига етказишди. Бу орада аксар амирлар бир канча сабабларга кўра амир Ҳусайндан кўнгиллари совиган эди. Улар бир неча бор Султони ғозийни ёғий бўлмокка ундалилар, аммо у қабул килмади. Ўша воеадан сўнг орада шубҳалар пайдо бўлгач, заруратдан ул гурухнинг сўзларига кулок солди.

## СУЛТОН СОХИБҚИРОННИН<sup>1</sup> ИЛК БОР ИСЁН КҮТАРМОГИ ҚИССАСИ

(235) Баҳром жалойир ва Шер Баҳром Ҳатлоний Султони ғозий исёни күтартгани хабаридан вокиф бўлишди. Лашкарларини тўплагач, улар фурсатни ғанимат билишди ва ёгий бўлишди. Бир куни булжор<sup>1</sup> килиб, ишлар юзасидан маслаҳатлашмоқ учун белгиланган бир жойга йигилишиди ва иш асосини қасамёд билан устувор килиб шунга карор килишиди: Шер Баҳром ва Баҳром жалойир бориб, ўз вилоятлари лашкарини гашқария олиб чикиб, бир жойда бирлашишиади. Шер Баҳром Ҳатлонга келгач, аввалига сўзи ва шарғига амал килиб, мудофаа истеҳкоми қуришини буюрди ва лашкарларни тўплай бошлиди. Аммо сўнгрок ишнинг оқибатидан ташвишга тушибди ва бу тадбирдан кўлини ювиб, гуноҳлари учун узр сўрамок максадида амир Ҳусайн ҳузурига борди ва афв марҳамати билан сарафroz бўлди. Баҳром жалойир ҳам Ҳўжандга келгач, ғоят бадгумон одам бўлганидан на амир Ҳусайн олдига борицига журъат килолди ва на вилоятда колишга жасорати етди. Ўзига ҳамжиҳат деб билган бир гурух одам билан мўгул томонига отланиб, тарки ватан килди.

Султони ғозий улар ўз ваъдасига вафо килемаганини кўргач, таваккал килиб отта минди ва ясовурийлар элинни забт килишига жўнади. Унга ҳамроҳ бўлган гуруҷдан амир Сулаймон ва амир Жоварчи ундан юз ўгириб, амир Ҳусайн олдига кетишиди. Аммо Султони ғозий ясовурийларин забт килиб, Самарқандга келди. Амир Ҳиндукани укаси билан Самарқандда доруга қилиб колдириб, Ўлжой Туркон ого касалга чалингани туфайли ўзи Шахрисабзга келди. Ўлжой Туркон ого Ҳакк раҳматига (236) етишган эди. Султони ғозий таъзиядан сўнг Ҳожи Сайфиддинни манғлой килиб Қаҳалғага юборди. У тарафдан Малик Баҳодир орада воситачи бўлиб, Султони ғозийни амир Ҳусайн билан сулҳ тузмокка ундумок максадида келганди. Сўнгрок Абдулхожа ҳам унга етиб олди.

Ҳожи Сайфиддин унга зиён-захмат етказмай, Амир Темур тарафга жўнатди. Амир Жоку ва Аббос баҳодир уларни банди қилишини ёкладилар. Султони ғозий эътироз билдириб, бунга йўл кўймади. У яхши жавоблар айтиб, бисёр иззат-хурматлардан сўнг уларни кайтариб жўнатди ва ўзи Шахрисабзга келди. Амир Ҳусайн аҳднома битиб, Хизр ҳазиначини Қуръон билан Султони ғозийни чакириб келиш учун юборди ва унга ўз карорини билдири: У ўзи билан юз нафар олиб,

<sup>1</sup> Булжор – кўшин йигилиши учун белгиланган жой ва вакт.

колган лашкарини Чагонада колдириб, Чакчак дарасига келади. Амир сохибқирон ўз лашкарини Хузорда колдириб, юз кини билан унга пешвоз чикади ва узокдан мулокот килиб, эски аҳдларни яна бир бор янгитдан тасдиклаб, сүнгра кайтиб кетишади. Султон ул мактуб ва аҳдномага эътимод килмади. Унинг замирида бирон хийла борлигини билганидан мулокотга рағбат килмади.

Бошка амирлар бу холни эҳтимолдан узок санаб, мулокот амалга ошиб, фитна ва низо пардаси орадан кўтарилимоғини бир овоздан маъқулладилар. Султони ғозий ул ходиса юз бериши эҳтимоли бўлсада, уч юз ишончли суворийни олиб Хузордан отланиб чиқди ва ул уч юз кишидан икки юз нафарини Дехинав кишлоғида пистирмада қўйиб, ўзи юз киши билан ажралмокчи бўлди. Шу хол асносида амир Ҳусайн Шер Баҳромни катл килган эди ва йўл бўйида Султони ғозийни пойлаб турганди. Амир Темурнинг ғуломларидан бири ушбу ходиса юз берагетган пайтда ҳозир эди. У тезлик билан у ердан кочди ва Дехинавга келиб, Султони ғозийнинг якинларига (237) бу ҳақда сўзлаб берди. Улар нодонлик килиб, унинг гапига эътибор беришмади ва дейишди: «Биз ёмонлик олови ўчинн дея, ўлиб-тирилиб ишни шунчаликка стказдик. Бу учкун эса янгитдан шунаканги бир алангани гуриллатиб юборадики, у бутун жаҳонга тулашиб кетур». У бечора ҳам сўз ўрин эмаслигини кўргач, «сукут саклаган најот топар», деганиларидек жим бўлди. Ўша тун хеч бир хушёрлик ва эҳтиёт чораларини кўрмасдан ухлашди. Амир Ҳусайн бир кисм лашкар билан шабгири килиб, жуда якин келиб колди. Султони ғозий ҳаммадан бурун отга минди ва ўз лашкарини Ҳарам дарасидан ўтказиб, ўзи оркадан бакламишний<sup>1</sup> килиб ташкари чиқди ва ёйи лашкаридан кочиб, уғруқ<sup>2</sup> томон йўл олди. Уғруқдаги лашкар бутунлай тўзғиб кетган ва бу жойда бирон жонзод кўринмаеди. Султони ғозий стиб келгач, уғруқда хеч ким колмаганини кўрди. Ҳайрон колиб амирлардан бу хусусда маслаҳат сўралди. Баъзилар Ҳуросон тарафга кетишни маъқулласалар, колганлар бирлашиб Мўғулистоңига бош олиб кетишни ёқладилар. Алкисса, Ҳуросонга жўнаш фикрида тўхталишди.

Моҳонга етгач, вазиятни текшириш учун бир неча одамни Ҳирот ва Калотга жўнатди ва то улар кайтиб келгунича, карийб етмиш беш кун ушбу навохийда истикомат килди. Ушбу муддат мобайнида ўзларини

<sup>1</sup> Бакламишний – бу ҳарбий атама «кўрикламоқ», ёжани билан чекиммоқ» маъноларидадир.

<sup>2</sup> Уғруқ – лашкарнинг чодирлар, аравалар ва захиралар жойлашган орти кисми; обоз. Одатда, лашкарга ҳамроҳ бўлган аёллар ва болалар ҳам нисбатан бехатар жой бўлган уғруқда бўлишган.

ошкор килмаслик учун Хурсондан чикаётган ва кираётгандарни ўз олдиларида тўхтатиб туриши. Вилоятларга жўнатилганилар кайтиб келгач, Султони гозий, гўёким, ўзининг Ҳиротга отлангани тўғрисида овозда гаркатди. Карвонларга ушбу овозани тарқатиш шарти билан йўлга чикишга ижозат этиб, ўзи Қарши ва Нахшаб тарафга равона бўлди. (238) Ул навохий лашкарларини тўпшагандан сўнг Маймургга келли. Бу кентдан жўнаб кетмок фикринга тушди. Иттифоқан, Бурдолик якинида амир Мусо кариб олти минг киши билан лашкаргоҳ куриб турган эди. Малик Баҳодир ҳам кариб тўрт-беш минг одам билан ўша атрофга келиб тушган эди. Султони гозий амирлардан сўради: «Ярокимиз недур? Бу икки лашкар ўртасидан кай тарика ўтиб кетамиз?» Аббос Баҳодир ва амир Жоку ўз ихтиёрларидаги уч юз киши билан амир Мусо устига шабихун<sup>1</sup> килмокни ярок билишди. Султони гозий маъқул кўрмади ва лашкарга оралиқда жой тайинлаб, ўзи Қарши ҳисорини кай тарзда кўлга киритиш мумкинлигини текшириб кўриш учун кетди ва навкарлардан Мубашшир ва Абдуллани ўзи билан бирга олди. Оддин дарвозага етли ва (шаҳарга) сув кирадиган жойни кўрди. Султони гозий ўзи тушиб у жойдан ўтди ва нарвон кўйиладиган жойларни белгилаб оркага кайтди.

Ўша кечаси лашкарни ҳисор атрофига келтирди ва баҳодирларга хурсонликлар одатига кўра, бошларига катта саллалар ўраб олишни буюрди. Улар нарвонлардан кўргон тепасига кўтарилиб, тилларини Хурсон аҳолисига таклид килиб ўзгартириб, тўрт тарафдан баяқбор сурон кўтаринди. Амир Мусонинг хотини Орзу Малик оғо ўғли Мухаммадбек билан ўз ўринларida ухлаб ётишганди. Бояги ҳайқириклар вахимасидан саросимага тушиб, жойларидан туриб кетишиди. Бошка тарафдан Дарвиш Юка қалъя дарвазасини чўкмор билан уриб синдириб, бир гурух амирлар билан бостириб кирди. Қалъя муҳофизлари бўшашиб колиб, барчаси асирга тушди. Султони гозий Мухаммадбекни тунда кочириб юбормокни максадга мувофик деб билди. (239) У бориб қалъя фатҳ килингани хабарини етказса, эҳтимолки, амир Мусо лашкари тўзгигб кетар. Худди шундай килишди.

Амир Мусо ўша кеча ул нохуш хабарни эшишса-да, бирон хатоликка йўл кўймади. Ўша заҳоти Маликни чакириш учун чопар юборди ва тонг сахарда бир-бирлари билан бирлашиб, иттифоқликда Қаршини муҳосара кilmok учун юрдилар ва шаҳарни камал қилишди. Султони гозий кўргон деворини кисмларга бўлди ва ҳар бир одамни бирон буржга тайинлали. Бир дарвозани амир Сорибуғого топниирли ва

<sup>1</sup> Шабихун –тунги ногаҳоний хужум.

бонка дарвозаларга амир Довуд, амир Муайяд ва Ҳожи Сайфиддинни номзод килди. Амир Ҳусайн<sup>1</sup>, Аббос баҳодир ва Оқбуғо баҳодирни уларга ёрдамчи килиб кўйди. Амир Муайяд лашкар якин келганини кўргач, ўттиз отлиқ билан ҳамла килиб, уларнинг олтминигта отини тортиб олиб орқага қайтди. Дурка баҳодир хам уларга аралашиб қальғага кирди ва (Султони ғозийга) пойбўслик килиши шарафига мушарраф бўлди. У амир Мусонинг аҳвол ва вазиятини батафсил сўзлаб берди. Султони ғозий ўзи ташкари чикиб, ёвға ҳамла килмокчи бўлди. Ҳожи Сайфиддин таквим далилини рўкач килиб, уни бу ниятидан кайтарди ва деди: «Эртага чошгоҳ пайти, албатта зафар бизга ёр бўлмоғига таквим далолат бермоқда». Коронги тушгач, Тазарчи баҳодир иккى юз кишин билан бошлари устида чапар<sup>2</sup> ушлаб ҳандакка якинлашишди ва шу ерга жойлашиб олишди. Тонг отгач. Оқтемур баҳодир ва Элчибуғо баҳодир эзлик киши билан дарвозадан ташкарига чопиб чикиб ҳамла килидилар. Уларнинг оркасидан йигирма отлик кечка тарикасида ташкари чикишди ва биргаликда Тазарчини кувиб юборишиди. Амир Мусо ўз курони<sup>3</sup> теварагига ҳандак каздирган эди. Қочоклар ғоят шошганларидан ҳандакга (240) йикилиб тушишди. Амир Мусо Султони ғозий лашкари уларни назар-писанд килмай якин келганини кўриб ва уларни ҳеч бир чора билан даф этолмаслигига кўзи стиб, ўзича куронда мустаҳкамланиб олмокчи бўлди. Аммо бунга мұяссар бўлолмади. Лашкари бўлакларга бўлинниб тарқаб кетди. Ўзи ҳам жиловни буриб, саҳро томонга юзланди ва кочиб кетди. Ҳатто ўз руҳининг бир бўллаги бўлган Орзу Малик оғога ётибор килмади. Лашкар уларнинг чодирларига ёпирилиб, талон-торожга машғул бўлди. Малик баҳодир уни (Орзу Малик оғони) отта миндириб, ўзи билан олиб кетди. Султони ғозий ўзи то Кизилтоккача мағлубларнинг оркасидан борди. Бу ердан амир Жоку ва Ҳожи Сайфиддинни уларни янкамишний<sup>4</sup> қилишга юбориб, ўзи орқага қайтди. Улар то Чакчак дарасигача қочокларининг изидан боришиди ва жалойир қавмидан бўлган дурбон ҳазорасини кайтариб олиб келишиди.

Ўша киши Қаршини кишлок килиб, унда икомат этишиди. Султони ғозий Маҳмудшоҳга Бухорога боришга рухсат берди ва Бухоронинг де-

<sup>1</sup> Амир Ҳусайн – барлос қабиласидан бўлган бу амир Қазагоннинг набираси, яъни Амир Гемурнинг кайнағасидан бошка шахслидир.

<sup>2</sup> Чапар – камал пайтида ишлатиладиган катта калкон. Баъзан чапарлар бир-бiriга боғланниб, душман ўқ ва тошларидан химоя киладиган тўсик хам ясалганки, ушбу тўсик маъносида хам кўзланилади.

<sup>3</sup> Курон – кароргоҳ, кўр.

<sup>4</sup> Янкамишний – бу ҳарбий атама лугат ва тадқикотлардан топилмади. «Ёнгамишний» тарзидан ўқилиши хам мумкин.

воний молини солик сифатида олиб келишини тайинлади. Некпайлох Омуйи Хуресонда эди. Уни хам чакиртириб, Омуюни унга мусаллам килди. Махмудшох Бухорода ясовурийларни ўз атрофига түплаб олди ва Султони ғозий уни харчанд чакирмасин, Бухоронинг метин-мустаҳкамлиги ва ясовурийларнинг вальдаларига ётимод килиб келмади. Кини ўргасида амир Ҳусайн яна бир бор амир Мусо ва амир Ўлжойтуни катта лашкар билан Амир сохибкирон касдида жўнатди. Улар келиб Чакчак дараси ва Каҳалға орасидаги юртни ярок билиб, шу срга кўнишили. Улар Амир сохибкирон якинига етишиди. (241) У икки юз киши билан отланиб Қаршидан чикди ва шабихун кильмок ниятида уларнинг якин атрофига пистирмалар куриб, кеч киришини пойлаб турди. Тил ушлаб келишга кетган баҳодирлар ёғий лашкаридан ий-гирма кишини банди қилиб келтиришли. Улар шундай дейишди: «Шу кеча амир Мусо Чакчак дарасидан ўтди ва Чакад ўлангга келди». Султони ғозий шабихун мавриди эмаслигини англади. Ўша тунни бояги жойда тинч ўтказишли. Тонг отиб куёш нур соча бошлагач, ҳар икки тараф коровуллари бир-бирларини яккол кўришиди. Султони ғозий коровулгоҳга келиб, мӯғуллар одагига кўра сурон солиб, яна ўз жойига қайтди. Мухолиф лашкари ҳам сурон кўтариб, ўша манзилга келиб тушди.

Султони ғозий Қаршидан воз кечиб, Бухорога йўл олди. Махмудшох Бухорий ва Али Ясовурий унинг истикболига чикишиди ва биргаликда Бухоро шаҳрига киришли. Махмудшох ва Султони ғозий Бухоро кальясини мустаҳкамлаб, унда ўринашиб олини фикрида эдилар. Аммо амир Жоқу илгариги шайтана Махмудшох Бухорийни яланғоч қилиб ечинтириб, боғлаб калтаклагани ва унга турили азиятлар етказгани сабабидан, ўшаларни ўйлаб, Султони ғозийнинг Бухорода колишини истамади. Ҳарчанд Амирни Хуресон тарафга юришига ундаса ҳам, уни кўнлиролмали. Жуда кўп уринишлардан сўнг Аббос баҳодир ва Ҳожи Сайфиддинин йўлдан урди ва биргаликда Султони ғозидан бемаслаҳат Хуресонга жўнаб кетдилар.

Амир Мусо ва амир Ўлжойту лашкарлар билан Бухоро устига келишиди. Султони ғозий Махмудшох ва Али Ясовурийга деди: «Менинг фикримча, (242) узокдан улар устига шабихун килишимиз керао». Улар ижтиоб қилиб дейишди: «Агар шаҳарга якин келмай жанг қилишиса, шабихун маъқул эмасдир». Султони ғозий уларнинг шабихун килишдан кўркишаётганини кўрди. Ўзича шундай холоса килди: «Булар ҳеч бир маслаҳатга қулоқ солишмайди ва кўзларидан ҳеч кандай иш келмайди». Улардан ажралиб Хуресонга жўнади. Жайхун бўйига етгач, ўнта

кемани күлгэ киритди ва Жайхундан кечиб ўтиб. Мохонда амир Жоку ва мулозимлари билан бирлашди.

Шундан сүнг амир Мусо ва амир Ўлжойту Бухорога жипс етиб келишди. Махмудшох ниёдалари ботирларча ташқари чикиб, то Шайхин олам маркадигача пешвөз юришди. Отликлар пиёдаларни янада олдинрокка тортиш учун удрутмиший<sup>2</sup> килиб, озгина оркага чекинишиди. Пиёдалар уларнин отликлари кочаянти, деб хаёл килишиди. Ҷаякбор кий-чув күтариб, олиюлар оркасидан югуришли. Деворлар орасидаги күчабоғлардан сал узоқлашиб ташқари чикишгач, ёв суворийлари жиловни кўйиб юбориб, тўрт томондан улар устига от чоптиришиди. Бечора ниёдалар харчанд харакат килишмасин. боғларга етиб боришолмади. Уларнинг аксари от гүёклари остида нобул бўлишиди. Чунончи, ҳар ўн кишидан иккитасигина дарвозадан киришига муваффак бўлганди. Махмудшох ва Али Ясовурий бу ҳолни кўргач, бир иш чикармок умидида харчанд таҳдид килишдиямки, фойдаси бўлмади. Умидсиз ҳолатда ихтиёларидағи бир неча отлик билан бошка дарвозадан ташқари чикиб, Мохон гарафга жўнашиди.

Амир Мусо ва амир Ўлжойту ҳировуллари то Жайхун бўйигача уларнинг оркасидан кувиб, аксар суворийларини отдан уриб йинкитишиди. Улар иккаласи отда ва қолган-кутган (243) навкарлари пиёда на ўлик ва на тирик бир ахволда, минг бир ҳийла билан Мохонга етиб келишиди. Султони ғозий хеч нарсани уларнинг юзинга солмади ва уларнинг иззат-хурматини илгаригидан ҳам кўпроқ ўрнига кўйиб, бисёр навозишлар килди. Шундан сүнг Жайхун бўйидаги камишзорларга ўт кўйишни буюрди. Яшил камишоқ ўсиб чиққач, отларини бокиб семиртиришиди. Султони ғозий буйруғига кўра Жайхун соҳилига ўрнашган Некпайшоҳ итоатсизлик кўргузуб, Мохон йўлидан келган-кетганларни ушлай бошлади. Ҳатто Султони ғозийнинг Шаҳрисабздан Мохонга келаётган бир неча павкарини йўлда кўлга олиб хибс килди. Бу хабар Султони ғозий кулоғига етгач, унинг касдида отланди. Жайхун суви кўпайганига қарамай, сувга кириб кариб беш юз киши билан кечиб ўтди ва шабгири килишиди. Тонг отгач, тўрт тарафдан Некпайшоҳ уйига ёнирилди-лар. Некпайшоҳ дархол ўкни камонга кўйиб, Хитой баҳодирнинг калқонига каратиб шунчалик зарб билан отдики, ўқ калқонини тешиб ўтиб, унинг елкасидан бир карич нари чиқди. Унинг тиран-

<sup>1</sup> Шайхи олам – «олам шайхи» – XIII асрда яшаб ўтган ва қабри Бухорода бўлган шайх Сайфиддин Бохарзий.

<sup>2</sup> Удрутмиший (бошка шакли урдутмиший) – ҳийла билан ёлғондакам чекиниш.

дозлик маҳорати бутун Чигатой улусига<sup>1</sup> маълум ва машхур эди. Унинг ахволида бадбаҳтилик хукмрон бўлгани учун, биринчи ўқ отишидаёқ камонининг ини узилиб колди. Дурка баҳодир ва Хитой баҳодир чопиб кириб, уни кўлга олиб ташкари чикаришди. Султони гозий қароунос лашкари ҳануз Бухоро навоҳийсини талон-торож килинга машғул экани хабарини эшилди. Энчил суворийларни танлаб олиб, улар устига шабгир<sup>2</sup> килди ва ораларига ғулула солиб, коровулларидан бир канчасини ўлдирди. Сўнгра Моҳон тарафга кайтди ва йўлда Некнайшоҳни ёсокка етказди<sup>3</sup>.

(244) Моҳонга келиб тушгач, амир Жокуни Ҳиротга малик Ҳусайн Курт олдига юборди. Малик Ҳусайн бисёр хушомадлар килиб ва кўпдан-кўп ваъдалар берниб, амир Жокуни изига кайтариб юборди. Ҳирот маликларининг эскидан бир одати бор эди. Чунончи, амир Чўпон ва амир Наврўзий кабиларни кўлга олиб, душманлари кўлига топширишганди. Шу сабабли Султони гозий эҳтиёт бўлиб, ўзи бормасдан амирзода Жаҳонгирни амир Муборакшоҳ Санжарий билан малик Ҳусайн олдига жўнатди ва ундан аҳлу аёл ва болаларини ўз адли химоясига олишини илтимос килди. Ўзи имкон кадар юкори суръат билан Жайхундан ўтиб, шабгир килиб йўл босиб, олти юз киши билан эрталаб Қарши дарвозасини очишганда шаҳарга кириб олди. Аножоғ Куда кароунос қавмининг бир гурух таникли одамлари билан Нуктадан икки фарсанг масоғага келиб тушган бўлиб, геварак-атрофдан улар ёнинг лашкарлар тўпланаётганди. Султони гозий улар каслила Қаршидан отланиб чиқди ва шабгир килиб от чопгириб, тонг пайти Нуктага келиб, бу срда муҳолиф лашкари сон жихатдан устунлигидан хабар топди. Оқбуғо баҳолир ва Шайхали баҳодирни олтмиш киши билан коровул тарзида жўнатди ва ўзи ғул тарзида орқадан юрли. Қарши томондан кароунос лашкаридан уч юз отлик Ҳиндушоҳ бошлилигига келаётган эди, ногоҳ йўлда бояги олтмиш кишига дуч келишди. Каттик олишув бошланли, чунончи, уч юз ёғий жангчиси кескир киличлар зарбига бир лаҳза ҳам бардош беролмасдан, баяқбор жиловни тортиб кочишиди ва ўз ғулига стгунча тўхташмади.

<sup>1</sup> Чигатой улуси – Чингизхоннинг иккичи ўғли Чигатой ва унине авлоди идора килган улус. XIV аср ўрталарида Чигатой улуси икки кисмга – Мўғулистан ва Мовароуннахрга бўлиниб кетган. Улус ахолиси асосан туркийлар бўлиб, уларни бошка туркий халқлардан фарқлаш учун чигатой турклари ёки киска килиб чигатойлар деб аташган.

<sup>2</sup> Ёсокка етказмок – катл кильмок, чўб ясоккилмок – калтакламок маъносиладири.

Султони гозий ўзининг олти юз кишисидан етти кўшун тузди. Амир Довуд, амир Сорибуго, амир Хусайн (барлос), Ҳожи Сайфиддин, Аббос (245) баҳодир. Оқбуғо баҳодир, Элчи баҳодир. Дурка баҳодир, Шайхали баҳодир. Жувайн, Али Ясовурий ва Маҳмудшоҳ Бухорий каби жами амирларни ушибу кўшунларда кўйди. Ўзи коровул билан олдинга жўнади ва жанг бошлангудай бўлса, жами учта кўшунга бўлиннишни тайинлади. Шу тарзда ёсол тортиб йўлга тушиди. Душманга жине этиб боришганида Мавлоно Бадриддин ва ўғли орқага кайтиб кочиб кетишиди. Бошка томондан Али Ясовурий ҳам икки навкари билан кочишига юzlанишиди. Мавлоно Бадриддин оркасига ўгирилиб, учта отлик шигоб билан елиб келаётганини кўрди. У: «булар менинг касдимда келаётирлар», деб хаёл килди.

Султони гозий таваккал қилиб кароунос лашкарига яқинлашгач, ҳали хужум бошланмасдан туриб, кароунослар йўлдан бурилиб коча бошладилар. Уларнинг аксар сардорларини, ҳатто илгари Султони гозий билан дўстлик алоқаси бўлган Ўлжойту Тархон ва Булод кабилаларни ҳам жангчилар кўлга олгач, танимасдан ўлдиришиди. Султони гозий тўхтамасдан олға юришига карор килди. Агар ўтру келса, у амир Хусайннинг ғулига зарба бермокчи эди. Амирлар маъкул кўрмай, моне бўлишиди. Султони гозий у ердан кайтди ва ул навоий лашкарини тўпшаб, Самарқандга отланди.

Шаҳар атрофига яқинлашгач, амир Хусайн номидан бу ерда турган Учкаро баҳодир ёсол тортиб ташқарини чисти ва Обираҳмат деб атала-диган мавзъеда бир-бирларига дуч келишиди. Оқтемур баҳодир унинг орка тарафидан келиб қилич солди. Қилич Учкаронинг садогига тегиб, уни тамом чопиб ташлади. Учкаро баҳодир жиловни тортиб, Оқтемур қиличига карши зарба берди. Чунончи, унинг отиппинг боши (246) танидан бутунлай жудо бўлди. Оқтемур баҳодир йикилиб тушди ва Учкаро ўз одамлари билан ҳалос топиб, шаҳар томон юzlанишиди. Фоят шошилиб, осғини қўлига олиб чопгандаридан нариги чеккаси тўсиб кўйилган кўчага кириб қолишиди. Фурсат зиклиги туфайли Учкаро отликлари орқага қайтиб, бошка йўлга тушмокка улгуролмасдилар. Бирин-кетин отдан тушиб, отларни стаклаб ёриқдан олиб ўтишиди. Чунончи, ўз отларининг эгарлари кошини синдириб, минг азобу укубаг билан шаҳарга киришиди. Узок умр кўрган кариялар айтишича, анча муддатгача ўша махалла аҳолиси ўз уйларида эгар синикларини ёкишган. Ҳаким Ота<sup>1</sup> қаддасаллоҳу сирраҳу бундан икки юз йил бурун ушбу воеадан хабар берган эди ва ўша йили у солир бўлди.

<sup>1</sup> Ҳаким Ота – Аҳмад Яссавийнинг шогирди Сулаимон Бокирғонийнинг лакаби.

Султони ғозий у ердан Соғарж ва Сарипулга жўнаб кетди ва лашкар йиғмокка машгул бўлди. Ногоҳ амир Ўлжойту ва Пўлодбуғо катта лашкар билан етиб келаётгани маълум бўлди. Султони ғозий улар келганидан ҳайратга тушганида, ногоҳ Султони ғозийнинг зархари-ди<sup>1</sup> Тузакнинг иниси Тағойшоҳ кочиб келиб, куйидагиларни айтиб берди: «Манглой лашкарни а амир Ўлжойту ва Пўлодбуғо бош бўлиб келишган ва кечаси сездирмасдан келиш учун шу якинда пистирма куришган. Амир Ҳусайн ўзи бошка амирлар ва қолган лашкар билан гул ясаб изма-из келмоқда. Амир Мусо ва Учкарога эса йўлларни тўсишни тайинлашган». Султони ғозий вазиятдан вokiф бўлгач, таркок ва ёрдамчи лашкарларни таркол килиб, ўзи қўл остидаги олти юз содик жангчи билан Самарқандга отланди ва маҳаллалар этагидан шабгири қилиб ўтиб, Туркистонга жўнади. Йўлни тўсиб турган Учкаро муқобилга чиқиб жанг бошлиди. Султони ғозий баҳодирлари (247) ваҳшат билан ҳамла қилиб, Учкарони то маҳаллаларга довур кувиб боришиди. Сўнгра яна йўлга тушиб, ғоят юкори суръат билан юрдилар.

Иттифокан, худди шу вактларда Баҳром жалойир Мўғалистондан карийб стти минг суворий келтириб, Сайрам ва Тошкандда турганди. Султони ғозий уларга бориб бирлашди. Баҳром жалойир мўғул подшоҳидан ёрлик келтириб. Туркистонни ўз қўлини киритиб олганди. Ўша аснода у Султони ғозийнинг ҳол-аҳволига умуман эътибор бермади ва молу мулк ва улуфадан ҳеч нарса узатмади. Бунинг устига Султони ғозийнинг зархарид кишлокларини ҳам унга бермади. Султони ғозий унга деди: «Икки марта сен туфайли ўз хонумонимни хароб қилиб, подшоҳ ва амир Ҳусайнга ёгий бўлдим. Сен сабабли шу пайтгача сарсон-саргардонликда юрибман. Бугун ушбулар туфайли сенинг уйингта йўлим тушганда, сен ўзингни шундай тутмокдасанки, гўё бутун дунё сенинг мулкинг бўлгану, сен жаҳонни тақдир мудаббир (соҳибтадбир)ларидан байлашиб олгандай. Шу якин йилар ичилда Ҳудойи таоло сени менинг уйимда хор қилишидан умидворман». Шуларни айтгач, этак силкиб амир Кайхисрав уйига кетди. Амир Кайхисрав Султони ғозийга тўй килиб, хаддан зиёд таъзим ва куллуклар бажо келтириди. Ушбу тўйда куда-андачилик тарикини мустаҳкамлаб, Руқия хоникани амирзода Жаҳонгирга номзод килишди.

<sup>1</sup> Зархарил – пулга сотиб олинган кул ё бошка мулклар.

## СУЛТОН СОХИБҚИРОШИНГ АМИР ҲУСАЙН МАНГЛОЙИ БИЛАН ЖАПГ ҚИЛГАНИ ҚИССАСИ

Шу аснода амир Мусо, амир Ўлжойту ва Шайх Мухаммад Баён бошчиллигига и кароунос лашкари манғлойи – қарийб йигирма минг отлик Мулунгтүр суви бўйинга келиб тушди. Малик баҳодирни уч минг суворий билан Сўзангаронга (248) йўлни кўриклашга жўнатишди. Жаҳоншоҳ бир ярим минг отлик билан Работи Малиқда ўрнашди. Хирман баҳодир минг киши билан Дизакда йўлни тўсиб кўйди. Ул лашкар овозаси Туркистонда тарқалгач, Султони ғозий Баҳром жалойир ва Кайхисравин улар муқобаласига чикиб жанг килмокқа тарғиб эта бошлиди. Баҳром жалойир рағбат килмади. Султони ғозий амир Кайхисрав билан иттифок бўлиб, мўғул лашкаридан икки минг кишини отлантириб, ўzlари билан олиб уларга пешвуз юришди.

Султони ғозий беш юз отликни танлаб олиб, колгандарини амир Кайхисравга колдириб, ўзи илғор билан шошилиб йўлга тушди ва Ховосдан шабгир қилиб, тонг пайти Жаҳоншоҳ устига ташланди. Уларни тор-мор келтириб. Дизакка жўнали. Йўл-йўлакай бир ҳамла билан Хирман баҳодирни ҳам мағлуб этди. У ердан икки юз кишини илғор килиб, Малик баҳодир касдида мисли кўрилмаган суръат билан йўл босди. Уларга жисп ҳолда яқинлашгач, бир юз етмиш кишини колдириб, ўзи ўтгиз отлик билан бахту икбол ҳамроҳлигига жиловни кўйиб юбориб олга юрди. Малик баҳодир коровуллари узокдан ўтгиз суворийнинг корасини кўргач, ўша лаҳзада булғомиший килиш учун хар тарафга от чоптиришди. Оркадаги бир юз етмиш суворийнинг корасини ҳам кўришиди. Ўзларича мулоҳаза килишиди: «Албатта, шу қадар кичкина лашкар катта ғулнинг мададисиз бунчалик жасурлик билан келолмайди. Мўғул гули стиб келмасдан олдин, мавзеъни ўзгартириб, ўз ғамимизни емок вожибидир».

Дарҳол орқага кайтишиди ва Малик баҳодирни мўғул лашкари стиб келганидан хабардор килишди. Малик бу хабарни имкон қадар тезлик билан амир Ҳусайнга маълум килиб, ўзи ҳам тўхтамасдан, эсанкириб орқага кайтиди.

(249) Султони ғозий Дизакда колган амир Кайхисрав ва икки минг отлик мўғулдан иборат гул изма-из етиб келишар, деган умидда у ерда тўхтаб турди. Мўғуллар ўзлари кароунос лашкаридан чўчиб, Дизакдан кайтиб кетишганди. Каергаки етсалар, ўша жойни харобу горат ва одамларини банди килишарди. Султони ғозий бу ҳолдан огоҳ бўлгач, тезлик билан орқага кайтиб. Кайхисрав билан бирлашди. Кайхисрав

мусулмонлар ахволи харобалыгыдан, мұғулдарнинг бу вилоятни истило ва ахолисини банди күштешкінің хамда улар ўтган жойда бүлгап гораттарлықтардан отыр ўйга чўмиб, маҳшар кунин бўладиган сўроқдан ташвишга тушди. Бу хусуседа Султони ғозийдан маслаҳат сўради. Султони ғозий унга деди: «Мен бу борада катъий бир фикрга келганиман ва айни шу лаҳзада унинг натижаси зохир бўлғусидир». Дарҳол олтмиш суворнини отлантириб, уларга Самарканд йўли атрофидан мўғул чопкинчилари ўргасига ботирларча от солиб киришини ва кароунос лашкари етиб келгани ҳакида овоза тарқатишни буюрди. Мўғул лашкари бу хикояни эшиитиши биланоқ, мусулмонлардан кўлинин тортиб, ўлжа ва асиirlарни ташлаб, ўзларини куткариб колмокни ғанимат билishi. Султони ғозий у ердан Хамракка келди ва амир Кайхисрав билан биргаликда бу ерда икомат килди.

## АМИР ҲУСАЙННИНГ ЎЗИ СУЛТОН СОХИБҚИРОН КАСДИДА ОТЛАНГАНИ КИССАСИ

Кароунос лашкари илғори амирлари мўғул лашкари овозасини эшитиши биланоқ. Султони ғозий сипоҳидин мағлуб бўлиб кайтгач, амир Ҳусайн уларга роса таъна килиб, гоят қаҳрланганидан ўзи отланиб йўлга туши. Оқкўталга якин етгач, ўнг минг отликни манглой килиб ажратиб. (250) уларга Ҳўжанд сувидан ўтиб, йўллар бошларини эгаллаб олмокни буюрди. Ҳуфтон пайти бу хабар Султони ғозийга етди. Ҳаво гоят совук бўлиб, кор бўралаб бўрон бошланганига қарамай, Султони ғозий ва амир Кайхисрав бен юз отлик аскар билан отланиб, кок ярим кечада ларё кечувларини эгаллаб туриши. Кароунослар уларнинг бурғуси садосини эшиитгач, олдинги гал овозанинг ўзиданок тўзниб кетишганидек, бу гал ҳам бурғу овозидан тумтаракай бўлиб кочиши. Шундай кечада амирларни амирлардан берухсат мўғулларга бош бўлиб Сайрамга юрди. Амирлар ҳам кароунос лашкари кайтиб кетганидан вokiф бўлишгач, кишиломиний учун амир Кайхисрав Ҳўтрорга кетди, Султони ғозий Тошканда кишилок килди. Амир Ҳусайн манглойи орқага қайтиб унга етгач, у ҳам кайтиб Самарканлга кетди. Амир Ўлжойту, Пўлодбуғ ва ўзининг бошка амирларини Самарканда қўйиб, ўзи Архангасаройга қайтди ва кишиломиний килди. Ўша кишила амир Сорибуғ бир тадбирни ярок кўриб. Оқбуғ баҳодирни мадал сўраб амир Шамсиддин мўғул ва Ҳожибек мўғул олига юборганди. У баҳор бошланганида келиб, мўғул лашкари изидан келаётганини айтди. Амир Ҳусайн бу воксадан ваҳимага туши. Амир Ҳусайн бу

вокса асносида Баҳром жалойир амирлардан берухсат мўғулларга бош бўлиб Сайрамга юрди. Амирлар ҳам кароунос лашкари кайтиб кетганидан вokiф бўлишгач, кишиломиний учун амир Кайхисрав Ҳўтрорга кетди, Султони ғозий Тошканда кишилок килди. Амир Ҳусайн манглойи орқага қайтиб унга етгач, у ҳам кайтиб Самарканлга кетди. Амир Ўлжойту, Пўлодбуғ ва ўзининг бошка амирларини Самарканда қўйиб, ўзи Архангасаройга қайтди ва кишиломиний килди. Ўша кишила амир Сорибуғ бир тадбирни ярок кўриб. Оқбуғ баҳодирни мадал сўраб амир Шамсиддин мўғул ва Ҳожибек мўғул олига юборганди. У баҳор бошланганида келиб, мўғул лашкари изидан келаётганини айтди. Амир Ҳусайн бу воксадан ваҳимага туши. Амир Ҳусайн бу

Туркистон ва ул навохий улугларига пайғом юбориб, ўзи ва Султони ғозий ўртасида воситачи бўлиб, жангу хусуматни сулҳу сафога мубаддал килишларини сўради. Амир Ҳусайн талабига биноан, у тарафнинг жами сайид, кози, имом ва зодагонлари биргаликда Султони ғозий олдига боришиди ва шафоат ва узр тили билан амир Ҳусайн пайғомини (251) етказишиди. Шу аснода яна шундай дейишди: «Сизлар туфайли ҳар даҳза мўғул лашкари ислом ўлкасида турли ҳаробгарчиликлар килмоқда. Дорулислом Монароуниҳардаги барча тартибсанчилклар сиз – иккни амир ўртасидаги келишмовчиликлар сабабидан содир бўлмоқда. Кай тарика бўлмасин, бу дунёда ва киёматда бунинг жазоси берилур. Бу адоват ва хусуматни орадан кўтариб, ботин соғлиги билан ўзингиз ва мусулмонлар манфаати йўлида сулҳга ихлос қўймоғингиз вожибидир. Амир Ҳусайн лашкари кўплиги ва куч-кудратига қарамай, бугун яраш ва яклиллик энгизини кокаётган экан, сиз энг макбул йўлни тутиб қабул килмоғингиз лозим. Худои гаоло бирон кипига давлат ато этмаса, у ҳар канча урингани билан бирон нарсага эришолмайди. Мўғуллар мададига орка килган амир Боязид килематидан бундай ишлар оқибати нима билан тугашини кўрдик».

Султони ғозий бундан олдин бир кечадан туш кўрган бўлиб, ўзи уни шундай таъбир килганди: У ва амир Ҳусайн ўртасида яна бир бор мулокот содир бўлиб, унинг истагига мос тарзда сулҳ тузилади. Бу ҳикоятлар ушбу таъбирга мувофик ва улуғлар насиҳатига мутобик эди. У розиллик берди ва шабғир килиб отланиб. Самарқандга жўнади. Тонг пайти сеззирмасдан Самарқанд дарвозасидан шахарга кириб олишга азму жазм килганди. Йўлда унга бир одам дуч келиб: «Амир Ҳусайн Худо раҳматига етишиди», – деди ва яна шунга ўхшаш бир канча ёлғонни тўкиб айтди. Султони ғозий шахарга бормокни маъқул кўрмади. Отлар дам ростлагунча бир лаҳза тўхтаб турди ва маҳаллалар чеккасидан ўтиб. Шодмонга бориб тушди. Узокдан кароунос лашкаридан бўлган бир исча кўшун кораси кўринди. Султони ғозий шу заҳоти уларга ташлапишиб тўзғитиб юборди ва Оби Ёмга келиб тушди. Ўша манзилда отлар (251) сув ва ўт-ўланга тўйиб йўл ҷарчогини чикаргач, у ердан унинг тугилган жойи ва асл макони бўлган Ниёзий кишлоғига<sup>1</sup> келиб тушди.

Амир Мусо лашкар тартиб килиб Султони ғозийнинг изидан етиб кели. Коровулгоҳда турган баҳодирлар амир Мусо коровуллари олдинга бориб, уларнинг келгани сабабини сўрадилар. Улар жавоб беришди:

Ниёзий кишлоғи – Натанзий бу кишлоқни Амир Темур түғилган жои сифатида кайд килади. Ибн Арабиҳонини «Амир Темур тарихи» асарида ёса соҳибкорон Ҳўжа Илор кишлоғида түғилгани таъкидланган.

«Бизга ушбу сарҳадларин кўриклаш топширилган. Сиз кимсануз? Мунча отгилклар кайдан келди ва қайга бормокчи?» Коровуллар: «Бу ерда турган Амир соҳибкирондир ва амир Ҳусайн олдинга бормоқда», дейишиди. Амир Мусо коровуллари орқасига кайтиб кетишиди ва Султони ғозий келгани хабарини амир Мусога етказишиди. Амир Мусо ҳасад ва адовати зўридан ёсол тортиб Ниёзийга якинлашди. Султони ғозий амир Мусо ўзига каттик касдлашганини кўрди. Отланиб Ҳожи Сайфиддин ва Хитой баҳодирга юз киши билан унинг орка томонига пистирма куришни тайинлади. Узи бошқа баҳодирлар билан ёвга пешвоз юрди. Султони ғозийнинг жисдият билан масофға ҳозирланётганини кўрган амир Мусо мукобала ва қаршилик қилмок бефойдалигини англади ва жуфтакни ростлаб коча бошлиди. Султони ғозий Арғуншох Бурдлиғийни кўч-кўрон ва захираларни ҳамда амирзода Жаҳонгирни олиб келиш учун муносиб тухфаю ҳаялар билан (Хирот ҳокими) малик Ҳусайн хузурига юборди.

Шу ҳол асносида амир Ҳусайн тарафдан лашкар келаётгани ва якинлашиб колгани хабари келди. Султони ғозий кўл остидаги олти юз суворий билан уларнинг йўли бошига юрди ва яқдиллик билан (қуйндагича) қасамёд қилишиди: «Ҳаёт ва мамотда бир жону бир тан бўлиб, то киёмат кунигача жабру зулмлардан бир-биrimizни ҳимоя этишига (253) аҳд қиласиз». Ахиллик билан гапни бир жойга кўйгач, йўлга тушиши ва Али Ато маркади жойлашган Камашкда мустахкам кароргоҳ куришди. Амир Ҳусайн лашқари Алиободга етиб келди. Амир Ҳусайн тарафдан шундай пайғом юборишиди: «Амир соҳибкирон юз киши билан келсин ва биз ҳам юз киши билан бориб мулоқот қиласиз ва бир сўз билан сулх ишини битирамиз». Султони ғозий икки юз киши билан ваъда қилинган жойга борди ва улар айтганларига мувофик юз киши билан келишиди. Султони ғозийнинг баъзи баҳодирлари яна бир бор разиллик билан инво ва фисқу фасод оловини ёкиб дейишиди: «Душманлар бундай ўз оёғи билан келиб конконга тушган пайтда фурсатни ғанимат билиш керак. Булар устидан фатку зафар қозонганимиздан сўнг. амир Ҳусайннинг иши нима билан тугаши равшандир». Амир соҳибкирон моне бўлди ва розилик бермади.

Алқисса, амирлар мулоқот қилишли ва ҳар икки тарафдан ҳозир бўлганлар жонкуярликлар қилиб, фитна ғуборини кўз ёши билан ювишиди. Сўнгра биргалиқда отланиб, амир Мусонинг уйига келиб тушишиди. Ҳар икки тараф лашқарини таркол қилишгач, Амир соҳибкирон Шаҳрисабзга жўнади. Ҳар икки томондан сулху сафо изхор қилишлар энг юкори даражага етди. Амир Ҳусайн бу аснода Бадаҳиён устини

га юрган ва малик Ҳусайн Ҳиротдан лашкар тортиб Балх қасдида юнинг чикканди. Амир соҳибкирон унинг холидан вokiф бўлгач, Мовароуннаҳр лашкарларини йиғиб Жайхундан ўтди ва Ҳурросон лашкарини даф этиш учун йўлга тушили. Малик Ҳусайн Амир соҳибкирон амир Ҳусайн билан ярашганидан вokiф бўлди ва Амир соҳибкирон катта лашкар билан (254) пешвоз келаёттанини эшитгач, ноумид бўлиб Ҳурросон тарафга қайтиб кетди.

## **СУЛТОН СОҲИБКИРОННИНГ АМИР ҲУСАЙН ОЛДИГА БОРГАНИ ВА УЛАРНИНГ МУЛОҚОТИ ҚИССАСИ**

Амир соҳибкирон малик Ҳусайн Ҳурросон тарафга кайтганини эшитди ва йўлдан бурилиб, Кундуз ва Бағлонга жўнади. Амир Ҳусайнга унинг отлангани хабари стіяч, Бадаҳшон подшоҳи билан сулҳ тузиб орқага кайтди ва уларнинг мулоқоти Кундуз ва Бағлонда содир бўлди. Сулҳу сафо шукронасига бир неча кун дабдабали тўйлар килишгандан сўнг, у ердан иттифокликда Кобул фатҳи учун отланишди. Кобулга стиб шахарни камал килишиди. Бу жангда Амир соҳибкирон ўз баҳодирлари билан шунчалик шижоат ва мардоналик кўрсатдики, олам ва аҳли олам хайрат бармоғини тишлаб, замину замон оғарин демок учун лаб очди. Алкисса, бир неча кундан сўнг (шахар) фатҳ килинди.

Амир Ҳусайн тахтгоҳ учун Самарқандни мустаҳкамлаш керакми ё Балхни забт этиш кераклиги хусусида Амир соҳибкирон билан машварат килди. Ҳалойик маъкуллаши ва Амир соҳибкироннинг кўллаб-кувватлаши билан Балҳда ўрнашишга карор килди. Кобулдан кайтиб Балҳга келиб тушишди. Бир неча кундан кейин мўғул амирлари – амир Ҳожи, Шеровул, Қамариддин ва Кебектемур катта лашкар билан Мовароуннаҳр қасдида келишаётгани хабари келди. Яна бир бор амир Ҳусайн амир Мусо ва Амир соҳибкиронни манёлой лашкарлари билан Самарқанд тарафга юборди. Ўзи ҳам гул тартиб қилиб, мўғул лашкарни даф этишга отланди ва йўлга тушди. Мўғуллар ўша қишида Тошканл навоҳийсида (255) кишлок қилиб туришди. Амир соҳибкирон ва амир Мусо Мукуркарони ярок кўриб, унда иқомат килишиди. Амир Ҳусайн ҳам Шаҳрисабзда муким бўлиб ўша қишини ўтказди.

Баҳор бошланганда амир Қамариддин, амир Шеровул ва Кебектемур хуфия жойда йиғилиб, амир Ҳожини ўлдириб орқага кайтмок ва бутун Мўғулистонини ўзаро бўлиб олмоқ режасини туздилар. Амир Ҳожи улар ботинидаги бад ният ва бу хиёнат тафсилотларидан вokiф

бўлгач, дарҳол тобелари, кариндошлари ва павкарлари билан отланди. Амир Камариддин ва Кебектемур хам шарманда ва хижолат бўлиб, каттиқ кўркканлари туфайли отланишиди ва сув бўйида амир Ҳожи билан мулокот килиб, Шеровул бечорани ҳамма томони ўраб олинган ҳолда, гўским берк доира ичидаги нуқтадек колдириб кайтиб кетишиди. Амир Ҳожи дарҳол Шеровул устига юриб, уни ўлдириди ва шу заҳоти Мўгулистон тарафга қайтди.

Амир соҳибқирон юкорида баён килинган аҳвол-вазиятни маълум килиб амир Ҳусайнга мактуб йўллади. Шунингдек, мактубида мўгуллар устига юриш учун ўнай фурсаг келганини таъкидлади. Амир Ҳусайн замона ройиши шу бўлиб, Мўгулистон осонгина фатҳ килинажагига карамай, рози бўлмади. Ўз кўнгилла Бадахшонга юриш килишга карор килди. Амир соҳибқирон ва амир Мусони (ўз олдига) чакирди. Амирилар кайтиб келгач, мулокотдан сўнг икки-уч кун Шахрисабзда тўйлар килиб, кўнгилхушликка машгул бўлишди.

### **АМИР ҲУСАЙН ВА СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ БАДАХШОНГА ЖЎНАШЛАРИ ВА БУ ЮРИШДА СОДИР БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР КИССАСИ, ВАССАЛОМ**

(256) Амир Ҳусайн ҳамиша Бадахшон мамлакатини мухолифлардан тозалаб, батамом ўз тасарруфи доирасига киритмоқни хоҳлагани туфайли, у жойни фатҳ қилмок учун юришга жазм қилиди ва базмни тўхтатиб, бадахшонликларни бўйсундирмок учун отланди. Балхга етгач, ўз ўғлини Амир соҳибқиронга манғлой сифатида тайинлаб, у ноҳияга жўнатди. Улар фармонга биноан лашкарлар билан отландислар ва Бадахшон вилояти аҳолиси метин каби мустаҳкамлаб ўрнашиб олган дараларни жуда каттиқ уринишлар билан бирма-бир фатҳ қилиб ўтишлиди. Чунончи, подиоҳ Муҳаммадшоҳнинг мустаҳкамлапиб олган жойи ва қарортоҳига яқин келиб қолишиди. Бадахшон лашкарининг аксар кисми Шоҳ Шайхали билан Қангтар ўлангга келган эди. Икки лашкар бир-бирига етгач, дарҳол жанга кирдилар ва ҳар икки тарафдан отлиғу пиёдалар бир-бирига араланишиб кетиб, каттол тиғ турку тожикини бесаёв чопа бошлади. Шу аснода чигатой баҳодирлари Шоҳ Алини қўлга туширишиди ва Бадахшон лашкарини мажаклаб, саноксиз пода ва сурувларни ўлжа олишиди. Амир соҳибқирон ўлжаларни шу соатнинг ўзидаёқ уғрук агрофига элтишни буюорди. Иттифокан, бадахшонликлар орқадан йўлни тўсиб кўйиншганди. Жами ўлжаларни кайта тортиб олишиди ва кариб бир юз ўттиз отни суворийларини йикитиб олишиди.

Амир сохибкирон бу холни эшитгач, ул кавм устига юрди ва жуда катта кийинчилеклар билан йўл бошидан нари хайдади ва лашкар у тор дара ва ингичка йўлдан жонини саломат олиб ўтиб, жангта машғул бўлди. Ул кун машаккатларини (257) Бадахшонда то шу кунларгача хикоя килишади ва ҳар вакт Амир сохибкирон ҳамлалари таърифига етганда, заминнинг минг жойини ўпиб офаринлар айтишади. Шундай ахвол юз бериб колдики, баҳодирлар олишувга каттиқ банд бўлиб, ҳар бири бир бурчакда ўз ғанимига муқобала қилиб гурав, хуллас, сипоҳ тарқалиб кетган эди. Чунончи, Амир сохибкирон ёнида бор-йўғи ўн беш киши қолганда бадахшонликлардан эллик пиёда ва икки юз отлик тақаббурлик билан ўқ ёғдирғанларича Амир сохибкирон томон ёпирядилар. Аксига олиб, таңг жой бўлганидан, кошишга имконият йўқ эди. Элчибуғо баҳодир ақлини тез ишлатиб, бир тадбир ўйлади ва пиёда югуриб уларнинг ўртасига борди. Бир неча киннига тарсаки тушириди ва деди: «Эй бебок тоғликлар, ўз бошингиздан ажрашдан кўркмайсизмни, чигатой лашкарига карши бу кадар ботирлик билан жанг киляпсизлар? Амир сохибкирон шу ерда турибди. У сининг қавмдан бўлган бандиларни ўз лашкари қўлидан озод қилиб кайтариб беради. Сиз мискинларга нисбатан ҳам ҳаддан зиёл раҳмдиллик ва шафқат кўргузади. Мабодо сизнинг ўқ отаётганингизни кўрса, боз қаҳрланур ва шундай мамлакат сизнинг касофагингиз туфайли ҳароб бўладур». Тоғликлар ўқ ва камонлариши қўлларидан ташладилар. Ҳешад тавба-тазаррузлар килиб, мазлумона унинг оёғи остига йиқилиб, ҳазрат Амир сохибкирондан гуноҳларини сўраб олмоғини илтимос килишди. Нора сифатида унга баъзи нарсалар бериниди. Элчибуғо уларнинг калонтарини ҳазрат ҳузурига келтирди ва шафоат тили билан уларнинг гуноҳларидан ўтишини сўради. Шунака ажойиб ҳийла билан молу хирожни улар бўйнига кўйиншди ва улар хайдаб кетган отлар ҳамда банди килишган одамларни яна кайтиб олишди. Шундан сўнг бадахшонликлар Жаҳонмалик<sup>1</sup> ва Амир сохибкирон учун асл отлар, турфа тухфаю ҳадиялар келтиришди ва белгиланган хирожни тўлашди.

Амир сохибкирон ҳам (258) асиirlарни уларга кайтариб беринини буюрди. Баёнини келтирганимиз дастлабки ҳодисадаёқ кошиб кетган угруқдаги лашкар қайтиб келган эди. Уларнинг кўпчилиги керак-яроклари бўлмагани туфайли йўлда ўлар ҳолатга етган эдилар. Амир сохибкирон ушбу фатҳдан сўнг одам юбориб уларнинг калонтарларини келтириб, ёсок учун ҳалойик олдида калтакларини буюрди. У ердан бехад ўлжалар билан соғ-саломат қайтиб келишди.

<sup>1</sup> Жаҳонмалик амир Ҳусайннинг ўғли бўлган.

## ШАЙХ МУҲАММАД БАЁН ВА КАЙХИСРАВНИНГ АМИР ҲУСАЙНГА ЁГИЙ БЎЛИШГАНИ ҚИССАСИ

Амир соҳибқирон Жаҳонмалик билан бирга Бадаҳшонга жўнаганларида Шайх Муҳаммад Баён Кайхисравнинг фирибларига учиб мағрур бўлди ва муайян бир кунни булжор килиб. Кайхисрав Ҳатлон лашкарини йиғмокка киришиди ва Шайх Муҳаммад Ҳисор ва Чагониён лашкарларини тўплаб келмок учун кетди. Сипоҳ жам бўлгач, иттифоқликда исён таёги билан мухолифат ноғорасини кокиб, бошлирини амир Ҳусайнининг итоат бўйинтуруғилай чиқариб Балхга отланышди. Амир Ҳусайн бу воеҳа ҳакида шамол каби тезлик билан Амир соҳибқиронга пайғом юборди ва мумкин қалар юкори суръат билан етиб келишини буюрди. Амир соҳибқирон ҳам кайтиш жиловини шопшилиш қўлига тутқазди ва ҳамла оёгини ғайрат узангисига кўйиб, бир неча кун ичиди амир Ҳусайн хузурига етди ва исталған мулокот амалга опди. Чунончи, Шайх Муҳаммад Баён ўз хотирида исён фикрига йўл берганида Амир соҳибқиронни ҳам (исёнга) даъват этиши максадида бир мактуб ёзганди. Шу якинда ул мактуб амир Ҳусайн қўлига тушиб колган бўлиб, уни маҳфий саклаб юради.

(259) Амир соҳибқирон ўз юртига келганда, амир Ҳусайн мулозимларидан бўлган бир киши у мактуб хабарини пинҳон тутиб, унга деди: «Амир Мусо сени қўлга олиб ўлдиради». Амир соҳибқирон ишонмади ва ўзича фикр килди: «Қўлга олиш учун энг қулай фурсат мулокот пайти эди. Ўша пайтда қўлга олмадими, энди бунга касд килмоғи амри маҳоддир». Кутитмагандар бир киши келиб Амир соҳибқирон қўлига бир мактуб тутқазди. Унинг мазмуни қуйидагича эди: «Агар бугун ўзингни асрассанг, кутуласан. Акс ҳолда, тезда сени қўлга олиб йўқ килишади. Биз сен билан эски алокаларимиз туфайли сени огохлантиридик. Агар сустқашлик килсанг, хунинг ўз бўйинингтадир». Амир соҳибқирон бунга ҳам бовар килмади. Навкарлардан бир гурухи тиз чўкиб дейишиди: «Ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик сизнинг шиорингиз бўлишига қарамай, бу гафлатнинг сабаби недур?» Амир соҳибқирон уларга жавобан деди: «Менинг кўнглим амир Ҳусайнга нисбатан тўғридир ва ҳеч бир асос билан у менга хиёнат килишига гувоҳлик бермаяпти». Шундай дегач, отланиб амир Ҳусайн олдига кетди.

У етиб келганида амир Ҳусайн ҳам отланган эди. Ҳар иккаласи кузатиш максадида ёнма-ён Жайхун бўйларини айланишиди. Ногоҳ сув юзида қайик мингтан одам кўринди. Қирғокка чикиб, амир Ҳусайн

олдига келди ва унинг қулогига нималарни дир пичирлади. Амир Ҳусайн ғазабланди ва Амир соҳибқиронга қараб деди: «Ёғий якин келиб колибди. Сен ва Зиндаҳашам ўз лашкарларингиз билан эрта тонгда манилой бўлиб отланмоқларингиз мақсадга мувофиқлир. Мен ҳам изларингиздан етиб бораман». Амир соҳибқирон (260) бу фурсатни ганимат деб билди ва эрта тонгдан таби чалиб кўч килди ва Жайхундан кечинб ўтди.

Ёғий Амир соҳибқирон ва амир Зиндаҳашам йўлга тушгани хабарини эшиштгач. Амир соҳибқирон салобати ҳалойикка шу қадар таъсир килип ан эдик, агар унинг хабарини ўн киши эшиштан бўлса, минг кишининг оёғи мажолсизланарди. Шайх Муҳаммад Баён кичик бир гурӯх билан Туркистонга отланди ва Кайхисрав жўнаш жиловини Хатлон тарафга бурди. Амир соҳибқирон ва Зиндаҳашам бундан хабар тошиб, Зиндаҳашам Кайхисравнинг орқасидан юрди ва Амир соҳибқирон Шайх Муҳаммадни таъқиб килиб, Самарканд тарафга равона бўлди. То Хўжандгача такомиший килиб уни сувдан ўтказди ва ўзи оркага кайтиб. Шахрисабзда айшу тарафга машгул бўлди. Амир Ҳусайн подиоҳи Одилхон<sup>1</sup> ундан юз ўгириб, янгитдан фитна тўрини тўқий бошлиган, чунончи анча-мунча одам унинг атрофига тўпланданди. Унинг иши ривож топиб, равшак килаётган бир пайтида Амир соҳибқирон унинг устига юриш килиб қўлга олди ва амир Ҳусайн олдига жўнатди.

У шунга ўхшаш жуда кўп қуллукчилик ва яхши хизматларни ўрнига кўйди. Аммо ҳасадгўйлар ҳар вакт арзимаган важ топилганда Амир соҳибқирон ҳакида минг бир росту ёлғон гапларни етказишарди. Окибат амир Ҳусайн ҳолатини шу даражага етказишди, у Амир соҳибқиронга нисбатан бутунлай бадгумон бўлди. Тасодифан, Амир соҳибқироннинг опасининг эри амир Муайдастлик пайтида Жоварчининг ўғлини уриб ўлдириб кўйди. У амир Ҳусайн сиёсати ваҳмидан кочиб (261) яширишиб юради. Амир Ҳусайн элчи юбориб, Амир соҳибқироннинг опасини Балхга кўчириб келтиришни буюрди. Шу аснода яна бир фармон етиб келди. Бунга биноан. Амир соҳибқирон вилоятдаги жами бой ва қалонтарларни кўчириб, гўёқим рўйхатга олиш учун Балхга жўнатмоги лозим эди. Шу тарика, бир хафта ичida неча бор фитна ва адован аралаш фармонлар келди. Барча амирлар ва қолган мўғулу тозик амир Ҳусайндан дили ир бўлишди.

<sup>1</sup> Одилхон амир Ҳусайн тарафидан номига таҳтга ўтказилган чингизий кўғирчок хон бўлган.

# ЧИНГИЗХОН УРУГИ ҚҰЛИДАН САЛТАНАТНИ ЗҮРЛИК БИЛАН ЎЗ ТАСАРРУФИГА ОЛГАН МОВАРОУННАХР АМИРЛАРИ ТАБАҚАСИ

Улар түрт кишидірлар ва уларшын ҳукмронлик мұддати 747 (1346-1347) йил бошидан то 772 (1370) йилгача бўлиб, баб-баравар йинирма беш йиллар<sup>1</sup>.

## АМИР ҚАЗАГОН СИЙРАТИ ЗИКРИ

Амир Қазагон баҳодир, довюрак, олтіхиммат ва сохибқұдрат киши эди. Қозон султон устидан ғалаба қозонгач, Мовароуннахр улусини забт килди. Мунк шахрини ёйлок. Солисаройни кишилек сифатида ихтиёр килди. То Хуросонга қадар бўлган ерларни ўз кўл остига киритди. Бир-икки марта Ҳирот ҳукмдори малик Ҳусайн билан масоф килди ва ғалаба қозонди. Чунончи, упдан пешкан сифатида жуда кўп мол олди. Унинг салтанати даврида Мовароуннахр мамлакати ғоят обод эди. Чорва моллари жуда кўпайганидан ёйлок ва кишилеклардаги ўтлоқлар камлик қиласарди. Турку тозиклар бениҳоят фаровоилик ва осойишталиқда кун кечириб, барча гонфадаги одамлар бисёр бойликларга эга бўлишганди. (262) У олтмиш икки йил умр кўрди.

Унинг ўғли амирзода Абдула отасидан беруҳсат Хоразмга лашкар тортди. Хоразмликлар икки юз туман тўлаб, ўзларини унинг хужумидан эмин саксаб колишиди. Қайтиб келишгандан сўнг амир Қазагон уни чакириб сўради: «Нега ҳеч бир асоссиз мусулмонлар мамлакати устига юриш килдинг?» Кўп таъналар килгач, унинг гунохини кечди ва уни бу ишга унлаган бир гурух кимсаларга каттиқ танбех берди.

Ўн икки йил ҳукумат тепасида турди. Ануширвон адолати хакидаги овозалар унинг алти олдида анчайин бир тап бўлиб козди. Ҳазора амирларидан бирининг уруғига мансуб Кутлугтемур номли шахе амир Қазагон хотини Туркон оғонининг синглисига уйланганди. Ўз ҳазораларига жабр-зулм килгани учун Қазагон уни амирликдан мавзул килганди.

<sup>1</sup> Ушбу боб асарнинг биринчى таҳририга оид бўлиб, муаллиф Мовароуннахр амирлари фаолияти ва шахсиятини тавсифлайди. Унда иккинчى таҳрирининг айни ўринлари билан ўхшашибликлар бўлса-да, баъзи кўшимча тафсилотлар ҳам мавжуд.

Оғо унинг гуноҳини кечишини сўраб, ҳарчанд илтимос қиласа ҳам инобатга олмади. Ўзини каттик хўрланган, деб хисоблагани Кутлугтемур амир Қазағонга қасд қилиб шистирма курди. Бир куни у озгина киши билан лочин учирмок учун отгланганди, Кутлугтемур фурсат топшіб, уни шикоргоҳда ўлдириди. Осойишта мамлакат бу иш қабоҳатидан жунбушга келди. Умаро ул кўрнамакни қўлга олиб, пора-пора килишди ва амирзода Абдуллани амир Қазағон ўрнига ҳукумат тепасига қўйдилар.

## **АМИРЗОДА АБДУЛЛА ИБН АМИР ҚАЗАГОН СИЙРАТИ ЗИКРИ**

Истеъоддли, латифтаъб, диловар эди ва фозил одамларни ёқтиради. Ҳукумат тепасига келтагч, ғоят очиккўнгизлиги туфайли бир неча (263) муфсиддининг сўзига кирди ва Баёнкулихонни катл қилиб, мамлакат ихтиёрини бутунлай ўз қўлига олди. Ҳали унинг ҳукмдорлик даври бир йилга ҳам етмаган эдики, амир Баён Сулдуз исён кўтарди ва уни салтанат тахтидан ағдариб, укалари билан бирга катл этди. Амир Қазағоннинг невараси амир Ҳусайн Қундуз ва Бағлон тарафга кочди. Абдулланини Султон Маҳмуд отлиқ укаси Мўгулистандан наноҳ тонди. Амир Абдулла мақбараси Мунк шаҳрида жойлашган.

## **АМИР БАЁН СУЛДУЗ СИЙРАТИ ЗИКРИ**

Ғоят бенам ва ғофил одам эди, ҳушёрлик ва эҳтиёғкорлик ишларига умумаш ҳафсаша қўлмасди. Үзулуксиз равишда шаробхўрликка машғул бўларди. Мамлакатини амир Қазағон уруғи кўлидан тортиб олгач, тасаввурнида энди ҳеч ким у билан беллашиб учун майдонга чикмайдигандек туғоди ва ҷарғоланг<sup>1</sup> кайфу сафони ҳақидан ошириб юборди. Бу хотатдан мулук ишларига ҳалал етди ва ҳар киши ўз-ўзига хон бўлиб, ҳеч ким бунга парво қўймасди. Унинг элчиси каердан ўтмасин, қалтакдан бошка нарса-га муносаб кўрилмас, унинг наввари қай бир вилюятга бормасин, зулм ва зўрлик кильмасдан бирон нарса келтиrolмасди. Үзок вақт чидаб юргандан кейин, нихоят, итоагесизлардан ўч олишга карор килиб атрофига караса, унга таянч бўладиган одамнинг ўзи колмабди. Ҳайрон бўлиб, бўппашиб кетди. Ҳотигларида жаҳонгирилик дағдагаси бўлган бир гурух амирлар иттифок бўлиб, унинг устига келинди. Беҳад ожиз ва кувватсизлигидан мамлакатин ўз ҳолига ташлаб, гармсир ўлкалар тарафга кочиб кетди.

(264) Шундан кейин, чунончи, аввал «Чигатай уруғи султонлари киссаси» охирида муфассал сўзлаб ўтилгандек, Мовароуиннар турли тоифалардан бўлган маликлар қўлига ўтди ва Хитой сарҳадидан то Ирок

<sup>1</sup> Чарғолани<sup>2</sup> базм.

похиясигача мусофиirlар учун панохгоҳ ва маскаи бўлган бир мамлакат шу қалар танг ва хатарли бўлиб колдики, юз отликнинг бир фарсан ма-софагача йўл босиш имкони қолмади. Одамлар Оллоҳ таолога тазарру килиб, золимлар дастидан Парвардигор даргохита шикоят қилишарди. Нихоят жуда кўп алам-уқубатлар ва бехал каттикликлардан сўнг ҳазрат Султони ғозийнинг комрон билаги қуввати туфайли Қазағон хонадонининг энг сўнгги вакиллари давлати яна бир бор нашъу намо топди ва тағин олдинги ҳол кайтиб келиб, амир Ҳусайн ибн Мусамми ибн амир Қазағон амирлик тахтида мустаҳкамланиб олди.

## АМИР ҲУСАЙН ИБН МУСАММИ ИБН АМИР ҚАЗАҒОН СИЙРАТИ ЗИКРИ

Бағоят кайсар ва баҳодир амир эди. Сиёсати каттиклиги туфайли арз ва шикоятлар девонида кўлида темир чўкмор ушлаб ўтиради. Агар даъвогарлар бир-бирларига карши сўзлаётганида гапида янгилишиб кетсалар ё у чикарган ҳукм моҳиятига тушуниб етмасалар, ўни чўкмор билан уларни урадди. Гоят ҳасислиги туфайли карбос матодан кийим кийиб юрадди. Либоси эгар кошига ишқаланиб йиртилса, унга ямок соларди. Унинг жами мактовли хислатларини мана шу паст сифати ёк йўкка чиқарарди. Султони ғозий узок вакт унга йўлдош ва ҳамкор бўлиб, унга нисбатан бехал ҳамдардлик ва тарафдорлик зохир этган бўлса-да, максад ҳосил бўлмади. Чунопчи, муфсииллар куткуси билан ундан юз ўғирди ва бир неча бор унга касд килди. «Жанг воқеаси» дан кейин қайтиб келишгач ва Самарқанд сарбадорлари (265) жазолангандан кейин, орқага кайтиш вактида амир Ҳусайн хеч бир асоссиз Султони ғозий навкарларидан минг динор мусодара килди. Бу маблағнинг ҳаммасини Султони ғозий ўз ҳисобидаи тўлади, чунончи, бор нақд пули ва бисотидаги барча буюмлар шунга сарф бўлди. Маблағнинг арзимас бир кисми қолган эди, амир Ҳусайн шунни ҳам ундириш учун соликчилар колдириб, ўзи Мунк шахри тарафга кайтиб кетди. Энг йирик чиғатой амирларидан бири бўлмиш амир Мусо ҳазраг Султони ғозий сиймосидаги туғма акли расоликни кўрар экан, табиийки, ҳасади зўридан қай восита билан бўлмасин, амир Ҳусайн ва Султони ғозий ўргасига ҳадик ва ихтилоф солиши фикрида юрадли. У амир Ҳусайнга кетма-кет фитна кўзгатувчи мактублар ёзарди. Султони ғозий бундан огоҳ бўлгач, амир Ҳусайнга: «Ғаразгўйлар сўзи сизга пайдар-пай етиб гурибди, (ушбу вазијатда) фикри ожизимча, даргохингизда мулозим бўлиб турмоғим лозим», – деб хат ёзди. Амир Ҳусайн рад килди. Шу каби кўп бўхтонлар овоза бўлганидан сўнг, бир куни Султони ғозий диккинаfasликни ёйиш учун

катта ов уюштириди ва бу ҳол тухматларнинг янада кучайишига сабаб бўлди. Шундан кейин Баҳром жалойир, Шер Баҳром Ҳатлоний ва бошка амирлар унга (куйидаги) махфий пайғом жўнатишиди: «Амир Ҳусайн сенниң қасдингда пистирма қурмок фикридадир. Фурсатни ғанимат билгин ва биз сенга иттифокчи бўлурмиз». Ниҳоят, булжор белгиланган кун Султони ғозий зарурат таёғини исён ногорасига урди. Шер Баҳром хам Ҳатлонда кўрғон тиклаб, лашкар тўплади. Үзининг кўркоқлиги билан танилган Баҳром жалойир Шер Баҳромга хат ёзи: «Олдинги фикрга амал килишдан тийилгин. Кўрайликчи, бу икки каттаконнинг иши (266) кайгача бораркин? Агар биттаси ўлдирилса, колган иккинчисини даф этиш осон бўлади». Ҳар иккаласи шунга карор килиб, машваратдаги аҳдларига хиёнат килишиди. Шунга қарамай, Баҳром жалойир амир Ҳусайн ғазаби хавфидан ташвишига тушди ва Мўғалистонга бош олиб кетди. Султони ғозий у иккала мунофиқдан умид узгач, жўнаш жиловини таваккал кўлига тутқазди ва ясовурийларни бўйсундириш учун отланди. Шу аснода унинг асосий таянчлари бўлган Сулаймон ва Жоварчи итоатсизлик қилдилар. Айни шу вактларда ҳазратнинг суюкли ёри, амир Ҳусайннинг синғлиси Ўлжой Туркон оғо Оллоҳ раҳматига восил бўлди. Аза тутмок имкони бўлмаганидан Ҳожи Сайфиддинни Каҳалға тарафга юборди ва ўзи хам унинг изидан йўлга тушди. Амир Ҳусайн бу фитна юзаки эмаслигини, оқибати ёмон бўлиши мумкинлигини англади. Абдулхожани сулҳ тузинини илтимос қилиш учун жўнатди.

Султони ғозий (куйидаги) шартга рози бўлди: амир Ҳусайн лашкарларини Чарона қасабасида қолдириб, юз отлик билан Чакчак дарасига келади. У хам лашкарини Хузорда колдириб, юз отлик билан уни кутиб олади ва янгитдан аҳд килиб сулҳ тузишади. Султони ғозий эҳтиёт юзасидан ўзи билан уч юз ишончли суворий олиб учрашув жойига жўнади. Булардан икки юз кишини Дехинавда пистирмада қўйди ва ўзи юз киши билан ажралмокчи бўлди. Султони ғозийнинг ғуломларидан бири амир Ҳусайн қайтулида<sup>1</sup> эди. У чангдовулга<sup>2</sup> етиб келди ва амир Ҳусайн Шер Баҳромни ўлдирганини ва Султони ғозийга нисбатан хам шу ниятини амалга ошириш учун пойлаб турганини хабар қилди. Чангдовул бошлиғи (267) унга бақирди: «Биз бу барбод бўлған ишни тўғрилай олмай оворамиз. Сен яна канака бўхтон топиб келдинг?» Бечора дамини ичига ютди. Дарага анча якин етиб келишгач, Султони ғозий уғрукида Шер Баҳром катл қилингани ҳакида овоза тарқалди ва каттаю кичикнинг руҳи тушиб

<sup>1</sup> Кайтул – кароргоҳ.

<sup>2</sup> Чангдовул (чандловул) – лашкарнинг орт кисми, аръергард. Унга мукобил тарзда «соқа» атамаси хам ишлатилган.

түзгіб кетиши. Султони ғозій Ҳарам дарасининг иккі тарафида күп соңылаштарлар пистирма курніб, нойлаб ғуриштегі хабарини шытди. Ҳаэрата шахсан ўзи булғомиший килди. Пистирмани текширгач, коронғи тушиб қолғани ва тор жойлар машаккати сабабидан саҳрода юрди. Иккі юз кишилик кечка хам тарқалиб кетганди. Ҳайратдан котиб көлди.

Узок үйлагандан сүнг чүл йўли билан Хуросон тарафға жүнади. Мөхонга етиб келгач, вазиятни текшириш учун Ҳирот ва Калотта чопарлар жүнади. То улар етиб келгүнича, ўзи ярок күрган жойда ўрнашиб олиб, йўлни түсіб кўйди. Бирон кимса ўзи ҳакида хабар топмаслиги учун, бу ерга етиб келган карвонларни тұхтатиб турди. Ҳирот малики ва Ҳожибек Жоникұрбонийга әзтимод қилиб бўлмаслигини англагач, «Ҳирот тарафға жүнадим», деб овоза килиб, гумашгаларни кўйиб юборди. Ўзи Жайхундан кечиб ўтиб. Ўзганда бориш учун Қарши ва Нахшаб тарафға караб йўлга тушди.

Иттифокан, амир Мусо кариб олти минг киши билан Бурденида турған эди. Малик баходир хам беш минг отлик билан ўша навохийда ўрнашган эди. Султони ғозій ўзига ҳамроҳ бўлган уч юзга якын отликкінгі аксар кисемнін пистирмада кўйди ва ўзи озгина одам билан шабтیر қилиб Қаршига келди. Шахар дарвозалари ёпништеги (268) кўрди. Дархол бир неча одамни сув кирадиган жойдан ичкарига ўтказди ва уларга дарвозабонларни килинчдан ўтказиб, дарвозаларни очишни буюрди. Султони ғозій қалъани ишғол қилди ва ўз лашкарини бу ерга келтирди. Амир Мусонинг уғруки уч ўғли ва бор мол-лунёси билан кўлга тушди. Султони ғозій унинг ўғлнин кочириб юборишни буюрди. Чунки у бориб лашкар келаётгани ҳакидалы овозаны отасига етказса, әхтимол, унча қийинчилик сезиз улар орасида түс-түполон бошланиб түзгіб кетишар, деб үйлаганди.

Амир Мусо ва Малик дархол иттифок бўлиб Қарши устига бордилар. Уларнинг қораси кўрингач, Султони ғозій кўрғон деворини пахлавонларга таксимлади. Бир дарвозага Сорибуғони кўйди. Бошка дарвозани Довуд, Муайяд ва Ҳожи Сайфиддинга топширди. Ўзи хам бир дарвозала турдию, Ҳусайн барлос. Аббос ва Оқбуғони зарур жойларга кўмак учун кўйди. Ёғий лашкари манглойи амир Муайяд дарвозаси каршисига келганди, амир Муайяд ўттиз суворий билан от чоптириб ташкари чиқди ва ичкарига олтмишта от олиб кирди. Ўша пайтда ёғий орасида бўлган Дурка баходир ушбу хамла пайтада ичкарига кириб олди ва ўзи аниклаган вазиятни муфассал сўзлаб берди. Коронғи тушгач, ёғий лашкари баходирларидан иккі юз нафари чалар кўтариб хандак лабига келишди. Эрта тонгла Оқтемур баходир ва Элчибуғо баходир эллик писда ва йигирма отлик билан ташкарига чопиб чикиб, у иккі юз одамни

то амир Мусо курони этагига довур кувиб бориши. Шу ҳамланинг ўзи биланок тускол<sup>1</sup> лашкари кочишга юз тутди. Амир Мусо ва Малик минг бир хийла билан уларнинг шамшири зарбидан ўзларини четга олиши. Султони ғозий бошка лашкарлар билан ташкари чикиб, то уч фарсанг масофадаги Қизилтоғ сарҳадигача (269) қочокларнинг ортидан қувлаб борди. Жалойир кавмига мансуб дурон ҳазорасини орқага қайтарди.

Ўша киш Қаршини кишлок килди. Маҳмудшоҳ Бухорийни Бухоро солигини тўплаш учун юборди. У ернинг мустаҳкамлигига орка килиб, Маҳмудшоҳ итоатсизлик килди. Киш ўртасида амир Ҳусайн амир Мусо ва амир Ўлжойтуни бор лашкари билан Қарши касдила жўнатди. Улар келаётгани хабари кучайгач, Султони ғозий шабихун килмоқ мақсадида икки юз киши билан пешвуз юрди. Қоровуллар ёғий лашкаридан йигирма кишини банди килиб келтирдилар. Уларнинг сўзидан шабихун килмоқ мушкулиги маълум бўлди ва бу ниятдан воз кечди. Тонг пайтида ҳар икки тараф коровуллари орасидаги масофа кискарғач, Султони ғозий мўғул одатига кўра сурон кўтариб ортта қайтди. Мухолиф лашкари кораси қўплигидан, у билан беллашимок душворлигини англаб, Қаршидан Бухорога отланди.

Бу ерда Маҳмудшоҳнинг ўзгача бўлиб колганини кўрди. Ундан этак силкиб, Хуросонга жўнади. Амир Мусо ва Ўлжойту Бухоро ноҳиясига етиб келишгач, Маҳмудшоҳ пиёдаларни кўчабоғлар бошига жўнатди. Қароунос ҳировуллари удрутмиший қилдилар ва уларнинг кўпчилигини от туёклари остида топтаб ўлдирдилар. Чунончи, ҳар ўн нафардан биттаси ҳам шаҳарга қайтиб киролмади. Маҳмудшоҳ ноумид бўлиб, бошка дарвозадан ташкарига қочди. На ўлик ва на тирик бир аҳволда Моҳонда ҳазратга келиб бирлашди. Султони ғозий озгина киши билан илгор килиб, кечув орқали Жайхундан ўтди ва Бухоро теварагида ёғий лашкари сафига қаттиқ тўс-тўполон солиб, коровулларидан бир нечтасини қўлга олиб ўлдирди. Сўнгра Қаршини қайта эгаллади. (270) Ўша кечани у ерда ўтказди ва тонг пайти қароунос лашкари устига юрди. Унинг келаётгани ҳакидаги хабар ўзидан олдин етиб борар ва албатта, устимизга бостириб келади, деб кутишарди. Корасини кўриши биланок, ҳар бир кимса ўз жонини кутқариш фикрига машғул бўларди.

Султони ғозий жиловни Самарқанд тарафга бурди ва Туркистонга жўнади. Баҳром жалойир мўғул ёрлиги билан Туркистонни ўз қўлига киритиб олганди. Ўша пайтда Султони ғозийга унчалик илтифот қилмади. Тасодифан, Кайхисрав Ҳатлоний ҳам шу ерда эди. Ҳазратга келиб қўшилди ва унга кўп хизматкорликлар килди. Амир Ҳусайн Туркистон тарафга кўп сонли лашкарлар жўнатди. Бир гал амир Мусо,

<sup>1</sup> Тускол ёки тусковул – йўлларни тўсиб туришга тайинланган лашкар.

амир Ўлжойту ва Шайх Мұхаммад Баённи йигирма минг суворий билан, бошка гал Малик баҳодирни уч минг отлик билан ва яна бир сафар Жаҳоншоҳни бир ярим минг отлик билан юборди. Улар келаётгани ҳақидаги овозалар тасдиқлангач, Султони ғозий Баҳром жалойирни уларга муқобала қилишга ҳарчанд унда масин, рози бўлмади. Султони ғозий ва Кайхисрав икки минг отлик билан жўнаб кетишиди. Шулар жумласидан беш юз суворийни Султони ғозий ўзи билан олиб шошилинч равишда Ховос қишилоғидан шабгири қилди ва тонг пайтида Жаҳоншоҳга зарба берди. Ундан ўтиб, Малик баҳодир лашкарини ҳам тўзгитиб юборди. Яна олға юриб ғулда турган йигирма минг отлика ташланиб, уларни тор-мор қилди. Бу уч лашкарга мансуб қочоқларнинг олд қисми амир Ҳусайн олдига етиб боргач, у ўзича: «Албатта, бу лашкар ортидан мўғул лашкари келаётгандир, акс ҳолда шунчалик кам сонли жангчилар бу қадар довюраклик билан бостириб келишмасди», – деб ўйлади. Шу фикрнинг ўзиданок (271) орқага чекина бошлади.

Ушбу уруш-савашлар бўлаёттган бир пайтда Баҳром жалойирга ҳамроҳ бўлган мўғул лашкари талончилик қўлини мусулмонлар мулкига чўзиб, ҳаддан ошиқ ғоратгарликлар қилишаётганди. Султони ғозий шундай фикр қилди: Ҳусайн орқасидан таъкиб қилса, мўгуллар ўлим майдонида зўравонлик қилишади ва қиёмат куниди бу ҳол учун жавобгарлик унга юкланди. Уларни даф этишини мухимрок, деб ҳисоблади ва жиловни мажусийлар тарафга бурди. Мўгуллар вилоятда пароканда бўлиб кетишганди. Кай бирини йўликтирса, ҳаялламай бўйнига килич урди. Мўгуллар ҳам олган асиirlарини жой-жойида қолдириб қочиб кетишиди.

Роса қор бўралаб бўрон кўтарилигани, каттиқ совук одамларнинг сувяк-суяигигача ўтиб кетаётганига қарамай, амир Ҳусайн яна бир бор лашкар тортиб келди. Султони ғозий Сайҳун дарёси кечувларини ишғол қилган эди. Ёғий ногораси садолари эшиштилганда, Султони ғозий дарҳол бурғу чалишни буюрди. Кароунос лашкари шу қадар юрак олдириб кўйган эдики, бурғу садосининг ўзинигина эшитиши биланок, бу гал ҳам жиловни орқага буриб коча бошладилар. Амир Ҳусайн фитна каттарганини ва (куч билан) бостириш мумкин бўлган даражадан ўтиб кетганини англади. Сулҳ эшигини қоқиб, бир неча улуғлар воситачи-лигига сулҳ тузди. Султони ғозий, агар амир Ҳусайн ўз кароргохига кайтиб кетса, изма-из боришга рози бўлди ва худди шундай қилди.

Иттифокан, шу орада Ҳурсон лашкари то Балҳ чегараларига довур боскин ясаган эди. Бадахшон лашкари ҳам сарҳаднинг кўп жойларини босиб олганди. Султони ғозий амир Ҳусайн билан мулокот қилган кун-

нинг ўзидаёқ, амир Ҳусайн ҳазратни ўз ўғли билан бирга (272). Бадахшон осийларини бостиришга жўнатди ва ўзи Ҳирот тарафга отланди. Султони ғозий бир ой ичида ул нохияни мухолифлардан тозалаб қайтиб келди. Айни мулокот найтида Шайх Мұхаммад Баён ва Кайхисрав ёгий бўлишгани ҳакида хабар келди. Амир Ҳусайн дархол Султони ғозийни уларни даф этишга юборди. Султони ғозий бу вилоятни тарк этиб, то Самаркандгача борди, сўнгра бир неча кун Шаҳрисабзга келиб турди.

Шу ҳол асносида амир Муайяд шаробхўрлик килаётганида бир оламни ўлдирди. Хундорлар ёрдам сўраб амир Ҳусайн олдига келишди. Ҳусайн элчи юбориб, амир Муайядни кўлга олиб келтиришни буюрди. Катта Хоним табиатидаги магурурлиги туфайли Султони ғозийни (амир Муайядни) химоя килмоқка даъват этди. Амир Ҳусайн элчиси зуғум килмоқда эди. Султони ғозий зарурат юзасидан опасининг сўзига кириб, амир Мусо ва аксар амирлар иттифоқлигига яна бир бор исён байроғини баланд кўтарди. Али Ясовурий насиҳат килиб исённинг олдини олмокчи бўлди. Ҳиндуда Қарқара мажлисда шамширнинг бир зарби билан унинг бошини елкасидан учириб юборди. Шундан кейин ҳамжиҳат бўлиб тўпланиб. Балх тарафга отланишиди. Ҳузор касабасига келиб тушишгач, Султони ғозий амир Мусони гулда кўйди ва ўзи манғлой бошида йўлга тушиди. Амир Мусо ғоят юраксизлиги туфайли ваҳимага тушиди ва ўзининг хос навкарлари билан итоатсизлик килди. Султони ғозий бунга ортиқ аҳамият бермади ва Суюрготмиш ўғлонни бир гуруҳ баҳодирлар билан манғлой тарзида жўнатиб, ўзи ғулни бошламишний килиб йўлда давом этди.

Амир Ҳусайн уларни даф этиш учун катга лашкар йўллади. Султони ғозий коровуллари уларни Термиз навохийисида тор-мор келтирдилар. Шундан кейин амир Ўлжойту (273) ва Кайхисрав лашкарлари билан келиб кўшилдилар. Шайх Мұхаммад Баён ҳам мададга стиб келди. Амир Ҳусайн амирлар етиб келганидан вокиф бўлгач, мукобала килиш имконсизлигини англади. Қальға бекиниб, мустаҳкамланиб олди. Султони ғозий амирлар билан иттифоқликда Суюрготмиш ўғлонни хонлиқ таҳтига ўтказди ва лашкар тортиб Балх дарвозаси олдига келди. Зиндаҳашам найман лашкари билан етиб келди. Иттифоқликда шаҳар дарвозаларини таксимлаб, ўрнашиб олишди. Ҳужум ва карши ҳамлалар бир неча кун такрорлангандан сўнг, бир куни амир Ҳусайн жами саркардалари ва сипоҳини жанг қилиш учун ташқарига чиқарди.

Тасодифан айни шу куни лашкарнинг аксар кисми чопқинга кетган эди. Қамал килиб турган лашкарлар бўшашиб колган бир пайтда, амирзода Умаршайх ўн олти ёшида бўлишигига карамай, ботирларча ҳамла килиб, ёғийни хандақга улоктириб ташлади ва қиличининг бир зарби

билин хандақ күприги аркенини кесиб ташлади. Шахар ахолиси унинг устига баҳорда ёккан дўл каби қалин ўқ ёғдиришди. Амирзода (ўкларни) назар-писанд килмай, дарғазаб шерлек наъра тортарди. Ногоҳ бир чархандоз казо чархидан ўқ узди. Чарх ўки амирзоданинг муборак оёғига шу қадар зарб билан санчилдики, пайкон учи узангини тешиб ўтди. Амирзода Умаршайх (жанггохни) тарқ килиб орқага кайтди. Султони ғозий унинг ярасини кўриб каттиқ кўрқди ва жарроҳларга пайконни олиб ташлашини буюрди. Жарроҳлар эҳтиёткорлик билан иш тутишиди. Муборак оёғининг баъзи жойлари киймаланган эди. Бамаслаҳат, агар киздирилган Темир сих билан куйдирилмаса, оёғи томирларидан кон окиши тўхтамайди, леган фикрга келишди. Мабодо токати етмай колса, деб шарбатга бехуш қиласидан дори аралаштириб ичирмокчи бўлишди. Амирзода Умаршайх уларни жеркиб бериб, оёғини олдинга узатди. Яллиғланиб турган сихни бир неча бор (274) ўқ ўрнига босиб олишди ва кон тўхтади. Асаблар ўрнига тушди. Амирзоданинг муборак чехрасидаги бирон мўйин кимирламадиям ҳатто. Жами улуғлар хайрат бармогини тишлаб, таҳсинлар айтишди.

Амир Ҳусайн тақдир панжаси унинг тадбири тилсимиға йўл берма-ётганини кўрди. Ўз подшохи Одил султонни даргоҳга юбориб, ҳажга жўнашга рухсат беришларини илтимос килди ва ўзининг гахту салтанатдан воз кечиб, колган умрини факирлик ва мискинликда ўтказишга карор килганини айтди. Султони ғозий унинг илтимосини кондирди ва бу хусусда аҳднома битди. Амир Ҳусайн бунга эътиmod килмади ва ярим кечаси ҳазинадан бир канча жавоҳирлар олиб, кўргон тепасидан тушди ва ўзини кўчабоғларга урди. Қулфат ғубори унинг басират кўзини шунчалик тўсиб кўйган әдикни, чикиб кетиш йўлини тополмади. Ногоҳ тонг отиб, атроф ёриша бошлади. Бечора гоят саросимага тушшиб аланглаб, бир минорани кўриб колди. Бориб унинг тепасига чиқди. Бир тұякаш бир неча кун бурун тұясини йўқоттан бўлиб, уни ахтариб ҳар томонга чопиб юради. Йўли минора ёнидан ўтиб колди ва унинг тепасидан (теварак-атрофни) кўздан кечирмокчи бўлди. Баландга кўтарилиганды амир Ҳусайнни кўриб колди. Уни танимаган бўлса ҳам, амир Ҳусайн унга ўзининг кимлигини билдириб кўйди ва сукут саклаши учун унга бир неча дона марварид берди. Тұякаш марваридларни Султони ғозий ҳузурига келтирди ва воксанни сўзлаб берди. Амирлар уни кўлга олиш учун югурдилар ва бир зумда ҳазрат олдида ҳозир килдилар. Амир Темур султонлар суннатига мувофик уни ёсокка етказди. Амир Ҳусайн кирк йил умр кўрди ва ўн йил хукумат тепасида турди. У 772 (1370) йилда катл килинди.

## **ҲАЗРАТ СУЛТОН СОҲИБҚИРОН ТАБАҚАСИ: УНИНГ ТАРТИБИ, АҲВОЛИ ВА ХИСЛАТЛАРИ ҲАҚИДА ХАБАРЛАР**

(275) Онҳазратнинг феъли ва ахлоқи, тартиби ва ёсоги ҳакида андак зикр килинади. Унинг мулку миллат ишлари ҳамда дину давлатнинг зарур юмуниларини ҳал этиш юзасидан кўрсатган гўзал интилишлари ва таҳсинли тиришишлари. Ҳитой сарҳалидан то Румнинг узок чеккаси ва Фаранггача, Ҳинд ўлкаси тугаган жойдан Мағриб ва Занг диёrlари бошланишигача, байт:

Зи шўроби Чин то ба талхоби Занг.  
Зи сарчашмай Нил то руди Ганг,

(Чиннинг шўр сувидан Зангнинг таҳир сувигача,  
Нил сарчашмасидан Ганг дарёсигача),

мусаххар ва мусаллам қилган ёркин ниятлари ва тўғри тадбирлари тилга олинади. Гарчанд онҳазратнинг фсъли ва ахлоқи, таҳсинга сазовор ишлари ва ёсоги, адолати ва инсофи, фаросати ва донолиги ҳамда савобкорлиги бир даража мушоҳада этилган ва баъзи ишончли, маърифатли ва машхур кишилардан эшитилган бўлса-да, у фахрли ишлардан бир сагри ва у хайрли тадбирлардан озгинаси Рум кайсарлари ва Ажам хисеравларининг, Чин хоконлари ва Араб кабила бошликларининг, Ҳинц рожалари ва Яман тождорларининг, Сомон сулоласи ҳамда Буйя шажарасига мансуб подшоҳлар ва Салжук сultonларининг изларини йўқотиб юбора олади. Ушбу зикр килинган жами мамлакатларни у ўз тасарруфи доирасига киритди. Бундан кейинги сатрларда онҳазратнинг хислатлари шарҳи келади. Мисра:

Гар умр амон дихад, ба арзи ту расад.  
(Умр вафо қилса, (муаллиф) сенинг васфингни ёзишга етишади).

Девон ишлари тартиби ва сultonлик килиш тарзлари ҳақида шундай бир коидани жорий этдики, у то олам инкиrozигача акли комил

вазирлар учун дастур ва тажрибали ҳокимлар учун ёрлик (276) бўла олади. Унинг давлати ва икболи юлдузи (балкиши) шу даражада эди-ки, бир отлик билан бир диёрни олар, бир сўз билан вилоятларни забт этар, таҳдид килиши биланок тинн-тироғигача қуролланган лашкарни тор-мор келтирас, бир дўк билан сон-саноқсиз қўшинни жойидан қўзғатарди. Унга каршилик қўрсатиш фикрини ҳеч ким хаёлига ҳам келтиролмас, унга рўпара бўлиш истаги бироп кишининг кўнглидан жой ололмас эди. Чунончи, Искандарнинг галабалари ҳакидаги ривоятлар бекор бўлди ва Рустамнинг шиҷоати тўғрисидаги овозалар сўниб қолди. Оламнинг мисли йўқ ҳукмдори ва борликнинг яратувчиши рубъи маскуннинг очкич ва калитларини «Бу ер шак-шубҳасиз Оллоҳницидир. уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур» калималари тақозосича унинг кудрат қўлига тутказди. Унинг фаолияти куёши Машрик томондан порлаб чикканида, мамлакатлар ва вилоятлар осмонининг юлдузлари хисобланмиш олам султонлари йўқлик ва завол Магрибига итиб ботдилар. Гарчи унинг жангу жадаллари баёни ва ҳумоюн макомотиу рафтори битилган асарлар ва тўпламлардан таҳсинли ишлари ва мактовли хулк-атвори офтоб файзи каби жаҳон уфкларида машҳур ва тилларда достон бўлса-да, яна бу белоён денгизга шўнғиб, фасоҳат излаб сузишади. Аммо унинг тарихини ўзга султонларники янглиғ батафсил қаламга олишолмайди. Унинг ишлари, ахлоки ва икболи шарҳини кискача ёритиб, ҳар турли (вокеалардан) бир намуна ва ҳар боблан бир шингилдан ортигини битишмайди. Балки бунга умр вафо кильмайди. Агар замонлар ўтишига қарамай саломат колишиса ва кунни тун ва тунни кунга улаб, (277) унинг даврони ва ҳёти вокеаларини битишга машғул бўлишса, оқибат олам умри поёнига етади ва ҳеч кимнинг қаламкашлик куввати ул окёнусни тавсифлашга етмайди. Донишманлар хотираларининг лавҳалари ва фозиллар кўнгилларининг саҳифалари учун ойу йилларнинг ажойиботи ва давру айёмларнинг ғаройиботи бўлмиш Амир соҳибқирон (умрининг) ҳакиқий мазмуни ва унинг номдор уруғи ривоятининг тўғри баёни маҳфий қолмасинким, ул кишининг кальяларни очувчи гурзисининг зарбаси ва жаҳонни забт этувчи қиличининг ҳамласи тақдир тилаги, азал ҳукми, казо ва қадар иродасига мувоғик содир бўлганди. Сиёсатининг қаттиқлиги, истилосининг одиллиги ва афзаллиги, лашкар тортмок ва жаҳонни идора қилмок тартиблариким, булар давлат событигининг муқаддимаси ва абадий саодат бардавомлигининг қондасидир, ул киши томонидан баркарор ва юксак бир даражага етказилган эди. «Мен мингта

китоб битганимда ҳам унинг булутидан томган бир қатрадан бошка нарса эмасман». Энди ожизлик ва хатокорлик макомида бўлса-да, «камлик кўплика далолатдир» (матали) ҳукмига биноан ул зотнинг баъзи хислатлари ҳақида кискача сўз юритилади, токим бундан унинг илмининг камоли ва давлатининг тез юксалиши далилларини кўрсинаш. Олам ахли учун жаҳонгирик ва жаҳондорлик равишилари, кудрат ва сиёsat камолоти, мардлик ва шиҷоат шеваси ҳеч бир замон ва асрда катъий тартиблар билан белгилаб кўйилмаган эди. Ҳеч бир тарихда бу тарздаги фараҳбахш хабарлар маълум ва муайян эмасдир. Оллоҳ таоло ўз кудрати, иродаси ва лутфу инояти камолидан ва «Сен истаган кишингта мулк ато қилурсан» (ояти) ҳазинасидан жаноб шаҳриёрнинг ҳумоюн зотини жанг килмок, лашкар тортмок ва жаҳонгирик тартибларига алоқадор ишларга қобилиятли килган эди. Душманларнинг шавкатини синдириш, ҳокимларни макомидан маҳрум килиш ва турли (278) ҳийлаю тадбирларни ишга солишда шу даражада эдки, Искандар тилсимлар ва мушкулотларни ҳал этишга нақадар моҳир бўлмасин, агар унинг замонида яшаганида эди, унинг топкирлиги ва заковатидан таълим оларди ва тилсимотларни ечишга канчалик зўр бермасин, унга бўйсунишдан яхширок натижага эриша олмаган бўларди. Бунга энг яққол далил шуки, у кам сонли кишилар билан амирликка мутасаддий бўлиб олди ва тадрижий равишида Чин сарҳадидан то Шомнинг нариги чеккасигача. Ҳинднинг узок этакларидан то Фаранг денгизигача ҳар бири замон фағури ва даврон хисрави бўлган неча-неча кудратли ва лашкарли подшоҳларни, савлатли ва шавкатли душманларни қай тарзда мағлуб ва тобе килди. Кимки уни мукобала ва жанг билан қарши олган бўлса, бундайларни тобслари, авлоди, молу мулки, вилояти ва диёри билан бирга йўқотиб юборди.

Ихлоси поклиги ва ақидаси соғлиги жиҳатидан юксак осмон даргоҳига юзланди ва хизматлари туфайли Оллоҳнинг қуллари ва назаркардалари каторидан мустаҳкам жой олди. Замон зўравонлари ва даврон золимларининг пешонасини итоат остонаси ва забунлик заминига ишқалади. Жаҳон сарварлари ва оғоқ саркашларининг бўйинларини тобелик сиртмоги ва қуллик ҳалқасига киритди. Бахти уйғоқ бўлиб, мулоҳимлик ва викор билан иш юритарди. Кун сайин ошиб бораётган давлатини тартибга солишда ақли унга йўл кўрсатувчи эди. Унинг жаҳонни безатувчи тафаккури туфайли қуёшнинг жаҳонни безашибга эҳтиёж колмади. Гарчанд у мулоҳим табиатли бўлса-да, унга тоғ ҳам бардош беролмасди. Агар Рум

қайсарлари унга хизмат килиш шарафига мұяссар бўлишганида, ундан жаҳонни идора килмок тартибларини ўрганишган. форс хисравлари ва араб ҳукмдорлари эса унинг ўй-фикри ва ниятларидан жаҳонни забт этмок йўл-йўрикларини укиб олишган бўларди. Фозиллар асарлари битилган дафтарлар сахифалари унинг зикри (279) билан тўлиб кетган Чингизхон ҳакидаги жами ҳикоятлар бошдан-оёқ куруқ чўпчакка ўхшаб колган. Жаҳондорлик соҳасида у тажрибали ҳонлар ва дунё кўрган ҳукмдорлардан устунлик тўпини тортиб олди. Икболи николи, равнак ариғидан сув ичиб, «унинг илдизи (ер остига) маҳкам ўрнашган, шохлари эса осмонда» оятига мувофиқ, шу кадар қуюқ соя солган эдики, тубий дарахти жаннат чаманида «кимки унинг соясидан баҳраманд бўлса, унга эҳтиром кўрсатинг», дея ҳасрат соянини жон чехрасига солди. Унинг бутун даврони ва айёми мобайнида Ҳинд ва Чин атрофларидан то Миср ва Шомнинг энг узок вилоятлари ва Магрибнинг чеккаларигача (бўлган ҳудудлардан) кўплаб одамлар унинг ҳумоюн ўрдуси сари отланишарди. Шеър:

Зи шарку зи ғарб ва зи ҳар марзу бүм,  
Зи Ҳиндистон то ба аксоини Рум,  
Бузургон бадон боргоҳ омади,  
Хиромон ба наздики шоҳ омади.

(Шарқдан, ғарбдан ва ҳар бир ўлқадан,  
Ҳиндистондан то Румнинг узок чеккасигача,  
Улуғлар бу боргоҳга келишиарди,  
Хиром килиб шоҳ олдига стишарди).

Ҳамиша адолатни мустаҳкамлап ва давлат асосларини бунёд этиш, мулқдорлик шартлари ҳимояси, динпарварлик ва давлатчилик коидаларини ўрнатишда шунчалик ишлар килдики, унинг васфини даврлар инкирози, ходисалар гирдоби ёки вакт оқимининг вайронкорлиги хирадаштира олмайди. Шеър:

Зи Туронбар то ба ҳадди Ҳинду Рум,  
Жаҳон шуд мари уро чу як мухра мум.  
Ҳамоноки то растахиз ин сухан,  
Миёни бузургон нагардад кўҳан.

(Туронзаминдан то Ҳинд ва Рум сарҳадларигача,  
Жаҳон унинг учун мумдан ясалган мунчоқдек бўлиб колди.  
Шундай экан то киёматгача бу сўзлар  
Улуғлар орасида эскириб колмайди).

Унинг дохиёна ва хикматли тадбирларидан яна бири шу элики, фукаро ва илм толибларининг вакфлар ва мадрасаларга бўлган хукукларини (хар кимнинг) ҳакига лойик ва вакф килувчининг шартларига мувофик тайип қилас. катъиян ва асло вакф молига даҳл этмасди. Вакфлар молидан унинг хазинаси учун хеч нарса олмаслик ҳақида вазирларга фармон берган эди. Илму хикмат ахли (280) ва фан арбобларига ёоятда эътиборли эди. Уларни эъзозу икром килишда муболағалар кўрсатарди. Тарих китобларини эшитиш оркали қавмлар насиби ва шарҳи ҳолларини, турк, араб ва ажам подшоларининг бўлган жойлари ва килган ишларини ҳамда бу илмнинг тармокларини жуда чукур эгаллаган эди. Мунаввар кўнгли ва муборак хотири бир равшан кўзгуга айланган бўлиб, сирлар акси, фикрлар туви, ишлар оқибати ва тадбирлар хотимаси офтоб шуъласи янглиғ унинг наздига ойдин ва яккол эди. Унинг саодатли идораси тасарруфи доирасига кирган барча мамлакатлардаги майхоналар ва майфурушлик дўконларини ёттириди. Ҳолбуки, Бағдоднинг «Сук ус-султон» идан, шунингдек, Табриздан, Султониянинг узун кўчасидан, Шерознинг «Дор ул-латаф»идан, Кирмоннинг куйи кўчаси ва Хоразмдаги майхоналардан ҳар куни бир неча туман маблағ йиғиларди.

Яна унинг мажлислинда илмий масалалар баҳси жуда кўп бўлиб турарди. Нозик масалаларни у яхши тушунар, аксар ҳолларда (унинг фикри) асосли ва тўғри бўларди. Тиб ва нужум илмларининг машҳур масалаларида кўпинча ҳозиржавоблик қиласарди. Ахлоқининг гўзаллиги шу даражада эдики, унинг сўzlари ва рафтгорининг ҳусни жами фазилатлар бобининг дебочаси бўлди. Унинг юриш-туриш тарзи гўзал хулклар ва одатлар дафтарининг сарлавхаси бўлди. Ўзининг аксар вактини сайидлар, олимлар ва машойхлар билан сухбатлашишга сарф қиласарди. Шеър:

Уро аз ҳама донише баҳра буд,  
Ба шоҳи ва соҳибдили шуҳра буд.  
Худо ҳар киро сарфарозий дихад,  
Мапиндорки, онро ба бозий дихад.  
Ки онкас сазовори шоҳий бувад,  
Ки манзури лутфи илоҳий бувад.

(У ҳамма илмлардан баҳраманд,  
Шоҳлик ва олийжаноблик билан машҳур эди.  
Худо ҳар кимга юксак мартаба берса.  
Шунчаки берибди-да, леб ўйламагин.  
Шоҳликка сазовор бўлган киши,  
Илоҳий лутфга мушарраф бўлгандир).

(281) Чунончи, ўтган бобда (айтилганидек) амир Ҳусайн ўз кўнглида Амир соҳибқиронга гайр бўлди ва тарафдорлари, тобслари ва яқинларини ундан жудо этиб, уни заиф ва забун килмоқчи бўлди. Амир Ҳусайнинг баъзи хатти-харакатлари туфайли амир Мусонинг ҳам ундан кўнгли қолган эди. Шу аснода у Амир соҳибқиронни ёгий бўлишга ундали. Амир соҳибқирон рози бўлмади. Амир Довуд, амир Сорибуғо, амир Жоку, амир Муайяд, амир Ҳусайн (барлос), Ҳожи Сайфиддин, Аббос баҳодир, Оқбуғо баҳодир, Элчи баҳодир ва Шайхали баҳодир – барчаси амир Мусо билан бирлашиб (ҳазратни) кўндиришга роса уриндилар. Амир соҳибқирон деди: «Бундай ҳолат илк бор юз берганида амир Мусо ва бошқа амиrlар мени ёгий бўлмоққа ундалилар. Шундан сўнг мен уларнинг сўзига кириб, айтгандаридек иш тутдим. Оқибатда эса мени ҳеч ким қўлламади. Ниҳоят минг уринишлар билан факат ўзимнинг харакатларим туфайли бу можарони бартараф қилдим. Энди бу гал ҳам: «Бир марта тажрибадан ўтказганини қайта тажриба килган киши надоматга колур», дегандаридек бир бор синаган ишимга қандай килиб яна қўл урай»??

Амир Жоку ва Давлатшоҳ Бахши ҳоли жойда бўлиб ўтган воқеалар ва ишларнинг оқибати ҳакида узок сўзлаб, тарғибу ташвиқ килишди ва, ниҳоят, Амир соҳибқирон рози бўлди. Олдинги воқеадан сўнг у ўз кизи Ако Бегини Али Ясовурийга номзод килган эди. Ушбу кенгаш пайтида, гарчи уни чакирмаган бўлсалар ҳам, ногоҳ ўзи келиб мажлисда ҳозир бўлди. Амир соҳибқирон ва бошқа амиrlар уни ўз ниятларидан хабардор килишди. У эътиroz билдириб, уларни бу фикрдан кайтармокчи бўлди ва ўзининг бир канча андишаларини уларга айтди. Амиrlар ундан хавфсирашгани учун, йигилган халойикнинг хошиш-иродасига кўра, уни ёсоққа стказишиди ва ўз ниятларida ҳамжиҳат бўлишди. (282) Дарҳол Ҳинду Қаркарани Шайх Мухаммад Баённи чакириб келтириш учун Туркистонга жўнатишиди ва ўзлари амир Ҳусайн қасдида лашкарлар тўплаб отланишди. Юриш тартибини шундай тайинлашди: амир Мусо гулни бошқаради ва Амир соҳибқирон ўзи манғлойга бош бўлиб йўлга тушади. Хузорга етишгапида амир Мусо гоят кўркоклиги туфайли ишнинг оқибатидан вахимага тушди ва ярим тунда ўзига тобе кишилар билан отларга миниб, яширинча Самарқанд тарафга жўнади. Амир соҳибқирон унинг хиёнатидан воқиғ бўлгач, Суорғотмиш ўғлон, амир Муайяд, амир Ҳусайн (барлос) ва бошқа баҳодирларни манглойда кўйиб, ўзи гулда турди. У Оллоҳга таваккул килиб, амир Мусонинг ажраб

кетганидан саросимага тушмади. Лашкар манғлойи Термизга етганида амир Ҳусайн ўз кўшинининг катта кисмини Ҳалил, Ҳиндушоҳ ва Пўлодбуғолар бошчилигида манғлой тарзида жўнатган эди. Улар Амир соҳибқирон баҳодирларининг қораларини кўришгач, хатто ўқ отмасларидан илгари, узокдан тум-таракай кочиб орқага кайтиши. Амир соҳибқирон у ердан Буёга жўнади ва лашкаргоҳ курди.

Амир Сайд Барака икки муқаддас шаҳар (Макка ва Мадина) вакфларидан йиғилган маблагни олиш учун амир Ҳусайн хузурига келган эди. Ундан вакфлардан йиғилган молни беришини сўраганида, амир Ҳусайн бунинг катта микдордаги маблаг бўлишини кўриб рад килди. Шунингдек, у амир Сайд Баракага сайдларга муносиб бўлган даражада илтифот кўрсатмаган эди. У бундай муомала туфайли аразлаб, (амир Ҳусайндан) кетишга изожат сўради ва ушбу манзилда Амир соҳибқиронга келиб кўшилди. Сайд Барака ноғора, туғ ва мамлакат ёрлигини Амир соҳибқиронга пешкаш килиб, бор ҳиммати билан ҳазрати расул ва Муртазо Али алайҳумассалом руҳларидан мадал сўраб, эзгу тилаклар (283) тилади. Амир соҳибқирон унинг нафаси ва қадамини кутлуг ва саодатли билиб, икки муқаддас шаҳарга карашли бутун вакфларнинг дахлсизлигини эътироф килиб, булардан йиғилган маблагни унга топширди. Шунингдек, у Сайд Баракага иззат-хурмат кўрсатишни шунчалик ўрнига қўйдик, бутун олам ахли то киёматгача буни нақл килажакдир.

Амир соҳибқирон у ердан эсон-омон кўч қилиб, Чагониёнга борди. Бу ерда амир Жоку сулдуз қавмини батамом жам қилиб, лашкарга келтириб кўшди. Шундан сўнг шавкат билан йўл босиб Ивож (Айвож) деган манзилга келиб тушдилар. Бу ерда Шайх Мухаммад Баён ва амир Ҳинду Каркара музaffer лашкаргоҳга келиб бирлашдилар. Шундан сўнг амир Ҳусайн тарафидан Қундуз ва Баглонда ҳукм сураётган амир Ўлжойту шоҳ Шайхмуҳаммад Бадаҳшоний билан иттифоқликда ул вилюятлар лашкарларини тўплаб, Хулм қасабасида Амир соҳибқиронга келиб кўшилишди. Улардан сўнг яшириниб ҳар куни бир сахро ва ҳар замон бирон тоғ тепаларида тентираб юрган амир Кайхисрав етиб келди ва у ҳам амирлар билан ҳамжиҳат бўлди. Алкисса, баён қилганимиз тарзида барча сарҳадларнинг амирлари ва жами вилюятларнинг ҳокимлари ўзларини Амир соҳибқироннинг итоати доирасига киритдилар. Унинг ишлари ўзи хоҳлаганидек равнак топаётган эди. Амир соҳибқирон лашкарларни жанговар сафга тизиб, баронгор, жавонгор, гул, хировул ва қанбулларни тартибга солди. Ҳар бир кишини вазият такозосига кўра ўзининг жойига қўйди. Манғлой баҳодирларини ол-

динга чиқарыб, тұла ясол торған ҳолда, шундукомиши<sup>1</sup> килиб олға юрдилар.

Амир Ҳусайн баходирлари ва бошка қароунос амирларидан Пұлодбұғ, Халил, Малик, Хирман ва Хиндүшоҳ кабилар рўпарадан келаётган эдилар. Октемур баходир, (284) Шайхали баходир, Хитой баходир ва Аббос баходирлар ўша куни биргаликда шундай ишлар килишдики, буларни васф кilmok ё тасвиrlамoқ имкондан ташкири бир ишдир. Шайхали баходир (ёвни) писанд килтмай, қароунос лашкари ўртасига ёриб кирди ва қўшин оркасида турган Чўпон сарбалорни кўлга тушириб, ҳазрат олдига келтириди. Амир сохибкорон шу тарзда ясол тортиб Орбаз манзилига келиб гушли ва катта тўй килиб, Суюрготмиш ўғлонни подшо килиб кўтардилар. У ердан ҳар кунги ясолни яна тартибга солиб, асов дарё ва олов сочувчи булат каби олға босишиди. Балх лашкари тушкунликка тушиб, паришон ва забун ҳолатда кочиб, шахарга кириб олди. Амир Ҳусайн бутунлай ноумид бўлиб, девор ва дарвозаларни ишғол кilmok, буржларни мустажкамламокка киришиди. У калья ичкарисида қамалиб ўтироқка карор килган эди. Мисра:

То худ фалак аз парда че орад берун.

(Фалак ўзи парда ортидан бирон нарса намоён килар).

Лашкар сафлари кальяга жипс етиб келгач, шаҳарни гўёқим нукта каби ўртага олиб, ўнгу сўлдан ўров доираларини чизишиди. Амир Зиндаҳашам ҳам Шибирғон лашкари билан етиб келди ва бошка амирлар каби даргоҳ мулозимлари каторидан ўрин олди. Шундан сўнг иттифоқликда, уларга қоида бўлганидек, барча ноғора, довул ва бурғуларни салога келтириб, сурон кўтаришиди. Сўнгра ўз юртларида мурчолга<sup>2</sup> тушиб ўтиришиди. Эртаси куни тонг найтида келишилганидек Балх девори теварагида бошка бир девор тиклашди ва муҳосара ишларига машғул бўлишиди. Қароунос лашкари отглик ва пиёда ҳолида дарвозалардан ташкари чикиб, хандак теварагида тўхтаб чапарлар ўрнатиб, мушак, ўқ, найза ва чарх отишиди. Султони ғозий лашкарининг баҳодирлари (285) уларни то дарвозагача кувиб боришиди. Баъ-

<sup>1</sup> Шундукомиший – бу ҳарбий атама иккى маънога эга: 1) душманни изма-из таъкиб этмок; 2) иккى кинининг отта мингашиб юриши. Doerfer, Gerhard. Turkische und mongolische Elemente in Neopersischen. Band I, Wiesbaden 1963. S. 348. (B. II, 1965; B. III, 1967; B. IV, 1975. Бундан сўнг изоҳларда асар номи кискача Doerfer. Turkische... тарзиде келтирилади).

<sup>2</sup> Мурчол ёки малжор – қамал килаётган лашкар томонидан тикланган окоп тарзидаги муваққат истехком.

зилари дарвозадан кочиб киришди, баъзилари эса ўзларини хандакга ташладилар. Бу пайтда ўн олти яшар бўлган амирзода Умаршайх ўша жангда ярадор бўлди.

Коронғи тушгач, ҳар иккала лашкар осойиш ногорасини чалиб, жангу жадални бас килишди. Коровуллар (лашкаргоҳдан) ташкари чикишди ва посбонлар Балхнинг девор ва буржларини кўрикламокка машғул бўлишди. Амир Ҳусайн бутун тунни вахима ва изтироблар билан ўтказди. Тонг оттач, унинг амирлари ва баҳодирлари ҳар кунги одат бўйича жанг қилмок учун ташкари чикмокчи бўлишди. Аммо амир Ҳусайн ўзининг толеи пастлиги ва баҳти кайтганлигини англаб, уларга рухсат бермади. У ўзининг подшоҳи Одил Султонни катта ўғли Жаҳонмалик билан хизматга йўллаб, агар Амир сохибкирон уни омон қолдириб, ижозат берса, салтанат ва хукуматдан воз кечиб. Каъба зиёратига кетажаклигини маълум килди ва бу хусусда аҳднома юборилишини илтимос этди. Амир сохибкирон унинг жонини ўзига бағишилаб, илтимосига биноан аҳднома ёздирди ва хажга кетишига рухсат берди. Юборган кишиларига яхши муомала килиб кайтарди. Амир Ҳусайн вужудини қоплаган кўркув ва вахима зўридан, аҳдномага эътимол килиб ташкари чикишга журъат этолмади. Тунда иккита ҳамроҳи билан ҳазинадан бир канча жавоҳирларни олиб, яширинча пиёда юриб, қалъя деворидан пастга тушлилар. Ўша кечаси эрталабгача йўлни йўқотиб, бирон яширинадиган жой тополмади. Фоятда бешармлиги туфайли у икки ҳамроҳини ҳам бир ишга (286) чалғитиб, ўзи уларнинг ёнидан қочди ва бир миноранинг тепасига чикиб яширинди.

Амир сохибкирон амир Ҳусайннинг илтимосига кўра аҳднома ва шафкатомиз ҳукмлар юборгач, у ташкари чикиб ўз ихтиёри билан мамлакатни топширас, деган умидда лашкарни жангдан саклаб, унинг ташкари чикишини кутиб турди. Шаҳар ҳалки ҳамда дарвоза ва буржалар мухофизлари амир Ҳусайн ташкарига чикиб кеттанидан бехабар эдилар ва ҳар кунги одатга кўра шаҳар ва қалъя деворларини кўриклаб турган эдилар. Иттифокан, бир одам ўз отини<sup>1</sup> излаб ўша атрофда айланиб юради. Ногоҳ ўша минора тепасига чикиб, узоқ-якинни кўздан кечиришни шайтон унинг кўнглига солди. Тепага чикиб караса, амир Ҳусайн бутун бир мамлакатдан воз кечиб, бир парча ерга қаноат килиб, бир қанча жавоҳирларни олдига териб ўтирибди. У подачини

Отини – юкорида, асарнинг биринчи таҳриридаги амир Ҳусайн ҳакидаги фаслда «түясини» дейилган (Мунтакаб, 274-бет). Муаллиф баёнидаги бундай тафовутлар у ўз асари учун маълумотларни ҳар хил манбалар ва турли кишилардан олганини кўрсатади.

кўриб колгач, ваҳиманинг зўридан унинг оёғи остига йикилиб, фарёду фифон билан ларди дилини тўкиб солди. Сўнгра бир шода йирик марваридни сукут саклаш ҳаки тарзida унга бериб, ундан ўзини асло кўрмагандай бўлиб юришини ва сирни яширин саклаб, бирон жонзодга ошкор қилмасликни ялиниб-ёлворди. У малъун бу шартга кўниб, тепадан настга тушди ва шу замоннинг ўзида бор кучи билан чопиб, ҳазрат Амир соҳибқирон олдига келди ва амир Ҳусайн аҳволини унга маълум килди.

Шу соат ва шу оннинг ўзида амир Муайял ва бошқа амирлар отларга миниб, жиловни қўйиб юбориб чоптиридилар ва минорани қуршаб олиб, пиёдаларни тепага чикардилар. Бечора амир Ҳусайнни (287) жуда хўрлаб, дод-войига қарамасдан у жойдан пастга туширдилар ва қўл-бўйини бояграб, ҳазрат Амир соҳибқирон олдига элтдилар. (Уни кўрганда) хосу омнинг вужудидан нидо отилиб чиқди ва барча каттаю кичик жам бўлдилар. Амир соҳибқирон унинг конидан кечиб, қилмишлари устидан афв ва кечириш чизигини тортмокчи бўлди. Аммо амир Кайхисрав йигилганлар орасида тик туриб, ўзининг укаси, илгари ҳам зикр килинган Кайқубоднинг хунини амир Ҳусайндан талаб кила бошлади ва бу борада роса муболағалар килди. Эскидан колган одатга кўра, амир Кайхисравнинг сўзларини инобатга олиш зарур зди. Шу сабабли Амир соҳибқирон (амир Ҳусайнни) ҳимоя килолмади. Амир Ўлжойту кўз кири билан ишора килди. Амир Кайхисрав ва амир Муайял дарҳол амир Ҳусайнни ташкарига судраб чиқариб, дарбор олдида оҳу зорига қарамасдан шаҳид килишди.

Воқса бундай бўлгач, шаҳарликлар дарҳол Балхни таслим этишди. Фатҳдан сўнг амир Ҳусайннинг ўғилларини ҳам қатл килишди ва хотинларини олий ўрдуга элтишди. Унинг неча йиллик ҳазина ва лафиналарини келтириб, тўплаган жамики мол-дунёсими майда-чуйда нарсаларгача амирларга бўлиб берилди. Амир соҳибқирон кўргонни ер билан яксон килишни буюрди. У вилоят ҳалкини ишга жалб килди ва жамики ишларда адолат коидасига мувофик ялгича тарх жорий этди.

### **АМИР СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТ ТАХТИГА ЧИҚҚАНДАН СЎНГ РЎЙ БЕРГАН ЖАМИ ФАТҲЛАР ЗИКРИ**

Амир соҳибқирон Балхни фатҳ этиш ва у ердаги бошқа юмушларни саранжом килгач, жўнаш жиловини доруссалтана Самарқанд тарафга бурди. Ҳар каердан келган амирларга ўз хошишларига биноан (288)

ватанларига кайтишга рухсат берди. Амир сохибкирон музни кўприк килиб, Жайхун дарёсидан ўтди ва Шахрисабзда бир неча кун тургач, Самарқандга йўл олди. У бу табаррук шаҳарни ўзининг тахтгоҳи қилиб тайинлади ва шаҳар деворларини қурдирди. Унинг шариф зоти истикомат қиъмоги учун бу ерда бир қатор уйлар бино қилишди. Самарқанд кисқа фурсатда шунчалик гуллаб яшнадики, олий жаннатта таъна килиб, ер юзининг беҳиштига айланди. Шаҳарнинг теварак-атрофилда ҳам кўркам боғлар ва дилкаш иморатлар бунёд этишди. Рубъи маскуннинг барча жойларидан жуда кўп одамлар бу муборак шаҳар томон отланиб, ҳазрат Амир сохибкироннинг адолати ва марҳамати соясидан паноҳ топишиди.

Амир сохибкирон фурбат ва маҳрумлик йилларида Оллоҳ гаоло олдидага қандай аҳду паймон қилган бўлса, айни ушбу тарик ва қоидалар асосида худонинг ҳалқи билан муомала қилишни ўзига касб этди. Аввали барча йўлларда ёмлар барпо этишни буюрди ва ҳалқ ўтиб-кечадиган жойлардаги ҳаробаларни тузатиб обод қилдирди. Олий работлар ва хонакоҳлар қурдириб, факиру мискинлар учун хайрия тарзида уларнинг эшикларини очиб кўйди. Яна ҳазрати расул саллаллоҳу алайхи васаллам хонадони аҳлига муҳаббат билан қарашни ўзига фарз билиб, сайдларга нисбатан мислсиз эъзозу икром ва эҳтиром кўрсатди. Имомлар, ислом уламолари, қозилар ва улуг шайхларга бўлган хурмат-эътиборини шу даражага стқаздики, илму фан беҳад равнак топиб, талабаларнинг нафакаси лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ қилиб белгиланди. Бунинг натижасида бир неча минг нафар турли илмларни эга юлган сохибкамоллар, санокка сифмайдиган даражада кўп калби дарё исгеъдод эгалари унинг улуғвор хонадони саховати ҳадялари нуридан замона чехрасида зоҳир бўлдилар. Камолот хильъатини кийган ҳар бир олим ва (289) етуклик нишони бўлган ҳар бир фозил иззат, марта ва шуҳратга сазовор бўлди. Чунончи, Амир сохибкирон шу муддатгача заминнинг бепоён гиламида яшовчи ҳалойикнинг шоду хуррамлигига боис бўлиб, шундай улкан бир давлатни идора этди ва мозий сultonлари афъоли ва ўтмиш амирлари атворидан «Тоза нарсани ол ва ифлюсини кўй» (матали) такозосига кўра, мулк ишларининг яхшиланиши ва мусулмонлар манфаати учун хизмат қиласидиган қоидаларниги ўзига шиор қилиб олди. Булардан бошқаларига эътибор қилмас, балки улардан нафратланарди. Андак фурсатда Амир сохибкироннинг барча тобслари ва яқинлари, аркони давлатдан тортиб, ҳазратнинг аъёнларигача жами амирлар ва вазирлар «Одамлар подшоҳларининг динига эътиқод қиласидар» (матали) га мос хислатларга эга бўлишди. Колган

авом ҳам «инсон эхсоннинг кулидир» дейилганидек, итоат камарини жон белига боғлаб, мисра:

Жон камарвор бар миён бастанд,

(Жонни камар каби белга боғлашди) ва хизмат бошини ихлос чизигига қўйдилар. Масалан, агар Амир сохибкiron Mashrikka ёки Kирвонга отланса ва бирон кимсанн ўз пойтахтида ноиб сифатида қўйиб кетса, аълоҳазрат бўлган вакт ва ўрнига ноиб идора қылган пайтдаги ахвол орасида қылчалик ҳам фарқ бўлмасди. Сиёсатда танқол ва ссок истеҳкомини шу даражада мустаҳкамлаган эдик, вахима ва шубҳа унга дахл килолмасди. Адолат ўрнатишда шу қадар гайрат қилдики, унинг салобатидан фил пашибага тавозе қиларди. Бани башар ўртасида бирдамлик расмини барқарор қилди ва адованату хусумат бутунлай орадан қўпди. Жаҳон ободонликка юз тутди ва аҳли жаҳон ҳар жиҳатдан эмин ва фарогатли турмушга эришилар. Бўриларнинг панжа ва тирногини (290) кисқа қилди, кичикларни кучли ва катта қилди. Ҳар бир кишига молу мулк ва мартабани шунчалик бердики, бундан ортигини тасаввур қилиб бўлмасди. Бениҳоя адолатпарварлиги жиҳатидан барча замонлардаги (ҳукмдорлардан) устун эди.

Шундан сўнг Амир сохибкiron ўзича фикр юритдики, амир Мусо даставвал бизнинг давлатимиз хонадонига хизматкорлик ҳукукини исбот қилиб, бизга мақбул бир тарзда қатъият ва ижтиҳод қадамини босди. Сўнгра эса ундан андак хато содир бўлди. Аммо шу туфайли уни бу кенг давлатдан ноумид қилиш мурувватдан бўлмайди. Бинобарин, Жоникига уни дарактаб чақиришни топширди ва касрдан бўлмасин, топиб келтиришни буюорди.

## АМИР МУСО ҲИКОЯСИ ВА ЖОНИКИНинг УНИ ТОПИБ КЕЛТИРИШГА БОРГАНИ

Жоники ҳазратнинг буйруғига бўйсуниб, Туркистонга жўнади ва ўша вилоятда амир Мусога этиб олди. (Ҳазратнинг) иноятномасини бир чопар орқали унга стказди ва ўзи ҳам чопарнинг изидан борди. Амир Мусо Жоникининг келганидан вokiф бўлгач, уни қўлга олиб ўлдириш, сўнгра эса Даشتி Қипчок ёки Мўғулистон мамлакатига бош олиб кетишига ҳозирлана бошлади. Шу ниятга жазм этиб отланди ва ясол тортиб, Жоникининг устига юрди. Жоники ҳазрат Амир сохибкironнинг тарбия корхонасида иш ўрганган бўлиб, замона мизожи ва амир Мусонинг феълини лозим даражада биларди. Шу сабабли у йўлдан чет-

лашиб, кулай бир жойга вазиятдан бохабар бўлиш ва теварак-атрофни кузатиб туриш учун коровул кўйди. Бу коровул амир Мусонинг йўл босиш тарзи ўзгачарок тусда эканлигини кўргач, (291) бунинг тагида бир шумлик борлигини англади ва бориб Жоникини бундан воказиф қилди. Жоники хам дархол йўлдошлари билан отланди ва ўз лашкарини пиистирмада кўйиб, ўзи ўта эҳтиёткорлик билан бир тепалик устидан туриб кузатди ва (амир Мусонинг) кадам олиши бошқачарок эканлигини кўрди. Жоники оркага қайтиб, ўз лашкарига ясол торгтириб, (яширинча) уни таъкиб килиб борди. Қоронги тушгач, тўрт тарафдан унинг устига шабихун килиб, лашкарини тўзғитиб юбориши. Чунончи, амир Мусо озгина одами билан Ўтрор тарафга кочди. Жоники унинг уғрукини қўлга тушириб, вазиятни муфассал тарзда амир Қарлиғочга тушунтириди ва ўзи қайтиб кетди. Амир Қарлиғоч лашкарларни отлантириб, барча йўлларни тўсиб кўйди. Натижада амир Мусо зарурат ва ноиложликдан Шибиргон тарафга жўнади ва Зиндаҳашам билан бирлашди. Зиндаҳашам бир қалтафаҳм ва телбасифат одам бўлгани учун унинг иғвосига учиб, бошини Амир соҳибқиронга итоат ҳалқасидан чиқазди ва сардорлик ва сарбадорлик гамаъси унинг димоғидан жой олди.

## АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ҚУРУЛТОЙ ЧАҚИРГАНИ ҚИССАСИ ВА ЗИНДАҲАШАМНИНГ УЛУҒ ҚУРУЛТОЙГА КЕЛИШДАН БОШ ТОРГАНИ

Хижрий 773 (1371/72) йилга мутобик бўлган тўнғиз йилининг баҳори кириб, қуёш гардиши баҳорги кун ва тун тенглиги нуктасига стгач, Амир соҳибқирон Чингизхон тўрасига мувоғиқ кутлуг ният билан курултой чакирди. Қандахор чегараларидан то Хўтан этакларигача бўлган жами сарҳадлар амирлари ва вилоятлар ҳокимлари олампаноҳ даргоҳига бош уриб келиши. Оламнинг турли жойларидан йигилган ҳалойик (292) шу кадар кўп эдикӣ, Конигил водийсидаги ўтовлар уларга етмай қолди. Катта тўй берилгандан сўнг, келаси йишининг тункол, қули<sup>1</sup>, ясоқ ва жори<sup>2</sup> мулқу мамлакат аҳволига муносиб равищда тасдик килинди. Молу хирож ишларини юритиш тартиба солинди. Ҳар кимга жиргадаги ўрни, ҳуқуқи ва мартабасига яраша муносиб суюрголлар ва йирик укулкалар<sup>3</sup> тайин килинди. Олий фармонлар ва ёрликларга имзо

<sup>1</sup> Кули – тартиб; низом.

<sup>2</sup> Жор – жар, давлат тарафидан килинадиган зълон.

<sup>3</sup> Укулка – саркарда ва жангчиларни рағбатлантириш учун мукофот тарзида бериладиган маблағ.

кўйилиб, кўнгиллари овланиб, хурсанд бўлган (курултой иштирокчи-ларига) кайтиб кетишга ижозат эгилди.

Чунончи, олдин айтиб ўтилганидек, Зиндаҳашам Шибирғоннинг метин-мустаҳкамлигига мағур бўлиб, қурултойга келмади. Амир соҳибқирон унинг келишдан бош тортгани сабабини билиш учун элчи юборди. Зиндаҳашам элчига роса эъзоз-икром кўрсатиб: «упинг изидан ўзим етиб бораман» деган мазмунда пайтом юборди. Элчи кайтиб келиб пайтомни етказгандан сўнг, Шибирғондан бир киши кочиб келиб, шуни маълум килди: «Зиндаҳашам бутунлай ёғий бўлиб, адоват зохир килмоқда. Ҳазратнинг остонасига бош уриб, унга қуллук қилиш мақсадида Хурсондан келаётган Тилончи Арлотни Зиндаҳашам кўлга олиб ўлдириди». Амир соҳибқирон унинг сўзини эшитгач, воқеанинг аниқлигини текнириш учун уч кун сабр килди. Воқеанинг ҳакиқат экани маълум бўлгач, (Зиндаҳашам билан қариндошлигини) юз хотир килиб, амир Ўлжойтуни чакириди ва бу ногаҳоний ҳодисага карши чора изланини буюорди. Жами амирларнинг маслаҳати ва амир Ўлжойтунинг маъқуллаши билан насиҳатомуз яхши мактублар ёзиб, амир Ҳожа Юсуф ва Тобон баҳодир орқали Зиндаҳашамга юборди. Зиндаҳашам ҳар иккала амирни ҳибсга олиб, ошкора адоват кўрсатиб, лашкар тўплашга (293) машғул бўлди. Амир соҳибқирон у субутсизнинг қилмишлари ҳакикатидан викиф бўлгач, газаб таёнини кўчиш ногорасига уришни буюорди. Тавочилар булжорни муайян килиб, узок-яқиндаги лашкарларни чакириб келиш учун от солдириб кетдилар. Чунончи, бир ҳафта мобайнида барча қўшин жам бўлди ва ҳамжиҳатлик билан Шибирғон томон отланиб, Жайҳундан кўприк боғлаб ўтиши. Лашкар тўёқим узук ҳалқаси каби Шибирғонни ўртага олиб жойлашди. Зиндаҳашам ўзининг ўт ва сув орасида гарк бўлиб, ҳалокати яқинлашганини билди. У ўз жонини бу конли ўпқондан нажот соҳилига олиб чикиши лозимлигини, бу қадар улкан лашкарга каршилик кўрсатиш бефойдалигини англади. Зиндаҳашам ожизлик ва забунликдан бошка чора тополмагач, хижолат юзини шармандалик тупроғига қўйиб, амир Жоқу воситачилиги ва амир Ўлжойту ҳимоясидан паноҳ излаб, амир Ҳожа Юсуф ва Тобон баҳодирни шафоат учун ҳазрат ҳузурига юборди. Амир Ўлжойту соч-соқоли оқарған бошини муборак боргоҳнинг давлат ошиён остонасига уриб, Амир соҳибқирондан Зиндаҳашамнинг конидан кечишини сўради. Бопқа амирлар ҳам уни кўллаб, узр ва шафоатдан сўзлаб, бирғаликда тиз чўкиб илтимос қилишди. Аълоҳазрат Зиндаҳашамнинг қилмишлари устидан авф ва кечириш чизигини тортиб, унинг гуноҳидан ўтди. Сўнгра амир Мусони топширишни талаб

килди. Зиндаҳашам қўргон тепасида туриб, қилич ва кафанин бўйнига осди ва юзини ерга каратди. Шундан сўнг амир Мусони ўз укаси Ислом билан ҳазрат ҳузурига юборди ва музaffer лашкар қайтиб кетгач, ўзи ҳам изма-из (294) етиб боришга ваъда берди. Амир сохибқирон амир Мусога тоятда эъзоз-икром ва эҳтиром кўрсатди. «Ўтган ишларни эслама» (матали) га мувофик, ўтган-кетгган ишлардан хеч бирини унинг юзига солмади. Молу мулки ва элу улусини барқарор ҳолида ўзига багишилаб, уни ўзи билан бирга Самаркандга олиб борди. Зиндаҳашам Самаркандга келишга жазм этди ва тухфаю ҳадялар ҳозирламоққа киришиди.

### **ЗИНДАҲАШАМНИНГ ТЕРМИЗ ХОНЗОДАСИ БИЛАН ИТТИФОҚЛИКДА ИККИНЧИ МАРОТАБА ЁГИЙ БЎЛГАНИ ҚИССАСИ**

Зиндаҳашам эл бўлишга мойиллик билдириб, ташқарига чиқишга ҳозирлик кўраётган бир пайтда, Термиз хонзодаси<sup>1</sup> «Соҳиб уззамоннинг пайдо бўлиш вакти якинdir ва мамлакат мерос тарнкасида унга ўтади», деган тамаъ билан бутун оламга (куйидагича) овоза тарқатди: «Мен тушимда ҳазрат Расул ва Муртазони кўрдим. Уларнинг руҳсати билан мен мұхаммадий динни мустаҳкамлагумдир. Барча хосу ом бу тадбирда менга иттифокчи бўлишлари вожибдир». У шу мазмунда бир мактуб ёзил, унда бир қатор режаларини айтиб, мактубни Зиндаҳашамга йўллади ва уни бутунлай йўлдан оздириди. Зиндаҳашам Самаркандга жўнаш ниятидан воз кечиб, кўл остидаги лашкарлар билан Термиз хонзодасига бориб кўшилди ва биргаликда Термиз вилоятида боскин ва горатгарчиликлар килишиди.

Бу хабар Амир сохибқироннинг муборак хотирига маълум бўлгач, зудлик билан шу соатнинг ўзида Хитой баходир ва Аргуншоҳ баходирга манғлой лашкарига бош бўлиб, уларни даф этиш учун отланишини буюрди. Амир сохибқироннинг ўзи ҳам бир неча кундан кейин бутун лашкар билан сафарга чиқишга карор киради. Зиндаҳашам ва хонзода ўз лашкарларини чопқин учун ҳар тарафга таркатиб, ўзлари кам сонли кишилар билан ғул (295) ясад ўтиришганида. тоғдан тоғгача жирга ясад, ҳайбат ва ваҳшат билан келаётган ғолиб аскарларнинг кораси кўринди. Зиндаҳашам ва хонзоданинг кўз олдиларида жаҳон

<sup>1</sup> Термиз хонзодаси Термиз сайидлари хонадонидан бўлиб, мазкур сайидлар ўз вақтида сомонийлар сулоласи ва бошка ҳукмдорлар билан куда-андада бўлишлани учун «хонзода» (худовандзода, хондзода) лакабини ҳам олишган.

коронғилашди. Улар саросимага тушиб, минг мاشаққат билан отларини эгарлаб, суворий бўлишдию, барибир тарқок лашкарни тўплай олмадилар. Шу тариқа ёнларидаги одамлар билан Шибирғон томонга кочиб, кўприкдан ўтдилар. Ёят ваҳимага тушишгани ва лашкар изларидан стиб олишидан хавфсирашгани учун кўприкни бузиб кетдилар. Уларнинг талон-тарож учун ҳар тарафга тарқалиб кетган аскарлари бирин-кестин етиб келишарди. Хитой баҳодир ва Аргуншоҳ баҳодир уларнинг қочаётганидан вокиф бўлишгач, отларини чоптириб изларидан таъкиб қилишди ва аксар чопкинчиларни асир олишиди. Улардан баъзилари кўприк бузиб ташланганидан бсхабар бўлишгани учун, жонларини бу конли ўпқондан пажот соҳилига олиб чикиш умидида кўприк томон чопдилар. Аммо кўприк бузилган жойга етиб келгач, саросимадан довдираб колишди ва баҳодирларнинг ўқ ва киличлари зарбидан кўркиб, ўзларини сувга отишди. Улардан баъзилари ўқка нишон бўлди, баъзилари эса Жайхунга чўкиб кетди, юздан бири ҳам ўз жонини омон сақлаб қоломмади. Баҳодирлар соғ-саломат ўлжаларни олиб Термизга келиб тушишди ва ғалаба хабарини улуғ ўрдуга маълум килишиди. Сўнгра бу вилоятга доруға тайинлаб, орқага қайтишди. Амир соҳибқироннинг фармонига биноан амир Жоку ўша қишида Хатлон, Қундуз ва Баглон лашкарлари билан келиб, Шибирғонни узоқдан туриб муҳосара қилди ва ҳеч бир тарафдан Шибирғонга бирон нарса элтишларига йўл кўймади.

## СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ БИРИНЧИ БОР МЎГУЛИСТОН ТАРАФГА БОРГАНИ ҚИССАСИ

(296) Амир соҳибқирон Зиндаҳашам ишидан кўнглини фориғ этиб, юқорида баён қилинганидек уни қуршовга олдиргач, шу йилнинг кузида амирлар билан иттифоқликда лашкарларни жам қилиб, Мўгулистон тарафга жўнади. У Ўзганд ва Фарғона вилоятларидан мўғулларни ҳайдаб юборди ва то Хитойгacha (бўлган ерларни) забт этишга қарор қилди. Камура ва Урумтемур кариб уч-тўрт минг хонадон мўғул билан келиб, олғормиший сурори шарафига мұяссар бўлишди. Бундан сўнгроқ Амир соҳибқиронга илгаридан таниш бўлган Кебектемур мўғул келиб, оstonбўслик давлатига мушарраф бўлди ҳамда итоат ва хизмат камарини жон белига боғлаб, ғажарчи бўлишни ўз зиммасига олди. Ўша замоннинг одатига кўра, у вилоятни чопкин қилиб таладилар. Шундан сўнг (Амир соҳибқирон) Мўгулистонни тўлалигача Кебектемурга топширди ва унинг дастини узун қилиб, то Корахўжагача

бўлган ерларни унинг ёрлиги ҳукми доирасига киритди. Ўзи саодат билан қайтиб, пойтахт Самарқандга келиб тушди.

Қиши ўтиб, 774 (1372–1373) йилга мутобик бўлган сичкон йилининг баҳори келгач, Зиндаҳашам Шибирғонни амир Жокуга таслим қилиб, ўзи хижолат ва шармандалик билан қилич ва кафан олиб, ҳазрат Амир соҳибқироннинг мулозимати ва қуллуғи давлати умидида йўлга тушиб, исёну туғён кулфатидан халос бўлди. Ҳазрат Амир соҳибқирон ҳам уни иззат-хурмат билан кабул қилиб, афв ҳилъати билан сарафroz этди ва ҳумоюн ўрдуга мулозим қилиб тайинлади. Бундан кейин унга Шибирғонга қайтишга руҳсат этмади.

## КЕБЕКТЕМУРНИНГ ЁГИЙ БЎЛГАНИ ВА АМИРЛАРНИНГ УНИНГ УСТИГА ЮРИШ ҚИЛГАНИ ҚИССАСИ

(297) Кебектемур Мўгулистонни ишғол этгач, у еринг тарқок лашкарларини баъзиларига ваъдалар бериб, баъзиларига эса таҳдид қилиб, (кўл остига) тўплади ва ўзини ғолиб ва қудратли ҳис қилди. Унинг димоғига шайтон йўл топиб, ўзича шундай тасаввур қилдики, гўё энди Амир соҳибқирон минбаъд Мўгулистонга келмайди ва у ўз мақсади йўлида мўгулларни бирлаштиргач, бундай лашкар билан худди Чингизхон каби жаҳонгир бўлади. Бу хабар оғиздан-оғизга ўтиб, Амир соҳибқироннинг кулогига етди. Онҳазрат дарғазаб бўлиб, ғоятда қаҳр билан буюрди: «Баҳром жалойир, Аббос баҳодир ва бошқа баҳодирлар катта лашкар билан Мўгулистонга отланиб, уни даф этсинлар». Улар ҳам фармонга биноан лашкарларга бош бўлиб, Мўгулистон тарафга жўнадилар.

Улар ёғий лашкари ҳудудига етишганида, Баҳром жалойирнинг эли тўпланиб ўзаро келишиб, ўз амирларини олиб ёғий бўлиш ва бориб Кебектемурга кўшилишга қарор қилдилар. Баҳром бу воеадан воказиф бўлгач, амирлар билан бу хусусда машварат қилди. Амирлар ушбу дамда бу воеани ёпиклигича пинхон тутиб, фитначиларга (уларнинг қарори) ўзига маълум эканини билдираган маъкул, дейишиди. Маслаҳат юзасидан укулко расмига кўра, уларга бир оз ғамхўрликлар кўрсатиб, кўнгилларини овлаб, хозирча ғофил колдирилilar. Шундан сўнг ёғий якинига етиб, жанговар сафларни ростладилар. Кебектемур ўз лашкарини катта бир сувнинг ёқасида жойлаштириб кутиб турган эди. Олдинда катта сув тургани сабабидан лашкар ўтолмагани учун, амирлар зарурат юзасидан сувни ўргада қолдириб ёсол тортишли. Хи-

той баҳодир (298) ва Шайхали баҳодир бир-бирлариға таассуб килиб, бутун юриш давомида талошмиший<sup>1</sup> килиб келишганди. Улар ҳар иккаласи зудлик билан ўзларини сувга отиб, тезда ундан кечиб ўтиб, ҳамла килдилар. Чунончи, ўша куни бу икки баҳодирдан кагта ишлар зоҳир бўлди. Улар бир неча бор бир-бирларини хавфли ва ҳалокатли ўпконлардан ташқари олиб чикишиди ва сог-саломат ўз лашкарларига келиб кўшилишди. Кебектемур уларнинг ишларидан ҳайратда колди ва ўз килмишидан пушаймон бўлиб, амирлар билан сулҳ тузди. Амирлар ҳам буни вакт тақозоси, деб билишди ва оркага қайтдилар. Юкорида айтиб ўтилган, жалойир қавмига мансуб фитначилар гуруҳининг барчасини ёсокка етказнишди. Сўнгра у ердан қайтиб, ҳазрат Амир соҳибқирон ҳузурига келдилар.

### АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ МАРОТАБА МЎГУЛИСТОНГА ЮРИШ ҚИЛГАНИ ҚИССАСИ

Чунончи, баён килинганидек, амирлар Кебектемур билан сулҳ тушиб қайтишгач, Амир соҳибқирон уларнинг барчасига газабини сочиб, роса дашном килди. Ғайрат ва ҳамияти зўридан ҳазрат ўзи мўғул тарафга отланди. Яна ўнгу сўлдан кўп сонли лашкарлар йигилди. Мўгул вилоятининг энг охиригача бориб, бу ўлкани бутуналай тозалашга карор қилинди. Кебектемур жаҳонни истило килувчи байроқлар келаётганидан хабар топгач, бир лахза тўхтаб туришга ҳам ўзида куч тоимади. На ўлик ва на тирик бир аҳволда даштга бош олиб кетиб, қочишни ихтиёр этди. Унинг бадкорлиги туфайли мўғуллар ср билан яксон бўлди ва Мўгулистон остин-устун қилинди. Шунингдек, чопкинчилар у вилоятларнинг теварак-атрофларига боскин (299) ва талон-тарож қилиб, жуда кўп ўлжаллар ва саноксиз бойликларни кўлга киритиб оркага қайтишди. Душман тарафдан кўнгил тўла хотиржам бўлди.

Амир соҳибқирон фармонига кўра ногорачилар саодат билан қайтиш ноғорасини чалиб, юртчилар<sup>2</sup> қайтиш манзилларини кўздан кечириб, фаррошлар саропарда ва давлат боргохини Самарқанд йўлига тикишди. Шундай килиб, кўча-кўч бошланди ва Зартук манзилига етиб келишди. Иттифокан, амир Мусо, Зиндаҳашам,

<sup>1</sup> Талошмиший – мусобака. Doerfer. Türkische II. B. II, S. 543.

<sup>2</sup> Юртчилар – кўшин қароргоҳ куриши учун кулай жой танлаб, хозиргарлик кўриб турадиган бўлинма.

амир Хизр Ясовурийнинг ўғли, Термиз хонзодаси ва шайх Абу-лайс Самарқандий ўзаро иттифок қилиб, Қаросомон манзилига етганда Амир соҳибқиронни кўлга олиб, жаҳонда янгитдан фитна ва бузгунчиликни бошлаб юборишга қасам ичдилар. Тасоди-ған ўша машваратда уларга маҳрам бўлган бир киши келиб, давлатга (садоқатидан) илҳомланиб, уларнинг ботинидаги қабоҳатдан ҳазрат Амир соҳибқиронни огоҳ этди. Ҳазрат ҳузурида тешмишӣ<sup>1</sup> қилиб исбот этишини ўз зинмасига олди. Амир соҳибқирон ўзи девони олийда ўтириб, одам жўнатди ва номи зикр қилингандарни бирма-бир чакириб, ҳазрат ҳузурига келтиришди. Ҳазрат ҳузурида бу иш ёргу килинди. Ўша машваратда жуда кўп киши қатишгани учун пинҳон тутишолмади. Барчаси ўз гуноҳларини эътироф этиб, икрор бўлишди. Амир соҳибқирон яна бир бор Мусонинг гуноҳидан ўтди ва унинг килмиши устидан афв чизигини тортди. Сўнgra, сайдиллиги сабабидан ҳонзодага мамлакат ҳудудидан чикиб кетишини буюрди. Аммо ҳеч ким унинг тобслари ва яқинларига зиён-заҳмат етказмаслигини тайинлади. Шайх Абулайсга эса Каъбайи муazzамага жўнаб кетишини буюрди. Амир Хизрнинг ўғлини ҳам афв этди. Аммо Зиндаҳашамга (300) деди: «Ҳар гал янги бир фитна кўзғайсан ва ҳар лаҳза бирон улуғ одамни йўлдан оздирасан. Бундан сенинг мақсадинг нима? Шафкат ва саховатни мен сенга неча бор ортиғи билан кўргуздим. Гуноҳларинг кўплигига қарамай, сенга ҳеч қачон ва ҳеч қанақа жазо бермадим. Аммо оқибатда сен муруватга келиб, ўз хатоларингдан қайтиб, ўз нуқсонингни тузатмадинг. Бу замонда у одат сенинг табиатингга сингди ва бадфесъллик сенинг (шахсингта) бутунлай хукмрон бўлиб олди. Энди сенинг зараринг менинг мулкимга тегмаслиги учун, бугундан бошлаб бир неча кунни менинг зиндоним кунжида маҳбус бўлиб ўтказгин». Мисра: То худ ба кужо расал саранжом? (Ишнинг оқибати каерга олиб боради?)

Зиндаҳашам қазо хукмига рози бўлиб, ўзининг ёмон феъли учун берилган жазога тан берди. Амир соҳибқирон унинг кўли ва бўйнига кишин ва сиртмок солиб, оёғига оғир темир кишин кийгизишни буюрди. Фармонга биноан уни Самарқанд арқидаги зиндонга ташладилар. Ўша ерда унинг умри поёнига етди ва ғурур уйидан (бу дунёдан) риҳлат этди.

<sup>1</sup> Тешмишӣ – сўрок қилмок. Doerfer. Turkische... B. II, S. 657.

# **МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН КЕШИЙНИНГ ХОРАЗМ АМИРИ ҲУСАЙН СҮФИ ОЛДИГА ЭЛЧИ БЎЛИБ БОРГАНИ ҚИССАСИ, ВАССАЛОМ**

Амир соҳибқирон муваффакият ва саодат билан Мўғулистан сафаридан қайтиб, доруссалтана Самаркандга келиб тушгач, Хоразмга уч бор элчилар жўнатиб, (куйидагича) пайғом йўллади: «Бизнинг орамизда якин қўшнилиқ бўлгани ва ҳамиша дўстлик ҳақида сўзлаб келганимиз учун, сиз билан ҳамжиҳат эдик. Бир неча йил давомида Мовароунахрда рўй берган нотинчилар туфайли Кот ва Хива хирожини сиз гасар-руф этдингиз. Аммо олам ахлига равшанки, Чингизхон давридан то бу замонгача вилоятнинг бу икки парча сри (301) бизнинг подшоҳларга тааллукли бўлиб, шу пайтгacha ҳеч ким бунга даҳл қilmagан эди». Амир Ҳусайн Сўфи мутлако илтифот этмай, шундай пайғом йўллади: «Мен бу мамлакатни шамшир зарби билан забт этганман. Ҳар кимки бу мамлакатга даъво қилса, унга шамширдан бошқа нарса билан яқин келолмайди». Амир соҳибқирон бу жавобнинг кўполлигидан дарғазаб бўлди ва жўнаш таёғини кўчиш ногорасига уриб, таҳдид жиловини Хоразм тарафга бурмоқчи бўлди. Мовароуннахр улуглари, жумладан, мавлоно Жалолиддин Кеший, Ҳожа Асомиддин Мозий ва бошқа имомлару қозилар узр ва шафоат тили билан сўзлаб, восита ва салоҳ қадамини олдга кўйиб дейишди: «Бугунги даври давроңда ислом ахлининг фахри ва замон олимларининг макони куббат ул-ислом Хоразмдир. Унинг пок тупроғи улуғ машойихларнинг боғидир. Бир одамнинг ғарази деб, (Хоразм) сонсиз лашкар оёғи остида хору зор бўлиб, ҳалокатта юз тутмоғи муносиб эмас. Агар ижозат этилса, улуғлардан бири воситачи бўлиб, ҳар икки тарафга макбул бўладиган ҳак сўзларни айтса, токим жангу мунозара сулҳу сафога мубалдал бўлса».

Амир соҳибқирон бу гал ҳам улуғларнинг илтимоси туфайли мавлоно Жалолиддин Кешийнинг Хоразмга жўнаб, элчилик вазифасини бажариб, (Ҳусайн Сўфига) жўяли ваъз ва насиҳатлар айтишини ярок билди. Мавлоно Жалолиддин олий ишоратга биноан жўнаб кетди ва стиб боргач, элчи сифатида ўз вазифасини адо этишга кириши. Амир Ҳусайн Сўфи: «Амир соҳибқирон мендан чўчиб қолибди», деб тасаввур килдими ёки ўзига ҳаддан ортиқ ишонганиданми, кўполлик билан шундай дели: «Сизнинг мамлакатингиз дорулхарбидир ва унинг барча жойига жиҳод килиб (бостириб кириш) жами мусулмонлар учун вожибdir. (302) Шунга қарамасдан биз ҳужум қилмадик. Бизни Мовароуннахр ерларини ҳам Хоразмга қўшиб олишга мажбур этманг».

Шуни айттач, Жалолиддин Кешийни бир хилват жойга элтишларини буюрди. Бирон кимсанинг унга ғамхўрлик кўрсатишни ман этиб, бир неча ишончили одамни узоқдан туриб уни кўриклашга тайинлади.

## СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ХОРАЗМГА ОТЛАНГАНИ ВА У МАМЛАКАТНИ ОЗОД КИЛГАНИ ЗИКРИ

Амир соҳибқирон яна бир бор турли панд-насихатларни ўз ичига олган мактуб ёзди, аммо Ҳусайн Сўфи бунга ҳам илтифот килмади. Амир соҳибқирон салтанатнинг номусини риоят килиб, зарурат юзасидан лашкарларни ростлаб, 775 (1373/74) йилда Хоразмга отланди. Етиб келиши биланок, Кот кальясини забт этди. Ҳусайн Сўфи ўзининг қайсарагидан пушаймон бўлди ва сулҳ истаб, элчилар жўнатди. Кайхисрав Хатлоний ўзининг қалтабинлиги туфайли (сулҳга) тайёргарлик тадбирларини барбод килди ва Ҳусайн Сўфига маҳфий пайғом йўллади: «Унинг (Темурнинг) мизожи тузалишдан ўтган. Сен белгиланган бир кунда лашкарларингни бошлаб келгин. Мен сенинг мададинг билан бу мустабидни давлат саҳнасидан улоқтириб ташлайман». Ҳусайн Сўфи тўсатдан бор лашкарлари билан Султони гозий лашкаргоҳига бостириб келди. (Иттифокан) лашкарнинг аксар килем чопкинга кетган эди. Шунга қарамасдан, Амир соҳибқирон отга минди ва (кароргоҳда) хозир бўлган бир килем одамларга мукаммал қуролланиб, дарҳол олдидা йигилишни буюрди. (303) Тасодифан Қоғон Ўкузи номли дарё ўргада эди. Баҳодирлар қўрқмасдан жиловни қўйиб юбориб, ўзларини сувға уриб (дарёдан кечиб ўтиб) ҳамла килишди. Ҳусайн Сўфи ўз хаёлидагини амалга ошириш амри маҳол эканлигини кўргач, орқасига қайти ва ўша куннинг ўзида дилига ўрнашиб колган ваҳима туфайли касалга чалиниб, бир ҳафтадан кейин ўлди.

Хоразмликлар унинг укаси Юсуф Сўфинни тахтга ўтиргиздилар. Амир соҳибқирон шаҳарга яқинрок жойлашиб, жиддий равищда буткул мухосара килмокчи бўлди. Юсуф Сўфи узр ва шафоат юзасидан кўплаб элчиларни ҳазрат ҳузурига юборди. Амир соҳибқирон ҳам сулҳга розилик билдири ва унинг биродарининг қизини<sup>1</sup> ўз ўғли Жаҳонгирга номзод килиб, қайтиб кетди. Аммо бундан сўнг Юсуф Сўфи аҳдни бузиб, ўз ваъдасига вафо килмади. Амир соҳибқирон яна

<sup>1</sup> Яъни Оксўфининг кизи Хонзодани. Унинг асл исми Севинбека бўлиб, онаси Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг кизи эди.

сафарға отланди. Юсуф Сүфи бу гал ҳам әлчишар ва мактубларни ора-га солиб, ғазарру ва зорланишлар қилиб, (хазратнинг) чексиз карамидан паноҳ излади. Амир сохибқирон Ёдигор Барлос ва улуғ Ўлжайтуни унинг кизига совчиликка жўнатди. Юсуф Сүфи уларни эхтиром билан кутиб олди ва муродига етиб, ўз кизини улар билан (ҳазрат) даргохига юборди.

Амир сохибқирон Урусхонга<sup>1</sup> карши (уруш) ҳолатида турган бир пайтда, Юсуф Сүфи ниҳоятда калтафаҳмлиги туфайли, бир неча ўғрини (сохибқирон) мамлакатининг сарҳалларига, туркманларнинг тияларини хайдаб келишга жўнатди. Ўзи ҳам кудрати ва имконига яраша бузғунчилик қилиш учун отланди. Амир сохибқирон Урусхоннинг фитнасини (304) бартараф қилгандан сўнг, хотири ранжиганлигини етказиш ва шикоятларини айтиш учун унга әлчи юборди: «Ҳар икки тарафдан иттифок баркарор бўлгандан сўнг, бу хил хатти-харакатларни кандай тушунмоқ керак?» Юсуф Сүфига бу сўзлар қаттиқ ботиб, әлчини банди килди ва ихтилоф юзасидан ҳаё пардасини буткул очиб ташлади.

Амир сохибқирон 781 (1379–1380) йилга мутобик бўлган кўй йилининг илк баҳорида катта лашкарлар билан Хоразмга отланди ва Эски Ўкуз дарёсидан кечиб ўтиб, шаҳар ташқарисига келиб жойлашди. Тавочилар дархол хумоюн даргоҳдан ишорат олиб, туманлар ва ҳазоралар ўз мурчолларига жойлашишларини тунқол килдилар. Куронлар атрофига чукур хандак казиб, девор ҳам тиклапшили ва бехавотир муҳосарага машғул бўлишли. Ҳар куни икки маҳал жанг бўларди. Бир куни амир Юсуф Сүфи паҳлавонлик даъвосини қилиб, Амир сохибқиронни (яккама-якка) жангга чорлади. Амир сохибқирон бир ўзи от чоптириб, хандак ёқасига келди. Юсуф Сүфи ўз сўзида турмади ва шарманда бўлди. Амир сохибқирон бир муддат тўхтаб туриб, сўнг оркасига кайтди. Бошка куни Юсуф Сўфининг биродари бўлган Ёйик Сўфи кўп сонли қўшин билан шабихун килди. Амирзода Умаршайх кўпинча мукаммал куролланган бир неча қўшунни эхтиёт учун саклаб турарди. Дархол ушбу жамоат билан отланиб, шундок жонбозликлар кўрсата бошладики, теварак-атрофдан бир гурух баҳодирлар мададга етиб келишли. Иттифоқан, ҳар икки лашкар дарё (ва шаҳар) ўртасида жон-жаҳдлари билан киличбозлик килишарди. Амирзода Умаршайх наъра тортиб, бор

<sup>1</sup> Урусхон – Олтин Ўрда парчаланишини натижасида Сирдаре шимолидаги пайтло бўлган Оқ Ўрда давлати кени (1364–1375).

куч-куввати билан (305) ҳамла қилиб, душманни орқага чекинишга мажбур килди ва ўзи ҳам аралашиб, ичкарига кириб кетишига сал колди. Ногаҳон нишонга олиб отилган бир ўқ амирзода Умаршайхнинг муборак билагига тегди ва уни сафдан чикарди. Баҳодирлар жиловни тортиб орқага қайтиши.

Эртаси куни Амир сохибирон кўчишни буюриб, қалъа девори якинига келиб жойлашди. Шундан сўнг манжаник ва арродалар учун тепаликлар бунёд этиш ҳамда раъд ва каробугроларни<sup>1</sup> созлашга бошладилар. Манжаникнинг сопконидан отилган дастлабки тош қаршидаги миноранинг битта куббасини уриб тушириди. Бошка бир тош Юсуф Сўфи қасрининг пештоқига бориб тегди ва уч қаватни вайрон этиб, қарийб юз газ деворни қулатди. Бунинг ваҳимасидан Юсуф Сўфини қалтирок босиб, унинг шиҷоатига путур етди. Шаҳар муҳандислари манжаник тошларига қарши тадбир сифатида ичига сомон ва пахта тўлдирилган тери коплар тайёрлашни ўйлаб топишиди. Амир сохибирон нефть идишларидаги (ёнувчан) моддани ўқ учida уларнинг бу мосламасига қаратиб отишни буюрди. У бирданига ўт олди ва бунинг даҳшатидан шаҳар ахолисининг дилини бутунлай ваҳима коплади. Юсуф Сўфи у мавзесдан бошка жойга кўчиб ўтди ва бир неча кундан кейин ушбу заҳматлар туфайли вафот этди.

Хоразмликлар Ёйик Сўфини унинг ўрнига ўтказмокчи бўлдилар. Хожалок у билан низолашиб юргани учун рози бўлмади. Ёйик Сўфи уни ўлдиришни қасд килди. Хожалоқ бундан вониф бўлгач, дархол ўз кўл остилаги дарвозани топшириб, (ҳазрат) даргоҳига жўнади. Амир сохибирон фурсатни ғанимат билиб, дархол ногораларни гумбурлатиш ва (306) иттифокликда «султоний жанг» ни<sup>2</sup> бошлишни буюрди. Шаҳар бир лаҳзада фатҳ этилди. Неча-неча йиллар давомида тўпланган жамики бойликлар, етти иклим султонларининг ҳасратига сабаб бўлган нафис буюмлар ва ганжиналар тасарруф килинди. Амир сохибирон шаҳар ахолисининг барча аслзода хонадонларини ва машхур кишилар жамоасини кўчиритириб, Шайхали баҳодирни доруғаликка тайинлаб, қайтиб кетди. Хоразм ўрнига қуббат ул-хазро Кешни буғунги кунда ҳам мавжуд бўлган (янгича) тарҳда куриб, Хоразмдан кўчиб келгандарни шу ерга жойлаштириди.

<sup>1</sup> Раъд ва каробугро – ўтсоchar камал куроллари.

<sup>2</sup> Султоний жанг – лашкарбоши тарафидан асосий кучлар майдонга ташланадиган ҳал қилувчи жанг.

## СУЛТОН СОХИБКИРОННИНГ ХУРОСОН ФАТХИГА ОТЛАНГАНИ ВА УЛ МАМЛАКАТ ХУКУМАТИНИ АМИРЗОДА МИРОНШОХГА НОМЗОД КИЛГАНИ ЗИКРИ

Амир сохибкирон Ҳоразм фатхидан фориғ бўлгач, амирзода Мироншоҳга эллик кўшун ҳамда эл-үтуси билан кўчиб. Балх водий-сига бориб ўрнашиши тайинлади. Шундан кейин онҳазрат катта курултой ўтказиш харакатига тушди ва Ҳиротдан малик Ғиёсиддин ва Калотдан Алибекни Ҳуросоннинг бошка сардорлари билан биргаликла (курултойга) чакирди. Алибек (Калотий Жоникурбоний) етиб келди, аммо малик Ғиёсиддин хануз вилоятларнинг ҳосилини кальяларнинг омборларига ташиттирганини баҳона килиб, фурсат сўради ва шундай жавоб ёзди: «То Ҳожи Сайфиддин келмагунча, менинг бормогим узрлидир». Амир сохибкирон (курултой ҳакидаги) хужжатни тасдиклаш учун Ҳожи Сайфиддинни юборди. Аммо малик Ғиёсиддин ўз ваъдасига вафо килмади. Үнинг ботинидаги нијатлар Амир сохибкиронга маълум бўлгач, ушбу йил кузида амирзода Мирношоҳга Ҳирот вилоятига лашкар тортиб, то (307) Бодғис худудигача бориб, вилоятнинг аксар кисмини ғорат ва талон килиб келишни буюорди. 783 (1381–1382) йилга мутобик бўлган товук йилининг баҳорида Алибек жўнатган одамлар етиб келишди ва Амир сохибкиронни Ҳуросон юришига тарғиб килиб, белгиланган бир кунда Алибек жоникурбон (қабиласи) лашкари билан Мурғоб дарёси ёқасида (Амир сохибкиронга) келиб қўшилмокчи эканини айтишиди. Амир сохибкирон уларни тезда оркага қайтариб юборди ва бутун лашкарлар билан Ҳуросон фатхи азмида сафарга отланди. Алибек ваъдасига хиёнат қилиб, келмади. Амир сохибкирон эътибор бермади ва Ҳуросон кальялари ичидаги метин-мустахками бўлган Фушанж кальясини камал килишга машғул бўлди. Бу биринчи зарба бўлгани учун, унинг даҳшати Ҳуросон аҳолисининг дилига ўрнашсин. деб амирлар ва шахзодаларга бор кучлари билан жонбозлик қўрсатиб жант килишни буюорди. Ўзи ҳам баҳодирлар билан ёнма-ён туриб, дарвозага жуда яқин келди. Иккита ўқ муборак қалконига келиб тегди, аммо ҳазрат эътибор бермади. Ушбу саъй-ҳаракат натижасида шундок метин-мустахкам калья бир лаҳзада фатх этилди.

Бу хабарнинг ваҳимасидан малик Ғиёсиддиннинг кўл-оёқлари шалвираб қолди ва ўз баҳтсизлигининг муқаддимаси рўй берганини англади. Амир сохибкирон Фушанж фатхидан сўнг хумоюн байроқларни

Хирот муҳосараси томон йўналтириди. Малик Гиёсиддин гарчанд (308) нарра шернинг панжасига муковамат килиш ожиз тулкининг иши эмаслигини ва бўрон ҳамласига сабот билан бардош бериш бечора пашшанинг куввати доирасидан ташқари эканлигини билса-да, номусни риоят килиш учун ўз лашкарининг баходир ва жанговар кишиларидан иборат катта бир тўпни жаҳонни забт этувчи қўшинга пешвоз чикишга юборди. Чигатой хировуллари уларга одат бўлган коидага кўра, дастлаб хийла билан орқага ческиниб, уларни олдинга тортишди ва «урушда маккорлик жоиздир» маталига биноан, уларни бogg'учалардан ташқарига олиб чикишди. Шундан кейин шафкатсиз тиғ билан уларга мардонавор ҳамла килиб, то кўрғон дарвозасигача барчасини отларнинг туёклари остида ер билан яксон қилиб ташлашди. Гўёқим хазон фаслида кучли шамол баргларни срга тўккандек эди. Шундан сўнг мўғул ва кўчманчилар билан бўлган жангда тозик голиб бўлолмаслиги ва нарра шернинг панжасига охунинг шохи тоб келтиролмаслиги малик Гиёсиддинга равшанрок маълум бўлди. У ўзи ва халқидан умидини узди. Ҳайҳот, ҳайҳот, шиддатли сенни хасу ҳашак йигиб ва куму тупрок тўкиб, қандай тўхтатиб бўлади ва жаҳонни куйдирувчи оташ алангасини сув томчиларини сепиб ўчириб бўлурми?! Малик Гиёсиддин заруратдан жон таъласасига хос ҳаракатлар килди ва хийланайранг ишлатиш умидила бесаранжом бўлди. Амир соҳибқирон одатлапиилган коидага кўра лашкаргоҳ қуриб, жойлашиб олди. Окшом пайти коронгу тун зулмати қуёш нурларини кувлаб, коп-кора панжа (309) офтобнинг заррин кайигини қорамой денгизи қаърига гарқ килганида, Малик Гиёсиддин, тулки ғазабнок шернинг масканида ўйнаши мумкин ва ҳийла қўли билан тадбир арконини нажот кунгурасига отса бўлади, деган хаёл билан бир гурух (жангчиларини) шабихун ниятида ташқарига юборди. Улар ҳали курон чеккасига етиб келмаслиридан буруноқ сурон кўтардилар. Чигатой баходирлари ўзларига расм бўлган коидага кўра, нафасларини ичларига ютиб, ёгийнинг келишини кузата бошладилар ва ҳеч қандай ҳаракат қилмадилар. Ажали етган хуросон-никлар, улар ғафлат уйқусига кетишган, деб тасаввур қилиб, фурсатни ғанимат билиб, иштиёқ билан ташландилар. Ногоҳ, гўёқим йўлбарс тошлар орқасидаги пистирмасидан сакрагандек ёки арслон чангальзордаги пинхон маконидан саҳрота югуриб чиккандек, баходирлар бирваракайига пистирмадан чикиб, қўлларини ўкка чўздилар ва баҳор мавсумидаги ёмғир томчилари мисоли ёпирилдилар. Ўша кеча куроласлаҳа, асбоб-апжом, кийим ва саллалар даشتнинг ҳамма ерида шу кадар пароканда бўлиб, сочилиб ётардики, мўгуллар тасаввурга сифас

даражада кўп бўлишса-да, уларни уч кун йиғидилар ва шунда ҳам тугамаган эди.

Малик Ғиёсиддин на маккорлик ва на жангда бас келолмаслиги ни билгач, катта лашкари йўқлигидан бирон талбир тополмай, пажои йўлини кидириш фикрига чўмди. Жума куни шахар ахолиси қалья девори устидан жоме масжидига боришаётганида, Амир соҳибкирон бирваракайига нарвонларни кўтариб, кўрғон деворига тирашни буорди. То (шахарликлар) хабар гонишгунча (310) (жангчилар) күш каби юкорига кўтарилишди. Амир соҳибкирон ҳеч кимса асирларга зугум килмасдан кўлга олингандарни даргоҳга келтиришлари ҳакида жор эълон килдирди. Ўн минг киши банди қилинган эди. Амир соҳибкирон уларнинг барчасини озод килиб, ҳар бирига ушбу мазмундаги шартлардан иборат иноятномани бердири: «Агар шахар ахолиси жангга машғул бўлишда давом этишса, қалья яксон қилинганидан кейин ўз гуноҳларининг жазосини торткусидирлар. Лекин, агар оёкларини осудалик эшигига кўйиб, бошларини узлат бурчагидан ташкари чиқазмасалар, барчалари соғ-саломат ва дахлсиз қолишади». Бечоралар қалья тарафга йўл олишди ва қалья ахолиси ўзларининг қариндошлари ва танишларини бирин-бирин тепага тортиб олишди. Бажарилиши во-жиб бўлган шартлар мазмуни таркалгач, хос кишилар ва оддий одамлар жангдан кўлларини тортишди. Малик Ғиёсиддин ҳарчанд сайд қилмасин, ҳеч ким унинг буйруғига итоат килмади.

Эртаси куни куёш нурлари уфқ матлаъидан жилоланиб, офтоб машъяласининг шуъласи фалак буржи дарвозасининг кунгурасини яркиратганида, малик Ғиёсиддин ўз ўғли Мир Мўғулни Паҳлавон Искандар Шайхий билан биргаликда ташкарига юборди. Амир соҳибкирон Паҳлавон Искандарни хузурида олиб қолди ва малик Ғиёсиддин ўғлининг кўнглини олиб, умидвор килиб қайтариб юборди. Малик Ғиёсиддин ҳануз хотиржам эмас эди. Қамал қилювчиларнинг чапарлари ҳандак ёқасига етиб, харакларни юргизишга бошлишгач, малик агар яна бир лаҳза ҳаялласа, қальянинг ахволи ҳам шаҳар истехкомининг ҳолига ўхшаб қолишини англади. У ожизлик кафанини (311) умид бўйнига ўраб, тавба-тазарру шамширини кўтарди ва давлатпаноҳ даргоҳига йўл олди. Амир соҳибкирон бўлиб ўтган ишлар устидан афв қаламини торти ва уни бошқа амирлар сафига ўтиргизиб. хос хилъат кийгизиб маҳсус кишилар каторига кўшиди. Шундан сўнг малик арз қилди: «Шухрати рубъи маскунга ёйилган Ашқиља қальясини бу давлат шукронаси учун пешкаш қиласман. Аълоҳазрат лутфан кабул этсалар». Амир соҳибкирон унинг илтимосини қондирди. Малик бир

гурхни ўзига ҳамроҳ килиб, қалъа дарвозаси олдига элти ва у ернинг кутволи бўлган ўз ўғли амир Фурийни ташкарига чакириб, қалъани таслим килди.

Шундан сўнг ҳазрат Амир соҳибқирон Жаҳоншоҳ барлосни манғлой килиб Мозандарон тарафга жўнатди ва ўзи ҳам унинг изидан отланди. Абумуслим Марвазий дағи қилинган жой бўлган Се Тарози Райхон деган манзилда тўхтадилар. Алибек Калотий ва Али Муайдад Сабзаворий давлатпаноҳ даргоҳга келишди. Амир соҳибқирон уларга иноятлар кўргузиб, Исфаройин қалъаси томон жўнади. Бу ернинг амир Вали тарафидан мудофаа учун кўйилган кутволлари жангга хозирландилар. Ҳали лашкарнинг учдан бир кисми ҳам юртга етиб келмаган эдики, юртчилар ва кўталчилардан<sup>1</sup> бир гурухи вахшат солиб (қалъага) ташландилар ва кўз юмиб очгунча Исфаройин фатҳ килинди. Амир соҳибқирон уларнинг нодонликларидан қаҳрланиб, (қалъа) сипоҳийларининг барчасини катл килишни буюрди. Амир Вали (312) ғалаба шиорли байроклар етиб келганини эшигтгач, ўз мулк-ларининг ноиби бўлган амир Ҳожини саноқсиз тухфаю ҳадялар билан Амир соҳибқирон истиқболига юборди ва ўзи ҳам Амир соҳибқирон кайтиб кеттанидан кейин Самаркандга боришга ваъда берди. Амир соҳибқирон унинг ёлғонини айни ҳакикат билиб, қайтиш жиловини Жаҳон ва Арғиён тарафга бурди. Бир неча кун ул яйловларда лашкарларнинг от-уволовлари қувватга киргандан сўнг, вилоятлар ҳокимларига ўз диёrlарига тарқалишни буюриб, ўзи ҳам доруссалтана Самаркандга жўнади.

## СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ МАРТА ХУРОСОН ТАРАФГА ЖЎНАГАНИ ЗИКРИ

784 (1382–1383) йилга мутобик бўлган ит йилининг кишида, чунончи, зикр қилинганидек, кишлиқ учун Занжирсарой ихтиёр килинди. Шу даврда Амир соҳибқироннинг фарзандларидан энг суюклиси бўлган Ако Беги вафот этди. Бу воеанинг қайғуси кучидан Амир соҳибқирон жуда гамгин бўлиб колди. Ушбу ҳол асносида амир Вали Сабзавор устига лашкар тортиб, Ҳожа Али Муайдади муҳосара килгани ҳакида хабар келди. Алибек (Калотий) ҳам тутён ёқасидан исён бошини чиказган эди. Амирлар орасидан ҳеч ким (313) бу хабарларни арзга етказмокка журъат килолмас эди. Амир соҳибқироннинг руҳиясига таъсири ғоят

<sup>1</sup> Кўтал сўзининг маъноси довон бўлиб, кўталчилар сўзи ловоидан ўтиш учун йўл хозирлайдиган кишиларни англатса керак.

юкори бўлган Катта хоним, яъни Кутлуғ Туркон Оғо насиҳат тили билан сўзлаб, бу хабарларни унга маълум килди. Амир соҳибқирон зарурат юзасидан буйрук берди ва лашкар амирлари белгиланган булжорда ҳозир бўлишди. Сўнгра Жайхундан ўтиб, даставвал Калотга йўл олишиди. Номдор кишилардан бири ғолиб аскарлар бораётгани хабарини Хожа Али Муайядга стказиш учун Сабзаворга юборилли. У одам етиб борганида амир Вали чапарларни Сабзавор кальяси хокрезига<sup>1</sup> етказиб, калья деворининг теварак-атрофини тўқилган панжара билаг ўраб олган эди. У одам отини ташқарида колдирди ва амир Вали лашкарлари орасига кириб, бир эгасиз чапарнинг орқасига жойлашди. Сўнгра у қалъа ахлига элчилигини билдириш учун кичкириб ўзини танитди ва уни тепага тортиб олишди. Хожа Али Муайяд муборак мактубни кўргач, шодлик ва кувончини ичига сиғдиролмай, ўрнидан сакраб турди ва (ғалабадан) башорат ноғорасини чалишни буюрди. Шундан сўнг бояги одам қалъа девори тепасидан, амир Валининг рўнарасига келиб туриб, ўзини зохир килди. Мозандаронликларнинг гумонлари тасдиқланди ва улар ажал мукаррар ҳамда катта бало пиистирмада турганини англашди. Улар жангдан кўлларини торгишди ва деярли забт килишаёзган қалъани ўз ҳолига кўйишиди.

Амир соҳибқирон Калот ноҳияси яқинига (314) етгач, Алибекни чакириш учун фармон ёзиб жўнатди. Алибек шундай пайғом юборди: «Камина томонидан қабих густохлик содир бўлган эди. Шу сабабли мулокотга журъат этолмаяпман. Агар хумоюн ўрду оркага қайтса, мен ҳам изма-из етиб бораман. Ёки онҳазрат кичик бир гурух билан қалъа дарвозасигача ташриф буюрсалар, мен қуллук килиб пойбўсларига мушарраф бўлардим». Амир соҳибқирон унинг илтимосига кўра икки отлик ҳамроҳлигига қояларининг ҳар харсанги тоғ чўқкиси билан ракобат киласидиган ва Дамовандни пасткам тепалик деб атайдиган шундок ёвуз дарада қарийб икки фарсанг келадиган тор ва коронги йўлни таваккал килиб босиб ўтишди. Алибек бир неча кишини бир канча танг жойларда фурсат етганида касд кўлини харакатга келтиришлари учун кўйган эди. Азалий саодат мадади ва илоҳий иноят қўллаши уларнинг кўзини бойлаб кўйди. Шунга қарамасдан, Алибек ташқарига чикмади. Бир муддатдан сўнг Амир соҳибқирон (ва ҳамроҳлари) қандай боришган бўлса, шундай соғ-саломат қайтиб келишиди. Шундан кейин Амир соҳибқирон шундай овоза тарқаттириди: «Мен Мозандаронга юриш қилиш ниятидаман. Агар Алибек ҳам изимиздан етиб борса, соз бўлади. Акс ҳолда, ҳаялламасдан тағор ва сов-

<sup>1</sup> Хокрез – мудофаа хандаги қазилтанды чиказилган тупрок.

рин<sup>1</sup> хозирласин». Коронги түшгач, Амир сохибкирон бир ғурухни илғор тарғида юборди. Улар тонг пайтида, қалъа ахлиниң пода ва сурувлари ўтлоқда ёйилиб юрганида, барча молларни хайдаб кетишиди. Юраги олинган ва кўп зиён кўрган Алибек тушкунликка тушди. Уша куни лашкарлар Калотнинг отлиқ ва пиёдалар юрадиган йўлларини олишишиб килиб, кеч кириш билан ясол гузиш учун Кухмол тарафга отландилар. Машрик карвонининг муқаддимаси (315) уfk сохилидан кўчиш ногорасини чалиб. Хўтан хисрави фалак эгнидан аббосийлар либосини<sup>2</sup> очиб таплаганида, қалъа ахли ўзларини ўқ тўфони ва килич яшини ўртасида кўрдилар. Алибек осмон мартабали ва фалак рутбали соябон каршисида тавба-тазарру бошини хорлик тупрогига суриб, лашкарларни қайтаришни илтимос килди. У қуюқ ва қатъий касамёдлар килиб, тонг пайтида даргоҳга боришини айтди. Амир сохибкирон бу гал ҳам мулоҳаза килди ва кўлга кирай деб турган қалъадан воз кечди. Аммо Алибек тагин ўз сўзига хиёнат килди.

Амир сохибкирон Лахро дарасининг даҳанасида тош ва гачдан бир қалъа курдирди ва Ҳожихожа ибн Тузакни беш юз пиёда аскар билан шу ерга жойлаштириди. Суюрғотмишхон, Али ибн амир Муайяд ва Шайхали баҳодирларни қирқ жанговар кўшун билан Калотнинг теварак-атрофидаги йўлларни чикувчи ва кирувчиларга бекитиш учун ушбу нохиянинг ческкаларига кўйди. Амир сохибкироннинг ўзи Мозандарон тарафга жўнатди. У Ҳуррамобод дараси олдига етиб борганида, амир Вали яна бир бор нафис ва аъло пешкашлар хозирлаб, амир Ҳожини ҳазрат хузурига жўнатди.

Ушбу ҳол асносида бир одам Шайхали баҳодирга, яширин йўлдан қальяга бошлиб бораман, деб уни шунга унлади. Шайхали баҳодир бу иштиёки баландлигидан, мабодо бошқалар бу фатҳга шерик бўлишмасин, деб ўз одамлари билан пиёда тоқка йўл олди. (316) Иттифокан, у одам йўлни йўқотиб кўйди ва тонг отишига якин бир тошлок камарда тўхтаб қолишиди. Кундузнингравшан нурлари ва оламни ёритувчи куёш машъаласининг шуъласи туфайли, қалъа химоячилари уларнинг корасини илғаб колиб, теварак-атрофларини ўраб олишиди. Шайхали баҳодир чандон саъй-харакат қилди, аммо бундан бир иш чикмади. Ноилож таслим бўлди. Алибек (Калотий) Шайхалига шафкат назари билан каради ва уни ўз тахти ёнига ўтиргизди. Бу даҳшатли ҳабар Амир сохибкиронга етгач, у жуда афсусланди ва зарурат юзасидан Мозандарон юришини бекор қилиб, орқага қайтди.

<sup>1</sup> Тағор ва соврин – голиб томон лашкарига бериладиган хирож ва ҳадялар.

<sup>2</sup> Хўтан хисрави – куёш, аббосийлар либоси – тун маъносила. Чунки аббосийлар сулоласи байроғи кора рангда бўлган ва бу ранг ушбу сулола рамзига айланиб колган.

Хурсоннинг жами сардорлари даргохга келиб қўшилган бўлишса-да, Туршиз қальаси кутволи ҳануз бош уришга келмаган эди. Маслаҳат юзасидан Калотга эътибор қилмай, Туршизни мухосара килишга фармон берилди. Али Садид бу метин қальанинг мустаҳкамлигига орка килиб, жанг қўли билан беадаблик довулини қоқди ва қайсарлик боғини манманлик қалкони ортига тортди. Иттифоқан, ул қалья хандағи сувга тўла ғарқ килувчи кўлга ўхшар, унинг чуқурлигини қиёсий ўлчов билан аниклаб бўлмасди. Муҳандисларга тайёрани<sup>1</sup> ишга солиб, ернинг нишабини аниклаш амр килинди: (хисоб) ўн фарсангга баробар чиқди. Қазувчиларга бу ердан ҳар бирин ўн фарсангга баробар бўлган кариб элликта кориз<sup>2</sup> қазиб, ул хандақнинг сарчашмасини сахрога каратиб оқизниш ҳакида фармон берилди. Сув ер қаърига кетгандан сўнг, хандакнинг лойи офтоб ҳароратидан ҳулди сув қўрмаган сопол идишдек (317) куп-курук бўлиб колди. Шундан кейин хокрез, девор ва буржларда улкан рахналар очишди. Чунончи, қалья деворининг бўлак ва парчалари тахталар ва белпоялар устида муаллак бўлиб колганди. Ҳар бир ёрик ҳосил бўлганида, Али Садид биродарлари билан бирга олишув чапарини хандак чеккасига қўйишар ва тошлар зарбаси билан баҳодирларнинг оташ дамли киличлари ҳамлаларини қайтариб, (ёриқни) қайтадан маҳкам килишарди. Шу тариқа, қалья девори ва буржларнинг ён-атрофлари бир неча марта иморат қилинди, ўпирилди ва қайта тикланди. Шундок кудратли подшо шу тўрт деворни эгаллашга ожизлик қилди.

Окшом пайти баҳт юлдузи ложувард тахтга хурсандчилик либосини ёйиб, давлат ёритқичи (ой) саодат матлаъидан балқиб чиққанида, Али Садид хабар этмасдан ва олдин бу ишнинг муқаддимасини адо этмаганига қарамасдан, таваккал кафанини зору тавалю бўйнига ўраб, қалья қалитини кўлига олиб, ташқари чиқди. У биронта амир ёки вазирга илтижо қилмасдан, очик-ошкор гўғри боргоҳ эшиги олдига келди ва удайчига деди: «Ичкарига кир ва ҳазраттага фалон хокисор банда эшик оллида турганини маълум қилгин». Амир соҳибкирон унинг жасурлигидан ҳайраттага тушди ва ичкарига чакирди. Али Садид қалитни срга қўйди ва тазарру юзини тупрокка суриб, узр ва шафоат тили билан қудратли давлатни дуо қила бошлади. Амир соҳибкирон деди: «Бу даргохга мулозимат қилиш ниятида экансан, нега шунчалик қайсарлик килиб, ушбу барча қон тўкишларга сабабчи бўлдинг?» Али Садид

<sup>1</sup> Тайёра – магнда ҳам шундай. Муҳандис (инженер)лик асбобларидан бирин эканлиги англашиллади.

<sup>2</sup> Кориз – ер ости ариги.

дели: «Барча замонларда бошқа мамлакатларга нисбатан Хурросон мамлакатининг орияти кучли бўлган. (318) Эндиликда ҳумоюн ўрду бу ўлкани фатҳ қилишга отланди ва бунга осон бир тарзда мусассар бўлди. Бундан бу мамлакат баҳодирларининг кучли орияти бемикдор бўлди. Бинобарин, (жангга) журъат килдим, токим шундай ўрмон нар шерлардан холи ва бу майдон ботир кишилардан бўшаб қолган, деб тасаввур килмасинлар». Амир соҳибқиронга унинг сўзлари ёкиб тушди ва уни турли суюргол ва инъомлар билан сарафroz килди. Қалъа (девори) фармонга кўра тупрок билан текислаб ташланди.

Ушбу фатҳ асносида, Шоҳ Шужъоининг мукаррибларидан бири бўлган Умаршоҳ номли киши элчи сифатида даргохга келиб, Форс ва Ироқнинг ноёб буюмларидан шунчалик кўп тухфаю совғалар етказдики, у кенг даштнинг юзаси ҳарир ва шоҳи матоларга гарк бўлиб қолди. Амир соҳибқирон унга иззат-хурмат кўрсатиб, ўз элчиларини ҳамроҳ килиб жўнатди. Сўнгра ҳазрат катта ўрдулар билан Родикон қўруғига йўл олди.

Иттифоқан, ўша йили Калот тоғларида жуда оғир вабо таркалди ва жоникурбон кавмининг аксарияти кирилиб кетди. Алибек (Калотий Жоникурбоний) зарурат юзасидан Шайхали баҳодирни во-сита қилиб, даргохга келди. Амир соҳибқирон унинг гуноҳидан ўтди, аммо бундан сўнг бу кавмининг уругини Калотда қолдирмай, Самарқанд тарафга кўчиртириди. Ҳазрат кайтиб кетаётган пайтида, малик Ғиёсiddиннинг хатти-харакатларидан (319) унинг улут тўрага мувофиқ тарзда ҳаст кечирмаётганидан викиф бўлиб, уни ҳам фарзандлари билан кўчиртириди.

## **СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ СЕЙСТОН ТАРАФГА ОТЛАНГАНИ ВА У МАМЛАКАТНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШ ТАФСИЛОТЛАРИ ЗИКРИ**

Амир соҳибқирон Самарқанд таҳтига келиб ўтирганидан сўнг, Ҳиротнинг бир гурӯҳ безори ва бебошлари исён кўтардилар ва доругани ўлдириб, лаёқатсизликлари туфайли яна тўзгиб кетдилар. Оқбуғо баҳодир ва Ҳожи Сайфиддин лашкарлар билан Мурғоб дарёси соҳилида жойлашишган эди. Бу галаён хабари уларга етганида Ҳирот томонга отланиб, ул лиёрни бузғунчилар касофатидан поклашди. Ушбу фитна рўй берадиган пайтда, Шайхак Ҳиндушоҳ деган киши ярим тунда Сабзавор қалъасида Тобон баҳодирни кўлга олиб ўлдириди ва янгитдан исён оловини ёқди. Оқбуғо баҳодир уни муҳосара килишга отлан-

ди, аммо бу мавзэй мустажкамлиги туфайли, уни забт этишга муваффак бўлолмади.

Бу воеалар хабари ҳазрат Амир сохибқироннинг кулогига етгач, онҳазрат зарурат туфайли 785 (1383–1384) йилга мутобик бўлган тўнгиз йилининг илк баҳорида катта лашкарлар билан отланди ва Жайхундан кечиб ўтди. Даставвал, Қандахор, Кобул ва Газни сарҳадларининг муҳофазаси учун Жаҳоншоҳ баҳодирни туманлар билан кўйди. Шайхали баҳодирни бошқа эллик кўшун билан Мозандарон сарҳадларининг ҳимоясига тайин этди. Онҳазрат ўзи (320) Сабзавор қалъасини муҳосара килишга жўнади. Асосий деворда ҳам рахналар очилган бир пайтда, вазирлик мансабига эришмоқ ниятида бўлган Шайх Яҳс жонкуяр хизматкор эканлигини изҳор килиш учун ўзи ёрикка кириб, одамларни ишга ташвик киля бошлади. Шу ҳол аспосида, тўсатдан девор кулаб тушиб, у бутун гуруҳ билан девор тагида колиб ҳалок бўлди. Номдор баҳодирлар тепага отилиб, жангтоҳларни ғаним жангчиларидан тозалагач. Шайхак ўз киёфасини ўзгартириб лашкар орасига кирди ва кочиб кетди. Унинг қайга йўқолганини бирон кимса билмас эди.

Шундан сўнг Амир сохибқирон ғалаба шиорли байроқларни Сейстон тарафга йўналтириди ва Октемур баҳодирни манёлой тарзида муқаддимада юборди. Лашкар ғули Фароҳ ноҳиясига яқинлашганида, Шоҳ Жалолиддин Фароҳий биродарлари ва фарзандлари билан истиқболга чиқиб, шаҳарни таслим килди ва (ҳазратпинг) бошқа қуллари каторидан жой олди. Октемур баҳодир Сейстон вилоятига қойиллатиб боскин ясагандан сўнг, ҳазрат олдига келиб ғулга кўшилди. Лашкар канотлари айланиб, Сейстон атрофларини куршаб олгандан сўнг, малик Кутбиддин жамики ниёда ва отликларга худди ийдоҳга боргандек, ташқарига – (ёв) истиқболига чиқишни буюрди. Амир сохибқирон Муҳаммад Султониоҳга икки минг мукаммал куролланган номдор суворий билан бир гўшада пистирма куришни буюрди. Умар Аббос беш юз нафар отлик билан (321) пистирма ёнидан ўтиб, сейстонликларга яқинлашпиди. Сейстон суворийлари жиловни кўйиб юбориб, катта иштиёқ билан ҳамла килдилар. Умар анча пайтгача туриш берди. Ҳар икки тараф киличлари яшинлари бир-бирларига шуъла сочиб, найзалар тили (ўлим) хабарини етказарди. Умар қайтишни жиловини кочиши йўлига бурди ва уларни (яъни сейстонликларни) ҳам пистирма ёнидан боплаб ўтказди. Шундан сўнг Муҳаммад Султоншоҳ сурон ва бурғу садосига ҳамоҳанг равишда, довюраклик камчиси билан таҳдил отини чоптириб, бир ҳамлада ёғийни тор-мор келтирди. Сейстонликлар катта лашкарнинг ўткир киличи дами ва конхўр найзаси зарбаси-

ни татиб кўришганидан сўнг, чигатойлар билан тўқнашиш ва низолашини фойда келтирмаслигини англашди. Жанг майдонидан кочишига юзланиб, на ўлик, на тирик бир ахволда шаҳар томонга йўл олдилар. Чигатой баҳодирлари эса гўёғазабнок шер чорвага ҳамла килгани ёки даҳшатли аждаҳо охуга касд этгани каби зарба бериб, уларни бирин-кетин йикитишарди. Чунончи, то дарвоза олдигача ҳамма йўлда ўликлардан тепалар пайдо бўлди.

Шундан сўнг Амир соҳибкирон буйругига кўра, ногора ва бурғу садоларига ҳамоҳанг сурон кўтариб, тартиб билан йўлга тушдилар ва шаҳар ёнбошида юртлар олишмиший килиб, мурчолларга жойлашиб олдилар. Туннинг кора отининг тўзони қундузнинг ок отини қоплагач ва куёш шами коронги кечанинг фонуси билан алмашгач, сейстонликлар шабихун килиш ниятида ташқарига чиқдилар. Улар келишидан олдин (322) Амир соҳибкирон бундай жор эълон килдирди: «Барча хосу ом ўтовлардан ташқарига чиқиб, мукаммал равишда куролланиб, чапларнинг тагида ўтирасинлар». Сейстонликларнинг қадам товушлари яқинлашгач, Амир соҳибкирон улар ўтадиган минг газга баробар ерни очик колдириб, куроннинг ўртасида икки томонлама саф тортиб туришни буюрди. Чандовул баҳодирлари бир неча кўшинни тартибга солиб, пистирмада туриб, жорни кута бошладилар. Сейстонликлар туғма подонликлари чегарасизлиги туфайли, бебоклик ва эътиборсизлик билан чапар ва ҳандакларга ташланниб, то курон ўртасигача, яъни давлатпаноҳнинг саропардаси олдига етиб келишди. Улар жоҳишлик билан отми, туюми, чодирми, хуллас шимаики кўзларига ташланса, килич ва ҳанжар билан тилка-пора килишарди. Барчалари курон қамарғасига киришганидан сўнг, фармонга биноан даргоҳ ногорачилари таёқ билан ногораларни гумбурлатдилар. Бирваракайига камон булувларидан тунги ёмғир мисоли ўқлар ёға бошлади. Ўқлардаги бургут патлари сояси тун зулматига ўсма кўйгандек эди. Сейстонликлар дилни яраловчи ўқлар, жонга оғат солувчи киличлар ва жаҳонни куйдирувчи найзалилар дами ялтирашидан ярим кечада қундузги туш пайтини кўришди. Уларнинг аксар қисми кириб ташланганидан сўнг, озгинаси жонини куткариб курбонгоҳдан ташқарига қочиб чикишди. Аммо уларни хам чандовул суворийлари от тўёклари остида топтаб, то ҳандак чеккасигача ер билан битта килишди.

(323) Тонг пайтида зулмат занги қуёш ойнасидан киртишланиб, асл жавохир шодаси (юлдузлар) офтоб нурларида эриб кетгач, малик Кутбиддин ожизлик ва ноиложлик бошини эгиб, тафаккур кўлини хайрат пешонасига тиради. Бир канча муддат ҳар бир одамдан маслаҳат

сұралы, лекин ақволни ўнглапшыга ёрдам бералиған сүз эшитмади. Шундан сүңг ўзи бошини котириб шу фикрга келдики, олишувдан күлини тортиб, давлат этагини ушламоғи ва мағрурлик бошини саодат остонасига урмоғи лозимдир. Шундан сүңг олишув ҳавасини йигиштириб, таваккал килиб, куллук изҳори учун ташкари чыкди. Оллоҳ далилини мунаввар кылгур Султон сохибқирон унинг эски ва янги гунохларини афв этиб, хос хильят кийгизиб, маҳсус кишилар категорига күшди.

Амир сохибқирон шу захотиёк кичик бир ғурух билап калъя дөвори ва хандак атрофини айланиб келиш учун отланди. Сейстон жохиллари калъя дөвори теласидан давлат соябонининг корасини күришгач, беҳад баҳтикароликлари туфайли, камон ўқларини ҳазрат Султон сохибқиронга түғрилаб, бирдан (отишга ишора килиб) довул кокишли. Ногаҳон бир ўқ ҳазрат отининг сағрисига тегди. Султон сохибқирон уларнинг ёмон қисматта орзуманд эканликларини күргач, саломаглик жилювини шодлик кароргохи томонга бурди ва бутун лашкарга ўз мурчолларидан хужум қилиб, хоҳ аркон ва хоҳ нарвон билан, күш каби юкорига күтарилишни буюрди. Шундан сүңг улуғ ёсок амалға оширилиб, ёсокчилар ўтмас киличларни Сейстон сипохийлари кони билан ўткирлашды. Аммо шахарнинг колган ахолиси онҳазратнинг марҳамати соясида (324) омон колишиди. Султон сохибқирон малик Кутбиддинни шахарнинг барча бой одамлари билан Самарканд тарафға күчиртириб, ўзи Гармсир ва Қандахорни забт этишга отланди.

Туман Гармсир, ғолиб аскарлар этиб келишидан олдин. Кеч ва Макрон тарафға кочиб кеттган зди. Амир сохибқирон амирзода Мироншохни уни излаш учун жүнатди ва ўзи Тахти Сулаймон ва Оқо ҳазорасини ҳамда Гармсирнинг қолган жойларини забт этишга машғул бўлди. Амирзода Мироншоҳ эллик кун деганда Туманни Қандахор ноҳиясида топиб олди ва ўлдирди. Шундан сүңг у қайтиб, ҳумоюн ўрдуга келиб кўшилди. Ҳумоюн байроклар этиб боришидан олдинроқ, Жаҳоншоҳ Жоку, Мубашшир ва Искандар Шайхий Қандахорни муҳосара килган эдилар. Ўттиз саккиз кун ҳар иккى тарафдан қаттиқ жаңглар килишганидан сүңг шахар фатҳ қилинди. Улуғ фармонга биноан (Қандахор) кутволини дорга осиб, калъя дөворини бутунлай ер билан текислаб ташлашди. Султон сохибқиронга Гармсир кенгликларининг ҳавоси ёқиб қолди ва барча амирлару шаҳзодалар билан киши фаслида бир хушманзара мавзеъда кишлоший килишиди. Бу ажойиб кишини сайду шикор ва чарғоланглар билан ўтказишиди. Улуғ ёриткич (куёш) баҳорги зътидол (кун ва тун тенглиги) нуктасига етгач, кишлоқ мавсуми нағбатни яйлоқ айёмига берди. Султон сохибқирон

беш юз отлик билан илғор тарзида доруссалтана Самарқандга отланди. Қандахор худудидан то Омуя сохилигача ҳазратнинг бор-йўғи ўнта мулизимигина тенгма-тенг етиб келоди. Чунончи, онҳазрат ўн тўрт кун деганда Самарқандга келиб тушди.

## СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ МОЗАНДАРОН ТАРАФГА ОТЛАНГАНИ ВА У МАМЛАКАТНИНГ ФАТҲ ҚИЛИНГАНИ ЗИКРИ

(325) Амир Вали бир неча бор турли-туман ҳийла билан улуг жиргадан ўзини тортди. Агар у ўз ҳадидан ошмасдан ва ўзини ҳалокат чохига ташламасдан юрганида, бу унинг ахволи яхшиланишига сабаб бўларди. Лекин амир Вали ўзининг «шўх»лигини қўймади ва бир неча марта бирон бир фитнани кўзғаш ҳаракатида юрди. У Форс, Ирок ва Озарбайжон султонларини бир мавзъеда тўпланиб, иттифоқликда Мовароуннахрга юриш килишга унлади. Бутун Эронзаминда иккита ҳамжиҳат дил битта тадбир томонга юзланмагани ва бирон одамнинг бошка бирорвга эътимоди йўклиги туфайли, унинг бу уринишларидан ҳеч қандай натижага чиқмади.

Султон сохибқирон амир Валини даф этиш зарурат эканлигини англади. Онҳазрат буйруғига кўра, бутун мамлакатдан катта лашкарлар ҳаракатга келди. Шундан сўнг ёйломиший учун Тахористон яйлокларига йўл олишди. Бу водий худудида саропарда, чодир, хиргоҳ ва ўтовлар кўплигидан бутун саҳро олий жаннатдан бир намуна бўлиб, Чин бутхонасининг рашикини келтиради. Шоҳ Шужоънинг<sup>1</sup> элчиси Форсдан подшоҳона тухфалар ва катта ҳадялар билан стиб келди. Элчи шоҳнинг кизини Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир учун олиб келган эди. Ҳарчандки, форс гўзалларининг жамалак зулфлари голия ва атир хидини таратиб, Чин мушкига шўриш солсалар ва (326) ул шўхларнинг кўтос ёлидек хушбўй кокијлари куёш ва ойнинг бўйнига занжир осса ҳам, аммо туркларнинг дилрабо ғамзаси уларнинг ҳали ўрилмаган экинига ўт кўйди. Уларнинг ҳар бирининг ҳусни ҳакиқий эмаслигини чиғатой гўзалларининг пайдо бўлиши фош килиб кўйди ва форс нозанинларининг калбаки овозаси хиралашиб колди. Аммо Шоҳ Шу-

<sup>1</sup> Шоҳ Шужоъ – Форс ва Кирмонда ҳукмронлик килган музafferийлар сулоласига мансуб ҳукмдор (1364–1384). Унинг даврида Амир Темур салтанати ва пойтахти Шероз бўлган Музafferийлар давлати ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилган. (Ғ. Каримов, А. Ҳабибуллаев. Амир Темур ва темурийларнинг Эрон билан дипломатик алокалари. «Жамият ва бошқарув» журнали, 1998, № 1.)

жөннинг ихлоси машшотаси бу хижолатли ахволни тузатиб, яхши қуллуклар килиш зарҳали билан иш нүзига узр пардасини тортди ва қабулга сазовор бўлди. Бир канча муддатдан сўнг катта тўйлар ва олий чарғоланглар охирига етгач, ўғруқлар лоруссалтана тарафга кайтди ва Султон соҳибкирон Мозандарон томонга лашкар тортди.

Амир Вали бу гал фириби ўтмаслиги ва узри эшитилмаслигини англаб, таваккал қилиб, қулрат ва имкони даражасида курашишга аҳд килди. У Кодакруш чегарасидан то Астробод ённгача бўлган барча йўлларни ишғол қилиб, мустаҳкам истеҳкоми бўлган ҳар бир дарада мудофаа учун лашкар кўйди. Султон соҳибкирон бу олиш мушкул жойларни бир-бир эгаллаб, ўтиб бораиди. Тарафлар шунчалик бир-бирига якинлашдиларки, бир неча бор амир Валининг коровуллари Султон соҳибкироннинг коровуллари билан орият юзасидан киличбозлик қилиб, мағлубиятга учрагандан сўнг от жиловини оркага буришиди. Шунчалик курдатли лашкар ҳар куни йўлларни тузатиш ва ўрмонни кесиб йўл очиш туфайли, бир фарсангдан ошиқ олдинга кўчолмаеди. Орада тўрт фарсангдан оргик масофа колганидан сўнг, амир Вали ўзича шу карорга келдики, (327) бу мавжга кирган дengизга қарши ярим тунда бирон гўшадан шабихун килмаса, бошка тадбирлар яроқсиздир. Кариб ўн икки минг мукаммал тарзда куролланган суворийни уч марта сафга тизди. Ҳар лафъа бирон гулга хужум қилиб, тонг отгунча жон-жаҳдлари билан киличбозлик килмокчи бўлишиди. Амир Валининг ўзи давлатпаноҳ даргохига касл килмокчи эди. Шундан сўнг у парвона шамга караб интилгани ёки кулон йўлбарснинг қаршиисига чиккани каби йўлга тушди. Ёғий тарафдаги йўлнинг ярим фарсангта баробар олд қисмини муҳофаза қилиб турган чандовул коровуллари душманинг қадам товушларини эшитгач, шамолдан ҳам кўра тезрок баҳодирларга маълум килишиди. Султон соҳибкирон, ҳатто тунда кезувчи юлдуз ўзининг сайр киладиган йўлини кўздан йўқотиб кўядиган бу зимзиё тун ярмида, замона кўзи тез айланувчи фалак равишидан хира тортиб, коронғулик ғубори булат чўнтағидан кор голиясини сенаетгани ва осмон ғалвири ҳар тарафга қаратиб бало ёмғирини элаёттанига қарамай, ўз муборак зоги билан отга минди. Ҳазрат баронғор ғулини амирзода Мироншоҳга топшириб, Ҳурросон лашкарини мустаҳкамлади. Худойдод Ҳусайнини Туркистон сардорлари билан биргаликда жавонғор канбулига тайин қилди. Икутемур, Умар Аббос ва бошка уйғулонлар туманларини кўшин маркази тўтрасила кўйди. Шабихун килувчиларнинг олд қисмлари зарбаси якинлашиб, суворийларнинг хайқириклари ноғоралар гумбурлашига кўшилиб, осмон этагига бо-

риб туташи. Пахлавонларнинг таҳди фалакнинг айланувчи доира-сини тўхтатди ва отларнинг кишинаши худди Исрофил карнайи каби ўлникларни тирикларга аралаштириб кўйди. (328) Қилич яшинлари ялтирай бошлаб, ўқлар дўли шигаб ёға бошлади. Чигатой довюраклари ўлимни писанд этмасдан, ҳар кайси тарафга юзлансалар, ўша жойда тоғ бўлса ҳам кулаб тушарди. Олишув кизиб, бир-икки доира ясаб, эгирмишний<sup>1</sup> ва булгошмишний<sup>2</sup> қилишди. Саботсиз мозандаронликлар бу гирдобдан юзларини ўгириб, кайтиш жиловини буришди. Ҳайхот, қанчадан-канча эгасиз отларнинг туёғи отсиз одамларнинг бошларини босиб ўтарди! Қиёмат куни мана шу кечанинг бир соатича бўлса ажаб эмас. Аш-Шоат зилзиласи ўша тунда рўй берган зилзилалар тафсирига бир киноя бўлса керак. Мозандароннинг аксар лашкарлари жарликлар, боткокликлар ва чаңгалзорларда ҳалок ва нобуд бўлишди. Юз минглаб тифлар дамидан минг ҳийла билан ўзини куткариб колган амир Вали Астрободга кочди ва шоша-ниша хотин ва фарзандларини ташкарига чикириб, Чалов Рустамдор тарафга караб йўлга тушди. Тонг пайтида давлат таёғи билан наъват ногораси чалинди ва тонг муқаддимаси «кундузнинг пойқадами муборак», деди. Лашкар коровуллари Астро-боддинг атрофини ҳалқа шаклида ўраб олишди. Сайдлар, шайхлар, зодагонлар ва оддий аҳоли биргаликда истиқболга чикиб, тазарру юзини даргоҳ остонасига суртдилар. Султон соҳибкiron уларнинг барчасига навозишлар килди. Онҳазрат Учкаро баходирни уғруклар билан шу атрофда колдириб, манғлой амирларини никомиший учун муқаддимада жўнатиб, ўзи ҳам изма-из ҳаракат килди. Амир Валининг ном-шишони одам яшайдиган худудлардан йўқолгач ва (329) у ҳақдаги хабарлардан асар ҳам колмагач, никовуллар<sup>3</sup> Рай томонга отланиб, шу атрофларда юрт ва маконга эга бўлган Пўлод Қиё ва бошка уйғур амирларини кўлга олиб, даргоҳга юбордилар.

Умар Аббос уч юз киши билан Султониядан икки фарсанг масофа-да бўлган жойга чопқин килди. Шу аснода у Султония кутволи қальъани ўз ҳолига ташлаб, Табриз тарафга жўнагани хабарини эшилди. Умар Аббос мазкур хабарни айтган одамнинг ўзини бошлатмиший килиб, Султонияга келди. У ҳеч қандай жангу жадалсиз қальяга кириб, уни забт килди ва бу фатҳ хабарини шамолдан ҳам тезрок ҳаэрратга етказди. Султонияга кутвол тайин қилганидан сўнг, Умар оркага кайтди. Султон соҳибкiron Шероздан паноҳ топған Сору Одилни Шоҳ Шужъольдан

<sup>1</sup> Эгирмишний – доира ясаб айланмок. Doerfer. Turkische...B. II, S. 328.

<sup>2</sup> Булгошмишний – бир-бирига аралашмок. Doerfer. Turkische...B. II, S. 317.

<sup>3</sup> Никовуллар – таъкиб учун жўнатилган ҳарбий кисмлар.

талаб килиб келтириб, уни Султонияга (кутвол килиб) ўтиргизиши ярок кўрди. Қайтиб кетиш муддати яқинлашгач, Амир соҳибкiron Муҳаммад Султоншоҳни икки минг киши билан Мозандарон вилюятида кўйиб, ўзи Самарканд тарафга қайтди. Қалин бир гурӯҳ Сору Одилнинг атрофига йиғилиб, у бутун ихтиёри ўз кўлига олди.

Илк баҳорнинг нишоналари олам уфқидан намоён бўлиб, дай ойи (22 декабри – 20 январи) аёзининг ҳамалари тўхтаганида, Муҳаммад Султоншоҳ ўз кўл остидаги лашкарлари билан Райнинг Сариккамиш деган мавзеъига келди. У бу ердан Ҳасан Жондор, Усмон Аббос ва Шайх Тўйбуғо кавчинни беш юз киши билан Кархруд кабилалари устига юборди. Улар суръат ва эҳтиёткорлик жиҳатидан камчиликка йўл кўйишгани учун, барча кабилалар (330) иттифок бўлиб жангни кутиб туришган эди. Узок давом этган муҳорабада кўшун амирларидан бир-икки киши ўлдирилгач, колганлар талофат кўрган ва саросимага тушган ҳолда қайтиб кетишиди. Муҳаммад Султоншоҳ дархол ҳар учала амирни бандга солдириб, Султонияга юборди ва ҳеч ким билан машварат килмасдан ўзи отланди. Одамлар, у Кархруд кабилалари устига юриш килар, деб тусмоллашган эди. Аммо у жўнаш жиловини Озарбайжон тарафга бурди. Сижосга етганда бир кишини Сору Одил олдига юбориб: «Мен Табризга бормокчиман, сен ҳам менинг изимдан отлан», деб хабар килди ва ўзи жавоб етгунча бўлмай жўнаб кетди.

Муҳаммад Султоншоҳ: «Султон соҳибкiron етиб келмоқда» деб овозалар тарқаттириб, такаббурлик билан Табризга кириб олди. У Давлатхонага келиб тушиб, моли омонни тайин килиб, (шаҳарга) солик солди. Шу баҳона билан у ўн етти кун мобайнида шунчалик кўп молдунё йиғиб олдики, бу ҳисоб чегарасига сигмайди. Аммо одамларга Султон соҳибкironнинг узоқдалиги ва Муҳаммад Султоншоҳнинг анчайин кичик бир одам эканлиги маълум бўлгач, ҳар тарафдан унга қасд ва дафъ килиш учун келдилар. Муҳаммад Султоншоҳ оқилона иш тутиб, ҷодирини ташкарига тикди ва келган йўли билан орқага қайтиб кетди. Шу барча ўтган кунлар мобайнида Сору Одил кўп саъи-харакатлар килиб, Зинжонгача етиб келган эди. Муҳаммад Султоншоҳ унга қайтиб кетишни талаб килиб пайғом юбориб, ўзи Марогага бориш баҳонаси билан жиловни бурди. Иттифоқан, (Султон) Аҳмад (Жалойир) ибн Увайс Бағдолдининг йигирма беш минг нафар отлик аскари ва хазинаю дафиналар билан Лайлон водийсига келиб жойлашган эди. (331) Муҳаммад Султоншоҳ тун пайтида кўккисдан уларнинг устига ёпирилиб, барчасини тор-мор келтирди ва ул барча хазина ва нафис бу-

юмларни бир ҳамлада ғасб килиб, шу захотиёк орқага қайтиб кетди. У бу ғалаба тафсилотларини мактуб орқали аълоҳазратга маълум қилди.

Султон сохибкирон Хурсонга тобе жойлардан бўлган Ҳўжон во-дийсига келиб тушганида, Мухаммад Султоншоҳнинг чопари етиб келди. Бу ғалаба хабари шошилишга боис бўлди ва Амир сохибкирон манзилма-манзил йўл босиб, Табризга отланди. Онҳазрат Ужон ман-зилига етганида (Султон) Ахмад Жалойир ҳапуз Табризда эди. У шу захоти Нахчевон тарафга бош олиб кетди. Султон сохибкирон Табриз-га келиб тушгач, Жаҳоншоҳ Жоқу, Шайхали баходир, Ҳожи Сайфид-дин ва бошка амирларни кариб эллик минг отлик билан Ахмадни таъкиб қилишга юборди. Иштиёклари зўридан шунчалик кучга тўлган әдиларки, ўттиз битта кўшун амирлари ҳар бири бир отда унга етиб олишди. Чигатойларнинг даҳшат ва салобати Ахмаднинг дилига ўрнашганидан, кулаг фурсат бўлганда ҳар бири ўзини бир кўшунга тенг хисоблайдиган кариб йигирма минг отлик аскари бўлса-да, орти-га ўғирилиб қарашга журъат килолмасди. Бутун бу машҳур лашкардан Озарбайжоннинг номдор кишиларидан бўлган бистомлик Тўнғар – у икки юз киши билан уғруқ оркасидан бакламиший килиб бораётган эди – бир ўзи орқага қайтиб, амирларга ташланди, лекин бир бор мар-дона ҳамла килгандан сўнг яна қайтиб, кочиб кетаётганларга кўшилди. Ахмад Жалойир (332) никовуллар етиб келишганидан вокиф бўлгач, кочиш қадамини шу кадар тез босдики, угрук ва бебаҳо ҳазинала-рига ҳам хеч бир эътибор килимади. Амирлар бунинг барчасини ғасб қилиб, лашкарнинг баъзи қисмларини Алинжак қалъасини муҳосара қилишга қўйиб, ўша ҳудудни забт қилиб итоатга келтиришганидан сўнг, даргоҳга қайтишди.

Сору Одилнинг мулозимларидан бир нечтаси бир-икки марта унинг дили улуғ давлат тўрасига нисбатан қинғир эканлиги ҳакида онҳазрат ноибларига арз қилишди. Султон сохибкирои эътибор бермади ва ушбу шубҳали аломатларга қарамай, унга эътимод қўйиб, Умар Аб-бос. Октемур баходир билан биргаликда бир гурух амирлар ва лаш-карнинг баъзи қисмларини Сору Одилга бошлатмиший килдириб, Курдистон йўли билан Бағдод тарафга чопкинга юборди. Қулаг ва яқин йўллар бўлишига қарамасдан, Сору Одил гармсир<sup>1</sup> вилоятлари-дан баъзиларига боскин ясаш баҳонасида, гарчанд самум офати метин тошини кулага айлантираётган ва ҳаво ҳарорати ойни фалак товасида

<sup>1</sup> Гармсир сўзининг маъноси иссик иккимли деганидир. Шунингдек. Қандаҳор ви-лоятида Гармсир номли туман ҳам бўлган. Яна, «Мунтакаб»да Туман Гармсирий ном-ли саркарда ҳам зикр қилинади.

балиқдек ковураётган бир мавсум бўлса-да, лашкарларни ўша томонга юришга ташвиқ килди. Амирлардан Умар Аббос, Октемур баҳодир ва бошқа лашкарлардан баъзи кишилар ярим йўлга етганда ҳалок бўлишди. Гарчи, барча пайтларда музaffer лашкарнинг хар бир жангчиси буйрукка тўла эътибор билан караб. уни бажармасдан кайтмаган бўлса-да, лекин ўша юришда зикр килишга арзигулик кичикрок бир иш ҳам килинмади. Сору Одил кайтиб келганидан сўнг ҳам бир неча ваҳшатиок хатти-харакатлар зохир этди. Чунончи, у Озарбайжонни ўзига топширишларини ва ҳеч бир жиҳатдан бир динор ҳам (солик) олмасликларини тамъя килди. Бу молиҳулиё зохир бўлгандан сўнг (333) Султон соҳибкирон у ақлдан озганини ва даволаш имконсиз эканлигини англади. Онҳазрат Сору Одилнинг кариндошларининг хар бирини бир баҳона билан (турли тарафга) тарқатиб юборди ва муайян бир кунни булжор сифатида белгилаб, барчасини каердаки бўлишса, ўша ерда ёсокка стказишга амр килди. Чунончи, бир кунда ва бир лаҳзала барчаси жазога тортилди.

Ҳазрат Султон соҳибкирон ўша ёзни Табриз вилоятида ўтказди. Кузда Нахчевон йўлидан Карм ва Сурмалу қалъаларига отланиб, уларни фатҳ килди. Сўнгра Карс қалъасига борди. У сурнинг кутволи бўлган Ферузбаҳт, узок каршилик кўрсатгандан кейин, ниҳоят, итоат изхор килиш учун ташкарита чиқди. Шундан сўнг Амир соҳибкирон Тифлиси мухосара килиб фатҳ этди ва Букрот гуржини ислом динига кирилди.

Сўнира Жаҳоншоҳни Лакзистон фатҳига. Муҳаммад Дарвишни Шекинни ишғол килишга. Аргуншоҳ ва Рамазонхожани тонғут ёли. Муҳаммадбек ибн Мусони эса ағжоб эли устига боскин ясашга номзод килди. Онҳазратнинг ўзи Албурз тоги этагида ширкорга машғул бўлди ва (бу атрофдаги) бузгуниларни яксон килди. Илғор кисмлар амирлари Сирён Тарозу ва Қибла мавзеъларида илғордан кайтиб, ўрдуга келиб кўшилишди. Султон соҳибкирон шундан сўнг Сурх қалъасини ишғол килиб, Қорабокка келиб тушди. Шайҳали баҳодир Гилов.худудигача боскин ясаганидан сўнг; ўша мавзесъда (хумоюн ўрдуга) келиб қўшилди.

Ушбу аснода Ширвонот йўлини муҳофаза килиб турган коровуллар келиб, (334) шуни маълум килишди: «Кура дарёсининг нариги тарафида бегона бир лашкар пайдо бўлди. Қанака лашкар эканлигини билолмадик». Султон соҳибкирон амирзода Мироншоҳ, Шайҳали ва Икутемурни текшириш учун юборди. Иттифокан, бу Тўхтамишинг лашкари эди. Амирзода Мироншоҳ уларнинг муқаддимасини мағлуб этди ва то Боку Дарбандигача кувлаб борди. Шундан сўнг Султон

сохибкирон Алинжак қалъасини мухосара килди ва тоғлик лашкарларга кечаси теварак-атрофдан юкорига күтарилишга фармон берди. У ернинг ахолиси ихтиёрида «Сати қаттол» деб ҳам аталувчи Норин қалъадан бошка жой колмади. Аввало сувсизлик, сўнгра эса Ўрга Кешикни кўлдан берганлари учун шафқат сўраб, тоңг пайтида даргоҳга бош уриб келишни ўз бўйинларига олдилар. Иттифокан, ўша кечаси жуда кучли ёғингарчилик рўй бериб, барча асбоб-анжомлар сувга бўклиди ва Алинжакни фатҳ этиш имконсиз бўлиб қолди. Султон сохибкирон Муҳаммад Мирак иби Шер Баҳромни қалъа дарвозаси олдига кўйиб, ўзи кайтиб кетди.

Шундан сўнг онҳазрат Боязид қалъаси ва Ойдин қалъасини ҳам фатҳ этди. Обник (Авник) қалъасининг ҳокими Миср иби Қора Аҳмад олий иноятномаларга зътибор қилмай, ўзининг метин-мустаҳкам қалъасининг олиб бўлмаслигига умид килиб, исён бошини юксак осмонга ишқалади. Султон сохибкирон уни мухосара килишга чандон аҳамият бермай. (335) Арзиум ва Арзинжон тарафга йўналди. Арзинжон волийси бўлган Тахартан кўпдан-кўп тухфаю хадялар билан ҳазратга келиб кўшилди. Шундан сўнг лашкарлар учта илғор кисмга бўлиниб, Қора Аҳмад туркманни излаб кетиши. Шу жумладан, амирзода Мирониоҳ баронғор лашкари билан бориб, кўплаб туркман қабилаларини талон-тарож килиб кайтди. Муҳаммад Мирка бошлиқ бошка бир гурух кўп жангу жадаллардан сўнг машаккат ва заҳмат доғонидан ўтиб, ҳазрат даргоҳига етди. Шайҳали бошчилигидаги яна бир гурух бисёр заҳматлар чекиб бўлса-да, ҳартугул, Қора Аҳмадга стиб олди. Аммо лашкарлар булжор килиб унга келиб кўшилишмагани учун, бир ин қилюлмай орқага кайтди. Унга пайдар-пай Жаҳониоҳ етиб борди, аммо у ҳам бир канча ўлжадан бошка парса кўлга киритолмади.

Султон сохибкироннинг ўзи Ахлот вилоятини фатҳ этди ва саноқсиз ўлжалар билан уғрукка келиб тушди. Сўнгра биргаликда Вон ва Султон қалъалари томон йўл олиши. Малик Иzzиддин Шайх даргоҳга паноҳ тилаб келди. У стиб келгандан сўнг, у мамлакат ахолиси ғоят нодон эканликлари туфайли итоатсизлик зохир этдилар. Йигирма кундан кейин бу қалъалар фатҳ килинди ва у ернинг барча каттаю кичиги жазога дучор бўлди. Бу қалъаларнинг ниҳоятда мустаҳкамлиги бутун оламга машҳур эди. Шундан сўнг Хўй ҳокими Силмос Зирак ҳам давлатпаноҳ даргоҳига юзланди ва суюргол олди.

Шу аснода Зайнулобидин иби Шоҳ Шужъо бузғунчилик килиб, бошини итоат бўйинтуруғидан чикаргани маълум бўлди. Султон сохибкирон ҳаракат жиловини (336) Ирок ва Форс мамлакатларини

фатҳ қилиш сари бурди ва Ҳамадон йўлидан Жарбодаконга, ундан Исфаҳон дорилимонига келди. Ирокнинг улут ғишилари истиқболга чиқишидни ва ҳумоюн мавқаб Тукчи иморатига келиб тушди. Султон соҳибкирон кичик бир гурух билан Исфаҳоннинг шаҳар, бозор, маҳаллалари ва зиёратгоҳ жойларини айланди ва наълбахо (товор) сифатида шаҳар аҳолиси бир қанча маблағ тӯлашлари ҳакида ҳукм чикарди. Шаҳар зодагонлари ҳумоюн ўрдуга мулоғизм бўлишса-да, лекин жоҳиллар исён кўлини ҳаракатга келтириб, соликчилардан бир гурухини ўлдиришди. Салтанат номуси ғазаб силсиласини ҳаракатта келтириб, бутун шаҳар аҳолисини ёппасига ёсокка етказиш ҳакида фармон берилди. Шаҳарнинг бутун ичкари ва ташкарисида кесилган бошшардан кариб мингта минора тикланди.

Шундан сўнг Султон соҳибкирон Форсга келди. Ғалаба шиорли байроқлар етиб келишидан бурун Зайнулобидин Шерозни ўз холига ташлаб, Шуштар томонга йўл олди. Султон соҳибкирон шаҳар ташкарисига келиб тушди. Онҳазрат форсларга омонлик бағишилаб, муҳассилларга моли омоний йиғиб олишни буюрди.

## ТЎҚМОҚЛАШКАРИНИНГ ҚАМАРИДДИН ИҒВОСИ БИЛАН МОVAROУННАХРГА КЕЛГАНИ ВА ЎЗГАНД ВИЛОЯТИДА МЎҒУЛЛАР ҲАРАКАТИ ТУФАЙЛИ РЎЙ БЕРГАН ФИТНА ЗИКРИ

Қамариддин Мўғулистондан тамасини узгандан сўнг Тўхтамишга бориб қўшилди. Олдин зикр қилинганидек, Тўқмоқ лашкари<sup>1</sup> Курадарёси соҳилида музaffer лашкар томонидан маглуб этилгач, Тўхтамиш бу шармандалик доғини ювиш учун, Қамариддинни Окхожа ўғлон билан биргаликда Туркистон йўлидан Мовароуннахрга юборди. (337) Аббос, Сулаймоншоҳ ибн Довуд ва Баронхожа Кўкалтош Самарканъ лашкарлари билан Туркистон музофотларидан бўлган Тўйтепа ҳудудида амирзода Умаршайхга бориб қўшилишди ва биргаликда Тўқмоқ лашкарини дафъ этиш учун отланишди. Жанговар сафларни тартибга келтиргандан сўнг амирзода Умаршайх ўз одатига кўра, Аббосни ғулда қўйди ва ўзи коровул баҳодирлари билан муқаддимада туриб ғаним лашкарига ташланди. Бир-икки мартаба ҳудди ғазабнок шер каби душманнинг чап ва ўнг канотига ёриб кириб, унга қақшатгич зарбалар берди. Аммо

<sup>1</sup> Тўқмоқ лашкари – Олтин Ўрда ёки Жўжи улуси лашкари, шунингдек, манбаларда «ўзбек лашкари» деб ҳам аталган. Табиийки, ўзбек сўзининг кўлланиш доираси турли даврларда турлича бўлган ва ҳозирча бу хусусда коникарли тадқикотлар йўқ.

уни кичик бир гурух билан ўраб олиб, куршов доираси ҳалкасини тобора торайтиришди. Амирзода қайси тарафга юзланса, (ўша ёкда) душманнинг ҳамласи сусайиб қоларди. Бир неча соат давом этган ушбу кирпичоқ олишув пайтида Самарканд амирлари амирзода Умаршайх ва унинг ёнидагилар ахволидан хабар олмадилар. Уларнинг ҳар бири нинг кўнглига минглаб росту ёлғон васваса йўл топиб, окибатда иш чаппасига кетибди, деган хаёлда жиловни буриб, Самарканд тарафга караб йўлга тушишди. Амирзода Умаршайх юзга якин отлик аскар билан ғанимнинг ўнг ва сўл тарафига рустамона ҳамлалар килиб, Исландиёр хунарларини зоҳир этди. У амирлар кочиб кетишганидан ҳабарлор бўлгач, ҳайрон бўлиб, жиловни ўз ғули тарафга бурди. Ўзжанд лашкарини ҳам жаргада тополмади. Бу хиёнаткорона килмишлардан амирзода бениҳоят изтироблар чекли ва ушбу жангтоҳда ҳалок бўлиб, беномуслик доғини ўзи билан тупрокка олиб кетиш умидида, ўша кичик гурух билан тағин бир-икки мартаба (душман сафларига) каттиқ ҳамлалар килди. Бу юз одамнинг зарбаларидан мингдан ортиқ душман (338) ҳалок бўлди. Бир ғамхўр киши амирзоданинг саъй-ҳаракат жиловини шафкат қўли билан ушлаб, уни жангтоҳдан ташқарига олиб чиқди. Амирзода Умаршайх шу даражада жангта талағор эдик, жанг майдонидан бир фарсах узоклашгач, Самарканд амирларига пайғом юбориб, бу қабих ҳатти-ҳаракатларига карши ўларок, уларни бутун чоралар билан Самаркандин ҳимоя этишга унлади ва ўзи катта лашкар билан уларга мададга стиб бориш мақсадида Ўзжанд томонга йўл олди. У келишидан илгари, жангтоҳдан қочиб ундан ажраган хос мулозимларидан бир гурухи ўзларининг эгри тасаввурлари хосиласи бўлган ёмон овозаларни (шахарга) стказиши. Чунончи, амирзода Умаршайхнинг ҳарамлари шаҳарни ўз ҳолига ташлаб, тоғға йўл олишди. Шаҳар ахолиси бир неча фирмага бўлинib, ғалаёнга келди. Амирзода Умаршайх етти отлик билан етиб келиб, вилоят ахолисига таскин берли ва бир қанча лашкарлар ҳозирлаб, Самарканд тарафга отланди. Вазият шундай бўлган бир пайтда, Инка тўра кариб йигирма минг отлик билан (Мўгулистондан) Мовароуннаҳрни забт этиш азмida етиб келди. Амирзода Умаршайх уни дафъ этишни бошқа муҳим ишлардан кўра ҳам зарурроқ ҳисоблаб, жўнаш жиловини Самарканд йўлидан буриб, улар тарафга караб йўналтириди. Ўзкандлик бир неча хоинлар мўғулларни бошламишиб килиб, Сайхундан кечув оркали ўтказиши. Амирзода Умаршайх (душман) камарғасига карши туриш маҳоллигини сезди ва шаҳарда мустаҳкамланиб олишни афзал кўриб, орқага кайтди. Инка тўра Андигон атрофига келиб ўрнашиб, ҳар куни бир тарафдан

(339) шаҳар дарвозаларига хужум килди. Амирзода Умаршайх ўз кўл остидаги кам сонли жангчилар билан унга пешвоз чикиб, рустамона жанглар килди. Ёйий Ўзқаңдни қамал қилишдан воз кечиб кетишдан бошқа иложи йўклигини кўргач, ўз йўлидаги бир неча вилоятни поймол ва ғорат этди. Амирзода Умаршайх икки юз отлиқ билан шаҳардан бир неча фарсах нарига борди ва кечаси (ёв кароргоҳига) шабихун уриб, барча асиirlарни кофирлар қўлидан халос қилди.

Ушбу аснода Тўқмок лашкари Самарқанд ва Бухоро атрофларини ўраб олиб, ҳаробгарлик ва зулмкорлик қўлларини мусулмонларнинг молу жонига чўздилар. Самарқанд амирлари фақат шаҳарнинг ўзини мустаҳкамлаш билан чекланиб, душманни яксон этиш чораларини кўрмадилар. Султон сохибқирон Форс ва Ирок ҳокимларининг бойликлари ва хазиналарини ғасб килаётган бир пайтда, бу воқеалар хабари ҳазратга етиб борди. Онҳазрат ушбу барча фатҳлардан воз кечиб, шамол тезлигига лашкарни Самарқанд тарафга қайтарди. Султон сохибқирон Яхё иби Музаффарни Шерозга (ҳоким килиб) кўйди ва Ғиёсиддин Шулга навозишлар қилиб, унга мулозим этиб тайинлади. Паҳлавон Музаҳҳибга ҳам навозиш кўргузиб, Абаркуҳга (ҳоким килиб) кўйди.

Жаҳонни фатҳ этувчи байроқлар етиб келаётгани ҳақидаги хабарлар Мовароуннаҳрга таркалиши биланоқ, боскинчилар ўз вактида қочиб қолишни энг катта ғалаба деб билиб, овозанинг ўзиданоқ ҳар бири бир тарафга овора бўлиши. Султон сохибқирон юборган лашкарлар уларни то Даشت Кипчок сарҳадигача никомиший қилиб бориб, жуда кўп асир ва ўлжалар олиб қайтишли. Амирлардан бири Аббос ҳумоюн байроқлар етиб келишидан бир ой буруп (340) ўлган эди. Аммо бошка амирлар содир этган қабих қўлимишлари важидан ҳибсга олиндилар ва сўрек килиниб, ўз гуноҳларига яраша жазоландилар.

## **СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ХОРАЗМГА ОТЛАНИШИ ВА ТЎХТАМИШНИНГ ТУРКИСТОНГА КЕЛИБ МАҒЛУБ БЎЛИШИ ТАФСИЛОТЛАРИ ЗИКРИ ҲАМДА УШБУ МУДДАТДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ**

Тўқмок лашкари Мовароуннаҳр ҳудудини холи кўриб, ўшал барча ҳаробгарчиларни килгандан сўнг, Султон сохибқирон бу разил зўравонликнинг интикоми учун Хоразмга отланди. Бухорога етганида Суюрготмишхон оғир касалга чалиниб, шу ерда колди ва оламдан ўтди. Музаффар лашкарлар Сепоя нохиясига етишганида, Эрйиғмиш ўғлон ва Сулаймон Сўфи Хоразмни ўз холига ташлаб, Даشت Кипчок тараф-

га ўўл олишди. Султон соҳибкирон фармонига кўра калъя деворлари ер баробар текисланиб, шахар таланди ва куббат ул-ислом Хоразмнинг жами ахолиси Самарқандга кўчирилди. Амирзода Мироншоҳ, Муҳаммад Султоншоҳ, Икутемур ва Шамсиддин Учқаро бир гурӯҳ амирлар билан ёғиний то Кумкандгача никомиший қилиб, сўнг оркага кайтишди.

Ушбу ҳол асносида ҳазратнинг күёви бўлмиш Муҳаммад Мирка ибн Шер Баҳром Қатлоний Хоразмга бораётган пайтида ўўлдан кайтиб, ёғий бўлди. Амирзода Умаршайх кам соили аскарлар билан Самарқандла эди. У дарҳол (341) барча хонлар ва бошка амирларни жам қилиб, катта отлик лашкар йиғди ва (исёнкорни) дафъ этишга отланди. Муҳаммад Мирка Вахш дарёси бўйида қарийб ўттиз минг отлик жам қилиб. Хоразм чўллари томонга жўнашга ҳозирланадиган эди. Амирзода Умаршайх етиб келиши биланоқ, ўзи бошламиший қилиб оти билан сувга кирди ва хеч хавфсирамасдан дарёни кечиб ўтди. Муҳаммад Мирка бу ёсок вахимасидан жиловни оркага бурди ва унинг лашкари тўзгиб кетди. Бу кутлуғ ғалаба мұяссар бўлганидан сўнг Муҳаммад Мирка ҳам кўлга олинди ва даргоҳга келтирилиб, жазога тортилди.

Хатлон ноҳияларида ватан тутган бурулдойлардан бўлган бир қавм Муҳаммад Мирка билан ҳамжиҳатликда ёни бўлиб. Жаҳоншоҳ Жоқунинг устига бостириб келишганди. Жаҳоншоҳ уч юз отлик аскар билан тонг пайтидан то ярим тунгача жанг килди. Ҳожа Юсуф апарди ва Пирали Тоз сулдуз мадалга етиб келиб, амир Жаҳоншоҳ билан иттифокликда ёғиний кувиб юбордилар. Муҳолифлардан жуда кўпчилиги кулфатга дучор бўлишиди.

Султон соҳибкирон муродга етиб, Хоразмдан қайтиб келди. Ўша йил киши охирида лашкарларни тарқол қилишганида, ногаҳон Тўҳтамиш етиб келаётгани ҳакидаги овозалар таркалди. Султон соҳибкироннинг ёнида таҳминан тўрт мингдан ортиқ отлик бўлмасада, ҳазрат дарҳол лушманни дафъ этишга отланди ва ҳарна мұяссар (342) бўлганича лашкар тўплаш учун ҳар тарафига чопарлар жўнатди. Иттифокан, совукнинг шиддати ва корнииг калинлиги шу даражада эдики, барча чўлларда ёввойи ҳайвон ва паррандаларнинг аксарияти совукда тўнғиб ўлган эди. Кутимаганда Элйғениш ўғлон Тўҳтамишининг манғлойи билан Учак ва Зарнукга келиб тушгани ҳакида хабар етди. Султон соҳибкирон ғазаб камчиси билан гайрат отини савалаб, улар тарафига юзланди. Душманга якин боргач, ҳазрат Шайхали баҳодир, Темуркутлуғ ўғлон ва Калоча ўғлонга минг отлик билан ёғининг орка тарафига бир-икки фарсаҳ масофада ўтиб, унинг

кочиш йўлини тўсишни буюрди. Ҳазрат ўзи уч минг киши билан юкори суръатда шабгири килди ва ҳануз машрик уфкида шафак шуъласи пайдо бўлмаган пайтда душман устига етиб борди. Икбол кўмаги ва яхши тасодиф туфайли амирзода Умаршайх ҳам минг киши билан Султон соҳибқирон ёнига стиб келди. Султони ғозий унинг муборак пойқадамини кунба-кун зиёда бўлувчи давлатининг натижаси деб билib, ҳаялламасдан ноғора ва бургу садолари билан сурон кўтарниши ва отларнинг жиловини кўйиб юбориб, душман устига ташланиши буюрди. Тўқмоқликлар ҳаддан ошиқ шаробхўрлик туфайли қаттиқ маст бўлиб, бошларини ғафлат ёстиғига кўйиншган эди. Улар ногоҳ янграган ҳарбий ногора ва жанговар карнайлар садосидан, худли (Исрофиyl) карнайи бонгидан сўнг мурда тупроқдан бошини кўтаргани каби саросимага тушиб, сапчиб турдилар. Улуг давлат натижаси ва куттуғ саодат хосияти туфайли муҳолифларнинг кўллари ваҳимадан харакатсиз ҳолда осилиб колиб, ҳар бири ўз жонини кутказиш учун тадбир излашга машғул бўлди. Қарийб тўрт минг отликнинг бир кисми кириб ташланди, бир кисми мажрух бўлишиди ва баъзилари асирга олини. (343) Қилич тигидан кутулиб колиб, камаргадан ташкарига чикиб кочган баъзилар Шайҳали баҳодирнинг николи (никовули) томонидан яксон этилди. Чунончи, Элйиғмишининг ўзидан бошка ҳеч ким кутулиб кетолмади. Тўхтамиш танҳо ушбу мағлубиятнинг ўзидан рухи тушиб кетди ва келган йўлидан оркасига кайтди. Голиб лашкар никовуллари то кирк кунгача кочокларни таъкиб этишдан тўхтамай, (асирлар) олишиди. Душман мамлакат сарҳадини бутунлай тарқ этма-гунча, лашкарлар ғайрат отидан тушмадилар.

Шундан сўнг теварак-атроф ва узок-якиндан турку тожикдан иборат лашкарлар етиб келишиди. Баъзилар Даشتни Кипчокка юриш айникса зарурлигини таъкидладилар. Аммо амирзода Умаршайх эътироz билдири ва жиловни буриб, Мўгулистон тарафга йўл олишиди. Султон соҳибқирон жами лашкарларни ўғтизта гурухга бўлиб, ҳар гурухни битта йўлдан юборди ва булжор жойинни муайян килди. Бу юриш саккиз ой давом этиди ва мўгулларнинг барча эл-улуслари лашкар зарбасидан бутунлай несту нобуд бўлди. Шундан сўнг ҳазрат Султон соҳибқирон ўз дил истаги ва кўнгил муродига кўра орқага кайтди ва 791 (1388/89) йил муборак рамазон ойининг охириги кунида дорус-салтана Самарқандга келиб тушди. Онҳазрат икки йил мобайнида ҳеч бир тарафга юриш кильмасдан, бутун вактини байраму курсандчилик, саҳоваткорлик ва мамлакатни идора қилиш ишларига бағишлаб, лашкарларга дам берди.

## СУЛТОН СОХИБКИРОННИНГ ИЛК БОР ДАШТИ ҚИПЧОҚ ТОМОНГА ОТЛАНГАНИ ВА ҮЛ МУБОРАК ФАТХ ТАФСИЛОТЛАРИ ЗИКРИ

(344) Чунончи, аввал зикр килиб ўтганимиздек, Тўхтамиш бир неча бор ҳазрат Султон сохибкиронга нисбатан жуда ёмон беадабликларни такроран содир этди. Ҳазрат элчилар ва мактублар оркали унга ўзининг қадимий хукукларини ҳар қанча заслатиб, панду насиҳатлар ёзиб юборсала, булар унга кор килмади. Султон сохибкирон заруратдан тайёргарлик кўриб, (Тўхтамишга карши) отланмокчи бўлди. У лашкарларни яқинроқдаги муайян жойда жам килди ва икки йилга етарлик аслаҳа ва анжом билан сафарга чиқди. Чунончи, 793 (1391) йил, сафар ойининг ўнинчисида (3 январь), пайшанба куни уғрукни Тошкандалан оркага кайтариб, ўзи (лашкар билан) Даشت Қипчокка жўнади. Каросмон касабасига келиб тушганида, Тўхтамишнинг зетиси келиб, унинг турли узр ва шафоатлардан иборат хушомадгўйлик билан ёзилган мактубларни стказди. Султон сохибкирон (элчига) илтифот килмади ва Оллоҳга таваккал килиб сафарга отланди. Ҳазрат ўшал элчилардан ҳар бирини бир туманга ғажарчи килиб кўйиб, йўлда давом этди.

Сафар асносида Идикунинг навкарларидан бири кочиб кетди ва лашкар келаётганлигини Тўхтамишга хабар килди. Улуғтоғга етгач, Султон сохибкирон эни ва бўйи ўттиз фарсанг бўлган худудда тўрт кунлик шикор ўюштириди. Камаргадан сўнг ҳазрат (саркардалардан) лашкар сонини талаб килди ва сонни тўғри маълум килган амирлар ва сардорларнинг ҳар бирига мартабасига яраша навозишлар килди. Шундан сўнг лашкар муқаддимаси учун коровуллар (345) тайин этилди. Ногаҳон улар уч-тўрт жойда гулхан шуъаларини пайкаб, дархол ҳазратга маълум килишибди. Султон сохибкирон уч-тўрт отликка чеккароқдан туриб гулханларни кузатишни буюрди. Қидиув натижасида яна ўн бешта гулхан аникланди. Шундан сўнг бир қанча нозик жойларда катта ишларни бажарган уста «тил» ушловчилар теварак-агрофни булғоминий килиш учун саҳро бўйлаб таркаб кетишибди. Улардан бир гурухи ушбу дашт ўртасида бир неча олачик тикилганини кўришибди ва топширинкка кўра биронтасини кўлга олиш учун кечаси пистирма куришибди. Иттифоқан, бир киши ўзи тўғри уларнинг ёнига келиб колган эди, ушлаб даргоҳга келтиришибди. У одам деди: «Қарийб бир ойдирки, биз ўрдудан ажralиб колганимиз ва хозир унинг каердалигини билмаймиз». Султон сохибкирон (эхтиёт юзасидан) олачикларда турганларни (лашкар орқасига) кўчиришини буюрди.

Ёйик (Үрол) дарёсига етиб келишганида унинг учта кечиб ўтадиган жойи бор эди: бири Айғир ёли, иккинчиси Бўр(и)кечик ва учинчи-си Чопмакечик. Шу учта кечув мавжуд бўлишига қарамасдан, лашкар ҳалигача бирон жонзод ўтмаган бир жойдан таваккал килиб, бу кутурган дарёни кечиб ўтди. Самар дарёсининг қирғоғига етиб боринш-ганида, коровуллар жуда кўп отларниң туёклари товушини эшитиб, онҳазратга хабар килишди. Улардан кейин «тил» ушловчилар ҳам бир одамни даргоҳга келтиришди. У одам шуларни айтиб берди: «Шу пайт-гача сизларнинг келаётганингиз ҳакида бирон хабар йўқ эди. Илику-пинг навқари (346) келгачгина, (бу бизга маълум бўлди). Ўша кундан бугунгача бизнинг лашкаримиз ҳам жам бўлди. У сизларнидан икки баробар кўп бўлса керак. Тўхтамиш Ёйик дарёси кечувларини сизларга бекитмоқчи эди. Йўлсиз бир жойдан кечиб ўтаётганингизни эшиттач эса, монелик килишига улгурмади».

Шундан сўнг Султон сохибкирон: «Лашкарлар куронларнинг теварагини чапар, говисипар ва хандақлар билан мустаҳкамлаб, жойлашиб олсинлар» деся ёсок буюрди. Ногоҳ коровуллар узоқлан учта кўшун кораси пайдо бўлганини хабар килишди. Ўша куни жиба (совут) таркатилди ва жангчиларга укулка ва яхши вавъдалар бериб кўнгилларини олишди. Шундан сўнг Султон сохибкироннинг ўзи коровулгоҳга борли. Коровул илғори бўлган гурух бир кишини ушлаб келтирган эди. У одам шуларни айтиб берди: «Биз сизнинг лашкаргоҳинингизда озик-овқат йўқлигидан кувватсиз бўлиб колгансиз, деб эшитган эдик. Тўхтамиш сизларни олдинрокка сурдирмоқчи. У шундай киладики, сиз ўз-ўзингиздан тўзғиб кетасиз». Шундан сўнг: «Ҳеч ким тунда олов ёқмасин ва шом намозидан кейин биронта жонзод курондан ташкарига чикмасин», деган ёсок эълон килинди.

Султон сохибкирон Мубашиширни (душман ҳакидағи) хабарни текшириш учун олдинга жўнатди. Унинг йўли бир чангалзор ичкарисига тушиб колли. Бу ерда ногаҳон ғовур-гувур овозлар қулогига чалинди. Мубашишир навкарларини жойида колдириб, ўзи текшириш учун олдинрокка борди. У ерда турган қавмнинг сони ўз кўл остилагилардан кам эканлигини (347) мушоҳада килигач, уларнинг устига ташланди. Шу бир дафъанинг ўзидаёқ у кирк кишини асир килиб, ҳазрат олдига келтирди. Улар шуни айтиб беришди: «Лашкарнинг муайян қилинган булжори Каражкўлда эди. Биз ҳам шу сабабли бу ерга келдик. Бошка лашкарларнинг кеч колишгани сабаби бизга маълум эмас».

Шундан сўнг Султон сохибкирон Жалол ибн Ҳамидни Сойинтемур, Мули ва Рағно тархон билан олдинга жўнатиб, уларга тайнинладиким.

агар уларга душман дуч келиб колса, эхтиёт бўлишисин ва ўзларидан кам бўлмаса, хужум килишмасин. Агар душман сони ошиқ бўлса, гулга кайтиб келипсин. Иттифоқан, уларнинг каршисидан катта бир гурух чикиб колди. Сойинтемур олдинга юриб, одатда коровуллар бундай пайтда айтадиган сўзлар билан уларга хитоб килди ва жавоб олгач, Мулини даргоҳга кайтариб юборди. Султон сохибкирон Икутемурни кўл остидаги туман билан уларга кечка (мадал) тарзила жўнатди. Тасодифан йўлда иккита катта ботқоқлик бор эди. Ҳар иккаласидан ўтиб, яна бир оз олдинрокка юришиди. Коровуллар илгори бир тепалик устида турган ёғий коровулларни корасини кўриб, ботирларча олға босдилар. Ёғий коровуллари қайтиб кетишиди. Коровуллар боя улар турган жойда тўхтаб, атрофга назар солишиди ва бир дарада карийб ўттиз кўшунга якин мукаммал куроллашган жангчилар пистирмада турганини кўришиди. Бир кишини оркага кайтариб, Икутемурга хабар килишиди: «Душман сони бизнидан икки баробар ошик. Ярок шуки, ўз одамларимизни бояги боткоқликлардан ўтказиб, оркага чекинайлик». Ёғий коровуллари ҳам уларнинг корасини чоғламиший<sup>1</sup> килган (348) эдилар. Дарҳол пистирмадан чикиб ҳамла қилдилар. Икутемур каттиқ саъй-харакатлар қилди. Кетма-кет учта отига ўқ тегиб йикилгач, у пиёда туриб жанг қилди. Уни танимасдан ўлдиришиди. Рамазонхожа ҳам ҳалок бўлди.

Ушбу мағлубият пайтида Султон сохибкирон шахсан ўзи етиб келли ва бу ҳолдан воқиғ бўлиши биланоқ, ёғий лашкари тўзғиб кетди. Шу тарика беш кун давомида ҳар куни Тўхтамиш қорасини кўрсатиб, чигатой лашкарини ўзи тарафга тортар ва бир манзил оркага чекинарди. Олтинчи куни тонг муқаддимаси толеъ машрикидан зоҳир бўлганда, Тўхтамиш жаҳонни тўлдирувчи лашкарни жанговар сафга тизиб. Бесутун тоғидек тўхтади. Султон сохибкирон ҳам унинг мукобаласида тўккиганта ғулни ростлади. Биринчи ғулда подшоҳ Султон Махмуд (ибн Суорғотмиш)ни Сулаймоншоҳ ибн Довуд билан бирга кўйди. Иккичи ғулга амирзода Муҳаммад Султон иби амирзода Жаҳонгирни тайинлади. Учинчи ғулга амирзода Мироншоҳни бош килиб, Муҳаммад Султоншоҳни ушбу ғул хировулига кўйди. Жавонгор ғулини амирзода Умаршайхга топшириб, бу ғул канбулини Худойдод Ҳусайнга бириклирди. Онҳазратнинг ўзи асл ғулда чодирлар тикиб жойлашиб олди.

Бу улуғ жанг кўй йилига мутобик бўлган 793 (791) санада, ражаб ойиниш ўн бешинчи куни (18 июнь) да бўлиб ўтди. Даставвал Ҳожи Сайфиддин баронигор канбулидан ҳамла қилди ва ёғий жавонгорининг

<sup>1</sup> Чоғламиший – чамаламок: аникламок. Doerfer, Turkische...B. III, S. 29.

қанбулини жойидан кўзғатди. Унга кетма-кет равишида Жаҳоншоҳ баҳодир ҳам ўз қаршисида турган ганимни гўзғитди. Ундан сўнг амирзода Мироншоҳ ҳам ўз қаршисидаги ганимни мағлуб этди.

(349) Ушбу маърака содир бўлишидан олдин, чигатой лашкарининг умиди қалъаси амирзода Умаршайх қиличи зарбаси химоясида метин-мустаҳкам эканлиги ҳакида Тўхтамиш кўп бора эшитган эди. Шунинг учун ном ва номус учун курашмок ниятида бўлган барча одамларини атрофга тўплаб, бу ғулга ўзи ғаним бўлди. Сездирмасдан якин келиб, сулдуз тумани устига ташланди ва бир ҳамладаёк от, тую, одам ва улов – барчасини уриб-йикитиб, осёк остида тоғтаб, тор-мор келтирди ва салмишӣ<sup>1</sup> килди. Султони ғозий ҳаракат жиловини кўйиб юбориб, ўзи бошкараётган катта ғулни жангга солаётганида, амирзода Умаршайх олдидан бир киши етиб келди ва сулдуз тумани аҳволи ҳароб бўлгани ҳамда Тўхтамишнинг жавонғор ғули оркасига ўтиб олганини маълум килди. Амирзода Умаршайх маккор душман муқобаласида ёсол тортиб, жон-жаҳди билан конли жангта машғул бўлган бир пайтда, кутилмагандан Султони ғозий катта ғулнинг барча туманлари билан мадад юзини ўша тарафга каратди. Ғалаба шиорли байроклар етиб келишидан олдинроқ, амирзода Умаршайх жаҳонни фатҳ этувчи килич ва метин тошини ҳам куқун киладиган гурзи зарбаси билан душманнинг оёгини жойидан кўзғатган эди. Ушбу олатасир олишув пайтида Тўхтамиш бу катта «шикор»нинг камарғаси доираси уни чор-атрофдан куршаб олганини кўргач, фано бўлган Даشتி Қипчоқ таҳтига фано чаҳор такбирини ўқиб, карор жиловини жуфтакни ростлаш тарафга бурди. Унинг ҳакношунослиги ва кўрнамаклиги касофатидан ул улуснинг бир неча йил давом этган барқарорлиги барбод бўлди. Шундан сўнг Даشتи Қипчоқнинг ҳарир либос кийган, кумуш болдирили гўзаллари нолаю зорни айланувчи фалакка етказдилар. Саройнинг сузук кўзли нозанинлари истиғно саропардасидан чикиб, ҳорлик ва муҳтоҷлик тупроғига беландилар. Ўзбек пойтахти бошдан-оёқ чигатой лашкари пойи остида ер билан яксон бўлди. Чунончи, (350) бир кунлик овқатини топишга кодир бўлмаган энг охирги шиёда ўнлаб сурувнинг эгаси бўлиб колди. Олдин бир динор ҳам пуни бўлмаган отлиқларнинг энг ҳакири катта ҳазинани кўлга киритди. Тўқнашув арафасида бир ратл<sup>2</sup> арпа уни бир ман<sup>3</sup> соғ кумушдан кам турмасди.

<sup>1</sup> Салмишӣ – ёзилиши таҳминий ва маъноси ноаник.

<sup>2</sup> Ратл – суюклик ва сочилиувчи жисмлар учун ўлчов бирлиги.

<sup>3</sup> Ман – оғирлик ўлчов бирлиги.

Бу ғалаба мұяссар бўлганидан тўрт соат кейин эса юзта қўйни бир дирҳам ёки ўнта отни бир динорга хеч ким сотиб олмасди.

Лашкар амирлари ва вилоятлар сардорлари ушбу фатҳни муборак-бод этиш учун кимматбаҳо тухфалар ва рангий совғаларни ҳумоюн даргоҳга пешкаш килишиди. Султон соҳибқирон уларни бирма-бир кўрсатган хизматларига караб, суюрғоллар ва инъомлар билан сараф-роз килди. Онҳазрат Темурқутлуғ ўғлон ва Идику (Эдигей)ни бис-ёр навозинилар билан шод этиб, ўз уруғ ва қабилаларинга бошчилик килишга тайинлади. Ул ҳаромнамаклар ўзларини бир чеккага тортиб, ҳудди Тўхтамиш каби ўзбек улуси ҳаққига (ҳазратга нисбатан) кўрнамаклик тангасини тошга ўйилган нақшдек зарб эта бошладилар. Султон соҳибқирон уларнинг аҳдларини бузишганига эътибор бермасдан, ўлжалар билан соғ-саломат оркага кайтди.

Ушбу юриш асносида Қамариддин бадкорлик килиш учун фурсатдан фойдаланиб. Ўзанд тумани устига келган эди. У бир неча киплокни талаб. Мўгулистанга кайтиб кетди. Амирзода Умаршайх йўл ярмилаёк кичик бир гуруҳ билан лашкарлан ажраб, шахзодалар билан (тезрок) мулокот килиш иштиёқида илғор тарзида йўл босди. Чунончи, ғоятда шошганидан бошқалардан ўзиб. Андигонга бир ўзи стиб келди. Унинг муборак пойқадами шарофатидан маҳзунлик ва ғамғусса шодлик ва фарогатга мубайдал бўлиб, жунбушга келган вилоядада баркарорлик ўринатилди. Бир неча кундан сўнг лашкарнинг баъзи кисмлари стиб келгач. (амирзода Умаршайх) Мўгулистанга жўнали ва (351) Қамариддиннинг ўша қилмиши қасоси учун ул улусни тавбасига таянтириди. Ҳар бир қўй эзвазига бир сурув, ҳар бир одам ўрнига бир гуруҳ кишини асирга олиб келтириди.

Султон соҳибқирон доруссалтана Самаркандга келиб тушгач, катта тўйлар ўтказиш тараддудини кўрди ва ўз невараларини муносиб кайликларга уйлантириди. Шундан сўнг онҳазрат қарийб бир йил мобайнида муборак вактини бутунича фарогат ва ҷарғолангга сарф килди.

### **СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ЯНА БИР БОР ЭРОН МАМЛАКАТИ ФАТҲИ УЧУН ОТЛАНГАНИ ЗИКРИКИМ, УНИ БЕШ ЙИЛЛИК ЮРИШ ДЕБ АТАЙДИЛАР**

Фарогат айёми узок давом этиб, ҷарғоланг муддати чўзилгач. Султон соҳибқирон Эронзамин юриши ўйига тушди ва маймун йилига мутобик бўлган 794 (1392) санада, ражаб ойининг ўн бешинчиси (7 июнь)да, жума куни куттуғи ихтиёр ва бахтиёр толеъ билан сафар

саропардасини Эроизамин тарафга кўчириб, дорулим (иљм уйн) Бухорога келди. Ражаб ойн ўргатарида якшанба куни обиҳаво таъсирида ҳазратнинг муборак мизожида ўзгаришлар содир бўлди. Аммо ҳарорати баланд бўлишига қарамай, кўч қилиб Жўйи Зардга келди. Бу ерда ҳарам маликалари ва улуғ хонадон шаҳзодалари ҳозир бўлишиб, табиблар муолажада Мусо алайхиссалом мўъжизаларини намоён эта бошладилар. Саховат қўли неча йиллар давомида тўпланган ҳазиналарининг кулфларини очиб, садақалар бера бошлади ва ислом уламоларининг дуога очилган кафтлари кисмат тутунини ечиб юборди. Ҳазратнинг муборак чехрасида саломатлик асари ва шифо топганлик аломатлари (352) зоҳир бўла бошлагач, лашкар манғлойи йўлга тушди. Ражаб ойининг йигирманчисида, чоршанба куни ҳазрат Султон соҳибқирон ҳам соғ-саломат йўлга отланди ва онҳазратнинг шарифа хотинлари ҳазрат салтанатшоҳ Шоҳруҳ – Оллоҳ уннинг мулки ва салтанатини ўз папоҳида сакласин – ва угрукдаги бошка кишилар билан бирга оркага кайтдилар.

Ғалаба шиорли байроқлар Гургон ва Табаристон ҳудудига етганида, лашкарга уч кисмга бўлинниб, Мозандаронга ўтиш учун чангальзор ва ўрмонларни кесиб йўл очиб, олға юришга буйрук берилди. Сайд Камолиддин фатҳ муқаррар эканлитини аниқ мушоҳада килган бўлса-да, ишнинг оқибатини тақдир ҳукмига ҳавола этиб, қаршилик кўрсатишга қарор килди. Султон соҳибқирон Пирак подиоҳ ибн Луқмон подшоҳин бошка денгизчилар билан бирга кемаларда денгиз оркали жўнатиб, денгиз йўлини мозандаронликларга ёпиб қўйишни буюрди. Ҳазрат ўзи бошика лашкарлар билан уч тарафдан ғанимни мухосара килди. Биринчи куни ёк Маҳонасар қатъаси фатҳ этилди. Сайд Камолиддин жанг ужадални бас килди ва фарзандлари билан истикболга чиқди. Султон соҳибқирон сайдларга шафкат қилиб, бошка синоҳийларни қатлга стказди.

У йилнинг кишини Мозандарон кишилоғида саодат ва комронлик билан ўтказиб. 795 (1393) санага мувофиқ бўлган такоғу (товук) йилинииг йигирма тўртинчи сафари (9 январь)да, пайшанба куни манғлой лашкари Форс тарафга жўнатилди. Онҳазрат Жаҳоншоҳ Жоқу. Ёдгор баръюс, Шамсиддин Аббос ва Учкаро баҳодирни лашкарнинг учдан бир кисми билан угрукда колдириб, ўзи бошка учдан бир кисм билан илғор тарзида (353) жўнади. Шоҳсавор Ирокий Боб ул-жаннатда галиб манғлой кўлнига тушиди ва Ортикшоҳ Султонияни ўз ҳолига ташлаб кочди. Бу мавзеълар фатҳидан сўнг Чамчамол йўлидан Курдистон қатъаларини бир-бири забт қилиб, Бағдод сари йўл олишди. Шайхати

баходир манғойда зди ва ушбу юриш асносида бир фидойи<sup>1</sup> тарафидан ўлдирилди. Шундан сўнг ғалаба шиор лашкарлар кайтиш жиловини Ҳамадон ва Луристон йўлидан Хузистон тарафга буришиди.

Амирзода Умаршайх Кўшки Чўбон йўлидан Қум вилояти музофотига қарашли Гив қалъаси ёнидан ўтаётib, шамшир кучи билан бу қалъани забт қилди. Сўнгра у ердан қўзғалиб. Ҳароҳ ва Фароҳон қалъаларини кетма-кет ишғол килиб, ҳазратга бориб қўшилди. Ҳуррамободда у яна ажраб кетди. Монкара қалъаси ва Луристоннинг аксар кабилаларига чонкин килиб, яна ҳазратга қўшилди. Шундан сўнг амирзода Умаршайх баронғор лашкарлари билан Ҳавиза йўлидан то Жазорир соҳилига довур эгаллади. Султони ғозий бошқа йўл билан юриб Шуштарни забт қилди ва улар яна Шуштар якинида бир-бирларига қўшилдилар.

Шундан сўнг ҳазрат Масъуд сарбадорни Шуштарда кўйиб, жўнаш жиловини Форс тарафга бурди. Қалъаи Сафид Форс сultonларининг ўзимод кўйган жойи бўлиб. Зайнулобидин ибн Шоҳ Шужоъ бу ерда маҳбус зди. Ҳазрат қалъани икки кунда забт этиб, Зайнулобидинни озод қилди. Соҳибқироннинг муборак пойқадами (354) Шероз атрофидаги Жавимга етгач, Шоҳ Мансур карши тарафдан лашкарлар билал этиб келди ва Гавди Потила (Потила чуқурлиги) номи билан машхур бўлған мавзъеъда пистирма курди. Ўша куни лашкар коровули бошлиғи Усмон ибн Аббос эди. У ёғий коровулларига дуч келгач, пистирма курди. Форслар ғоғил ҳолда пистирма тепасига келиб, тоза босилган излардан кимлардир келиб, яна кайтиб кетишганини тусмollaшди. Улар хайрон бўлиб туришганда Усмон пистирмадан чикиб ҳамла қилди ва уларни қочириб, тўрт отлик сардорни асир килиб ҳазрат ҳузурига келтириди.

Айни пайтда Шоҳ Мансур қарийб тўрт минг нафар мукаммал куролланган ва коядай ҳайбатли отликлар билан – номус талаблик юзасидан уларнинг ҳар бирини бир иклимдан танлаб олган эди – стиб келди ва оташ алангаси каби ўзини катта ғулга уриб, игна ипакдан ва шамол дарёдан ўтгани каби қалбгоҳининг ўргасидан ёриб ўтиб, лашкар орқасига чикиб олиб тўхтади. Султон соҳибқирон ёсол юзини унинг тарафига караб ўтирди ва сафларни кечкалар билан маҳкаму мустаҳкам килди. Шоҳ Мансур яна бир бор ногаҳоний балодек замину замонни аглар тўнтар килиб, қалбгоҳга ташланди ва кибру ғуур билан ҳазратнинг хос соябони ва байроғи тагида пайдо бўлиб колди. Чунончи, бу ҳамланинг ваҳшатидан байроқбардор оёғини кўлига олиб кочди.

<sup>1</sup> Фидойи – сункасадлар учун маҳсус тайёрланган котил.

Султон сохибқирон эгнита тавакқул зирхи ва бошига тавалло лубулғасини кийиб турганда. Мансур елдек стиб келиб, мақсадига етай деб колганини күрди ва бор кучини йигиб, беаёв килич билан ҳазратнинг муборак дубулғаси тепасига икки бор зарба бериб, (355) от чоптириб ўтиб кетди. Аммо ҳазрат султон сохибқироннинг аъзи баданидан бир тола сочи ҳам кесилмади.

Шоҳ Мансур гул шатранжи филбанд ва фарзинбанд килиниб маҳкамланганини кўргач ва майдон ўртасида сонсиз кўшунлар билан мустаҳкам турган Шоҳи ғозийга кишт бермок амримаҳоллигини англағач, бу тарафдан юз ўғириб, от жиловини баронгор гули тарафга бурди. Камон булутидан ўқ ёмғири ва жигарни яраловчи пайкоидан ажал дўли жала каби ёғилиб, форс чавандозлари (бадани)ни ғалвир қилди. Бечора Шоҳ Мансур шунча жидду жаҳд ва саваш билан ҳам жонини ажалдан саломат саклаёлмади ва ушибу олишувда дайди ўқка дучор бўлди. Унинг кўркам бошини жуссадор танасидан жудо килиб, ҳазратга элтишиди. Чигатой лашкари зафар ҳайкириктарини (фалакининг) яшия куббасига етказиб, тирик колган асиirlарни ҳам катл этишди.

Эргаси куни машрик уфқидан субхи содик жилва килгач, султон сохибқирон Салам дарвозаси олдига келиб тушди ва Шерозни ўз тасарруфи доирасига киритди. Бонка нохиялар ҳам забт қилинди. Мухаммад Музаффар авлодларининг барчаси, худди олдингидек Эронзамиинни уларга колдиришади, деган хаёлда даргоҳга бош эгиб келишиди. Йигирма тўртинчи жумодилоҳир (7 май)да душанба куни улар хибсга олиниб, бир хафтадан сўнг ёсок шамшири билан жазоландилар. (356). Форс мамлакати, Ироки Ажам ва Хузистон, Ҳабаша ва Зангигорден гизлари сохилию Адан нохиясидан то Ҳурросону Қандахор вилюятларигача бўлган худудлар амирзода Умаршайхга таалуқли бўлиб колди.

## БАГДОД ТАРАФГА ОТЛАНИШ ҚИССАСИ ҲАМДА УНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БЛЁНИ

Шундан сўнг ражаб ойининг бешинчи куни (17 май)да султон сохибқирон Шероздан кўч килиб, Исфаҳон ва Жарбодакон йўли билан Султония сари юрди ва Озарбайжонни амирзода Мироншоҳга берди. Бу худудда бир неча кун айни суриб чарголангга машғул бўлгач, Қалоғой йўли билан доруссалом Бағдодга отланди. Ўз асрининг улуғ зотларидан бўлган шайх Нуриддин Абдураҳмон Бағдодий элчи бўлиб келди. Султон сохибқирон бу бузрукворга иззат-хурмат кўрсатиб, рух-

сат берди. Ўзи илғор тарзида юришни буюрди ва шамолга эш бўлиб олға юрди. Юриш суръати шу даражада эдики, қўш отли суворийлар жаҳонианоҳ (ҳазрат)нинг туллори туёғи остидан кўтарилган чангтўзонни кувиб етолмасдилар.

Шаввол ойининг йигирмалчиси (29 август) да шанба куни эрталаб лашкар Бағдод атрофига етди ва Султон Аҳмад бошқа дарвозадан чиқиб, ўзини дарёга отди ва ундан ўтиб, араб саҳросига кочди. Баҳодирлар унинг оркасидан от кўйдилар ва барқмисол Дажладан кечиб ўтдилар. Жумладан. Усмон ибн Аббос, Айбож ўғлон ва Сайидхожа ибн Шайхали баҳодир кабилар никоминий қилишга машҳул бўлдилар. Султон Аҳмад (357) Фуротдан кечиб ўтгач, кўпиркни бузиб ташлаган эди. Амирлар ўтишга тараддуланиб, киска муддат туриб колишиди. Кутимаганда тўртта эгасиз кема қўлга киритилди ва дарёдан ўтиб олишиди. Бутун йўл бўйлаб хазина моллари ва нафис буюмлар сочилиб ётарди. Амирлар буларга эътибор бермай, от чопниришиди ва жами кирқ беш нафар суворий Карбало даштигача етиб келишиди. Султон Аҳмад ўз ёнидаги карийб икки минг отлиқдан икки юз нафарини ажратиб, улар билан амирларга ташланди. Амирларнинг отлари холдан тойгани туфайли пиёда бўлиб жаңгга кирдилар. Ушбу саваш асносида Султон Аҳмад Усмон ибн Аббосга рўпара келди ва унинг елкасига шамшир урди. Чунончн, (Усмоннинг) бир кўли ишдан чиқди. Аммо у ярадорлигига карамай, токат билан бардош берди ва таъқибдан воз кечмай, (Султон Аҳмаднинг) бутун угрукини қўлга тушириб олиб кайтди.

Шундан сўнг султон соҳибкiron Такрит қалъасини фатҳ қилишга жўнади ва бу метин қалъани кароқчилар кўлидан халос килди.

## **СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ДИЁРБАКР ТАРАФГА ОТЛАНИШИ ВА БУ ЎЛКАНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ**

Бағдод фатҳидан сўнг султон соҳибкiron Диёрбакр ўлкаси сардорлари, оқ кўюнлу ва коракўюнлу туркманлар ва бошқа (358) туркманларнинг бошликларини чакириб келтириш учун элчилар жўнатди. Улардан баъзилари бўйсунни юзини олий даргоҳ тарафга каратиб, суюрғолларга сазовор бўлдилар ҳамда уларнинг эл-улуслари дахлсиз ва эмин бўлди. Бир гурухи эса саркашлик кўрсатишган эди, уларга карши чора кўриш лозим топилди. Султон Соҳибкiron ярадорлиги туфайли (Усмон ибн) Аббосни угруқда колдирди, лашкарларни бир неча дафъя қалъаларни ишғол қилишга юборди. Шунингдек, ҳазратнинг ўзи Кир-

күк кальясини забт этди ва Олтункүпрук йўли билан Мўсулга отланди. Туркманларнинг бошликлари жумласидан бўлган Жаҳонгир, Пирали, Кизил Мирави ва Ёрали ибн Қора Аҳмад бошқа сардорлар билан бирга даргоҳга келиб қўшилишди. Шундан сўнг (лашкар) корақўюнли ва яғочқабакту эллари устига чопкин килиб, Рухага етиб келди ва уни забт килди. Ўн тўккиз кундан сўнг Арзан сultonни ҳам келиб, даргоҳ остонасига бошурди.

Олдин бир неча бор тобелик лофини ургани гуфайли ўзини жаҳонни забт этувчи лашкар хужумидан омон сақлаб колган Сulton Исо Мординий итоатсизлик зоҳир килгани учун лашкарлар унинг вилоятини забт этишга оғландилар. Шу йили (1394) рабиул аввал ойининг йигирма саккизинчиси (25 январь)да Сulton Исо пешкашлар билан даргоҳга келди. (Лашкардан) бир гурух тағор, савдо ва муомала учун Мординга боришган эди, аммо кутволлар киришга қўйишмади. Уларнинг бу журъати сабаби шу эди: Сulton Исо уларга калья дарвазаларини очмасликни, ҳатто ўзининг бу хусусдаги мактуб ёки оғзаки фармойишига ўтибор бермасликни гайинлаган эди. Гап-сўзларни яширинча тингланор оркали бу нарса фоп бўлгач, сulton сохибкiron Сulton Исони бандга солдирди ва Мордин атрофларидаи кўч килди.

(359) Рабиул охир ойининг йигирма биринчиси (19 февраль)да орталаб тўсатдан замину замонини булуғ коплаб, кучли шамол қўзалиб, момокалдироқ ва чакмок тилга кирди. Чунон ёғингарчилик бошландики. Нух тўфони буни кўриб ўз ожизлигига йиғлади ва Од (кабиласини ҳалок килганд) тўфонининг жигари куйиб, совук оҳ тортди. Бир лаҳзада шарқу ғарблан лойка дарёлар ока бошлади ва бу сахро сахни то (ерни кўтариб турган) хўқиз ва балик устигача хўлу шалаббо бўлди. Чунончи, бу сахрова ҳатто вахима кильмокка мажол ёки кочини мулоҳазасини кильмокқа имкон ҳеч кимда колмаган эди. Ҳар бир от каерга түғини кўйса баликка тегар, йўлдан бир карич четлашган тую лойга ботиб, жуссасининг бир каричи ҳам ер юзида колмас эди. Кимнингки юзта оти бўлса, битта эшаги борлар билан молу мулкда тенглашиб колди. Аҳвол шунга бориб етдики, барчанинг кўлида биргина асадан бошқа нарса қолмаган эди. Қанчадан-канча энчил чавандозлар ўз аргумоқларини жигарни эзувчи бу лойнинг каърила колдиришди ва улар Коруннинг ҳазинасига бориб қўшилди. Ҳаво алмаштириш ва балодан омон колиши учун йўл чеккасига чодир тикиб ўтирганлар барча нарсаларини жойжойида колдириб, тарқ этиб кетишли. Туяларнинг ўркачлари кўлнинг тўлқинлари билан бир сатҳда эди. Белов отларнинг чарм ёспинчиклари ивиб, коринларига тушиб колган эди. Байт:

Чун гирифторони тихи Миср дар тўфони ғам.

Оламеро даст бар сари пой дар гил монда буд.

(Миср биёбони саргардонлари кулфат тўфонида қолганидек,

Оlam бошдан-оёқ лойга кўмилиб колган эди).

(360) Алкисса, ҳар ким бир амалини килиб, йикила-турса ўзларини саломатлик соҳилига чиказиши.

## **АМИРЗОДА УМАРШАЙХНИНГ ФОРС МАМЛАКАТИДАГИ АҲВОЛИ ЗИКРИ ВА УНИНГ ШАҲИД БЎЛИШИ**

Ҳазрат султон соҳибқирон Форс (вилояти)ни амирзода Умаршайхга топшириб, ўзи кутглуғ қадам билан доруссалом Бағдолга отлангач, амирзода Умаршайх бу мамлакат ишларини тартибга келтирди ва Сиржон кальясини муҳосара килишга жўнади ҳамда угруқ ва фарзандлари Форсга келишини тайинлади. Элчи кетди ва амирзода Умаршайхнинг хотинлари ва фарзандларини кўчириб, Форсга йўл олди. Улар Форсга етишганида султон соҳибқироннинг элчиси келиб, амирзода Умаршайхга аъло ўрдуга бориш ҳакидаги фармонни етказди. У амирзода Искандарни (ўз ўрнига) Форсда кўйинб, ўрду томонга отланди ва шошилинч суръатда манзилма-манзил йўл босди.

Амирзода Умаршайх Курдистон нохиясига етиб келганида, бир гурух сипохийлар унинг олдига келиб, шуни арз килишди. Хурмоту номли қалъа ахли тағор беришдан бош тортиб, амру фармонга қулок солмаянти. Амирзода одам юбориб у қальянинг кутволини чакиришни буюрди, аммо у келмади. Шундан сўнг амирзода Умаршайх ўзи отланиб, ўша тарафга юрди. У якин борганида у ерпинг аҳолиси саросимага тушди. Жон кўркунчидан (химоя учун) кўлларига тош ва ўқ олдилар. Амирзода Умаршайх бепарволик билан (уларнинг хатти-харакатини) назарга илмай, эгнига совут кийиб, (361) ўзи қалъа деворига яқин бориб, насиҳат билан уларни номаъкул ишдан қайтармоқчи бўлди. Тўсатдан қазо камонидан бало ўки отилди ва у нар шернинг бошига тегиб, шу бир даҳшатли зарбанинг ўзи уни ҳалок килди. Амирзода бир оҳ торгди ва ёргу жаҳонни тарк килди. Сипоҳ баҳодирлари ва ларгоҳ ботирлари фарёд кўтариб, бир ҳамлада қалъани ер билан яксон килдилар. Шундан сўнг бу воеса хабарини ҳазратга етказиш учун бир кишини шошилинч суратда аъло ўрдуга жўнатдилар ва амирзода Умаршайхнинг жасадини Форс дорулмулки (Шероз)га олиб келиши.

Бу хабарни Мордин якинида ҳазрат султон сохибкironға етказиши-  
ли. Ҳазрат бу воксадан ниҳоятда ғамгии бўлди ва аза шаршарини бажо  
келтириди. Шундан сўнг Учкароши Форсга – марҳум амирзоданинг фар-  
зандлари олдига жўнатиб, ўзи Шом тарафга юриш кароридан воз кечиб,  
Жазира ўлкасини фатҳ этишга машғул бўлди. Ҳазрат Мўсулда катта  
курултой чакиришини буюрди ва яна бир бор Мордин тарафга отланиб,  
лашкар билан шаҳарни ўраб олди. Эртаси куни тонгда хўрзозларнинг  
кичкириғига навбат мусикаси садолари жўр бўлди ва жанг ногоралари  
ғулғуласи ғафлат уйкусидаги ётганларни бедор килди. Ҳар бир киши  
ўз мурчолида туриб жангта хозирланди. Ҳайқириқ садолари ва кар-  
найларнинг ғат-ғути ҳатто муazzам тоғни титратиб юборгач, шаҳар  
аҳли тоғдаги қалъага караб қочди. Жуда кўпчилик мана шу дастлабки  
ҳамлада ҳалок бўлди. Султон Исо иши ҳароб бўлгач, ўзига шафоат-  
чилар килирди ва ҳазрат султон сохибкironнинг бокарам даргоҳидан  
узроҳлик тилади. У афв хильяти билан сарафroz этилди.

Шундан сўнг зафар шиорли байроқлар Омад шаҳрини фатҳ килиб,  
Карожа Қиёс қалъасини ҳам ишғол этишди. Қора Юсуф чикиш кийин  
бўлған тоғлардан паноҳ топгани учун (362) султон сохибкiron Жаҳоншоҳ  
баҳодир, Бурҳон ўғлон ва Айбож ўғлонни бир канча лашкар билан  
унинг устига жўнатди. Амирзода Мироншоҳни ҳам уларга кечка тарзи-  
да жўнатди ва ўзи Ахлог тарафга отланиб, йўлда Ойдин қалъасини ҳам  
забт килди. Ушбу манзизда амир Таҳартан Арзинжоний ҳазратга келиб  
кўшилди. Шундан сўнг Авник қалъасини мухосара килишга жўнашди.  
Миср иби Қора Аҳмад туркман бу тош-метин қалъада мустаҳкамлалиб,  
унинг олиб бўлмаслигига эътимод килиб, туғён бошини баланд кўтарди.  
Бир ой мобайнинда ҳар икки тарафдан жуда кўп одам катлу кирғин  
килиниб, ночор аҳволда колишгач, қалъа таслим бўлди.

Шундан сўнг султон сохибкiron ҳазрат хукмдор, хилофат паноҳ  
хокон, мамлакатларни забт этувчи, дунё ва диннинг мададкори Шоҳруҳ  
баҳодирни – Оллоҳ унинг мулки ва салтанатини ўз паноҳида сакласин  
– Туронзамин хукумати учун кайтариб юборди. Ҳазрат хукмдор кутлуг  
қадам ва баҳтли толеъ билан Мовароуннаҳр таҳтига келиб ўрнашди.  
Кулагай фурсатни пойлаб юрадиган мамлакат душманлари – Қамариддин  
ва бошқалар ҳазрат султон сохибкiron Эронзаминга отланганини  
ғанимат билиб, ҳар бурчакдан кириб келиб, ўғрилик ва вайронгарчилик  
килишга интилардилар. Ҳазрат хукмдорнинг кутлуг ташрифидан ушбу  
мамлакатнинг толеъни кулиб, мушарраф ва музайян этилганидан улар  
хабардор бўлгач, бекарор бўлиб фано саҳросига жуфтакни ростлади-  
лар. Худди Етти Қароқчи юлдузлари каби пароканда бўлиб кетдилар.

## СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ БОР ДаШТИ КИПЧОҚ МАМЛАКАТИНИ ФАТҲ ЭТИШГА ОТЛАНГАНИ ЗИКРИ

Мовароуннаҳр мамлакати ишлари тартибга солингани хабари мұфассал тарзда ҳазрат султон (363) сохибқиронга етказилғач, ҳазраттинг күнгли хотиржамлик ва хотири таскыну тасаллы топиб, рубыи маскуннинг шимол тарафидаги ўлкаларни фатҳ этишга отлаңди. Аввал бошда Шамсиддин Олмалигийни элчи килиб жүнатиб, душманликтинг хатарли оқибатларидан огохлантириб таңбөх берди ва ўзининг (Тўхтамиш олдидаги) собик ҳаккини эслатди. Тўхтамиш нард таҳтасига макрхийла ва ғирромлик тошини отиб, мухораба режасини тузди. Шамсиддинга Тўхтамиш давлатининг ёруғ кундузи кулфат тунита мубаддал бўлгани аён бўлгач, хўрсиниб кўйди ва руҳсат олиши биланоқ дархол орқага кайти. Султон сохибқирон боб ул-абвоб Дарбанддан ўтгач, катта жарға билан кайток эл-улусини яксон килди ва ушбу ҳол асносида ҳазрат ҳузурига келаётган Тўхтамиш элчиси лашкар корасининг чексизлигини кўриб, ҳатто мулокот килмасдан йўлини орқага буриб кочди.

Тўхтамиш ногаҳоний бало ва илохий қазо етгани хабарини эшитгач, Қозончини манғой лашкари билан Қўйсуй дарёсининг кечувини муҳофаза килишга жўнатди. Султон сохибқирон ўз муборак зоти билан илғор килиб тунда йўл босди ва тонг муқалдимасида Қозончининг устига етиб келди. Қозончи хатардан қочишни афзал билиб, жонини саломатлик соҳилига етказди. Шундан сўнг Тўхтамиш Терек дарёси соҳилида ўлим асбобини ҳозирлаб, жанг бошланишини кутиб турди. Зафар шиорли байроклар сахро саҳнида пайдо бўлгач, Тўхтамиш вахимага тушиб, орқага чекинди. Султон сохибқирон (дарёдан) кечиб ўтгач. (364) Тўхтамиш Қурой ларёси соҳилида лашкар тўпламокқа машгул эканидан хабар топди.

Иттифокан, ғолиб аскарларнинг озик-овқатлари тугаб, кувватсизликка мубтало бўлишиди. Озука маслаҳати жиҳатидан лашкар Руй дарёсининг юкори тарафи бўйлаб Жулот вилоятига йўл олди. Ногоҳ тоғдан-тоғача (чўзилиб кетган) чодирлардан чиккан Тўхтамиш (лашкари) ёсоли кораси кўринди. Султон сохибқирон ҳам зарурат юзасидан саваш тифини у ёсолнинг зирхли девори томонга қаратди ва йигирма етги кўшунни кўмак учун ажратди. Ногоҳ жавонғор канбулидан хабар келтирдиларки, ёғий баронғори учидан Каноча ўғлон, Баркёрук ўғлон, Ўқтой, Довуд сўфи ва Ўтурка Муҳаммад ажралиб чикишиди ва улар-

нинги нимани қасд этишгани маълум эмас. Султон соҳибкирон ўша йингирма етти кўшун билан уларга пешвоз юрди. Ёғий ўз найранги фош этилгани ва тадбири амалга ошмаганини кўргач, яна оркага қайтди. Шундан сўнг ушбу йингирма етти кўпшундан номдор баҳодирлар ёғий гулига пешвоз чиқиб якин бордилар. Аммо ёғий хировуллари ҳамла килиб, бу гурухни то кечкагача қувлаб келишди. Шайх Нурицдин фидойилик билан отдан сакраб тушди ва шамишир зарбаларни билан ўзбек баҳодирларининг йўлини тўсди. Унинг яққол кўриниб турган жонбозлиги бошка амирларга ҳам таъсир қилди ва улар ҳам қўшилиб, ўзбекларнинг хаддан зиёд шижоати совуттеншар пайконлар зарбидан сўнишга юз тутди.

(365) Шундан сўнг катта ғул давлат мадади ва зафар талаби билан ногора ва каршайлар садосидан срни титратиб ҳаракатга келди. Даشت-ти Қипчок сардорлари ва Тўқмок лашкари баҳодирлари елкама-елка туриб, ҳарчанд даҳшатли ҳамлалар қилишмасин, лашкар сафини бузиб ўтишолмади. Ушбу кирғин ва жанг жадал асносида душман жавонгори ўз каршинида турган кучлардан шикаст еди. Баронгорнинг канбул ва мунчи<sup>1</sup> туманлари ғул ёсоли бўғзидаги ихота ҳалкасини тобора торайтира бошладилар. Цўлат совут кийган темир қалбли чигатой ботирлари таваккул оёғини заминга ҳулди устун каби тираб, жон-жаҳдлари билан олишдилар. Уларнинг хайбати душман дилидаги сабру бардошни кувиб чикарди. Ёғийлар дилинни маъюслик булути коплаб, уларнинг умидлари юзини умидсизлик доғи корайтириб юборгач, Тўхтамиш бенасиблик камчисини кочиш бедовинга урди ва ушбу обод улус аҳолисини чигатой ботирлари шамширига топшириб, ўзини омонлик соҳилига урди.

Султон соҳибкирон ўз муборак зоти билан (дунманни) никомиший киммокка тутинди ва Итил (Волга) дарёси бўйидаги бу гун ўзбек улусини бошдан-оёқ бўйсундирди. Шундан сўнг илғор тарзидаги лашкарлар ул Даشتнинг ўнг ва сўл тарафларига ёйилиб, ўз йўлларида дуч келган барча Рус ва Хазар вилоятларини ҳам ер билан яксон қандилар. Шу тарика ҳар бир гурух қайси тарафга йўл олса, гўёқим тўкайга ўт тушгандек, хўлу курукни ёндириб ва тор-мор килиб (366) қайтиб келди. Кўлга киритилган ўлжалар ва ҳайдаб келинган йилкилар кўплигидан ул улкан сахро лашкар юрт килишига торлик киларди.

Шундан сўнг ўша йил кишини ўтказиш учун ўшал ноҳияларда кишлокка муносиб жойда юрт килиш ярок кўрилди ва киплаш муд-

<sup>1</sup> Мунчи (мучи) – лапикар қанотларидаги ҳарбий кисмлар. Doerfer. Türkische... В. I, S. 505.

даги ўшал ерда хуррамлик ва фаровонликда ўтказилди. (Бахорда) кайтиш жиргаси кирк фарсанг масофага чўзилди. Момукту ғозикумик ва болғачи элларини бўйсундириб. Ҳожитархон, Сарой Берка ва бошка шаҳару вилоятлар, элу улусларни (йўл-йўлакай) забт килиб келишиди. Ногоҳ йўл ўргасида Шўхол мажусий ғозикумик кавмлари билан нитифок бўлиб, ўрду чеккасидаги йилкиларга тўсатдан хужум килди. Султон соҳибқирон ҳумоюн узанги мулозиматидаги беш юз суворий билан уларга қарши юрди. Шўхолни ўлдириб, бошқашарини банди килиб ҳазрат ҳузурига келтиришди. Султон соҳибқирон қумик ғозийларига гурли навозишлар кўргузиб, омон қўйиб юборишини буюрди. Мажусийларни эса битта қолдирмай қаҳр қиличи билан қатл килишди. Ушбу муборак юришда Албурз тогидаги барча қабилаларни лозим кўрилган даражада бўйсундириб, бу ноҳиялар фатҳидан кўнгилни бутунлай хотиржам килиб, боб ул-абвоб Дарбандан ўтиб, Ширвонотга келиб тушдилар.

Муборак юришдан олдин султон соҳибқирон амирзода Пирмуҳаммадин<sup>1</sup> Шерозга жўнатган эди. У дорулмулкка етиб келгандан сўнг, ногаҳоп бир қанча номаълум одамлар дорулибода (ибодат уйи) Яздни (367) ўз кўлларига киритиб олишди. Амирзода бу қальани муҳосара килишга отланди. Аммо бу метин қальянинг мустахкамлиги амирзодага уни ўз кўл остидаги кучлар билан забт этишга имкон бермади. Султон соҳибқирон амирзода Пирмуҳаммад ибн амирзода Жаҳонгир, Искандар Шайхий ва Арғуншохни бир гуруҳ амирлар билан ушбу қалья фатхига номзод килди. Қамал бошлангандан сўнг олти ой муддат ўтгач, Яздда озик-овқат бутунлай соб бўлди. Ул бузғунчилар ўзларини ташкарига уришди ва дорулибода уларнинг қасофатидан пок бўлди. Шундан сўнг султон соҳибқирон илғор тарзида суръат билан йўл босиб, доруссалтана Самаркандга отланди.

## СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ҲИНД ДИЁРИНИ ФАТҲ ЭТИШГА ОТЛАНГАНИ ЗИКРИ

Бу муборак сафардан ўз тахтгоҳига қайтгач, событ бўлиб колган расмга кўра Конигил водийсига тушиб, бир қанча муддат айш ва ҷарғолангига машғул бўлди. Шундан сўнг Ҳинд ўлқасини фатҳ этишга отланди. Ушбу аснода шу нарсани маълум килишдики, «сиёҳпушлар» («кора кийингланлар») деб аталағидан мажуслардан бир гурухи Панжоб

<sup>1</sup> Умаршайх мирзо вафотидан сўнг унга карашли вилоятлар катта ўғли Пирмуҳаммадага топширилган.

худудида ўрнапиб олиб, бу нохиянинг аҳолисига жабр-зулм килмоқда экан. Султон сохибкирон уларни даф этмокни зарур ишларнинг энг аҳамиятлиси хисоблаб, амирзода Рустам ва Ҷурхон ўғлонни бир гурух амирлар билан уларга қарши юборди. Улар эҳтиёткорлик шартларига риоя қилишмагани учун (368) зарбага дучор бўлишди ва мағлубиятга учраб қайтиб келишди.

Шундан сўнг султон сохибкирон ўз муборак зоти билан отланди. Йўл кояли даралар, пасту баланд камарлар, бийик тепаликлар, харсанглар сочилиб ётган нотекис ва ўтиш кийин жойлардан ўтарди. Буларнинг барчасини босиб ўтгач, қалин корли бир дарага етиб келишди. Дунё яратилгандан бери то шу пайтгача бирон жонзот бу ердан ўтишга журъат килмаган бўлса керак. Султон сохибкирон беш ўқ отими масофада йўлак ясашни буюорди. Унинг мустаҳкам бўлиши жиҳатидан олдин бир неча отни катта тахталар устига бойлаб, пастга сирпантириб юбордилар ва қор пасайиб зичлашиб, оёқ кўядиган жой қаттиқлашиди. Баҳодирлар жиҳод белини шижоат камари билан боғлаб, ул жарлик тубинга тушдилар. Султон сохибкирон ҳам жонидан жиҳодни афзал кўриб, муҳоҳидлар билан биргаликда тахта ва аркон воситасида жарлик тубига тушиди.

Иттифокан Катура қальаси пойида бир дарё бўлиб, (унинг окими шиддати) тоғ чўкқиларини жойидан силжитар, ҳатто Мангалус<sup>1</sup> фили ҳам ундан кечиб ўтолмасди. Султон сохибкирон юқдан бўшатилган копу канорлар ва шалита (?) ларга тош тўлдириб, тартиб билан ул қаттол дарёга туширишни буюорди. Нихоят шу даражага етдики, кўпприк бойлаш имкони пайдо бўлди. Айни шу ишлар олиб борилаётган пайтда сиёҳпушлар ўқ ва тошлар билан ислом лашкарига ҳужум қилишди. Чунончи, кўпприк куриш давом этган бир кун ва икки (369) кеча давомида кариб минг киши ҳалок ва ярадор бўлди. Шундан сўнг пўлат совут кийган баҳодирлар ул баланд қальани тўрт тарафдан темир тоғ янглиғ доира ичига олдилар ва (девор) тепасига чиқа бошладилар. Ислом номуси учун фидойилик ва ўз номларига доғ туширмаслик истаги уларнинг дилларига шунчалик ўрнашган эдики, боз ва жон хавфини ўйлашмас ҳам эди. Аҳмадий дин куввати ва муҳаммадий давлат шавкати мадади билан гозийлар яқдил ва иттифок бўлиб, улуғвор тоғ мисол қальянинг тепасига чиқдилар. Жангдан бирон натижа чикмаслиги кофириларга аён бўлгач, фарёд кўтариб омонлик сўрадилар ва сулҳ борасида сўз очдилар. Ушбу тараддуд асносида давлат байроби ва саодат туғи мулжор

<sup>1</sup> Мангалус – Ҳиндистондаги оқ филлар кўп яшайдиган худуд. Яғелло И.Д. Полный персидско-арабско-русский словарь. Ташкент, 1909.

(мурчол) учи билан тенглашди ва мужоҳидларнинг ҳайқириклари тоғ чўккисида акс-садо берди. Шундан сўнг кўз очиб-юмгунча барчасининг қўлларини бойлаб, ҳазрат олдига келтиришди. Улут ёсок амр килиб, хеч бир раҳм-шафқат кўргузмасдан, уларнинг барчасини ўша баландликнинг энг тепасидан жаҳаннам тубига улоқтиришди ва уларнинг касофати мусулмонлар бошидан даф бўлди.

Ўша ерда ҳазрат хилофат паноҳ ҳукмдор, мамлакатларни фатҳ этувчи, дунё ва диннинг мааддкори Шоҳруҳ баҳодир – Ҳирот, Ҳурсон, Мозандарон – ушбу барча мамлакатларнинг ҳукуматига тайин қилинди ва қайтишга рухсат олди.

Зафар шиорли байроқлар Дехли томонга қараб йўлга тушишди. (370) Йўл-йўлакай Турунбой, Диболпур каби лашкарнинг ўтиш йўлида жойлашган қальялар ишғол этилди. Синд дарёсидан кўпrik боғлаб ўтишди. У срдан Патанхир қальясига бориб, уни ва сўнгра Самона ва Понипат қальяларини озод этиб, Жодун дарёсидан ўтиб, Сарости ва Луни қальяларини забт килишиди. У ердан султон соҳибкирон кариб уч минг суворий билан кўздан кечириш максадида Дехли дарвозаси яқинига борди.

Маллу Дехлавий назар-писанд қилмай, катта лашкар ва филлар тўдаси билан дарвоздан ташкари чиқди. Жанговар филларнинг ҳайбату салобати Чигатой улуси ахлига унча аён бўлмагани туфайли кўраётганлари олдин эшитганларига у кадар мос эмас эди. Одамлар сони камлиги туфайли султон соҳибкирон қайтиш жиловини оркага бурди. Ҳиндилар икки-уч фарсанг масофада даштга чиқиб, майдондорликтар килиб, сўнгра қайтиб кетишли.

Шундоғ қудратли лашкар бошлиғи бўлган султон соҳибкироннинг (жангиз) оркага қайтиши турли гап-сўзларга сабаб бўлди. Қарийб эллик туман, балки ундан ҳам кўпроқ банди этилган ҳиндилар бирданига ялини ғалаён кўтариб, фитна бошламоқчи бўлдилар. Султон соҳибкирон дарғачаб бўлиб, уларнинг барчасини ёсокка етказишни буюрди.

Эртаси куни тонгда ноғоралар садога келиб, сафлар тизилиб, жангта хозирлик кўрилди ва лашкар Жаҳонпаноҳ қасри ёнида ёсол торти. (371) Яна бир кундан сўнг машриқ қандилидан субҳ чироғи шуъла сочгач ва оламни ёритувчи кундуз заррин қуёшни фалакнинг феруза лаганига яна юмалатиб юборгач, замона дасти кураш майдони баҳодирларининг жиловни ушлаган қўлларини казо ва қадар панжаси билан ҳамдаст қилди. Бурғу садоси ва ноғоралар гумбурлаши Кўхикоғ (тоғи)нинг дилига ғулғула соглудек эди. Замину замоннинг номдор баҳодирлари ҳайқириклар билан харакатта келишиди. Маллу Дехлавий

үтгай кун (вокеаси) хаёлида жантовар филларга бошдан-оёк хиндий баргуставоныар<sup>1</sup> кийгизиб, барча отлик ва ииёдаларини маймана, майсара, калб<sup>2</sup> ва қанотларға саф килиб, музaffer ташкар рўбарўсига келиб турди.

Дастлаб дөв жуссали ва кўркинчли кўринишга эга филларнинг хайбатидан лашкар баҳодирлари ўйга чўмиб қолдилар. Бирдан иқбол манириқидан зафар шуъласи балқиди ва шердил наҳанглар баякбор туркона сурон кўтариб, хиндистонликлар сафига каттик зарба бериб, кўпларини несту нобуд қилдилар. Шундай хайбатлини фил жуссали Дехли филбонларига кўшиб мўғуллй бедовлар түёклари остида забун қилдилар. Кўз юмиб-очгунчалик фурсатда ул дашиб юзаси ўлганлар ва ярадорлардан кизилу кора туслаги кириб қолди. Маллу торморм келтирилган қалб ва тўзғитилган қанотларни жой-жойнга ташлаб, Лакнаут тарафига қочди. Дехли аҳолиси, хусусан, аслзодалар сандик-сандик куръонларни кўтариб ва мусулмонликларини эътироф килиб, зафар безакли байроклар истикболига чикишиди ва илтижо ёлворини юзини итоаткорлик тупрогига сурдилар. Султон сохибқирон раҳмашафкат кўргузди ва расмий наълаҳодан ортиқча хеч нарсанни улардан талаб қилмади. Шундан сўнг бир гурух баҳодирларни то Гани дарёси соҳилигача Маллунинг изидан жўнатди.

(372) Бу куилуғ фатҳии кўнгли истаган тарзда охирига етказгач, (султон сохибқирон) неча йиллар давомида тўшланган хазиналар ва жавохирлар дафиналарини маҳмудий<sup>3</sup> филларга юклаб, Самарканд тарафга жўнатди. Бу ҳалол маблағга у ерда катта жоме масжидини курдирди. Ўша филларда тарошланган тошлар ташиттириб, ул иморат юзаси ва сахнини бошдан-оёк мармартошдан қилдирди.

## СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ШОМ ВА РУМ ТАРАФГА ОТЛАНИШИ ЗИКРИКИ, У ЕТТИ ЙИЛЛИК ЮРИШ НОМИ БИЛАН МАШХУРДИР

Зафар безакли байроклар Ҳинд диёрини фатҳ этишга машғул бўлған пайтда, жўмардлиги ва саҳовати билан шуҳрат козониб, узок-яқиндаги сардорларни ўзига хос кишилар каторига киритиб олган

<sup>1</sup> Баргуставон – от ва филлар учун ўқ ўтмас зирхли ёшинчик.

<sup>2</sup> Маймана – ўнг қанот, майсара – чап қанот, қалб – марказ.

<sup>3</sup> Филларни «маҳмудий» леб аташ Ҳиндистонга кўп юришлар килиб, ўлжалар каторида кўплаб филлар келтирган Султон Маҳмуд Ғазнавий давридан колган бўлиши мумкин.

амирзода Мироншоҳ кўнгил чигилини ёзиш учун Маранд водийсига овга чиккан ёди. Қамарға асносида у фактат кўли билан каттакон бир архарни ушлаб ердан кўтарди ва эгар кошига олмокчи бўлди. Қўккисдан юз берган бу воеалан от хуркиб кетди ва амирзода кўчкор билан бирга ерга йикилди. У карийб тўрт соат бехуш ётди. Табризлик табиб муолажада хиёнат килди. Амирзода тузалгач, тамуз<sup>1</sup> фаслида Бағдодга юриш килиш хавасига тушди, аммо унга етгач, бир кечада турмасдан яна оркага кайтди. Бутун йўл бўйин хаво иссиклигига карамай, муттасил арок ичишга машғул бўлди ва бу ҳол ҳам касали зўрайниши сабабларидан бири ёди. У бегуноҳ кишилар катлига кўл ура бошлади. Ногоҳ ҳеч бир важиз катта иззат-хурмагга сазовор бирон одамнинг бошини ганидан жудо киллар, бошқа пайт сабабсиз эни минг ямок одами (373) мўл-кўл инъомлар билан бой-бадавлат кишига айлантириб қўярди.

Бу хатти-харакатлар овозаси кучайгач, ҳар тарафдан турли фитналар пайдо бўлди. Мамлакат душманлари бирлашиб, бош кўтара бошладилар. Жумладан, Сайнд Шакий Аллинжак қальласи устига келди ва уни мухосара қилаёттанларни тор-мор келтириб. Тоҳир ибн Аҳмадни камалдан халос килди. У қахатчилик туфайли ҳалокат ёқасига келиб қолган қальсан турли захирапар билан тўлдириди ва янги ҳимоячилар гайинлади. Амирзода Мироншоҳ бу воеа таъсирида асабийлашиб, кутирган бўри каби барчага карата касд панжаси ва адovat тишини узун килди. У ўз малика хотинининг тухмати билан ишончли кишиларидан бир гурухини йўқлик оламига равона килди ва шу сабабли унинг даргоҳида қадимдан умид билан юрганлар ноумид бўлиниди. Шундан сўнг малика ўз макрлари билан бечора Мироншоҳни анвои таъналар доираси ичидаги нукта мисол ўраб олди ва бир гурух муфсидлар ҳамроҳлигига Самарқандга жўнаб. ўзини ҳимоя килиш учун эрини штоатензинида айблаб, муттаҳам килди. Султони ғозий, агар ҳаялласа, Озарбайжон ишлари муомаласи узокка чўзилишини англади. Дархол сафар ҷодирини тиклаб, шошигинч булжор билан лапткарларни жам килди ва Озарбайжон тарафга отланди.

Юриш қадағаси шу даражада ёди, аксар жангчилар бу сафарда қўйнида нон саклаб шуни ср, козонда пишган ош ҳеч кимга мусассар бўлмас ёди. Соинкалья манзилига келиб тушишганда, хушкомат амирзода Мироншоҳ шундай бир ҳолатда истикболга чиқди, уни олдиндан танийдиганлар унга караб ўз кўзларига ишонишмасди. (374) Султон соҳибкiron унни шу қалар ҳароб ва тушкун ахволда кўриб, ҳасрат

<sup>1</sup> Тамут - сурённий таквим бўйича ўнинчи ой бўлиб, июль ойига тўгри келади, шунингдек, жаиграма иссиқ, саратон маъноларини ҳам билдиради.

күлини бошига уриб, таассуф күз ёшларини түқди. Аммо ихтиёр жилови қўлдан чикиб кетгани учун чора тополмади.

Қаробоғ қишлоғи қишлоғ учун юрт сифатида тайин қилингач, сulton соҳибқирон қиши фасли бошида Гуржистон ғазотига отланди ва то Карокалконлу кальаси. Ҳашмо, Кура дараларигача чонкин қилиб, сўнг оркага қайтди.

Баҳор фасли Гуржистон ўлкасини ҳарир ва ишак матоларга чирмаб, тоғларга лоладан накшлар чеккач, сulton соҳибқирон яна бир бор бу тарафга юришга карор қилиб, то Абхоз диёри бошланишигача боскин ясади. Гуржи подшоҳи бўйсуниш ва итоатга рози эса-ла, исломга киритилишидан қўркиб саркашлиги туфайли Гуржистоннинг барча туманлари ҳароб бўлди.

Шундан сўнг ҳазрат соҳибқирон Шом тарафга юрини қилиш фикрига тушди ва 802 (1400) йил шаъбон ойининг ўн иккинчиси (15 май) да Байлакондан Арзирум ва Арзингон сари отланди. Сulton Ахмад (Жалойир) Қора Юсуф билан иттифоқликда ўз эл-улуси билан Бағдоддан Рум тарафга йўл олиб, Сивостга етган эдилар. Ҳазрат сulton соҳибқироннинг якнилашаётгани хабарини эннитгач, дархол (375) отланнишиб, энг юқори суръатда хатарли жойни тарк этишиди. Сulton соҳибқирон йигирма бешилчи зулхижжа (17 август)да Сивос ташқарисига келиб тушди.

Қалья ахли, ҳам унинг метицдек мустаҳкамлигига эътимод қилишганидан, ҳам Йилдирим Боязиддан мадал келишига умидвор бўлишганидан жангта ҳозирланиб туришди. Жанг отashi алантга олиб, адован тутуни кўкка ўрлагач, сulton соҳибқирон бутун химматини кальани фатҳ этиш ишига қаратди. Чунончи, онҳазрат ўзи кечомиший<sup>1</sup> қилиб, барча амирлар ва аркони давлатни нақб ковлаш ва хандак қазиши ишларига машғул этди. 803 (1400) йил муҳаррам ойининг бешинчи куни (26 август)да Сивос ишғол қилинди ва кальанинг барча химоячилари тириклайнин чохга ташланиб, устларига тупрок тортилди. Бутун шаҳар сиёsat тиги билан куннайакун қилинди. Йигирма бешинчи муҳаррам (15 сентябрь)да Малотия ҳам фатҳ қилинди.

Шундан сўнг сulton соҳибқирон Ҳалаб томонга отланди. Ҳалаб волийси Темуртош чор атрофга коровуллар жўнатиб, ўзи ҳам шаҳар ташқарисида лашкаргоҳ курган эди. Музаффар лашкар коровуллари у (Темуртош)нинг коровуллари билан жангга киришдилар ва уларни то Ҳалаб дарвозасигача кувлаб, уриб-йикитиб ўлдиришдикি, ки-

<sup>1</sup> Кечомиший – бирон тадбир, асосан, жантовар ишда ўзини кўрсатиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқ.

чик бир гурухдан бошкаси омон колмади. Эртаси куни Темуртош каршилик кўрсатиш хаёлида ташкари чиқиб, лашкарини сафга тизди. Ҳануз манғлой лашкари ҳамла килмасданок, (душман) жиловни буриб кочишига юзланди. Чигатой ҳамласининг зарбаси уларнинг кўнглига шунчалик вахима жойлаган эдики. (376) кўркувнинг зўридан бир-бирларини босиб-янчиб, ҳеч бир муболагасиз ўликлардан баланд тепалик пайдо бўлиб, ҳандак лабигача тўлиб колди. Шундан сўнг Темуртош қалъага кочиб кирди. Сафар ойининг ўн бешинчи куни (5 октябрь) да қалья фатҳ этилди ва у банди қилинди.

Шундан сўнг лашкарнинг (Шом пойтахти сари) йўлида жойлашган шаҳар ва қалъалар – Ҳамо, Ҳўмс ва Баалбек барчаси заҳматсиз ишғол этилди. Фараж ибн Баркуқ<sup>1</sup> Миср ва Шом лашкарлари билан Дамашк шаҳри ташкарисида туарди. Султон соҳибқирон сафар ойининг йигирма тўртинчи куни (14 октябрь)да шаҳардан икки фарсанг масофага келиб тушди. Кутилмаганда ҳазрат султон соҳибқироннинг кизининг ўғли Султон Ҳусайн ибн Муҳаммадбек ибн Мусо ҳеч бир сабабсиз, мастилик туфайли такаббурлик билан Шом лашкарига бориб кўшилди. Фараж ибн Баркуқ унинг кадамини куттуғ билиб, дарҳол унга иктоълар ва фахрий жомалар тайин килди. Султон Ҳусайннинг бошидан шаробнинг сархушлиги тарқагач, ўзини бегона лашкар орасида кўрди ва таассуф бармоғини тишлаб, ўзини халос килиш ўйига машғул бўлди. Мулокот пайтида Фараж ундан чигатой лашкарининг аҳволи ҳақида сўраб-суриштирганда Султон Ҳусайн деди: «Агар менга ўн минг отлик берилса, бу лашкарни ўзим даф қиласман». Фараж ибн Баркуқ унинг бу сўзини ўз тасаввурига ғоятда мос кўриб, Шом ва Миср лашкаридан қарийб эллик минг мукаммал куролланган отлик билан ёсол тузиб олға юрди.

Иттифоқан, султон соҳибқирон (отларга) ўт-ўлан маслаҳати жихатидан кўч килиб, (377) Фута атрофларига жўнаган эдики, жавонгор коровуллари ёғийнинг ҳаракати ҳақида хабар етказишиди. Султон соҳибқирон отлик лашкарлар билан уғруқдан ажралиб, йўл-йўлакай ёсол тузиб душманга пешвоз чиқди. Шом жангчилари ҳам найзани найзага, қалқонни қалконга туташтириб, жисп ҳолда тўп-тўп бўлиб, тошкин дарёдек пистирмалардан отилиб чикишиди. Чигатой баҳодирлари ёсолни мустаҳкамлаш учун елкама-елка туриб, камонлардан ўқ узишга бошлидилар. Бир лаҳзада жанг оташи шу қадар кучайдики, ҳамма ёкни оху фарёд тутуни коплади. Ногоҳ, Султон Ҳусайн

карийб минг нафар отлик билан душман қалбохидан чишиб, катта ғул ўргасига ташланди. Унинг жангчиларидан деярли ҳеч ким унга ҳампой бўлиб кўчланган жойга стиб боролмади. Улардан баъзилари ўкка дуч келиб ҳалок бўлишди, баъзилари ўқ тегмасданок оркага қараб кочиб қолипди. Султон Ҳусайн якка чавандоз бўлиб, юз минг шамшир ва гурзи ўртасида бенаво бир ҳолатда туар өди. Бечорани отининг жиловидан ушлаб ҳазрат олдига келтиришди.

Шом лашкари чигатойларнинг кудрати ўzlари гасаввур кўнгланаридан чанд даража ортиклигини кўргач, мағлубиятни тан олиб, кочишга юзландилар. Султон соҳибкирон шахзодаларни амирлар ва бир кисм лашкар билан никомиший учун жўнатли. Улар душманини то Қуддуси шариф ноҳиясигача таъкиб килиб, бир-бир (378) отдан кулатдилар. Фараж ибн Баркук кичик бир гурух билан кутулиб кетди.

Султон соҳибкирон Дамашк шаҳрини фатх этишга фармон берди. Қалъа кутволи бўлмиш Яздигард унинг метинде мустаҳкамлигига эътиимод килиб, саркашлиқ чўпи билан исёи поғорасини коқди ва жангга ҳозирланади. Султон соҳибкирон лашкарларга қалъанинг теварак-атрофини чапар ва мулжор билан ихота қилиш ҳамда нақб кавлаш ва манжаникларни ўрнатиш учун теналиклар бунёд этишга фармон берди. Дарвозалардан бирининг ёнида ғоятда зўр килиб курилган бурж (минора) бор өди. Алитож Сейстоний ва Шоҳ Сулаймон Хуросоний бир гурух Сейстон ва Хуросон сардорлари билан ўша буржнинг тагидан нақб кавлаб, деворнинг бу кисмини пиллапоялар устида муаллак килиб кўйишиди. Аммо нафть сепиб ўт кўйишига ҳали улгурмаган эдиларки, тўсатдан гишталар ўринидан кўзгалиб сочилиб кетди ва бирваракайига уларпинг бошига кулади. Кариб юз нафар ишчи, ишбоши ва сардорлар буржнинг тагида колиб ҳалок бўлишди. Аммо амир Яздигард бурж кулаганидан кўркувга тушди ва «ал-омон» дея ташкари чиқди. Султон соҳибкирон бу қалъани ер билан текислаб ташлашни буюрди.

Шундан сўнг Шом саркашларининг таъзиини берини амр этилди. Улардан минглаб нафис буюмлар, матолар ва бошка моллар тортиб олиндики, уларнинг тавсифи баёнга сиғмайди. Баднафс шомликлар итоатсизлик килиб, кўхна жоме (масжиди)га ўт кўйишиди ва талон-тарождан омон колган нарсалар ўтда куйди.

Чопкинчилар теварак-атрофдан мўл ўлжалар билан ўрдуга кайтиб келишгач, (379) султон соҳибкирон ҳам соғ-саломат бой ўлжалар билан кайтиш йўлига тушди. Лашкарга хамроҳ бўлган Хуросон ва Мозан-

дарон сардорлари шиаликка таассуб туфайли Муовия<sup>1</sup>, Язид<sup>2</sup>, Шимр жавшандор<sup>3</sup> – уларга Оллохнинг лаънати бўлсин – ва бани Уммийя хонадонига мансуб бошқа мальунларнинг саганаларини бузиб, ер билан текислаб, нажас ва ахлатга кориштирилар. Лашкар йўл-йўлакай шунчалик захираларни кўлга киритдики, замон ҳисобчилари унинг шарҳу баёнидан ожиз эдилар.

Шундан сўнг ҳазрат султон соҳибикрон шаҳзодаларни амирлар билан илғор тарзида теварак-атрофга юборди. Улар то Фурот дарёси отакларигача – бу ер туркманларнинг аслий юрти эди – чопкин килиб, уларнинг чунонам таъзирларини беришдики, то олам инкиrozигача бу дарду алам уларнинг гўрларини тарқ этмайди. Шундан сўнг харакат жилови Мордин тарафга бурилиб, бу ҳудуд ҳам кунпаякун килиниб, тоғ чўккисидан бошка бир карич ер ҳам омон колмади.

Шу аснода Султон Ахмад Бағдодий Фараж номли бир кишини бир тўда такаббур ринл ва безорилар билан Бағдодда кўйиб, ўзи бадар кетгани ҳакида хабар келди. Султон соҳибикрон Рустам, Сулеймоншоҳ, Бурунлук ва соҳиби аъзам Жалол Исломни у ер (Бағдод)ни фатх этишига номзод килди ва Султониялаги угрукнинг муайян булжорга келишини буюрди. Фараж Бағдодий чигатой лашкарининг илғорини кўргач, ўз хато тасаввурида уларга қарши туриш мумкин леб ўйлаб, араб кабила ва уругларига мактублар йўллаб, малад сўради. Араблар мамлакатнинг тўрт тарафидан хуружга (380) келиб, музaffer лашкар сари юзландилар. Амирлар уларга қарши жангга машғул бўлишди. Фараж дарҳол кўприк солиб, чигатой лашкарларининг орқасидан чикиб олиш учун кемаларни тўплай бошлади. Баҳодирлар кўрдиларки, агар жангла андак сусткашлиқ қилсалар, олдиндан араблар ва орқадан Бағдол безорилари уларни сикувга олишади. Дастлаб арабларни даф этилиб, араб жангчиларидан анчаси ўқ ва тиг зарбидан ҳалок бўлгач, улар бирваракайига кочиш жиловини ушлаб, пароканда бўлиб кетишли. Шундан сўнг лашкар олифта ринклар томон юзланди. Уларнинг кораси кўринмасданок, безори ва қалангги-касангилар на ўлик ва на тирик ахволда шахар тарафига караб жуфтакни ростладилар. Аммо

<sup>1</sup> Муовия ибн Абу Суфен – умавийлар сулоласига мансуб биринчи халифа (661–680).

<sup>2</sup> Язид ибн Муовия – умавийлар сулоласига мансуб иккинчи халифа (683–684). Мухаммад пайғамбар(с.а.в.)нинг нсвараси Имом Ҳусайн унинг буйругига кўра катл килинган.

<sup>3</sup> Шимр жавшандор (совут кийган Шимр) – Имом Ҳусайннинг котили.

амирлар Бағдод фатхі ўз имконларидан хориж иш эканлыгини күриб, аълоҳазратга арзнома йўлладилар.

Султон сохибқирон катта угрукни ёйлок тарафга равона килиб, ўзи суюргой<sup>1</sup> лашкарлари билан доруссалом (Бағдод)га отланди. Ҳазрат, шунингдек, Умар ибн Мироншоҳ Самарқандни бошқаришга боришини ва у ерда турган Халил Мұғалистон сархадини муҳофаза килишига отланишини амр этди. Музаффар лашкар сафлари доруссалом остоңасига кадам кўйгач, жангчилар дарёси кора бало янглиг кўпирив, замину замон гўёким пўлат либос кийиб олди. Жангталаб баҳолирлар наъраю ҳайкириклар садосини осмон гумбазига довур етказдилар. Шер панжали, аждаҳо жуссали жангчилар чарм камар ва темир совутларни қаттик тортиб боғладилар. Фитна бўрони от ва туялар тўёклари тагидан ҳодисалар тўзонини кўтарди. Ғам булути (381) ўлим дўлинини Бобил<sup>2</sup> аҳли бошига ёғдириди. Бадбаҳт бағдодликлар дилига савдоийлик шу кадар ўрнашиб олган эдики, кочиш фикри уларнинг хаёллари кўчасига аслю кирмас эди. Жаҳолат оёғини тираб, кўргон мудофаасида шунчалик маҳкам туришардики, ўлимдан бошқа нарса уларга кор килмас эди.

Ногоҳ, жаҳонгирнинг осмонўпар чодири кораси (гўёким) Батҳо сахроси тарафдан пайдо бўлди ва тоғлар силсиласи янглиғ шавкатли лашкар ҳулди ов камарғаси ёки айланувчи фалак доираси ва ё паргор<sup>3</sup> чизиги каби ўнгу сўлдан ёпирилиб, (шахарни) ўраб олишида ва дарҳол малжовар (мурчол) қурмок, накб қавламок, хандакни кўммок, манжаник, аррода ва раъдларни ҳозирламок – муҳосарани ўюштиромок ишларига киришдилар. Иттифокан, шундай бир мавсум эдики, оламни ёритувчи қуёш ерни ички каватларига довур куйдирав, самумнинг заҳарли нафаси ёргун кундузни (оламлар кўзига) зимистон кечадан ҳам багттарроқ килгани эди. Айланувчи замин унсурлари «зилзила соати»<sup>4</sup> бўлиб, осмоний оғатлар балойи казога айланди. Ана шундай бир ҳолатда барча амирлар ва шаҳзодалар таҳшдан дўлдек ёғилаётган ўқлар ва тошбўрон остида ҳамжиҳатлик билан химмат кўрсатиб, (душманни) кирмокка машғул әдилар. Бағдодликлар ҳам, улар тарафидан кўп беадабликлар содир этилгани туфайли, талафотларга қарамай, ҳамжиҳат бўлиб жон-жаҳдлари билан олишардилар.

<sup>1</sup> Суюргой – садокатли, ишончли. Doerfer. Turkische... B. I, S.354.

<sup>2</sup> Бобил – қадимги Бобил (Вавилон) шаҳри Бағдод якнинда бўлган.

<sup>3</sup> Паргор – циркуль.

<sup>4</sup> Куръон, Ҳаж сураси, 1-оятта ишора.

Ҳазрат султон соҳибкирон кўрдики, биринчи уриниш пайтидаги сусткашлик ва ҳафсашизлик туфайли Бағдод масаласи шундай тус олдики, ёғий бардошли ва кўркмас бўлиб, натижада шу кадар майда иш ниҳоятда катталашиб кетди. Давлат номуси учун (382) ҳазрат ўйга толди ва угруқни чакиришни буюрди. Шаҳарнинг хар икки тарафидан кўприклар солишга фармон берилди ва кунба-кун бало алангаси баландроқ ва жанг олови кучлирок бўла борди.

Мухосара муддати етмиш кунга етганида, бир куни нешин маҳали кўргон химоячилари қайлула<sup>1</sup> уйкусига кетиб ғафлатда колишганида, лашкар баҳодирлари бирваракайига югуриб, нарвон ва арконлар во-ситасида қалъа девори устига чика бошладилар. Ноғора садолари, «ёғий кочди» деся ому хос тортган наъралар еру кўкни тутгач, бечора бағдодликлар шахар хароб бўлгандан сўнг омонлик сўрай бошладилар. Аммо уларнинг зору илтижолари, ичган қасамларидан бирон фойда чикмади. Изтироб ва саросимадан сўнг ўзларини Дажлага отиб, сувда сузиб кочишга бошладилар. Чигатой камончилари бутун соҳиб бўйлаб ва иккала кўпrik устида туриб, сувдагиларни нишонга олиб отдилар ва бирон тирик жон кочиб кутулолмади. Шундан сўнг ёсоқка биноан катли ом бошланди. Чунончи, паству баланд гапларга караганда қарийб элилк туман одам катл килинди. Албатта, бу мусибат оғирлигидан то киёматгача Бағдоднинг сийнаси чок ва Миср жомаси (кўз ёшлардан пайдо бўлган) Нилда бўлғусидир.

Ушбу фатҳ асносида олдинроқ Шом ҳудудидан Алинжак қалъасини камал қилишга юборилган амирзода Пирмуҳаммад ибн амирзода Умаршайх, Султон Ҳусайн, Абубакр ва Жаҳоншоҳ мстиндек мустаҳкам бу қалъанинг ишғол этилганлиги ҳақида хабар йўлладилар. Кушойиш устига күшойиш, шодлик устига шодлик келиб, (383) бу мужданинг этиши хурсандчилик кўпайишига боис бўлди. Султон соҳибкирон юрини жиловини катта ўрду тарафга бурди.

## ЙИЛДИРИМ (БОЯЗИД)НИНГ ОЗАРБАЙЖОН ТАРАФГА ОТЛАНИШИ ВА ОРҚАГА ЧЕКИНИШИ ЗИКРИ

Ҳазрат султон соҳибкирон муборак ўрдуга келиб қўшилганидан сўнг Арзингон сарҳадидан шундай арзнома етиб келди: «Йилдирим Боязид ибн Мурод Чалабий Рум ва Афранж лашкарлари билан Сивосдан бу тарафга келмоқда». Султон соҳибкирон дархол шошилинч суратда чопарлар йўллади: амирзода Пирмуҳаммад, Султон Ҳусайн, Абубакр

<sup>1</sup> Қайлула – тушдан кейинги уйку.

ва Жаҳоншоҳ Алинжакдан унга пешвоз чиқсанлар. Шунингдек, ҳазрат ғулдан Шоҳмаликни ҳам юборишга карор килиб, дедики, агар Йилдирим орқага кайтса, амир Шоҳмалик ва Сайнадхожа ҳаялламасдан, унинг оркасидан таҳдид килиб борсинлар, ҳар жойдаки етсалар, шабихун урсинлар. Шундай килсингиларки, албатта ўша шабихунда у (Боязид)нинг саропардаси арконига шамшир урмасдан орқага кайтмасинлар.

Шахзодашарнинг келаётгани хабари Йилдирим Боязидга етмасдан буни Ташартан эшиитди ва унга нафом йўллади: «Чигатой лашкаринга карши туриш мумкин эмасdir. Бу тарафда ислом мамлакатларининг мустаҳкамлиги мутлақо сизнинг саъй-харакатишгиз ва ғамхўрлигингиз туфайтилир. Мабодо, сиз мағлубиятга учрасангиз, бунинг оқибатида содир бўлалиган бекарорлик (бу ҳудудда) Муҳаммад динининг обрўсига птур етказади».

Йилдирим Боязил ундан ўзининг обрў-ътиборини риоя килиб, калъадан чиқиб мулокот килишни, сўнгра мўл инъому эҳсонлар (384) билан кайтиб кетипини сўради. Ташартан унинг илтимосини қабул килиб, ҳудди шундай йўл тутди. Йилдирим уни обдан сийлаб, сўнгра рухсат берди ва ўзи ҳам кайтиб кетди. Унинг адолаги шу даражада эдик, шунчалик лашкар билан бориш ва қайтища ҳоҳ ўзининг, ҳоҳ бегона вилоятлардан ақалли бир коп сомон зўравонлик билан олинимаган ё бирор мусулмонга заррача озор етказилмаган.

У кайтиб кетганидан сўнг шахзодалар Арзингоңга етиб келишиди. Ташартан ёғийнинг алади ва хоказолар ҳакида шиманки аниклаган бўлса, барчасини арзга етказди. Шахзодалар, гарчанд ёғий лашкарига нисбатан уларнинг кучлари денгиз каршисида жилга ёки тоғ олдиаги сомон парчаси каби бўлса-да, писанд килмасдан, коровулларни никомиший килингага жўнатдилар. Улар Сивос якинида ўн нафар отликни кўлга олиб, орқага кайтдилар. Йилдиримга бу ҳол маълум бўлгач, чекиниш суръатини тезлаштириди ва ортга кайтмади.

Султон сохибкирон бу ғалабадан сўнг Табриз (вилояти) нинг Ужон мавзенига келиб тушди ва лашкарларни яйлокларга тарқатиб юборди. Ёз фасли охирлаб, ҳазон шамоли боғ-роғларга торож қўлинин чўзгач, султон сохибкирон кишилов учун Корабоғга отланди. Киш пайтида Тўқмокқа юрини килишга келишиб олиниди. Аммо узок кенгашлан сўнг бу қарор бекор килинди ва лашкар Гуржистонни забт этишига отланди. Бу дафъа (385) шу қалар ҳаробагарчиликлар килиндикни, гуржи ва арман мамлакатларида биронта обод қишлоқ ва бирон экини пайхон килинимаган дала колмади. Малик Гўргин Абхоз диёридан паноҳ тошли. Киш чилласида Абхоз оби ҳавоси лашкар учун нокулай бўлгани

туфайли заруратдан юриш жиловини Абхоз нохиясидан гуржиларнинг Оқбуко калъаси томон бурди ва уғрукни Султония тарафга жўнатиб юборди.

Шу хақда узлуксиз овозалар таркалар эдики, Оқбуко калъасида ҳазратнинг хос отхонасига муносиб бир от бўлиб, калъани забт килимасдан у отни кўлга киритиш амримаҳолдир. Бу калъани камал килиш имконсизлигининг асосий сабаби шунда эдики, унинг атрофида минг нафардан ортиқ жангчи жойлаша олмас эди. Султон сохибқирон амир юда Искандарни у ерни фатҳ этиш учун илғор тарзида юборди. Бу калъа ниҳоятда баландлигидан леворлари Раъс ва Занаб юлдузларига тегиб туар, тоғининг чўккиси Мирриҳ юлдузига туташ эди. Калъа ахли шундай хаёлда эдики, агар Исо дини бутун ер юзидан йўқолса, Нух тўфони ва Од бўрони такроран содир бўлса ҳам, уларга заррача зиён тегмайди. Бу мальъунларнинг хом хаёллари аксича, уларга бас келадиган ғаним шу замон аҳлидан пайдо бўлиб, устларига етиб келди. Метин-мустаҳкамликда тоғ силсиласига баробарлашадиган калъа тули ҳандон каби очилиб, кўз юмиб-очгунча фатҳ килинди. Гуржилар тор-мор келтирилди. (386) Оқбуко ахлиният ахволи танг бўлиб, гуур оёклари тошга тегиб сингач, ожизликларини тан олиб, у дев жуссали, пари наслли, тўфондан яратилган отни ҳазратга юбориб, зору илтижо килдилар. Султон сохибқироннинг бу калъани камал килишдан мақсади шу от бўлгани туфайли, ортиқ хужум килмади ва уларнинг конидан кечди.

## **СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ РУМ МАМЛАКАТИ ТОМОНГА ОТЛАНИШИ САБABI ВА У ДИЁРНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ**

Ҳазрат султон сохибқирон бир неча бор Румни фатҳ этишга карор килган эдию, аммо ҳар гал (бу карорни) бекор килган эди. Шу асосга кўраки, унинг ғазот ва жиҳоди шуҳрати бутун дунёга таркалган эди. Аммо Йилдирим Боязид буни ўзининг лашкари кўплигидан кўркканга йўйар ва кўпол мактублар ёзиб, таҳдид билан элчилар йўллар эди. Даргоҳ (ғазаби)дан кочган Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуф кабиларга ўз хузурида паноҳ берган эди. У бундай хатти-ҳаракатларни шунчалик кўп килдики, ортиқ келишиш ва ярашиш имкони колмади. Ҳазрат амирлар билан машварат килган эди, ҳеч ким ошкора бирон нарса демади. Шундан сўнг (амирлар) Шамсиддин Олмалигийни даргоҳга юбориб арз килишдики, юздузлар хукмига кўра. Оллоҳ давлатини аба-

дий қилгур чигатой лашкарийнинг заволи Рум юриши туфайли содир бўлар экан, яна ҳазрат ўзлари билурлар.

Султон сохибкирон бу ваҳшатли сўзлардан чунон даргазаб бўлдики. (387) Шамсиддин Олмалигийнинг тили қалимага келмай колди. Даргоҳда ҳозир бўлган Жалол Ислом тиз чўкиб деди: «Агар маъкул кўрсалар, шу бир муборак юришни амирлар маслаҳатисиз ва мунажжимлар ихтиёрисиз амалга оширасак. Оллоҳ мададидан умид шуки, ҳам Рум фатҳ этилади ва ҳам Йилдирим итоатга келтирилади». Султон сохибкирон амир Жалолнинг сўзларидан таскин топди ва Амру Лайс ва Исмоил Сомонийнинг фол очгани ҳакидаги ҳикояни мисол килиб келтирдида, шубҳалардан холи ҳолда Румга отланди. Йўлда омадни синаб кўриш учун Камоҳ қальясини қамал қылган эди, у энг осон бир тарзда фатҳ этилди. Ушбу фатҳ асносида Йилдирим Боязиднинг элчилари сулҳ ҳайроми билан истиқболга чиқишиди. Султон сохибкирон шундай жавоб берди: «Хозирда сизнинг кайсарлигинги бизнинг бу харакатта сабаб бўлди. Минбаъд, афсона ва афсунга ўрин қолмади». Шу жавоб билан элчиларни орқага қайтариб, ўзи олға юрди.

Йилдирим Боязид ҳам қарши тарафдан отланди. Султон сохибкирон жиловни унинг юриш йўналишидан четта буриб, Анкурия тарафга отланди ва дарҳол уни қамал қилишга тутунди. Аксар баҳодирлар кўлларида курол-яроғлари билан қалъага ҳамла қилаётган бир пайтда. Рум лашкарийнинг кораси кўринди. Султон сохибкирон қалъани фатҳ этишдан воз кечиб, душман рўбарўсида сафларга тизилиб, жангга ҳозирланишни буюрди. Ўша тунда пиёда лашкарлар ҳумоюн фармонга биноан жанг мавзесида чукур ҳандаклар қазишиди.

805 (1402) йил мухаррам ойининг биринччиси (1 август)да<sup>1</sup> жума куни эрталаб бало машриқидан киёмат тонги отгач ва (388) замона шафағининг кокиллари оловлангач, жанг ногоралари садоси Истрофил сурини ва жангчиларнинг наърлари киёмат кунини ёдга солди. Темир юракли ва пўлат жигарли баҳодирлар лашкар ёсолини улуғ ёсоқка биноан гартибга солиб, баронғор қанбули учидан то жавонғор этаги ҳошиясигача беш гул ва ўн мучони<sup>2</sup> мустаҳкам килдилар. Ҳануз тўра

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида Анкара ёнидаги жанг 804 йил, зулхижжа ойининг 19-куни (1402 йил, 20 июль) да бўлиб ўтгани айтилган ва бу тўғридир. Натанзийнинг хронологик маълумотларни баён килишда баъзи чалкашликлари йўл кўйгани сабабларидан бирни унинг ўз асарини кўпроқ оғзаки маълумотлар асносида ёнганидир.

<sup>2</sup> Мучо – бу сўз ҳам мучи, мунчи сўзларининг бир шакли бўлиб, канотлардаги ҳарбий кисмларни англатса керак Doerfer. Turkische...V. I. S. 505.

коидалари тұла жойига етказилмаган ҳам здики, тұсатдан ёғий лашкарлари коядор тог ёки чақмок чакувчи булат сингари фаранг пұлатига چулғаниб, илдам етиб келишди.

Аввал бошда дүшманнинг таҳдид ва ҳамласи чигатой лашкарига шунчалик кучли босим үтказдикі, агар уларнинг саботи ҳазрат султон сохибқироннинг далласи билан мустаҳкамланмаганды, бирон жондорнинг карши туришга мажоли етмас зди. Аммо баҳодирлар ҳужум ва майдондорлик коидаларига кўра ўртага тушгач, ғаним курдатининг (хакикий) миқёсіні аниқлаб, жанггоҳда мувозанатни тикладилар. Вазият аксига ўзгариб, музaffer лашкарнинг ҳар бир отлиқ жангчиси ғаним кўзига Рустам ва Исфандиёрға ўхшаб кўрина бошлади. Ноғора ва довул садоларидан кулоклар том битиб, пайконларнинг ялтираши серюлдуз осмон каби замину замонни қоплаб олгач, румликларнинг қаршилик кўрсатишга ҳолларн колмади ва кочиш ёғини ўрнидан кўзгатиб, жўнаш жиловини қазо қўлига тоширилар. У жамоатнинг таянчи ва сипохсолору сипохнинг умиди бўлган энг матонатли ғанимлар (389) ҳазрат султон сохибқирон лашкарининг ўқлари ва шамширлари зарбидан ҳалок бўлишди. Султон сохибқирон кофиirlарни овловчи билак кучи ва зафар шиорли шамшир зарбини ишга солиб, ғанимни бутунлай тор-мор келтирди. Ул габрларнинг<sup>1</sup> сардори бўлган Валюс ўғли кирғин-барот пайтида ҳалок бўлди. Шу тариқа, (ҳазрат) бир ҳамлада уларни тұла яксон килдик, ғаним тўзиб кетиб, ҳар ким ҳар тарафга қоча бошлади.

Саваш охирига етиб, жаңг сурони босилгач, Йилдириим Боязидни ҳам асир килиб даргоҳга келтиришди. Султон сохибқирон бу кутлуг ғалаба шарафига хурсандчиликлар қилди ва буюк Парвардигорга шукронга амалларини бажо келтирди. Сўнгра дарҳол шахзодаларни бир гурух амирлар билан вилоятларни чопкин килиш, Фаранг деңгизи соҳиллари ҳамда теварак-атрофдаги румликлар қальъаларини забт этишга тайин қилди. Ишончли кишиларни пойтахт Бурсадаги хазина ва дафиналарни кўлга киритиб, хисоблаб чикишга юборди.

Султон сохибқирон ўзи олға юриб, кўчма-кўч йўл босиб. Фаранг сарҳади бошланишидаги Измирга етиб келди ва фарангларнинг ушбу қалъасини камал қилди. Бу шундай бир қалъа здики, Алванд тоги унинг олдидә бир харсанг каби кўринар, Димованд тизмаси эса (390) унга нисбатан бир фарсанғдан кам зди. Унинг кунгураси Тавъамон юлдузлари ёқасидан бош чикарган, деворининг сояси Жавзо буржига

<sup>1</sup> Габр – гайридин, оташпарат. Бу ўринда Йилдириим Боязид лашкаридаги христианлар назарда тутилаётган бўлса керак.

тушар эди. Бу вахшатли қальянинг теварак-атрофии Фаранг денгизи сувлари ўраб турар эди. Чунончи, машакқат ва талафотсиз унинг остонасига йўл йўқ эди. Султон соҳибкирон ажойиб чора ва чиройли тадбир ўйлаб, катта болорларни йигишини буюрди. Уларнинг ҳар бирин учига лангар боғлаб, сув юзасида таҳтадан текис саҳн ясашди. Шу тартибда то у тоғнинг этагигача узунлиги минг газ ва эни кўз газлик улкаи кўпприк солинди. Шундан сўнг султон соҳибкирон иш кўрган баҳодирлар ва номдор жангчиларга теваракдан бирваракайига қалъя деворлари устига кўтарилишини буюрди. Гарчанд қалъя тепасидан ўқ ёмгири, шамшир тўфони, таҳш дўли ва тош бўрони ёғилиб турса-да, баҳодирлар писанд қиласлан, жиход ва ижтиход қадамини олдинга кўйиб, муваффакият билан киличбозлик қилиб, қальянинг энг тепасига чиқиб олдилар. Фаранглар ҳеч качон, ҳеч бир тарихда бирон жонзоддан бундай журъатни кўрмаган ва эшитмаган эдилар. Бу хужумнинг ваҳимасидан барчасининг қўл ва оёкларидан мадор кетиб, жангни бас қилишди. Султон соҳибкирон қалъя аҳлини тор-мор келтириб, унинг девор ва буржларини ер билан яксон қилди. Измирда яшайдиган мусулмонларни, у нобакорларнинг ерида туриб, ҳамиша (391) ғазотта машғул бўлишгани учун аслаҳа, мато ва газламалар билан сийлаб бой-бадавлат қилди.

Шундан сўнг, кайтиш жилови Эрон мамлакати томонга бурилди. Султон соҳибкирон такрибан ўн туман хонадон бўлган (кора)татар кабилаларини Сурихисор ва Оқшахар поҳияларидан Ozарбайжон тарафга кўчиртириди. Ҳазрат Йилдирим Боязидини ҳам ўзи билан олиб юрди. Уни доруссалтана Табриздан эъзоз-икром билан муродини ҳосил қилиб, оркага қайтармокчи эди. Аммо йўлда унинг қазоси етиб, ҳак даъватини кабул қилиб вафот этди. Султон соҳибкирон уни тобутда Бурсага жўнатди. Унинг мамлакатидан баъзи вилоятларни ўзининг авлодига, баъзиларини Қаҳрамоннинг авлодларига тақсимлаб берди. Султон соҳибкирон ғоятда кўп ўлжалар олиб, кайтиш йўлида Алотоф яйлогида тўхтаб, бир неча кун улуг ўрду билан бу дилкаш водийни манзил килди.

Гуржистон фатҳи батамом охирига етказилмаганлиги сабабли, султон соҳибкироннинг муборак хотирида бу кофирлар уясини бутунлай яксон қилиш нияти мавжуд эди. Бир неча марта у ерга юриш қилган бўлса-да, бошка муҳим ишлар орага тушгани туфайли, бу ерлаги вазифалар кўнгилдагидек бажарилмаган эди. Бутун теварак-атрофдан тўла хотиржам бўлгач, у диёр қағъаларини забт ва ибодатхоналарини вайрон қилиш учун ўша тарафга отланди.

## СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ГУРЖИСТОН ВА АБХОЗ ЎЛКАЛАРИНИ ФАТҲ ЭТИШГА ОТЛАНГАНИ ЗИКРИ

Гуржистон анча кенгбар мамлакат бўлиб, чунончи, пойтахт Тифлисдан то Абхоз охиригача бир ойда босиб ўтиларди. Унинг срлари Арзинжондан то Албурз тоги ётаги ва Лакзи斯顿гача чўзилиб кеттан. Бу сарзамин худулида баланд тоғлар, кенг водийлар, катта дарёлар, яхши ўтлоқлар жойлашган. Уларнинг қалъалари жумласидан бир нечаси хеч бир асрда фатҳ этилмаган бўлиб, ҳамиша шуларнинг мустаҳкамлигига умид килиб, шавкатли султонлар билан жангу жадаллар олиб боришиган эди. Уларнинг ботил динлари шу кунгача бу худудда сакланиб колган.

Султон соҳибқирон кенгашиб, энг аввало уларнинг қалъаларини забт этишига карор килди. Даставвал мустаҳкамлиги баён имконидан хориж бўлган Турол қалъаси фатхига машғул бўлди. Ҳумоюн мавқаб қалъанинг атрофини ўраб олди. Бу ваҳшатнок қалъанинг чор тарафида баланд тоғлар, ўнкир-чўнкир даралар, ўтиш кийин бўлган ҳисобесиз камарлар бор эди. Шу ларажада эдикӣ, ҷодир куриш ёки ўтириш учун бир неча қарич ер топини амримаҳол эди. Шунга қарамасдан, баъзи жойда тошларни териб, баъзи жойга шоҳ-шабба ташлаб, ҳар бир ҷодир учун минг заҳмату машаккат билан ер ҳозирлаб, жойлашиб олишди.

Султон соҳибқирон жами хос саркорларни фарзандлари иҳтиёрига (393) топшириб, барча лашқарбошиларни бу вазифани охирига етказиш ишига шунчалик машғул килдики, улар кундузи тиним билмас ва кечаси ором топмас эдилар. Қалъа соҳиби бўлган Турол кўргон мустаҳкамлигига орка килиб, уруш расми бўйича дарвоза тарафдан жанг килар, бошқа пайти ўзларининг ашулатарини айтиб, шаробхўрликка машғул бўлишарди.

Хазар амирлари – амир Шайх Иброҳим Ҷарбандий, Кустандил, Сайид Аҳмад Шаки ва Ивон (Ивоти) гуржи шундай фикрда эдилар: агар бутун ер юзининг лашқарлари йигилиб келиб, то олам инкиrozигача узлуксиз қамал килишса ҳам, чўққидаги бу қалъани фатҳ этиш мусасар бўлмайли. Улар бу фикрни амирлар олдила ҳам сўзлаб, овозалар туфайли у аълоҳазратга ҳам етиб борди.

Шунга биноан, ҳазрат соҳибқирон давлат номуси учун қайғуриб, бу қалъани фатҳ этишига бел боғлади. Бутун дуне мухандисларини йигиб, чора ва тадбир излашда улардан Мусо янгиғи мўъжизакорликлар зохир этишларини талаб килди. Улардан баъзилари қалъанинг қарийб минг газ баландликдаги бир бурчагига сарбадорлар малжовари (мурчоли)

ни боғлаш фикрини ёқладилар. Бошқа бир гурух эса мажжапиқларни ишга солиб, вазни икки юз маң бўлган тошларни кечаю қундуз қалья тарафга ота бошладилар. Алқисса, муҳосара кариyb йигирма кун давом этди-ю, аммо бу «Хайбарзамин»ни фатх этиш иши аңдак бўлса-да олға силжимади.

Нихоят, маркит<sup>1</sup> лашкаридан бир жангчи (тоғдаш) ўтиш жойларидан бирида яширин йўлни топиб олди. (394) Қалья ахли бу йўлдан ўтиш мумкинлиги ҳакида хаёл ҳам қилмаган эди. Бу ҳақда ҳазрат сulton соҳибқиронга хабар қилишди. Султон соҳибқирон маҳфий тарзда ёғоч ва арқондан тўрт юз пояли нарвон ясаттирди. Ипак арқонли чиғир маркит жангчисига берилди ва у чиғирни камар бошига маҳкамлаб, арқон билан нарвонни юкорига кўтариб, мустаҳкам ўрнатди. Қоронги тушиши билан шердил баҳодирлар совут кийган ва шамшир ушлаган ҳолда бир-бир юкорига кўтарила бошладилар. Тонг отгунича ўттиз уч киши тепага чиқишига улгурди.

Қалья ахли бирдан бу ҳолдан вокиф бўлишди. Кину газаб пайтида осмонни оёғи остидаги ер деб билувчи азноурлардан<sup>2</sup> бир нечаси қиличларини (кинидан) сугуриб олдинга югуришди. Чигатой баҳодирларидан бири қиличини яланғочлаб, олдиндаги ғаним қарши сига чиқиб, жангга хозирланди. Ургада бир неча зарб ва сўкишлар алмашингач, азноур устун кела бошлади. Бошқа бир ботир чопиб келиб, гурзи билан унинг тиззаси косасига туширгач, мальзумнинг куни битди. Шундан сўнг бошқа номдор жангчилар ҳам калкон билан бошларини тўсиб, баҳамжиҳат югуриб келишди. Гуржилар қаттиқ саросимага тушиб, қаршилик кўрсатишдан тўхтаб, омонлик сўрай бошладилар. Бу ғалаба мұяссар бўлгандан сўнг, сulton соҳибқирон кальадан тепарокда бўлган бошқа бир чўкки пойида Хазар ва Гуржистон сардорлари билан ўтириб, ҳар бир (жангчи) нинг хунар ва нуқсонларини кузатарди. Бирдан тоғнинг теварак-атрофидан гурух-гурӯх ёсокийлар қўл ва тишлари билан тармашиб, ёпирилиб кела (395) бошладилар. Ҳумоюн мажлисда ҳозир бўлган барча сарҳад амирлари бу ҳолдан таажжубга тушиб, ҳайрат бармоғини тишладилар. Туролии қалъанинг бошқа химоячилари билан бирга банди килиб даргоҳга келтиришди. Уларни исломга даъват килишди ва куфрда оёқ тираб туришганидан сўнг, олий фармонга мувофик, шу мажлиснинг ўзида барчасини ёсокқа етказишиди.

Шундан сўнг сulton соҳибқирон Дамованд истеҳкомини ўзи олдида бир тепалик деб билувчи ва Алинжақ қальяси устидаи қаҳқаха урув-

<sup>1</sup> Маркит – кабила номи.

<sup>2</sup> Азноурлар – грузин зодагонлари.

чи ҳар бир қалъани шундок келиб қўнишнинг ўзидаёк таслим килдира бошлади. Анлак фурсатда Гуржистоннинг барча қалъалари ва тоғлиқ худудлари ер билан яксон килинди. Мурод ҳосил бўлиб, музaffer лашкарнинг қайтиш жилови у тарафдан Қорабоғ кишлоги томон бурилди.

Муборак жойлашиш Байлакон атрофида амалга ошгач, ушбу сарҳаднинг ҳимояси маслаҳатидан, султон сохибқирон Байлакон қальясини янгитдан куришни буюрди. Бу иш саранжом топгач, кишлов мавсуми ҳам етиб келди ва ҳумоюн мавқаб Қорабоғта жўнаб, ул муборак кишни ушбу кенг водийда ўтказиши.

## ИСКАНДАР ШАЙХИЙНИНГ ИТОАТСИЗЛИГИ САБАБИ ВА РУСТАМДОР МАЛИКЛАРИНИНГ ҚАТЛ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ

806 (1404) йил баҳорида доруссалтана (Самарканд)га қайтиш вакти (396) якинлашганида Ирок сардорларига куйидаги фармони олий берилди: ҳар ким ўз оға-иниси ёки ўғлини хоҳ вакил, хоҳ мулозим тарзила ҳамроҳ килисин. Аксарият буни бажону дил бажарди-ю, ўз тоғларининг қўргонмисол мустаҳкамлигига эътимод килган Рустамдор маликлари итоатсизлик килишди. Бунинг оқибатида барчалари ёсокқа стказилди. Омулда турган Искандар Шайхий рустамдорликлар куни бошига тушишидан хавфсираб исен кўтарди. Султон сохибқирон бир-икки бор лутф ва хушмуомила билан уни чакириб келиш учун одам жўнатди, аммо бирон натижга ҳосил бўлмади. Унинг саркашлиги исботлангач, султон сохибқирон уни даф килиш учун лашкар тортди ва дастлаб Ферузкухни қамал килиди. Қамалнинг икки куни ўттач, лашкар баходирлари яrim кечаси бирварақай ҳужум килиб, қатъя деворини эгаллашди. У (Искандар Шайхий)нинг қатъя кутволи бўлган ўғли кариндошлари билан кенганимасдан пастта чопиб тушди ва ўзини итоат бўйинтуруғига солиб, ул исёнкорлар жаргасидан четга чиқди. Унинг бу ҳатти-харакатини қўрган қатъя ахлининг кўллари жангдан совиди ва қалъани таслим килишди.

Айни шу воқеалар асносида султон сохибқирон (кора) татар кавмларини Самарканд тарафга кўчиртирган эди. Улар Домғон якинига етишганида табиатларидаги жоҳилона манманлик устун келиб, бирдан йўлда исен кўтарилиб, Мозандарон тарафга кетишди. Султон сохибқирон уларни даф килип учун бир кисм лашкар жўнатди. Уларнинг бузукчиларини тигдан ўтказиб, колган кавмларини Самарканл томон ҳайдашди.

(397) Шунингдек, султон сохибкирон сув лабидаги жаҳаннамадек бир дарада чаловийлар<sup>1</sup> мустаҳкамланиб олишганини эшиди. Ҳазрат улар томонга отланди. Осмон сифат ҳумоюн соябонини кораси кўринигач, чаловийлар кўпикларни бузиб ташлаб, жангта шайланишиди. Ҳазрат султон сохибкирон лашкарлар билан қаъри (ерни кўтариб турган) хўқиз ва балик сийнасидан сув оладиган ва тўлқинлари Зухал юлдузи тепасига бориб туташадиган у дарё сохилига келиб тушиб, кўпик солмоққа машғул бўлди. Азалий давлат кўллюви ва абадий иноят мадади туфайли ҳумоюн байрокнинг пайдо бўлишининг ўзиёк душманнинг каршилик кўрсатиш истагини сўндириди ва саваш бошланмасдан туриб, улар дарё сохилидан орқага чесина бошладилар.

Уша куни кагта ўрдунинг жами сувсозлари кўп ҳаракат килиб, у дарёдан кечув жойини тоғолмадилар. Шундан сўнг Иклидус (Эвклид) илмидан хабардор муҳандислар ва омилкор хунармандлар шуни ярок кўришиди: катта ёғочларни бир печа қават килиб дандона шаклида ток ясашди. Дарё сохили ва ток орасида ўн газ масофа қолди. Сўнгра уша узун ёғочларни паастга индириб, хомгов(?) билан мустаҳкамладилар ва кўпик тайёр бўлди.

Ғолиб аскарлар кўпик солишга банд бўлган ушбу фурсатда душманлар Рустамдорга кетиб қолишиди. Султон сохибкирон уларнинг изидан манғлой баҳодирларни илғор тарзида юбориб, ўзи ҳам ғул лашкарлари билан отланди. (398) Иттифокан, йўлда бир дара бўлиб, унинг икки тарафида ниҳоятда баланд икки тоғ кўкка бўй чўзиб турар эди. Чунончи, олам ярагилганидан то шу замонгacha унинг тепасидан кору муз бир нафас ҳам аrimаган ва жаҳонни ёритувчи қуёш нурлари уни зарра иситмаган эди. Барча лапикарлар шундай таигу тор жойдан ўтиб, тоғликлар она Рустамдорнинг ўнгу сўлидан иҳота жаргасини ростладилар. Чаловийлар ўзларини ҳалокат майдонида кўриб, тадбир ва уриниш билан бу балодан кутулолмасликларини англадилар. Ўз сардорларини бир печа дўстлари билан ташкари чиқариб юбориб, ўзлари итоаткорлик ва бўйсуниш изхор килишиди. Шавкатли давлатта килган собик хизматкорларни ишобатга олиниб, карами кенг ҳазрат уларнинг жарималарини марҳамат суви билан ювипни маъкул кўрди. Аммо бу фитнанинг бошлиғи тирин кочиб кетгани туфайли, барчани хонакўч килиб ҳайдаб кетишиди. Бу кўркничили даралардан хатарнок довонијар орқали чиқиб олинигач, султон сохибкирон қадимги аҳдга кўра Мозандарон ҳукуматини Сайид Камолиддин Абдураҳимнинг авлодларига топширди ва илғор жиловини доруссалтана Самарканд тарафга бурди.

<sup>1</sup> Чаловийлар – Мозандарондаги Чалов помли туман ахли.

## ҲАЗРАТ СУЛТОН СОХИБКИРОННИНГ ДОРУССАЛТАНА САМАРҚАНДГА КЕЛИБ ТУШИШИ ВА ШУНДАН СҮНГ БҮЛГАШ КАТТА ТҮЙЛАР ЗИКРИ

Ҳумоюн мавқаб дил истаги ва хотир муродига кўра, доруссалтана Самарканда шавкатли ташрифни амалга оширгач, бошка шахзодалар, амирлар ва умум лашкар гурух-гурух бўлиб изма-из етиб келишди. Муборак саропарда (399) саодатли тарзда Конигил даштига тикилгач, жами оғо-хотун, киз-келиш, йўжин-жалойир давлат ўрдулари билан ҳамроҳликда ул дилкаш саҳнида ўз юрт ва авдолига тупиб, чодир кетидан чодир тизилиб, бу катта саҳронинг эни ва бўйига ўн фарсанг масофалаги майдонини ўрду бутунлай коплаб олди.

Даргоҳ фаррошлари подшоҳ боргоҳини ташқарига чиқазиб, ул файзбахш дашит саҳнида кўркам ўрдалар барто этдиларки, (оятдаги) «эні осмонлар ва ер баробарида бўлган жаннат»га киёс этгулик эди. Чунончи, бесугун етти осмон куббаси остида ер юзида ҳам аркон ва устунлар воситасида бир неча куббалар тикланди. Уларнинг хар бирининг гумбаги Кайвон айвони томининг кунгурасига тегиб турар, сўз мартабаси улар каршисида ҳакикат каршисидаги гумон каби паст бўлиб кўринар эди. Подшоҳ саропарласининг козиги (ерни кўтариб турган) баликнинг корнини ёриб юборди ва ҳар устуннинг учи фалак атласи ёқасидан бош чикарди. Чодирнинг хар богичи осмон бошибогига боғланган эди... Зийнатли ўрдулар ва ҳашаматли ўргалар<sup>1</sup> тиклангач, (400) шохи, атлас, харир тўшаклар солиниб, турли-туман идиплар кўйилди. Ҳонбалиқ итагидан қилингган кашка (кашта?) ва кўшагалар(?), зинирпоя толасидан тўқилган рус матолари кават-қават таҳлаб кўйилди. Шундан сўнг, фармонга кўра турли тоифага мансуб барча ҳунармандлар ва оламнинг олис-якин ўлкалари одамлари хар бири ўз мамлакати расм-русумларига кўра ўтоклар бунёл этиш ва уларни безатишга бошладилар. Улар бир-бирларидан ўзишга харакат килиб, олий чортоклар ва юксак ховор (айвон?)лар тиклаб, уларни бетакрор маҳорат билан ғоятда нафис тарзда безатдилар. Ким ниманини билса ва ниманини кўлидан келса, буни кафтда тургандек зохиру намоён килди. Ҳар қадамда фозиллар, оқиллар, мулклорлар тоифаларидан мажлису йингиллар курилиб, муносиб мавзуларда гурунг кизирли. Авом ҳам ўзи севган бирон иш билан манигул; шатранжбозлар сийнаси ҳасрат донидан чок бўлиб, ёр мактуби каби шатранж таҳтасидан кўз узолмайдилар. Баъзи бирорвлар ой юзли гўзал билан

<sup>1</sup> Ўрга - чолир, саропарда.

хилватга ўтиб, ёкут ранғы май тұла күзани олдига күйіб олган. Баъзилар гулгүп чехралар сахиfalарн мутолааси, сарв янғынғ коматлар мушоҳадаси, озарий санамлар ва машрик гүзалларн томошасидан завқ оларди. Алкисса, ҳар бир киши күнгли тусаган тарзда бемалол хурсандчилигу ишратта машнұл бўлиб, нозанин умрни нозанинлар пойқадамига сарф этарди. Жаҳон бўйсунувчи фармон ҳам уларнинг муродига мувоғиқ бўлиб, унга кўра ушбу муддатда ҳеч бир кимса бирон тоифага зугум килемаслиги амр этилиб, жабру мажбурият гила-ми ўртадан йигиб олинган, барча күнгил орзуси ва дил муродига мос тарзда ўз вактини ўтказарди.

(401) Ушбу тарика ва тарзда кирк кун давом этиб, айтиб ўтилганидек, ҳар ким күнгли истаганича хурсандчилик ва айшу ишратта берилди. Шундан сўнг муборак бир кунни белгилаб, катта тўйга машнұл бўлишди. Салтанат тахти давлат ўрундики билан безаниб, оғо-хотун, қиз-кслинлар ўтирган гизламларга дастурхону идишлар кўйилгач, сучи<sup>1</sup> ва хировчилар<sup>2</sup> ўз ишларини бажармоққа киришдилар. Саронардаларга бүгток ёпувчилар ва давлат ўрдуси токдорлари току бүгтокларни кимматбаҳо дуру жавохирлар билан безатдилар. Токилар миёнбандларига нодир лаълар билан зийнат беришди. Нозарвар нозанинлар ғоят нозиклигидан гул ниҳоли янғынғ коматларига тож мисоли ярашган кошларининг нозу карашмаси билан нозикдиллар кўнглига ғулғула со-лишарди. Баъзи кумуш чехралы сарвқадлар инҳоятда раъно ва зеболикларидан биргина феруза кўзлик узук ёки чодралари хошияларига қадалган аиор донасилик лаъл ва Уммон деңгизи марвариди билан ҳам шунчалик ширин ва сулув эдиларки, ер іози лочинларини ўз до-мига илинтирас эдилар. Баъзилар эса лаълу дурларни шода-шода тақиб олиб, шу йўл билан хусн мулкига ҳоким бўлиб, жилваю ғамза, хиромон юриш, яширин табассумлар билан мажнунларни мафтун ва мафтунларни мажнун этиб, оғату хатарга дучор килишарди. Баъзилар ҳазин овоз ва ширин лаҳжада туркона кўшикларни мўғулона аёлну (куй, оханг) га (402) солиб куйлаб, биргина дилтортар нағма билан Зухраи захрони ўзига ром қиласарди. Нағмаю оҳангдан сийналар чок бўлиб, жигарлар эриб окарди.

Даргоҳ фаррошлари дөвон томонидан берилган палосларни ёзиб, сарой нақиблари совринларини ўнгу сўлға тахладилар. Баҳайбат ясо-вуллар ёсол турзиси билан туман амирлари кўнглида ҳадик үйғотар,

<sup>1</sup> Сучи – сокий, косагул. Doerfer. Turkische... B. III, S. 285.

<sup>2</sup> Ҳировчи – ашулачи матъносидаги йировчи сўтилнинг бир шакли. Doerfer. Turkische... B. IV, S. 233.

шер жуссалы аюдочилар<sup>1</sup> сархадлар султонлари йўлига рад таёгини кўярди...

Оlam атрофларининг турку тозик сардорлари бўйсуниш оёғини итоат доирасида сабит килиб, даргоҳ тартибу оинини бажо келтиргач, хумоюн фармонга мувофик, мўътабар сайидлар, улуғ имомлар, ислом козилари, замон уламолари маълум фарзлар ва суннатларни умум жамоатнинг такозосига мос тарзда бажо келтирдилар. Шундан сўнг, муборакбод садолари коннотни зилзилага келтирди ва муборак тўйхона сахни (келинлар бошидан) сочишган сочқилар ва турфа тухфалар билан тўлиб тошили.

Ашраф ва маволий<sup>2</sup> таркалиб, тўра ва ёсок бисоти йигиб олингач, яна ҳар кинни бир тамашю ё савдо пайида бўлиб, гўёким зоҳидларининг худпарастлик кулбасига ўт тушди (403) ва дилхушлик ҳавоси пардадорларининг номуси хирмонини шамолига совуриб, ҳушёрлик ҳижоби бутунлай йўколди. Жами хуру гилмонлар, пари ва инсонлар икки гурухга бўлиниб, турклар расми ва тўрасига кўра ўртада қадоқдоғуй талашини бошлаб, замину осмонлининг чўнтағу ёқасини муниску анбар, атру ифорга тўлатиб, бутун оламни хушбўю муаттар қилишди. Охую кирғовуллар, хуру парилар жавлон уриш, хиромон юриш, чарх уриб парвоз қилишга бошлаб, завқу шодлик бандини очиб юбордилар. Баъзилар дилрабо кўшиклар билан Зухрани мот килса, бошқалар оламни мафтун этувчи карашма билан Муштариини ўзига банди киларди. Машъалалар шульалари Наврўз тонгининг отиши янғлиғ жаҳонни ёритар, турфа рангли фонуслар ёғдулари кундуз куни юлдузларни намоён этарди. Хушалҳон мутриблар руд куйига Ноҳидни ракс туширади. Аёлгу чалувчи йировчи (чолғучи)лар инжа мўғулий куйлар билан мўътадил мизож дилларни эътидолдан чиқарар эди. Шидарғу ва ётуғон садоси мусикорнинг унини босиб кетар, қонун ва камонча чолғуси уднинг димоғидан дуд чиқарар эди. Най ўзини кўрсатишга бел боғлаган ва чанг унга таслим бўлганидан тиз чўкиб олган. Оху кўзли кўшикчилар даврани кизитар, ой юзли сарвкоматлар этаклари билан ерни сийпаб юришар, паризодлар низу жилвада товусни ортда қолдиришарди. Мушкин сочлилар мўғулий сочбогни тақиб, анбар зулфилилар кўнглида рашк оловини ёкарди.

(404) Тун ярмидан ўтиб, байрам поёнига етгач, күёву келинлар уйларини маҳраму номаҳрамлар тарк этишди. Саодатмандликнинг қадр ке-

<sup>1</sup> Аюдочи – эшикбон. Удайчи сўзи ҳам шундан келиб чиккан. Doerfer. Turkische ... B. I. S. 196.

<sup>2</sup> Ашраф ва маволий – ўзагонлар ва авом маъносига.

часи этаги умидворлик куни ёқасига туташиб кетди. Максаднинг баҳтли юлдузи мурод уфки чўнгтагидан бош чикариб, ишрат аргануни бапорат навосини чалди. Бу саодатли куннинг тоғ саҳаридан бошлаб, дар оҳнинг хос кишилари ва боргоҳ мулозимлари табрик совғалари ва муборакбод тухфаларини келтира бошладилар. Шундан сўнг, турли ҷарғонлар ташкил этилиб, жаҳонбошлиқ ва ҳусравлик коидасига кўра, бу комронлик шукронасига давлат ҳазина ва дафиналари эшиклари ҳожатманд арбоблар ва ҳақдор дўстлар учун очилди ҳамда садака ва ҳайрия вазифалари бекаму кўст бажарилди. Ниҳоят, ҳазрат султон соҳибқироннинг ижозати билан вилоятлар ва мамлакатлар кишилари ўзларининг муқим яшайдиган диёrlарига қайтиб, ҳар ким ўз ишига машғул бўлди.

## **СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ХИТОЙ МАМЛАКАТИГА ОТЛАНГАНИ ВА ҲАҚ РАҲМАТИГА ЕТИШГАНИ ЗИКРИ**

Шундан сўнг султон соҳибқирон комронликдан жаҳонбонликка тутикли ва мулку миллат, дину давлатни мустаҳкамлаш юзасидан дуруст фикрлар қила ва маъкул режалар туга бошлади. Унииг шариф умри (405) абадий давлатни мукаммат қилиш ишларини бажариш билан камолга етди ва ушбу санағача замона инон-иҳтиёрини ўз кўнгли тилагига кўра тасарруф килди ҳамда ғалаба байроқларини рубъи маскуннинг турли мамлакату ўлкалари узра муродига мувоғик ҳиллпиратиб, таҳтида мустаҳкам ўтирган маликларни итоат бандига солди.

Энди ёши улуғлигига султон соҳибқирон кўп йиллардан бери шариф хотирида мустаҳкамлаб ва қатъийлаштириб келаётган ииятига биноан, ғолиб аскарларни Хитой тарафга отлантириб, ул сарҳадларни коғирлардан тозалашга қарор килди ва бу борада аъёнлар ва аркони давлат билан машварат ўтказди. Барча бир овоздан бу ииятни маъкуллашда муболагалар килдилар. Шундан сўнг фармонга кўра, даргоҳ фарроплари сафар саропардаларини ташкирига чикаришили, юриш овозаси коинотга гулгула солди ва лашкар дарёлари жўш ура бошлади. Замона тили (оятдаги) «зилзила соати»ни тафсир қилишга машғул бўлди ва тоғу даштларда зилзила рўй бериб, фалак ларзага келди. Куронлар доираси само сатҳидан ҳам кенгроқ жойга чўзилди, туманларнинг ғолибона юришидан коинотда зилзила бошланди. Шутарика Туркистон сарҳадига етиб кўнишиди. Иттифокан, ўша йили кишшу кадар каттиқ келдики, совуқ шиддати ернинг етти қават кўрпаси тагидаги ҳўқиз ва балиқнинг устухонидаги иликни музлатиб юборди. Кор кўп ёғанидан, текис ер ва тоғ орасида фарқ қолмади.

(406) Султон сохибкирон кишилов юртини Оксулот касабасига тайин килиб, шу ери а келиб кўнди. Бошқа лашкарлар Сайҳун сохили бўйлаб кишилов учун жойлашиб олишди. Иттифокан, улкан самовий жисмларни кирони<sup>1</sup> ўз хосиятини зохир килиб, замину осмонни замҳарир нафаси билан музлатиб юборди. Бу ҳол олам кўриниши ва бани одам турмушига таъсир килиб, жаҳоннинг хурсандчилик лабига ғам-андух михини қоқиб бекита бошлади.

Жаҳонда сартосар фитнаю ғалаён кўпид, анчадан бери бўйида бўлмай келаётган казо онаси балога ҳомиладор бўлди. Ҳазрат султон сохибкиронга ҳамроҳи ҳалокат бўлган бир дард ёпиши ва 807 (1405) йил шаъбон ойининг ўн тўртинчиси (15 февраль)да<sup>2</sup>, чоршанба куни кечаси, уч кун давом этган иситмадан сўнг «ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир» (ояти)<sup>3</sup> даъватига кўра азиз жонни топширди.

Ўзининг улкан давлатини ҳазрат ислом подшохи, олам мул克拉лининг доимий соябони, жаҳон султонларининг султони, замон ҳоконларининг ҳоқони, зулкарнайн, сохибкирон, подшоҳлар хонадонининг тоза насли. Оллоҳ таоло мулки ва салтанатини ер юзида абадий саклагур султон ибн султон, давлату дину дунёнинг мададкори Абулфатҳ Шоҳруҳ баҳодирга қолдирди<sup>4</sup>. Оллоҳ таоло онҳазратнинг фалакка етувчи осмонсиғаг соябонини (407) жами мўмин ва мўминалар бошида то даврон тургунча пойдор ва мустадом килсин! Оллоҳ ва расулига ҳамду санолар бўлсин!

Эй, навбати ту гузашта аз чарх басе.  
Би навбати ту мабод олам нафасс.  
Овозан навбатат ба ҳар кас бирасад.  
Аз ту марасод ҳеч навбат ба касе.

Таржимаси:

Эй, навбати (хукмронлик бонги)ни чархдан ўтказган зот,  
Сенинг фармонингиз олам бир нафас ҳам бўлмасин.  
Навбатинг садоси ҳар бир кимсага етиб борсин-у,  
Навбат сендан бошқа ҳеч кимга ўтмасин.

<sup>1</sup> Қирон – самовий жисмларнинг бир-бирига якнан келиши.

<sup>2</sup> Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида Амир Темур 807 йил 17 шаъбон чоршанба (1405 йил. 18 февраль) ла вафот этгани айтилган ва бу кун чоршанбага тўғри келади. 14 шаъбон эса якшанба куни бўлган.

<sup>3</sup> Куръон, Оли Имрон сураси, 185-оят.

<sup>4</sup> Амир Темур аслида ўлими олдидан ўз ўрнига невараси Пирмуҳаммад ибн Жаҳонғирни тайинлаган. Аммо Натанзий ўз асарининг иккинчи таҳририни Шоҳруҳга тақдим килгани учун юкоридагича ёзди. Бу пайтда бир неча йиллик тоҷу таҳт учун курашлардан сўнг Шоҳруҳ сохибкироннинг ҳакикий ворисига айланган эди.

# ИЛОВА I: «МУНТАХАБ УТ-ТАВОРИХИ МУИННИЙ» НИНГ ЛОНДОНДА САҚЛАНАЁТГАН ҚҮЛЁЗМА НУСХАСИДАГИ АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИГА ОИД ҚЎШИМЧА ФАСЛЛАР<sup>1</sup>

---

---

## СУЛТОНИ ГОЗИЙНИНГ ЖАҲОНГИРЛИГИ ШАРҲИ ВА ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАЛАРИ ЗИКРИ

(409) Азалий иноятлар мукаддимаси ва безавол фатҳлар лебочаси «истаган кишишгни азиз килурсан ва истаган кишишгни хор килурсан. Бор яхшилик ёлгиз Сенинг кўлингдадур»<sup>2</sup> ояти такозосига кўра битилди ва ғойибона саодат илоҳий хазинадан тажаллий килдию, сарварлик таҳтининг пояси хазрат (Султони) гозийнинг улуғвор сояси билан сарафroz бўлди. Ҳазрат Балҳ шаҳрини озод килгач, амир Ҳусайннинг хазина ва дафиналарини лашкар сардорлари ва олампаноҳ даргоҳ баҳодирларига тақсимлаб берди. Шундан сўнг давлат байроғи доруссалтана Самарқанд тарафга каратилди ва шаҳар атрофи юксак девор билан ўраб олинди ҳамда ҳазратнинг хос истиқоматтоҳи сифатида олий арк ва ҳашаматли қасрлар бунёд этилди.

Аммо амир Мусо Балҳ фатҳ этилгани ва амир Ҳусайн катл килингани хабарини эшитгач, ўз кирдикорларидан кўркиб. Туркистон тарафга отланди. Лекин у сенда ҳам истиқомат қилолмади ва яйловлар орқали Шибирғонга йўл олди. Зиндаҳашам ҳам итоат хиёбонидан исён кўчаси томонга бурилди. У бесадабликка ружуъ қилиб, (ҳазратга иисбатан) ихлос ва ҳамжихатлик йўлида турган Дилонжи арлотни ўлдирди ва курултойга келмади. Ҳарчанд кетма-кет ҳичилар (410) жўнатиб, инсоғга чакиришса-да, уларнинг гапига кулоқ солмади. Иш шунга бориб етдики, Султони гозий катта лашкар билан Шибирғонни камал килди. Зиндаҳашам ожиз колиб, ўз укасини амир Мусо билан бирга даргоҳга жўнатди ва Султони гозий кайтиб кетганидан сўнг ўзи ҳам изма-из етиб боришни зиммасига олди. Ҳазрат Султони гозий амир Мусонинг барча кабиҳ ишларидан биронтасини унинг юзига солмади ва қайтиш жиловини Самарқанд тарафга бурди.

<sup>1</sup> Асарнинг Лондон нусхаси Искандар ибн Умаршайхга бағишлиланган биринчи таҳрирга оид бўлиб, мазкур илова иккала таҳрир ўргасидаги баъзи фарқларни кузатиш имконини беради.

<sup>2</sup> Куръон. Оли Имрон сураси, 26-оят.

Зиндахашам яна мухолифат зохир килди ва худовандзода Абулмаоли Термизий билан иттифок бўлиб гапни бир жойга қўйиши ва Балҳ навохийсини то Қаҳалға ҳудудигача торож қилишди. Султони ғозий уни даф этиш учун лашкар жўнатди. Зиндахашам лашкарларини чопкил учун тарқатиб юборган эди. Музаффар аскарларнинг корасини кўриши билан у ҳеч кимга эътибор бермай, ошигич суръатда кўпrikдан ўтди ва кўпrik занжирларини узуб ташлаб Шибирғонга кочди. Чопкинчилар, кўпrik жойида турибди, деган хаёлда шу тарафга ёнирилишди. Лашкар ҳам уларни жисп тарзда таъкиб килиб етиб келди. Бечоралар тиғ ваҳмидан ўзларини сувга ташлаб, аксарияти ул конхўр гирдоб қаърида ҳалок бўлишди. Зиндахашам Шибирғонда мустаҳкамланиб олди. Султони ғозий фармонига кўра Жоку барлос Қатлон лашкарлари билан ўша куз ва қишида Шибирғонни узокдан туриб камал килди. Баҳор бошида камалдагиларнинг озик-овкат ва (отлар учун) ем-хашаги тугагач, Зиндахашам итоат бошини куйи солиб ташкари чиқди ва Жоку барлос хизматкорлари сафида ҳазрат ўрдусига паноҳ сўраб борди. Султони ғозий унинг гуноҳларини афв қалами билан ўчириб, Шибирғон эвазига нағис иқтоълар инъом қилди.

### **СУЛТОНИ ҒОЗИЙНИНГ МЎҒУЛ ТАРАФГА ОТЛАНГАНИ ВА ЗИНДАҲАШАМНИНГ ҚАТЛ ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИ ЗИКРИ**

(411) Шу даврда мўғул амирларида Мовароуннаҳр тарафга юриш килиш ҳаваси пайдо бўлди ва уларнинг ҳаракати ҳакидаги овозалар кизигандан-қизиб борди. Султони ғозий катта лашкар билан уларни даф этишга отланди ва то Йунъол ва Қўчкор ҳудудларигача етиб, барча кофирларни ўз қаҳрига гирифтор килиб, бисёр ўлжалар билан кайтиб келди. Туркистон музофотларидан бўлган Зарнук касабасига этишганида ҳумоюн ўрду шу ерга кўнди. Иттифоказ худовандзода Сайид Абулмаолий Термизий, Зиндахашам, шайхулислом Абулайс Самарқандий ва амир Мусо бир гурух бадкирдорлар билан хуфия машварат килиб, пешин пайти кўккисдан ўрдуга ёриб кириб, ҳазрат Султони ғозийга шиддат билан касд этишга карор килидилар. Кутилмаганда машварат иштирокчиларидан бири бу фитна хабарини арзга етказди. Дарҳол фармон ижро этилиб, уларнинг барчаси кўлга олиниб, ҳазрат ҳузурига келтирилди ва олий девонда яргу килиндилар. Уларнинг бу оғир гуноҳлари исботлангач, Султони ғозий ул нодонларни кечирди. Аммо Абулмаолий ва шайх Абулайс Самарқандийга ҳаж сафарига от-

ланини буюрди. Амир Мусога танбех берип билан чекланиб, жазо-га тортмади. Аммо бир неча марта тақроран юз берган фитна-фасод-нинг бош сабабчиси Зиндаҳашам бўлганидан, уни занжирабанд қилиб Самаркандга жўнатниди ва у хибсда ўлди.

## СУЛТОНИ ГОЗИЙНИНГ ИЛК МАРОТАБА ХОРАЗМГА ОТЛАНГАНИ ЗИКРИ

Ушбу ғалаёнлар пайтида амир Ҳусайн Сўфи иби амир Понғалой қадимги даврлардан бери Чигатой (улуси) сultonларига таалшукин бўлган Кот ва (412) Хива хирожини зўравонлик билан ўзлаптириб олди. Шунда Султони ғозий қози Жалолиддин Шаҳрисабзини ушбу хирож талабида жўнатди. Амир Ҳусайн Сўфи қозининг сўзига қулоқ солмади ва уни ҳибсга олиб, бутунлай ғаним бўлди. Султони ғозий ўз далилларини исботлаш учун яна бир бор насиҳатомиз мактуб жўнатдиямки, фойдаси бўлмади. Сўғдан наф бўлмағач, ҳазрат катта лашкар билан юриш қилиб, Қовун Арги соҳишига келиб кўнди. Амир Ҳусайн Сўфи саросимага тушди ва кўркув зўридан машварат чакирди. У ҳануз бу ишга тадорик кўраётганила Султони ғозий Кот касабасини фатх этиб, аксар ноҳияларни азим лашкар оёғи остида топтаб ташлади. Амир Ҳусайн сулҳ истаб, шошилтнч тарзда элчилар жўнатди. Аммо шартнома тузилаётган бир аснода у кўккисдан ихтиёридаги бор лашкар билан ёсол тортиб этиб келди. Гарчанд лашкарнинг учдан бирин талон-тарожга кетган бўлса-ла, Султони ғозий ўрдуда мавжуд аскарлар билан пешвоз чиқди. Ҳануз аксарият сафлар жантга кирмасданок. Ҳусайн Сўфи мағлубиятга учради ва узроҳлик изхор эта бошлади. Икки орада кўп борди-келдилар бўлди ва шу аснода Ҳусайн Сўфи вафот этиди. Шаҳар арконлари Юсуф Сўфини амирлик макомига ўтиргиздилар. Султони ғозий олдинги қарор бўйича сулҳ йўлни тутиб, тасаллибахш таъзи-янома ва муборакбод йўллаб. Ҳусайн Сўфининг қизини ўз ўғлига (хо-тинликка) сўратди<sup>1</sup>. Ҳар икки тарафдан куда-анда бўлиш аҳди айтилгач, Султони ғозий оркага кайтди. Юсуф Сўфи гағин мухолифат зохир эта бошлади. Заруратдан катта лашкарлар яна унга карши ҳаракатга келди. Лашкар манғлойи (413) Ҳос касабаси худудига етганида, Юсуф Сўфи нечанчи бор узр ва шафоат тилаб одамлар жўнатди. Улар изидан акасининг қизини даргоҳга юборишини изхор қилди. Султони ғозий Ёдгор барлос ва Ўлжойту апардини совчиликка жўнатиб, ўзи оркага кайтди.

<sup>1</sup> Аслида Амир Темур Оксўфининг қизи Ҳонюдани ўз ўғли Жаҳонпир учун сўраттирган ва бу кўпчилик манбаларда кайд этилган.

## СУЛТОНИ ҒОЗИЙНИНГ ИККИНЧИ МАРТА МЎҒУЛИСТОНГА ЮРИШ ҚИЛГАНИ ЗИКРИ

Ҳазратнинг муборак кўнгли Хоразм мўомаласидан хотиржам бўлгач, мўғул элларини забт этиш жихатидан хумоюн лашкарни ул тарафга юришга бошлишга карор килди ва аввало амирзода Умаршайх, амирзода Жаҳонгир, Шайх Мухаммад Баён ва Одилшоҳни манғлой лашкарлари билан жўнатди ва ўзи хам улар изидан йўлга тушди. Иттифокан, Камариддин ҳам Қоратепа деб аталувчи мавзеда лашкаргоҳ куриб. Мўғулистоннин бошқа сардорларини Мовароуннаҳрга юришга тарғиб килаётган эди. Галаба шиорли байроқлар етиб келгани овозаси тарқалгач, Камариддин Мўғулистон тоғлари орасидаги энг коядори бўлган Баракайи Арабонда мустаҳкамланиб олди. Султони ғозий уни ўша кўркинчли дараларда ўраб олиб таҳдид килди ва Камариддин туриш беролмай, кочишга кўзланди. Султони ғозий Ҳусайн барлос, Аббос ва Үнкаро баҳодирни уни елкомиший килиш учун жўнатди. Иттифокан ёғингарчилик ва сув тошиш мавсуми эди ва каршиларидан ўтиш кийин бўлган дарё чикиб қолли. Кечув пайтида Ҳусайн барлос отининг бошини сув кўмиб юборди ва кўз юмиб-очгунча у оти билан гирдоб каърига тортилиб ҳалок бўлди. Бу воеа туфайли амирлар оркага қайтишиди ва Камариддин Уч тарафга кетди. (414) Амирзода Умаршайх манғлой лашкарлари билан уни таъкиб килиб жисп етиб келди. Камариддин ташкарнга чикиб кочди. Амирзода Умаршайх унинг эл-улусини ёппасига кўчириб ҳазрат хузурига келтирди. Султони ғозий амир Шамсиддиннинг кизи, ҳусну малоҳат бобида бу асрда «зарбулмасал» бўлган Дишнод оғони ўз никоҳига киритиб, соғ-саломат ўлжалар билан кайтди. Исмат саропардасидаги хижобли кезинчак хизматига маҳсус тайинланган кишилар дорулмулк Ўзжандда унинг истиқболига чикиб кутиб олишди.

Хўжанд касабаси унинг иктоёси бўлган Одилшоҳ жалойир тузку ва соврин баҳонасида руҳсат сўраб, хумоюн ташриф учун тўй асблолари ҳамда ҳазрат ва мавқаб учун пешкашлар тайёрлаш важидан олдинрок йўлга тушди. Иттифокан, у Шайх Мухаммад Баён, Туркон арлот ва бошка бир гурӯҳ бадкирдорлар билан тўй асноси ва ош тортишу қадаҳ суннии пайтида Султони ғозийга шамширлар билан ҳамла килиш ҳакида тил бириктирган эди. Соврину савсанларни ҳозирлаб тақдим этиш асносида Султони ғозий уларнинг бежо хатти-ҳаракатларидан баъзи нарсаларни фаҳмлаб, ош тортилишидан бурун отга мишиб йўлга гушди. Ул бадкирдорлар анграйиб, жой-жойида турив колишиди. Ўша йил кишида

тарчанд чакирилмаган бўлса-да, Одилшоҳ ўзи ҳазрат ҳузурига келди ва сўрок қилинмасданоқ замиридаги нияти ошкор қилди. Султони ғозийнинг гумони тасдиқлангач, улар (фитначилар)га карши чора-тадбир кўришга машғул бўлди. Яна Оллоҳ билгувчиидир.

## ОДИЛШОҲ ЖАЛОЙИР ВА СОРИБУГОНИНГ МУХОЛИФАТ ҚИЛГАНИ САБАБИ ВА УЛАР АҲВОЛИНИНГ ХОТИМАСИ ЗИКРИ

779 (1377–1378) санага мутобик бўлган лу йилининг баҳорида Султони ғозий ўзи (мамлакатда) йўклигига амир Юсуф Сўфи солир этган бир неча ёғиёна хатти-ҳаракат туфайли унинг танобини тортиб кўйишга карор қилди. Ҳазрат узок-якиндаги барча сардорларни (415) чакириб, бу ҳақда машварат ўтказди. Шайх Мухаммад Баён ѝтироҳ билдириди. Унинг сўзлари мазмунидан Султони ғозийга шу нарса маълум бўлдики, душманларни йўқотиши ишида иттифок бўлгуси йўқ. Ҳазрат уни ҳаялламасдан ёсокка етказилига фармон берди. Шундан сўнг Одилшоҳ ва Сорибугони йигирма минг отлик билан Мўгулистон юришига номзод килиб, хос кишиларидан бўлмиш Хитой баҳодир ва Элчибуғо баҳодирни ҳам уларга ҳамроҳ қилди.

Ҳазрат Оқбуғо баҳодирни Самарканда кўйиб, ўзи бошка лашкарлар билан Хоразмга йўл олди. Ҳумоюн байроқлар Мовароуннаҳр ва Хоразм чегараларини ажратиб турувчи оралиқ ер бўлган Саҳбонага етиб келишганида, кутилмаганда Туркон арлот ярим кечаси ўзининг хос кишилари билан исён отини тутёён камчиси билан уриб, муҳолифат йўлига тушди ва Фарёб сари юзланди. Султони ғозий ўша манзилда тўхтаб, Пўлод ҳазиначини Турконнинг изидан жўнатди. Ногоҳ Самарқанд тарафдан шошилинч суръатда келган чопар шу мазмунлаги арзномани етказди: Одилшоҳ ва Сорибуғо ёғий бўлишиб, Самарқандни қамал килишди. Султони ғозий Хоразмга йўналтирилган юриш жиловини Самарқанд тарафга буриб, шамолга ҳамроҳ бўлиб, манзилманзил от чоптириди.

Одилшоҳ ва Сорибуғо (ўз лашкарларини) ёсол килиб, ҳазратга пешвоз чиқишиди. Султони ғозий амирзода Умаршайхни манғлой лашкарлари билан олдинрок жўнаттан эди. Улар Кармина қасабасига етиб келишганида ёғий лашкарининг кораси кўринди. Олам ахли амирзодаси Умаршайх баҳодир бир неча хос кишиси билан коровул тарикасида олдинга юрганида, тўсатдан душманнинг мингта чавандози кузатиб турган пистирма устидан чиқиб қолди. Ёғийлар пистирмадан ёпирилиб,

(416) киёмат зилзиласининг ғулғуласи фалак авжига етди. Олам ахли шаҳзодаси таваккалига ҳамла қилишдан ўзга чора йўклигини англаб, қалқонни боши узра кўтариб ва бошини эгар қошигача энгаштириб, ғазабнок шер каби билак кучи ва шамширни ишга солиб, душманнинг кок ўртасига ўзини урди. Гўёким тўқайга тушган оташ аланинги ёки чўлонсиз сурувга ҳамла килган оч бўри каби барчасини тормормор келтирди ва бир фарсанг масофагача кувлаб борди. Қочокларнинг чопқирлари ғулга етиб, сафлар канотлари рўй берган балодан вокиф бўлгач, ҳеч кимсада туришга мажол қолмади ва кочиш йўлига юзланнишиди. Одилшоҳ ва Сорибуғо Дашиби Кинчок тарафга йўл олдилар. Бошқа осийлар ҳам ҳар бири бир гўшада ном-нишонсиз йўқолиб, мамлакат узарнинг касофатидан покланди.

### АМИРЗОДА УМАРШАЙХНИНГ АНДИГОН ДОРУЛМУЛКИ ҲОКИМЛИГИГА ТАЙИНЛАНГАНИ ВА ҚАМАРИДДИННИНГ УШБУ НОХИЯДА ҚЎЗГАТГАН ФИТНАСИ ЗИКРИ

Олам ахли шаҳзодасининг саъй-харакатлари гуфайли тўла ғалаба мусассар бўлгач, жулду (инъом) тарикасида Ўзжанднинг ўн икки тумани ҳазратга иктоъ қилиб берилиди ва жаҳон бўйсунувчи фармонга мувофиқ амирзода ул тарафга отланди. Ўша йилнинг баҳорида Қамариддин барча мўғул лашкарлари билан Ўзжанд устига ногаҳоний хужум килди. Амирзода Умаршайх ҳам шошилинич суръатда ўз ихтиёрида мавжуд сипоҳ билан Қарсоб соҳилида унга карши чиқди. Сафлар жантга ҳозирланаётган аснода, сони уч минг отлиқдан иборат бўлган кадок (казок?) минглиги бирдан ихтилоф кўргузиб, душманга бориб кўшилиши. Амирзода Умаршайх зарурат юзасидан жангдоҳдан юз буриб, тог чўккиларила мустахкамланиб олди ва вазиятни ҳазратга маълум килиш учун Самаркандга нома йўллади.

Султони гозий энг ошиғич суръатда юришга отланди. Қамариддин уч (418) кун туриб, сўнг қайтиб кетди. Ҳануз Отбоши ва Арпаёзи мавзезъларидан ўтмаган ҳам эдикси, Султони гозий таъкиб қилиб стиб келди. Лашкар баҳодирлари ўлжа ва торож максадила тарқалиб кетиб, хумоён соябон остида уч юздан зиёдрок кишидан бошка кимса қолмаган эди. Тўсатдан Қамариддин тўрт минг киши билан листирмадан чикиб келди. Султони гозий ёнида бор кишилар билан ҳамла қилиб, уни торумор келтирди. Шу тарика то Саналка Ёғочга довур уни таъкиб қилиб борди. Бу ноҳияда Одилшоҳ ва Сорибуғо унга (Қамариддинга) келиб

күшилдилар ва яна бир бор карши чиқдилар. Биринчи хамладаёт түзғиб кетиб, ноумид ҳолда кочиш йўлига юзландилар. Қамариддин минг бир хийлаю харакат билан гирдобдан четга чиқди ва хонумонидан ажраб, биёбонга йўл олиб кетди. Учкаро баходир ўз кўшуни билан унинг изидан отланди ва бетўхгов таъкиб килди. Натижада унинг барча хайлу ҳашам ва тобелари икки тарафга тўзғиб кетишиди. Қамариддин ўзи саккиз нафар билан от чоптириб кочишидан тўхтамас эди. Учкаро баходир оч бўри янглиғ бир ўзи унинг изидан тушиб, чунон таъкиб килдики, натижада у (Учкаро)нинг ўзи ва оти ярадор бўлди. Қамариддин жиловни тортиб тўхтали ва бир ўқ билан унинг отини ўлдирди. Учкаро баходир эгардан ерга сакраб тушди ва қўлини ўқ-ёйга узатди. Қамариддиннинг ҳамроҳлари баходирни кўлга олмокчи бўлишиди. У мъкулламади ва уромиппий<sup>1</sup> килди. Мажрух ва пиёда баходир уч кундан сўнг ўрдуга келиб қўшилди. Султони гозий Амокум (Атокум) йўлидан орқага кайтди.

(418) Амирзода Жаҳонгир юриш туфайли ажралиб колган эди. Унбу санада вафот килди.

## АМИРЗОДА ҮМАРШАЙХНИНГ КОШГАРНИ ФАТҲ ҚИЛГАНИ ЗИКРИ

Амирзода Умаршайх олий фармонга кўра Кошгар тарафга отланди. Таърифи олдин баён қилинган Мирак оғо бегаму бехавотир шаҳар ташқарисида катта кароргоҳ куриб жойлашган эди. Амирзода Умаршайх нихоятда кордонлиги туфайли унинг коровулларини коровулгоҳларда кўлга олди ва ярим кечаси сездирмасдан ўрдусининг чор-атрофини ўраб тушди. Мирак оғо отликлар кўтарган сурон садоси, бургу ва ноғора овозларидан роҳат уйкусидан уйғонди. Кўзини очгач, ўзини оташ тўфони ва бало сели ўртасида кўриб, бонг уриб мулоғимларни чакирди. Эшик орқасидан амирзода Умаршайх жавоб берди. Шамшир зарбидан эшик очилгач. Мирак оғо кўли билан юзини бекитиб ўрнидан турди. Амирзода Умаршайх табиатидаги лутфу марҳамат туфайли унга тасалли берди. Келинлар ва кизлар жамоаси кўл ўниш шарафига мұяссар бўлишиди. Бутун бу кўргондан факат Хизрхожа ўғлон, Худойод ва Шайхжон ўғлон қочиб кетишиди. Колган барчаси кўлга тушиб асир бўлишиди. Амирзода бир неча кун бу мамлакатни фатҳ қилиш ва бошқариш ишларини йўлга кўйишга машғул бўлди,

<sup>1</sup> Уромиший – Герхард Дёрфер тадқиқотида узомиший, узатмиший вариантлари ҳам кайд этилган ва «сузатиб ёки қўйиб юбормоқ» маъносида эканлиги таъкидланган. Doerfer. Turkische... В. II, S. 145–146.

сўнгра Мирак оғони Копигар аҳолиси ва аслзодалари билан Ўзжанд тарафга келтирди ва улар истикомат килмоги учун Работи Сарҳанг номли қасаба бунёд этди. Сўнгроқ Мирак оғони даргоҳга элтди. Бечора уч ийлдан сўнг ўрдуда вафот этди.

## АМИРЗОДА УМАРШАЙХНИНГ ҚАМАРИДДИН УСТИГА ЮРИШИ ВА АБОКУМ МУХОРАБАСИ ЗИКРИ

(419) Султони ғозий кўрдики, амирзода Умаршайх бутун вужуди билан иклиmlар эшигини тиғ калити воситасида очишга жазм этган ва бир ҳамла биланок олам мамлакатлари лашкарларини тўзгитиб юбормокка кодир. Ҳазратнинг умид юзи амирзоданинг давлати иқболидан ёришида ва ўзи фароғат таҳтида ўтириб, амирзодани катта лашкар билан Мўғулистанга юборди.

Қамариддин бир гурух мўғул амирлари билан Абокумда лашкаргоҳ куриб ўтирган эди. Лашкар келаётгани хабари уларга етгач, Султони ғозий ўз муборак вужуди билан отланиби, деган тасаввурдан саросимага тушдилар. Анчагина кўзголмишийдан сўнг маълум қилишдики, келаётган амирзода Умаршайхdir. Кибр ва калондимоғлик билан сафларни қайтадан ростлаб туриши. Бир неча кун давомида лашкарлар пистирмаларда жойлашиб, гоҳ-гоҳ жойларидан кўчиб туриши. Нихоят, амирзода Умаршайх бир тунда шабгир қилиб, мўғул лашкаридан ўзиб кетди ва пистирмада лашкарини сафга тизиб, жангга ҳозирланди. Қамариддин ҳар кундагидек орқага чекинмокчи бўлган эди, бирдан жанговар сафга тизилган лашкарлар корасини кўргач, ярадор илон каби тўлғонди. Ясол тортишга мажол ва имкони колмаганидан минг бир хийла билан лашкарини тор доирага жамлаб жангта ҳозирланди. Амирзода Умаршайх гоҳ канбул учи, гоҳ хировул ўртасида ўз муборак зоти билан кечомиший қилиб, шундай хунарлар зохир этдики, булар карписида Рустами Достон ҳакидаги достонлар хиралашиб қолди. Қаердан ҳамла килса, Қамариддиннинг йўлини тўсиб чикар, Қамариддин қай тарафга юзланса, амирзода шамшир зарби билан ғазабинок шер янглиғ ҳаракат майдонини унга тангу тор киларли. (420) Бечора ҳарчанд саъй-харакат килмасин, барибир, амирзоданинг ҳамласига бардош беролмади ва жиловни тортиб, саросимага тушиб коча бошлади.

Бу ғалаба натижасида у (Қамариддин)нинг кудрати бутунлай синдирилди ва мўғул улусининг шу чоккача чигатой чопкинидан омонда

юрган қолган кисми ҳам асир қилинди. Шундан сўнг Қамаридлинда Мўғулистаннинг ҳеч бир мавзеъида истиқомат қилишга мажол қолмади.

Амирзода Умаршайх париларни нозанин комати, товусларни хиромон юриши билан мот киладиган жамалак зулфли мўғул кизларини ҳазратнинг шариф зоти учун ажратди. Мўғулистаннинг бошқа тансик ва нодир буюмларидан ҳам нафис совға-саломларни чиройли тарзда ҳозирлаб, даргоҳ тарафга отланди. Уша санадан бошлаб Мовароуннаҳр ва бошқа ўлкаларда мўғул қул ва канизаклари пайдо бўлди.

Султони гозий бу ғалабага рашк қилиб, ўзи ҳам яна юришга отланмокчи бўлди. Фармонга биноан дарҳол кўчиш ноғораларини туялар ўркачларига боғлаб, зафар шиорли байроклар ҳаракатта келди. Ҳарчанд шошилинч суратда от чоптириб, Юмғол ва Кўчкор худудига етдилар ҳамки, бирон элнинг асари ё хабари топилмади. Орқага қайтишаётганида Тўхтамиш ўғлоннинг Даشتி Қипчоқдан кочиб, олампаноҳ даргоҳга илтижо қилиб келаётгани хабари етди. Ҳазрат Тумантемур ўзбекни унинг истиқболига жўнатиб, ўзи қайтиш жиловини доруссалтана Самарканд тарафга бурди.

## СУЛТОНИ ГОЗИЙНИНГ ТЎХТАМИШГА ҚИЛГАН ЯХШИЛИКЛАРИ ВА УНИНГ БУЛАР ЭВАЗИГА КЎРНАМАКЛИК ҚИЛГАНИ ҲАМДА СУЛТОН ВА УРУСХОН ЎРТАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЖАНГУ ЖАДАЛЛАР ЗИКРИ

Тўхтамиш давлат даргоҳига келганида Султони гозий унинг қадамига эҳтиром кўргузиб, (421) таърифга сигмас муболағалар зоҳир этди. Масалан, биринчи мажлисаёқ шоҳона совға-саломлар, от-улов ва либослар инъом этди. Ўз хос саропардасининг юкори тарафидан унинг чодири учун жой тайин қилди. Уни култлий ва жузий эҳтиёжларига яраша асбоб-анжомлар билан таъминлағач, Туркистон ҳукумати ёрлигини унинг номи билан безатишга фармон берди.

Тўхтамиш муродига етиб доруссалтана Савронга келганида, бу хабар Урусхонга етди. Дарҳол ўз ўғли Кутлуғбуғо ўғлонни бир канча лашкар билан уни даф қилишга жўнатди. Тўхтамиш ҳам жангта ҳозирланиб, Саврон теварагида у билан тўқнашди. Жанг жадал пайтида бир ўқ Кутлуғбуғонинг кўзига тегди ва у ҳалок бўлди. Натижасиз жангдан сўнг ҳар иккала лашкар тўзгиб кетди. Тўхтамиш бу киёмат кўркинчидан то Самаркандгача кочишдан тўхтамади. Душман лашка-

ри ҳам Күтгүлбүро ўғлон ҳалок бўлгани туфайли пароканда ҳолатда ортга қайтди.

Султони ғозий яна Тўхтамишни бутун керакли асбоб-анжомлар билан таъминлаб, унинг кўнғили муроди бўлган Савронга юборди. Урусхон ўғли ўлгани аламидан интиком учун катта лашкар тўплади ва бошка ўғли Тўқтакиёни Тўхтамишни даф этишга номзод қилди. Тўхтамиш ҳам Туркистоннинг жами отлиқ ва пиёда лашкарини тўла равишда майдонга чиқариб, Чир дарёсидан ўтди ва уни қарши олди. Жанговар сафлар ростлангач, пўлат кийган баҳодирларнинг юраклари темирга айланди. Тўхтамиш лашкари сон жихатидан душман кўшинининг чорагидан ҳам кам эди. Бу кам сонликка қарамай, ғанимнинг кўп сонли эканидан чўчимай, олишув қўлини харакатга келтириб, чунонам қаттиқ жанг (422) қилдиларки, унинг лашкаридаги ҳар бир жангчи қамида бешолти жойидан яраланган эди. Шунча саъй-харакатга қарамай, душман ҳалкаси атроф-жонибдан доирамисол ўраб олди ва камарға сиртмоғи торая бошлади. Тўхтамиш икки жойидан яраланганига қарамай, узок қиличбозлиқдан сўнг ўзини бир четга олиб қочишга юзланди.

Урусхон лашкарининг катта устуни бўлган Қозончи баҳодир унинг изидан тушди ва жон-жаҳди билан никомиший қилди. Тўхтамиш дарё соҳилига етганида унинг оти жароҳатлари кўплигидан йикилиб тушди. Тўхтамиш пастига сакраб, совутию кийими ва садоғини ечиб ташлаб, ўзини дарёга отди. Қозончи оркадан етиб келиб уни бу ахволда кўргач, метин кояни ҳам тешадиган белакни<sup>1</sup> унга қаратса отди. Тўхтамиш бошини сувга тикиб, сув тагида андак сузиб, бир қамишзорда яшириниб олди. Тўқтакиё бошка лашкалар билан етиб келганида, Қозончи унга ахволни маълум қилди. Тўқтакиё Саврон атрофини бир фарсанггача жарга қилиб ўраб, чавандозларни чоптирди, токим, Тўхтамишни кўлга тушурсалар. Шунча саъй-харакатга қарамай, максад ҳосил бўлмади. Уч кун шу тарзда қидириб топмагач, умидсиз ҳолда кайтиб кетишиди.

Тўхтамиш бир чеккага чиқди ва яраси оғриги ва совук шиддати туфайли устига хашак тортиб, хушидан кетди. Бир ҳафтадан сўнг Сайрам доруғаси Идику барлос жанггоҳ атрофида айланиб юриб, ўлганлар ва ярадорларни қидириб, даволаш мумкин бўлган кишиларни Сайрамга жўнатар эди. Қайтаётган пайтида ногоҳ йўли Тўхтамишнинг устидан (423) тушиб колди. Кўздан кечириб билдики, ҳали жони чиқмабди. Уни иссик кийимларга ўраб, томогига мойли шўрва томизди. Бир лахзадан сўнг ҳушига келди. Идику унинг ҳаёт колишидан умидвор бўлиб, даргоҳга етказди.

<sup>1</sup> Белак – белкурак шаклидаги ёй ўки.

Султони ғозий унга меҳрибонлик килиб кўнглини кўтариб, олдингидан ҳам кўпроқ эъзозу эктиром кўргузди. Шу ҳол асносида Кебек мангфут бошлиқ юз отлиқдан иборат Урусхон элчилари келишди ва хоннинг сўзларини етказиши: «Бир яралор оху бизнинг шикор жаргамиздан қочиб, сизнинг ердан паноҳ томмиш. Агар уни бизга топширсангиз, яхши иш бўларди. Акс ҳолда акёнус сохили ва Каффадан<sup>1</sup> то Сиғнок худудигача бўлган жами Даشتி Қипчок лашкари ҳаракатга келади. У ҳолда тўкнашадиган жойингизни тайин килинг». Султони ғозийнинг қаҳри кўзиб ва ғайрати жўшиб, Қандахор чеккаларидан то Хўтан сарҳадлариғача бўлган барча отлиғу пиёда лашкар муайян булжорда жам бўлиб, душманни даф килиш учун йўлга тушишини буюрди.

Голиб лашкар Ўтрорда лашкаргоҳ куриб, Урусхон Савронга келиб ўрнашгач, ҳар икки лашкар сардорлари эртага бўладиган жангга ҳозиргарлик кўра бошладилар. Шу пайтда кутилмаганда қаҳратон шамоли кўзғалиб, оловсочар булатлар чакмоқ чака бошладилар. Бир лахзада тўфон кўтарилиб, Нух тўфони унинг олдида анчайин бир нарса бўлиб қолди, (оятдаги) «зилзила соати» соатма-соат зиёда бўла борди. Совук шамол шиддати, ёмғир аралаш қор саваши жаҳон корфармоларининг саъй-ҳаракат қўлини снг ичига тортиб кўйди. Биронта тиккайган чодир ё саропарда ўз жойида қолмади. Бу тўфон тўрт ой мобайнида (424) муттасил зиёда бўла бориб, ёғингарчилик кучайди. Чунончи, икки лашкар орасидаги етти фарсанг масофа бир йиллик йўлга айланиб колган, улардан ҳеч бирининг иккинчисига хужум килишга мажоли йўқ эди. Ҳар икки тарафнинг «тилчилари» бошқа тарафдан тил ушлаб келишга ҳарчанд ҳаракат қилмасинлар, тил ушлаш ва маълумот олиш мұяссар бўлмас эди. Шунга карамай, Мұҳаммад Султоншоҳ Картий ва Мубашир Картий кийимларини ўзгартириб, яширин тарзда душман лашкарига бориб кўшилиб, бир исча кишини кўлга олиб даргоҳга келтиришди, аммо улардан бирон ишончли хабар олишолмади.

Лашкар озиқ-овқат йўклигидан бескувват бўлиб қолгач. Султони ғозий Оқтемурни тағор йигиб келиш учун Ўтрорга жўнатди. Иттифоқан, совук кучайгани сабабидан Урусхон кайтиб кетиб, ўрнига Коракесак ўғлонни қолдирган эди. Коракесак ўғлон ўзбек баҳодирларининг зўрларидан бўлган Катта Сотқин ва Кичик Сотқинларни юзта отлик билан тил ушлаб келиш учун Ўтрор тарафга жўнатди. Бир деҳкон уларни шаҳар ташкарисида кўриб қолиб, Оқтемур баҳодирга хабар берди. Оқтемур баҳодир ўн беш отлик билан ўзини ғоғилликка солиб уларга кўринди ва урдутмиший қилиш мақсадида бир тарафга чеки-

<sup>1</sup> Каффа – Қrimda жойлашган шаҳар.

ниб, күчабоғлар ўртасидаги бир гүшада пистирма курди. Букиклар<sup>1</sup> тұла ишонч билан жиловни күйіб юбордилар. Улар пистирма ёнидан ўтишганида Оқтесур баһодир орқадан чиқиб келди ва уларнинг барчасини шамшир зарби остига олди. Оддий жангчиларни қиличдан ўтказди ва сардорларни банди қилиб даргохга жүнатди. Султони ғозий уларлан бутун ахвол-вазиятни билиб олди.

(425) Шу жумладан шуни маълум килдиларки, Темурмалик ўғлон ўн минг отлик билан Саврондан икки фарсах масофада жойлашиб олган. Султони ғозий Ёриктемур, Мұхаммад Султоншоҳ ва Хитой баһодирни уч юз киши билан ғаним кароргохига шабихун уюштиришга номзод килди. Шунингдек, Саврондан ҳам икки юз киши амирларга қўшилсин, деб буюрди. Ярим тунда ёғий устига бостириб боришганда, иттифокан тўқнашувдан олдин уларга хабар етди ва натижада аёвсиз жанг бошланиб, чунончи, тонг ёришгунча тиш-тирноклари билан олишдилар. Кирпичок олишув пайтила бир ўқ Хитой баһодирнинг пешонасига келиб тегди ва у шу ондаёк жон таслим килди. Ундан сўнг Ёриктемур ҳам ҳалок бўлди. Тўсатдан Элчибуғо баһодир Темурмалик ўғлонга рўпара келиб қолиб, унга карата бир ўқ отдики, бу ўқ ўғлоннинг сонини эгарга тикиб кўйди. Ўғлон ярадорлиги туфайли отнинг ёлига ёпишиб олди ва бир чеккага чиқди. Букиклар мағлуб бўлишиди. Шундан сўнг Мұхаммад Султоншоҳ мурод-максадга етишиб кайтиб келди. Бу ҳабар Қоракесак ўғлонга сттач, у кайтиб кетди. Султони ғозий душман лашкаргохига келди ва мўғул суннати коидасига кўра сурон соллирди ва оркага кайтди. Бу барча лашкарнинг уловидан ўн-ўн беш минг отдан бошкаси қолмаган эди. Сипоҳнинг аксари пиёда кетди. Тўқмоқ булғовуллари<sup>2</sup> лашкар кайтиб кетганини текшириб аниқлагач, хотиржам бўлиб оркага қайтишиди ва улус бирдан осуда хотир бўлиб, сахронинг атроф-чеккаларига ўрнашди.

Султони ғозий Самарканнда бир ҳафта истикомат килгач. (426) барча амирлар ва хонларнинг йилкиларини хайдаб келтириб, жами лашкарларни отлантириш ва Тўхтамиш қуловузлигига яна юриш килишини буюрди. Лашкар ўн уч кун деганда Қамиш мавзессида Урусхон улуси устига етди ва шу қадар кўп ўлжаю ғаниматлар олдики, таҳмин хисобчиси уни ҳисобламоқка ожиздир. Иттифокан, ушбу ҳол асносида Урусхон вафот этиб, унинг ўғли Тўқтакиёни хонлик таҳтига ўтказган

<sup>1</sup> Букик – луғатларда ушбу шакли учрамаса-да, «буки» сўзи «пистирмада турғанлар» маъносини англатади. Дадабоев, Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар лугати. Тошкент: «Университет», 2008, Б. 28.

<sup>2</sup> Булғовул – разведка бўлинмаси. Doerfer. Turkische... В. I. S. 233.

эдилар. Султони ғозий нокулай фурсатда ҳамла қилишни маъкул кўрмай, оркага қайтди ва Тўхтамишини Савронда кўйди.

Тўқтакиё ҳукмронлигидан уч ой ўтгач, у ҳам (оятдаги) «ҳар бир жон ўлимни туттувчидир»<sup>1</sup> мазмунига кўра ширин жонни топшириди ва катта ўрон<sup>2</sup> Темурмалик ўғлонга этишди. Темурмалик ўғлон бошқа муҳим ишларга киришишдан олдин Тўхтамишини даф этишини энг зарур иш деб билиб. Савронга лашкар тортди. Жанг жадал ва савашларда Тўхтамиш яна бир бор мағлуб бўлиб кочиб, ҳазрат хузурига – Самаркандга келди.

Бир канча мулдат Темурмалик кўп саъй-харакатлар килиб, мамлакатни тартибга келтирди. Узининг тасаввурида унга таҳдид этишга кодир ракиб қолмаганидан ҳалдан ошиқ ишратга берилиб, ихтиёри қўлдан кетди. Мижози доимий равишда ичкилик ичишга одатланиб қолди. Амирлар ҳам муҳим ишлардан кўл тортиб, бетайнин ишларга машғул бўла бошладилар. Текинхўрлар жабридан ожизлар оғир аҳволда қолищди, зўравонлар зулми ҳаддан ошди. Ҳар ким ўзини химоя килиш учун бирон ҳоким излаш дардила эди. Бу хабар овозаси Султони ғозий қулоғига етгач, Тумантемур, Бахтихожа, (427) Ўзбектемур ва Беки қавчинларга Тўхтамишини Савронда таҳтга ўтказиши буюрди. Унга давлат куввати ва саодат таянчи мадал бўлиб, улуснинг аксари гурух-гурух бўлиб келиб, Тўхтамишдан паноҳ сўрай бошлади. Чунончи, куйида унинг ахборида зикр килингани янглиғ, Жўжи улуси унга (Тўхтамишга) бўйсунди.

## СУЛТОНИ ҒОЗИЙНИНГ ХОРАЗМГА ОТЛАНИШИ ВА УЛ МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ҚИЛИНИШИ

Қадимги замонда Чингизхон (ўз мулкларини) тўрт ўғлига таксим килиб бериб, ҳар бир фарзанди мамлакатида бошқа фарзанди учун ҳам бир канча мулклар тайин килган эдики, токим, шунинг воситасида улар орасида элчилар борди-келди килсалар. Шунга биноан, у Жўжининг мамлакати бўлган Хоразмдаги Кот ва Хивани Чигатойга берди. Ўша давр ибтиdosидан то Султони ғозий давлати зухур этгунга кадар ул икки мавзенинг моли (солиги) бекаму кўст етказиларди. Хоразм ҳокими Ҳусайн Сўфи иби Нангадой бузғунчилиги пайтида соликлар (Хоразмга) ғасб қилиб олинадиган бўлди. Султони ғозий кози Жалолиддин Шахрисабзийни ўша маблағларни олиб келиш учун жўнатди. Аммо Ҳусайн Сўфи мавлоно Жалолнинг насиҳатларига кулок солмади ва уни хибсга олди.

<sup>1</sup> Куръон. Оли Имрон сураси, 185-оят.

<sup>2</sup> Ўрон – таҳт; таҳт турған бош қароргоҳ. Doerfer. Turkische...B. I. S. 163.

## АМИРЗОДА УМАРШАЙХНИНГ ФОРС МУЛКИДАГИ АҲВОЛИ ВА ШАҲИД БЎЛГАНИ ЗИКРИ

Султони ғозий ҳазрат амирзода Умаршайхни Форс дорулмулкида қолдириб, ўзи доруссалом Бағдодга равона бўлгач, амирзода Умаршайх (428) теварак-атрофнинг барча бошлиқ ва сардорларини мўл-кўл инъомлар ва ёқимли навозишлар билан итоат ҳалкасига киргизиб, мамлакат конунларини адолат коидаларига кўра бунёд килди ва адл тахтини улуғ сахобалар хужжатига кўра арзу шикоятлар девони («девони мазолим») да ўрнатди. У мазлумлар арзини тинглаб, чора кўра бошлади ва андак фурсатда хосу омнинг хотирини шу даражада ўзига жазб қилдики, унинг лутфи жабрдийдалар ярасига малхам, қаҳри эса дардманлар лардига дармон бўлди. (Шоҳ) Мансурнинг тоғ чўққиларидағи Ранба ва Faрак каби метин қальалар ва Сарбанд кўпригида мустаҳкамланиб олган сипоҳларининг баъзиларини каҳру сиёsat билан итоат доирасига киргизди. Шундан сўнг бир ишончли кишини шахзодаларни чакириш учун Андигонга жўнатди ва ўзи Сиржон қальасини қамал килишга отланди.

Шахзодалар оталарининг башорат асар хабарини эшигтгач, дархол сафар асбоб-анжомларини катта кибтелега (кибитка-соябон арава) ларга юклаб, манзилма-манзил Форс тарафга йўл олишиди. Иттифокан, шундай мавсум эдики, ифор аралаш шамол аттор дўкони бўйини оламга сочар, баҳорнинг анбаросо насими чўл раҳонлари ва тоғ чечаклари хидидан димонги муаттар этарди Лола ўз кокили билан бинафшанинг зулфини тарапди. Шундай дилқаш ва жаннатваш мавсумда шахзодалар масрур дил ва тўқ кўнгил билан чароғон күёш каби Андигон уфки машрикидан Тахти Сулаймон тарафга равона бўлдилар. Шахзодалар келаётгани ҳақидаги овозалар кизигач, амирзода Умаршайх Сиржон муҳосарасини Систон шаҳаншоҳи ва Кирмон (ҳокими) Идикуга топшириб, ўзи ошиғич тарзда дорулмулк (Шероз)га жўнади.

(429) Доруламон Исфаҳон худудидан то кўркам Шероз атрофигача сайилгоҳ ва ишратгоҳлар бунёд этдилар. Ҳазрат султон (Искандар)нинг<sup>1</sup> ҳумоюн ўрдуси Истаҳр<sup>2</sup> қальаси худудига етганида, амир Али Сарбандий ўзининг нажот топиш умиди ул ҳазрат ҳимояси соясида эканини англади. Давлат етакчилигига паноҳ сўраб келди ва қальани топши-

<sup>1</sup> Асарнинг биринчи таҳрири амирзода Искандар ибн Умаршайхга бағищлангани учун муаллиф кўпинча уни «ҳазрат султон» деб зикр килади.

<sup>2</sup> Истаҳр шаҳри Эроннинг ахмонийлар сулоласи давридаги илк пойтахти ўрнида жойлашган.

риб, даргох останасига бош урди. Шаҳарнинг бутун аҳолиси муборак пойқадам стишганида пешвоз чиқиб, пояндозлар тӯшаб, сочқилар сочиб, эъзозу икром шартларини бажо келтирилди. Шундан сўнг ҳазрат Султони ғозийдан элчи келиб, амирзода Умаршайхга чакирик ҳукмини етказди. Амирзода Умаршайх Форс ва Ирок мамлакатларининг бутун ихтиёриши ҳазрат султон (Искандар)нинг боинкарувинга тошириб, ўзи амирзода Пирмуҳаммад билан даргохга йўл олди.

Ҳазрат султон (Искандар) ҳам узун номаларда баён килиш ва ёзишга муносиб гарзда кун бўйи Искандар ва Доро суннатига мувофиқ жаҳондорлик тартиби ва шаҳриёрлик қонидашарици хосу омга нисбатан ўрнига кўяр, ёши кичиклигига қарамай, куллий ва жузвий ишлар моҳиятига шу қадар стган эдик, бўйсунни вожиб бўлган ҳукмлар чиқарарди. Ўша сана у чиқарган ва бардавомлик касб эттан олий ёрликлардан аксарини орадан йигирма бир йиллик муддат ўтганига қарамай, бу санада (қайта) имзолади. Унинг кутлуг ва хумоюн пойқадамидан Форс ва Ирок худудлари фирдавси аъло ва абадий жаҳнатдан бир намуна бўлиб қолди.

Амирзода Умаршайх шу тарзда манзилма-манзил йўл босиб, Бағдод нохиясига етишди. У ҳордик чиқариш учун Курдистон ўрмонларида шикор жаргасини тузди. Бир сайднинг изидан от чоптириб, бургут патли ўкини муборак қўли билан (430) камондан отаётганида, бирдан от коқилиб кетли ва унинг нозанин вужуди эгар устидан ерга йикилиб тушди. Оғриқ зўридан бир лаҳза хушидан кетди. Бадани шикастлангани туфайли уни михаффа (соябонли қажава)га ўтиргизиши. Ҳарчанд дори-дармонлар бернишса-да, оғриқ босилмади ва ўша кечани шу тарзда ўтказди. Оламни ёритувчи қуёш нурлари кундузнинг ферузаранг чўйтагидан бошини чиқаргач, ўнг ва сўл тарафларга тағор йигиб келиш учун кетган гурухлардан бири шуни арз килди: Тепаликда жойлашган Хурмоту номли қалъя итоатсизлик зохир этиб, тағорни тоширишда сусткашлиқ қилмоқда. Амирзода Умаршайх у ернинг кутволини чакириш учун ҳарчанд фармонлар ёзил жўнатмасин. буйруғи бажарилмади. Амирзода дарғазаб бўлиб отланди ва ўша тарафга жўнади. Ул ваҳиатли қалъя олдига етганида, у ернинг аҳолиси баттар ваҳимага тушиб, эси пастликлари туфайли қўлларига тош ва ўқ олдилар. Харобасифат қалъя деворининг баландлиги ўнта отлиқнинг ҳужумига бир дақика бардош берадиган даражада ҳам эмас эди. Амирзода Умаршайх кўрчидан қалкон олди ва қалъя деворига якин бориб, насиҳат билан уларни бехуда каршиликдан қайтarmokchi бўлди. Тўсатдан қазо камонидан бало ўки отијиди ва ул ғазабнок шернинг қизил қон томирига санчилиб, бу қўркинчли жароҳатдан зум ўтмай ҳалок бўлди.

Бипечид ва бар худ яке ох кард.  
Зи кори жаҳон даст кўтоҳ кард.  
(Тўлғонди ва бир бор ох урди,  
Жаҳон ишларидан кўли узилди).

Сипоҳ баҳодирлари ва даргоҳ ботирлари кўқсидан фарёд отилиб чиқди ва бир ҳамлада ул ҳаробасифат қалъани гупрок билан текислаб ташладилар.

Шундан сўнг бир кишини ошигич суратда ўрдуга – ҳазрат ҳузурига жўнатиб, марҳум ҳазрат (амирзода)нинг жасалини дорулмулк (Шероз) га келтиришди. Алкисса, чопар (431) бу улуғ мусибат ҳабарини Мордин атрофида ҳазратга етказди. Барча тўплланган ва бу сирни маҳфий саклаш имконсиз бўлганидан арзга стказиши. Султон гозий у (амирзода)нинг мамотида ўзининг вафотини кўрди ва шу даражада мажолисизланиб колдики, одамлар турли хаёлларга боришли. Бисёр оху нолалардан сўнг вакт шароити тақозосига кўра, акл кучига таяниб, ичини ёнлираётган оташни ташки хотиржамлик билан яшириди ва ҳар кунги одатга кўра девон чақириб, жўчинларга<sup>1</sup> ёзозу эхтиром кўргузди. Икки кундан сўнг Учкарони шаҳзодалар ҳамроҳлигига Форсга жўнатиб, ўзи Шомга юришни бекор килиб. Жазира ўлкасини фатҳ этишга машғул бўлди.

Ҳазрат Мўсулда катта курултой ўтказди ва яна Мордин тарафга жўнаб, уни камал килди. Эртаси куни ҳўрзининг тонгти кичкириғига навбат ноғоралари садоси ҳамовоз бўлди ва уруш карнайлари ўқириги ғафлат уйкусида ётганларни уйготиб юборди. Барча ўз мурчолидан чиқиб жангта отилди. Ул улуғвор тоғ этакларини хайкириклар садоси ва ногораю карнайлар овози тутиб кетгач, шаҳар ахолиси энг зарур нарсаларини олиб, тоғ тепасига кочди. Аммо шу биринчи ҳамладаёқ жуда кўп одам ҳалок бўлди. Султон Исо шаҳар ҳароб бўлгач, ўртага шафатчилар кўйиб, узроҳликлар билан Султони ғозийнинг марҳаматини ўзига қаратди ва афв чопони билан сарафroz этилди.

Шундан сўнг зафар шиорли байроқлар Омал шаҳрини, унинг изидан Қароча Қиё қалъасини фатҳ килишди. Корга Юсуф чиқиш кийин тоғлардан паноҳ топгани учун Султони гозий Жаҳоншоҳ баҳодир, Бурхон ўғлон ва Айбож ўғлонни бир қанча лашкар билан (432) унинг устига юборди ва амирзода Мироншоҳни ҳам уларга кечка тарикасида жўнатди. Ҳазрат ўзи юриш жиловиги Ихлот тарафга буриб, йўлда Ойдин қалъасини ҳам ишғол килди ва ўша маҳалда амир Тахартан Арзинжоний ҳазратга келиб қўшилди. Шундан сўнг ҳазрат Обник қалъасини

<sup>1</sup> Жўчинлар – ўқилниши таҳминий, мазмуни: «мусоғирлар, меҳмонлар».

қамал килишга тутинди. Миср ибн Кора Аҳмад туркман бу тошметин қалъала ўрнашиб олиб, унинг мустаҳкамлигига ишониб, исёнкор бoshини баланд кўтарди. Қарийб бир ой давомида икки ўргада кечган урушу қирғинлардан сўнг ҳоли тант бўлиб қалъани топширди. Шундан сўнг ҳазрат амирзода Шоҳрухни Мовароуннаҳрни идора килиш учун қайтариб юборди.

## **СУЛТОН ИСКАНДАРНИНГ УЛУФ ЎРДУГА КЕЛИШИ ВА УЛ ҲАЗРАТНИНГ ХИТОЙ ВА МЎГУЛИСТОН САРҲАДЛАРИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШГА НОМЗОД ҚИЛИНИШИ ЗИКРИ**

Султони гозий амирзода Шоҳрухни Самаркандга жўнаттанига қарамасдан, ҳануз Мовароуннаҳр жиҳатидан кўнглида ташвиш ва иккиланиш бор эди. Шу ҳол асносида ҳазрат мамлакат соҳибтадбирлари ва салтанат маслаҳатгўйларидан шу ҳақда савол килди: Ҳудо раҳмат қилгур марҳум фарзандимиз Форсдан аъло ўрдуга йўл олганида ул қадар кенг ва катта мамлакат бошкарувини кимга колдирдиким, шундай мусибатли воеа юз беришига қарамай, ўлкани шундок бошкардики, бирон бурчакдан фитна бош кўтартмади ва бирон-бир ғаним оёкка туролмади? Жами амирлар ва вазирлар тиз чўкиб, ҳазрат султон Искандарнинг зийраклиги ва сиёсатдонлиги хусусида аъло тахт пойида бир шингил накл килдилар. Ул олиймакомлигу шавкат бўстонининг николи ва фазлу камол (433) ҳилолига нисбатан Султони гозийнинг кўнглида умидворлик тўлкинлари мавжланиб, улуф Парвардигори қаримга шукрлар айтди ва дарҳол ҳазрат (султон)ни чакиришни буюрди.

Ушбу фармонга биноан, ҳазрат султон (аълоҳазрат билан) мулокот килди ва Султони гозий мажлисида илк бор ҳозир бўлишидаёк ўз муборак сиймосида етуклик ва жаҳондорлик, баҳтиёрлик ва шаҳриёрлик асарларини зохир этди. Ҳазрат унинг саодатли чехрасида ўзининг ёшлиқ вақтидаги жасорат ва шиҷоатини айнан кўрди. Ҳаялшамасдан Мовароуннаҳр ишлари асосини унинг саъй-харакати измига топширди. Ҳазрат султонларга хос бўлган назар қуввати билан (шаҳзоданинг) шариф вужудидаги жаҳондорлик кобилияти ва султонлик иктидори бекиёс эканлигини кўргач, у ва бошқа биродарлари ҳамда амакилари орасидаги муносабатлар янги хусусиятлар касб этиши ва оға-инилик алокалари дўстлик ва муҳаббат ришталари билан янада мустаҳкамланиши, икки авлодга бўлинган давлат хонадони яна самараbahш тарзда пайванд этилишини истади. Бинобарин, ушбу хайрли фурсатда гўзал тадбир билан

ҳазратпинг суюкли дилбанди Бекаси Султонни<sup>1</sup> султон Искандарнинг никоҳига номзод килишди. Шу сабабга кўра давлат ҳазинаси моллари ва олий даргоҳ бойликлари сарфу харажат учун ҳазрат султон ноиблари ихтиёрига берилди. (Султони ғозий) бутун маблағи ва нурли ботинидаги илтифоту марҳаматни ҳазрат султон (Искандар)га бағишлади. Хилват сұхбатда унга ихлоси ва уни бошқалардан афзал күришини сўзлаб, ўзининг валиаҳдлик ҳакидаги аҳдномасини ул охирзамон Махдийси ва амни омонлик пешвоси номига битишни яширин сирлардан вokiф ҳазрат (Оллоҳ)дан сўради. Бутун кўнгли ва сидки нияти билан (434) бу истаги ижобат ва қабул этилмоғи учун муболағалар килди. Шу сабабли бу Миср азизининг Юсуфи оға-инилар ҳасади, кариндошлар касди ва ёмонларнинг кўз тегишидан сакланиши учун ўз вужудини мададкор малик (Оллоҳ)нинг ҳифзу химоясига топшириди. Шундан сўнг бир канча муддат ушбу муборак башорат шукронасига шохона тўйлар ва подшохона чарғоланглар килиниб, жами амирлар, сипоҳ сардорлари ва олампаноҳ даргоҳнинг бошка мукарриблари навозишу марҳаматлар билан ғоятда баҳтиёр ва сарафroz этилдилар. Ҳазрат Султони ғозий шундан сўнг ошкора ва пинҳона тарзда ахволга мувофик ва дўсту душман килмишига муносиб равишда тадбирлар кўллаб, (Султон Искандарга) кайтишга рухсат берди ва Мовароуннаҳр мамлакатини бошқаришга жўнатди.

Ҳумоюн мавқабининг келаётгани хабари доруссалтана Самаркандга етгач, давлат амирлари ва мамлакат ҳокимлари нафис тухфаю ҳаджалар билан истиқболга чикишди. Барча иззат ўрдусининг ҳижобдаги хонимлари, иффат саропардасининг оғо-хотунлари ва олийнасаб хонадон шаҳзодалари у (султон Искандар)нинг муборак пойқадамини ғанимат ва табаррук билиб, қодир эгамга шукроналар айтдилар. (Султон Искандар) мавқаби келиб қўнишидан аввал атрофдаги душманлар хусусида шу қадар овозалар тарқалган эдик, амирзода Шоҳруҳ Конигил ва Самарканд боғларини айланиш учун шаҳар ташқарисига чиқишга журъят қилолмас эди. Султон стиб келгач, йўл устидаги улуғ хоним Бумалик (?) хотуннинг ҳавоси жаннат, сахни фирдавсга монанд боғига тушли. Чунончи, Сулеймон ҳайбатидан девлар ва Искандар савлатидан яъжуҷ-маъжуҷлар қочганидек, давлат душманлари тумтарақай бўлиб кетдилар.

Хусусан, Камариддин бу хабарни эшитишнинг ўзиданок (435) фалажга гирифттор бўлди ва бу ларддан унга ажал стишди. Тўхтамиш-

<sup>1</sup> Бекаси Султон (Беги Султон) амирзода Мироншохнинг кизи бўлган. Муъиз алсанаб. Алматы: «Дайк-Пресс» 2006. С.127.

хоннинг яқинларидан бири, бошида Тўкмок улусини эгаллаш хаёли бўлган Чексак ўғлон Тулас худудини то Туркисгон ноҳиясига довур кўлга киритган эди. У ҳам ғолиб аскарлар салобатидан чекинди. Шу тариқа билак кучи ва контўкар шамшир зарбини ишлатмасданоқ, давлат душманлари ва мамлакат ғанимлари забун ва мағлуб этилди.

Ҳазрат сulton (Искандар) давлат мажлислари ва хилват давраларда ҳамиша амирзода Шоҳрухни шахриёлик одоби ва жаҳондорлик қоидаларини эгаллашга ундар, ҳамда ҳукмдорлик лаззати, ихтиёри, шавкати ва эътиборини хоҳ жиддий ва хоҳ ҳазил гарзда унинг хотирига сингдиради. Шу тариқа кўп уринишлардан сўнг, уни сукут ва гафлат даражасидан нутку хикмат мартабасига етказди. (Шоҳрухнинг) мижозидаги андак журъат ўша тарбиятлар натижасидир. Чунончи, ҳозиргача ўша кечмишларни кўп кезларда ошкора ва пинҳона тарзда зикр килади.

# ИЛОВА II: АСАРНИНГ БОШҚА СУЛОЛАДАР ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН АЙРИМ ТАБАҚА (БОБ)ЛАРИДАГИ АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

## ҲУРМУЗ<sup>1</sup> МАЛИКЛАРИ ТАБАҚАСИ ЮСУФШОХ ИБН ҚУТБИДДИН ЗИКРИ

(17) Малик Кутбиддиндан кейин унинг ўғли Юсуфшоҳ отасининг васиятига биноан таҳтга ўтирди. Унинг давлати даврида Шайх Абу Исҳок Инжу Форс таҳтида хукмрон бўлиб, (18) Муҳаммад Музаффар Кирмон таҳтини эгаллаган эди. Ҳурмузниң ободонлиги савдо-гарларнинг саъй-харакати туфайли бўлганидан, Юсуфшоҳ заруратдан ҳар икки тарафга хизматкорлик ва тарафдорликни ўзига расм килиб олди. Ҳозирги кунгача миқдори сабит бўлиб турган Ҳурмуз хирожи (моли) ўша вактда узоқ музокараю мунозаралардан сўнг ҳар йили Форс подшоҳи ва Кирмон ҳокимига юбориб туриш учун белгиланган эди. У ўзи ҳокимлик қилган йигирма бир йил мобайнида бунга риоя килиб келди. Муҳаммад Музаффар бир неча бор аҳдни бузиб, Ҳурмузни босиб олмоқчи бўлди. Аммо Юсуфшоҳниң гоятда ҳушёргилиги ва матонати туфайли бунга эришолмади. Мулк ишларини йўлга кўйишда (Юсуфшоҳниң) тажрибакорлиги шу даражага етдики, бу замонда бирон жонзодни у ср (Ҳурмуз)га қурол-аслаҳа билан кўйишмайди. Ҳатто белгилашган хирожни олиш учун элчи келганида ҳам унинг қуроли ва совутини олиб кўйиб, хирожни қабул килиб қайтиб кетаётганида қайтариб беришади. Мана шундай эҳтиёт чоралар туфайли ҳозиргача Ҳурмуз ҳукумати уларнинг хонадони кўлидадир. Юсуфшоҳ 772 (1370–1371) йилда вафот этди.

## БАҲМАНШОҲ ИБН ЮСУФШОҲ ЗИКРИ

Ундан сўнг ўғли Баҳманшоҳ отаси таҳтига ўтирди. Одил, олим ва каноаткор ҳоким эди. У шу қадар эътиборга эришдикি, Миср сultonлари ва Хитой ҳоқонлари дengизи куруқлик йўлидан унга мактублар йўллашарди. У ўз хукмронлиги бошларида ўғли Муҳаммадшоҳни

<sup>1</sup> Ҳурмуз – Эроннинг жанубида дengиз соҳилига яқин оролда жойлашган порт шахар. Ўрта асрларда юрик савдо маркази бўлган. Шахар ён-атрофлари билан бирга Ҳурмуз вилоятини ташкил қилган.

ноиб қилиб қолдириб, ўзи хажга кетди. Бориш ва келиш йўлида жуда кўп хайриялар берли. Барча жойда унинг қадамини азиз билиб, иззатикром қилишарди. Қайтиб келганидан сўнг ҳам шу тарзда Оллоҳ ибодатига машғул бўлди ва вилоятни ўғли Муҳаммадшоҳ идора этди.

## МУҲАММАДШОҲ ИБН БАҲМАНШОҲ ЗИКРИ

(19) Муҳаммадшоҳ отаси ҳаётлик пайтидаёк мулкии бошикаарди. У номдор боболари расмига риоя қилиб, бир неча йил давомида Шоҳ Шужоъ ибн Музаффар, сўнгра унинг ўғли Зайнулобидин Шерозда, Ахмад ибн Музаффар Кирмонда ҳукмронлик қилишганида уларга хизматкорлик ва хирож тўлаш шартларини бажо келтирди. Аммо бир-икки йил музafferия авлодлари орасидаги харажу мараж туфайли у бирон ёкка хирож юбормай кўйди. Фақат Шоҳ Мансур истилосидан сўнггина собиқ расмга яна риоя эта бошлиди. Форс мамлакати 795 (1392–1393) йилда ҳазрат Султони гозий ноиблари кўлига ўтгач, Муҳаммадшоҳ ўзининг ишончли кишиларини кўпдан-кўп тухфаю ҳадялар билан одил шаҳзода амирзода Умаршайх – Оллоҳ унинг далилини мунаvvар этсин – даргоҳига юборди ва белгиланган хирожни икки баробар қилиб девонга топширди. Мархум султонзода (Умаршайх) воеасидан сўнг Муҳаммад Султон ибн Жаҳонгир кагта лашкар билан Ҳурмузни фатҳ этишга жазм килди. Бирок бирон натижага эришмасдан кайтиб кетди. Шундан сўнг амирзода Пирмуҳаммад улар олдин белгиланган хирожни ҳар йил жўнатиб туришларини тайинлади. 802 (1399–1400) йилда Муҳаммадшоҳ вафот этди.

## БАҲМАНШОҲ ИБН МУҲАММАДШОҲ ЗИКРИ

Отасининг ўрнига Баҳманшоҳ ҳукумат таҳтига ўтириди ва ўз падари жорий этган қоидага кўра оқилона ҳаёт кечира бошлиди. Бугунги кунда у олдингидан ҳам ортиқроқ аъло девонга нисбатан хизматкорлик вазифасини адо этмоқда ва ҳар йили бир неча бор ўз ишончли кишилари билан сон-саноқсиз нафис ва тансик буюмларни (20) ҳазрат султон (Шоҳруҳ)нинг – Оллоҳ унинг мулки ва салтанатини ўз паноҳида сакласин – олампаноҳ даргоҳига юбориб турибди. Ўтмишда ҳар йил собиқ султонларга жўнатилганига тенг миқдордаги мол бутун ҳар бир амирга етказилмоқда. Оллоҳ таоло ва такаддус оламнинг жами ўлкаларидағи мамлакатларни ушбу даргоҳ хизматкорлари ва мулозимларига итоатда саклагай! Иншо Оллоҳу таоло!

# ЛУРИСТОН<sup>1</sup> МАЛИКЛАРИ ТАБАҚАСИ: КАТТА ЛУР ОТАБЕКЛАРИ

## ОТАБЕК АҲМАД ЗИКРИ

(49) Отабек Аҳмад отасининг васиятига кўра, ундан сўнг тахтга ўтирди. У бир канча янги расмларни жорий қилди, бунинг натижасида ота-боболарининг мактовли расм-руsumлари йўқолиб кетди. Унинг бадбаҳтилиги асоси шунда эдик, ҳеч кимга нисбатан хотири тўғри эмас эди. Машваратда амирларни хоин ва ишончсиз хисобларди. Жазолаш сиёсатини илк бор (50) ўз биродарларидан бошлаб, ҳеч бир сабабсиз укаси Ҳушангни ўз кўли билан ўлдирди. Шундан сўнг бошка укалари Афросиёб ва Масъудшоҳ ундан юз ўгиришди. Амирлар ҳам даргоҳга мулозим бўлишмагани туфайли унга майлу рағбат қилишмади. Раият ҳам уларга тактил қилиб, юртда тартибсизлик бошланди ва бунинг натижасида отабек Аҳмад куч-кудрат авжидан заифлик жарига қулади. Султони ғозий – Оллоҳ унинг далилини мунаввар қилсин – лашкари Форсии иккинчи бор озод эттагач, ҳазрат баҳтиёр султонзода, шаҳид амирзода Умаршайхни – Оллоҳ унинг қабрини мунаввар этсин – (Шероз) дорулмулки ҳукуматига тайинлаган эди. Эронзаминнинг барча тождор ва ҳокимлари таъзимга келишди. Ҳазрат Султони ғозий етиб келгач, улардан баъзиларини мусулмонлар мулкини бошкаришга лойик кўрмай жазолади, баъзиларини эса ё табиатидаги раҳмандиллик туфайли ва ё уларнинг қўлидан ҳеч иш келмаслигини назарда тутиб, ўз истакларига мувофиқ ватанларига қайтариб юборди. Отабек Аҳмад ҳам бошқа бўйсунганлар қаторида қайтиб кетди. Аммо ҳазрат Султони ғозий эҳтиёт юзасидан унинг биродарлари Афросиёб ва Масъудшоҳни гаров тариқасида Самаркандга олиб келди, шу учунким, агар лурлар унга карши исён кўтаришса, ўз мамлакати ҳукумати умилида даргоҳга мулозим бўлиб юрган бошқа биродаридан қуловуз сифатида фойдаланиб, уларни жазолайди.

Отабек Аҳмаднинг (ҳоким сифатида) нобоплиги ҳазрат Султони ғозийга яхши аён бўлгач, билдики, агар яна бир йил уни шу ҳолда қўйса, Луристон мамлакати бошқа бироннинг қўлига ўтиб кетади. Шундан сўнг шу ҳақда олий ёрлик битилдиким, унга биноан Катта Лур тоғлиқ минтақасининг ярми (51) Аҳмадники, колган ярми Афросиёбники бўлди. Ҳазрат Афросиёбни кўпдан кўп иноятлар билан Луристон-

<sup>1</sup> Луристон – Ғарбий Эрондаги вилоят.

га жўнагди. Бир-бирларига нисбатан ишончсизлик туфайли ака-укалар орасида низо чиқди ва давлат ҳасадгўйлари уни багтар алангалатдилар. Бунинг натижасида Эроннинг чашму чироги бўлган Луристон мамлакати ер билан яксон бўлди.

Афросиёб ҳазрат ўрдусидан ҳокимликка келгани учун мўғул (ёсоги) билан танишлиги бор эди ва амирзода Пирмуҳаммад Афросиёбни Ахмаддан афзал кўрарди. Ҳарчанд Ахмадга насиҳат килиниб, буйруклар жўнатилса-да, у ғаразли максадларидан воз кечмас эди. Бир марта расмий чакирикка кўра куриштойга келди. Амирзода Пирмуҳаммад уни кўлга олди ва ўрдуга жўнатди. Султони ғозий унинг исбот килинган бир канча ғуноҳларини афв этиб, ўзининг азиз диёрига кайтариб юборди. Ҳазрат Султони ғозий ҳак раҳматига етишганидан сўнг иккинчи йили амирзода Пирмуҳаммад отабек Ахмадни кўлга олди ва Фахандар кальясида маҳбус килди. У тўрт йил муддатни хибсада ўтказди.

Шундан сўнг 811(1408–1409) йилда амирзода Искандар Форс таҳтига ўтиргач, уни банддан ҳалос қилди ва бутун подшоҳлик асбоб-анжомлари билан сарфароз қилиб, мулк ишларини яхшилаш юзасидан бир қанча маслаҳатлар бериб, Луристон ҳукуматига жўнатди. Бирок у этиб боргач, буйрукларига амал қилмади ва жабру ситамни олдингидан ҳам ортиқ (52) қилди. Уз вилюят аҳолиси (бир-бирларига) дейиши: «Шунча машакқатлар чекса ҳам унга сабоқ бўлмабди, ҳисобсиз жазолашлар ҳам кор қилмабди. Энди маъкули шуки, ҳар биримиз ўз бошимизга бош бўламиз ва ўз қонимизни тўкишда унга шерик бўлмаймиз». Шу тариқа ҳар ким бирон тоғта ёки саҳрого баҳори олиб кетди. Тарафдорлик ва хизматкорлик юзасидан мулизим бўлиб юрган баъзилар ҳам бу сабабга кўра ўз эътиқодларидан кайтдилар. Отабек Ахмад ҳатто улар тарафидан бирон исёнкорона ҳатги ҳаракат содир этилмасдан туриб, уларни бирма-бир кўлидан келган усуулар билан ўлдирилди. Шундан сўнг ҳалқнинг ундан хавфсираши янада кучайди ва жон-жаҳдлари билан уни даф этишга отланишиди. Сардорларининг ўғли Ахмад тарафидан ўлдирилган остуркӣ (?) кабиласидан бир гурух исён кўтарди. Ахмад «улар адаб доирасидан чикмайдилар», деган хаёлда озгина лашкар билан уларни бостиришга борди. Бечорани ҳеч риоя қилмасдан, кўлга олиб ўлдирилдилар.

Унинг ўғли Абусаид ўз амакиси Афросиёбни маҳбус қилган эди. Уни хибсада саклаб, амирзода Искандардан мадал сўради. Амирзода у ҳам отасининг кисматига дучор бўлмасин деб, уни бир-икки йил ўзига мулизим қилди, тики сардорликнинг нозик жиҳатлари ва шахриёрликнинг яширин сирларини (53) андак бўлса-да, ўрганиб олсин. Шундан сўнг уни ўз муродига мувофиқ, Луристон ҳукуматига жўнатди.

## КИЧИК ЛУР МАЛИКЛАРИ

### МАЛИК ИЗЗИДДИН ЗИКРИ

(64) Малик Шужониддин Маҳмуд ўлимидаң сүнг упинг ўғли Иззиддин 750 (1349-1350) йилда ўн икки ёшида валиаҳдлик хукукига кўра отаси таҳтига ўтириди. Муборак сифатли, латиф таъб, фозил ва оқил одам эди. Вазирлик мансабини (65) Ҳожа Маҳмуд ибн Мухаммад Чоғарийга топшириди. Ўз давлати айёмида Луристон вайроналарини<sup>1</sup> обод килишга машғул бўлди ва андак замонда ўлкани олдинги ҳолига келтириди. Бугун раият – вилоятлар ва шаҳар ахолиси, тоғликлар, кабилаю элатлар осойишта ва хушҳол әдилар. Озарбайжон ва Форснинг сultonон ва ҳукмдорлари унга биродарлик ва муҳаббат тарнида мактуб йўллашарди. Бир кизига Аҳмад ибн Увайс совчи кўйди. бошка кизига (Шоҳ) Шужъ ибн Мухаммад ибн Музаффар уйланди. Ҳамиша малик Иззиддин ва улар орасида элчилар борли-келди килиб, мактублар узилмас, бирдамлик ва муҳаббат изҳор этиларди.

Шундан сўнг 790 (1388) йилда ҳазрат Султони гозий – Оллоҳ унинг далилини мушаввар килсан – уни Варужардан ярим фарсанг масофада жойлашган Румиён қалъасинда муҳосара килди. Ҳазрат малик Иззиддинни фарзандлари билан бирга асир килиб Самаркандга келтириди. Унинг ўғли Сайиддий Аҳмадни Андигонга жўнатди, ноиб ва хожибларини эса Туркистон ва Мўғалистон сарҳадларига таркатиб юборди. Шу тарзда уч йил асирлик ва гурбатда хаёт кечиришди. Шундан сўнг ҳазрат унга кўпдан-кўп суюргол ва инъомлар бериб, ўғли билан бирга озод килиб Луристон ҳукуматига жўнатди. Бироқ иккичи марта Ирок, Форс ва Озарбайжон Музаффар ва Увайс авлодлари кўлидан бутунлай халос этилиб, Нихованд. Асадобод ва Хуррамобод чигатой боскоклари тасарруфига ўтгач, девон солиги (моли) малик (66) Иззиддин зиммасига юқлатилди, тики у ҳар йили ўз тобеларидан йигиб, ҳазрат ноибларига топширсин.

Ўғли Сайиддий Аҳмад асирлик машаккати ва зинлон уқубатларини чекканидан, бир гурух қадхудо ва қадхудозодалар билан иттифок бўлиб, ўн уч йил давомида тоғлар ва дараларда мустахкамланиб, ҳар кунни бир манзилда ва ҳар кечани бир овлок жойда ўтказарди. Аҳён-аҳёнда бирон кабилага борганида унга иззатхурмат кўргузишарди.

<sup>1</sup> Муаллиф бундан олдинги фаслда Шужониддин Маҳмуд зулми сабабли Луристон ҳароб ҳолга келганини баён килиб ўтган.

Шом юришида малик Иззиддин ҳумоюн лашкаргоҳда мулозим эди. Кутілмаганды унинг тобеларидан бир гурухы ўғли Сайидий Аҳмадга иттифокчи бўлишгани туфайли девон моли (солиги)ни етказишида турли баҳоналар билан сусткашлик кўрсатиши. Хирож муҳассили зуғум этиб, малик Иззиддинин бехурмат килди. Сайидий Аҳмад ярим кечаси муҳассилининг чодири устига келиб, отасининг қасоси учун унинг адабини бермокчи бўлди. Бирок муҳассил отланиб, мўгулчасига ҳайқирганининг ўзидаёқ Сайидий Аҳмад отасини халос этишдан кўра, ўз жонини куткаришини муҳимрок хисоблади ва қочиш жиловини келган йўлнга караб бурди. Муҳассил унинг бир неча одамини тиғдан ўтказиб, колганларини тўзғитиб юборди. Табиатан ғоятда кекчи бўлганидан ҳаялламасдан малик Иззиддинга сиёsat килиб, терисини шиљиб сомон тўлдиришини буюрди ва Султонияга – ҳазрат хузурига жўнатди. Уни шу ҳолда бир хафтагача дорга осиб қўйиши. Малик Иззиддиннинг ҳокимлиги муддати элилк тўрт йилга етган эди. У ўзининг бугун ҳаётини аиш суриб, хурсандчиликда ўтказди.

Сайидий Аҳмад шу тарзда бадбаҳт ва қочок бўлиб, абгор ҳолда Луристон тогларида (67) саргардон бўлиб юарарди. Ҳазрат Султони ғозий ҳақ раҳматига етишгач, Луристон ҳукумати Сайидий Аҳмадга ўтди ва у то 815 (1412) йилгача ҳукмронлик қилиди. Аммо нолойик ва беакл одам бўлганидан, бирон иш қўлидан келмади ва бирон подшоҳга эътимол ҳам қўймади. Унинг ахволи ва ишлари амирзода Умаршайх авлодлари ахбори орасида келтирилажаги сабабли бу жойда такрор қилинмади<sup>1</sup>. Яна Олиоҳ билгувчи ва ҳукм этгувчидир.

## ЖЎЖИХОН АВЛОДЛАРИ ТАБАҚАСИ<sup>2</sup>

### УРУСХОН ИБН ЧИМБОЙ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

(92) Нихоятда кайсар, қаҳрли ва шавкатли подшоҳ эди. Отаси ва фотидан сўнг хонлик таҳтига ўтириди. Ҳамиша ўз отасини Кўк Ўрда улусини ҳам ўз тасарруфига киритиб олишга ундарди. Бирок Чимбой унга кулоқ солмас эди. Урусхон таҳтга ўтиргач, биринчи курултойдаёқ

<sup>1</sup> Ушбу жумла Натанзийнинг Умаршайх авлодлари, асосан, амирзода Искандар тарихини ёзиш режаси бўлганини тасдиқлайди. Афтидан, Искандарнинг заволи туфайли муаррихининг бу режаси амалга ошмай колган.

<sup>2</sup> Муаллиф мазкур табака (боб)ни Тўхтахон (1290–1312) ҳукмронлиги лавридан сўнг иккى кисмга бўлали: Кўк Ўрда хонлари ва Оқ Ўрда хонлари. Куйндаги фасллар «Оқ Ўрда хонлари» кисмидан таржима килинди. Тўхтамиш даврида Амир Темур мадали билан Оқ ва Кўк Ўрдалар бирлаштирилиб, ягона давлатга айлантирилган.

ўз кўнглидаги ниятни давлат арконлари ва улус аъёnlарига айтиб солди. Барча итифоқ бўлиб, уни қўллаб-кувватладилар. Хон бир неча кун дабдабали тўйлар бериб, ҳар бир аъёнини кимматбаҳо инъомлар билан хушиуд этиб, жўнаш жиловини ул нохия тарафга бурди. Аъёnlар жумласидан бўлган Манғишлок ҳокими Тўйхожа ўғлон итоатсизлик кўрсатгани туфайли ёсоқка стказилди. Унинг ўғли Тўхтамиш бир неча бор (93) ўрдудан кочиб, яна қайтиб келди. Ҳали балоғат ёшига етмагани учун унга эътибор бернишмади. Урусхон ўзбек тахтини эгаллагандан кейин бутун ул мамлакатга ҳукмрон бўлди ва Тўхтамиш кочиб, ҳазрат Султони ғозийдан паноҳ сўради. Чунончи, ҳазратнинг муборак киссаси ичида буннинг шархи баён килинади. Урусхоннинг ҳукмронлиги давридан тўккиз йил ўтгач, табиий касаллик туфайли вафот этди. Ундан сўнг ўғли Тўхтакиё ҳам икки ой тахтда ўтириб, сўнг оламдан ўтди.

## ТЕМУРБЕКХОН ИБН МУХАММАДХОННИНГ ТАХТГА ЎТИРИШИ ЗИКРИ

Тўхтакиёдан сўнг салтанат тахтига у эга бўлди. Ғоятда айш-ишратга ўч ва маиншатбоз бўлиб, муттасил шунга ружу кўйганидан кўпинча маст ва акслан жудо ҳолатда юрарди. Шу туфайли жами мулк ишларини эътибордан четда қолдирган эди. Иш шунга бориб етдики, бутун хосу омнинг ахволида бекарорликлар юз бериб, давлат тўрасининг қоидалари бутунилай ҳаракатдан тўхтади.

Ҳазрат Султони ғозий Тўхтамишни Саврон. Ўтрор ва Сигнок ҳукуматига гайнилаб жўнатди. Темурбекхон унинг келганидан воқиф бўлгач, даф этмок чораларини кўрди ва Тўхтамишни ул навохийдан кувиб юбориб, тагин айш-ишратга машғул бўлди. Унинг тарафдорлари ва аъёnlарининг унга нисбатан нафрати зиёда бўлиб, (94) пинҳона ва ошкора тарзда Тўхтамишга мойил бўла бошладилар. Ўрдунинг машҳур кинжаларидан бўлган Ўзбектемур кочиб, ҳазрат Султони ғозий даргохидан паноҳ сўради ва улус алғов-далғов бўлганини арзга етказди. Ҳазрат Султони ғозий яна бир бор Фиссилдин тархон, Тумантемур ўзбек, Бахтихожа ва Бекини Тўхтамишга ҳамроҳ килиб Сигнок, Саврон ва Ўтрорга жўнатдики, токи одатдаги қоидага кўра уни хонлик тахтига ўтказсинлар. Темурбекхон давлатининг катта устунларидан бўлган Қозончи баходир ўша кишида бир гурух номдор кишилар билан бирга итоатсизлик зоҳир этиб, Тўхтамишга бориб қўшилди. Шундан сўнг муттасил равишида кетма-кет турор-гурур бўлиб, унинг даргохига юз-

ландилар ва андак фурсатда унинг атрофиға кўпчилик йигилди. 785 (1383–1384) йилнинг баҳорида Тўхтамиш йиға олгани кадар катта кучлар билан Темурбекхонга карши юрди ва Коратол номли мавзеда жанг килиб, уни мағлуб этди.

Ўзбек улуси салтанати Темурбекхон кўлига ўтганида, у Оқ Урда деб аталувчи сўл кўл туманлари хукуматини ўз амакисининг ўғли Мухаммад ўғлонга топширган эди. Бу (95) мағлубиятдан сўнг у Мухаммад ўғлон олдига бориб, унинг мадади билан яна бир бор Тўхтамиш устига лашкар тортиш хусусида кенгашди. Улус бор рағбати билан Тўхтамишга мойил бўлгани Мухаммад ўғлонга маълум эди. Шу сабабли у Темурбек ўғлонни ниятидан қайтаришга уринди. Темурбек қаҳру ғазаб ва алам зўридан унинг ҳам Тўхтамишга ихлоси бор, деган ўйда, ушбу мажлисаёк Мухаммад ўғлонни катл қилди ва шундай касам ичди: «Кимки мени бу ниятдан қайтармокчи бўлса, қаҳримга учрайди». У тезда юришга отланди. Иттифокан, жанг асносида илк тўқнашувдаёк асирга олинди ва ёсокка стказилди.

Амир ул-умаролик лавозимидағи Болтичокни асирилик кишанида Тўхтамиш даргохига келтиришиди. Унинг эътиқоди мустаҳкамлиги ва оташкалблиги ниҳоятда машхур бўлиб, Тўхтамиш унга деди: «Агар мени ўз подшоҳинг сифатида танисанг, сени эъзозу эҳтиром килишни килчалик ҳам камайтирмасдан, мулку мол ихтиёрини сенинг ҳимматинг кўлига топширгумдир». Болтичок бир тўлғониб олиб жавоб берди: «Агар кўлларим боғлоғлиқ бўлмаганида сенга қандай жавоб беришни яхши билардим. Сени ўз подшоҳим таҳтида кўрган кўзлар кўр бўлсин! Агар ҳукм килишга қодир бўлсанг, шундай фармон берки, мени ҳам ўлдириб, подшоҳнинг бошини менинг бошим устига ва жасадини жасадим устига кўйиб кўмсиллар. Ундан олдин ўлмаган бўлсамда, лаҳадга олдинрок кирай». Тўхтамиш унинг илтимосини (96) бажо келтирди. Шундан сўнг ўзбек мамлакати бутуслай унинг тасарруфига ўтди.

## ТЎХТАМИШ ИБН ТЎЙХОЖА ЎҒЛОННИНГ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Онаси Кутан Кунжак кўнғирот наслидан эди. Қобил, шавкатли, сұхбатижон ва соҳибжамол подшоҳ эди. Адолати ва яхши хулки билан шуҳрат козонди. Бирок ҳазрат Султони ғозийнинг жаҳонпаноҳ даргохига нисбатан килган кўришамаклиги бу барча яхши хулк ва

мактовли сифатларни зое ва бекор килди. Ҳазрат Султони ғозий унга нисбатан бўлган шафқат ва меҳрибонлиги туфайли мулкнинг яширин рамзларидан уни воқиф қилди ҳамда жаҳонгирилик ва жаҳонбонлик сирлари моҳияти билан бир даража танишириди. Лекин унинг тор кўнгли буларни сиғдиромади ва ушбу масалаларда устозига ракиб бўлмокни хоҳлади. Бироқ бунинг уддасидан чиқолмади. Бу хикоя шархи куйирокда, ҳазрат Султони ғозий ахборида батафсил баён қилинажаги туфайли, бу срда тўхталиб ўтирамадик.

Алқисса. Тўхтамиш ўз давлати душманлари устидан ғалаба қозонгач, анвон хушомадлардан иборат фатхномани ҳазрат Султони ғозийга жўнатди. Ҳазрат жавоб тариқасида мулкдорлик ва адолат-парварлик хусусида бир неча мушфиқона насиҳатларни ёзиб юбориб, куллий ва жузъий ишларнинг мақбул ва номақбул тарафларидан уни огоҳлантириди. Шунингдек, ҳазрат (97) хисобга сиғмас тухфаю ҳадялар жўнатди. Тўхтамиш бу йўрикларга кўра узок сарҳадлар ҳокимларини хйла билан чакириб келтириб, кимни мулозимликка лойик кўрса, ўз ҳузурида колдириди; кимни ўша сарҳадлар муҳофазасига қобил деб билса, қайтариб жўнатди ва ўз таъбига ўтиришмаган кимсаларни катт килди. Шу тариқа у шимолдаги обод ерларнинг чеккаси бўлмиш Либқодан то Каффа ҳудудигача бутун улус ихтиёрини ўз қўлига киритиб олди ва султон Барака бунёд килган Сарой (шахри)ни доруссалтана килди.

Ўн етти йил ҳонлик таҳтида ўтириди. Шундан сўнг Султони ғозий неъматига нисбатан исён ва кўрнамаклиги туфайли ҳалокатли зарбаларга дучор бўлиб, ҳонумонидан ажради ва оқибатда 807 (1404–1405) йилда Тулас ҳудудида Идику тарафидан ўлдирилди.

Тўхтамиш мағлуб этилгач, ҳазрат Султони ғозий оркага қайtdi. Давлат даргоҳидан паноҳ топиб юрган Темуркутлуғ ибн Темурбекхон ва Идику ибн Болтичок ҳазратдан ажralиб, ўзбек улуси тамаъида қайтиб кетдилар. Улар келишидан илгари Чинтак ўғлон ўймоклар қочокларини йигиб, ўзбек улусига подшоҳлик тамаъи билан ўз димогини ҳуш этмоқда эди. Темуркутлуғ ўғлон келгани хабари етгач, барча эшлар аҳду паймонларида (98) қайтдилар ва Чинтак ўғлон хос кишилари билан кочиб кетди. Салтанат Темуркутлуғ<sup>1</sup> ва амирлик Идикунинг ихтиёрига ўтди.

---

Темуркутлуғ 1395–1401 йилларда Олтин Ўрда ҳони бўлган.

## **ТЕМУРҚУТЛУГХОН ИБН ТЕМУРБЕКХОН ИБН МУҲАММАД ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ**

У салтанат таҳтига ўтирганида Тўхтамиш Либко тарафга кочиб кетган эди. (Тўхтамиш) Темурқутлуғни даф этиш учун катта лашкар билан ул иохиядан яна кайтиб келди ва Итил дарёси соҳилида жанг қилишиди. Узок давом этган олишувдан сўнг Тўхтамиш сингилди ва рус лашкариниг аксари ўзбеклар кўлидан ҳалокат топди. Шундан сўнг Темурқутлуғ замон ройишига караб мулк ишларида Идику билан иттифок тузди ва андак фурсатда тўзғиб кетган мамлакатни тартибга келтиришиди. Унинг даври давронидан олти йил ўтганда мулк ишлари тўла-тўқис илгариги коидаларга тушган эди. Бир куни давомий мастиликдан сўнг ухлаётганида нафаси бўғилиб оламдан ўтди. Унинг ўлимидан сўнг мамлакат яна жунбушга келди ва ўзбек улуси ўз коидасига кўра Чингизхоннинг номдор уруғидан номзод излай бошлади. Идику зарурат юзасидан камолот ва истеъодига кўра шаҳзодалар орасида энг машҳури бўлган Шодибек ўғлонни<sup>1</sup> таҳтга ўтиргизди.

## **ШОДИБЕКХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ**

Бутун ўзбек мамлакатида амир Нанггадой жуссаси тўлалиги билан донг таратган бўлса-да, (99) барча кўрған-билинлар наздила Шодибек ундан барвастарок эди. Сулҳарвар, окибатли подшоҳ бўлиб, бутун умрини айшу ишрат килиб осойишталиқда ўтказди. Идику нозик тўралар, улуг ёсоклар бунёд килиб, одамлар унинг ганколидан безор бўлишгани учун, Шодибек уни пинҳона тарзда маҳв этмокчи бўлди. Ушу ният қасдида юрганида Идику унинг кўнглидагидан воқиф бўлди ва фитна бош кўтармасидан олдин чора кўрмокқа қарор килди. Шодибек буни амглади ва салтанат таҳтидан кочиб, Дарбанли Бокуя тарафга юзланди ва Шайх Иброҳим Дарбандий даргохидан паноҳ топди. У ўша серда вафот этди.

## **ТЕМУР СУЛТОН ИБН ТЕМУРҚУТЛУҒ ИБН ТЕМУРБЕК ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ**

Шодибек кочиб кетганидан сўнг, Идику ҳарчанд элчилар йўллаб уни талаб қилмасин, Шайх Иброҳим унинг фармонига бўйсунмади. Шундан сўнг Идику зарурат юзасидан бир пайтлар отаси билан

<sup>1</sup> Шодибек 1401–1407 йилларда Олтин Ўрада хони бўлган.

иттифок бўлгани жихатидан Темур султонни салтанат таҳтига ўтказди. Касалманд мамлакат яна тузала бошлади. Идику баҳилларининг фиску фасод майдонини кариндошлиқ ришталари билан торайтириш учун ўз кизини унга берди. Шу тарзда бир қанча муддат ўтди ва Темур султон одамларга жуда мақбул кўринниб, улар Идикуни маҳв этмоқка якжиҳат (100) бўлишди. Улар орасида адоват ва кудурат пайдо бўлиб, биринки бор жанг килишди. Ўзбеклар ҳамиша Чингизхон авлоди давлати ўрнатилишига мойил бўлишгани туфайли баъзилар ўз майлига кўра, баъзилар бошқаларга тақлид килиб, Темур султон даргоҳига кела бошладилар ва у кучайиб кетди. Идику ноилож мамлакат билан хайрлашиб, кочиш жиловини Хоразм томонига бурди. Темур султон келиб уни муҳосара килди ва ораларида бир неча бор шиддатли жанглар бўлиб ўтди.

Ўша фурсатда Тўхтамишининг ўғиллари Жалолиддин султон. Султон Ҳусайн ва Муҳаммадлар тўсатдан ул улусга хужум килдилар. Уларнинг отаси даврила кўп марҳамат кўрган кишилар хизматларига келишди, яна бир қанча кишилар уларга тақлид килиб паноҳ сўрашди. Улар ўрнашиб олгандан кейингина Темур султон Хоразм камалидан воз кечиб, уларни даф этишга отланди. Бирок бу ишнинг улдасидан чиколмади ва улус ундан юз ўгириб, Тўхтамиш авлодларига тобе бўлди. Бечора ноилож кочишга мажбур бўлиб, дарбадарликда ҳалок бўлди.

## ЖАЛОЛИДДИН СУЛТОН ИБН ТЎХТАМИШ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Истеъдодли, хушсураг, дилкаш ва сўзга чечан эди. Аксар вактини муносиб одамлар билан ўтказарди. Олийжаноблиги ва тугма шижоати туфайли эҳтиёткорлик ва хушёрликка аҳамият бермади ва мулкнинг асосий ишларини ўз холига ташлаб кўйди. Бунинг натижасида (101) андак замонда мулк ишила раҳналар содир бўлиб, баркарорлик бекарорлик билан алмашди. Унинг хос мажлисида тоҷиклар устун бўлганидан мўғул амирлари бевор бўлишган эди. Улар унинг укаси Султон Муҳаммадни йўлдан уриб, унинг лимоғида салтанат хаёлини кўзғатдилар. У амирлар иғвоси билан фитна ёқасидан бош чикарди. Акаси бир йил салтанат таҳтида ўтиргач, бир куни ярим кечаси яширинча ётоқхонасида кўлга олиб, раҳм килмасдан ўлдириди.

Шундан сўнг олдин узок муддат ҳазрат Султони гозийнинг хумоюн ўрдусида умр кечириб, ҳазратнинг вафотилан кейин бир қанча вакт

Худойдод ибн Ҳусайн, сўнгра яна бир муддат Шайх Нуриддин ибн Сорибуғо химоясида юрган Чокира ўғлон катта фитналар қўзгаб, охирги найтларда Хоразмга келиб колган эди. Жалолиддин султон каттаги ташнифидан сўнг унинг бошида Ўзбекхон улуси орзуси ўрнашди ва бенисандлик билан ўша тарафга отланди. У етиб келишидан илгари Султон Мухаммад мустакил ҳукмдор бўлган эди. У Чокира ўғлонни даф этишга отланиб, уни бутун тобслари ва навкарлари билан торморм келтирди. Бир канча муддатдан бери ул бепоён мамлакат Султон Мухаммад тасарруфидадир ва Чокира ўғлон илгариги тарзда бехонумон холида турли вилоятларда саргардон юргапмиш. Яна Оллоҳ билгувчиидир.

### ЧОКИРА ЎҒЛОН (ПОДШОҲЛИГИ) ЗИКРИ<sup>1</sup>

Идику Хоразмда ўрнашиб олган эди. Кутимаганда (102) Чокира ўғлон келиб у билан бирлашди. Улар иттифоқинда улусни эталлаб, мулк ишларини тартибга келтиришди. Бу замонда Чокира ўғлон подшоҳ бўлиб, амир ул-умаролик лавозими Идику ихтиёридадир. Айтишларича, бир канча кишилар, аксар безори ва қозоклар<sup>2</sup> Жабборберди ибн Тўхтамиш<sup>3</sup> атрофига йигилиб, у ҳам куч-кувват пайдо қилганмиш. Ва яна Оллоҳ билгувчиидир.

### ЖАББОРБЕРДИ ЗИКРИ<sup>4</sup>

(87) Бир канча муддат ҳазрат ҳилофотпеноҳ, салтанат шиор – Оллоҳ унинг мулки ва салтанатини бардавом этсин – подшоҳ (Шоҳруҳ)нинг баландлиги Кайвон кадар остонасида ҳазратнинг бошка мулозимлари қаторидан жой олиб юрган эди. Ҳазрат унга сиурғомиший<sup>5</sup> килиб, ўз вилоятига юборди. Олийжаноб ваcanoатли йигит бўлгани туфайли кўлидан бир иш келмади ва ҳозирда ул вилоятларда қозоқлик тарзида саргардон бўлиб юрибди. Яна Оллоҳ билгувчиидир.

<sup>1</sup> Ушбу фасл асарнинг факат Париж нусхасида, яъни иккинчи таҳриридагина мавжуд.

<sup>2</sup> Қозоклар деб ўша даврда асосий улусдан ажраб чинкан гурухларни аташган. Бундай гурухлар одатда таҳт талашаётган бирон шах юда атрофифа тўпланишган.

<sup>3</sup> Жабборберди 1417–1419 йилларда Олтин Ўрда хони бўлган.

<sup>4</sup> Ушбу фасл асарнинг Париж нусхасида «Жўжихон авъюни табакаси»нинг Кўк Ўрда хонлари кисмида келтирилган бўлиб. Ж. Обен напрининг 87-саҳифасидадир.

<sup>5</sup> Сиурғомиший – лутфу иноят. Doerser. Turkische... B. I. S. 353.

## ЧИГАТОЙ УРУФИ ТАБАҚАСИ

### ТҮГЛУКТЕМУРХОН ПОДШОХЛИГИ ЗИКРИ

(117) Мовароуннахр мамлакатини бошқариш ишлари султон (хон) лардан амирлар кўлига ўтгач. Түглуктемурхон Мўгулистандан катта лашкар билан Мовароуннахри забт этишга отланди. Иттифокан. Мовароуннахр амирлари турли кавму кабилаларга подшоҳ бўлиб олишган эди. Чунончи. Хатлонда Шер Баҳром, Ҳисор ва Чагониёнда амир Баён сулдуз, Шибирғонда амир Ҳамидхожа найман, Андхўйда Тилаижи арлот, Кеш ва Нахшабда амир Ҳожи барлос, Самарқандда амир Хизр Ясурий. Хўжандда Боязид жалоийир – шу тарзда ҳар бири ўз бошига сардор эдилар. Түглуктемур етиб келганида амир Хизр ва амир Боязид унга таъзим килиб боришли. Аммо амир Ҳожи барлос вахимага тушшиб, подшоҳнинг унга касди борлиги ҳакидаги фикр, унинг хотирига ўрнашиди ва ватанинн тарк килиб. Ҳурсонга отланди. Жайхундан ўтганда, ҳазрат Султони гозий унга деди: «Агар биз ҳар иккаламиз ватанинн тарк этсан, бешак меросий улусимиз бегоналар кўлига ўтиб кетгусидир. Агар маъкул кўрсангиз, мен подшоҳ мулозиматига қайтсан». Амир Ҳожи унинг окилона фикрини кабул килди ва қайтиб кетишига рухсат этди. Иттифокан. (118) амир Тўқтемур катта, амир Бекичак ва амир Боязид такомиший килиб етиб келишли. Султони гозий уларга учрашгач, амир Ҳожининг Ҳурсон тарафга кетганини накл килди. Улар (бу хабар билан) кифояланиб орқага қайтишли. Подшоҳ келганида амир Ҳамид ҳазрат Султони гозийга нисбатан катта эҳтиром кўрсатди ва уни подшоҳ ҳузурига олиб кирди. Подшоҳ Кеш ҳазорасини ҳазратга тақдим этди.

Шундан сўнг (подшоҳ ҳазратни) лашкарга куловуз тайинлаб, Тўқтемур катта, Тўқтемур кичкина ва Бекичакни амир Баён сулдузни лаф этишга жўнатди. Танги Чакчакка етишганида амир Баён каршилик кўрсатишга журъат этолмай, мулокот килди. Бечорани ёсокка стказишли. Бундан Султони гозийнинг кўнглига ғулғула тушди. Улар қайтиб келишганидан сўнг Түглуктемур Илёсхожа ўғлонни Мовароуннахрда кўйиб, амир Бекичак ва Тўқтемур кичкинани ўғлининг хизматига тайинлади ва ўзи Мўгулистанга қайтиб кетди. У кетгандан сўнг, Бекичак вилоятлар аҳолисига зуғум ва зўравонлик ўтказа бошлади. Ҳазрат Султони гозий заруратдан турбатни ихтиёр килди ва Қандаҳорга кетди.

Амир Ҳусайн иби Мусаммо иби Қазағон у ерда ҳазратга етди. Жуда кўп муддат турбатда ғариб бўлиб, сўнгра иттифокликда қайтиб

келдишлар. Тошкўнрикда Шер Бахром билан биргаликда анча одам тўпладилар. Илёсхожа ўглони бугун лашкари билан уларга иешвоз чикиб, кўприкнинг нариги тарафига ўриашди. Кун ёришгач, ҳазрат Султони ғозий амир Ҳусайнини лашкар билан кўприк устида қўйиб, ўзи беш юз отлик билан кариб (119) икки фарсангга чўзилган дарёнинг саёз жойидан сувга кириб кечиб ўтди. Ғанимга жисп якилашгач, ҳазрат тепаликда катта гулхан ёкишини ҳамда сурон кўтариб молларни (олдинга) ҳайдашни буюрди. Ҳануз улар етмасдан туриб, душман бутунлай тўзгиб, ҳар бирни бир тарафига коча бошлиди. Султони ғозий ёғий лашкари тўда-тўда бўлиб кочишини кутиб турди. Уларнинг қароргоҳидаги барча нарсалар баҳодирлар тасарруфига ўтди. Илёсхожа ўғлон шу кетганича Мўғалистонга равона бўлди. Султони ғозий амир Ҳусайн билан бирга Мовароуннаҳр мамлакатига ҳукмрон бўлишиди.

Илёсхожанинг мағлубияти хабари Туғлуктемурга етгач, қаҳру ғазаб байрокларини кўтарган лашкарни интиком учун Мовароуннаҳрга жўнатди. Амирлар ҳануз узок-якиндаги лашкарларни жам килишга улгуришмаганидан, каршилик кўрсатиш амримаҳол эди. Яна «Токат килинмайдиган нарсадан кочиши» маталига мувофиқ, Бухоро биёбони тарафга йўл олдилар. Аксар мулозимлар тум-тарақай бўлиб кетишиди. Амирларнинг чекингани хабари теварак-атрофига ёйилгач, Кот ва Хива вилоятининг ҳокими бўлган Тўкал, уларнинг ёнида кимматбаҳо нарсалар бордир, деган тамада отлигу пиёдадан иборат катта лашкар билан уларнинг йўлини тўсди. Ҳар икки амирга ҳамроҳ бўлган навқару мулозимлар алди юзга ҳам стмас эди. Ушбу озчиликка карамай, улар жангга киришидилар. Ҳазрат Султони ғозий ўттиз нафар отлик билан шундай жанговарликлар кўрсатдики. Рустамнинг ҳафтхони<sup>1</sup> ва Бахромнинг тунги ҳамласи анчайин бир нарса бўлиб колди. Ўша кечаю кундузда ул саҳрода шунчалик кўп одам ҳалок бўлдик, ҳисобчилар уларни ҳисоблашдан (120) ожиз колишили. Тўкал англадики, оч бўрига нисбатан кўйнинг кўплигидан фойда йўқ ва чумолилар тўдаси ғазабинок шерга писанд эмас. Умидсизлик жилювини бенасиблик кўлига тутқазди ва пушаймонлик юзини надомат йўлига қаратиб, мағлуб ва забун ҳолда кайтиб кетди.

Ҳар иккала амир ўн нафар мулозим билан ҳалокат жаридан жонларини саломат олиб чикиб, туңда бир бархан тагидан паноҳ топишиди. Уларнинг чарчоқдан ҳолсизланган ташаларига уйку ғалаба қилди. Тундан бир хиссаси ўтганда, ул ўн мулозимдан бештасининг ҳаёлига ёмон ният оралади ва тезла бор от-уловларни олиб кетдишлар. Қуёшнинг тур-

<sup>1</sup> Ҳафтхон – Рустамнинг «Шоҳнома»да васф килинган етти қаҳрамонлиги.

кий ханжари савр буржи этагида ялтираб кўринниб, ғавғоларга тўла кундуз бошлангач, амирлар уйкудан бош кўтариб, на навкарларни топиши ва на отларни. Ҳайрон бўлиб қолишиди. Ҳазрат Султони ғозийнинг никоҳида бўлган амир Ҳусайнинг синглиси Ўлжой туркон оға аёлларга хос бўлган ақли қалталик туфайли ўз бошига муштлай бошлади. Султони ғозий уни бу ишдан тўхтатиб дели: Ғамнинг охири шоҳлик ибтидосининг мукаъдимасидир. Оқил одам кулфатга дучор бўлганида, баҳтиёрлик пайтларидан кўра кўпроқ шодланади. «Албатта, ҳар бир оғирлик-машаккат билан бирга бирга сингиллик ҳам бордир» ояти ҳам бу маънини тасдиқлайди. Чунончи, шеърда ҳам айтилган:

Шод бар онам ки, дар ин дайри танг;  
Шодию ғам ҳар ду надорад деранг.  
Шод бар онам ки, дили ман ғамист,  
К-омадани ғам сабаби хуррамист.

Таржимаси:

Мен шундан шодманки, бу ўткинчи дунёда,  
Шодлигу ғам – ҳар иккалasi бокий эмас.  
Дилим ғамгинлигидан мен хурсандман.  
Чунки ғам келиши хуррамликдан даракдир.

Шундан сўнг кора кун учун қўйнида асраб юрган бир бўлак лаъл ва ўнта марваридни чикарди. Шу атрофда бир неча туркман муким яшарли, (121) улар олдига бориб, ул маблагнинг барчасига иккита от сотиб олди. Отларнинг бирини оғога, иккинчисини амир Ҳусайнга беринб, ўзи бошқа ҳамроҳлари билан пиёда йўлга тушди.

Иттифокан, яна уч кундан сўнг Моҳон қасабасига етиб келишиди. Жовникурбоний улусининг ҳокими бўлган Ҳожибек улар келганидан викиф бўлгач, дархол ҳар иккала амирни бандга солдириб, кундуз куни ҳам ичига нур тушмайдиган, даричасида ҳаво элчиси ўтиши учун бирон тиркиши бўлмаган хонага камаб қўйди. Ўзи ҳаятламай бу ҳодиса ҳакида атрофдагиларга мактублар ёзиб жўнатди. Шулар жумласидан бўлган Ҳирот ҳокими Малик Ҳусайн Карт ўз жавоб номасида амирларни банди ҳолида ўз хузурига жўнатишни буюрди. Аммо унинг чопари етиб келишидан илгари Ҳожибекнинг биродари бўлган Мухаммадбек саодат илхоми натижасида укасини бу ишдан кайтариб дели: «Йикилганларга зўравонлик килиш мурувватдан узок ва оғир аҳволда колган улуғларни хўрламок мактовли эмас. Тафаккур тизгини маккор иблис кўлига тутказма ва шайтони ражим иғвосини «ло

хавла» билан даф этиб, бу мазлумлардан кўлингни торт». Ҳар икки амир олтмиш бир кун давомида ўша тангу тор жойла ҳисбда сақлангандан сўнг, Муҳаммадбек орага тушгани туфайли озод этилдилар.

Моҳон туркманларининг бадавлат кишиларидан бўлган Муборак шоҳ давлат илҳоми туфайли амирларга таъзимга бориб, уларни ўз уйига олиб келди. Ҳар бир киши учун иккитадан от. бош-оёқ кийим ва нақд маблағ бериб, анвои эъзозу эҳтиром кўрсатиб, йўлга кузатиб кўйди. Ана шу биргина хизмат эвазига унинг авлоди наслдан наслга то (122) бугунги кунгача ҳазрат хонадони наздида иззатли ва муҳтарамдир.

Амирлар Моҳондан чиқиб кетишганининг иккинчи куни малик Ҳусайннинг элчиси этиб келди. Уларни тополмагач, ноумид ҳолда кайтиб кетди.

Амирлар яна Кандахор (вилояти)нинг Гармсир (тумани)га жўнадилар. У ерга етгуналарича уларнинг буйрукларига кўра таркок ҳолда юрган кариб ети юз отлик хузурларига этиб келишиди. Малик Кутбиддин Сейстоний шу яқинда мамлакат таҳтига ўтирган бўлиб, кариндош-урӯзларидан бир гурухи унга итоат килишмаган эди. Иш шунга бориб етди, мамлакатни унинг кўлидан тортиб олмокчи бўлишиди. Аҳволи танг бўлгач, малик Кутбиддин ўз хайрияти учун амирлардан мадад сўрашни лозим кўрди. Ахду паймон ва ваъдаларни куюк килиб, уларни чакириш учун элчилар жўнатди. Амирлар этиб келиб, ўн куни мобайнича саркаш кимсаларнинг таъзирини бериб, итоатга келтирниши ва Сейстон мамлакати уларнинг зулму зўравонлигидан ҳалос бўлди. Малик Кутбиддиннинг муроди ҳосил бўлиб максадига этишигач, берган ваъдалари ва қилган аҳлу паймонларини бажариш у ёқда турсин, аксинча, бу яхшиликлар эвазига амирларни банди киммокчи бўлди.

Амирлар унинг яширин ниятидан вокиф бўлишгач, сездирмай отланиб, келган йўлларига равона бўлишиди. Сейстонликлар бир неча тангу тор жойларда уларнинг йўлини тўсиб, каттик олишувлар содир бўлди. Улар алал оқибат зарба сб, ноумид ҳолда кайтиб кетишиди-ю, аммо битта ўқ Султони ғозийнинг муборак қўлига сағчилиб, асосий пайлардан бир нечасини узиб ташлади. Чунончи, баъзиларининг тасавурича, энди унда тузалиш умиди йўқ эди. Бу жойда тўхтаб колиш мувофиқ бўлмаганидан амир Ҳусайн Султони ғозийни Гармсирга тобе кишилардан бирида кўйиб, ўзи Хатлонга жўнаб кетди. (123) Бу даврда Илёсжона Мовароуннахр таҳтида мустахкам ўтирас ва бирор тарафдан бирон кимса ўзига қарши чикишини хаёлига ҳам келтирмасди. Амир Ҳусайн Кундуз ва Бағлон ноҳияларига этиб келганида Шер

Бахром<sup>1</sup>, Шайх Мухаммад Баен ва Кайхисрав Хатлоний унга кўшилиб, кариб икки минг нафар кораунос лашкари атрофига йигилди. Аммо ҳазрат Султони ғозий ҳамроҳ бўлмагани учун ишлари ҳеч олга босмади. Амир Ҳусайн ишончли бир кипини учқур отда ҳазрат ҳузурига йўллади ва уни чакириб келтириш учун кўп саъй-харакатлар қилди.

Аммо ҳазрат Султони ғозий дўстларидан ажралганидан сўнг ўша кишлоқда мажруҳ ва маъюс ҳолда колган эди. Бир куни у бир деворнинг соясида суюниб тураркан, ўзича ўйлади: «Талаб йўлининг ибтидосидаёк кўл ва оёғимдан жудо бўлдим, аммо кўзланган муродлардан биронтаси ҳам ҳосил бўлмади. Минбаъд қаноат ва факирлик гўшасига чекилиб, ўзимни киргин ва олишувлардан ҳалос этганим яхшидир». Шу аснода бир заиф чумоли девор тепасига тармасиб чика бошлади. У бир неча бор уринса-да, йўлнинг ўртасида йикилиб тушар ва яна кайта тармаша бошларди. Ниҳоят, у тенага чиқди. Ҳазрат Султони ғозий бу занф чумолининг ахволи ўз ҳолатига жуда ўхшашлигини мушоҳала қилди ва дилла улкан саодатга умил уйғонди<sup>2</sup>. Бу ҳол унинг муборак бадани сиҳат топишига ҳам сабаб бўлди. Амир Ҳусайнинг чопари етиб келгач, у келтирган мактуб мутолаасидан ҳосил бўлган башоратни кундан-кун зиёда бўлувчи икболининг муқаддимаси деб билиб, дархол йўлга тушди.

Ҳазрат Султони ғозий ва амир Ҳусайн мулокот қилишган куни ҳазратнинг қариндошларидан бири бўлмиш Сиддик (124) беш юз отлик билан келиб кўшилди. Ўша кунни ҷарғоланг қилиб ўтказиши. Эргалаб давлат куёши саодат машриқидан бош кўтаргач, иккала амир кариб уч минг отлик билан Ҳуръату қасабасига йўл олиши. Жуда кўп одамлар уларнинг ҳумоюн ташрифидан вokiф бўлиб, бу ерга кела бошладилар. Одамлар оқими узилмасдан, чунончи, уч кун ичида яна кариб олти минг отлик жам бўлди.

Илёсхожа ўғлон борин қавмидан бўлган Ҳайдар номли амирни уларни даф этишга номзод қилиган эди. Амирларнинг ҳумоюн мавқаби Жаіхун соҳилига етганида Ҳайдар ҳам Қаҳалқа бандидан<sup>3</sup> чекинишга бошлади. Муқаддимада<sup>4</sup> бўлган Султони ғозий унинг қочаётганини ёшитгач, жадал суръат билан такомиший қилишни буюрди ва Чакал ўланг водийси чегарасида бир гурухга стиб олиб, уларни асири олди.

<sup>1</sup> Нашрда «писари Бахром». Машҳад кўлэзмаси асосида тузатилди.

<sup>2</sup> Амир Темур ва чумоли ҳакидаги хикоя мирзо Искандар саройида ижод килган туркигүй шоир Ҳайдар Хоразмийининг «Гулшан ул-асрор» достонида ҳам келтирилган.

<sup>3</sup> Банд – ёпик жой, тўсик. Қаҳалқа (Темур копуғ) Бойсун яқинидай тор дарашир.

<sup>4</sup> Муқаддима – лашкарнинг олд кисми .

Асиrlар гапидан маълум бўлдики, амирлар келаётгани туфайли барча мӯғулларнинг дилини ваҳима коплаган. Султони ғозий Аббос, Оқтемур ва Шайхали баҳодирни уч юз отлик билан қуббат ул-хазро Кепига юборди. Улар бир неча кун ичидаги ул навоҳийнинг аксар отлик ва пиёда лашкарини олиб чиқиб, даргоҳга келиб қўшилдилар.

Илёсхожа ўғлон катта лашкар билан Салорбулоқ ва Қизилработ водийларига келиб ўрнашган ўди. Султони ғозий унинг манғлойи билан тўқнашиб, коровулларини тирқиратиб кувди ва манғлойини хам жойидан қўзғатди. Аммо аскари кам сонли бўлгани учун жиловни тортиб, амир Ҳусайнининг хам етиб келишини кутиб турди. Жанговар сағлар тартибга келтирилгач, икки тараф ҳировуллари рўбарў бўлдилар. Чигатой лашкари салобати (125) мӯғуллар дилига шу қадар ўрнашган эдикни, уларнинг кўл-оёғида қаршилик кўрсатишга мажол қолмаган эди. Кетма-кет килинган бир неча ҳамладан сўнг Илёсхожа жавонгорининг канбулида турган Тўқтемур кичик Султони ғозий баҳодирлари олдинга тушиб кочди. Жавонгор унга таклид килиб, ёғий лашкари то ғул ўртасигача тўзғиб кетди. Илёсхожа ўғлон сардорлик соябонини бошидан иткитиб, кочиш йўлига тушиб олди. Аксар мӯғул умароси, шулар жумласидан Ҳайдар, Ҳамид ва Тўқтемур асирга олиниди. Жата лашкари бутунлай зеру забар килиниб, ёсок тифидан ўтказилди.

## ИЛЁСХОЖА ЎҒЛОН ИБН ТУҒЛУҚТЕМУР ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ

Илёсхожа ўғлон ахволида шикаст пайдо бўлишидан олдинрок Туғлуктемурхон 764 (1362–1363) санада табиий касаллик туфайли шунқор бўлди ва йирик улус эгасиз қолди. Илёсхожа ўғлон етиб келгач, амир Широмун, амир Ҳожи, амир Тунам, амир Қамариддин, амир Шамсиддин ва бопка мӯғул амирлари машварат килишиб, Илёсхожа ўғлонни хонлик таҳтига ўтиргизиши. У ёши кичиклиги ва тажрибаси камлиги туфайли мулкнинг асосий ишларидағи ғофил бўлиб, барча ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Шу сабабли тез орада давлат тўрасида ўзгаришлар юз берди. У таҳтга ўтирганидан бир йил ўтгач, улус ихтиёри зўравон амирлар қўлига ўтди. Улар бир-бирларидан хавфсираб юришарди. Токи Чингизхон авлоди бор экан, ҳеч ким қарочуга бўйсунишни хоҳламагани туфайли, амир Қамариддин 765 (1363–1364) йилда бир куни туш пайтида ўрду устига бостириб бориб, кайлула уйкусидаги ётган Илёсхожани қўлга олиб катл килди. Шундан сўнг «оғо улуғи» расмига риоя килиб, амир ул-умаро лавозимидағи амир Шамсиддинни ўзидан

юкори кўйди ва бошқа амирлар билан иттифоқликда Мовароуннахрига отлацди.

(126) Уларнинг отлангани хабари ҳазрат Султони ғозий ва амир Ҳусайнга етгач, улар бор лашкарлар билан ёгийни даф этишга карор килиб, Чир дарёси якинида мўгулга пешвуз чикишди. Иттифоқан, икки лашкар тўкинашиши асносида осмонни кора булат коплаб, чунонам жала куйиб бердик, ул саҳрода сув дарслари пайдо бўлди. Шу кунгача бу воқеани «Лой жанг» деб хикоя килишади. Биринчи куни жавонғор гулини бошламишиб килган Султони ғозий ёгийнинг баронғори гулини мағлуб этди. Аммо ёгий жавонғори ҳам амир Ҳусайн баронғорини жойидан силжитди. Ёнгичарчилик туфайли таниш ва бегона орасида фарқ колмади. Кун ботгунча ёмғир тўфони авжига чикиб, шамшир зарбига момакалдирок акс садо бўлиб, замона чавандозларига (оятдаги) «зизила соати улут-даҳшатли нарсадир»<sup>1</sup> мазмунини ҳар соатда эслатиб турар эди. Кечаси ким каерда туриб қолган бўлса, ўша жойда қўли жиловда бўлган ҳолда тонг оттириди ва коронги кечадан сўнг яна ғавғога тўла кундуз бошланди. Султони ғозий амир Ҳусайнни чакиришга одам жўнатди. Улар хабарни етказишганида амир Ҳусайн оғир шармандаликка учрагани ва акли калталиги туфайли жоҳилона иш тутди. Ҳазратнинг оқилона даъватига кўнмай, шундай деди: «Мен бугун унинг беосибатлиги туфайли шунчалик мағлубиятга учрадим. Агар тирик бўлса, келиб узр сўрасин». Чолар кайгиб, эшитганларини айттиб берди. Султони ғозий саъй-ҳаракат кўлини фароғат енгига тортиди ва тифни кинга солиб, жангни бас килди. Аксарият чигатой сардорлари ва суворийлари ўша куни шафкатсиз тифга (127) ем бўлдилар.

Амир Ҳусайн шу кетинида Жайхундан кечиб ўтиб, паноҳ топиш учун Бағлонга йўл олди. Султони ғозий ҳам Шахрисабзга етиб келгач, ўз тобелари ва якинларини Жайхундан ўтказиб, Балх навоҳийисида карор топди. Мўгуллар ғалабадан сўнг ислом мамлакатида талон-тарож ва харобгарчиликни бошлаб, котиллик ва зўравонликка машғул, бўлишди. Аммо мазлумларнинг дуоси хосият кўрсатиши патижасида уларнинг отларига мудхиш оғат етиб, чунончи, бальзи юз отга эга бўлганларнинг бир оти ҳам тирик колмади.

Бу барча катта лашкардан ўн минг отлик ажралиб, Самарканд тарафга йўл олди. Мўгул истилюси даҳшатидан халқнинг ихтиёр қўли харакатсиз колиб, одамлар ўз ҳалокатларини мукаррар деб билардилар. Жума куни жомеъ масжидида хозир бўлишганида, белига килич осган талаба йигит минбарга чиқиб, шаҳар аъёнларига юзланиб деди: «Чу-

<sup>1</sup> Куръон, Ҳаж сураси, 1-оят.

ночи, намоз, рўза, хаж ва закот фарз бўлгани каби, кофирлар азиятини даф этиш хусусида ҳам шундай хукм мавжуд. Бугун хосу ом йигитган кунда бу катта ишга (бошчиллик килишни) ким ўз зиммасига олади?» Шу тариқа у ўзининг жиходга ижтиходини намоён этди. Ҳозир бўлган улуғлар иттифоклиқда уни бу ишга масъул этдилар. Шундан сўнг у йигит деди: «Агар мен бу ишни бажаришни ўз зиммамга олсам, сизлар итоат киласизларми ёки йўқми?» Барча авом ва хос кишилар иттифок бўлиб, қўлларини кўксига кўйиниди. Ул аслзода йигит бадиҳатан замонга муносиб келадиган жўшкни ва мазмундор хутба ўкиди. Шу мажлиснинг ўзидаёк қарийб ўн минг нафар мукаммал куролланган йигит унга қасамёд килишли.

Масжиддан чиккач, у уч кечаю кундуз ором олмади. Умуман ухламасдан барча кўчалар олдига девор тиклатиб тўсдирили. (128) Кўпчилик ўтиб – кечадиган катта кўчани очик колдириб, барча маҳаллалар (химояси)ни ўзининг туб ахолисига топшириди. Шундан сўнг у барчага (агар аҳдиарини бузишса) хотинлари талок бўлиши хусусида Қуръонни ўртага кўйиб онт ичирди. Аҳдномага кўра, унинг фармонига сўзсиз бўйсуниб, буюрганларини дарҳол бажарилари лозим эди. Шундан сўнг у ҳеч бир жонзод, ҳеч бир баҳона билан ўз жойидан силжимаслиги ва то душман суворийлари девор тагига стиб келмагунча қарши ҳаракат бошламаслик, кечаю кундуз унинг жор ва ёсоғини кутиб туришни тайинлади. У минг нафар довюрак пиёда камондорни ажратиб, гўрт жойда кўмак тариқасида кўйди ва ўзи бошка минг нафар жангчи билан йўл бошини тўсиб турди.

Мўғуллар стиб келгач, боғу бўстонлардаги күшлар сайроғи ва итлар ҳуришидан бошка нарсани эшитмай, хотиржам ҳолда жиловни эркис қўйиб олға юришиди. Улар пистирма ёнидан ўтишгач, у талаба ногораларни чалиб, мерған камондорларга пистирмадан чикиб ўқ ёғлишини буюрди. Куз жаласи бу ёмғир олдида анчайин бир нарса эди. Қарийб икки минг мўғул суворийси барча тарафи тўсиб олинган жойда пароканда бўлиб, кўпчилиги ўлдирилди ва колганлари ярадор ва мажруҳ ҳолида кочиб кетишиди. Мана шу бир зарбанинг ўзиданок мўғулларнинг қўл-оёқларини кувват тарк этди. Улар ҳарчанд соврин ва пешкаш талаб қилиниди ҳамки, бирон натижа чиқмади. Шу тариқа умидсиз ва маҳрум ҳолда қайтиб кетишиди.

Мавлонозода бу ғалаба башорати хабарини ҳазрат Султони ғозийга етказди. Ҳазрат амир Ҳусайнни чакирди ва биргаликда Самаркандга келишиди. Мавлонозода ўз тобе ва мулозимлари билан уларнинг истиқболига чиқди. Мулокот асносида амир Ҳусайн уни барча исён-

чилари билан биргә күлгә олди ва катл қилишга (129) буйрук берди. Ҳазрат минг бир чора билан Мавлонозодани ҳалокат ўпконидан куткариб қолиб, озод килди. Қолганлар шамшир тигига ем бўлдилар.

## **КОБУЛШОҲХОН ИБН ЖАНКИШИЙ ҲУҚМРОНЛИГИ ЗИКРИ**

Абдолсифат, қаландармижоз, мулойим ва латиф одам эди. Унинг шеърлари бугунги кунгача катта шуҳратга эгадир. Амир Ҳусайн уни факир ахли қаторидан чиқариб, салтанат тахтига ўтиргизди. Кобулшоҳнинг табиати амир Ҳусайннинг (халққа килган) зулм-тааддиларини кўтаролмас, бошқалар олдида ва холи тарзда насиҳатлар ва ҳикматли сўзлар билан уни бундан қайтаришга уринар, аммо бирон натижа чикаролмасди. Иккаловининг мижозидаги зиддият муродсан хориж бўлгани учун, ҳасадгўйлар бундан фойдаланиб, шундай килдиларки, амир Ҳусайн унга хиёнат килиб, ҳеч бир сабабсиз катл этди. Унинг ҳукмронлиги муддати бир йилу тўрт ой эди.

Унинг ўғли Одил Султон ўтакетган тақаббур подшоҳ бўлиб, ҳамиша амир Ҳусайнга сунқасд килиш хаёлида эди. Амир Ҳусайн Кобулшоҳни катл этгани туфайли бадном бўлганидан уни ўлдиришни хоҳламасди. Неча бор унинг ўзига карши қабих фитналари ва қалтис ҳаракатларидан викиф бўлса-да, индамади. Беш йил шу тарзда ўтганидан кейин, батағ сил зикри сўнгрок келадиган воеа, яъни ҳазрат Султони ғозий амир Ҳусайнни мағлуб этганидан сўнг, Одил Султонни ҳам катл этди.

## **СҮЮРҒОТМИШХОН ИБН ДОНИШМАНДЧАХОН ҲУҚМРОНЛИГИ ЗИКРИ**

Ҳазрат Султони ғозий ўз хуружи бошида, 772 (1370) йилда уни подшоҳ килиб кўтарди. Шу тарика ўн етти йил подшоҳ бўлиб, 789 (1387-1388) йилда табиий касаллик туфайли вафот этди. Яна уч йил давомида (130) ҳазрат Султони ғозий унинг килган хизматлари ва хоти-расига эҳтиром сифатида номини хутба ва пул зарбида зикр қилишни буюрди.

## **СУЛТОН МАҲМУД ИБН СҮЮРҒОТМИШХОН ҲУҚМРОНЛИГИ ЗИКРИ**

Ҳазрат Султони ғозий (марҳум) Суюрғотмишхон ҳак-хукукини риоя килиб, ўз фарзандзодаларидан бирини унинг ўғли никохига киритиб, у (Султон Махмуд)ни хонлик тахтига ўтказди. У ҳамиша

садоқат саклаб, бошка фарзандлари катори ҳазратга хизматкорлик қиларди. Ўн етти йил подшоҳ бўлди. Султони ғозий Рум мамлакатини фатҳ этгандан сўнг, сафардан қайтмасдан илгарироқ 805 (1402–1403) йилда Султон Маҳмудхон табиий касаллик туфайли оламдан ўтди<sup>1</sup>. То бир йил муддатгача унинг номи ёрликларда баркарор бўлиб турди.

## ХИЗРХОЖА ЎҒЛОН ИБН ТУҒЛУҚХОН ҲУҚМРОНЛИГИ ЗИКРИ

Акаси ўлдирилганидан сўнг унинг отабеки Мирак оғо<sup>2</sup> – мен унинг маноқибини сўнгрок ўз жойида муфассал баён қиласман – Хизрхожани ўз ёнида эҳтиёт қилиб сақлаб, душманларининг зўравонлик қўли унга стишига йўл қўймади. Мўғул улусидаги бекарорлик босилгач, баркарорлик устувор бўлиши учун ҳар ким ўзига подшоҳ излай бошлаганда, Мирак оғо уни ҳонлик тахтига ўтиргизди. Аммо ҳукумат ихтиёри ва бошқариш ишларини олиб боришни ўз қўлида саклади. Унинг сиёсатининг қаттиқлиги шу даражада эдик, агар икки дъявогар бир-бирларига ашаддий хундор бўлишса-да, кўркканларидан зоҳираи ўзларини ярашган килиб кўрсатишар, унинг даргоҳига арз қилиб боришимасди. Бир куни унга ақчанинг софлик даражаси ҳусусида ёзма ариза йўллашди. У эса бу жамоага қасдма-қасдига тилла ва кумуш ўрнига (131) чармдан пул зарб қилишни буюрди ва бир канча муддатгача бу ҳол коида бўлиб колди. Арз ва шикоятлар девонида никоб кийган ҳолатда ўтирас, жанг майдонида ёйандозлар сафида турарди. Одил шаҳзода амирзода Умаршайх уни Астара ва Кошғарга келтирганида, унинг фарзандлари Худойдод ва Фармоншайх Хизрхожа ўғлон билан бирга курон ўртасидан кочиб кетишиди.

Султони ғозий Сангир Яғочда амир Қамариддинни мағлуб этиб, унинг эл-улусини тўзғитиб юбориб орқага кайтганида, Хизрхожа ўғлон фурсатни ганимат билиб, мўғул улуси инон-ихтиёрини ўз кўлига киритиб олди ва ҳазрат даргоҳига элчилар жўнатиб, итоат юзасидан ўзини Султони ғозийнинг хизматкорлари сафига қўшди. Голиб лашкар ҳужумидан бехавотир бўлгач, бутун улусга зуғумини ўтказиб, саркашларни итоатга келтирди. Аммо бу дашт бўрилари ва бу тўқай йўлбарслари бўлган

<sup>1</sup> Асарнинг бошка жойида Султон Маҳмудхон Рум юришида Йилдирим Боязид ибн Муродни асир олгани ва иккаласи бир йилда вафот этишгани ҳакида хабар берилган (Мунтажаб. 115 - сахифа).

<sup>2</sup> Мирак оғо – аёл книшидир.

Хизршох ва Юсуфшох улусда булғок ҳеч қачон тұхтамаслиги, тұра ва номус<sup>1</sup> ҳам шунга мувоғиқ бўлишини исташарди.

Одил шаҳзода ҳазрат амирзода Умаршайх ул ҳудудни шамшир зарби билан зўравонлар зулмидан поклагач, кирғин ва асирикдан кутулиб қолганлар оламнинг ҳар тарафиға тўзғиб кетишиди. Бундан сўнг Хизрхожа ўғлоннинг ихлосу садоқати бу воесалар жараёнида шак-шубҳасиз равшан бўлгач, икки орада тўхтовсиз элчилар бо-риб-кела бошладилар ва оқибатда, у Мұхаммад ўғлонни олампаноҳ даргоҳига мулозимликка юборди. Хизрхожа ўғлон ўттиз йил муддат яхши муомала билан подшоҳлик килди ва 790(1388) йилда табиий касаллик туфайли ўлди.

## ШАМЬИ ЖАҲОН ИБН ХИЗРХОЖА ЎҒЛОН ХУҚМРОНЛИГИ ЗИКРИ

Отасининг вафотидан сўнг Худойоддининг ёрдамида мўғул улусига подшоҳ бўлди. Тахтга ўтиргач, туманлар ва мингликлар таъминотчи-ларидан лашкар сонини сўради: тўксон туман<sup>2</sup> киши рўйхатга олинган эди. Лашкар кўплигидан унинг димоги кўтарилиб, фитна қўзғамокчи бўлди. Ҳазрат Султони гозий олдида Шом ва Рум мамлакатларини забт этишдек мухим ишлар турарди. Шу сабабли ҳазрат Султон Искандарни – Оллоҳ унинг мулки ва салтанатини бокий қилсин – ул сарҳадни лашкар билан химоя қилишга тайинлади. Ҳазрат хунхор шамшир зарби ва билак кучи билан ул диёрнинг таъзирини беришини буюрди. Чунончи, бир дафъанинг ўзида Учпомон, Хўтан, Оксу, Кўйқубоғ каби метин-мустаҳкам қалъаларни забт этдики, биз булар хақда куйирокда ҳумоюн ахборда муфассал сўзлаймиз. Мангит, Кусан, Торим ва Улуғминг мингликлари тор-мор келтирилди. Шамъи Жаҳон минг бир ҳийла билан қамарғадан ўзини кутқариб, чала ўлик ҳолида кочиб, то Олтой сарҳадигача бориб етди. Уч йил муддатда гоҳ тахтда, гоҳ яккаликда умр кесириб, 802 (1399–1400) йилда табиий касаллик туфайли оламдан ўтди. Унинг макбараси Иртиш соҳилида, отасиники ёнидадир.

<sup>1</sup> Номус – бу сўз асарнинг Машҳад ва Санкт-Петербургдаги кўлғозма нусхаларида «номун» шаклида ёзилган. Демак, бирон сиёсий атама бўлиши ҳам мумкин.

<sup>2</sup> Тўксон туман кариб тўккиз юз минг киши бўлиб, бу ерда мўғул улусининг жами вояга етган әркак аҳолиси назарда тутилган бўлса керак.

## **МУҲАММАД ЎҒЛОН ИБН ХИЗРХОЖА ЎҒЛОН ИБН ТУҒЛУҚТЕМУРХОН ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ**

Акасидан кейин хонлик таҳтига ўтирди. Ҳазрат Султони ғозий вафотидан сўнг Мовароунахр мамлакати тамаъида бир-икки ҳаралатлар килди, аммо бу ишларидан бирон натижа чикмагач, қаноат оёгини сабр-токат этаги остига тортди. Эндиликда ҳазрат Султон (Искандар)нинг – Оллоҳ унинг мулки ва салтанатини бокий килсии – илтифотидан умидвор бўлиб, султонзода Аҳмад баҳодирга<sup>1</sup> нисбатан ихлос ва ҳамжиҳатлик йўлини тутмоқдаки, бу ҳақда ўз ўрнида зикр қилинади.

---

<sup>1</sup> Искандар мирзонинг укаси Аҳмад миrzо ибн Умаршайх миrzо 1409–1413 йилларда Фарғона вилояти ҳокими бўлган.

# ИЛОВА III: АСАРНИНГ ИККИНЧИ ТАҲРИРИДАГИ АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИГА ОИД БАЪЗИ КЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

---

---

(115) **Хизрхожа.** Отасининг ўлимидан сўнг бир хотин<sup>1</sup> уни тарбия килди. Подшоҳ бўлган пайтида ҳазрат Султони ғозийга ихлосу эътиқод килди. Султони ғозий унинг кизи Тўкал оғога уйланди ва Мўгулистанни унга топширди. Ундан ҳаргиз мухолифат содир бўлмади.

**Шамъи Жаҳон.** Отасидан сўнг подшоҳ бўлди ва бир неча марта Худойдод ибн Ҳусайн ва Шайх Нуриддин иғвоси туфайли Мовароуннаҳрга тами килди ва ҳазрат амирзода Шоҳруҳ уни даф этди. Оқибатда у ҳам бу фоний дунёдан риҳлат килди.

**Муҳаммадхон.** Акасидан сўнг хонлик таҳтига ўтириди ва ҳазрат Султони ғозий хонадонига нисбатан ихлос-эътиқод намоён килди. Ҳусусан, ҳазрат хилофагпаноҳ, салтанатшиор, улуғ султон, турк, араб ва ажам мамлакатлари малики, дунё ва дин мададкори Шоҳруҳ баҳодирга – Оллоҳ унинг мулки ва салтанатини бардавом қилсин – ихлос изҳор этишда муболағалар килди. У табиий касаллик туфайли вафот этди.

(116) **Нагзи Жаҳон зикри<sup>2</sup>.** Муҳаммадхондан сўнг хонлик бобида жуда кўп гап-сўзлар бўлди. Охири Худойдодининг саъи-ҳаракатлари билан Нагзи Жаҳон хон бўлди. У ҳам Муҳаммадхонга нисбатан икки баробар ҳазрат хилофотпаноҳ (Шоҳруҳ)га ихлос ва хайриҳоҳлик кўрсатмоқда ва деярли ҳар куни унинг ишончғли кишилари олам султонзодаси, Туронзамин таҳтида ўтирган ҳазрат Ғиёсиддин Улуғбек баҳодир ҳузурига элчилик расми бўйича келиб, ҳамжиҳатлик ва хайриҳоҳлик изҳор этиб, анвои подшоҳона иноятларга мушарраф бўлиб, кайтиб кетмоқдалар. Ва яна Оллоҳ билгувчилир.

<sup>1</sup> Мирак оғо назарда тутилмоқда. «Мунтакаб», 130-саҳифа.

<sup>2</sup> Бошқа манбаларда унинг номи Накши Жаҳон гарзида ёзилган.

# ТҮФОТЕМУРИЙЛАР ТАБАҚАСИ<sup>1</sup>

## ТҮГӨТЕМУРХОН ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ

(158) У Қалоғой номли урүтдан эди. Сабзавор сарбадорлари, Мозандарон, Кумаш, Табаристон сардорлари билан иттифоқликда хуруж қилиб, мамлакатда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Мамлакат ишларидага тартиб ва интизом баркарор бўлгач, ўзининг дўсту душманларига тажовуз эта бошлиди. Энг аввало сарбадорларни йўқотишга машғул бўлди. Аммо толеъ ёр бўлмаган учун бунга эришолмади ва (159) бехосдан уларнинг кўлига тушиб, катл этилди. Эллик бир йил ҳаёт кечириб, етти йил ҳукмронлик килди.

## ЛУҚМОН ПОДШОҲ ИБН ТҮФОТЕМУРХОН ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ

Отасидан сўнг амир Валининг кўмаги билан Астрободда тахтга ўтирди. Аммо ҳали сарбадорлар қўзғолони бостирилмаган эди. Окибатда бир гурух бадкорлар амир Валини унга қарши кайрашди. Луқмон буни вақтида пайкаб, кочиш жиловини Мовароуннаҳр тарафга бурди ва ҳазрат Султони ғозийнинг олампаноҳ даргохидан паноҳ топди. У бир неча йил ушбу ҳудудда мусофириликда ҳаёт кечиргач, охир ул-амр ҳазрат Султони ғозийнинг шарофати туфайли Мозандарон Валининг дастидан озод этилгач, ҳазрат уни Астробод тахтига ўтказди ва у бу ерда узок муддат ҳукм сурди.

У табиий касаллик туфайли вафот этгач, ҳазрат Султони ғозий унинг ўғли Пирак подшоҳни отасининг ўрнига ўтқазиб, ул вилоятга ҳоким килди. Узок муддат вилоят унинг тасарруфида эди. Аммо ҳазрат Султони ғозий оламдан ўтгач, жаҳонгирилик хаёли унинг бошини айлантириди. Чунончи, амирзода Мироншоҳ соврин учун Хурсон тарафга отланганида, унинг талабини бажо келтирмагани устига, у ўтаётган йўл устига лашкар чиқариб, ҳужум ҳам килди. Иккинчи маротаба саркаш сарбадорлар билан иттифоқликда амирзода Шоҳруҳ лашкарига ҳужум қилиб, мағлуб бўлди. Сайидхон ибн Шайхали баҳодир Хурсонда исён кўтариб, мағлуб бўлганидан кейин унинг даргохидан паноҳ топди. Амирзода Шоҳруҳ катта лашкар билан (160) изма-из бориб. Астробод ташқарисида жанг қилиб, чунон тор-мор келтирдики, (Пирак) забун

<sup>1</sup> Түфотемурийлар – Чингизхоннинг невараси Ҳалоку авлодлари (Элхонийлар) данлати емирилгач, Эроннинг баъзи вилоятларини тасарруф килган мўғул сулоласи.

холатда Хоразмга жүнали. Умар ибн амирзода Мироншоҳ Астрободдан Хурасонга лашкар тортиб мағлуб бўлгач, у (Пирақ) Хоразмдан келиб, яна Астрободни ишғол килди. Аммо куч-кудрати бўлмагани туфайли Хурасон лашкари кораси кўриниши биланок, кочишга қарор қилди ва ушбу саргардонликда оламдан ўтди. Бугунги кунда унинг ўғли Ширвонотда муким яшамоқда.

## (166) ШАЙХ ҲАСАН БУЗУРГ АВЛОДЛАРИ ТАБАҚАСИ

### УВАЙС ИБН ШАЙХ ҲАСАН БУЗУРГ ХУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ

Нихоятда раҳмдил, пок сийрат, одил киши эди. Ҳамиша барча тоифаларнинг осойишталиги ва фаровонлиги хусусида қайғуарди. Чунончи, унинг хукмронлиги даврида бутун Озарбайжон беҳиштнинг рашқини келтиради. Фарогатлик туфайли ҳар ким бир касбда камолга стишига саъй қилиб, ўз фанида замона ягонаси ва аср дурдонасига айланган эди. Чунончи, шоирлардан Салмон, мусаввирлардан Абдулҳай, хаттотлардан ҳожи Бандир ва Абдураҳим, шу тариқа, санъатнинг ҳар соҳасидан беназир кишилар етишиб чиккан эди.

(167) Табризда жойлашган Давлатхона у курдирган иншоотлардан биридир. Ўттиз тўрт йил хаёт кечириб, ўн етти йил хукмронлик килди. Азиз умри охирига етганида гайб илҳоми уни бундан воқиф килди ва (вафотидан) бир хафта бурун Табризнинг Кажижон даҳасида ўзи учун мақбара қурдирди. 777 (1375–1376) йилда табиий касаллик туфайли оламдан ўтди.

### СУЛТОН ҲУСАЙН ИБН ШАЙХ УВАЙС ИБН ШАЙХ ҲАСАН ХУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ

Нихоятда соҳибжамол ва пок сийрат киши эди. Табиатидаги енгилтаклик туфайли ўз жамолига маҳлиё бўлиб, бир қанча муддат ўзига ўзи ошик бўлиб юрди. Чунончи, хилватда бошига чодра ёлиб, кўзгудаги ўзининг аксини томоша қилиб, зор-зор йиғларди. У етти йил адолат ва марҳамат билан хукмронлик килгач, укаси Аҳмад унга қарши исён кўтарди ва Қора Аҳмад туркман ёрдамида ғалаба қозониб, уни катл этди. Йигирма саккиз йил хаёт кечириб, 784 (1382–1383) йилда катл этилди ва отасининг ёнига дағн килишди.

## АҲМАД ИБН ШАЙХ УВАЙС ХУҚМРОНЛИГИ ЗИКРИ

Ишбилиармон, окил, олийхиммат (168) подшоҳ эди. Акасидан кейин тахтга ўтириди ва Макка худудидан то боб ул-абвоб Дарбандгача бўлган жойларни ўз тасарруфига киргизди. Бағдодгага бориб, бир неча зантоzиларни (?) гиж-гижлаб, Хожа Кажижийни ўлдириди ва яна Табризга қайтиб келди. Иттифокан, Вали Мозандароний Ужонда унга келиб кўшилди. Тўла иззат-эҳтиромдан кейин Валини Табризда (ҳоким килиб) кўйиб, ўзи Бағдодга келди. Тўхтамиш Табризга лашкар жўнатди. Вали улар билан тил биритириб, табризликларни уларнинг кўлига тутиб берди. Тўхтамиш лашкари ваҳшат солиб, талонтарож килиб қайтиб кетди. Ўша йил баҳорида Аҳмад Табризга қайтиб келди. Қадимги иморатлардан ташкари бирон обод жойни кўрмади. У шаҳарни тиклаш ишларига киришди. Ҳали олдингисининг юздан бирига ҳам етказмаган эдики, ҳазрат Султони ғозийнинг ғолиб лашканинг илғори овозасидан воқиф бўлди ва бу срни тарқ килиб, Бағдодга отланди.

Шундан сўнг унинг ахволида шарқандалик юз бериб, гоҳ Миср, гоҳ Румда овора бўлиб юрдики, буларнинг ҳар бирининг баёни ўз жойила келгусидир. Охир окибат ҳазрат Султони ғозий вафотидан сўнг ҳазрат Султон (Шоҳруҳ) – Оллоҳ унинг мулкини бардавом килсии – даргоҳига паноҳ истаб келди. Ҳазрат Султон ҳам ўзининг беспоён қарами билан Озарбайжонни туркманлар қўлидан халос қилмокни лозим деб билди. У (Аҳмад) ўзининг беписандлиги туфайли шошилди ва Табризда (Қора) Юсуф туркманинг кўлига тушиб, 813 (1410–1411) йилла ўлдирилди. Олтмиш тўрт йил ҳаёт кечириб, ўттиз тўрт йил хукмронлик килди.

## ТОҲИР ИБН АҲМАД ИБН УВАЙС СИЙРАТИ ЗИКРИ

Отаси уни Антўн (169) номли бир ғуломи билан Алинжак қатъасида қўйган бўлиб, ўн беш йил ўша метин-мустаҳкам қалъада ҳаёт кечирди. Амирзода Амироншоҳ<sup>1</sup> Санжар ибн Ҳожи Сайфиддинни бир қисм лашкар билан бу қалъани қамал килишга тайинлаган эди. Сайд Али Шаки водийсидан келиб, у (Тоҳир)ни камалдан куткарди. Тоҳир бир канча вакт Гуржистонда яшаб, у ердан Бағдодга келди. У отасидан узоқда

<sup>1</sup> Яъни Мироншоҳ ибн Амир Темур.

яшаганидан унга бегоналашиб кеттани түфайли, бир гурух муфсидлар күткүсү билан отасига карши хуруж килди. Ушбу бал ниятини амалга ошириш учун мукаммал қуролланиб күпrikдан ўтаётганида, бексөсдан сувга йикилиб тушиб, ғарқ бўлиб ўлди. Йигирма етти йил хаёт кечирди, аммо ҳеч ҳукмонлик қилмади.

## **АЛОУДДАВЛА ИБН АҲМАД ИБН УВАЙС СИЙРАТИ ЗИКРИ**

Кичик ёшлигида ҳазрат Султони ғозий буйруқ бериб, уни Самарқандга олиб келди. Икки йил бу ерда бўлиб, ҳазрат Султони ғозий вафотидан кейин бир гурух Ирок сардорлари билан иттифоқликда амирзода Халил Султон ибн Амирошоҳ даргоҳидан ўзбошимчалик билан кетиб, ўзининг аслий ватанига қайти. Отаси олдига етгач, акасининг килиғини такрорлаб, ўз отасига карши исён кўтарди. Отаси уни зинданга солди. Туркманлар отасини ўлдиришгач, зиндандаги бир гурух муфсидлар билан бирга Алоуддавлани ҳам қатл этишди.

## **МАҲМУД ИБН ВАЛАД ИБН ШАҲЗОДА ШАЙХ ИБН УВАЙС СИЙРАТИ ЗИКРИ**

Аҳмад қатл этилганидан сўнг у икки йил мобайнida Бағдодни туркманлар тажовузидан саклаб турди. Окибат ул-амр бардош беролмади ва укалари билан Шуштардан паноҳ топди. Отасининг хотини – Дўнди Султон бинти Ҳусайн ибн Увайс бир қанча вакт Барқукининг никоҳида эди. У макр билан Маҳмудни (170) заҳарлаб ўлдириди. Шундан сўнг Дўнди Султон ўзининг ўғли Увайсни тахтга чиқазди. Аммо у кичик ёшдалиги туфайли мамлакат ихтиёри Дўнди Султон қўлидадир. Аҳмад ҳаётлик пайтида жаҳонпаноҳ даргоҳга мадад сўраб келгани учун ўша даврдан то ҳозиргacha ҳазрат Султон (Шоҳруҳ) уларни (ъяни Аҳмаднинг авлодини) ўз марҳамати соясида соғу саломат сақлаб, Ҳузистонни улар ихтиёрига топшириб қўйгандир.

# МУҲАММАД МУЗАФФАР АВЛОДЛАРИ ТАБАКАСИ

## СУЛТОН ЗАЙНУЛОБИДИН ИБН ШОХ ШУЖОЬ ХУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ

(193) Бир гурух амирлар иттифоклигига Шоҳ Шужоъ вафотидан кейин уни таҳтга чикардилар. Бирок бошка бир гурух ундан юз ўғирди ва амир Ғиссиддин Шул ҳам шулар жумласидан эди. Зайнулобидин салтанат таҳтига ўтиргач, айш-иширатга машгул бўлиб, мамлакат ишларига унча эътибор бермади. Шу ҳол асносида Исфаҳонни забт этишга отланди. Бир гурух одамлар Шоҳ Яҳёнинг «саидийларини» шахардан қувиб чиқариб, Зайнулобидинни ичкари киритишиди ва шу тарика Исфаҳонни эталлаш унга мұяссар бўлди. Бир одамни Исфаҳонга ҳоким килиб қўйиб, ўзи Шерозга кетди. Уч йил подшолик килгандан кейин ҳазрат Султони ғозийнинг зафар нақшли байроклари овозаси пайдар-пай кела бошлади. Ҳазрат Исфаҳонга етгач, ҳумоюн киссада<sup>1</sup> зикр қилинадиган сабабга кўра, катл ва қон тўкишни амалга оширганида, бунинг хабари Шерозга етди. Султон Зайнулобидин беихтиёр мамлакатни тарк (194) килиб, амирлари ва хос кишилари билан Шуштариға жўнаб, Шоҳ Мансурга бориб қўшилди. Шоҳ Мансур уни бандга солдириди.

Ҳазрат Султони ғозий мамлакатни Шоҳ Яҳё ва Султон Аҳмадга бағишлаб орқага қайтгач, Зайнулобидин Шоҳ Мансурнинг зиндонидан кочиб, Исфаҳонга келди. Шайх Иброҳим Лубноний уни шахарга киритиди. Шоҳ Яҳёнинг ўғли Султон Муҳаммад Таб(о)рак қальясида турган эди. Хандаққа сув тўлатилган бўлиб, тўсатдан қальянинг машхур буржларидан бирининг таги ўпирилиб кулаб тушили. Шоҳ Яҳёнинг ўғли шахарнинг ташки дарвозасидан чикиб кочиб. Язд тарафга кетди. Бир оз муддатдан сўнг Шоҳ Мансур Шерозга келгач, Зайнулобидин Исфаҳонга кетди ва иккаласи орасида кўп жанг жадаллар бўлиб ўтди. Охир оқибат у яна Шоҳ Мансурнинг кўлига тушиди. Зайнулобидиннинг кўзига мил тортиб кўр килишибди ва ҳозирги кунларда у Самарканддадир<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ҳумоюн кисса – асарнинг бевосита Амир Темурга багишланган кисми. Шунингдек, Натаңзий Мирзо Искандар тарихига багишлаб ёзмоқчи бўлган асарини ҳам бъязан «ҳумоюн кисса» сифатида зикр қиласди.

<sup>2</sup> Асарнинг бошка бир жойида Зайнулобидин Амир Темур тарафидан Самаркандга келтирилгани хабар қилинади: «Мунтаҳаб», 183-бет.

## **ШОҲ ЯҲЁ ИБН ШОҲ МУЗАФФАР ИБН МУҲАММАД МУЗАФФАР ХУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ**

Шоҳ Шужоъ вафот этгач, у Язддан хуруж килиб, Исфаҳонни ўз кўлига киритди. Анча муддатдан сўнг сulton Зайнулобидин Исфаҳонга отланди ва у, юқорида айтиб ўтилганидек, Яздга қайтиб кетди. У шу срда турди ва вакти келиб, Султони гозий Эронзамин мамлакатини фатҳ этганида, Шоҳ Шужоънинг жойини унга берди. Султони гозий қайтиб кетгач, Шоҳ Мансур Шуштардан Шерозга отланганида, Шоҳ Яҳё ҳеч бир қаршиликсиз Шерозни ташлаб, Яздга кетди. Шу тариқа у яна Яздда турганида ҳазрат Султони гозий Эронзаминни (иккинчи бор) фатҳ килиб, уни бошқа музаффарийлар билан бирга қатл килди.

## **СУЛТОН АҲМАДНИНГ КИРМОНДА ХУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ**

Шоҳ Шужоъ ўз ўлимидан олдин (195) укаси Султон Аҳмадни Кирмонга жўнатган бўлиб, у шу ерда турарди. Султони гозий Эронзамини илк бор эгаллаганида Султон Аҳмадни ўз олдига чакириб, (олдин) Шоҳ Шужоънинг хотини бўлган амирзода Дурримулкни унга берди ва Кирмонни унинг ўзига бағишлаб, қайтиб кетди. Йўлда Сиржонга етишганида, амирзода Дурримулк вафот этди ва Султон Аҳмад Кирмонга кетди. То бошқа музаффарийлар билан бирга қатл этилганига қалар, у Кирмонда мухолифсиз хукмронлик килди. Қабри Кирмондадир.

## **ШОҲ МАНСУР ХУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ**

У Шоҳ Шужоъ ҳаёғлиги пайтидаёқ унга мухолиф бўлиб, Шуштарда мустаҳкамланиб олган эди. Узоқ ихтилофлардан сўнг Шоҳ Шужоъ ўзи Шуштарга отланди, аммо уни бўйсундиролмади. Шу тариқа то Султони гозий (марҳум) Шоҳ Шужоънинг ўрнига Шоҳ Яҳёни кўйгунича, у ўша ерда эди. Шундан сўнг унинг асл зотига хос бўлган шижоат ва ботирлик билан лашкар тортиб, Шерозга отланди. Унинг акаси бўлган Шоҳ Яҳё ёши улуғлиги, ёрлиги, эски амирларнинг кўллашига қарамай, бир замон ҳам қаршилик кўрсатмади. Шоҳ Мансур ҳаялламасдан, тақаббурлик билан шаҳарга кирди ва салтанат таҳтига чиқиб олди.

Шоҳ Шужоъ Шуштарни қамал килган, бирок Шоҳ Мансур итоат килмаган замонда Шоҳ Шужоъ амирлардан шундай деб сўраган эди: «Агар Мансурни кўлга туширсан, у қандай жазога лойик бўлади?»

Амир Гиёсиддин Шул шундай деди: «Унинг кўзларини пичок билан ўйиб олиш керак». Амир Умаршоҳ бундай деди: «Унинг бурнидан ип ўтказиб, Шероз атрофини айлантириб чиқиш керак». Бу ҳикоятларни ўша пайтда Шоҳ Мансурга етказишиган ва у, агар бу иккаласини кўлга туширса, бу амалларни уларнинг ўзларига нисбатан кўллашни кўнглига тугиб кўйган эди. Нихоят куни келиб, (196) Шерозни ишғол этгач. минбаъд ҳалқ шахзодалар борасида ўйламасдан сўйламаслиги учун амир Умаршоҳнинг бурнидан ип ўтказиб, шаҳар атрофини айлантиришни, амир Гиёсиддин Шулнинг кўзларини пичок билан ўйиб олишини буюорди.

Шундан сўнг Зайнулобидин билан жанглар қилиб, икки орада кўп савашлар бўлиб ўтгач, Шоҳ Мансур Исфаҳонга отланиб, шаҳарни ишғол қилди ва султон Зайнулобидинни кўлга тушириб, кўзларига мил тортириди. У бир канча муддат мустакил ҳукмронлик қилди. Султони ғозийнинг (бу тарафига) отлангани овозаси етгач, Шоҳ Мансур Шерозга жўнади. Унинг жангтоҳда катл этилиши тафсилотлари онҳазратнинг ҳумоюн киссада баён этилажак. Қабри Шероздадир.

## **МУЪТАСИМ ИБН ЗАЙНУЛОБИДИН ИБН ШОҲ ШУЖОЪНИНГ ҲАЁТИ ЗИКРИ**

Музаффар авлодини қаҳрга дучор этиб қатл килишганида, у Багдодда эди. Бутун умри мобайнида саргардон бўлиб юрди. Умри охирларида Қора Юсуф даргоҳидан паноҳ истади. Қора Юсуф унга навозиш қилиб, Ҳамадонга жўнатди. Ҳамадонда эканида Бистом шаҳри ҳам унга қўшилди. У энди Исфаҳонга отланиб, ўзини шамга урган парвона янглиғ ҳазрат Султон (Шоҳруҳ)нинг – Оллоҳ унинг мулки ва салтанатини бардавом килсин – қаҳри оташида кўйди. Унинг ҳикояти куйироқда ҳумоюн киссада муфассал баён килинади.

## ШАХС НОМЛАРИ

- Аббос баходир (амир) – (223), (226), (227), (230), (231), (236), (238), (239), (241), (244), (268), (281), (284), (297), (337), (339), (413), (124).  
Абдулла (амирзода) – (201), (202), (203), (262).  
Абдулла (навкар) – (238).  
Абдулхожа – (236), (266).  
Абдулхай (мусаввир) – (166).  
Абдурахим (хаттот) – (166).  
Абубакр – (382), (383).  
Абулайс Самарқандий – (299), (411).  
Абулмаоли Термизий – (410), (411).  
Абумуслим Марвазий – (311).  
Абусаид – (52).  
Ажуний – (215), (217).  
Айбож ўғлон – (356), (362), (431).  
Ако Беги – (281), (312).  
Али (Муртазо, пайғамбарнинг куёви) – (282), (294).  
Али Дарвиш – (234).  
Али ибн Муайяд – (315).  
Али Муайяд Сабзаворий – (311), (312), (313).  
Али Садид – (316), (317).  
Али Сарбандий – (429).  
Али Ясовурний – (241), (245), (272), (281).  
Алибек Жониқурбоний (Калотий) – (212), (213), (306), (307), (311), (312), (314), (315), (316), (318).  
Алнтох Систоний – (378).  
Алишер Фанокатий – (387).  
Алоудлава ибн Аҳмад – (169).  
Амир Темур – Султони гозий. Амир сохибкирон унвонлари билан аксар саҳифаларда мавжуд.  
Амироншоҳ – қаранг: Мироншоҳ.
- Амру Лайс – (387).  
Аножоғ Куда – (244).  
Антүн – (168).  
Ануширвон – (200), (262).  
Аргуншоҳ баҳодир – (294), (295), (333), (367).  
Аргуншоҳ Бурдолигий – (252).  
Афросиёб – (50), (51), (52).  
Ашраф Чўпоний – (201).  
Аҳмад ибн Умаршайх – (132).  
Аҳмад (отабек) – (49), (50), (51), (52).  
Аҳмад ибн Музффар – (19).  
Аҳмад ибн Увайс (Султон Аҳмад Жалойир) – (330), (331), (356), (357), (374), (379), (389), (65), (167), (168), (170).  
Баён сулдуз (амир) – (197), (203), (204), (207), (263), (117), (118).  
Баёнқули (хон) – (199), (203), (263).  
Баркук – (169).  
Барака (Беркахон) – (97).  
Баркёрук ўғлон (364).  
Баронхожа Кўкалтош – (337).  
Бахтихожа – (426), (94).  
Бахманшоҳ ибн Мухаммадшоҳ – (19).  
Бахманшоҳ ибн Юсуфшоҳ – (18).  
Бахром («Шоҳнома» қаҳрамони) – (119).  
Бахром жалойир – (214), (235), (247), (248), (250), (265), (266), (270), (271), (297).  
Бекаси Султон – (433).  
Беки – (220).  
Беки қавчин – (427), (94).  
Бекичак (амир) – (198), (205), (210), (215), (217), (220), (221), (118).  
Бижан – (225).  
Болтичок – (95).

- Боязид (Йилдирим) – (375), (383), (384), (386), (387), (389), (391).  
 Боязид жалойир (амир) – (197), (204), (205), (207), (208), (209), (251), (117), (118).  
 Букрот – (333).  
 Буяя (сулола) – (275).  
 Бумалик хотун – (434).  
 Бурхон ўғлон – (362), (367), (431).  
 Бурундуқ – (379).  
 Бусайд – (217).  
 Вали (амир) – (311), (312), (313), (315), (325), (326), (328), (159), (168).  
 Валос ўғли – (389).  
 Дўнди Султон – (169), (170).  
 Давлатшоҳ Бахши – (281).  
 Даланжика Ширам – (224).  
 Дарвиш Юка – (238).  
 Дилонжи арлот – қаранг: Тиланчи арлот.  
 Дишод оғо – (414).  
 Довуд (амир) – (229), (244), (268), (281).  
 Довуд Сўфи – (364).  
 Довудхожа – (226).  
 Доро – (429).  
 Дошиманча (хон) – (199).  
 Дурка баходир – (229), (243), (245), (268).  
 Дурримулк – (195).  
 Ёдгор барлос – (3030), (352), (413).  
 Ёйик Сўфи – (304), (305).  
 Ёрали ибн Қора Аҳмад – (358).  
 Ёриктемур – (425).  
 Жабборберди ибн Тўхтамиш – (102), (87).  
 Жалол ибн Ҳамид – (347).  
 Жалол Ислом – (379), (387).  
 Жалолиддин ибн Тўхтамиш – (100), (101).  
 Жалолиддин барлос (амир) – (217), (219).  
 Жалолиддин Кеший (Шаҳрисабзий) – (300), (301), (302), (412), (427).  
 Жаҳон Малик – (257), (258), (285).  
 Жаҳонгир (амирзода) – (244), (247), (252), (303), (325), (413), (418).  
 Жаҳонгир (туркман) – (358).  
 Жаҳоншоҳ барлос (ибн Жоку) – (248), (270), (311), (319), (324), (331), (333), (335), (341), (348), (352), (362), (382), (383), (431).  
 Жоварчи – (226), (235), (260), (266).  
 Жоку барлос (амир) – (217), (219), (220), (223), (236), (238), (240), (241), (242), (244), (281), (283), (293), (295), (296), (410).  
 Жонибекхон – (201).  
 Жоники – (290), (291).  
 Жўжи – (427), (92).  
 Жувайн – (245).  
 Зайнулобидин – (335), (336), (353), (19), (193), (194), (196).  
 Зиндаҳашам – (222), (259), (260), (273), (284), (291), (292), (293), (294), (295), (296), (299), (300), (409), (410), (411).  
 Ивон (Ивоти) – (393).  
 Идику (Систон ва Кирмон хокими) – (428).  
 Идику (Эдигей) – (344), (345), (350), (97), (98), (99), (100), (102).  
 Идику барлос – (422), (423).  
 Иzzиддин – (64), (65), (66), (67).  
 Иzzиддин Шайх (малик) – (335).  
 Икутемур – (327), (334), (340), (347), (348).  
 Илесхожа (ўғлон, хон) – (198), (210), (217), (218), (220), (221), (222), (118), (119), (123), (124), (125).  
 Инка тўра – (338).  
 Искандар (Александр Македонский) – (276), (278), (429), (434).  
 Искандар (амирзода) – (360), (385), (429), (432), (433), (434), (435), (51), (52), (132).  
 Искандар ўғлон – (220).

- Искандар Шайхий – (324), (367),  
 (395), (396).  
 Ислом – (293).  
 Исимоил Сомоний – (387).  
 Исо (пайғамбар) – (385).  
 Исрофил – (327), (342), (388).  
 Исфандиёр («Шоҳнома» қаҳрамони)  
 – (337), (388).  
 Иқлидус – (397).  
 Йилдирим қаранг: Боязид.  
 Йўлтемур – (219).  
 Кайхисрав (амир) – (204), (207),  
 (209), (247), (248), (249), (250), (258),  
 (260), (270), (272), (274), (283), (287),  
 (302), (123).  
 Кайкубод – (207), (287).  
 Калоча ўғлон – (342).  
 Камура – (296).  
 Каноча ўғлон – (364).  
 Катта Соткин – (424).  
 Кебактемур – (226), (227), (254),  
 (255), (296), (297), (298).  
 Кебек мангтут – (423).  
 Кичик Соткин – (424).  
 Кобулшоҳ – (129).  
 Кутан Кунжак – (96).  
 Луқмон подшоҳ – (159).  
 Мавлоно Бадриддин – (245).  
 Мавлонозода – (230), (231), (232),  
 (233), (128), (129).  
 Малик Ҳусайн Карт – (244), (252),  
 (153), (154), (261), (121), (122).  
 Малик баҳодир – (222), (223), (224),  
 (236), (238), (239), (247), (248), (267),  
 (268), (270).  
 Малик Гўргин – (385).  
 Малик Фаҳриддин – (214).  
 Маллу Дехлавий – (370), (371).  
 Манглибуғо – (217).  
 Масъуд сарбадор – (353).  
 Масъудшоҳ – (50).  
 Маҳдий – (433).  
 Маҳмуд ибн Валад – (169).  
 Маҳмудшоҳ Бухорий – (240), (241),  
 (245), (269).  
 Мир Мўгул – (310).  
 Мирак оғо – (418), (130).  
 Мироншоҳ (амирзода) – (306), (324),  
 (327), (334), (335), (340), (348), (362),  
 (372), (373), (432), (159), (169).  
 Миср азизи – (434).  
 Миср ибн Қора Аҳмад – (334), (362),  
 (432).  
 Муайяд (амир) – (218), (223), (239),  
 (260), (268), (272), (281), (282), (287).  
 Мубаширир (Картий) – (238), (324),  
 (346), (424).  
 Муборакшоҳ Санжарий – (213),  
 (244), (121).  
 Музaffer – (65), (196).  
 Мули – (347).  
 Муовия – (379).  
 Мусо (амир) – (217), (218), (28), (239),  
 (240), (241), (242), (246), (247), (252),  
 (253), (254), («55), (259), (265), (267),  
 (268), (269), (270), (272), (281), (282),  
 (290), (291), (293), (294), (299), (409),  
 (410), (411).  
 Мусо (пайғамбар) – (351), (393).  
 Мұтасим ибн Зайнұлабидин – (196).  
 Мұхаммад ибн Тұхтамиш – (100),  
 (101).  
 Мұхаммад (пайғамбар с.а.в.) – (383).  
 Мұхаммад ўғлон – (94), (95).  
 Мұхаммад ўғлон ибн Хизрхожаон –  
 (131), (132), (115), (116).  
 Мұхаммад Дағвиш – (333).  
 Мұхаммад Мирак (Мирка) ибн Шер  
 Баҳром – (334), (335), (340), (341).  
 Мұхаммад Музaffer – (355), (18),  
 (193).  
 Мұхаммад Султон (амирзода) – (348),  
 (19).

- Мұхаммад Султоншох (Картый) – (320), (321), (329), (330), (331), (340), (348), (424), (425).  
Мұхаммадбек (амир, Алибек (Хожибек?) Жоникурбонийшынг акасы) – (212), (213), (121).  
Мұхаммадбек ибн Мусо – (238), (333).  
Мұхаммадшох – (256).  
Мұхаммадшох (Хурмуз малики) – (18), (19).  
Нагзи (Накши) Жақон – (116).  
Наврүзий (амир) – (244).  
Некпайшох Омуйи – (240), (243).  
Нонғадой – (98).  
Нурилдин Аблурахмон Бағдодий – (356).  
Нұх (пайғамбар) – (223), (359), (385), (423).  
Од – (359), (385).  
Одилхон (Одил Султон) – (260), (274), (285), (129).  
Одилшох жалойир – (413), (414), (415), (416), (417).  
Орзу Малик оғо – (238), (240).  
Ортиқшох – (353).  
Оқбұғо баҳодир – (239), (244), (245), (250), (268), (281), (319), (415).  
Оқтемур баҳодир – (239), (245), (246), (268), (283), (320), (332), (424) (124).  
Окхожа ўғлон – (336).  
Пахлавон Мұхаммад Шайхий – (310).  
Пахлавон Мұзаххіб – (339).  
Пирак подшох ибн Лукмон – (352), (159), (160).  
Пирали (туркман) – (358).  
Пирали Тоз сұлдуз – (341).  
Пирмухаммад – (367).  
Пирмухаммад ибн Жақонгир (амирзода) – (325), (367).  
Пирмухаммад ибн Умаршайх (амирзода) – (382), (383), (429), (19), (51).  
Пўлод – (245).  
Пўлод Киё – (329).  
Пўлод хазиначи – (415).  
Пўлодбұғо – (222), (223), (224), (246), (250), (282), (283).  
Рамазонхожа – (333), (348).  
Рагно тархон – (347).  
Рустам – (379).  
Рустам («Шохнома» қаҳрамони) – (276), (337), (339), (388), (419), (119).  
Рустам (амирзода) – (367).  
Рукия хоника – (247).  
Сайд Барака – (282), (283).  
Сайд Камолиддин – (352).  
Сайд Камолиддин Абдурахим – (398).  
Сайд Шаки – (373), (393), (169).  
Сайдхожа ибн Шайхали баҳодир – (356), (383), (159).  
Сайидиң Ахмад – (65), (66), (67).  
Сайфиддин мұғул – (224).  
Салжүқ – (275).  
Салмон (шоир) – (166).  
Санжар ибн Ҳожи Сайфиддин – (169).  
Сорибұғо – (223), (239), (244), (250), (268), (281), (414) (415), (416), (417).  
Сиддик барлос – (215), (216), (123).  
Сиямос Зирак – (335).  
Сойинтемур – (347).  
Сомон – (275).  
Сору Одил – (329), (330), (332), (333).  
Сулаймон (амир) – (217), (219), (235), (266).  
Сулаймон (пайғамбар) – (434).  
Сулаймон Сұфи – (340).  
Сулаймоншох ибн Довуд – (337), (348), (379).  
Султон Ҳусайн ибн Тұхамиш – (100).  
Султон Ҳусайн ибн Мұхаммадбек ибн Мусо (амирзода) – (376), (377), (382), (383).  
Султон Ҳусайн ибн Увайс – (167).  
Султон Ахмад – қаранды Ахмад ибн Увайс.

- Султон Ахмад ибн Музаффар – (194),  
 (195).  
 Султон Искандар – каранг: Искандар  
 (амирзода).  
 Султон Исо Мординий – (358), (361),  
 (131).  
 Султон Махмуд ибн амир Қазагон –  
 (263).  
 Султон Маҳмуд ибн Суюрготмиш –  
 (348), (130).  
 Султон Мухаммад – каранг:  
 Мухаммад ибн Тўҳтамиш.  
 Султон Мухаммад ибн Шоҳ Яхё –  
 (194).  
 Суюрготмиш (ўғлон, хон) – (273),  
 (274), (284), (315), (340), (129).  
 Тазарчи баҳодир – (239).  
 Таҳартан – (335), (362), (383), (384),  
 (432).  
 Тағойшоҳ – (246).  
 Темур султон – (99), (100).  
 Темуркултуғ ўғлон – (342), (350),  
 (97), (98).  
 Темурбекхон ибн Мухаммадхон –  
 (93), (94), (95).  
 Темурка – (213), (216).  
 Темурмалик ўғлон – (425), (426).  
 Темуртош – (375), (375).  
 Темурхожа ўғлон – (215), (226).  
 Термиз хонзодаси – (294), (295),  
 (299).  
 Тиланчи арлот – (223), (292), (409),  
 (117).  
 Тоҳир ибн Ахмад – (373), (168), (169).  
 Тобон баҳодир – (224), (292), (293),  
 (319).  
 Туглуктемур (хон) – (198), (205),  
 (206), (209), (210), (117), (118), (119),  
 (125).  
 Туглук Сулдузий – (207).  
 Туглуктемур керойит (амир) – (205).  
 Туглуқхожа Тунак – (216).  
 Туготемурхон – (158).  
 Тузак – (246).  
 Туман Гармсирий – (215), (324).  
 Тумантемур ўзбек – (420), (426), (94).  
 Тунам – (125).  
 Туркон арлот – (414), (415).  
 Туркон оғо (амир Қазагоннинг хоти-  
 ни) – (262).  
 Турол – (393), (395).  
 Тўйхожа – (92).  
 Тўқал (амир) – (210), (211), (119),  
 (120), (122).  
 Тўқал оғо – (115).  
 Тўнгар – (331).  
 Тўҳтакиё – (421), (422), (426), (93).  
 Тўҳтамиш – (334), (336), (340), (341),  
 (342), (344), (346), (348), (349), (350),  
 (363), (364), (365), (420) (421), (422),  
 (423), (426), (427), (435), 92), (93),  
 (94), (95), (96), (97), (98), (100), (168).  
 Тўқтемур баҳодир – (220).  
 Тўқтемур Катга – (118).  
 Тўқтемур Кичик – (108), (118), (125).  
 Тўғайбуғо барлос – (211).  
 Увайс – (65), (166).  
 Увайс (Дўнди Султоннинг ўғли) –  
 (170).  
 Улугбек – (116).  
 Умар Аббос – (320), (321), (327),  
 (329), (332).  
 Умар ибн Амироншоҳ – (380), (160).  
 Умаршайх (амирзода) – (273), (285),  
 (304), (337), (338), (339), (340), (341),  
 (342), (343), (348), (349), (350), (353),  
 (356), (360), (361), (413), (414), (415),  
 (416), (418), (419), (420), (427), (429),  
 (430), (19), (50), (67), (131).  
 Умаршоҳ – (318), (195), (196).  
 Уммийя (умавийлар) – (379).  
 Урумтемур – (296).  
 Урусхон (3030), (420), (421), (422),  
 (423), (424), (426), (92), (93).  
 Усмон ибн Аббос – (354), (356), (357),  
 (358).

- Учкаро баходир – (245), (246), (328), (352), (361), (413), (417).  
Фараж Бағдодий – (379), (380).  
Фармоншайх – (131).  
Фарож ибн Баркуқ – (376), (378).  
Фарҳод карогунос – (223), (234).  
Ферузбахт – (333).  
Халил – (380).  
Халил кароунос – (282), (283).  
Халил Султон (амирзода) – (169).  
Хизр ҳазиначи – (236).  
Хизр Ясовурий (Ясурний, амир) – (197), (204), (206), (207), (208), (210), (299), (117).  
Хизрхожа ўғлон – (418), (130), (131), (115).  
Хизршоҳ – (131).  
Хирман баҳодир – (248), (283).  
Хитой баҳодир – (243), (252), (284), (294), (295), (297), (415), (425).  
Хожа Асомиддин Мозий – (301).  
Хожа Иҳтиёридин Ҳасан Соварж – (201), (202).  
Хожа Кажикий – (168).  
Хожа Махмуд ибн Мухаммад Чоғарий – (65).  
Хожа Юсуф апарди – (292), (293), (341).  
Хожалок – (305).  
Худойдод – (418), (131), (132), (116).  
Худойдод Ҳусайнний (ибн Ҳусайн) – (327), (348), (101), (115).  
Чексак (Чинтак) ўғлон – (435), (97), (98).  
Чимбой – (92).  
Чингизхон – (206), (261), (279), (291), (297), (300), (427), (98), (100), (125).  
Чигатой – (197), (199), (264), (427), (117).  
Чокира ўғлон – (1010), (102).  
Чўпон (амир) – (244).  
Чўпон сарбадор – (284).  
Шайх Ҳасан Бузург – (166).  
Шайх Абу Исҳоқ Инжуйи – (201), (17).  
Шайх Иброҳим Дарбандий – (393), (99).  
Шайх Иброҳим Лубноний – (194).  
Шайх Мухаммад Баён – (220), (247), (258), (260), (270), (272), (273), (282), (283), (413), (414), (415), (123).  
Шайх Нуриддин ибн Сорибуғо – (364), (101), (115).  
Шайх Тўйбуғо қавчин – (329).  
Шайх Яхё – (320).  
Шайҳак Ҳиндушоҳ – (319), (320).  
Шайҳали баҳодир – (244), (245), (281), (284), (298), (306), (315), (316), (318), (319), (331), (333), (334), (335), (342), (343), (353), (124).  
Шайҳжон ўғлон – (418).  
Шамсиддин Аббоғ – (352).  
Шамсиддин мўгул – (224), (225), (250), (414), (125).  
Шамсиддин Олмалиғий – (363), (386), (387).  
Шамсиддин Учкаро – (340).  
Шамъи Жаҳон – (131), (132), (115).  
Шанкум (иўён) – (224).  
Шер Баҳром Ҳатлоний – (216), (218), (219), (220), (221), (223), (224), (235), (236), (265), (266), (267), (117), (118), (123).  
Шер Оҳули – (227).  
Шеровул – (226), (254), (255).  
Шимр – (379).  
Широмун – (125).  
Шоҳ Али – (256).  
Шоҳ Жалолиддин Фарохий – (320).  
Шоҳ Мансур – (354), (355), (428), (19), (194), (195), (196).  
Шоҳ Мухаммад Бадаҳшоний – (204), (218), (283).  
Шоҳ Сулаймон Ҳурсоний – (378).  
Шоҳ Шайҳали – (256).  
Шоҳ Шужоъ – (318), (325), (326), (329), (19), (65), (193).

- Шох Яхъе – (193), (194), (195).  
Шохмалик – (383).  
Шохрух – (352), (362), (369), (406), (432), (434), (435), (87), (115), (116), (159), (168), (170), (196).  
Шохсавор Ирокий – (353).  
Шодибекхон – (98), (99).  
Шужоиддин Махмуд – (64).  
Шўхол мажусий – (366).  
Эллиғмиш ўғлон – (342), (343).  
Элчи баҳодир – (211), (245), (281).  
Элчибуғо баҳодир – (239), (257), (268), (415), (425).  
Эрриғмиш ўғлон – (340).  
Юсуф (пайғамбар) – (434).  
Юсуф Сўфи – (303), (304), (305), (412), (413), (414).  
Юсуфхожа (амир) – (220).  
Юсуфшоҳ – (17), (18).  
Юсуфшоҳ мўгул – (131).  
Яздигард – (378).  
Язид – (379).  
Яхъе ибн Музаффар – (339).  
Ўзбек (хон) – (201), (349), (350), (93), (96), (101).  
Ўзбектемур – (427), (94).  
Ўқтой қоон – (199).  
Ўлжоӣ Туркон оғо – (198), (211), (213), (235), (266), (120).  
Ўлжоӣбуғо сулдуз – (204).  
Ўлжоӣту апарди – (204), (223), (240), (242), (246), (247), (250), (253), (269), (270), (272), (283), (287), (292), (293), (303), (413).  
Ўлжоӣту Тархончи – (245).  
Ўтурка Муҳаммад – (364).  
Ўқтой (Тўҳтамиш саркардаси) – (364).  
Қазогон (нўён, амир) – (197), (198), (199), (201), (202), (203), (204), (261), (262), (263), (264).  
Қамариiddин – (254), (255), (336), (350), (351), (362), (413), (414), (416), (417), (418), (419), (420), (434), (125), (131).  
Қартиғоч (амир) – (291).  
Қаҳрамон – (391).  
Қизил Миали – (358).  
Қозон султон (Қозонхон) – (197), (198), (199), (261).  
Қозончи – (363), (422), (94).  
Қора Аҳмад туркман – (335), (167).  
Қора Юсуф – (361), (374), (386), (431), (168), 196).  
Қоракесак ўғлон – (424), (425).  
Қорақурун Жарчарий (амир) – (208).  
Қорун – (359).  
Қутбиiddин (Сейстон малики) – (320), (323), (324), (122).  
Қутбиiddин (Ҳурмуз малики) – (17).  
Қутлуғ Туркон оғо – (214), (313).  
Қутлуғбуғо – (421).  
Қутлуғтемур – (201).  
Қутлуғтемур (мўгул) – (203), (262).  
Ғиёсиддин (малик) – (306), (307), (308), (309), (310), (318).  
Ғиёсиддин тархон – (94).  
Ғиёсиддин Шул – (339), (193), (195), (196).  
Ғурий (амир) – (311).  
Ҳайдар – (217), (221), (124), (125).  
Ҳаким Ота – (246).  
Ҳамид (амир) – (209), (220), (118), (125).  
Ҳамидхожа найман (амир) – (197), (204), (117).  
Ҳасан Жондор – (329).  
Ҳинду Каркара – (272), (282), (283).  
Ҳиндука (амир) – (217), (235).  
Ҳиндушоҳ – (226), (244), (282), (283).  
Ҳожи (амир) – (312), (315).  
Ҳожи Бандгир (хаттот) – (166).  
Ҳожи барлос – (117), (118).  
Ҳожи Муҳаммад туркман – (211), (212).  
Ҳожи Сайфиддин (амир) – (206), (211), (216), (219), (220), (223), (236),

- (239), (240), (241), (244), (252), (266), (268), (281), (306), (319), (331), (348). Ҳожи эрконут – (205).
- Ҳожибек барлос (амир). – (197), (203), (204), (205), (206), (207), (208), (209).
- Ҳожибек Жониқурбоний – (267), (121).
- Ҳожибек мүгүл (амир) – (224), (226), (227), (250), (254), (255), (125).
- Ҳожихожа ибн Тузак – (315).
- Ҳомон – (225).
- Хусайн барлос – (245), (268), (281), (282), (413).
- Хусайн ибн Мусамми (амир) – (198), (204), (207), (208), (209), (210), (211), (214), (215), (216), (217), (218), (219), (220), (221), (222), (223), (224), (225), (226), (231), (232), (233), (234), (235), (236), (237), (239), (240), (245), (246), (247), (248), (249), (250), (251), (252), (253), (254), (255), (256), (258), (259), (260), (261), (263), (264), (265), (266), (269), (270), (271), (272), (273), (274), (281), (282), (283), (284), (285), (286), (287), (409), (118), (119), (120), (121), (122), (123), (124), (126), (127), (128), (129).
- Хусайн Сүфи – (300), (301), (302), (303), (411), (412), (427).
- Ҳушанг – (49).

## ГЕОГРАФИК НОМЛАР

- Абаркух – (339).  
Абокум (Атокум) – (417), (418), (419).  
Абхоз – (374), (385), (392).  
Адан – (356).  
Ажам – (275).  
Айгир ёли – (345).  
Айник – каранг: Обник.  
Албурз – (333), (366), (392).  
Алванд – (389).  
Алинжак – (332), (334), (373), (382), (383), (395), (169).  
Али Ато марқади – (253).  
Алиобод – (253).  
Алотоғ – (391).  
Амир Абдулла ариғи – (217).  
Анкар чүли – (221).  
Андигон – (338), (350), (416), (428), (65).  
Андухүй – (197), (232), (117).  
Анкурия – (387).  
Архангасарой – (218), (250).  
Аргиён – (312).  
Араб – (275).  
Ариб саҳроси – (356).  
Арзинжон (335), (358), (374), (383), (384), (392).  
Арзирум – (335), (374).  
Арпаёзи – (417).  
Арсоғ – (215), (216).  
Асадобод – (65).  
Астара – (131).  
Астробод – (326), (328), (159), (160).  
Афранж – (383).  
Ахлот (Ихлот) – (362), (432).  
Ашкылжа – (311).  
Аш-Шоат – (328).  
Ақар – (222).  
Бағдол – (280), (330), (332), (353), (356), (357), (360), (372), (374), (379), (380), (381), (427), (429), (168), (169), (196).  
Баглон – (210), (215), (254), (263), (283), (295), (127).  
Баалбек – (376).  
Бадахшон – (218), (232), (253), (254), (255), (256), (257), (258), (271), (272).  
Байлакон – (374), (395).  
Балжугон – (218).  
Балх – (217), (225), (226), (232), (253), (254), (256), (258), (261), (271), (272), (273), (284), (285), (287), (306), (409), (410), (127).  
Баракайи Арабон – (413).  
Батқо саҳроси – (381).  
Бесутун тоғи – (224), (348).  
Бистом – (331), (196).  
Боб ул-жаннат – (353).  
Бобил – (381).  
Бодғис – (307).  
Бодом суви – (223).  
Боку – (334).  
Боязид – (334).  
Бүё – (282).  
Бурдолик – (238), (267).  
Бурса – (389), (391).  
Бухоро – (227), (240), (241), (242), (243), (269), (339), (340), (351), (119).  
Бўркечик – (345).  
Варужард – (65).  
Вахш – (209), (341).  
Вон – (335).  
Гавди Потила – (354).  
Ганг – (275), (371).  
Гармсир – (198), (213), (214), (215), (216), (324), (122).  
Гив – (353).  
Гилон – (333).  
Гужароти майдони – (219).  
Гургон – (352).  
Гуржистон – (374), (384), (391), (392), (394), (395), (169).  
Давлатхона – (330), (167).

- Дажла – (356), (382).  
Дамашк – (376), (378).  
Дарбанд – (334), (363), (366), (99), (168).  
Даригаз – (217).  
Дашти Кипчок – (198), (290), (339), (340), (343), (344), (349), (362), (365), (416), (420), (423).  
Дехли – (369), (370), (371).  
Дехнав – (236), (266).  
Диболпур – (370).  
Диёрбакр – (357).  
Дизак – (221), (248), (249).  
Димованд – (314), (389), (395).  
Домгон – (396).  
Дүүлон Чогон – (216).  
Ёйик – (345), (346).  
Ём суви – (220).  
Жаҳон – (312).  
Жаҳоншаноҳ касри – (370).  
Жавим – (354).  
Жазира – (361), (431).  
Жазоир – (353).  
Жайхун – (200), (205), (206), (209), (213), (214), (222), (226), (227), (231), (242), (243), (253), (259), (260), (267), (269), (288), (293), (295), (313), (319), (117), (127).  
Жанд – (208).  
Жарбодакон – (336), (356).  
Жата – (125).  
Жодун – (370).  
Жулот – (364).  
Жўёжи улуси – (427).  
Жўйи Зард – (351).  
Занг – (275).  
Зангибор – (356).  
Занжирсарой – (312).  
Зарнук – (342), (411).  
Зартук – (299).  
Зинжон – (330).  
Ивож (Айвож) – (283).  
Измир – (389), (391).  
Ирок – (201), (264), (318), (325), (336), (339), (396), (429), (65), (169).  
Ироки Ажам – (356).  
Иртиш – (132).  
Истаҳр – (429).  
Исафаҳон – (336), (356), (429), (193), (194), (196).  
Исафаройин – (311).  
Итил – (365), (98).  
Иҳлот – қаранг: Аҳлот.  
Йунъол – (411).  
Кажижон – (167).  
Калес – (233).  
Калот – (267), (306), (313), (314), (315), (316), (318).  
Камашк – (253).  
Камоҳ – (387).  
Кархрул – (330).  
Карбало – (357).  
Карм – (333).  
Кармина – (415).  
Катта Лур – (49), (50).  
Катура – (368).  
Каффа – (423), (97).  
Каъба – (285), (299).  
Кеч – (324).  
Кеш – (197), (207), (213), (216), (231), (232), (306), (117), (118), (124).  
Киркук – (358).  
Кирмон – (201), (280), (428), (18), (19), (194), (195).  
Кичик Лур – (64).  
Кобул – (197), (254), (319).  
Кодакруш – (326).  
Конигил дашти – (233), (292), (367), (399), (434).  
Кот – (210), (300), (302), (411), (412), (427), (119).  
Кошғар – (418), (131).  
Кура – (334), (336), (374).  
Курдистон – (332), (353), (360), (429).  
Курккурк – (234).  
Кусан – (132).

- Күхмөл – (314).  
Күк Ўрда – (92).  
Күлак даشت – (218), (399).  
Күшкі Чүбон – (353).  
Күхікоф – (371).  
Күхистон – (204).  
Лабко (Либко) – (97), (98).  
Лайлон – (330).  
Лакзестон – (333), (392).  
Лакнұт – (371).  
Лаҳро – (315).  
Луни – (370).  
Луристон – (49), (50), (51), (53), (65), (66), (67), (353).  
Макка – (168).  
Макрон – (324).  
Малотия – (375).  
Мангит – (132).  
Манғышлоқ – (92).  
Мангалус – (368).  
Маранд – (372).  
Мароға – (330).  
Машрик – (276), (289), (314).  
Магриб – (275), (276), (279).  
Махмудий – (212).  
Маҳонасар – (352).  
Миср – (279), (359), (376), (382), (18), (168).  
Мовароуннахр – (197), (198), (199), (205), (206), (207), (207), (209), (210), (221), (222), (225), (227), (231), (232), (251), (254), (261), (264), (300), (301), (302), (325), (328), (336), (338), (340), (362), (411), (413), (420), (432), (433), (434), (117), (118), (119), (125), (132), (115), (159).  
Мозандарон – (311), (314), (315), (316), (324), (326), (328), (329), (352), (369), (379), (396), (398), (158).  
Мойимарғ (Маймурғ) – (238).  
Монқара – (353).  
Мордин – (358), (361), (379), (431).  
Мохон – (212), (213), (237), (242), (243), (244), (267), (269), (121), (122).  
Мукуркаро – (255).  
Мулунгур суви – (247).  
Мунқ – (197), (200), (261), (263), (265).  
Мурғоб – (307), (319).  
Мұсыл – (358), (361), (431).  
Мұғалистон – (198), (205), (230), (237), (247), (255), (263), (266), (290), (295), (296), (297), (298), (336), (343), (350), (380), (413), (415), (419), (420), (432), (65), (117), (118), (119), (115), (152).  
Нахчевон – (331), (333).  
Нахшаб – (197), (198), (213), (231), (232), (237), (267), (117).  
Ниәзий – (214), (252).  
Нил – (275), (382).  
Нихованд – (65).  
Поринқалья – (334).  
Оби Ѓем – (251).  
Обирахмат – (245).  
Обник (Айник) – (334), (362), (432).  
Озарбайжон – (201), (325), (330), (331), (332), (356), (383), (391), (65), (166), (168).  
Ойдин – (334), (362), (432).  
Олтой – (132).  
Олтункүпрук – (358).  
Омад – (361), (431).  
Омул – (396).  
Омуя – (240), (324).  
Орбаз – (284).  
Отбоши – (417).  
Ок Ўрда – (94).  
Оқбуко – (385), (386).  
Оқкүтал – (249).  
Оқсөу – (132).  
Оксултон – (406).  
Оқшахар – (391).  
Оқкура – (198).  
Панжоб – (367).  
Патанхур – (370).

- Пониаг – (370).  
Пули Сангин – (218).  
Работи Малик – (248).  
Рай – (329).  
Ранба – (428).  
Расанкаш гузари – (218).  
Родикон – (318).  
Руй – (364).  
Рум – (275), (278), (372), (374), (383), (386), (387), (130), (132), (168).  
Румнён – (65).  
Рус – (365).  
Рустамлор – (328), (395), (396), (397), (398).  
Руха – (358).  
Сабзавор – (312), (313), (319), (320), (158).  
Саврон – (421), (422), (423), (425), (426), (427), (93).  
Сайхун – (271), (338), (406).  
Сайрам – (247), (250), (422).  
Салам дарвозаси – (355).  
Салорбулок – (124).  
Самар – (345).  
Самарқанд – (198), (205), (206), (207), (214), (220), (221), (222), (225), (226), (227), (231), (232), (235), (245), (246), (249), (250), (251), (254), (260), (264), (270), (272), (282), (287), (288), (294), (296), (300), (312), (318), (319), (324), (329), (337), (338), (339), (340), (343), (351), (367), (372), (373), (380), (396), (398), (409), (410), (411), (415), (416), (420), (421), (425), (426), (432), (434), (50), (65), (117), (127), (128), (169), (194).  
Самона – (370).  
Саналка Ёғоч (Сангир Ёғоч) – (417), (131).  
Сарасти – (370).  
Сарбанд кўприги – (428).  
Сариқамиш – (329).  
Сарифул – (246).  
Сарой – (342), (97).  
Сарой Берка – (366).  
Саҳбона – (415).  
Се Тарози Райхон – (311).  
Сейстон (Систон) – (214), (319), (320), (320), (323), (378), (428), (122).  
Сепоя – (340).  
Сивос – (374), (375), (383), (384).  
Сижос – (330).  
Синд – (199), (370).  
Сирён Тарозу – (333).  
Сиржон – (360), (428), (195).  
Сигноқ – (423), (93).  
Соғарж – (246).  
Соинқалъа – (373).  
Солисарой – (197), (200), (232), (261).  
Сузангарон – (247).  
Султон – (335).  
Султония – (289), (329), (330), (353), (356), (379), (385), (66).  
Суриҳисор – (391).  
Сурмалу – (333).  
Сурх – (333).  
Сут Ориги – (217).  
Табаристон – (352), (158).  
Таборак – (194).  
Табриз – (280), (329), (330), (331), (333), (372), (384), (391), (167), (168).  
Такрит – (357).  
Тахористон – (200), (325).  
Тахти Сулаймон – (324), (428).  
Терек – (363).  
Термиз – (209), (216), (217), (272), (282), (294), (295).  
Тифлис – (333), (392).  
Торим – (132).  
Тошкўприк – (198), (118).  
Тошканд – (221), (247), (250), (254), (344).  
Тукчи – (336).  
Тулас – (435), (97).  
Туркистан – (246), (247), (248), (250), (260), (270), (282), (290), (327), (336),

- (337), (340), (405), (409), (411), (421),  
 (435), (65).  
 Турол – (392).  
 Турунбой – (370).  
 Туршиз – (316).  
 Тўйтепа – (337).  
 Тўкмок – (336), (337), (339), (340),  
 (365), (384), (425).  
 Ужон – (331), (384), (168).  
 Улуғминг – (132).  
 Улуттоғ – (344).  
 Уммон денгизи – (401).  
 Уч – (413).  
 Учак – (342).  
 Ушломон – (132).  
 Фарак – (428).  
 Фаранг – (275), (389).  
 Фаранг денгизи – (278), (389), (390).  
 Фароҳ – (320).  
 Фароҳон – (353).  
 Фарғона – (296).  
 Фахандар – (51).  
 Ферузкух – (396).  
 Форёб – (415).  
 Форс – (201), (318), (325), (336),  
 (339), (352), (353), (356), (360), (361),  
 (427), (428), (429), (431), (432), (17),  
 (18), (19), (49), (51), (65).  
 Фурот – (357), (379).  
 Фушанж – (307).  
 Хавос – (270).  
 Хазар – (365), (394).  
 Хайбарзамин – (393).  
 Хамрак – (249).  
 Хатлон (Қатлон) – (200), (204), (232),  
 (235), (258), (260), (265), (295), (341),  
 (410), (117), (122).  
 Хашмо – (374).  
 Хива – (210), (300), (412), (427), (119).  
 Хитой – (264), (275), (296), (404),  
 (405), (432), (18).  
 Хонбалиқ – (400).  
 Хоразм – (201), (202), (262), (280),  
 (301), (302), (304), (306), (340), (341),  
 (411), (413), (415), (427), (100), (101),  
 (160).  
 Хос – (413).  
 Хузистон – (353), (356), (170).  
 Хузор (Ғузор) – (213), (216), (220),  
 (231), (236), (272), (282).  
 Хулм – (218), (283).  
 Хурмоту – (360), (430).  
 Хурсон – (199), (205), (207), (209),  
 (237), (238), (240), (241), (242), (253),  
 (254), (261), (267), (269), (271), (292),  
 (306), (307), (312), (316), (317), (327),  
 (331), (356), (369), (378), (379), (117),  
 (118), (159), (160).  
 Хуррамобод – (315), (353), (65).  
 Хўжанд – (204), (207), (235), (260),  
 (300), (414), (117).  
 Хўжанд суви (Сирдарё) – (221),  
 (222), (250).  
 Хўжон – (331).  
 Хўй – (335).  
 Хўмс – (376).  
 Хўтан – (291), (315), (423), (132).  
 Чакад Ўланг – (241), (124).  
 Чакчак дараси – (236), (240), (241),  
 (266), (118).  
 Чалов – (328).  
 Чамчамол – (353).  
 Чаноқбулук – (205).  
 Чаганиён – (258), (283), (117).  
 Чагона – (236), (266).  
 Чин – (275), (278), (279), (325).  
 Чир – (421), (126).  
 Чигатой улуси – (243), (370), (411).  
 Чопмакечик – (345).  
 Шайх қабри (Хузорда) – (220).  
 Шайхи олам марқади (Бухорода) –  
 (242).  
 Шаҳрисабз – (204), (205), (206),  
 (208), (219), (220), (234), (235), (243),  
 (253), (255), (260), (272), (288), (127).

- Шеки (Шакий) – (333), (169).  
Шероз – (280), (329), (336), (339), (354), (355), (356), (366), (428), (429), (19), (50), (193), (194), (195), (196).  
Шибарту (яйлок) – (215), (227), (232).  
Шибирғон – (197), (204), (232), (284), (291), (292), (293), (295), (296), (409), (410), (117).  
Ширвонот – (333), (366), (160).  
Шодмон – (221), (251).  
Шом (Сурия) – (278), (279), (361), (372), (374), (376), (377), (378), (382), (431), (66), (132).  
Шуштар – (336), (353), (169), (194), (195).  
Шүрсүв – (218).  
Эрон (Эронзамин) – (325), (351), (355), (362), (391), (50), (51), (194), (195).  
Эски Ыкуз – (304).  
Юмгол – (420).  
Язд – (366), (367), (194).  
Яман – (275).  
Үзбек улуси – (94), (96), (97), (98).  
Үзганд (Үзжанд) – (267), (296), (336), (337), (338), (339), (350), (414), (416), (418).  
Үрта Кешик – (334).  
Үтрор – (291), (423), (424), (93).  
Кабаймитан – (220).  
Қалоғай – (356).  
Қальян Сафид – (353).  
Қамиш – (426).  
Қангтар ўланг – (256).  
Қандахор – (198), (213), (291), (319), (324), (356), (423), (118), (122).  
Қарахүл – (346).  
Қароқалқонлу – (374).  
Қарожа Қиё – (361), (431).  
Қаросмон – (299), (344).  
Қарс – (33).  
Қарсоб – (416).  
Қарши – (232), (237), (238), (240), (241), (267), (268), (269).  
Қатлон – қаранг: Хатлон.  
Қаҳалға – (216), (217), (219), (227), (236), (266), (410), (124).  
Қибла – (333).  
Қизилработ – (124).  
Қизилтоқ – (240), (268).  
Қирвон – (289).  
Қоғон Ыкузи – (303).  
Қовун Ариғи – (412).  
Қорабоғ – (333), (374), (384), (395).  
Қоратепа – (413).  
Қоратол – (94).  
Қорахүжа – (199), (296).  
Қум – (353).  
Қумаш – (158).  
Қумканд – (340).  
Қундуз – (210), (215), (232), (254), (263), (283), (295).  
Қурой – (364).  
Қўйқубоғ – (132).  
Қўйсуй – (363).  
Қўчқор – (411), (420).  
Ғазна – (197), (319).  
Ғута – (377).  
Ҳабаша – (356).  
Ҳавиза – (353).  
Ҳалаб – (375).  
Ҳамадон – (336), (353), (196).  
Ҳамо – (376).  
Ҳарам дараси – (237), (267).  
Ҳароҳ – (353).  
Ҳасан майдони – (218).  
Ҳиндикуш – (210).  
Ҳиндистон (Ҳинд) – (214), (227), (275), (278), (279), (367), (372).  
Ҳирот – (237), (244), (253), (261), (267), (272), (306), 307), (319), (369), (121).  
Ҳисори Шодмон – (232), (258), (117).  
Ҳожитархон – (366).  
Ҳурмуз – (17), (18), (19).  
Ҳуръату – (124).

## ТАРИХИЙ ИСТИЛОХ ВА АТАМАЛАР

- аббосийлар – (315).  
азноур – (394).  
амир ул–умаро – (95), (102), (125).  
арз ва шикоятлар махкамаси («дево-  
ни мазолим») – (200), (264), (428),  
(311).  
аррода – (305), (381).  
ахтаки – (203).  
аюдочи – (402).  
ақча – (234).  
бакламишй – (237), (331).  
баронгор – (220), (223), (224), (283),  
(327), (335), (348), (353), (355), (364),  
(365), (388), (126).  
белак – (422).  
бож – (228).  
боскок – (65).  
бошламиш (бошламишй, бошлат-  
мишй) – (198), (219), (220), (272),  
(329), (332), (338), (341), (126).  
букик – (424), (425).  
булгок – (131).  
булговул – (425).  
булгомиший – (230), (248), (267), (345).  
булгошмиший – (328).  
булжор – (235), (265), (293), (313), (333),  
(335), (343), (346), (373), (379), (423).  
вакф – (279), (282), (283).  
говсипар – (346).  
девон – (202), (234), (275), (299),  
(431), (19), (65), (66).  
девоний мол – (240).  
динор – (201), (234), (264), (265).  
дирхам – (201).  
доруга – (219), (235), (295), (306),  
(319), (422).  
ёйломиший – (325).  
елкомиший – (413).  
ём – (288).  
ёргу – (299).  
ёрлик – (130).  
ёсо, (ёсок, ясок) – (204), (207), (222),  
(243), (258), (274), (275), (281), (289),  
(298), (323), (333), (336), (341), (346),  
(355), (369), (370), (382), (388), (395),  
(396), (402), (415), (92), (95), (99), (118),  
(125), (128).  
ёсокий – (394).  
ёсокчи – (323).  
ёсол – қаранг: ясол.  
ётугон – (403).  
жавонгор – (220), (223), (224), (283),  
(327), (348), (349), (364), (365), (377),  
(388), (125), (126).  
жарга (жирга) – (221), (292), (325),  
(337), (366), (398), (422), (423),  
(429).  
жиба – (346).  
жор – (292), (310), (322), (128).  
жуяз – (228).  
жулду – (416).  
жүчин – (431).  
зантози – (168).  
зархарид – (246), (247).  
илгор – (248), (269), (314), (324),  
(333), (335), (346), (347), (350), (352),  
(356), (363), (365), (367), (379), (385),  
(397), (168).  
иктоъ – (376), (410), (414), (416).  
йировчи – (403).  
йўжин – (399).  
йўусун – (222).  
кадхудо – (213).  
калонтар – (257), (258), (261).  
кананак – (223).  
кечка – (229), (239), (267), (347),  
(354), (364).  
кечомиший – (375), (419).  
кешик – (200).  
кешиктон – (199).  
кибтелега – (428).  
кориз – (316).  
курон – (239), (240), (268), (304),  
(309), (322), (346), (405), (418).  
кутвол – (311), (316), (324), (329),  
(333), (358), (360), (378), (396), (430).

күтәлчи – (311).  
мавқаб – (414), (434), (124).  
маймана – (371).  
майсара – (371).  
манглой – (205), (206), (217), (218), (219), (222), (226), (236), (246), (247), (249), (250), (254), (256), (259), (268), (272), (282), (283), (294), (311), (320), (328), (342), (352), (353), (375), (397), (412), (413), (414), (415), (124).  
манжаник – (305), (378), (381), (393).  
мол – (257), (282), (292), (427), (18), (20), (65), (66).  
моли омон(ий) – (330), (336).  
мухандис – (305), (316), (393), (397).  
мухассил – (65).  
мукарриб – (209).  
мунчи – (365).  
мурчол (мулжор, малжовар) – (284), (304), (321), (323), (361), (369), (378), (381), (393), (431).  
мучо – (388).  
мушак – (284).  
надим – (199).  
нарга – (221).  
наълбаҳо – (2020), (336), (371).  
никовул (никол) – (329), (332), (343).  
никомиший – (328), (339), (340), (356), (365), (377), (384), (422).  
номус (номун) – (131).  
олишиший – (314).  
оғо улуги – (125).  
олғормиший – (296), (321).  
пешкаш – (2020), (212), (213), (282), (315), (350), (358), (414), (128).  
раъд – (305), (381).  
савсан – (414).  
салмиший – (349).  
сарабдор – (158), (159).  
соврин – (314), (402), (414), (128), (159).  
сон – (222), (344).  
султоний жанг – (306).  
сучи – (401).  
суюргой – (380).  
суюргол – (206), (209), (222), (292), (318), (335), (350), (358), (65).  
тавочи – (293), (304).  
тайёра – (316).  
такомиший (такомиший) – (198), (260), (118), (124).  
талошиший – (298).  
танқол (тунқол) – (222), (289), (292), (304), (99).  
тарқол – (246), (253), (341).  
тахш – (381), (390).  
тағор – (314), (358), (360), (424), (430).  
тешмиший – (299).  
тузку – (414).  
туман (күшин) – (304), (319), (327), (344), (347), (349), (365), (402), (405), (132).  
туман (нохия) – (206), (208), (350), (374), (416), (94).  
туман (сон) – (202), (262), (280), (370), (382), (391), (132).  
тусқол (тусковул) – (268).  
тўра – (206), (291), (319), (332), (388), (402), (403), (93), (99), (125), (131).  
удайчи – (317).  
удрутмиший (урдутмиший) – (242), (269), (424).  
үйғулон – (204), (327).  
укулка – (292), (297), (346).  
улус – (208), (210), (426), (427), (92), (94), (95), (97), (98), (100), (101), (102), (117), (121), (125), (130), (131), (132).  
улуфа – (212), (247).  
уромиший – (417).  
ушр – (200).  
фидойи – (353).  
харак – (310).  
харвор – (201).  
хирож – (222), (228), (257), (292), (412), (18), (19), (66).  
хоразмий (пул бирлиги) – (202).  
чан(г)довул – (266), (322), (327).  
чапар – (268), (284), (310), (313), (317), (322), (378).

- чарғоланг – (263), (324), (326), (351),  
 (356), (367), (404), (434), (124).  
 чарх – (273), (284).  
 чөгламиший – (347).  
 чопкин – (273), (294), (296), (302),  
 (329), (332), (353), (358), (374), (379),  
 (389), (410), (420).  
 чопкинчи – (249), (295), (298), (378),  
 (410).  
 чухра – (203).  
 шабғир – (219), (237), (243), (244), (246),  
 (248), (251), (267), (270), (342), (419).  
 шабихун – (238), (241), (242), (269),  
 (291), (309), (321), (322), (327), (339),  
 (383), (425).  
 шидарғы – (403).  
 шүнқор күлмөк – (199).  
 шундуломиший – (283).  
 эгирмиший – (328).  
 юрт – (284), (321), (329), (366).  
 юргчи – (311).  
 яйлоқ (ёйлоқ) – (200), (213), (214), (226),  
 (261), (324), (325), (380), (384), (391).  
 янамиший – (240).  
 ярғу – (411).  
 ярок – (347), (366), (397).  
 ясовул – (402).  
 ясол (ёсол) – (218), (220), (226), (229),  
 (245), (252), (283), (284), (290), (291),  
 (297), (314), (349), (354), (364), (365),  
 (370), (376), (377), (388), (402), (412),  
 (415), (419).  
 ўрду – (199), (201), (209), (233), (234),  
 (295), (333), (336), (345), (360), (361),  
 (366), (378), (380), (383), (391), (396),  
 (397), (399), (401), (410), (411), (412),  
 (417), (418), (430), (432), (434), (51),  
 (93), (94), (125).  
 ўрон – (426).  
 ўймок – (97).  
 ўғрук – (237), (256), (258), (268),  
 (291), (326), (328), (331), (332), (335),  
 (344), (352), (357), (358), (360), (377),  
 (379), (382), (385).  
 қабчур – (200).  
 қадага – (373).  
 қайтул – (266).  
 қалб (қалбгоҳ – күшин марказы) –  
 (371), (377).  
 қамарға – (322), (338), (343), (344),  
 (349), (372), (381), (422), (132).  
 қанбул – (223), (224), (283), (327),  
 (348), (364), (365), (388), (419), (125).  
 қароутро – (305).  
 қарочу – (206), (125).  
 қишилок (қишлиш жойи) – (200), (240),  
 (250), (255), (261), (269), (312), (324),  
 (366).  
 қишлоомиший – (222), (250), (324).  
 қозок – (102).  
 қозоклик – (87).  
 қоровул – (217), (218), (219), (241), (243),  
 (244), (245), (248), (252), (269), (272),  
 (285), (290), (326), (327), (328), (333),  
 (337), (344), (345), (346), (347), (354),  
 (375), (377), (384), (415), (418), (124).  
 қули – (222), (292).  
 қуловуз – (205), (426), (50), (118).  
 қумормиший – (221).  
 қурутой – (291), (292), (306), (361),  
 (409), (431), (51), (92).  
 құзғолмиший – (419).  
 құл – (223).  
 құруқ – (233), (318).  
 құрчи – (430).  
 құшун – (219), (224), (226), (244),  
 (245), (304), (306), (315), (319), (330),  
 (331), (346), (347), (355), (364), (417).  
 ғажарчи – (212), (296), (344).  
 ғул – (220), (223), (230), (244), (245),  
 (246), (248), (249), (254), (270), (272),  
 (282), (294), (320), (327), (337), (347),  
 (348), (349), (354), (355), (364), (365),  
 (377), (383), (388), (397), (416), (125),  
 (126).  
 ҳазора (минглик) – (304), (118).  
 ҳаражу мараж (19).  
 ҳировчи – (401).  
 ҳировул – (220), (223), (242), (269),  
 (283), (308), (348), (364), (419), (124).

- ажам – (280), (115).  
 араб – (278), (280), (356), (379), (380),  
 (115).  
 арман – (385).  
 ағжоб – (333).  
 бадахшонлик – (256), (257).  
 барлос – (204), (206).  
 бағдодлик – (381), (382).  
 болғачи – (366).  
 борин – (124).  
 буролдой эли – (218), (341).  
 гуржи – (333), (374), (385), (393),  
 (394).  
 дурбон (дурон) ҳазораси – (240), (269).  
 жалайир – (197), (204), (240), (269),  
 (298), (399).  
 жоникурбон – (307), (318), (121).  
 лур – (50).  
 макрит – (393), (394).  
 мозандаронлик – (313), (328), (352).  
 момукту – (366).  
 мүтүл – (198), (201), (203), (205),  
 (206), (208), (209), (210), (216), (217),  
 (219), (220), (222), (223), (225), (226),  
 (227), (229), (230), (231), (232), (235),  
 (241), (247), (248), (249), (250), (251),  
 (254), (255), (261), (269), (270), (271),  
 (296), (297), (298), (308), (336), (338),  
 (343), (401), (403), (410), (411), (413),  
 (416), (419), (420), (425), (51), (66),  
 (101), (124), (125), (126), (127), (128),  
 (130), (131), (132).  
 найман – (204), (273).  
 озарий – (400).  
 остуркий – (51).  
 ок күйөнли туркман – ((357).  
 око ҳазораси – (324).  
 румлик – (388), (389).  
 рус – (400), (98).  
 рустамдорлик – (396).  
 самарқандлик – (227), (230), (231).  
 сейстонлик – (215), (321), (322), (122).  
 сиёхпуш – (367), (368).  
 сұлдуз – (197), (204), (349).  
 табризлик – (168).  
 татар – (391), (396).  
 тожик (тозик) – (227), (230), (256),  
 (261), (308), (343), (402), (100).  
 тонггут – (333).  
 түрк – (205), (225), (227), (256), (261),  
 (280), (326), (343), (401), (402), (403),  
 (115).  
 туркман – (211), (3030), (335), (357),  
 (358), (379), (120), (121), (168), (169).  
 түкмоклик – (342).  
 уйғур – (329).  
 фаранг – (388), (389), (390).  
 форс – (278), (325), (326), (336), (354),  
 (355).  
 хазар – (393).  
 хоразмлик – (201), (262), (303), (305).  
 хурсонлик – (211), (238), (309).  
 чаловий – (397), (398).  
 чигатай – (256), (257), (265), (308),  
 (309), (321), (326), (328), (331), (348),  
 (349), (355), (365), (375), (376), (377),  
 (379), (380), (382), (383), (386), (388),  
 (394), (420), (65), (124), (126).  
 яғочқабаклы – (358).  
 ясовур – (197), (235), (240), (266).  
 ўзбек – (364), (365), (424), (98), (100).  
 қадоқ (казок?) – (416).  
 қайток – (363).  
 қалоғой – (158).

кора күюнли туркман – (357), (358).  
кораунос – (197), (204), (243), (244),  
(245), (247), (249), (250), (251), (269),  
(270), (271), (283), (284), (123).

күнгүрот – (96).  
ғозижумик – (366).  
хазора – (262).  
хинди (хиндистонлик) – (370), (371).



## МУНДАРИЖА

«МУНТАХАБ УТ-ТАВОРИХИ МУИНИЙ»ДА АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИННИГ ЁРИТИЛИШИ ( <i>Г. Каримий</i> ) .....	3
МОВАРОУННАХРДА ИСЁН КҮТАРГАН АМИРЛАР ТАБАҚАСИ .....	44
АМИР ҚАЗАГОН ЗИКРИ .....	46
АМИРЗОДА АБДУЛЛАНИНГ ТАХТТА ЧИҚИШИ .....	50
АМИР БАЁН СУЛДУЗ ЗИКРИ .....	51
ПОДШОХ ТҮФЛУҚТЕМУРНИНГ ҚАЙТА КЕЛИШИ .....	55
АМИР ҲУСАЙН АМИРЛИГИ КИССАСИ .....	64
ЛОЙ ЖАНГИ КИССАСИ .....	65
САМАРҚАНД САРБАДОРЛАРИ КИССАСИ .....	68
АМИР ҲУСАЙННИНГ МОВАРОУННАХРДИ ҚАЙТА ЭГАЛАГАНЛИГИ КИССАСИ .....	72
СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ИЛК БОР ИСЁН КҮТАРМОГИ КИССАСИ .....	74
СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ АМИР ҲУСАЙН МАНГЛОЙИ БИЛАН ЖАНГ КИЛГАНИ КИССАСИ .....	83
АМИР ҲУСАЙННИНГ ЎЗИ СУЛТОН СОҲИБҚИРОН ҚАСДИДА ОТЛАНГАНИ КИССАСИ .....	84
СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ АМИР ҲУСАЙН ОЛДИГА БОРГАНИ ВА УЛАРНИНГ МУЛОКОТИ КИССАСИ .....	87
АМИР ҲУСАЙН ВА СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ БАДАХШОНГА ЖЎНАШЛАРИ ВА БУ ЮРИШДА СОДИР БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР КИССАСИ, ВАССАЛОМ .....	88
ШАЙХ МУҲАММАД БАЁН ВА КАЙХИСРАВНИНГ АМИР ҲУСАЙНГА ЁГИЙ БЎЛИШГАНИ КИССАСИ .....	90

ЧИНГИЗХОН УРУГИ ҚҮЛИДАН САЛТАНАТНИ ЗҮРЛИК БИЛАН ҮЗ ТАСАРРУФИГА ОЛГАН МОВАРОУННАХР АМИРЛАРИ ТАБАҚАСИ.....	92
АМИР ҚАЗАГОН СИЙРАТИ ЗИКРИ .....	92
АМИРЗОДА АБДУЛЛА ИБН АМИР ҚАЗАГОН СИЙРАТИ ЗИКРИ .....	93
АМИР БАЁН СУЛДУЗ СИЙРАТИ ЗИКРИ .....	93
АМИР ҲУСАЙН ИБН МУСАММИ ИБН АМИР ҚАЗАГОН СИЙРАТИ ЗИКРИ .....	94
 ҲАЗРАТ СУЛТОН СОҲИБҚИРОН ТАБАҚАСИ: УНИНГ ТАРТИБИ, АҲВОЛИ ВА ХИСЛАТЛАРИ ҲАҚИДА ХАБАРЛАР .....	101
АМИР СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТ ТАХТИГА ЧИҚҚАНДАН СҮНГ РЎЙ БЕРГАН ЖАМИ ФАТҲУЛАР ЗИКРИ .....	110
АМИР МУСО ҲИКОЯСИ ВА ЖОНИКИНИНГ УНИ ТОПИБ КЕЛТИРИШГА БОРГАНИ .....	112
АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ҚУРИЛТОЙ ЧАҚИРГАНИ ҚИССАСИ ВА ЗИНДАҲАШАМНИНГ УЛУҒ ҚУРУЛТОЙГА КЕЛИШДАН БОШ ТОРТГАНИ.....	113
ЗИНДАҲАШАМНИНГ ТЕРМИЗ ХОНЗОДАСИ БИЛАН ИТТИФОҚЛИКДА ИККИНЧИ МАРОТАБА ЁГИЙ БЎЛГАНИ ҚИССАСИ.....	115
СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ БИРИНЧИ БОР МЎҒУЛИСТОН ТАРАФГА БОРГАНИ ҚИССАСИ .....	116
КЕБЕКТЕМУРНИНГ ЁГИЙ БЎЛГАНИ ВА АМИРЛАРНИНГ УНИНГ УСТИГА ЮРИШ ҚИЛГАНИ ҚИССАСИ .....	117
АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ МАРОТАБА МЎҒУЛИСТОНГА ЮРИШ ҚИЛГАНИ ҚИССАСИ .....	118
МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН КЕШИЙНИНГ ХОРАЗМ АМИРИ ҲУСАЙН СЎФИ ОЛДИГА ЭЛЧИ БЎЛИБ БОРГАНИ ҚИССАСИ, ВАССАЛОМ .....	120
СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ХОРАЗМГА ОТЛАНГАНИ ВА У МАМЛАКАТНИ ОЗОД ҚИЛГАНИ ЗИКРИ .....	121
СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ХУРОСОН ФАТҲИГА ОТЛАНГАНИ ВА УЛ МАМЛА- КАТ ҲУКУМАТИНИ АМИРЗОДА МИРОНШОХГА НОМЗОД ҚИЛГАНИ ЗИКРИ.....	124
СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ МАРТА ХУРОСОН ТАРАФГА Жўна- ГАНИ ЗИКРИ.....	127
СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ СЕЙСТОН ТАРАФГА ОТЛАНГАНИ ВА У МАМЛАКАТ- НИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШ ТАФСИЛОТЛАРИ ЗИКРИ .....	131
СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ МОЗАНДАРОН ТАРАФГА ОТЛАНГАНИ ВА У МАМЛАКАТНИНГ ФАТҲ ҚИЛИНГАНИ ЗИКРИ .....	135

ТҮҚМОҚ ЛАШКАРИИНГ КАМАРИДДИИ ИГВОСИ БИЛАН МОВАРОУННАХРГА КЕЛГАНИ ВА ЎЗГАНД ВИЛОЯТИДА МҮГУЛЛАР ҲАРАКАТИ ТУФАЙЛИ РҮЙ БЕРГАН ФИТНА ЗИКРИ .....	142
СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ХОРАЗМГА ОТЛАНИШИ ВА ТҮХТАМИШНИНГ ТУРКИСТОНГА КЕЛИБ МАҒЛУБ БЎЛИШИ ТАФСИЛОТЛАРИ ЗИКРИ ҲАМДА УШБУ МУДДАТДА РҮЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ .....	144
СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ИЛК БОР ДАШТИ ҚИПЧОҚ ТОМОНГА ОТЛАНГАНИ ВА УЛ МУБОРАК ФАТҲ ТАФСИЛОТЛАРИ ЗИКРИ .....	147
СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ЯНА БИР БОР ЭРОН МАМЛАКАТИ ФАТҲИ УЧУН ОТЛАНГАНИ ЗИКРИКИМ, УНИ БЕШ ЙИЛЛИК ЮРИШ ДЕБ АТАЙДИЛАР.....	151
БАҒДОД ТАРАФГА ОТЛАНИШ ҚИССАСИ ҲАМДА УНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИ .....	154
СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ДИЁРБАКР ТАРАФГА ОТЛАНИШИ ВА БУ ҮЛКАНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ .....	155
АМИРЗОДА УМАРШАЙХНИНГ ФОРС МАМЛАКАТИДАГИ АҲВОЛИ ЗИКРИ ВА УНИНГ ШАҲИД БЎЛИШИ .....	157
СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ БОР ДАШТИ ҚИПЧОҚ МАМЛАКАТИНИ ФАТҲ ЭТИШГА ОТЛАНГАНИ ЗИКРИ .....	159
СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ҲИНД ДИЁРИНИ ФАТҲ ЭТИШГА ОТЛАНГАНИ ЗИКРИ .....	161
СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ШОМ ВА РУМ ТАРАФГА ОТЛАНИШИ ЗИКРИКИ, У ЕТТИ ЙИЛЛИК ЮРИШ НОМИ БИЛАН МАШХУРДИР.....	164
ЙИЛДИРИМ (БОЯЗИД)НИНГ ОЗАРБАЙЖОН ТАРАФГА ОТЛАНИШИ ВА ОРҚАГА ЧЕКИНИШИ ЗИКРИ .....	171
СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ РУМ МАМЛАКАТИ ТОМОНГА ОТЛАНИШИ САБАБИ ВА У ДИЁРНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ.....	173
СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ГУРЖИСТОН ВА АБХОЗ ҮЛКАЛАРИНИНГ ФАТҲ ЭТИШГА ОТЛАНГАНИ ЗИКРИ.....	177
ИСКАНДАР ШАЙХИЙНИНГ ИТОАТСИЗЛИГИ САБАБИ ВА РУСТАМДОР МАЛИКЛАРИНИНГ ҚАТЛ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ .....	179
ҲАЗРАТИ СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ДОРУССАЛТАНА САМАРҚАНДГА КЕЛИБ ТУШИШИ ВА ШУНДАН СҮНГ БЎЛГАН КАТТА ТҮЙЛАР ЗИКРИ .....	181
СУЛТОН СОХИБҚИРОННИНГ ХИТОЙ МАМЛАКАТИГА ОТЛАНГАНИ ВА ҲАҚ РАҲМАТИГА ЭТИШГАНИ ЗИКРИ .....	184

## ИЛОВА I: "МУНТАХАБ УТ-ТАВОРИХИ МУИНИЙ"НИНГ ЛОНДОНДА САҚЛАНАЁТГАН ҚҮЛЛЁЗМА НУСХАСИДАГИ АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИГА ОИД КЎШИМЧА ФАСЛЛАР

СУЛТОНИ ГОЗИЙНИНГ ЖАҲОНГИРЛИГИ ШАРҲИ ВА ҚОЗОНГАН ГАЛАБА-ЛАРИ ЗИКРИ .....	186
СУЛТОНИ ГОЗИЙНИНГ МЎҒУЛ ТАРАФГА ОТЛАНГАНИ ВА ЗИНДАҲАШАМНИНГ КАТЛ ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИ ЗИКРИ .....	187
СУЛТОНИ ГОЗИЙНИНГ ИЛК МАРОТАБА ХОРАЗМГА ОТЛАНГАНИ ЗИКРИ .....	188
СУЛТОНИ ГОЗИЙНИНГ ИККИНЧИ МАРТА МЎГУЛИСТОНГА ЮРИШ ҚИЛГАНИ ЗИКРИ .....	189
ОДИЛШОҲ ЖАЛОЙИР ВА СОРИБУГОНИНГ МУХОЛИФАТ ҚИЛГАНИ САБАБИ ВА УЛАР АХВОЛИНИНГ ХОТИМАСИ ЗИКРИ .....	190
АМИРЗОДА УМАРШАЙХНИНГ АНДИГОН ДОРИЛМУЛКИ ҲОКИМЛИГИГА ТАЙИНЛАНГАНИ ВА КАМАРИДДИННИГ УШБУ НОҲИЯДА ҚЎЭЗАТГАН ФИТНАСИ ЗИКРИ .....	191
АМИРЗОДА УМАРШАЙХНИНГ КОШГАРНИ ФАТҲ ҚИЛГАНИ ЗИКРИ .....	192
АМИРЗОДА УМАРШАЙХНИНГ КАМАРИДДИН УСТИГА ЮРИШИ ВА АБОКУМ МУХОРАБАСИ ЗИКРИ .....	193
СУЛТОНИ ГОЗИЙНИНГ ТЎХТАМИШГА ҚИЛГАНИ ЯҲШИЛКЛАРИ ВА УНИНГ БУЛАР ЭВАЗИГА КЎРНАМАҚСИК ҚИЛГАНИ ҲАМДА СУЛТОН ВА УРУСХОН ЎРТАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЖАНГУ ЖАДАЛЛАР ЗИКРИ .....	194
СУЛТОНИ ГОЗИЙНИНГ ХОРАЗМГА ОТЛANIШИ ВА УЛ МАМЛАКАТНИНГ ОЗД ҚИЛИНИШИ .....	198
АМИРЗОДА УМАРШАЙХНИНГ ФОРС МУЛКИДАГИ АҲВОЛИ ВА ШАҲИД БЎЛГАНИ ЗИКРИ .....	199
СУЛТОН ИСКАНДАРНИНГ УЛУФ ЎРДУГА КЕЛИШИ ВА УЛ ҲАЗРАТНИНГ ХИТОЙ ВА МЎГУЛИСТОН САРҲАДЛАРИНИ МУХОФАЗА ЭТИШГА НОМЗОД ҚИЛИНИШИ ЗИКРИ .....	202

## ИЛОВА II: АСАРНИНГ БОШҚА СУЛОЛАЛАР ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН АЙРИМ ТАБАҚА (БОБ)ЛАРИДАГИ АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

ҲУРМУЗ МАЛИКЛАРИ ТАБАҚАСИ .....	205
ЮСУФШОҲ ИБН КУТБИДДИН ЗИКРИ .....	205
БАҲМАНШОҲ ИБН ЮСУФШОҲ ЗИКРИ .....	205

МУҲАММАДШОҲ ИБН БАҲМАНШОҲ ЗИКРИ .....	206
БАҲМАНШОҲ ИБН МУҲАММАДШОҲ ЗИКРИ .....	206
<b>ЛЮРИСТОН МАЛИКЛАРИ ТАБАҚАСИ: КАТТА ЛУР ОТАБЕКЛАРИ</b>	
ОТАБЕК АҲМАД ЗИКРИ .....	207
<b>КИЧИК ЛУР МАЛИКЛАРИ</b>	
МАЛИК ИЗЗИДДИН ЗИКРИ .....	209
<b>ЖЎЖИХОН АВЛОДЛАРИ ТАБАҚАСИ</b>	
УРУСХОН ИБН ЧИМБОЙ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ .....	210
ТЕМУРБЕКХОН ИБН МУҲАММАДХОННИНГ ТАХТГА ЎТИРИШИ ЗИКРИ .....	211
ТЎХТАМИШ ИБН ТЎЙХОЖА ЎҒЛОННИНГ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ .....	212
ТЕМУРҚУТЛУГХОН ИБН ТЕМУРБЕКХОН ИБН МУҲАММАД ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ .....	214
ШОДИБЕКХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ .....	214
ТЕМУР СУЛТОН ИБН ТЕМУРҚУТЛУГ ИБН ТЕМУРБЕК ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ .....	214
ЖАЛОЛИДДИН СУЛТОН ИБН ТЎХТАМИШ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ .....	215
ЧОКИРА ЎҒЛОН (ПОДШОҲЛИГИ) ЗИКРИ .....	216
ЖАББОРБЕРДИ ЗИКРИ .....	216
<b>ЧИҒАТОЙ УРУГИ ТАБАҚАСИ</b>	
ТУҒЛУКТЕМУРХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ .....	217
ИЛЁСХОЖА ЎҒЛОН ИБН ТУҒЛУКТЕМУР ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	222
КОБУЛШОҲХОН ИБН ЖАНКИШИЙ ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	225
СУЮРҒОТМИШХОН ИБН ДОНИШМАНДЧАХОН ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	225
СУЛТОН МАҲМУД ИБН СУЮРҒОТМИШХОН ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	225
ХИЗРХОЖА ЎҒЛОН ИБН ТУҒЛУҚХОН ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	226
ШАМЪИ ЖАҲОН ИБН ХИЗРХОЖА ЎҒЛОН ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	227
МУҲАММАД ЎҒЛОН ИБН ХИЗРХОЖА ЎҒЛОН ИБН ТУҒЛУКТЕМУРХОН ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	228
<b>ИЛОВА III: АСАРНИНГ ИККИНЧИ ТАҲРИРИДАГИ АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИГА ОИД БАЪЗИ ҚЎШИМЧА МАҶЛУМОТЛАР</b>	
<b>ТУҒОТЕМУРИЙЛАР ТАБАҚАСИ</b>	
ТУҒОТЕМУРХОН ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	230
ЛУҚМОН ПОДШОҲ ИБН ТУҒОТЕМУРХОН ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	230

(166) ШАЙХ ҲАСАН БУЗУРГ АВЛОДЛАРИ ТАБАҚАСИ	
УВАЙС ИБН ШАЙХ ҲАСАН БУЗУРГ ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	231
СУЛТОН ҲУСАЙН ИБН ШАЙХ УВАЙС ИБН ШАЙХ ҲАСАН ҲУКМРОНЛИГИ	
ЗИКРИ .....	231
АҲМАД ИБН ШАЙХ УВАЙС ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	232
ТОҲИР ИБН АҲМАД ИБН УВАЙС СИЙРАТИ ЗИКРИ .....	232
АЛОУДДАВЛА ИБН АҲМАД ИБН УВАЙС СИЙРАТИ ЗИКРИ .....	233
МАҲМУД ИБН ВАЛАД ИБН ШАҲЗОДА ШАЙХ ИБН УВАЙС СИЙРАТИ	
ЗИКРИ .....	233
МУҲАММАД МУЗАФФАР АВЛОДЛАРИ ТАБАҚАСИ	
СУЛТОН ЗАЙНУЛОБИДИН ИБН ШОҲ ШУЖОЪ ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	234
ШОҲ ЯҲЁ ИБН ШОҲ МУЗАФФАР ИБН МУҲАММАД МУЗАФФАР ҲУКМРОНЛИГИ	
ЗИКРИ .....	235
СУЛТОН АҲМАДНИНГ КИРМОНДА ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	235
ШОҲ МАНСУР ҲУКМРОНЛИГИ ЗИКРИ .....	235
МУҶТАСИМ ИБН ЗАЙНУЛОБИДИН ИБН ШОҲ ШУЖОЪНИНГ ҲАЁТИ	
ЗИКРИ .....	236
<b>КЎРСАТКИЧЛАР</b>	
ШАҲС НОМЛАРИ .....	237
ГЕОГРАФИК НОМЛАР .....	245
ТАРИХИЙ ИСТИЛОҲ ВА АТАМАЛАР .....	251
ЭТНИК НОМЛАР .....	254

Илмий-оммабол нашр

**Муиниддин Натанзий**

**Мунтажаб ут-таворихи Муиний  
(Муиний тарихлари танланмаси)**

Мухаррир *A. Шеров*

Бадий мухаррир *P. Зуфаров*

Техник мухаррир *T. Харитонова*

Мусаххих *Ш. Орирова*

Компьютерда тайёрловчи *Г. Кулназарова*

Нашр. лицензияси А1 158. 14.08.09. Босишига рухсат этилди 10.01.2011.  
Офсет қоғози. Бичими  $60 \times 90 \frac{1}{16}$ . Таймс гарнитурада оффсет усулида босилди.  
Шартли б.т. 16,5. Нашр т. 16,93. Адади 3000 нусха.  
Буортма № 09-9

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

**Натанзий, Муиниддин**

Н 29

Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муиний тарихлари танланмаси)  
/ Муиниддин Натанзий; форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар  
муалифи F. Каримий; масъул мухаррир A. Уринбоев. – Т.: O'zbekiston,  
2011. – 264 б.

ISBN 978-9943-01-631-6

УДК: 94 (575)

ББК 63.3 (5Ў)4






+90

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-631-6



9 789943 016316